

«Да Винчи Коди» ҳамда «Фаришталар ва Шайтонлар»  
асарлари муаллифи

18+

# ДЕН БРАУН



## РАКАМЛИ КАЛГА

Үлим барча сирларға ойдиналик киритади...

Ден Браун

РАҚАМЛИ  
**КАЛЪА**

Иккинчи нашр



**УЎК 821.111(73)-31**

**КБК 84(7АҚШ)**

**Б-91**

· Браун, Ден.

Рақамли қалья [Матн] : роман / Д. Браун ; таржимон О. Гуломова. - Тошкент : NIHOL, 2019. - 480 б.

**УЎК 821.111(73)-31**

**КБК 84(7АҚШ)**

**ISBN 978-9943-23-148-1**

Кўлингиздаги китоб замонавий жаҳон адабиётининг энг машҳур ёзувчиларидан бири, бутун дунё бўйлаб 300 миллиондан ортиқ нусхада китоб сотган Ден Брауннинг “Рақамли қалья” романидир. Ушбу роман Ден Брауннинг илк романи бўлиб, бу асари билан ёзувчи дунёга машҳур бўлиб кетади. Бугунги кунда Ден Браун “New York Times” нашри томонидан бир неча бор дунёнинг энг машҳур 100 инсони сифатида эътироф этилган. Унинг асарлари бестселлерлар рўйхатида биринчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Ден Браун дунёда энг кўп даромад қиласиган ёзувчилардан бири ҳисобланади.

«Рақамли қалья» романи 1998-йилда ёзилган. Ёзувчи асарининг ёзилишига ҳаётда ўзи гувоҳ бўлган воқеалар сабаб бўлади.

Асарда рақамли хавфсизлик, ватан хавфсизлиги йўлида ишлайдиган жасур шахсларнинг ҳаёти, улар учрайдиган хавф масалалари кўтарилиган. Ушбу асарда ҳам ватанпарварлик, ҳам эҳтиросли севги, ҳам қизиқарли маълумотлар, ҳам сизни ўз дунёсига саёҳат қилдирадиган ажойиб сюжетни топасиз. Асар воқеалари АҚШ, Испания, Япония каби мамлакатлар худудида ўтиши, воқеаларнинг тез ва кутилмаган ривожи сизни ўзига мафтун қиласи ва ўзбек китобхонларига маъкул бўлади деб умид қиласиз.

**ISBN 978-9943-23-148-1**

© “Offset print” МЧЖ,  
“Nihol” нашриёти, 2019 й.

## **Муқаддима**

*Испан майдони  
Севилья, Испания  
11:00*

«Ўлим барча сирларга ойдинлик кирилади...» Энзай Танкадо бу сўзларнинг айни ҳақиқат эканлигини жуда кеч англади. Оғриқдан кўксини чангаллаганча ерга қулар экан, қандай мудҳиш хатога йўл қўйганини тушуниб етди.

Ўзи томонга ёрдам учун ёпирилиб келаётган оломонни элас-элас илғаган Танкадо мажолсиз бармокларини юқорига кўтарди ва сўнгги кучини тўплаб, «Қўлларимга қаранглар, қўлларимга...» дея пичирлади. Бироқ унинг қуруқшаган лабларидан чиккан бу сасни ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади.

Андалузиянинг тонгги Куёши нурлари остида бармоғида товланаётган узукка нур сўнаётган кўзларини тикаркан, Энзай Танкадо эртанги тонгни кўриш унга насиб этмаслигиги сезиб, киприкларини оҳиста юмди. Корачиқларига тўплашиб қолган чексиз изтироб ила унинг жони ҳеч кимга вафо қилмаган бу фоний дунёни тарк этди.

## **Биринчи боб**

«Менга турмушга чиқасанми, жонгинам?»

Мехмонхона балконидан олис тоғларга термулганича ўйлар оғушига ғарк бўлган Сьюзаннинг хаёлларини Девиднинг қулоги остида шивирлаб айтган сўзлари тўзгитиб юборди. Ҳаяжон ичра йигитнинг муҳаббат уфуриб турган мовий кўзларига тикиларкан, Сьюзан бутун ҳаётини бағишлиши мумкин бўлган инсон рўпарасида турганини ҳис килиб, юраги ҳапқириб кетди. Дил розини билдиришга чоғланган маҳалида бехос жиринглаган телефон аппаратининг товушидан чўчиб ортига каради. Кўзи билан телефонни хонадан ахтариб тополмагач, ҳайрон бўлганича савол сўраш илинжида Девидга ўгирилди. Лекин ҳозиргина кучоғида турган йигит аллақаерга гойиб бўлганди.

Ҳамон жиринглаётган телефон кўнғироғи Сьюзан Флетчерни уйқудан бутунлай уйғотиб юборди. Ўрнидан туриб, эснаганча каравотга ўтирас экан, Сьюзан кўрганлари аслида туш эканини ўйлаб, бир муддат ширин энтиқди ва эринчоклик билан гўшакни кўтарди:

– Эшитаман, ким бу?

– Сьюзан, азизам, бу мен, Девидман. Уйғотиб юбормадимми сени?

Ошиғининг овозини эшитиб, Сьюзаннинг юзига майин табассум югорди:

– Ҳозиргина сизни тушимда кўраётган эдим, Девид. Қачон кўришамиз? Балки ҳозир келарсиз?

Девид кулиб юборди:

– Сьюзан, ахир ташқари қоп-коронғу бўлса, ҳали тонг отмади-ку ҳатто.

– Ммм... – Сьюзан маъноли томоқ қириб қўйди. – Айнан шунинг учун ҳам ҳозироқ келишингиз керак ёнимга. Йўлга чиққунча ухлаб олишга вақтимиз бор ҳалиям, азизим.

Гўшақдан Девиднинг чукур хўрсингани эшитилди:

– Сьюзан, гапимни эшит. Айнан сафаримиз масаласида кўнғироқ қиляпман. Мен... мен уни кечиктиришимга тўғри келади.

– Нима?!

Девиднинг гапидан кейин Сьюзаннинг кўзлари мошдек очилиб, уйкуси бутунлай ўчиб кетди.

– Кечир, кечир мени. Зудлик билан шаҳардан жўнаб кетишим керак, иш юзасидан. Лекин узок муддатга эмас. Эртагача қайтаман. Эртага тонгда йўлга чиқсан ҳам икки кунимиз бўларкан. Ҳечдан кўра яхши-ку бу, нима дейсан, Сьюзан?

– Лекин мен аллақачон ҳамма нарсага буюртма бериб кўйганман... Чипталар, меҳмонхона... Ҳаммаси бекор бўладими энди? – деди Сьюзан овози титраб, йиғлаб юбормаслик учун лабини тишларкан.

– Биламан, Сьюзан, ҳолатингни ҳис қиляпман, лекин...

– Бугун биз учун унутилмас кун бўлиши керак эди, ахир унаштирилганимизга олти ой тўлади бугун, Девид, эсингизда борми ўзи бу?

– Сьюзан, – Девид чуқур уҳ тортди. – Ҳозир узок гаплашолмайман сен билан, ташқарида машина кутиб турибди, кетишим зарур. Сенга самолётдан кўнғироқ қиласман ва ҳаммасини тушунтираман. Сабр қил, илтимос.

– Нима? Самолёт? Яна қанака самолёт? Узокка кетяпсизми? Нималар бўляпти ўзи, Девид? Университетингиз бил...

– Бу университет билан боғлиқ эмас, – Сьюзаннинг гапини бўлди Девид. – Айтяпманку, кейинроқ кўнғироқ қиласман ва ҳаммасини тушунтираман деб. Ҳакиқатан ҳам кетишим керак, улар мени чакиришяпти. Алоқада бўлиб турамиз, ваъда бераман. Илтимос, хавотирланма.

– Девид, жин урсин, нима гап ўзи...

Сьюзан бакирди, лекин гапини охирига етказолмади, чунки эшитилаётган қиска-қиска товушлар Девид аллақачон телефонни ўчирганини билдиради.

Тушумовчилик ва саволлар гирдобида уйкуси бутунлай қочган Сьюзан Флетчер Девиднинг кайта кўнғироқ килишини кутиб соатлаб жойидан жилмади. Аммо телефон кайтиб жирингламади.

\* \* \*

Сьюзан тушлиқдан сўнг ваннада ғамгин ўтиаркан, атрофида сузуб юрган қўпикларни паришонхотирлик билан ўйнаб, бугунги режалари барбод бўлганини унутишга тири-

шарди. Бироқ барибир «Қаерда бўлиши мумкин у? Нимага қайтиб қўнғироқ қилмади?» каби миясидаги ғужғон саволлар илик сувдан роҳатланиб чўмилишга имкон бермасди. Ўй-фикрлар оғушида Съозан неча соат ўтганини пайқамади ҳам, сув совиб, этни жунжиктираётганини сезгандан кейингина ваннадан чиқмокчи бўлиб турган маҳали кўл телефони тилга кириб унга қўнғироқ бўлаётганидан хабар берди. Юраги ҳовлиқиб кетган қиз сувни ҳар ёнга сачратганича сувдан сакраб туриб телефонга югорди.

– Девид, сизмисиз?

– Бу мен, Стратморман, – таниш овоз эшитилди гўшакдан.

– Оҳ... – Съозаннинг тарвузи қўлтиғидан тушди.

– Хайрли кун, командор, – деди у паст овозда, ҳафсаласи пир бўлганини яширолмасдан.

Съозаннинг кайфиятини сезиб, гўшакнинг нариги тарафидаги одам хандон отиб кулди:

– Ёшроқ йигитни кутаётганидинг?

– Йўқ, жаноб, – Съозан уялиб кетди. – Бу сиз ўйлагандек...

– Бу айнан мен ўйлагандек, – овоз эгаси яна кулди. – Девид Беккер яхши одам. Уни эҳтиёт қил.

– Раҳмат, жаноб.

Командорнинг овози жиддийлашди:

– Съозан, ёрдаминг керак, шу сабаб қўнғироқ қиляпман. Офисга етиб кел.

Киз тўзғиб кетган фикрларини жамлашга уринди:

– Жаноб, бугун шанба-ку. Биз одатда...

– Биламан, – жавоб берди командор босиқлик билан. – Бу фавқулодда ҳолат.

Съозан ажабланганидан ўтириб қолди. Фавқулодда ҳолат? У ҳеч қачон бу сўзни командорнинг оғзидан эшитмаганди.

Фавқулодда ҳолат? Криптода фавқулодда ҳолат? Бу нима бўлиши мумкин эканлигини қизнинг мияси ҳечам тасаввур килолмасди.

– X-хўп бўлади, жаноб.

Сўнг бироз ўйланиб туриб қўшиб қўйди:

- Иложи борича тезроқ етиб боришга ҳаракат қиласман.
- Ҳозироқ йўлга туш, – деди командор қатъий оҳангда.

Алоқа узилди.

\* \* \*

Сьюзан Флетчер сочикка ўралганича бугунги сафар учун мўлжаллаб кеча кечкурун тартиб билан тахлаб қўйган кийимларига бир муддат тикилиб турди. У Шимолий Каролинанинг машҳур Смоки Маунтин тоғларига Девид билан амалга оширмоқчи бўлган сафарларини озмунча кутмаганди. Бир неча ҳафтадан бери тайёргарлик қўраётганди; хеч нарса ёдидан чикмаганди. Тахланиб ётган тоғ сайрига мўлжалланган маҳсус шортлар, салкин оқшомларда аскатадиган иссиқ свитерлар ҳамда Девидга унутилмас кечаларни тақдим қилиш учун атайдан сотиб олган пеньюарларга қааркан, Сьюзаннинг бўғзига аччик нимадир тикилди, хўрлиги келиб, кийиниш шкафи томон одимлади. Шу он унинг хаёлига командор билан бўлган суҳбат келиб, аламли хаёлларни кувиб чикарди. «Фавқулодда ҳолат! Криптода фавқулодда ҳолат!» Шу икки сўз миясида тинмай айланган ҳолда фаромушлик билан зиналардан пастга тушаркан, Сьюзан бугун уни яна қандай янгиликлар кутаётганидан бехабар эди.

## **Иккинчи боб**

Океан сатқидан түккіз минг метр баландликда Девид Беккер Learjet 60 самолётининг митти деразасидан ташқарига тикилиб ўтиради. Кабинада телефондан фойдаланиш мүмкін эмаслиги ҳакида огохлантиришгани учун Сьюзанга құнғироқ қилиш имконини тополмаган йигит бироз асабийлашаётганди.

«Жин урсин, ўзи нималар қиляпман бу ерда?» – ғудраның үзидан-ўзи сүради Девид, саволнинг жавобини яхши билса-да: рад жавобини бериб бўлмайдиган одамлар Девидни олиб кетаётган эди.

– Жаноб Беккер, – радиокарнай ғичирлаб овоз берди. – Ўттиз дакиқада манзилга етиб борамиз.

Беккер хўмрайганича «тушундим» дегандек бошини силкиди. Ажойиб. У дераза пардасини тушириб, ухлашга ҳаракат килди. Лекин хаёллари йигитни беихтиёр Сьюзан томон етаклади...

## **Учинчи боб**

Сьюзан ўзининг Volvo автомобилини уч метрлик баланд пўлат панжара ёнида тўхтатди. Ёшгина соқчи машина томига қўлини қўйиб, сўради:

– Шахсни тасдиқловчи хужжатингизни кўрсатсангиз, илтимос.

Сьюзан индамасдан керакли хужжатни қўриқчига топширгач, ярим дақиқа давом этадиган компьютер сканер текшируви тугашини кутди. Нихоят, соқчи хужжатни текшириб бўлиб, бошини кўтарди ва «миннатдорман, мисс Флетчер» деб хужжатни қайтариб берди, шу аснода боши билан сезилмас имо қилди ва баҳайбат дарвоза ланг очилди.

Яна тахминан саккиз юз метрдан кейин Сьюзан электр панжарага яқинлашди ва шахсни тасдиқлаш жараёни қайтадан бошланди. Бошқа вақтлари қайта-қайта текширувлар парвойига ҳам келмаган қизга бугун ҳаммаси ортиқча туйилди. «Қўйсангизчи, йигитлар, ахир мен бу ердан миллион марта ўтаман», деб ўйлади у ичидা.

Нихоят, сўнгги текширув нуктасига яқинлашгач, паканароқ, ёнида иккита филдек бўрибосар итни эргаштирган, автомат тақиб олган навбатчи соқчи Сьюзаннинг машина рақамига қаради ва қўли билан ичкарига киришга ишора қилди. Икки юз метрдан ошикроқ масофани босиб ўтгандан кейин ишли ходимлар учун мўлжалланган машина қўйиш жойига кирди. «Ишонгим келмайди, йигирма олти минг хизматчига эга, бюджети ўн икки миллиард долларни ташкил киладиган ташкилотда қандай муаммо бор эканки, дам олиш куни ёрдамим зарур бўлиб қолди, тавба...» Шу каби фикрлар билан Сьюзан машинасини доимий жойига тўхтатди ва моторни ўчирди.

Атрофи ўтлок билан копланган йўлакни босиб ўтиб, асосий бинога киргандан кейин бинонинг Сьюзан ишлайдиган қисмига олиб борадиган деразасиз туннелга етиб келди. Кириш олдида ўрнатилган овоз сканери сўнгги текширув мосламаси эди.

*Миллий хавфсизлик агентлиги (МХА)  
Криптография бўлими  
Фақат ваколатли ходимлар учун*

Қуролланган соқчи Сьюзанни кўриб ажабланганини яширмади:

– Хайрли кун, мисс Флетчер. Бугун келишингиздан беҳабар эдим.

– Салом, Жон. Ўзим ҳам беҳабар эдим бундан, – хорғин жилмайиб жавоб берди Сьюзан ва параболик микрофонга эгилиб, тиник овозда: – Сьюзан Флетчер, – деди. Компьютер дарҳол унинг товушини таҳлил қилиб, тасдиқлади ва эшик очилишга руҳсат берилди. Сьюзан ичкарига қадам ташлади.

\* \* \*

Цемент йўлдан ичкарига қараб кириб кетаётган қизнинг ортидан соқчи завкланиб қараб қолди. Сьюзаннинг оч жигарранг кўзлари буғун бироз толиккан кўринган бўлса-да, унинг ёноқларига қизил юргурган, каштанранг соchlари яқинда ювилиб, қуритилганини сезиш қийин эмасди. Киз ўтган йўлдан Johnson's Baby упасининг майин ифори таралиб турарди. Кўриқчи кўзларини Сьюзаннинг нозик танасига, оқ кофтасининг остидан билинар-билинмас кўриниб турган сийнабандига, тиззаси баравар юбкасига ва ниҳоят оёклари-га қаратди... Сьюзаннинг оёклари...

Мана шу нозик бадан 170 IQ'га эга эканини ўйлаб, қизнинг орқасидан узок вакт тикилиб турди. Сьюзан туннель ичидан кўздан ғойиб бўлгачгина нигоҳини бошқа ёққа бурди.

\* \* \*

Сьюзан йўлакнинг охирига етиб келди, чуқур уҳ тортиб, рўпарасида катта ҳарфлар билан Крипто деб ёзилган гумбазсимон шаклдаги эшикка яқинлашди, маҳсус курилмага ўзининг бешта рақамдан иборат паролини киритди. Бир неча сониядан кейин ўн икки тонналик пўлат эшик аста-секинлик билан айланиб, очила бошлади. Сьюзан фикрини бир ерга жамлашга уринса-да, барибир хаёли Девидда эди.

Девид Беккер. Сьюзаннинг ягона муҳаббати. У Жоржтаян университетидаги энг ёш профессор олим, хорижий тил-

лар бўйича бетакрор мутахассис бўлиб, академиянинг энг кўзга кўринган аъзоси эди. Ноёб хотираси ва тилларга бўлган муҳаббати туфайли Девид испан, француз, итальян тиллари билан бир қаторда яна олтига Осиё тилини мукаммал эгаллаганди. У тишлинослик ва тилларнинг келиб чиқишига оид маъруза ўтказадиган куни залга одам шунчалик кўп тўпланаардики, жой етишмаганидан тингловчилар ҳатто тик оёқда туриб бўлса-да, маъруза эшитишга тайёр эдилар, Девид эса дарс сўнггида ўзига ёғдирилган саволлар ёмғирига сабр билан жавоб қайтарарди. Унинг эътибор ва иштиёқка тўлиб сўзлаши кўпгина аёлларнинг алоҳида эътирофига ва муҳаббатига сазовор бўлганди.

Девид Беккер корачадан келган, гавдали, яшил кўзларидан донолик уфуриб турадиган ўттиз беш ёшлардаги йигит эди. Унинг қучли жағлари, таранг мушаклари Сьюзанга ишлов берилган мармарни эслатарди. Бўйи 1,85 метр бўлган Девид сквош ўйинида устаси фаранг эди ва ҳамкасларини ҳамиша доғда қолдиради. Йирик ҳисобли ғалабадан кейин одатда Девид қизиб кетган баданига ором бериш учун бошини жўмрак остига тутиб, муздек сувда пишқириб юварди, кейин эса қалин қора соchlаридан чаккиллаб сув томганича рақибини мевали коктейл ва пишириқ билан меҳмон қиласиди.

Бошқа ёш профессорлар сингари, Девиднинг университетдан оладиган маоши ҳаминқадар эди. Шу сабабли у вақти-вақти билан Вашингтон атрофидаги ҳукумат агентликларида таржимонлик қилиш орқали қўшимча пул ишларди. Айнан мана шу машғулот унинг Сьюзан билан учрашишига сабаб бўлганди.

Кузги таътил кунлари. Аёзли тонгларнинг бирида Беккер эрталабки спорт машғулотларини бажариб, уч хонали квартирасига қайтганида, телефон аппарати унга овозли хабар қолдирилганидан сигнал бериб, ўчиб-ёнаётган эди. Ярим стакан апельсин шарбатини сипкораркан, Девид аудиони дикқат билан тинглади. Бир томондан олиб караганда, хабарнинг асосий мазмуни, ҳар доимгидек, ҳукумат идораларидан бирида бир неча соат давомида таржимонлик қи-

лишга таклифдан иборат эди. Ягона ғалати жиҳати шунда эдикни, Беккер уни ишга таклиф қилган муассаса номини олдин ҳеч қаерда эшитмаганди.

– Улар ўзларини Миллий хавфсизлик агентлиги деб таниширишиди. Бу ҳақда нимадир биласанми? – Девид бир неча ҳамкасбига қўнғироқ қилиб, шу саволни сўради, аммо барча жавоблар деярли бир хил бўлди.

– Миллий хавфсизлик кенгаши демокчимисан?

– Йўқ, кенгаш эмас, айнан Миллий хавфсизлик агентлиги. МХА, – жавоб берди Девид, ишонч ҳосил қилиш учун яна бир бор хабарни текшираркан.

Дўстлари ажабланиб бундай ташкилот ҳакида ҳеч нарса қулоқларига чалинмаганини айтишди.

Шундан кейин Беккер эринмасдан хукумат рўйхатидан ўтган муассасалар номини текширди, барибир ҳеч нарса чиқмади. Боши қотиб турганида хаёлига бирга сквош ўйнайдиган эски қадрдони келиб қолди. Ўтмишда сиёsatчи бўлган бу дўсти ҳозирда Конгрессда қотиб бўлиб хизмат қиларди. Девид ундан бирор жўяли маълумот чиқишига ишониб адашмаганди. Бирок дўстининг бу агентликка берган изохи Беккерни шошириб қўйди.

– МХА мавжудми дейсанми? Миллий хавфсизлик агентлиги факат мавжудгина эмас, балки у дунёдаги энг нуфузли муассасалардан бири ҳисобланади. У дунё миқёсида электрон разведка ахборотларини тўплаш билан шуғулланади, шу билан бир қаторда ярим асрдан ошикроқ вақт давомида АҚШ ахборот тизимини ҳимоя қилиб келмоқда. Қизиғи шундаки, Америка аҳолисининг атиги уч фоизигина бундай ташкилот мавжудлигидан боҳабар холос. Энди сен ҳам ана шу уч фоиз қаторига кирдинг, табриклайман, – деди дўсти, кулганча хайрлашаркан.

Бу гапни эшитиб Девид иккиланиб қолди, юрагига ҳадик оралади, шундай бўлса-да, барибир қизиқиши устунлик қилиб, сирли агентликнинг таклифини қабул қилди ва Мэриленддаги Форт Мид шахрининг кўз илғамас ўрмонли қоялари орасига яширинган, майдони ўн беш гектарни ташкил этувчи МХА-нинг бош офиси томон йўл олди. Манзилга етиб борганида

Беккер ҳисобсиз хавфсизлик текширувларидан ўтказилганидан сўнггина бинога киришга ижозат сифагида олти соатта ярокли голограммали рухсатномага эга бўлди. Йигитга расмий ҳамроҳлик қилаётган ходим уни МХАнинг тадқиқот марказига олиб келди. У ерда Девидга асосий вазифаси бир неча соат давомида Криптография бўлинмасининг ишини кузатиб, сўралган вактда зарур ёрдамни беришдан иборат эканини уктиришди. «Криптография бўлинмаси... – ўйлади Девид. – Номидан кўриниб турибди, ҳойнахой улар шифрланган кодларни ечиш билан шуғулланувчи юкори салоҳиятли математиклар гурухи бўлса керак. Мен кандай ёрдам беришим мумкин, ҳайронман». Ҳашаматли хонада тўпланган одамларга каарarkan, йигитнинг хаёлидан шундай фикрлар ўтарди.

Дастлабки соатларда криптографлар янги меҳмонга ахамият ҳам қаратишмади; улкан юмалок стол атрофида уймалашганича Девид ҳеч қачон эшитмаган тилда қизғин сўзлашишди. Уларнинг йигитга бутунлай нотаниш симметрик шифрлар, ўзини ўзи йўқ қиласидаги генераторлар, рюқзакли тизимлар, ошкора протоколлар, бирлик нуқталари каби аллақандай тушунчалар ва атамалар тўғрисидаги гапларини кузатаркан, Беккернинг боши қотиб кетди. Криптографлар эса ханузгача тинмасдан ажи-бужи белгиларни қофозга туширишарди, компьютердан чиқсан варакларни синчиклаб ўрганиб, тўхтовсиз равишда бошлари узра осилиб турган прожекторда қуидаги матннинг ўзгаришларини текшириб боришмоқда эди:

JHdja3jKHDhmado/ertwtjlw+jgj328  
5jhalsfnHKhhfafOhhdfgaf/fj37we  
ohi93450s9djfd2h/HHrtyFHLf89303  
95jspjf2j0890Ihj98yhfj080ewrt03  
jojr845h0rq+jt0eu4tqefqe//oujw  
08UY0IH0934jtpwfiajer09qu4jr9gu  
ivjP\$duw4h95pe8rtugvjw3p4e/ikkc  
mffuerhfgv0q394ikjrmg+unhvs9oer  
irk/0956y7u0poikIOjp9f8760qwerqi

Нихоят, код ечувлардан бири Беккернинг ахволини

кўриб раҳми келди шекилли, унга нималар бўлаётганини тушунтиришга уринди. Юқоридаги ажи-бужи матн аслида код – рақамли ахборот бўлиб, ундаги сонлар ва ҳарфлар шифрланган сўзларни ифода этарди. Криптографларнинг вазифаси мана шу кодларни ўрганиб, уларнинг остида қандай хабар беркитилганини аниклашдан иборат эди. Шифрланган хабарнинг асл нусхаси мандарин тилида ёзилган бўлиши мумкин деган тахмин билан улар хитой ва япон тиллари бўйича энг кўзга кўринган мутахассис ҳисобланган Девидни МХА-га таклиф қилишганди; у мандарин тилидан белгиларни таржима қилиши орқали криптографларга матнни расшифровка килишда ёрдам бериши кўзда тутилганди.

Келаси икки соат давомида Беккер мандаринча белгиларнинг битмас-туганмас оқимини таржима қилиш билан шуғулланди. Аммо ҳар сафар уларга янги таржимани тақдим этганида криптографлар кодлар мос келмаётганини билдириб, инкор маъносига бош чайқарди. Ёрдамга жон-жаҳди билан бел боғлаган Девиднинг миясига тўсатдан бир фикр келди: унга кўрсатилган барча белгиларда умумий бир жиҳат бор эди. Улар нафақат мандарин тилининг, балки канжи алифбосининг ҳам бир кисми ҳисобланарди. Бу маълумотнинг фойдаси тегиб қолар деган ниятда атрофдагиларга айтганида ғала-ғовурга тўлган хонада бир зум жимлик чўкди. Стулда ўтирганича бир-бирига улаб сигарет тутатаётган Морантей исмли найнов киши Беккерга юзланиб, ишончсизлик билан деди:

– Бу белгилар кўп маъноли демоқчимисиз?

Беккер бош ирғади ва канжи бироз ўзгартирилган хитойча белгиларга асосланган япон ёзув тизими эканлигини тушунтириди.

– Мен сизларга мандаринча таржимани бераётгандим, чунки ўзингиз мендан шуни сўрагандингиз, – деб қўшиб қўйди у.

– Ё парвардигор! – Морантей ихраб юборди. – Канжидан фойдаланиб кўрайлик қани.

Девид энди белгиларни канжи ёзуви бўйича таржима

килишни бошлади ва бу қутилмаганда ижобий натижа бераб, криптографларни ҳайратга солди.

Девидга таржима жараёнида белгиларни кетма-кет тарзда эмас, балки тартибсиз ҳолда беришларидан ажабланганида, Морантей «шундай қилсақкина сиз нима таржима қилаётганингизни билмайсиз, бу эса шахсий хавфсизлигин-гиз учун муҳим», деб таъкидлади.

– Хавфсизлигим учун?

Йигит кулиб юборди, лекин атрофдагиларнинг жиддий нигоҳларини кўриб, чеҳраси тундлашди.

Нихоят кодни ечиб бўлишди, Беккер уларга қандай маҳфий ахоротни аниклашда ёрдам берганига ақли етмаса-да, бир нарсани аниқ тушунди – МХАда расшифровка масаласи алоҳида аҳамият касб этаркан; буни йигитнинг ҳамёнига солиб қўйилган чек унинг университетдаги бир ойлик маошидан ҳам кўпроқ экани ҳам тасдиқларди.

Бугунги иш йигит кутганидан кўра узокроқ вакт олганди, шу сабаб унинг хаёlinи ҳозир иложи борича тезрок шанба куни тушликдан сўнг ўтказиладиган сквошга кечикмасдан етиб бориш банд этганди. Шу сабабдан асосий йўлакдаги бир нечта текширув пунктлари бўйлаб шошганича ортга қайтаркан, тўсатдан Девидни чиқиши эшиги ёнида кўлига телефон ушлаб олган сокчи тўхтатди:

– Жаноб Беккер, шу ерда кутиб туринг, илтимос.  
– Нима гап, тинчликми? – ажабланиб сўради Девид.

Кўриқчи елка қисди:

– Крипто директорининг сизга икки оғиз сўзи бор экан, хоним ҳозир шу ерга келяпти.

– Хоним? – Беккер кулиб юборди: МХА ичida бирорта ҳам аёл кишига кўзи тушмаганди.

– Бунинг муаммоли жойи борми? – орқасидан аёл кишининг овози эшитилди.

Ортга ўгирилган Беккернинг юзига кон югурди, юрагининг аллақаери ғалати жимиirlаб кетди. Аёлнинг кофтасидаги ID-картасига назар ташларкан, МХА Криптография бўлинмасининг бошлиғи шунчаки аёл эмас, балки жозибадор аёл эканига тан берди.

– Йўқ, албатта, – Девид каловланиб қолди. – Мен шунчаки, ҳалиги...

– Сьюзан Флетчер, – аёл жилмайиб, нозик қўлларини кўришиш учун узатди.

Беккер аёлнинг қўлини сикди.

– Девид Беккер.

– Табриклиман, жаноб Беккер, бугун жуда яхши ишлабсиз. Сиз билан шу ҳақда гаплашсам бўладими?

Беккер иккиланиб қолди:

– Ростини айтсам, ҳозир бироз шошиб тургандим.

Дунёдаги энг кучли разведка агентлигининг таклифини рад этиш қанчалик аҳмоқона иш эканлигига ақли етса ҳам, Девид сквошга кечикишни тасаввурига сиғдиролмасди. У ҳатто университетдаги дарсларига кеч бориши мумкин, лекин сквошни шу вақтгача бирор марта ҳам ўтказиб юбормаган.

– Мен қисқарок бўлишга ваъда бераман, бу ёкка юрсангиз, марҳамат, – Сьюзан жилмайиб йўл бошлади.

Девид соатига қараб, ўйин бошланишига 45 дақиқа қолганини кўрганида ичи ачиб, қизнинг ортидан эргашди.

Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас Беккер МХА ошхонасида бош криптограф, сулув Сьюзан Флетчер билан бирга кекс ва муздек наъматак шарбатидан сипқориб, мароқли суҳбат куриб ўтиради. Тез орада Девидга 38 ёшли бу аёл МХАда юқори лавозимни эгаллаши шунчаки баҳтли тасодиф эмаслиги, Сьюзан ҳақиқатан ҳам ёрқин ақл соҳибаси экани аён бўлди. Шифрлар ва уларни ечиш ҳакида гаплашар экан, Девид ўзи учун янги бўлган бу мавзуда Сьюзан айтаётган ҳар бир маълумотни ёдда саклашга ҳаракат қиласди, кашф этаётган янгиликлари унга завқ бағишларди.

Орадан бир соат ўtdи. Йигит сквошга боришдан, қиз бўлса ўзига келган хабарларга жавоб қайтаришдан воз кешиди ва бу ишларидан нашъа қилиб, кулиб юборишиди.

Икки ўткир ақл эгаси, ҳаётлари давомида ҳеч қачон асоссиз ҳиссиятларга берилмасдан, доим мантиқ билан фикрловчи икки шахс бир-бирининг ёнида бутунлай бошка дунёга айланишганди, тилшунослик ва морфологиядан тортиб ясама-тасодифий рақам генераторларигача муҳокама қи-

лишаркан, улар ўзларини ёш ўспиринлардек тутишарди, гоҳ қаҳ-қаҳ уриб кулишса, гоҳ айтилган фикрларга қойил колиб, бир-бировининг елкасини қоқиб, бу ҳолатдан баттар роҳатланишарди.

Аслида Сьюзаннинг Беккерни учрашувга чорлашидан мақсад уни Осиё криптография бўлинмасига ишга таклиф қилиш эди. Лекин йигитнинг ўз касби ҳакида гапирганида қўзларида порлаб кетган жўшқинлик ва иштиёқ унинг хеч қачон университетдан кетмаслигидан далолат берарди, шу туфайли Сьюзан иш ҳакида гап очиб, шундай аъло кайфиятни бузмасликка қарор қилди. Девид билан бўлган сухбат кизни худди мактаб ўқувчисига айлантириб қўйганди; бу шунчалар ёқимли эдики, бирор қалтис ҳаракат буни барбод этишига йўл қўйолмасди. Ва шундай бўлди ҳам.

\* \* \*

Уларнинг учрашувлари доим узок муддатли ва романтик бўларди. Ишларини якунлаши биланок қўришиш ҳаракатига тушиб колиб, вактларини бирга ўтказиш учун ўзига хос бирор нима ўйлаб топишарди. Баъзан университетнинг хазонларга безанган йўлакларида кўл ушлашганча сайр қилишса, баъзи окшомларни севимли қаҳвахоналарида капучинодан баҳраманд бўлиш билан ўтказишарди. Баъзи вактлари маъруза ва концертларга тушишарди. Сьюзан олдингига қарангда кўпроқ кула бошлаганини, ҳаётдан мамнун инсонга айланганини сезди. Девид билан бирга ўтказган вақти, йигитнинг ҳазиллари, самимий муносабати кизни МХАдаги залворли лавозимини бироз муддат бўлса-да эсдан чиқаришга ёрдам берарди.


Шундай куз кунларининг бирида улар Жоржтаун билан Рутгер университети ўртасида бўлиб ўтаётган футбол матчини томоша қилганча стадионда ўтиришарди.

– Кайси спорт тури билан шуғулланаман дегандингиз? Цуккини эдими? – илжайиб сўради Сьюзан.

Беккер лабини бурди:

– Йўқ, сквош ўйнайман ме!

Сьюзаннинг савол аралаш нигохини қўриб, Девид тушириди:



– Сквош хам цуккинига ўхшайди, лекин кичикрок кортда ўйналади, – ва қизнинг бурнини чимчилаб қўйди.

Рақиб жамоа Жоржтаун дарвозасига чап бурчак остидан тўп йўллади, томошибинлар оҳлаб юборишиди, ҳимоячи жон-жаҳди билан дарвоза томон шошилди. Ўйин шиддатли тус олди.

– Ўзингчи, бирор спорт тури билан шуғулланасанми? – сўради Девид.

– Стэйрмастер бўйича кора белбоғим бор, – қулди Съузан.

– Мм, менга ғолиб бўлиш мумкин бўлган спорт билан машғул бўлиш ёқади, ўзингни ўзинг ютолмайсан-ку, – эътиroz билдириди Девид қизнинг елкасидан кучганича.

Жоржтаун ҳимоячиси тўп йўлини тўсиб, рўй бериши мумкин бўлган голнинг олдини олгач, оломон хурсандчиликдан қийқириб юборди.

Съузан буларга беътибор караб, Девидга эгилди ва кулогига шивирлади:

– Доктор.

Девид кўзини стадиондан узиб, қизга тикилди, гап нима хақида эканини тушунмади.

– Доктор, – яна қайтарди Съузан. – Хаёлингизга келган илк сўзни айтинг.

Беккер шубҳа аралаш сўради:

– Сўз ўйини?

– Оддий МХА тартиби. Мен ким билан эканимни билишим зарур, – Съузан Девиднинг қўзларига қатъий тикилди;

– Доктор.

Беккер елка кисди:

– Дулиттл.

Съузан чимирилди:

– Окей, бунисига нима дейсиз... Ошхона.

– Ётоқхона, – иккиланмасдан қайтарди Девид.

Бу жавобдан сўнг киз уялганича қошлигини коқди:

– Кат.

– Гут.

– Гут?

– Ҳа-да, катгут. Сквош ўйинидаги ракетка арқони.

- Оо, ажойиб... – қиз жилмайди.
- Хўш, қандай ташхис қўйдинг менга?
- Сьюзан бир дақиқа ўйлаб тургач, жавоб берди:
- Сиз беғубор, сўнгги вақтларда бирор қиз билан яқин алоқада бўлмаган сквош жиннисисиз.
- Шунақага ўхшайди, – ҳайрон бўлиб тасдиклади Девид.

\* \* \*

Мана шу зайлда ҳафталар ўтиб бораиди. Бир куни кечки овқат устида Беккер уни саволларга кўмиб ташлади.

У математикани қаерда ўрганганди?

Қандай килиб МХАга келиб қолган?

Шунчалар мафтункор бўлишига сабаб нима?

Сьюзан уялганича ёшлигига иркит ўрдакча бўлганини тан олди; баланд бўйига мос тушмаган ўта ингичка комати, бунинг устига тишига ўрнатилган брикетлар уни баттар бесўнақай қўрсатганини кулиб эслади. Сьюзаннинг Клара холаси бир марта қизнинг аклга лиқ тўла мияси унга бесўнақай яратгани учун Худонинг узри деб айтган экан.

«Жуда эрта сўралган узр. Агар Худо Сьюзаннинг келажакда бундай соҳибжамолга айланишини билганида борми...» – ўйлади Беккер.

Сьюзаннинг криптографияга кизиқиши юкори мактабда ўқиб юрган кезлари бошланганди. Бир куни компьютер клубининг ёш президенти Фрэнк Гутмен унга севги мактубини ёзди ва хатни рақамли дастур билан шифрлаб қўйди. Мактубни очиб, уни ўқий олмагач, Сьюзан унинг сирини айтишини сўраб Фрэнкка ёлворди, лекин йигитча кўзларини суганича илтимосни рад этди. Қиз шаҳд билан мактубни ушлаб уйига йўл олди, бутун тунни чирок ёруғида ёзувлар сирини аниклашига сарфлаб, мижжа коқмади, ниҳоят тонгга яқин ҳар бир рақам маълум бир ҳарфни ифода этишини тушуниб етди. Эҳтиёкорлик билан кодни жой-жойига қўйиб чиқкач, мўъжизадан лол қолди: турфа хил маънисиз рақамлар кўз ўнгида бетакрор шеърни намоён қилганди. Ўша оний лаҳзаларда кодлар ва криптографияга қизнинг ишқи тушиб қолди ва бутун ҳаётининг мазмунига айланди.

Деярли йигирма йилдан сўнг математика бўйича Жон Хопкинс университетида магистрлик даражасини кабул килгач, киз машхур Массачусетс университетида тўлик грант асосида рақамлар назариясини ўрганди ва «Қўлланма дастурлар учун криптография методлари, протоколлар ва алгоритмлар» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя килди. Илмий ишининг довруғи университетдан ташқарига ҳам ёйилган шекилли, орадан бироз вакт ўтиб, Сьюзан МХАдан кўнғироқ ва самолёт чиптасини кабул қилиб олди.

Криптография билан шуғулланувчи ҳар бир киши МХА ҳакида яхши хабардор бўлиб, у Ер юзидағи энг акли криптографлар учун бошпана эди. Ҳар баҳор хусусий тармоқ фирмалари юқори салоҳиятга эга ишчи-ходимларни кидириб топиб, улар билан маош масаласида бир тўхтамга келар, МХА эса бу жараённи диққат билан кузатиб, тайёр вариантлар орасидан энг муносибларини мўлжал қилар ва осмондан тушгандек улар олдида хусусий корхоналардан кўра икки баробар манфаатли таклиф билан пайдо бўларди. МХА нимани истаса, шуни сотиб олади. Бу ёзилмаган қонун. Сьюзан учрашувни сабрсизланиб кутганича Вашингтонга учеб келгач, уни аэропортда МХА ҳайдовчиси кутиб олиб, Форт Мидига елдек учирив олиб кетди.

МХА қароргоҳида Сьюзан ўзига ўхшаб иш таклифини олган яна қирқ бир кишига дуч келди. Ўша вакълари йигирма саккиз ёшга кирган Сьюзан Флетчер улар орасида нафақат энг ёш, балки ягона аёл номзод ҳам эди. Ташриф ахборот алмашиш учун чакирилган йигилишдан кўра кўпроқ номзодларнинг ақлий салоҳиятини ўлчайдиган текширувга айланиб кетди. Ўша куни ўзининг натижаси ҳакида ҳеч қандай ижобий ёки салбий жавоб билолмасдан, ҳафсаласи пир бўлиб ортга қайтган Сьюзанни келаси ҳафта қайта чакиришибди. Гарчи иккиланаётган бўлса-да, Сьюзан яна Вашингтонга учди. Бу сафар у қабулхонада атиги олти кишини учратди холос. Ичкарига таклиф қилингандан кейин номзодлар бир-бираидан холи ҳар хил вазифаларни бажаришди. Улар ёлғон детекторидан ўтишди, насл-насаблари қаттиқ суриштирил-

ди, ёзувлари таҳлил қилиниб, бир-биридан кутилмаган ва ғалати саволлардан иборат интервьюларда соатлаб ўтириши. Суҳбатда уларнинг жинсий мойиллиги, ким билан неча маротаба кай усулда интим алокада бўлгани ҳақидаги ўта шахсий саволлар ҳам бор эди. Интервью оловучи Съюзандан қачондир бирор ҳайвон билан жинсий яқинлик қилган-қилмагани ҳақида сўраганида бечора қиз шунака уялиб кетдики, хонадан отилиб чиқиб кетишдан ўзини зўрға тийиб қолди. Фақатгина энг замонавий кодлаш назарияси устида ишлаш илинжи, «сирли ошён»га қадам қўйиш ва дунёдаги энг маҳфий ташкилот, Миллий хавфсизлик агентлигининг аъзосига айланиш умидигина уни, минг нокулай бўлмасин, саволларга тўлиқ жавоб беришга мажбур этди.

Қизнинг ҳикоясига маҳлиё бўлганича диққат билан эшишиб ўтирган Беккер ажабланиб сўради:

– Улар ростдан ҳам ҳайвонлар билан жинсий алокада бўлганмисан, деб сўрадими?

Съюзан бош иргади:

– Бу аслият текширувининг бир қисми холос.

– Тушунарли... – Беккер кулиб юборишдан ўзини босишига уриниб яна сўради: – Сен нима деб жавоб бердинг?

– Ярамас, – қиз ярим ҳазил, ярим чин жаҳл қилиб, стол остидан Девидни тепаркан, – мен уларга йўқ деб жавоб бердим, – деди. Кейин маъноли жилмайиб, қўшиб қўйди:

– Умуман олганда сиз билан бирга ўтказган тунимгacha бу гапим ҳақиқат эди.

\* \* \*

Девид Съюзан бутун умр учратишни орзу қилган мукаммал инсоннинг айни ўзи эди. Бироқ йигитнинг бир феъли бор эдики, бунга қиз асло тоқат қилолмасди: ҳар сафар овқатлангани чиқишганида Беккер ҳисобни доим ўзи тўларди. Йигит бир кунлик даромадининг барчасини икковларининг учрашуви учун сарфлашини кўриб, Съюзаннинг виждони қийналарди, шу сабаб бир-икки марта чекни официантнинг қўлидан олиб, бугун у тўламоқчи эканини айтганида, Девид буни ҳақорат сифатида қабул қилиб, каттиқ жаҳли чиқди. Шу-шу Съюзан бу ҳолатга эътироz билдириласликни ўрганди. Лекин

«аслида мен тўлашим керак, ахир мен керагидан ҳам кўпроқ пул топаман», деган фикр уни тинч кўймасди барибир.

Хуллас, мана шу ҳаддан ташқари олийжаноблигини ҳисобга олмагандан, у идеал жуфт эди. Беккер раҳмдил, аклли, ҳазилкаш бўлиб, муҳими, унда Сьюзаннинг касбига нисбатан самимий қизиқиш уйғонганди. Қаерда бўлишларидан, нима қилишларидан катъий назар, Девид ҳамиша киз билан криптография ҳакида гаплашишга тайёр турарди. Хоҳ музейда айланганларида, хоҳ велосипед ҳайдаётганларида ёки Сьюзаннинг ошхонасида спагетти тайёраётганларида, бундан катъий назар, йигит уни беҳисоб саволларга кўмиб ташларди. Сьюзан ҳам ўз навбатида Крипто ҳакида айтишга рухсат бўлган саволларга жавоб бериб, МҲАни қисқача тасвирлаб бераркан, Девид эшитганларига маҳлиё бўлиб ўтиради.

Президент Труман томонидан 1952 йил 4 ноябрь соат 12:01 да ташкил этилган МҲА дунёнинг энг маҳфий разведка агентлиги сифатида эллик йилдан ошикроқ вакт мобайнида фаолият кўрсатмоқда эди. МҲАнинг етти варакдан иборат тамойиллар тўплами жуда оддий асосга қурилган бўлиб, АҚШ ҳукуматининг ахборот тизимини ҳимоя қилиш ҳамда хорижий кучларнинг алока агентликларини кузатиб, вакти келганда чеклашдан иборат эди.

МҲАнинг асосий қароргоҳи жойлашган бинонинг томи беш юздан ошик катта-кичик антенналар билан тўлиб-тошган, ҳажми эса ўн саккиз квадрат километрга ёйилган бўлиб, бу МҲА ҳудуд жихатдан Марказий разведка бошқармасидан икки баробар каттароқ дегани эди. Бинонинг ичкари қисмida жами саккиз миллион фут телефон кабеллари, саксон минг квадрат футга чўзилган ўқ ўтмас деразалар бор эди.

Сьюзан Девидга МҲАнинг дунёдаги барча сунъий йўлдошлар, жосуслар, ёзма ва оғзаки ахборотни назорат қилувчи глобал разведка бўлинмаси – Comint ҳакида сўзлаб берди. Ҳар куни шубҳали туюлган минглаб сұхбатлар, маълумотлар МҲАнинг таҳлилчиларига расшифровка учун юборилади ва улар томонидан кодлари ечилиб, ўрганилади. ФҚБ, МРБ, АҚШ Интерполининг барчаси бирор муҳим маълумот олиш

учун МХА разведкасига сұянағы. Криптографлар фош этган ахборотларнинг аксарият қисми ҳақиқатан ҳам АҚШ ҳудудидаги ҳукуматнинг хавфли душманлари, адсоват руҳидаги фракциялар ва террорчи гурухларга тегишли бўлиб чиқади. Бундай сўл гурухлар ҳар эҳтимолга қарши, хавфсизлик юза-сидан ўз мулоқотларини турли хил кодлар ёрдамида шифрлаб амалга оширишади, лекин Comint туфайли керакли ахборот жуда тез қўлга киритилиб, фош этилади.

Беккер худди гипнозлангандек Сьюзаннынг гапини бўлмасдан тинглади, кейин эса сўради:

– Сенинг асосий машғулотинг нима у ерда?

– Умуман олганда жуда оддий, мен кодларни ўрганаман, уларни миям ёрдамида ечаман ҳамда МХАга маълумотларни еткизиб бераман, – Сьюзан шундай деб бамайлихотир жавоб берса-да, севган инсонини алдаётгани учун ичини итирганди. Лекин қизнинг ўзини аслида нималар билан шуғулланишини айтишга имкони йўқ эди. Агар Девид бу савонни бир неча йил олдин берганида, Сьюзан ҳеч иккиланмасдан ҳақиқатни айтиб берган бўларди, лекин ҳозир МХАда кўп нарса ўзгарди. Криптография дунёси ўзгарди. Сьюзаннынг янги вазифалари шу даражада машаққатли эдики, бир неча карвонга юк бўларди.

Сьюзаннынг хаёлларидан беҳабар Девид кодлар ҳақида эшитиши биланоқ чехраси очилиб кетди:

– Ўзи нимадан бошлайсан кодларни очишни? Айтмоқ-чиманки, қандай қилиб уларни ечасан?

Сьюзан жилмайди:

– Бу худди хорижий тилни ўрганишга ўхшайди. Дастрлаб кўрганингизда матнга тушунмайсиз. Лекин унинг тузилиши билан боғлик қоидаларни ўрганганингиздан кейин белгиларнинг асл маъносини чақиши бошлайсиз. Бу унчалик мураккаб эмас.

Беккер тушунгандек бош ирғади. Сьюзан Девиднинг бу ҳақда кўпроқ билгиси келаётганини сезиб, унга криптография бўйича кичик сабоқ бермокчи бўлди. Стол устида ётган салфетка ва концерт афишаларидан ёзув таҳтаси сифатида

фойдаланааркан, қиз Юлий Цезарнинг «Тўғри квадрат» деб аталувчи маҳфий кодлаш тизимини тушунтиришга киришиди.

– Цезарь тарихдаги энг биринчи кодли хабар ёзган одам бўлган, – изоҳ берди Сьюзан Цезарнинг исмини эшишиб ажабланган йигитга. – Императорнинг хат ташувчиларига ҳужумлар авж олиб, унинг маҳфий ёзишмалари ўғирланиши ҳавфи кучайгач, Цезарь ҳимоя чораси сифатида мактубларни шифрлаш усулини ўйлаб топди, бунга матннинг ҳарфлари ўрнини бегоналарга тушунарсиз бўлган тарзда ўзгартириб, бир қараганда маълумотни маъносиздек кўрсатиш ҳисобига эришганди. У кашф этган усул шундан иборат эдики, матннинг ҳажмига караб ҳар бир ёзишмадаги ҳарфлар сони қатъий белгиланган бўлиб, улар факатгина квадратга бўлинувчи сонлардан ташкил топарди. Масалан, ўн олти, йигирма беш, кирк тўққиз, саксон бир, юз ва ҳк. Цезарь ишончли хизматкорларига ўзи юборган хабарни ўқиш учун матндаги ҳарфлар сони қайси рақамнинг квадратига тенг бўлса, уларни худди шунча қаторга кетма-кет тақсимлашларини ва ҳосил бўлган натижани юкоридан пастга қаратади ўқишларини тайнинларди. Масалан, – Сьюзан Девид осонроқ тушуниши учун кўлидаги қалам билан сочиққа чизишни бошлади:

### *М Н М Е Е Г И В Н И М И И С Д Д*

– Тасаввур килинг, Девид, бу сизга келган хабар. Унда ўн олтига ҳарф бор. Ўн олти гўрт рақамининг квадрати ҳисобланади. Демак, сиз ҳозир бу ҳарфларни тўртта қаторга тенг бўлиб чиқишингиз зарур. Мана бундай қилиб:

*М Н М Е  
Е Г И В  
Н И М И  
И С Д Д*

Энди эса ҳосил бўлган квадратдаги сўзларни тепадан пастга қаратади ёзиб, маъноли қисмларга ажратамиз:

*М Е Н И Н Г И С М И М Д Е В И Д  
М Е Н И Н Г И С М И М Д Е В И Д*

– Кўриб турганингиздек, сим-сим очилди! – Съузаннинг маҳоратини ҳайрат оғушида кўзларини катта-катта очганича кузатиб ўтирган Девидга қааркан, қиз завқланганича энгашиб, унинг бурнидан ўпиб кўйди ва давом этди:

– Орадан вақтлар ўтди. Цезарь бошлаб берган ҳарфларни чалкаштириш орқали ёзишмаларни ҳимоялаш усули бошқалар томонидан ўзлаштирилиб, янада мураккаблаштирилди. Иккинчи жаҳон уруши даврида нацистлар томонидан қурилган кодлаш машинаси – Enigma ўз даврининг энг ноёб намунаси бўлиб қолди. Компьютерлашмаган бу аппарат ёзув машинасига ўхшаб кетарди ва ўзига киритилган ахборотни санокли дақиқалар ичida умуман уқиб бўлмайдиган, беўхшов белгилар тўпламига айлантириб чиқариб берарди. Enigma шифрлаган маълумотни фақаттина бошқа бир Enigma машинасигина расшифровка қила оларди...

Девид кизнинг шу каби ҳикояларини қулоқ қокмасдан, итоаткор талаба сифатида тингларди. Нихоят, бир куни, университетда спектакль кўриб ўтиришганида қиз унга код ечиш бўйича илк топшириқни берди. Танаффус вақтида йигит қўлидаги ручкани ўёқдан-бўёққа айлантирганича қоғоздаги ўн беш ҳарфдан иборат мактубнинг маъносини чақолмай боши қотиб ўтиради.

РЗЖ  
ЛДМВЯ  
ЕПЯРЗЖ

Матнни гоҳ юқоридан пастга, гоҳ ўнгдан чапга қарата ҳар хил усулда ўқишига сарфлаган аллақанча дақикалари бесамар кетгач, Девид ўзини ҳақиқатан ҳам боши берк кўчага кириб қолгандек ҳис қилди. Қоғозга қанча тикилиб ўтирганини билмайди, лекин чироклар ёруғи пастлаб, спектаклнинг иккинчи қисми бошланаётганидан дарак берганда, йигит сапчиб ўрнидан туриб кетди. У ҳаммасини тушунганди. Съузан хабарни кодлаш учун оддийгина қилиб ҳар бир ҳарфни алифбо бўйича ўзидан битта олдингисига алмаштириб қўйганди. Кодни ечиш учун Беккер шунчаки ҳарфларни ўзидан кейин келадигани билан алиштириши кифоя эди.

Яъни хатдаги «а»ни «б»га, «б»ни эса «в»га айлантириб ўқиш керак эди. Ўзининг натижасидан ёш боладек қувониб кетган Девид ҳаяжонланиб, қизнинг мактубини охиригача ўқиди:

### *СИЗ МЕНГА ЁҚАСИЗ*

Кўз олдида намоён бўлған муҳаббат изҳори йигитга битмас-туганмас қувонч бағишилади. Шоша-пиша қўли қалтираб, жавоб хатини ёзди ва Сьюзанга тутқазди:

### *РДМ ФЯЛ ЛДМВЯ ЕПЯРЯМ*

Ёзувни ўқиган Сьюзаннинг юзига табассум югурди. Уни кузатаркан, Беккер энтикиб кетди; у ўспирин йигитча эмас, балки эс-хушини йиғиб олган ўттиз беш ёшли акли расо эркак эди, лекин, шунга қарамай, Сьюзан ҳақида ўйлаганида юраги қафасидан чиқкудек бўлиб, потирлаб уради. Беккерни умри давомида ҳеч қайси аёл ўзига бунчалик ром этмаганди. Сьюзаннинг нафис қомати, сип-силиқ бадани, дуркун кўкракларига қараб туриб, унинг қачондир, узок ўтмишда бесўнақай ўспирин бўлганига ишонгиси келмасди, баъзан қизга ҳазиллашиб, «сан амалий математика ва сонлар назарияси бўйича докторлик унвонига эга мен учратган ягона модельерсан», деб таъкидларди.

Икки йил бир-бирини қувиб ўтиб кетди... Бу вакт давомида Девид ҳам, Сьюзан ҳам бир-бирига шундай боғланиб қолган эдикি, келгуси ҳаётларининг бир лаҳзасини ҳам айро тасаввур қилишолмасди.

Кунлардан бир куни Девид қизни дам олиш кунларини мароқли ўтказиш учун тоғ сайрига таклиф этди. Шимолий Каролинанинг Смоки Маунтин тоғлари Сьюзанга жуда ёқди, ўзига ҳос услугба эга «Баҳайбат тош» меҳмонхонасидаги хонада ҳарир пеньюарга ўралиб, деразадан ташқаридағи пурвиқор тоғларнинг кечки гўзаллигига ошуфта бўлиб турган бир вактда Девид яқинлашиб, қизни елкасидан кучди, унинг кўзларига тикилганича деди:

– Менга турмушга чиқасанми?

Расмиятчиликларни унча хушламайдиган Девиднинг қўлида узук йўқ эди, умуман, бу муҳим ҳам эмасди. Кутил-

маган, бирок ўта ёқимли бу таклифдан Съюзанинг кўзлари чақнаб кетди ва жавоб тариқасида йигитнинг лабига лабини босди. Эҳтирос билан узок ўпишишди. Шу алфозда Беккер қизни даст кўтариб, камин ёнида тўшалган чойшабга ётқизди, унинг нозик баданини кийимлардан бирма-бир халос этди, устига эгилиб, қулоғига секин шивирлади: «Мен бу бўсаларингни розилик белгиси сифатида қабул қиласман, жоним». Съюзан баҳтдан сархушланиб, йигитнинг қайноқ оғушига сингиб кетди. Олдинда уларни эҳтиросларга йўғрилган узун тун кутарди...

Ўша унунтилмас кечага шу бугун роппа-роса олти ой тўлганди. Ва айнан бугун икки йиллик муносабатлари давомида биринчи марта ўрталарида тушунмовчилик юзага келганди.

## Түртинчи боб

Крипто эшиги очилиб, чийиллаган товуш чиқарди, Сьюзан ўзига келди ва хаёлларини бир четга йиғиштириб, ичкарига қадам ташлади. Махсус компьютер унинг кирганини қайд этиб, овоз берди. Гарчи Сьюзан Криптода уч йилдан бери яшаса-да, ҳанузгача бинонинг ҳашаматли кўринишидан ҳайратланарди. Беш қаватдан иборат улкан, айлана шаклдаги асосий залнинг баландлиги ўттиз олти метрни ташкил этарди. Икки мегатонна портлашга чидамли поликарбонат тўр билан маҳкамланган ойнаванд гумбаз ўзидан Қуёш нурларини фильтрлаб ўтказишга мослашганди. Шаффоф равоқдан офтобнинг кучсиз ёғдуси тушиб, деворларда ажиб жилвалинарди. Залга ёткизилган кафель тиник, кора рангда бўлиб, ҳар қадам ташлаганда худди коп-кора музни босаётгандек ваҳимали таассурот уйғотарди.

Хона марказида улкан ракетанинг тумшуғига ўхшаб кетадиган машина ўрнатилганди. Баландлиги етти метр бўлган бу машина бир қараганда қаҳратон қишида денгиз совуғига чидолмай музлаб қолган баҳайбат йиртқич китни эсга соладиган Трансхабар аппарати эди.

Трансхабар дунёда ягона нусхадаги энг кимматбаҳо компьютер жиҳози ҳисобланиб, МХА унинг мавжудлигини ҳеч қачон тан олмасди.

Айсберг ўзининг асосий массасини сув остига беркитгани каби, Трансхабарнинг юзада кўриниб турган қисми унинг ўндан бир ҳажмини ифодаларди холос. Аппаратнинг асосий манбай, тўқсон фоиз қудрати бино остидаги олти қаватдан иборат бункерга яширилган эди. Бункер тубида жойлашган генераторларнинг тинимсиз ҳаракатидан ҳосил бўладиган доимий ғуввиллаган товуш Криптодаги ўлик сукунатни бузиб турарди.

\* \* \*

Яратилган бошқа буюк технологик ихтиrolар сингари, Трансхабар ҳам замона зайлар билан вужудга келган. Кўпчилик 80-йилларда оммалашган интернетни энг сўнгги янгилик деб билса-да, аслида глобал тармок бундан қарийб 30 йил

муқаддам Мудофаа вазирлигининг ташаббуси билан яратилганди. Ундан асосий мақсад эса келажакда содир бўлиши мумкин бўлган ядро уруши вақтида компьютерларнинг йирик тармоғи, яъни интернет ёрдамида ҳукумат ахборот алмашинув агентлигининг хавфсизлигини таъминлашдан иборат эди. 1980-йилларда интернетнинг, сўнгра электрон почта нинг оммага тақдим этилиши телекоммуникация соҳасидаги буюк инкилоб бўлди. Бу тўнтарилишга гувоҳ бўлган МХА бундан буёғига разведка, ахборот тўплаш ва юбориш қоидалари ҳам ўзгаришини тушуниб етди. Электрон почта мактубдек ишончли, телефондек тез эди. E-mail’дан юборилган хабарлар хаво орқали эмас, балки ер остидаги фибер-оптик симларда узатилгани сабаб уларни яширинча эшитиш, ўқиш мумкин эмас, демак, электрон почта ва интернет телефонларга қараганда минг марта хавфсиз, деган фикр омманинг хаёлига ўрнашиб қолди. Шу сабабли ҳам глобал ахборот алмашув воситаларининг янги турлари жиноятчилар, террорчилар ва жосуслар учун айни муддао бўлди, чунки уларни телефондаги маҳфий сухбатларини яширинча эшитилиш хавфи доимо безовта қилиб келарди.

Шунга қарамасдан, МҲАнинг техник мутахассислари учун интернет бўйлаб юборилаётган шахсий ахборотни топиб, ушлаб қолиш хамирдан кил суғургандек осон эди. E-mail орқали ноконуний бизнес билан шуғулланаётган олғир кимсалар тез орада уларнинг шахсий сирлари ўзлари ўйлаганчилик шахсий эмаслигини тушуниб етдилар, чунки АҚШнинг Федерал қидирав бюроси, Наркотикка қарши кураш идораси, Солик қўмитаси каби бир қатор ташкилотлари МҲАнинг хакерлар гуруҳи бузиб кириб, одамларнинг почта сидан тўплаган маълумотлар ва далиллар ёрдамида юзлаб, минглаб жиноятларни фош этаётганди.

Компьютер фойдаланувчилари АҚШ ҳукумати одамларнинг шахсий электрон почта хабарларини текширишга имконияти борлигидан воқиф бўлганидан сўнг бу маълумот уларни ғазаблантириб, оммавий норозиликларга сабаб бўлди. Сиёsat ва жиноятга алоқаси йўқ оддий халқ вакиллари ҳам электрон почтадан фойдаланишга хавфсирاب қолишли.

МХАга жавоб тариқасида улдабурон дастурчилар электрон почтани ҳимоялаш усуллари устида бош қотиришни бошлишди ҳамда оммабоп калит номли шифрни ўйлаб топдилар. Бу шифр фойдаланишга қулай компьютер дастуридан иборат бўлиб, унинг вазифаси юборилган хабарни ўкиб бўлмас даражада кодлаштириш эди. Энди хабар йўлловчи юборган мактуб кабул қилувчидан бошқанинг қўлига тушиб қолган такдирда ҳам уни ўқишининг сира иложи йўқ эди, чунки бегона экранда ёзишма ўрнига маъносиз белгилар жамланмаси намоён бўларди. Фақат хабар йўлланган шахсгина ҳеч муаммосиз уни ўқий оларди.

Бундай хабарларни ўқишининг ягона йўли хат юборувчининг маҳсус калит сўзидан хабардор бўлиш эди. Калит сўз PIN-кодга ўхшаб кетса-да, унга қараганда узунроқ ва мураккаброқ бўлган белгилардан иборат бўлиб, ўзида қай усулда мактубни расшифровка килиш тўғрисидаги маълумотни жамлаганди.

Дастлаб фойдаланилган калит сўзлар МХА хисоблаш машиналари тахмин қилиб топиши мумкин бўлган даражада қиска эди. Масалан, агар керакли калит сўз ўнта рақамдан иборат бўлса, компьютерга 0000000000 дан 9999999999 гача сонларнинг барчасини калит сўз сифатида синаб қўришга буйруқ бериларди, натижада эртами, кечми тўғри шифрни топиш имкони бор эди. Расшифровканинг бу тури «шафқатсиз хужум» деб аталиб, кўп вакт талаб этадиган, лекин натижажа бериши мукаррар бўлган усуллардан эди.

Лекин вакт ўтгани сайин калит сўзлар ҳам узунлашиб, мураккаблаша борди. 1990-йилларга келиб битта калит сўзнинг ўзи элликдан ошиқ белгиларга эга бўлиб, ASCII алифбосининг 256 та рақам ва рамзини ўз ичига оларди. Олдин электрон машиналар калит сўзларни тахмин қилиб топиши учун бир неча кун сарфлаган бўлса, эндиликда биргина калит сўзни топишга ой тугул йиллар ҳам етарли бўлмай колганди. Тўғри калит сўзни аниқлаш эҳтимоли математик жиҳатдан амримаҳол бўлиб, бу худди беш километрга чўзилган кумлок соҳилдан керакли қум заррасини ахтаришдек гап эди. МХАнинг энг тезкор компьютери CRAY/JOZEFSON II

«шафқатсиз ҳужум» ёрдамида кодни топиш учун ўн тўққиз йил сарфлаши аниклангандан сўнг бу усул энди бефойда жакин тан олинди. Компьютер калит сўзни топиб, кодни синлиргунча хабар ўз аҳамиятини йўқотиб бўларди. Тезкорликни ўзига шиор қилиб олган МХА учун эса бу шармандали холат эди.

Олдида пайдо бўлган бундай тўсиқдан таҳликага тушиб колган МХА муаммони ечиш учун Америка президентига ўта маҳфий таклиф билан мурожаат этди. Бу таклиф дунёдаги энг биринчи, универсал код ечиш машинасини яратиш билан боғлик эди. Давлат раҳбари бу ғояни нафақат маъқуллади, балки режанинг бекаму кўст амалга оширилиши учун МХАни тасаввурга сиғмас даражада беҳисоб маблағ ва картбланш ҳукуқи билан ҳам таъминлади.

Кўплаб муҳандислар МХА тасаввуридаги код ечиш машинасини қуришнинг иложи йўқлигини таъкидласа-да, ташкилотнинг ўзи бундай фикрларга қулок илишни истамади. У «хеч нарса имконсиз эмас. Имконсиз туюлган ғоялар рўёби узокрок вақт олиши мумкин холос» деган шиорига содик қолиб, ишга киришди.

Орадан беш йил ўтиб, МХА ҳак эканлигини яна бир бор исботлади. Сарфланган беш юз минг иш соати ва 1,9 миллиард доллар бесамар кетмади. Ишнинг сўнгги боскичи: жимитдек процессорларни қўл меҳнати ёрдамида аппаратга жойлаштириш, якуний ички дастурлаш тутатилгандан сўнг нихоят Трансхабар дунё юзини кўрди.

Гарчи Трансхабарни яратиш устида минглаб мутахассислар ишлаган бўлса-да, уларнинг иши шу даражада индивидуал таксимландики, кўпчилиги аслида нимани яратиш устида меҳнат қилаётганидан бехабарлигича қолди. Трансхабарнинг ҳакиқий имкониятларидан боҳабар шахслар жуда камчиликни ташкил этарди.

Машинанинг уч миллиондан ошик процессорининг барчаси бир-бирига параллель равишда кўз илғамас катта тезлик билан ҳаракатланиши натижасида ўта мураккаб калит сўзлар ҳам Трансхабардан кочиб кутулмасди. Мульти миллиард долларлик бу санъат асари калит сўзларни топиб,

кодларни ечишда нафакат процессорлардан, балки эндиғина юзага келаётган квант компьютерлаштиришдан ҳам күвват оларди. Бу технология ахборотни иккилик саноқ тизими тарзидә эмас, аксинча, квант-механик ҳолатда сақлаш имкониятими яратиб берганди.

Октябрь ойининг изғирин пайшанба тонги. Машинани илк синовдан ўтказиш учун барча мутасаддилар йигилди. Аппаратнинг кай тезлиқда ишлаши номаълумлигига қарамасдан, бир нарса аник эди – агар барча процессорлар параллель ҳолатда, баравар фаолият юритса, Трансхабардан курдатлироқ код ечувчи машина бўлмайди. Ҳатто малакали муҳандислар ҳам унинг қанчалик курдатли эканини башорат қилишга ожиз эди.

Орадан бироз вақт ўтгач, башорат қилишга ҳожат колмади. Машина ўзига киритилган кирқ олти белгидан иборат кодни очувчи калит сўзни чиқариб берганида синов бошланганига атиги ўн икки дақика бўлган эди холос. Трансхабар шу вақтгача энг тезкор компьютер камидаги йигирма йил ичиде ечиши мумкин бўлган кодни бир неча дақиқаларда ошкор қилиб берганди. Бу Трансхабар энг кучли электрон ҳисоблаш машинасидан миллион марта кучлироқ дегани эди. Бу фактни таҳлил қиласар экан, йигилганлар бир муддат ҳайратдан лол бўлиб турди.

Трансхабар ҳақиқий ғалаба эди; бунда МХА бош директори ўринбосари Тревор Ж. Стратмор бошчилигидаги Ишлаб чиқариш бўлимининг ҳиссаси катта эди. Бирок Трансхабарнинг мавжудлиги тугул ҳар қандай махфий ҳабарни саноқли сонияларда фош этиши мумкинлигини оммага ошкор этиб бўлмасди. Бу ўтмишда бўлганидек, кайтадан норозилик келтириб чиқариши мумкин эди. Қолаверса, машинанинг мавжудлигидан бошқа давлатлар ҳабар топса, улар ҳам шу каби ихтиро устида ишлашга киришмаслигига ҳеч ким кафолат беролмасди. Бу эса АҚШ хукумати хавфсизлиги ва МХА учун ортиқча муаммо келтириб чиқариши кундек равшан эди. Шу каби кўнгилсизликларнинг олдини олиш максадида командор Стратмор зудлик билан лойиҳа тўла муваффакиятсизликка учрагани тўғрисида сохта маъ-

лумот тарқатди. Факат МХАнинг энг юқори қатлам вакилларигина асл ҳақиқатни биларди.

Трансхабар билан боғлиқ тажрибанинг омадсиз якунлангани ҳақидаги баёнотга ҳаммани ишонтириш учун МХА янги компьютер кодлаш дастури уларга зарар етказгани, дастур туфайли энди ҳуқук посбонлари учун жиноятчиларни гутиш ва айбини бўйнига қўйиш мушкул вазифага айлангани тўғрисида жар солди. Бу ёлғон ҳукуқни ҳимоя қилувчи ташкилотларга бир олам қувонч бағишилади. МХА, режага мувофик, омма кўз олдида жангда ютқазди ва мағлуб ролини аъло даражада ижро этди.

Компьютерлашган кодларни ечишга ҳатто қудратли МХАнинг ҳам тиши ўтмаслиги борасидаги миш-миш нафакат ҳуқук ҳимоячилари, балки бошқа бир қатор гурухларга ҳам осойишталик бағишилади. Наркобизнесменлар, террорчи-экстремистлар, товламачилар, хуллас, телефонидаги сұхбатларни хавфсизлик агентлиги ходимлари томонидан яширинча эшитилишидан тўйғанлар ҳеч иккilanmasdan кодланган электрон почта агентидан фойдаланишга ўтди. Улар энди жирканч жиноятлари тўғрисида шериклари билан қилган узундан-узоқ сұхбатлари ёзиб олинишидан ва суд залида уларга қарши ишлашидан кўрқмасди.

Ҳақиқатда эса Трансхабар разведка дунёсида янги даврни бошлаб берганди. МХА томонидан шубҳали қўринган тушуниб бўлмас белгилар мажмуаси машинага киритилса, Трансхабар уни бир неча дақиқадан кейин ўқишга ярокли матн ҳолида чоп этиб берарди. Энди ҳеч ким ҳеч қачон МХАдан ҳеч кандай сирни яшиrolmasdi. Трансхабар ҳаммани фош этувчи қуролга айланган эди.

## **Бешинчи боб**

МХАнинг кўпгина бўлимлари ҳафтада етти кун, дам олишсиз ишласа-да, Криптода одатда шанба кунлари тинч бўлади. Криптограф математиклар табиатан ишлашни яхши кўргани учун хар куни меҳнат килишга тайёр эди. Лекин тинимсиз иш уларнинг саломатлигига салбий таъсири кўрсатишдан хавотирланган раҳбарият ёзилмаган қоида чиқариб, фавқулодда ҳолат юз бермаса, шанба кунлари криптографлар дам олиши белгиланганди.

Лекин Сьюзан ҳеч қачон хордик кунлари Криптода бўлишни ёқтиргаган, шундай вақтлари у ўзини улкан қафас ичидা баҳайбат йиртқич маҳлук билан ёлғиз қолгандек ҳис этарди. Ҳозир ҳам истар-истамас ичкарига кириб, бўм-бўш зални кўрган Сьюзан ажабланди ва овоз берди:

– Ким бор?

Хона марказига қараб юриб, Трансхабар қархисида тўхтади, аппаратнинг саккиз қават пастдаги генераторларидан чиққан товуш бугун канакадир вахимали туюлиб, эти жунжикди, шошганча командорнинг офиси томон йўл олди.

Файриоддий кўриниши сабаб «Аквариум» номини олган Стратморнинг ойнаванд деворли хонаси залнинг тепа қисмида эди. Сьюзан тор зиналардан кўтариларкан, юкоридаги эман дараҳтидан килинган эшикка назар ташлади. Унда МХА рамзи – қадимий суяқдан ясалган калитни чангллаб турган бургут рамзи акс этганди. Эшик ортида эса Сьюзан умри давомида учратган энг буюк одамлардан бири ўтиради.

МХАнинг амалиётлар бўйича директор ўринbosари, эллик олти ёшли командор Стратмор Сьюзанга отасидек қадрдон бўлиб қолганди. Сьюзанни ишга олган ҳам, МХАда ўз ўрнини топишига ёрдам берган ҳам командор Стратмор эди. Ўн йилча муқаддам, Сьюзан Флетчер ташкилотда эндиғина иш бошлаган кезлари Тревор Стратмор янги ишга кабул килинган криптографларга машгулот ўтувчи Крипто тараққиёт бўлимини бошқаради. Гарчанд командор барча янги қўшилган аъзоларга бирдек муомала килиб, олтин ўрталиқни сакласа-да, у ўзининг ягона аёл ходимини алоҳида

өхтиёт киларди. Стратморниң кызга ён босишда айблашса, у очик-оидин Сьюзан Флетчер қўл остидаги ишчилар ичида энг уддабурон ва аклиларидан бири эканини ҳамда қандайдир жинсий камситилиш сабаб бундай ноёб аскаридан айрилиш нияти йўклигини таъкидларди.

Бу гапларни эшитган бир криптограф Стратморнинг аҳдини текшириб кўрмокчи бўлиб, аҳмоқона ишга қўл урди.

Ҳали иш бошлаганига бир йил бўлмаган Сьюзан бир куни эрта тонгда янги криптографлар учун ажратилган дам олиш хонасига қандайдир хужжатларни олиш учун кирди. Керакли қофозларни олиб, эшикдан чиқаётган маҳали эълонлар тахтасида осилган ўзининг расмига қўзи тушиб, уятдан ерга кириб кетгудек бўлди. Суратда ҳарир ич кийимини кўз-кўз килганча, каравотга ястаниб ётиб олган Сьюзанни кўриш мумкин эди. Бечора қиз бу расмга қачон тушганини эслаёлмай аклдан озаёзди. Кейин маълум бўлди, криптографлардан бири порнографик журналлардан биридан бу шармандали расмни сканлаб олган ва моделнинг боши ўрнига Сьюзаннинг калласини Photoshop ёрдамида ўрнатган. Натижада Сьюзан ўзини ич кийимда намойиш килаётгандек тасаввур уйғотувчи жуда ишонарли расм пайдо бўлган.

Бахтга қарши, командор Стратмор криптограф кўрсатган бу ҳунарни зигирча бўлсаям кулгили деб қабул қилмади. Икки соатдан кейин эълон пайдо бўлди:

*Ходим Карл Остин номақбул ҳулқ-атвори сабабли ишдан бўшатилди.*

Шу кундан бошлаб ҳеч ким Сьюзанга ортиқча гап-сўз қилмай қўйди; у командорнинг олмос кизига айланган эди.

Стратморнинг ёш шогирдлари уни хурмат қиладиган ягона одамлар эмасди; карьерасини энди бошлаган кезларидаёк у ғайриоддий ва ўта муваффақиятли разведка операциялари борасидаги таклифлари билан юкоридагиларнинг эътиборига сазовор бўлганди. Амал пиллапояларидан бирма-бир қўтариларкан, Тревор Стратмор мураккаб вазиятлардаги таҳлилий мулоҳаза юритиши, МХА атрофида ўралашаётган чигал муаммоларни ҳал қилишда аклига таяниб, мамлакат

ва ташкилот фойдаси учун маъкул қарор чиқариши ва қарор ижросини таъминлашга ғов бўладиган ҳар қандай тўсиқни шафқатсизларча йўқ килиши билан ном қозонганди.

Стратмор ватанини қаттиқ севишига ҳеч ким шубҳаланмасди. У ҳамкаслари кўз ўнгида ҳақиқий ватанпарвар ва салкам авлиё даражасида эди...

Сьюзан МХАга келганидан бери Стратмор Крипто тарақкиёт бўлими раҳбари лавозимидан бутун бошли МХАда иккинчи ўринда турувчи директор ўринbosари даражасига кўтарилди. Энди факат бир киши – директор Фонтейнгина Стратмордан амал жихатдан устун эди. МХА раҳбари Лиленд Фонтейнни ҳеч ким кўрмаган, ахён-ахёнда эшитишарди холос, шунга қарамасдан, барча ходимлар юрагида унга нисбатан абадий қўркув шаклланиб қолганди. Лиленд ва Стратмор ҳам бир-бирига камдан-кам дуч келса-да, уларнинг учрашуви титанлар тўқнашувини ёдга соларди. Фонтейн бу икки гигант ичида каттаси бўлса ҳам, Стратмор бунга эътибор килмасди. Ҳатто АҚШ президенти ҳам МХА директорига ўйлаб муомала килар, Стратмор эса Фонтейн билан баҳслашганда кони қайнаган боксчи сингари фикрларини шарт-шарт айтиб ташларди.

Бундай ишга жазм этиш учун одамдан сиёсий иммуниtet талаб қилинади одатда, Стратморга эса журъатни сиёсий хилма-хиллик берарди.

\* \* \*

Сьюзан зинанинг тепасига етиб келди, қўнғироқни босишига улгурмасидан электрон қулф ғинфиллаб, эшик очилди, ичкарида ўтирган командор кизга қўл силкиб, ичкарига таклиф этди.

– Келганинг учун раҳмат, Сьюзан, сендан қарздорман.  
– Ҳечкиси йўқ, командор, вазифам-ку бу, – Сьюзан Стратмор рўпарасидаги курсига ўтиаркан, жилмайиб жавоб берди.

Командор баланд бўйли, гавдали одам бўлиб, бу хусусият уни янада қаттиқкўл ва талабчан қилиб кўрсатарди. Унинг доимо ишонч ва вазминлик мухрланган кулранг кўзлари бугун негадир бежо кўринди.

– Чарчаган кўринасиз, тинчликми? – Сьюзан сўради.

– Анча яхшиман, – жавоб берди командор.

Сьюзан Стратморга дикқат билан тикиларкан, командорнинг ахволини кўриб, нимадир рўй берганини сезди. Унинг сийрак кулранг соchlари тартибсиз кўринишда, хонада кондиционер ишлаб турган бўлишига қарамай, пешонасида тер томчилари ялтираб кўринарди. Фижимланиб кетган костюми Стратмор уйга кетмасдан, кечаси шу ерда ухлаганидан дарак берарди. Компьютер ўрнатилган столнинг устида қоғозлар тартибсиз сочилиб, ҳар хил хужжатлар уйилиб кетганди.

– Оғир ҳафта бўлдими? – Сьюзан нима бўлаётганини билиш учун яна сўради.

Стратмор бошини чайқади:

– Ҳар доимгидек. ЭЧЖ фуқаролар дахлсизлиги юзасидан яна бўйнимга осилишни бошлади.

Қиз кикирлаб кулди. ЭЧЖ ёки Электрон чегараланиш жамияти дунё миқёсидаги компьютер фойдаланувчилари томонидан ташкил этилган коалиция эди. Унинг асосий мақсади интернетдаги эркин фикрлашни қўллаб-куватлаш ҳамда электрон дунёнинг хавф-хатар ва воқеликлари ҳақида бошқаларга таълим бериш эди. Бу жамият аъзолари доимий равишда ҳукумат агентликларини, айниқса МХАни шахс дахлсизлигини поймол қилишда айблаб келарди. ЭЧЖ Стратморнинг оёғига кирган чақириканак эдикӣ, ҳеч ундан кутулиб бўлмасди.

– Эски ҳаммом, эски тос, эътибор берманг, бақириб-чақириб ўзларига келиб қолишади, – Сьюзан таскин берди. – Хўш, қандай фавқулодда ҳолат юз берди ўзи?

Стратмор бармоқларини партага чертганича, гапни нимадан бошлашни билмагандек ўйланиб қолди. Узок жимликдан кейин Сьюзаннинг нигоҳига тикилди ва жиддий оҳангда сўради:

– Трансхабар бирор кодни ечиш учун сарфлаган энг узок муддат қанча эди?

Савол Сьюзанга ғалати туюлди, командорнинг нимага шаъма қилаётганини илғай олмади.

– Хўш... – қиз иккиланди. – Бир неча ой муқаддам Comint туттган кодни ечишга Трансхабар бир соат сарфлаган-

ди. Лекин у ҳақиқатан ҳам жуда узун калит сүз эди – тахминан ўн минг бит атрофида.

Стратмор ғұрданди:

– Бир соат, тушунарли... Яқында биз таҳлил учун киритган кодларимизчи?

Сьюзан елка кисди:

– Албатта, агар синов тажрибаларни ҳам ҳисобга олсак, улар күпроқ вакт олган.

– Қанчалик узок?

Сьюзан Стратмор гапни қаерга олиб бораётганини түшүнмади:

– Жаноб, мен ўтган март ойида калит сўзи миллион биттаң тенг алгоритмни синааб кўрдим. Шунда ҳам Трансхабар уни еча олди.

– Қанча мулдатда? – сабрсизланиб сўради Стратмор.

– Уч соатда.

Командорнинг қошлари чимирилди:

– Уч соат? Шунчалик узокми?

Кизнинг қовоғи уйилди. Сьюзан сўнгги уч йилда вақтининг асосий қисмини Трансхабарнинг иш кўрсаткичларини ошириш йўлида меҳнат қилишга сарфлаганди. Машинанинг иш тезлигини янада кўтаришга хизмат қилган дастурларнинг аксарият қисми Сьюзан томонидан яратилганди. Миллион бит келадиган калит сўзни топиш учун уч соат сарфлашнинг ўзиёқ Трансхабарнинг тасаввур қилиб бўлмас даражадаги катта тезликда ишлашини кўрсатарди.

– Яхши, – деди Стратмор. – Демак, ҳатто энг узун кодни ҳам Трансхабар уч соатда ечиб бўлган, шундайми?

Сьюзан бош иргиб тасдиқлади:

– Шундай, жаноб.

Командор худди ичидаги гапни айтишга қўрқандек ерга тикилиб, сукут сақлади. Орадан бироз вақт ўтгач, юкорига қаради:

– Трансхабар ниманингдир устида ишляяпти... – ва гапини тўхтатди.

– Уч соатдан ҳам күпроқми? – қиз анграйиб қолди.

Стратмор «Ҳа» ишорасини берди.

– Янги диагностик кодми? Ёки хавфсизлик бўлими бирор код юборганими?

Командор бош чайқади:

– Гап ташқаридан келган файл устида кетяпти, МХАга алоқаси йўқ бу коднинг.

– Ташки файл? Ҳазиллашяпсизми, жаноб?

– Қанийди шундай бўлса... Мен ўтган кечаси, соат тахминан ўн бир яримда Трансхабарга файлни жойладим. Машина уни ҳалигача ечолгани йўк.

Сьюзаннинг оғзи очилиб қолди. Бир соатига бир Стратморга қараб, нималар бўлаётганини таҳлил қилишга уринди.

– Ҳанузгача калит сўзни топмадими? Ўн беш соатдан ошибдику, командор! – ишонқирамай сўзлади Сьюзан.

Стратмор эгилиб, компьютерининг экранини айлантириб, қизга кўрсатди. Қоп-қора экраннинг юзасида сарик харфлар милтиллаб туради.

*Ишлаш вақти: 15:09:33*

*Кутугаётган калит сўз: \_\_\_\_\_*

Сьюзаннинг кўзларида ҳайрат учқунлари зохир бўлди. Бир сония ичидаги ўттиз миллион калит сўзни таҳлил қилишга мослашган Трансхабарнинг процессорлари бир соат ичидаги юз миллиарддан ошиқ тахминларни текшириб чиқишига кодир. Трансхабар ўн беш соатдан бери кодни ечолмаётгани калит жуда узун, камида ўн миллиард белгидан иборат эканини билдиради. Буни ақлга сифдириб бўлмасди.

– Бўлиши мумкин эмас! – хитоб қилди Сьюзан. – Қандайдир носозлик бордир балки. Текшириб кўрдингизми?

– Ҳеч қандай хатолик йўқ, текис ишляпти.

– Аммо калит сўз жуда катта бўлиши мумкин!

Стратмор бош чайқади:

– Оддий алгоритм. Менимча, кирқ тўрт бит ҳажмда.

Бу қандай содир бўлиши мумкин... Трансхабар кирк тўрт белгидан иборат калит сўзни ечиши учун ўн дақика ҳам сарфламасди ҳатто.

– Қандайдир изоҳ бўлиши керак бунга!

Командор тасдиқ ишорасини қилди:

- Изоҳ бор. Лекин бу сенга ёқмайдими деб кўркаман.
- Трансхабар бузилиб колдими? – хавотир аралаш сўради киз.
  - Гап машинада эмас.
  - Унда вирус тушдими қандайдир? – янада вахимага тушди Сьюзан.
  - Ҳеч қандай вирус йўқ, эшитсангчи мени, Сьюзан, – Стратмор бироз асабийлашди.

Кизнинг боши ғовлаб кетди. Аппаратда носозлик бўлмаса, вирус таркалмаган бўлса, гап нимада бўлиши мумкинлигига акли етмаётганди.

– Сьюзан, – командор охиста гап бошлади. – Буни қабул килишинг қийин бўлади, лекин бир дақиқа менга қулок сол. Трансхабар жавобини топишга уринаётган код биз шу вактгача учратган кодлардан бутунлай бошкacha. Олдин бунақасига дуч келмаганман. Бу кодни ечиб бўлмайди.

Флетчер унга қараб, қаҳ-қаҳ отиб қулиб юбораёзди:

– Ечиб бўлмайди? Бу нима дегани? Баъзи кодлар ҳакиқатанам узокроқ вакт олиши мумкин, лекин эртами, кечми машина барибир бир тўхтамга келарди. Нима демоқчилигинингизни англамадим, жаноб.

– Бу кодни ечиб бўлмайди, – афсус билан сўзларини тақрорлади командор.

Ечиб бўлмайди? Сьюзан код таҳлили бўйича йигирма етти йиллик тажрибага эга одам оғзидан чиқкан бу гапга асло ишонолмасди.

– Командор, Бергофский конуничи?

Бергофский тамойили ҳақида Сьюзан криптограф сифатида янги иш бошлаган кезлари билганди. Бу қонунга муовифик агар компьютер кераклича калит сўзларни синаб кўрса, улар орасидан тўғрисини топиши исботланганди. Компьютер тўғрисини тополмаса, бунга сабаб коднинг ўта химоялангани эмас, машинага ишни бажариш учун етарлича вакт берилмаганида бўларди. Бу конун код ечишдаги «шафкатсиз ҳужум» усулининг тамал тоши эди. Айнан шу тамойил Стратморга Трансхабарни куриш учун илҳом бағишилаганди.

Командор яна бош чайқади:

– Бу код бошқача деяпман-ку.  
– Бошқача? – қизнинг кўзларида савол котиб қолди. Ечиб бўлмас код мавжуд бўлиши математик эҳтимолдан бутунлай йироқ эди. Командор буни жуда яхши биларди.

Стратмор чаккасидаги тер томчиларини қўли билан сидириб ташлади ва тушунтиришга киришди:

– Бу кодни бизга бутунлай нотаниш энг сўнгги русумдаги шифрлаш алгоритми ёзган.

Съозаннинг шубҳаси янада ортди. Шифрлаш алгоритмлари шунчаки, матнни кодга айлантиришга хизмат қилувчи математик формуалалар эди холос. Дастурчилар ҳар куни янги алгоритмларни яратарди. Техника дўконларидан уларнинг PGP, ZIP, IDEA каби юзлаб турини топиш мумкин эди. Трансхабар бундай алгоритмлар ёзган кодларнинг барчасини хеч кандай муаммосиз синдириб келган. Машина учун шифрни кайси алгоритм тузгани аҳамиятсиз эди.

– Мен тушунмаяпман, жаноб, – Съозан эътиroz билдириди. – PGP, Люцифер, DSA – фарки йўқ, ҳар бир алгоритм ўзи хавфсиз деб билган калитни яратади, Трансхабар эса уни топмагунича тўхтамайди.

Стратмор сабр билан жавоб қайтарди:

– Ҳақсан, Съозан, Трансхабар кодни ечиш учун зарур бўлган калит сўзни ҳамиша топади, ҳатто унинг ҳажми жуда узун бўлса ҳам. Агар... – муҳим гапни айтмоқчилик чукур нафас олди.

– Нима агар? – Съозан командорнинг оғзини пойлади.

– Агар компьютер кодни топганини ўзи сезмаса-чи?

Кутилмаган фикрдан Съозан стулдан йиқилиб тушаёздиди:

– Нима-а-а?

– Агар Трансхабар тўғри калит сўзни узок муддат тахмин қилишда давом этса, бунга ягона сабаб у керакли калит сўзга дуч келганини англамаслиги бўлиши мумкин. – Стратмор бироз тин олиб, умидсиз оҳангда қўшиб қўйди. – Менимча, бу алгоритм айланма матндан ташкил топган.

Қизнинг оғзи ҳайратдан очилиб қолди.

Айланма матн тушунчаси биринчи марта 1987 йили вен-

гриялик математик Жозеф Гарн томонидан ўртага ташланганди. Компьютер шифрланган матнни ўкиш учун хабардаги кўзга ташланувчи белгилар, уларнинг жойлашувини тахлил килишга таянишини ҳисобга олиб, Жозеф матндағи ҳарфлар ва ракамларнинг ўрнини маълум вакт оралиғида алмаштириб туришни таъминловчи алгоритм яратиш фикрини олға сурганди. Назарий жиҳатдан олиб караганда, белгиларнинг доимий ўзгариши натижасида компьютернинг шифрни ечадиган калитни топиши мураккаблашарди. Муқобил калитни топган такдирда ҳам хабар матни бошқача тус олиб, янги кўринишига эски калит мос тушмасди ва электрон ҳисоблаш машинаси уринишларни қайтадан бошлашга тўғри келарди. Бу жараённинг охири йўқ эди. Ўша даврда Жозефнинг ғоясига Марсни ишғол қилишдек иложсиз ҳодиса сифатида қаралган бўлса, ҳозирга келиб бу каби алгоритмни яратишга инсон салоҳияти ожизлик қилиши тан олинганди.

– Нима? – киз анграйганча курсига суюниб қолди. – Бизнинг бўлимда дунёдаги энг мохир дастурчилар йигилган, шеф! Энг устаси фаранглар факат Криптода фаолият юритади! Ўзингиз кўриб турибсиз, бир неча йиллардан бери айланма матн устида ишляяпмиз, аммо ҳанузгача бирор натижага эришганимиз йўқ. Жамоатчилик орасидаги аллақандай чаласавод айланма матнни яратиш усулини топган бўлиши мумкин эмас! Бу бўлмаган гап!

Стратмор кизни тинчлантиришга уринди:

– Шахсан мен бу дастурчи йигитни чаласавод деб атамаган бўлардим...

Лекин Сьюзан эшитишни ҳам истамасди, унинг миясида турфа фикрлар чарх уради. Трансхабар бу тарзда ишлashinga бошқа изоҳ бўлиши керак. Балки вирус, балки ички аппаратлардаги кўз илғамас носозлик туфайли машина код калитини тополмаётгандир. Ҳар нарса бўлиши мумкин, бироқ ечиб бўлмас шифрни сабаб килиб кўрсатиш ғирт бемаънилиқ. Бундай алгоритмнинг мавжуд эмаслиги кундек равшан, ахир...

Командор галида давом этди:

– Бу алгоритмни шу вақтгача мен учратган энг зеҳни ўт-кир, алохида истеъоддога эга дастурчи тузган.

– Жин урсин, қанақасига? Ақлий салоҳияти юқори бўлган барча компьютер дастурловчилари менинг бўлимимдаку. Агар улардан бирортаси айланма матнни ёзганида эди, мен албатта хабар топган бўлардим бундан, – Сьюзан шубҳа аралаш эътиroz билдириди. – Кимни назарда тутяпсиз, аникроқ гапирсангизчи?

– Тахмин қилиб кўрчи... Бу одамнинг МХАга унчалик хуши йўқ эди.

– Оббо... Топишмоқ топишнинг айни вактини топдингиз! – қиз асабийлашди, унинг сабр косаси тўлиб бораётганди.

Командор Флетчернинг киноясини беэътибор қолдириб, сўнгги изоҳини айтди:

– Бу одам Трансхабар лойиҳаси устида ишлаганди. Бироқ қоидаларга бўйсунмай, муаммо келтириб чиқаргани сабаб уни ишдан четлаштирганман... Ёдинга тушдими?

Шефнинг сўнгги сўзларидан кейин Сьюзаннинг ранги окариб кетди:

– Эй Худойим... Ахир у...

Стратмор қиз ниҳоят ким ҳакида гап кетаётганини тушунганини кўриб, маъқуллади:

– У йил бўйи Трансхабарга чидамли код ёза олувчи алгоритм яратгани ҳакида жар солиб юрганди.

– Л-лекин... – дудукланди Сьюзан. – Лескин мен унинг гаплари қуруқ оғиз кўпиртириш деб ўйлагандим. Ростдан ҳам яратибдими шундай алгоритмни?

– Шундай. – қисқача жавоб берди командор.

Сьюзаннинг нафаси ичига тушиб кетди:

– Ахир...бу дегани...

Стратмор қизнинг кўзларига маъносиз тикилди ва нафрат аралаш пичирлади:

– Тўғри ўйляйсан. Бу дегани Энзай Танкадо Трансхабарни кераксиз матоҳга айлантириди дегани!

## **Олтинчи боб**

Энзай Танкадо Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларидан анча вақт ўтганидан кейин туғилган бўлса-да, урушни батафсил ўрганди. Айниқса, воқеалар ривожининг энг аянчли нуқтаси, юз минглаб ватандошининг ёстигини куритган атом бомбаси портлаши ҳакидаги тарихий маълумотларнинг деярли барчасини синчиклаб кўздан кечириб чиқди.

Ҳиросима. 08:15, 6 август, 1945 йил дунё тарихига аёвсиз бузғунчилик содир этилган сана сифатида муҳрланди. Атом кучи урушдаги ғолиблар ва мағлублар ким эканлигини белгилаб берди. Танкадо жангда мамлакатининг енгилганини ҳам, миллатдошларининг кирилиб кетганини ҳам қабул кила оларди. Лекин мана шу бомба портлаши онасининг умрига зомин бўлганини ҳеч ҳазм қилолмасди.

1945 йили портлашдан кейин кўпчилик дўстлари қатори Танкадонинг онаси ҳам Ҳиросима ахолисига ёрдам кўрсатиш учун кўнгилли сифатида йўлга отланди. Ўша ерда худуддаги кучли радиациядан заҳарланиб, дарди бедаво хасталик – нурланишга чалинди. Шу дард билан ўн беш йилдан ошикроқ курашди. Ниҳоят, орадан ўн тўккиз йил ўтиб, ўттиз олти ёшида, ўзини муқаррар ажалга етаклашини билса-да, Танкадони дунёга келтирди ва фарзанди рўйи заминдаги илк нафасини чиқаришига улгурмасиданоқ вафот этди. Аёл ягона зурриёдининг мажруҳ туғилганидан бехабар ҳолда дунёдан ўтганди.

Энзайнинг дадаси хотинини йўқотгани етмагандек, ҳамширалар фарзанди деб кўрсатган нуксонли мавжудотни кўриб, дардига дард кўшилди, ўша тундаёқ касалхонани тарк этди ва ҳеч қачон боласини қидириб қайтмади. Шифокорлар Танкадонинг бир кечадан ортиқ яшашига ишонмаганди, лекин митти гўдак ҳаёт учун курашиб, матонат билан нафас олишда давом этди. Орадан бироз вақт ўтгач, уни бефарзанд бир оила савоб илинжида асрраб олди.

Эсини танигандан кейин ҳар кеча ёш Танкадо ўзининг буришиб кетган бармокларига тикиларкан, онасининг ўлимига, майиб туғилишига, дадасининг ўғлидан воз кечишига сабабчи бўлган мамлакатдан қасос олишга қайта-қайта ка-

сам ичарди. Болакайнинг мурғак қалбидаги интиқом алангаси туриллаб ёнмоқда эди.

Энзай ўн икки ёшга тўлганида Токиодаги компьютер ишлаб чиқарувчи бир фирма унинг оиласини хузурига чакирди. Бундан максад фірма ишлаб чиқарган ногирон болаларга мўлжалланган клавиатура синовида Танкадонинг иштирокини сўраш эди. Кўшимча маблағ ишлаш илинжида тутинган ота-она болани олиб пойтахтга отланди.

Энзай Танкадо ўшандаги умрида биринчи марта компьютерни кўрди. Олдин ҳеч қачон фойдаланмаган бўлса ҳам, бир карашдаёқ уни қандай ишлатишни ўрганиб олди. Компьютер орқали у бутунлай ўзгача дунёни кашф қилганди. Кейинроқ эса ҳаётининг бир лаҳзасини ҳам компьютерсиз тасаввур килолмайдиган бўлди, компьютер унинг доимий йўлдошига айланди. Улғайгач, Танкадо мактабни бутунлай йиғишириб кўйди, компьютер ёрдамида ишлаб пул топишни бошлади, керакли маблағни йикқанидан сўнг Япониядаги энг машхур олийгоҳ – Дошиша университетига хужжат топшириб, ўкишга кирди. Тез орада Энзай Танкадо бутун Япония бўйлаб «Мажрух даҳо» номи остида донг таратди.

Кунлардан бир куни тасодифан Энзай Япониянинг Иккинчи жаҳон уруши даврида АҚШнинг Пёрл-Ҳарбор кўрфазига килган босқини ҳакида ўқиб қолди. Воеалар силсиласини тарози палласига қўяркан, АҚШга бўлган нафрати аста-секин сўниб борди. Буддизмга меҳр кўйиб, художўй диндорга айланди, шу аснода болалигида ичган қасамини унутди; у кечириш маърифатга етакловчи йўл эканлигини англағанди.

Йигирмага кирганида Танкадо дастурчилар орасида хурматга сазовор инсонга айланганди. Унинг довругини эшитган IBM зудлик билан ишга таклиф қилди. Имкониятдан унумли фойдаланган Танкадо Техасга учди. IBMда ишлаб, янада тажриба ортирган йигит уч йилдан кейин у ерни тарк этиб, Нью-Йоркка кўчиб ўтди ҳамда ўзи мустақил алгоритмлар ёзишни бошлади, шу орқали каттагина бойлик ортириди.

Шу зайлда тинчгина яшаб юрган Танкадонинг овозаси МХАнинг эътиборидан четда қолмади. Тақдирнинг ўйини-

ни қарангки, Танкадо бир вактлар ер билан яксон қилиш истагида ёнган мамлакатнинг қок юрагида, Миллий хавфсизлик агентлигига ишлаш имкониятини қўлга киритди. Иккилана-иккилана сухбатга борган Энзай командор Стром билан кўришганидан сўнг барча шубҳалари барҳам топди. Интервью давомида улар Танкадонинг келиб чиқиши, АҚШга муносабати, келгуси режалари ҳакида дўстона сухбатлашдилар. Беш хафта давом этган текшириш жараёнида йигит ёлғон детекторидан, турли психологик тестлардан муваффакиятли ўтиб, МХАнинг Криптография бўлимида иш бошлади. Унинг юрагида Америкага нисбатан зигирча ҳам нафрят учкуни қолмаганди.

Катта маош олишига қарамасдан, Танкадо ишга эски мопедида қатнарди, ҳодимлар учун тайёрланган шоҳона тушликни рад этиб, қўлбола гамбургерини ошхонага ҳам кирмасдан, столида тановул этарди. Бўлимдаги бошқа криптографлар Танкадони жуда ҳурмат қиласди, чунки Энзай ҳақиқатан ҳам учратиш мумкин бўлган энг моҳир, улдабурон, зехнли дастурчи эди. Бундан ташқари, Танкадо ўзидаги меҳрибонлик, тўғрисўзлик, одоб каби юксак инсоний хислатлари билан ҳам эътирофга сазовор бўлганди. Йигит учун ахлокий фазилатлар, ҳақиқатгўйлик жуда мухим эди. Лекин айнан мана шу хислатлари МХАдан ҳайдалишига сабабчи бўлиши ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаганди.

\* \* \*

Трансхабарни куриш устида ишлаётган деярли барча муҳандислар-у дастурловчилар уни тўла қонун доирасида ишлайди деб ўйлашарди. Федерал қидирув бюроси кимнингдир телефонига «қўнғиз» – эшитиш датчиги ўрнатиши учун Федерал суднинг ижозатини олиши керак бўлганидек, МХА ҳам бирор электрон хабарни ўқиши учун албагта суд ҳокимиятининг рухсатномаси зарур деган фикр уларга уқтирилган эди. Шу сабаб Трансхабарга Федерал бюро ва суднинг тасдиғидан кейингина ишга тушишни таъминловчи маҳсус дастур ўрнатилиш кўзланганди. Айнан мана шу йўл билан МХАнинг дунёдаги исталган одамнинг маълумотларини рухсатсиз ўқишига чек кўйилиши назарда тутилганди.

Бирок дастурни Трансхабарга жойлаштириш вақти келганды ишчи гурухга режада ўзгариш бўлганини айтишиди. Ҳар бир хабар учун суд рухсатини кутиш баъзан узок вақт олиши мумкинлиги МХАнинг фавқулодда тезлик талаб қилувчи аксильтеррор ҳаракатлари ишини кечикитиради. Шуни ҳисобга олиб, Трансхабар фақатгина МХА томонидан бошқариладиган код ечувчи машина бўлиши режалаштирилганди.

Бу хабарни эшитиб, Энзай Танкадо ғазабдан жунбушга келди. МХАга Трансхабарни бошқаришни тўлиқ топшириш шерни кийиклар лим ўтлоққа кўйиб юборишдек гап эди. МХА энди истаган вақтида, истаган одамнинг хабарларини беруҳсат, ўзига сездирмаган ҳолда ўқиш имкониятини қўлга киритганди. Бу ҳолат Танкадонинг ҳақиқатгўйлик, адолат тамойилларига асло мос келмасди. Стратмор йигитга Трансхабардан МХАнинг фойдаланиши жиноятчиликнинг кескин камайишига олиб келишини тушунтиришга уриниши бесамар кетди. Танкадо иш жойини тарк этди ҳамда Электрон хабарлар хавфсизлиги идораси билан боғланиб, бор гапни айтиб беришга уринди. Агар Энзай Танкадо дунёга барча компьютерларни яширинча ўқий оладиган махфий машина – Трансхабар мавжудлиги ҳақидаги ҳикоясини маълум килса, бу килифи оркали МХАнинг хавфсизлигига жиддий зарар етказиши мукаррап эди. Бундан ваҳимага тушган Миллий хавфсизлик агентлиги бечора ҳақиқатпарвар йигитнинг оғзини қай йўл билан бўлса-да ёпишга мажбур бўлди, натижада Танкадони давлатга хиёнат қилишда айблаб, ҳибсга олишди.

Мажруҳ даҳонинг қамоққа олиниши ва мамлакатдан кувғин килиниши оммавий мухоммадларга сабаб бўлди. Стратморнинг қаршилигига қарамасдан, МХАнинг хавфсизлик бўлими мутахассислари Танкадонинг бош кўтариб, Трансхабарнинг мавжудлиги ҳақида гуллаб қўйишидан чўчишди ва дастурчининг обрўсини бир пул киладиган ҳар хил миш-мишлар тарқатишли. Энзай Танкадо глобал компьютер жамияти олдидаги ҳурматини ва ишончини бир зумда йўқотди; энди одамлар ундан ўзини олиб қочарди, АҚШнинг код

ечувчи машинаси борлиги ҳақидаги ҳеч қандай далил-исботга асосланмаган хабар тарқатиб юрган бу майиб дастурчининг елкасига хавфли жосус деган айни ортмоклаб қўйишганди.

Танкадо буларнинг барчаси жирканч сиёсий ўйиннинг бир кисми эканини англаб етди. Бошига тушган кулфатларга қарамасдан, жаҳлини ҳеч кимга кўрсатмади, фақат қатъий бир қарорга келди. Сокчилар суд залидан ташқарига олиб чиқиб кетар экан, у Стратморнинг рўпарасида тўхтади ва соvuк нигоҳини унга қадаб, деди:

– Ҳозирча барчамизнинг сир сақлашга ҳакқимиз бор. Бироқ бир кун келиб мен сизга барчамиз сир сақлашга имкониятимиз бўлишини ҳам исботлайман, командор!

Бу Стратмор ва Танкадонинг сўнгги сухбати бўлди.

## Еттинчи боб

Съюзаннинг мияси котиб қолди. Энзай Танкадо ечиб бўлмас шифрлар ёзувчи дастур яратиби деган ўй қизни музлитиб кўйганди.

– Рақамли қалъа, – Стратмор тилга кирди.  
– Кечирасиз, жаноб? – қизнинг хаёли чалғиди ва шефга ўтирилди.

– Танкадо ўзининг алгоритмини Рақамли қалъа деб атамоқда, – тушунтириди командор. – Рақамли қалъа алгоритми дастурлаш оламидаги энг буюк курол. Агар у бозорга тарқалиб кетса борми, исталган кимса МХА ечишга кодир бўлмаган хабарлардан миллионтасини юбориш имкониятига эга бўлади. Бу разведка агентлигимизнинг ҳалокати демак, тасаввур қиляпсанми, Съузан?

Бирок қизни Танкадо тузган дастурнинг сиёсий окибатлари кизиқтирмасди хозир. Бутун умрини кодларни ошкор килишга сарфлаган Съузан ҳалигача айланма матннинг мавжуд бўлиши мумкинигини кабул кила олмаётганди. Ҳар бир коднинг калити бор – Бергофский конуни буни тасдиклайди, бошқача бўлиши мумкин эмас... Шу сўзларни такрорлар экан, ўзини Худо билан юзма-юз келаётган даҳрийдек хис этиб, танасидан совук тер чиқиб кетди.

– Танкадо тузган код тарқалиб кетадиган бўлса, криптографиянинг куни битади... – базўр шивирлади киз.

– Бу муаммоларимизнинг бошланиши холос, – командор чукур ух тортди.

– Балки унга пул керакдир? Алоқаларимиз яхши бўлмас-да, Энзай билан музокара олиб бориб, унга бир неча миллион доллар таклиф этишимиз мумкин!

– Бир неча миллион доллар? Ҳазиллашяпсанми? Танкадо ёзган шифр бебаҳо. Жаҳондаги ҳар бир ҳукумат у учун бир неча миллион эмас, бир неча юз миллиард доллар беришга тайёр. Жаноб президентга биз ортиқ ироқлик террорчиларнинг хавфли режаларидан боҳабар бўлолмаслигимизни қайси юз билан айтамиз? Бу ҳолат фактат МХА эмас, бутун разведка агентликлари учун нақадар даҳшат эканини тасаввур қиляпсанми? Трансхабар конун ҳимоячилари учун

нажот манбаи эди. Федерал қидирув бўлими, Интерпол, Марказий разведка бошқармаси, Наркобизнесга қарши кураш идораси... Улар Трансхабарсиз ўз йўлини йўқотиб кўяди. Террорчилар истаганича онлайн мулоқот қилиб, манфур режаларини пишигади, товламачилар банкдаги ҳисоб рақамларини ҳеч қандай муаммосиз тўлдириб боради, наркотик савдоси гуллаб-яшнайди – хукуқбузарлик энг юксак чўққига кўтарилади, биз тартиби니 саклай олмай қоламиз, тасаввур қиляпсанми? Ақлингга сиғяптими бу воқеаларнинг оқибати, Сьюзан?

Стратмор ўзини босолмай, куйиб-пишиб гапиради.

Сьюзаннинг юраги орқасига тортиб кетди.

– Агар Электрон чегараланиш жамияти бу ҳақда хабар топса, киёмат бўлади, командор, бир иложини топишимиз керак... – деди у ҳаяжон билан.

Стратмор жинидан ёмон кўрадиган идора номини эшигиб ижирғанди:

– Агар Электрон чегараланиш жамияти биз Трансхабар ёрдамида қанчадан-қанча террорчилик хужумларини бартараф этганимизни билганда эди, бирорнинг хабарларини ўқишимиз фақат тинчликни саклаш учун хизмат қилишини тушунган бўларди.

Сьюзан шефнинг фикрига қўшилса-да, ЭЧЖ ҳеч качон Трансхабарнинг нақадар муҳим эканлигини тан олмаслигини яхши биларди. Машина расшифровка килган маълумотлар ўта маҳфий бўлиб, хукумат улар хақида баёнот беролмасди. Масалан, АҚШ ҳудудидаги экстремистик оқимлар ўртасида иккита атом бомбаси яратилганидан дарак берувчи ёзишмалар бўлгани ошкор этилса, омманинг бу янгиликни қандай кайфиятда кутиб олиши номаълум эди.

Бироқ ядрорий хужум мамлакатга кўланка ташлаб турган ягона хавф эмасди. Ўтган ойда Трансхабар шарофати билан МХА ўта пухта режалаштирилган террорчилик хужумини тўхтатиб қолишга муваффак бўлди. Мухолиф кучлардан иборат гуруҳ Нью-Йорк биржасини талон-торож қилиб, бойликларни тунаш мақсадида «Шервуд ўрмони» номли режа ишлаб чиққанди. Унга мувофиқ, олти кун давомида гу-

рух аъзолари биржаси атрофидаги биноларга йигирма еттида портловчи мослама ўрнатганди. Бу қурилмалар ишга туширилса, кучли магнит портлаши юз берар, натижада бинодаги и себоб-ускуналар, компьютерлар ва уларнинг қаттиқ дисклари, магнит тасмалар, ROM ва ҳатто оддий дискеталар ичидаги маълумотлар билан бирга қайта тиклаб бўлмайдиган яхволга келиб қоларди.

Портловчи қурилмаларни бир вақтда ишга тушириш зарурлиги сабаб улар интернет телефон линиялари оркали бир-бирига боғланганди. Жойлаштирилгандан бир неча кун ўтгач, механизмлар алмашган шифрли маълумотни МХА ушлаб олди. Дастраси шунчаки хатолик деб диккат қаратилмаган кодлар аслида даҳшатли портлашга санокли соатлар қолганига ишора берувчи дарак эканини Трансхабар ошкор ўтанидан сўнг тезкор гурух ходимлари зудлик билан ишга киришди. Ҳамма қурилмалар ишга тушишига уч соат қолганида хавфсизлантириб, бўлғуси ҳалокатнинг олди олинди.

Юқоридаги ҳолат Трансхабар бўлмаса, МХА ривожланган электроник терроризм қаршисида ожиз эканлигининг яна бир исботи эди.

Сьюзан командор компьютерининг экранига кўз кирини ташлади – қарийб ўн олти соатдан бўён машина жавлон уриб кодни топиш устида ишлайтган бўлса-да, ҳамон натижадан дарак йўқ эди. Мабодо Трансхабар ҳозир Танкадо шифрининг қалитини топган тақдирда ҳам МХА ботқокка ботиб бўлганди. Битта кодни ечишга 16 соат сарфлаш Криптонинг иш самарадорлиги 10 бараварга қисқариши дегани эди. Ҳозирда кунига юз элликдан ортиқ хабарни очиб ташлайдиган Трансхабар айланма матн сабаб кунига иккита кодни ҳам очолмайдиган аҳволга келиб қоларди.

\* \* \*

– Танкадо ўтган ой менга қўнғироқ қилганди, – деди Стратмор кизнинг хаёлларини тўзгитиб.

Сьюзаннынг кўзларида ажабланиш аломатлари пайдо бўлди:

– Қўнғироқ қилганди? Нима учун?

– Огоҳлантириш мақсадида, – командор истехзоли жил-

майди. – У қўнғироқ килиб, менга фош этишнинг иложи йўқ кодларни ёзувчи алгоритм устидаги иши ниҳоясига етиб қолганини таъкидлади. Ўз-ўзидан, унга ишонмадим.

– Огоҳлантириш мақсадида? – киз сўрок аралаш шефнинг гапларини такрорлади. – У сизни ёмон кўради, ўз режаларини ошкор қилиб, огоҳлантириш нега керак эди унга? Ёки алгоритмни сотмоқчи бўлдими сизга?

– Асло. Танкадо мени шантаж қилмоқчи бўлди.

– Ҳаммаси тушунарли, – унинг фикрини давом эттириди Сьюзан. – У сиздан номини оклаб беришингизни сўраган. Шу керак экан-да.

– Афсуски, ундей эмас. – Сухбат тафсилотларини қайта ёдга олган Стратморнинг ковоғи уйилди. – Танкадо Трансхабарни талаб қилди.

– Трансхабарни???

– Ҳа. У мендан Трансхабар мавжуд эканлигини бутун дунёга айтишимни талаб қилди. У, биз хоҳлаган одамимизнинг электрон хабарларини ўқий олиш имониятига эгалигимизни омма олдида тан олсак, Рақамли қалья алгоритмини йўқ қилишга вაъда берди.

Сьюзан аллақачон ҳайратини яширишга уринмай қўйган эди:

– Ахир бу жаллод кундасига ўз оёғинг билан бориш дегани-ку...

Стратмор хўрсиниб қўйди:

– Нима бўлгандаям, энди кеч таклифини қабул қилишга. У Рақамли қальянинг нусхасини интернетдаги сайтига жойлаштириди. Энди хоҳлаган одам уни кўчириб олиши мумкин.

Сьюзаннинг ранги окариб кетди. У кўзларини катта очганча сўради:

– Нима-нима?

– Ҳозирча хавотирланишга ҳожат йўқ. Интернетга жойлаштирилган алгоритм шифрланган. Одамлар уни кўчириб олиши мумкин, лекин ҳеч ким очолмайди. Даҳоларча ўйлаб килинган режа бу, тан олиш керак.

– Жин урсин! – кизнинг хавотир тўла нигоҳини энди ҳайрат ифодаси эгаллади. – Демак, ҳамма нусхани топа ола-

ли, аммо ундан фойдаланиш бирорнинг қўлидан келмайди, шундайми?

– Худди шундай, – қизнинг гапини тасдиқлади командор.

– Ўзи алгоритмни кўрдингизми, жаноб?

– Йўқ, кўрмадим. Айтдим-ку, у барибир шифрланган.

Сьюзан ҳалигача ўзини босолмаётганди.

– Ахир бизда Трансхабар бор-ку, шифрни ечиш учун, нимага энди интернетдан кодни юклаб олиб, Трансхабарга топширмаймиз калитни аниқлашни... – командорнинг юз ифодасини кўрган қиз бир зум тўхтаб қолди, ниҳоят гап нимада эканлигини англаб, ҳайкириб юборди. – Эй Худойим, Рақамли қалъя ўзи билан ўзи шифрланганми?

Стратмор тасдиқлади:

– Бинго!

Сьюзаннинг мияси яшин тезлигига ишлаб кетди. Рақамли қалъя алгоритми Рақамли қалъанинг ўзидан фойдаланиб ёзилганди. Танкадо бебаҳо таом рецептини интернетга жойлаганди. Лекин рецептнинг матни шифрланган эди. Қизик жиҳати, уни шифрлашда Энзай рецептнинг ўзидан фойдаланганди.

– Бу усул Бигглман сейфи дейилади, – ўйчан хulosалади қиз.

Бигглман исмли шахс бузиб бўлмайдиган сейфни қандай куриш мумкинлигини кашф этиб, чизмаларини қоғозга кўчирган. Андазаларни хавфсизликда саклашни ният қилган уста аксига олиб бирор ишончли хуфия жой тополмаган. Охири-оқибат ўзи бузиб бўлмас сейфни барпо этган ва сейфни қандай куриш ва очиш кераклиги ҳакидаги кўрсатмаларни унинг ичига яширган. Ўшанда сейфни очиш учун зарур бўлган код сейфнинг ичидаги қолиб, натижада хеч ким ундан фойдалана олмаганди. Танкадо ҳам шу йўлдан кетган кўринади.

– Файл Трансхабарнинг ичидами ҳозир? – қизнинг саволи ўртага чўмган жимликни бузди.

– Мен кўпчлик катори уни сайтдан юклаб олдим. Бирок кодни оча олмаяпман, муаммо шунда.

Сьюзан ичида Танкадонинг дохиёна ёндашувига таҳсин ўқиди. Ҳали алгоритмини кўрсатмасдан туриб йигит унинг кудратини МҲАГа исботлаб қўйганди.

Стратмор қизнинг қўлига газета тутқазди. Унинг ilk саҳифасини япониялик дастурловчи Энзай Танкадо ечиб бўлмайдиган кодлар туза олувчи Рақамли қалъя номли алгоритм ёзишни ниҳоясига етказгани ҳамда синаб кўриш учун уни омма ихтиёрига топширгани хақидаги хабар банд этганди. Муаллиф, шунингдек, бу алгоритм Японияда катта қизикиш уйғотган бўлса-да, АҚШдаги аксарият дастурлаш компаниялари Рақамли қалъанинг мавжудлигига қўрошиндан олтин олишга ишонишдек бемаъни фикр сифатида қараб, жиддий қабул қилмаётганини кистириб ўтганди. Мақола сўнгида алгоритм эгаси уни кимошли савдосига қўйиб, энг кўп пул тиккан харидорга бермоқчи эканини ўқиб, Сьюзаннынг хуши бошидан учди.

– Кимошли савдоси? Бу гап яна қаердан чиқди?

– Япониядаги дастурлаш билан шуғулланувчи ҳар бир фирма аллақачон Рақамли қалъани интернетдан юклаб олган ва айни вактда унинг кодини очиш билан овора. Бироқ уринишлари самарасиз якунланиб, натижада калитнинг нархи тобора ошмоқда.

Сьюзан куйиниб кетди:

– Шунчалик ҳам тутуруқсизлик бўладими!? Трансхабарсиз янги шифрланган файлларни очиб бўлмайди. Рақамли қалъя аслида бир тийинга қиммат алгоритм бўлиши мумкин, бироқ компанияларда Трансхабар йўқлиги сабаб улар барига бир шифрни очолмайди.

– Нима бўлган тақдирда ҳам Танкадо жуда маккорона иш тутди, – тан олди командор.

– Япон фирмалари ростданам Рақамли қалъя энг кучли алгоритм эканига ишоняптими?

– Танкадо жамоатчилик олдидаги хурматини йўқотган бўлса ҳам, ҳамма унинг даҳо эканини яхши билади. У – хакерлар дунёсидаги энг закий кимса. Танкадо алгоритм кодини топишнинг иложи йўқ деса, демак ростдан иложи йўқ.

– Стратмор чукур тин олди. – Йигирма йиллар муқаддам биз

Бир кун келиб йигирма битта белгидан иборат шифрларни очи олишимизга ҳеч ким ишонмасди. Бирок технология ривожланди ва ривожланишда давом этяпти. Компьютер дастурлари ишлаб чиқарувчилари Трансхабар каби ҳисоблаш машиналари қачондир яратилишини тахмин қилишади. Бу эса уларни бугунги кундаги электрон хабарлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлатилаётган кодлар қачондир яроқсиз ҳолга келиши муқаррар эканлигига ишонтиради. Кенажак компьютерларига чидаш учун юқори даражада хавфсиз алгоритмлар зарурлигига ҳамманинг ақли етиб турибди.

– Демак, Рақамли қалъа хабарлар хавфсизлигини таъминловчи энг күчли алгоритм бўлиб чиқяптими?

– Худди шундай! Рақамли қалъа код ечуви компьютерлар қанчалик кудратли бўлмасин, асло оча олмайдиган сирли шифр бўлиб қолади. Бир кечанинг ўзидаёк у ҳозирги кодлар ўрнини эгаллаши, бутун дунёга ёйилиши мумкин.

Сьюзан чуқур нафас олди ва шивирлади:

– Худодан бошқа ҳеч ким ёрдам беролмайди бу ҳолатда бизга! – кейин сўради. – Балки кимошди савдосида қатнашиб кўрармиз юкорироқ нарх таклиф қилиб, шеф?

Стратмор бош чайқаб, деди:

– Танкадо бизга имконият берганди, бирок унинг шарти тўғри келмайди. Агар унинг айтганига кўнсак, биз нафақат Трансхабар мавжудлигини тан олган бўламиз, балки Рақамли кальянинг енгилмас куч эканлигини хам сездириб кўямиз.

– Қанча вақтимиз қолди аукцион бошлангунча?

– Танкадо эртага тушликда таклиф килинган энг юқори нархни оммага билдиришни режалаштирган.

– Ундан кейинчи? – қизнинг ичи шувиллаб кетди. – Кейин нима бўлади?

– Келишувга кўра, энг баланд нарх таклиф қилган ғолиба калит сўз топширилади.

– Калит сўз.

– Ҳа. Ҳозир барчада шифрланган алгоритм бор, ундан фойдаланиш учун шифрни ечуви калит сўз етишмаяпти холос. Танкадо ана шу калит сўзни кимошди савдосида соятти ҳозир.

Киз кийкириб юборди. Ажойиб! Ўта пухта тузилган режа эди бу. Танкадо Рақамли қалъани атайдан шифрлаб кўяди, шифрни очиш учун зарур бўлган калитни эса ўзидан бошқа хеч ким билмайди. Жин урсин! Нахотки олтмиш тўрт белгидан иборат шифр бутун бошли разведка агентлигини ағдар-тўнтар қилиб ташласа...

Сьюзан содир бўлажак ҳодисаларни хаёлига келтириб, боши айланиб кетди. Танкадо калит сўзни энг қиммат нарх таклиф қилган компанияга тутқазади, ғолиб компания Рақамли қалъа алгоритмини калит сўз ёрдамида очиб, ундан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Шундан сўнг алгоритмни маҳсус чипларга ёзиб сотишни бошлайди, мисли кўрилмаган фойда кўради. Даҳшатли жиҳати шундаки, кўпи билан беш йил ичida барча компьютерлардаги электрон хабарлар Рақамли қалъа алгоритми орқали тузилган кодлар орқали юборилади. Банкирлар, брокерлар, террорчилар, жосуслар – ҳаммаси Рақамли қалъадан фойдаланади. Жиноятчиларни таъқиб қилишнинг имконияти нолга тенглашади. Рақамли қалъа электрон дунёдаги анархияни бошлаб беради. Бунга эса асло йўл кўйиб бўлмайди.

Одатда МХА ўйлаган ишлар ўз қолипида кетмаса, вазиятни изга солиш учун баъзан муаммоли одамларнинг баҳридан ўтишга ҳам тўғри келарди. МХАда нафақат кучли дастурчи, математиклар, балки дунёдаги тажрибали, бешафқат ёлланма қотиллар ҳам тўплангани ҳақида турлича миш-мишлар юрарди. Улар разведка агентлигидаги энг қонли иши – МХАнинг йўлига ғов бўлаётган рақибларни йўқ қилиш билан шуғулланарди. Бундан жуда яхши хабардор бўлган Сьюзан тусмолланиб сўради:

– Сўнгти чора ҳақида ўйлаб кўрдингизми?

– Агар Танкадони йўқ қилишни назарда тутаётган бўлсанг, бунинг иложи йўқ ҳозир, – бош чайқади Стратмор. – У бизга бундай имконият бериб кўядиган даражада ахмок эмас.

– Қанақасига? Яширинишга улгурдими?

Командор ўйланиб туриб жавоб берди:

– Танкадо алгоритм учун бўладиган кимошиби савдосини кўл телефони орқали бошқаришни режалаштириб, ўзи Япо-

иняни тарк этган. Лекин биз унинг қаерда эканидан хабардормиз.

– Муаммо нимада унда? Нега бирор ҳаракат бошламадингиз уни тинчтиш учун, тушунмаяпман!?

– Гап шундаки, Танкадо хавфсизлик чораси сифатида алгоритмнинг калитини бизга номаълум учинчи шахсга ҳам бериб қўйган. Агар унга бирор корҳол бўлса...

– Энзайнинг ҳамкори калит сўзни зудлик билан сотиб юборади, шундайми? – шефнинг гапини бўлди қиз.

– Ундан ҳам баттар. Кимдир Танкадога кўлининг учини текизса, шериги калитни ҳамма жойга тарқатиб юборади, интернетга чиқаради, газеталарда чоп этади, эълонлар тахтасига ёпишириб чиқади. Хуллас, калит сўз барчага етиб бориши учун кўлидан келганини қиласди. Одамлар алгоритмдан фойдаланиш учун пул сарфлашига ҳам ҳожат қолмайди, калит сўзни бепул юклаб олиши мумкин бўлади. Танкадо ўладиган бўлса, унга пул керак бўлмаслигини тушуниб етган ва калитни хайрлашув совғаси сифатида қолдиришни режалаштирган!

Командор гапиришдан тўхтади. Сьюзан унинг қанчалик асабийлашётганини тугилган муштларидан англаш туарди. Ўртага оғир жимлик чўкди.

Бир муддат ўтгандан кейин Сьюзан бир қарорга келгандек даст ўрнидан турди ва қатъий овозда деди:

– Биз дарҳол Танкадо билан боғланишимиз керак! Бир иложини қилиб уни калитни оммага ошкор этиш фикридан кайтаришимиз зарур. Керак бўлса аукциондаги энг юқори нархдан уч-тўрт баравар кўп миқдорида таклиф киритамиз. Агар истаса, унинг шаънини оқлаб берамиз. Нима лозим бўлса, ҳаммасини қиласмиш, шеф. Бошқа иложимиз йўқ!

Стратмор қизнинг гапларини жим тинглади, чукур нафас олди ва алам билан пичирлади:

– Энди Танкадо билан боғланишга жудаям кеч. Бугун тонгда Севильяда Энзай Танкадонинг жасади топилди.

## Саккизинчи боб

Күшалоқ моторлы Learjet 60 самолёти ныншыт офтобда қизиб ётган учиш йўлкасига кўнди. Деразадан ташкарида ястаниб ётган испан текисликларига қараб ўйга чўмган йигит радиокарнайдан чиккан хириллаган овоздан чўчиб тушди.

– Жаноб Беккер, етиб келдик. Тайёргарлик кўринг.

Беккер эриниб ўрнидан турди, керишди ва жомадонини қидириб атрофга аланглади. Сўнг шошганидан жомадон олишга ҳам улгурмагани ёдига тушди. Беккерга сафар жуда қисқа муддат давом этишини айтишгани сабаб кийим-кечакларини йиғишириш хаёлига ҳам келмаганди.

Орадан бир неча сония ўтгач, учувчи пайдо бўлди ва самолёт эшигини очди. Беккер стакандаги наъматак шарбатини охиригача сипкориб, костюмини кўлга олганча эшикка отланди.

Чиқаётган маҳали учувчи йигитни тўхтатди, кўкрак чўнтағидан жигарранг конверт олиб, унга тутқазди ва деди:

– Буни сизга етказишга кўрсатма олганман, марҳамат, жаноб.

Беккер бироз ажабланиб, конвертни очди. Унинг ичидага бир даста қизғиши банкноталарни кўриб ҳайрати баттар ошди.

– Ну нимаси...?

– Маҳаллий валюта, жаноб, – илтифот билан тушунтириди учувчи.

– Буни биламан, – дудукланиб гапирди Беккер, – бирорқ... жудаям кўп-ку... Менга такси учун пул керак холос,узоғи билан бир неча соат бўламан бу ерда. Бир неча минг долларга арзигулик иш қилишимга ишонмайман.

– Мен факат буйруқни бажардим, жаноб.

Учувчи шундай дегач, хайрлашгандек бош силкиди ва ўгирилиб, кабинасига равона бўлди.

Беккер бир муддат нима қилишни билмасдан туриб қолди, сўнг учоқ зинасидан пастга йўналди, йўл-йўлакай конвертни чўнтағига солиб қўйди. Пастга тушгач, кўлидаги костюмини елкасига ташлаганча ангарни кесиб ўтиб, терминал

гумонига юрди. Воқеалар ғалати тарзда кечайтгани йигитнинг юрагига бироз ғулғула солса-да, у хаёлидан шубҳа-гумонларни қувишга ҳаракат қилди. «Узоги билан бир неча соат ӯзламан холос бу ерда. Шундан сўнг Сьюзаннынг ёнига қайтиман. Эртагаёқ саёҳатга жўнаб кетамиз». Шу сўзларни ичиди тинмай такрорлаб, ўзини овутишга уринаётган йигит шиниди уни нималар кутаётганидан бутунлай бехабар эди.

## Тўққизинчи боб

МХА Криптография бўлимининг тизим хавфсизлиги бўйича техник мутахассиси Фил Чатрукян кеча унуби колдирган хужжатларини олиш учун йўл-йўлакай Криптоға кириб ўтмокчи бўлди. Бўлимга кириб, ўз иш жойи – тизим хавфсизлиги назорати лабораториясига киргач, Фил ички инстинкт билан ишлар жойида эмаслигини ҳис қилди. Трансхабарнинг ички ишлаш жараёнини акс эттириб турувчи мониторнинг олди бўм-бўш, экраннинг ўзи эса ўчириб қўйилганди.

Чатрукян овоз чикариб чакирди:

– Ким бор?

Бироқ ҳеч қандай жавоб бўлмади. Лабораторияда тирик жондан асар ҳам йўқ эди.

Эндиғина йигирма уч баҳорни қаршилаган Чатрукян Криптода иш бошлаганига узоқ муддат бўлмаган бўлса-да, қоидаларни яхши ўзлаштирганди. Бўлимда ҳамиша тизим хавфсизлиги мутахассисларидан бир киши навбатчи бўлиб колиши зарур эди. Айниқса, шанба ва якшанба кунлари криптографларнинг деярли ҳаммаси дам олгани сабаб навбатчилик кучайтириларди.

Фил зудлик билан мониторни ёқди, кейин навбатчилар рўйхати ёзилган таҳтага қараб юрди. Рўйхатни текшиаркан, баланд овозда сўради:

– Бугун ким навбатчи?

Жадвалга кўра, яқинда иш бошлаган Сейденберг исмли янги ходим бугун навбатчиликда туриши керак. Чатрукян бўм-бўш лабораторияга назар ташлаб, қовогини уйди. Жин урсин, қаерга гумдон бўлдийкин бу бола?!

Монитор ёнишини кузата туриб Филнинг хаёлига Стратмор келди. Залдан ўтаётганида Фил командор хонасининг пардалари туширилганига эътибор қилганди, бу эса шефнинг ҳануз иш жойида эканини билдиради. Стратмор барча криптографлардан шанба куни дам олишини талаб қилса-да, ўзи бир йилда 365 кун ишлайдиганга ўхшарди.

Агар Стратмор лабораториянинг қаровсиз қолганини билса борми, Сейденберг иши билан хайрлашишига тўғри

келади. Тезрок унга құнғироқ қилиб, нима гаплигини билишім керак, деб үйлади Фил. Тизим хавфсизлиги бўлимидаги ишловчи ходимларда ёзилмаган бир қонун бор эди – оғир вазиятларда улар бир-бирларини қўллаб, ишқал чиккан тақлирда бир-бирининг айбини яширади. Крипто бўлимидаги юқори табақа вакиллари криптографлар ҳисобланса, лаборатория ишчиларига ўрта синф сифатида қараларди. Бу икки турарх ўртасида баъзан келишмовчиликлар чиқиб туардилди. Мана шундай ҳолатлар сабаб техник ходимлар уюшиб ишлашга ўрганишганди.

Чатрукян қўл телефонидан Сейденбернинг ракамини терди, лекин гўшакни ҳеч ким кўтартмади. Яна икки марта қайта қилган қўнғироғи жавобсиз қолгач, нима қилишни ўйлаб атрофга аланглади. Фил тўлиқ ишга тушган мониторни кўриб қотиб қолди. У қулоғидаги телефон аппаратини оҳиста пастга туширди, оғзини ланг очганча, мониторга яқинлашди. Техник мутахассис сифатида саккиз ойдан бери фаолият юритаётган йигит олдин ҳеч қачон экрандаги ҳолатга дуч келмаганди.

*Ишлаш вақти: 15:17:21*

«Ўн беш соат ва ўн етти дақиқа?» Филнинг нафаси ичига тушиб кетди. Бўлиши мумкин эмас!

Балки нотўғри ишга туширилгандир деган гумонда қалтироқ қўли билан экранни ўчириб, қайта ёқди. Бироқ ракамлар камаймасдан, аксинча, ортиб бораётганди.

Чатрукяннинг баданидан совук тер чиқиб кетди. Тизим хавфсизлик назорати ходимларига атиги биттагина мажбурият юкланганди, у ҳам бўлса Трансхабарни «тоза» саклаш, вирус тушишига йўл қўймаслик. Машина ўн беш соатдан бери ишляптими, демак, унга вирус тушган. Қандайдир ифлос файл Трансхабарнинг ичига кириб олиб, дастурларда носозлик келтириб чиқаряпти.

Вазиятни таҳлил қилган йигит бир зумда лабораториянинг қаровсиз ташлаб кетилганини ҳам, экранларнинг ўчирилганини ҳам, Сейденбергга қўнғироқ қилиши зарурлигини ҳам эсдан чиқариб, ҳақиқий техник мутахассис каби

вазиятни қўлга олишга киришди. Зудлик билан компьютерга ўтириб, охирги кирқ саккиз соат ичидага Трансхабарга кири-тилган барча файллар рўйхатини текшира бошлади.

Қандай қилиб заарланган файл машинанинг ичига кириши мумкин? Наҳотки химоя фильтрлари вирусни ўтказиб юборган бўлса... Филнинг ичидан саволлар гирдоби қайнаб келарди.

Эҳтиёт чораси сифатида Трансхабарга Gauntlet номли дастур ўрнатилган бўлиб, у хавфли вируслар, заарли файлларни аниклаб, машина ичкарисига киритмайдиган фильтр вазифасини бажаарди. Gauntlet ўзига хавфли туюлган файлларни қабул қиласди ва улар одатда кўлда текшириларди. Баъзи-баъзида Gauntlet заарсиз файлларни ҳам рад этарди, улар фильтрлар олдин дуч келмаган дастурлаш тилида тузилгани бунга сабаб бўларди. Шундай холларда тизим хавфсизлиги назорати ходимлари янги файл тузилган дастурни Gauntlet’даги мавжуд рўйхатга қўшгач, фильтрлар хеч қандай муаммосиз уни қабул қиласди.

«Фильтрлардан айланиб ўтиш йўлини топишдимикин?», – йигитнинг хаёли ҳар кўчага кириб чикаётганди.

Компьютер вируслари касаллик тарқатувчи вируслар каби хилма-хил бўлади. Уларнинг асосий мақсади мезбон танага жойлашиб олиб, унинг ўрнини эгаллашга каратилади.

Хозирги холатда мезбон - Трансхабар эди.

Gauntlet қанчалик курдатли фильтр бўлмасин, эртами-кечми вируслар билан боғлик муаммо юз бериши мукарарар эди. Чунки МХА очкўз хўрандадек бутун дунё бўйлаб ўзгаларга тегишли рақамли хабарларни катта ўлчамда тўхтовсиз қабул қиласди. Бегона маълумотларга қўз югуртириш эса палапартиш жинсий алоқага ўхшайди; химояланганмисан ёки йўқми, фарқи йўқ, қачондир ўзингга касаллик юктириб олишинг аник.

Шуларни ўйлай-ўйлай Чатрукян олдидағи рўйхатни текшириб чиқди. Натижга унинг бошини баттар қотириб кўйди. Gauntlet хеч қандай ғайриоддий файлни ўтказиб юбормаганди, бу эса Трансхабарда вирус йўқ дегани эди.

«Жин урсин! Ҳаммаёқ тоза! Аммо нима сабабдан кодни топши бунчалик кўп вақт оляпти?!»

Фил бўум-бўш хонада уни гўё кимдир эшитадигандек овоз чикариб сўради.

«Стратморга бу ҳақда хабар беришим керак.

Лекин ваҳима кўтарган бўлиб қолмайманми? Олдин Трансхабарни вирусга қарши текшириб кўришим лозим. Стратмор ҳам шу ишни буюрган бўларди барибир».

Шу фикрда йигит вирус текширувчи дастурни ишга тушириди. Бу дастур Трансхабарни тўлиқ кўздан кечириши учун ўн беш дақиқадан ортиқ вақт талаб қилинарди. Йигит ўзини босишга уринаркан, монитордан кўзини узмай шивирлади: «Қани болакай, тезроқ бўл! Дадажонингга ҳаммаси жойида жанлигини айтакол!»

Сиртида шундай деса-да, ич-ичидан Фил ҳаммаси жойида эмаслигини хис қиласарди. У улкан машинанинг ичида жуда ғалати ишлар бўлаётганини сезиб турарди.

## Ўнинчи боб

– Энзай Танкадо ўлди? – Сьюзан қулокларига ишонмади. – Сиз ўлдирдингизми уни? Лекин айтдингизку...

– Унинг ўлимида бизнинг қўлимиз йўқ. Танкадо юрак хуружидан вафот этибди, – ишонтириди Стратмор. – Бугун эрталаб Comint’дан кўнғироқ бўлди. Уларнинг компьютери Севилья полицияси маҳкамасида Танкадонинг исмига дуч келган. Чукуррок текширувлар натижасида унинг ўлими тафсилотларини аниқлашган.

Сьюзан командорнинг сўзларига ишонкирамай гапирди:

– Юрак хуружи? Ўттиз ёшда-я?

– Ўттиз икки, – аниқлик киритди шеф. – Унда туғма юрак етишмовчилиги бўлган.

– Бу ҳақда эшитмаган эканман, – ғудранди қиз.

– МХА касаллик тарихи ҳақида мактанадиган жой эмаслигини Танкадо яхши билган.

Сьюзан тасодифларга ишонмасди. Ҳозир ҳам йигитнинг ўлими шунчаки тасодиф эканлигини қабул килолмаётганди. Наҳотки юрак хасталиги уни шу зайлда ҳаётдан олиб кетса? Жудаям ишонарли...

Стратмор елка қисди:

– Шундоғам қувватсиз юракка Испаниядаги иссиқ ҳаво салбий таъсир кўрсатган. Бундан ташкари, Ракамли қалъа машмашаси... уни ҳолдан тойдирган бўлса эҳтимол...

Қиз бир муддат сукутга чўмди. Юзага келтирган муаммоларига қарамай, даҳо криптографнинг оламдан ўтиши унинг қалбини ўртаб юборди. Бу криптография олами учун улкан йўқотиш эди. Стратморнинг сезилар-сезилмас қувонч аралаш овози қизнинг ҳасратини тарқатиб юборди:

– Бўлиб ўтган шунча кўнгилсизликлар ичida қалбимга умид бағишлиган нарса Танкадонинг саёхати давомида ёлғиз экани бўлди. Унинг ҳамтовоғи ҳали шеригининг ўлимидан хабар топмагани бизнинг имкониятларимизни кўпайтиради. Испан хукумати вазиятни иложи борича узокроқ сир саклашга ваъда берди.

Стратмор гапдан тўхтаб, қизга яқинлашди, кўзларини унга қадаб, қатъият билан деди:

— Мен кўзга кўринмас шерикни иложи борича тезрок топишими керак, акс ҳолда у Танкадонинг вафотидан хабар топиб, бутун ишни чиппакка чикаради. Сени бугун чақиришимдан мақсад ҳам шу – ёрдамингга муҳтожман.

Сьюзан командорнинг сўнгги гапларидан чалкашиб кетди. Энзай Танкадонинг қазо қилиши МХАнинг кўпчиб турғин муаммосини ҳал қилмадими? Яна нега керак кимнидир кидириб, ишни чигаллаштириш?

– Жаноб, агар ҳукумат унинг ўлими юрак хуружидан жани ҳакида баёнот берса, Танкадонинг ҳамкори унинг вафотига МХА жавобгар эмаслигини билади. Бу билан биз дордан кутулиб қоламиз-ку.

– МХА жавобгар эмас? – Стратмор аламли қулди. – МХАни шантаж қилишга журъат этган кимса бироз вакт ўтиб ўлик топилса, бунга бизни жавобгар қилишмайдими? Бошқаларни қўятур, ҳархолда, Танкадонинг сирли дўсти бундай ўйламаслиги аник, гаров ўйнашим мумкин! Нима бўлсаям, айбдор биз бўлиб қолаверамиз.

У гапиришдан тўхтаб, қиздан сўради:

– Танкадонинг ўлганини айтганимда хаёлингга келган илк фикр қандай эди?

Ковоғини уйиб олган қиз зўрга жавоб берди:

– Мен ҳам МХА уни тинчитган деб ўйладим.  
– Ана кўрдингми? – деди Стратмор тантанавор оҳангда.  
– Ўрта Шарқ узра бешта Rayolit сунъий йўлдошини ўрнатишига қурбимиз етишини билган одамлар бир тўда испан полициячисини Танкадонинг ўлими сабабини яшириб, ёлғон маълумот беришга кўндиришига ҳам қодир эканимизни яхши билади.

Сьюзан уф тортди. Танкадо ўлган, айбсиз айбдор эса МХА.

– Унинг шеригини топа оламиزمи ўзи?

– Менимча ҳа. Бизда унга олиб борадиган из бор. Танкадо кўп маротаба ҳамкор билан ишлатгани ҳакида эълон килган. Ўйлашимча, шу оркали йигит дастурлаш билан шуғулланувчи фирмаларни калитга эгалик қилиш илинжида ўзига зиён етказишдан қайтармокчи бўлган. Агар ғирром

Үйин бўлса, унинг шериги калитни дарҳол тарқатиб юборади, натижада барча компаниялар текин дастурга биринчи бўлиб эгалик килиш учун мусобақалашишга тушиб кетади.

– Ақлли карор, – Танкадонинг фикрини қўллади Сьюзан.

Стратмор давом этди:

– Баъзан омма олдида Танкадо шеригининг исмини айтиб ўтган. Уни Шимолий Дакота деб атаган.

– Шимолий Дакота? Қалбаки исм эканлиги қўриниб турибди.

– Тўғри. Ислам ҳақиқий эмас. Аммо мен эҳтиёткорлик юзасидан Шимолий Дакотани интернетдан қидириб кўрдим. У ерда Шимолий Дакота исмли шахс ҳақида бирор арзирли маълумот топмасам-да, шу номдаги электрон почтага дуч келдим. Унчалик ишонқирамасдан аккаунтни текшириб кўрдим. Унинг ичидаги Энзай Танкадодан келган хабарлар тўлиб-тошганини кўргандан кейин эса ақлдан озай дедим. Танкадонинг хабарларида Ракамли қалъа, МХАни шантаж килиш ҳақидаги режалари очиқласига ёзилганди.

Сьюзан Стратморга шубҳаланиб қаради. Командор бунчалик осон алданиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмасди.

– Жаноб, – ниҳоят эътиroz билдириди у, – Танкадо МХА ҳар кандай электрон хатни осонлик билан ўқий олишини жуда яхши тушунган, у ҳеч қачон интернетдан мактуб ёзиш воситаси сифатида фойдаланмасди. Бу копқон. Энзай Танкадо сиз қидиришингизни била туриб Шимолий Дакотани қўшқўллаб тутқазди. У сиз топишни истаган хабарларниги на юборган сохта почтага. Бу очиқ-ойдин қўйилган қопқон. – яна таъкидлади қиз.

– Ажойиб инстинктинг бор, – Стратморнинг бироз жахли чиқди. – Айрим нарсаларни ҳисобга олмагандан албатта. Гап шундаки, мен Шимолий Дакота номли ҳеч нарса тополмадим. Мен дуч келган аккаунт ShDakotaники остига яширилганди.

Сьюзан қошини чимириди:

– Хўш, нима килибди? Танкадо ниятингизга етмагунин-

тигча бир нечта вариантларни синааб кўришингизни тахмин килиган. ShDakota'ни текшириб кўришингиз аниқ эди.

– Бўлиши мумкин, – деди Стратмор хотиржамлик билан ва қоғозга нималарнидир ёзиб, кизга тутқазди. – Лекин мана бунга нима дейсан?

Киз қоғозни ўқиди ва шу заҳотиёқ командор нимага шайма қилётганини англади. Қоғозда Шимолий Дакотанинг электрон почта манзили ёзилган эди.

*SHDAKOTA@ara.anon.org*

Съузаннинг эътиборини манзил ўртасидаги ARA харфлари тортди. ARA Америка рақамли анонимлари деган маънини берарди. ARA жуда машхур маҳфий сервер эди.

Аноним серверлар интернет фойдаланувчилар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, улардан ўз шахсларини сир сақлашда фойдаланишарди. Пул эвазига бу компаниялар хабар жўнатувчи ва қабул қилувчи ўртасида туриб, мактубнинг кимдан келаётганини яшириб берарди. Бу рақамланган почта қутисидан фойдаланишга ўхшайди. Фойдаланувчи исми-шарифини ва манзилини ошкор этмасдан туриб ҳам мактубларни юбориб, қабул қилиши мумкин. Шахс юборган мактубни қабул қилиб олган компания унга қалбаки исм кийдириб, қабул қилувчига йўналтириб беради. Бундай фирмаларнинг барчаси мижозлари билан тузган шартномага кўра уларнинг шахсий маълумотларини бир умр сир сақлаш мажбуриятини олади.

– Албаттага, бу аниқ далил эмас, лекин шубҳаланишга арзиди, – деди Стратмор.

– Айтмоқчизки, Танкадо Шимолий Дакотани қидириб колишларидан чўчимаган, чунки унинг исми ва манзили ARA томонидан яширилган, қидирганлар барibir тополмайди деб ўйлаган, шундайми?

– Худди шундай, азизам.

Съузан бир неча сония ўйланиб қолди, сўнг сўради:

– ARA асосан АҚШ ҳудудида фаолият юритади. Шимолий Дакота қаердадир яқин атрофда бўлиши мумкин деб ўйлайсизми?

Стратмор елка қисди:



– Бўлиши мумкин. Икки калит сўзни географик жихатдан бир-биридан узоқда сақлаш яхши ғоя.

Сьюзан командорнинг гапларига қўшилди.

– Шимолий Дакота... – киз ўйга чўмди. – Нима сабабдан айнан АҚШ штатларидан бирининг номи аноним исм килиб танланган? Нега айнан Шимолий Дакота? Нега Вашингтон, Нью-Йорк, Калифорния эмас? Қизиқ... – сўнг овоз чиқариб сўради: – Бу анонимнинг Танкадога ёзган хабарларида нима дейилган экан?

– Бундан хабарим йўқ. Соминт фақатгина Танкадодан чиқувчи хабарларни ушлаган. У қабул қилган мактублардан бехабармиз.

Сьюзаннинг юрагини шубҳа тарқ этмаётганди.

– Бу тузок бўлиши мумкин, жаноб, – тақрорлади у.

Стратморнинг кошлари чимирилди:

– Қанақасига?

– Жуда оддий! Танкадо ҳеч ким фойдаланмайдиган ўлик аккаунтга соxта электрон хабарларни атайдан юборган. Хабарларни ўқиб, уларни яхшилаб химоялаган, ҳакикатан ҳам ҳамтовоғи бор деб ўйлашимизга эришмоқчи бўлган. Билишимча, АҚШда унинг бирорта ҳам яқин кишиси йўқ эди. Унинг характеристини ҳисобга олсак, аслида Танкадо ёлғиз ишлатган бўлиши эҳтимолга яқинроқ.

Сьюзаннинг гапларини эшитиб, Стратмор киқирлаб кулиб юборди:

– Ишонса бўлади. Лекин сен бир нарсани ҳисобга олмаяпсан. Танкадо Шимолий Дакотага мактубни ўзининг доимий электрон манзилидан юбормаган. Аксинча, ўзи бир вактлар ўқиган Дошиша университетининг серверидан фойдаланиб, яширин аккаунт очган ва ёзишмаларда ўшандан фойдаланган. Ўзинг ўйлаб кўр... Агар Танкадо уни топишимизни истаган бўлса, нима учун маҳфий почта манзилидан фойдаланди?

Сьюзан саволга ўйлаб ўтиrmай жавоб берди:

– Бу иши оркали у электрон почтасининг ишонччилигини таъминламоқчи бўлган холос. Чунки Танкадо қўйган тузоқдан шубҳаланиб колишингииздан кўрқкан.

– Сен аслида криптограф эмас, шахсий детектив бўлишинг керак эди, – Стратмор қизнинг фикрларини эшишиб кулиб юборди, сўнг тушунтиришга киришиди. – Фикрингда жон бор. Бироқ гап шундаки, Танкадо юборган ҳеч бир мактуб жавобсиз қолмайди. Танкадо ёзди, Шимолий Дакота жавоб қайтаради. Агар ShDakota ўлик аккаунт бўлганда эди, ундан жавоб мактуби келмаган бўларди.

Сьюзан қошларини чимириди:

– Яхши, тушунарли. Шу омиллар сабаб Шимолий Дакота ортида ҳақиқий, реал шахс турибди деб ўйлаяпсизми?

– Шундай деб қўрқаман. Нима бўлса ҳам, биз уни тезлик билан топишимиз керак. Унинг изига тушганимизни пайқаб колса борми, ҳаммаси тамом бўлади.

Киз нима учун Стратмор уни бугун чакирганини энди тушуниб етди.

– Тахмин қилишга рухсат беринг... – деди у. – Сиз мени АРА'нинг маълумотлар базасини бузиб кириб, Шимолий Дакотанинг асл шахсини аниқлашимни истайсиз.

Командорнинг юзи ёришиб кетди, у кизга табассум ҳадя килди:

– Сен менинг фикримни ўқидинг, Флетчер хоним. Ҳозир менга факат сен ва Изқувар ёрдам бера олади.

Бир йил аввал, Оқ Уйдаги юкори мартабали бир амалдор АРА фирмаларидан бирининг аноним манзилидан фойдаланиб ёзилган таҳдидли мактублар қабул қилишни бошлади ва МХАдан хатларни юбораётган одамни топишни сўраб мурожаат қилди. МХАнинг ўргада анонимликни таъминлаб турган компанияни воеа юзасидан сўрок қилиб, фойдаланувчининг асл шахсини аниқлашга ҳукуқий жиҳатдан ҳаққи бўлса-да, улар ортиқча машмашаларсиз Сьюзан яратган Изқувар дастуридан фойдаланишни маъқул кўрди. Киз Изқуварни компания серверига жойлаштириб қўйиб, мижозларнинг ҳақиқий манзили ва исми-шарифини аниқлаши мумкин эди. Изқувар керакли маълумотни топиб, МХАга юборарди ва из қолдирмасдан ўзини ўзи парчалаб ташларди. Изқувар яратилгандан сўнг, Америка раками анонимлари агентлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал килиш МХА учун

писта пүчөгиге айланганди. Айни вақтда Стратмор Изқувар орқали Шимолий Дакотанинг кимлигини аниқлашни мақсад қилганди.

– Сен топа оласанми уни? – сўради командор қиздан.

– Албатта. Муаммо бўлиши мумкин эмас. Нега олдинроқ чакирмадингиз мени?

– Ростини айтганда, – Стратмор овозини пастлатди, – бирор кимсанинг бу ҳақда хабар топишини истамагандим. Шу сабаб Изқуварни ўзим ишга туширишга уриниб кўрдим. Бироқ, жин урсин, уни янгича гибрид тилда ёзганинг сабаб бошқаришга тишим ўтмади. Натижада сенга қўнғироқ қилиб, дам олиш кунингни барбод қилишга журъат этдим.

Стратмор ясама жаҳл қилди. Буни эшишиб, Сьюзан кулиб юборди. Ҳакиқатда ҳам, Стратмор ақлли криптограф дастурчи бўлса-да, унинг репертуари бошлангич алгоритмлар билан чекланиб қолганди. Сьюзан Изқуварни яратишда эса энг замонавий Limbo дастурлаш тилидан фойдаланганди. Нима сабабдан Стратмор Изқуварни ишга туширишда муаммоларга дуч келганини тушуниш қийин эмасди. Сьюзан кула-кула:

– Ўзим қарайман Изқуварга. Терминалда бўламан, жаноб, – деди ва кетишга чоғланди.

– Тахминан қанча вақт кетиши мумкин бунга? – сабрсизлик билан сўради шеф.

Қиз тўхтади, ўйлаб туриб, жавоб қайтарди:

– Хўш... Бу Шимолий Дакотанинг каерда эканига боғлиқ. Агар у АҚШ ҳудудида бўлса, сервер орқали унинг банк рақами, кредит картаси ҳақида маълумот олишимга бир соат вақт кетади. Мабодо мамлакат ташқарисида бўлса, уни топишим бироз кўп муддат талаб қиласди. – у жилмайиб кўшиб кўйди: – Шимолий Дакотани фош этганимдан кейин ўёғи сизга боғлиқ.

Стратмор «ўёғи» нима бўлишини жуда яхши биларди. Стратмор бошлигидаги МХА ҳужумчилари жамоаси Шимолий Дакотанинг уйига қурол билан бостириб кириб, уни ҳибсга олади. Командорнинг шахсан ўзи лаънати алгоритмнинг калитини топиб, парча-парча қилиб ташлайди, шундан

кейин Рақамли қалъа бир умр очиб бўлмас кераксиз матохга ийланади.

– Изқуварни эҳтиёткорлик билан юбор, – шоширди қизни Стратмор. – Агар Шимолий Дакота унинг изидан тушганимизни сезиб қолса, вахимага тушади ва қалитни олиб, тойиб бўлади.

– Албатта, жаноб, – Стратморни тинчлантириди қиз. – Шимолий Дакота уни топганимизни сезмай ҳам қолади.

Стратмор хорғин оҳангда миннатдорлик билдириди:

– Раҳмат, Сьюзан.

Қиз жавоб ўрнига дўстона табассум қилди. Стратморнинг шундай қалтис вазиятда ҳам ўзини йўқотиб қўймаганига ичида қойил қолди. Шефнинг айнан мана шу совуққонлиги, энг мушқул ҳолатда ҳам муаммони ҳал этишга қодирлиги унинг бугунги куч-кудратга эришишига сабаб бўлган омиллардан асосийси эканига Сьюзан бугун яна бир бор амин бўлди.

Қиз ўрнидан туриб, эшик томон юаркан, пастда, залнинг қоқ марказида ғуввилаб ишлаб ётган Трансхабарга нигоҳ ташлади. Тезроқ Шимолий Дакотани топишларини сўраб чин кўнгилдан дуо қилди.

– Дарвоқе, – бир нарса ёдига тушгандек, шеф Сьюзанни ўзига қаратди. – Шимолий Дакотани қанча тез аниқласанг, шунча тез Смоки Маунтин тоғларига, саёҳатга жўнаб кетасан.

Қиз юриб кетаётган жойида музлаб қолди. «Смоки Маунтин? Саёҳат? Мен бу хақда командорга ҳеч қачон айтмагандимку... Наҳотки МХА менинг телефонимни эшиتاётган бўлса?» У жаҳл аралаш савол назари билан Стратморга ўгирildi.

– Бугун тонгда Девид билан гаплашгандим. Саёҳат хақида у айтди, – айбдор оҳангда изоҳ берди Стратмор. – Беккер режангиз кечикишидан жаҳлинг чиқишидан хавотирда эди.

Сьюзан бутунлай караҳтланиб қолди ва ҳайрат билан сўради:

– Нима? Сиз эрталаб Девид билан гаплашдингизми?

– Ие, хабаринг йўқмиди ҳали? – ажабланди Стратмор. – Мен Девидга кўрсатма беришим керак эди.

– Кўрсатма? Нима ҳакда кўрсатма?

– Унинг сафари ҳакида кўрсатма. Мен Девидни Испанияга жўнатдим.

## Ўн биринчи боб

Испания! Мен Девидни Испанияга жўнатдим! Стратморнинг гаплари қизга найзадек санчилди.

– Девид... Девид Испаниядами? – қулоқларига ишонмасди Сьюзан. – Сиз уни Испанияга юбордингиз? Нимага? ҳайқирди қиз.

Унинг нигоҳлари жаҳлга тўлган эди. Шу туришида у полононини химоя килишга шайланган она бургутни эслатарди.

Стратмор қизнинг кутилмаган реакциясини кўриб, бир муддат тилдан колди. Шеф бирор кимсанинг ўзига нисбатан бундай қичкиришига одатланмаган эди. Сўнг ўзини босиб, гап бошлади:

– Сьюзан, сен Девид билан гаплашган бўлишинг керак бу хақда. У тушунтирумадими нима гап эканини? Мен унга бугун тонгда машина юборгандим. Кетишидан олдин сенга қўнгироқ қилмоқчи эканини айтганди менга. Кечир мени. Мен ўйлагандимки...

Қиз шефнинг гапини кесди:

- Нимага уни Испанияга жўнатдингиз?
- Калит сўзни олиб келгани.
- Нимани олиб келгани?
- Танкадодаги калит сўзни. Алгоритмни очиш учун зарур калит сўзнинг нусхасини.
- Нималар деяпсиз ўзи? – Сьюзаннинг хуши бошидан учди.

Стратмор тушунтиришга киришди:

– Танкадо Японияни тарқ этаётганида ўзи билан Рақами қалъанинг калит сўзи нусхасини олиб кетгани аниқ. Демак, Испанияда ўлаётган вақтида калит сўз унинг ёнида бўлган. Мен Севильядаги аллақайси ўликхонада калитнинг йўқ бўлиб кетишини истамайман.

– Шунинг учун сиз Девид Беккерни Испанияга юбордингизми? – Сьюзаннинг ҳайрати баттар ошди. Командорнинг бу хатти-харакатидан мантиқ тополмай, бўзарип, қичкирди:  
– Ахир Девид сиз учун ишламайдику! Унинг МХАга умуман алоқаси йўқ!

Стратмор қызниң баланд овозидан чүчіб тушди. Күзларини катта-катта очди; рўпарасида турган ходимини таний олмаётганди. У Сьюзанни ҳеч қачон бундай ахволда кўрмаган эди.

– Сьюзан, – босиқ овозда гапини давом эттириди у, – айнан шунинг учун ҳам...

– Кўл остингизда йигирма минг киши ишлаб туриб, келиб-келиб менинг қайлиғимни бундай сафарга юборишга нима ҳаққингиз бор? – бошлиғининг гапини чўрт кесиб, хужумга ўтди қиз.

– Менга ҳукумат билан боғлиқ жойи йўқ, оддий аҳоли орасидан чиқсан куръер керак эди. Агар ўзимизнилардан кимнидир юборсам, сезиб қолишлари...

– Ва Девид Беккер сиз билган ягона оддий фуқаро эди, шундайми?

– Йўқ, ундаи эмас. Тушунишга ҳаракат қилсанг-чи! Соат тонгги олти эди, воқеалар шу даражада тез содир бўлдики, ортиқча ўйлаб ўтиришга вақт тополмадим. Девид тилларни яхши билади, у ақлли ва ишончли йигит. Бунинг устига, бу иш унга ёрдам бўлади деб ўйладим.

– Ёрдам бўлади? – Сьюзаннынг томоғига нимадир тиқилди. – Уни Испанияга жўнатишингиз ёрдамми?

– Ҳа! Мен Девидга бир кунлик иш учун ўн минг доллар тўлаяпман. Мана шу кўмак бўлади. У Севильяга боради, Танкадонинг нарсаларини йиғишириди ва уйга қайтади. Уни самолёт билан ҳам таъминлаганман. Вахима қилишинингга арзийдиган нима бор бу ерда? – асабийлашди Стратмор.

Сьюзаннынг дами ичига тушиб кетди. У ҳаммасига пул сабаблигини тушунди.

Беш ойча муқаддам Жоржтаун университети президенти Девидга Хорижий тиллар кафедраси мудирлиги лавозимини таклиф этганди. Агар Беккер рози бўлса, унинг дарс бериш соатлари қисқартирилиб, қўшимча қофозбозлик ишлари ортиши аниқ эди. Лекин маошида ҳам сезиларли кўтарилиш бўлишини эшитгандан кейин Девид иккиланиб қолди. Сьюзан қайлиғи ўқитувчилик касбини қанчалик яхши кўришини биларди, молиявий ночорлик сабаб севимли ишидан воз

кечиши у учун оғирлигини ҳис қилиб, қизнинг юрак-бағри ғилиб кетди. «Девид, ундаи қилманг! Бизнинг пулимиз жудаям кўп – ким ишлаб топганининг нима аҳамияти бор ихир?» деб қичқиргиси, йигитни йўлдан қайтармокчи бўлди, бироқ индай олмади. Ўша кеча уйқуга ётиш олдидан Девиднинг таклифга рози бўлганини эшишиб, Сьюзан унинг лавозими кўтарилганидан мамнун бўлишга уринса-да, ичидагимадир бу яхшиликка олиб бормаслигини тинмай такрорларди. Мана, хозирги ҳолат унинг ўша тундаги хавотирлари бекорга эмаслигини исботлади.

– Сиз уни кўндириш учун ўн минг доллар таклиф қилдингизми? – заҳарханда овозда сўради киз. – Бу жирканчлик!

Сьюзаннынг охирги гапларидан Стратмор тутаб кетди:

– Жирканчлик? Бу ҳеч қандай жирканчлик эмас! Жин урсин, ахир мен унга пул ҳақида оғиз очганим ҳам йўқ. Кўнғирок қилиб ёрдам сўрадим. У рози бўлди.

– Албатта рози бўлади-да! Сиз менинг бошлиғимсиз. Сиз МХАнинг бош дирекори ўринбосарисиз! Девид йўқ десламаслиги аниқ эди!

– Ҳақсан! – ўшқирди Стратмор. – Шунинг учун ҳам мен унга мурожаат килдим. Менда қанақадир шоҳона...

– Оддий фуқарони бу ишга жалб қилганингиздан директорнинг хабари борми? – командорнинг сўзини кесди Сьюзан.

– Сьюзан, – деди Стратмор, унинг сабри тугаб бораётгани овозидан сезиларди. – Директорнинг бу ишлардан хабари йўқ.

Буни эшишиб, қизнинг боши айланиб кетди, қаршисида турган одамни умуман таниёлмай колди. У қайлигини – оддий ўқитувчини – МХАнинг маҳсус топшириғи билан сафарга жўнатибди, бу ҳам етмаганидек, ташкилот тарихидаги энг катта инқироз ҳақида бош директорга хабар бермапти. Нималар бўляпти ўзи? У Стратморга ишончсизлик билан бокиб, сўради:

– Лиленд Фонтеин бехабарми?

Командорнинг сабри тугади. У портлади:

– Жин урсин, Сьюзан, мени яхшилаб эши! Мен сени

бу ерга чакирдим, чунки менга оғир дамда ёрдам берадиган дўст керак эди, терговчи эмас! Кеча тунда Танкадонинг лаънати файлини юклаб олдим ва мана шу ерда соатлаб Трансхабар уни еча олишини сўраб, дуо килиб чиқдим. Ичимдан нималар ўтганини ёлғиз ўзим биламан. Шу ахволимда сахарлаб директорга кўнғироқ қилиб, «Хайрли тонг, жаноб. Сизни уйғотиб юборганим учун узр сўрайман. Нимага кўнғироқ киляпман? Шунчаки, хозиргина Трансхабарнинг ишдан чиққанини аниқладим. Нима учун дейсизми? Чунки менинг кўл остиндаги бебаҳо криптографлар ёзишни уddyалай олмаган алгоритмни бизнинг ашаддий душманимиз эпчилик килиб яратибди», дейишим керакмиди? – ўшқирди Стратмор ва жаҳл билан столни муштлади. Унинг юзи ғазабдан қизарib кетганди.

Сьюзан музлаб қолди. Шунча йиллик иш тажрибаси давомида Стратмор биринчи марта қизга овозини баландлатиб бақириши эди. Ўртага бир неча дақиқалик сукут чўқди. Ниҳоят командор курсига орқасини ташлади ва Сьюзан унинг нафас олиши секинлашиб, ўзига келаётганини сезди. Орадан бироз вакт ўтиб, Стратмор тилга кирганида эса, унинг овози олдингидек босик жаранглади.

– Бахтга қарши, – деди шеф оҳиста, – директор ҳозир Жанубий Америкада, Колумбия президенти билан учрашувга кетган. У ердан туриб қўлидан бирор иш келмаслигини хисобга олганда, менда иккита чора қолганди – ё директордан президент билан бўладиган учрашувни бекор қилиб, зудлик билан АҚШга қайтишини сўрашим ёки вазиятни қўлга олиб, барчасини ўзим ҳал қилишим керак эди. Ўрнимда бўлганингда сен нима килардинг? – сўради Стратмор.

Сьюзан жим қолди. Командорнинг ҳорғин кўзлари кизнинг нигоҳлари билан тўқнашди. У яна гап бошлади:

– Сьюзан, кўполлик қилганим учун кечир. Мен чарчадим. Бўлаётган ишлар кўрқинчли тушга ўхшайди. Девид учун хафа эканлигингни тушунаман. Мен сени бундан хабаринг бор деб ўйлагандим, ишон. Акс ҳолда бу тарзда, кўқкисдан айтиб, сени шокка туширмаган бўлардим.

Бу гаплардан кейин Сьюзандаги жаҳл ўрнини айборлик

хисси эгаллаб олди ва вазиятни юмшатишига ҳаракат қилиб күрди:

– Мен ошириб юбордим аслида. Кечириңг, жаноб. Девид ростдан ҳам яхши танлов бўлган.

Шеф паришонлик билан бош қимирлатди:

– У бугун тунда ортга қайтади, хавотир олма.

Киз командор бошидан кечираётган барча муаммолар ҳакида ўйлай бошлади – соатлаб давом этадиган мажлислар, йиғилишлар, Трансхабар масаласи билан бир қаторда, шефнинг шахсий ҳаёти ҳам нотинч бўлиб, ўттиз йил бирга яшаган рафиқаси Стратмор билан ажрашаётгани ҳакида гап-сўзлар юрганди; бу ҳам етмагандек, Рақамли қалъя – МХА тарихидаги энг даҳшатли хатар ҳам қалқиб чиқди – бечора одам эса муаммолар пўртанасига қарши ёлғиз ўзи сузаётганди. Шуларни хаёл қилиб, қизнинг юраги эриб кетди.

– Вазиятни хисобга олган ҳолда айтишим мумкинки, – леди у, – сиз барибир директорга қўнғироқ қилишингиз керак.

Стратмор бош чайқади, пешонасидаги тер томчиси столга томди.

– Директорга ҳал қилиш қўлидан келмайдиган катта инқироз ҳақида хабар қилиб, унинг мавқенини хавф остига қўёлмайман. Чунки Колумбия раҳбари билан учрашувни бекор қилиш... Ўзинг тушунасан, ўйинчоқ нарса эмас бу.

Сьюзан унинг гаплари тўғри эканини биларди. Ҳатто шундай фавқулодда вазиятда ҳам Стратмор тиник фикрлаётганди.

– АҚШ президентига қўнғироқ қилиш ҳақида ўйлаб кўрмадингизми? – яна сўради у.

– Ўйлаб кўрдим, бўлмайди, – қўл силкиди командор.

МХАнинг юкори лавозимдаги мансабдорлари фавқулодда вазиятларда федерал ташкилотлардан рухсат кутиб ўтирмасдан чора кўриш хуқуқига эгалигини Сьюзан яхши биларди. МХА барча турдаги федерал жавобгарликдан озод этилган АҚШдаги ягона ташкилот эди. Стратмор шу имкониятдан фойдаланиб, ёлғиз ишлашни афзал кўрарди.

– Командор. – эътиroz билдириди қиз. – Бу муаммо бир

ўзингиз эплашингиз учун жуда катталик қиласи. Кимдандир ёрдам сўрашингиз керак.

– Сьюзан, Рақамли қалъанинг мавжудлиги ташкилотимизнинг келажаги учун жиддий хавф туғдиради. Президентга бу ҳақда айтишим директорнинг орқасидан иш қилишим билан баробар. Биз банкротлик арафасида турибмиз, мен вазиятдан чиқишга уриняпман, – Стратмор кизга ўйчан боқди.

– Мен операциялар бўйича директор ўринбосариман, мен ўз вазифамни бажаряпман ҳозир, – кейин жилмайиб, қўшиб қўйди: – Қолаверса, мен ёлғиз эмасман. Менинг жамоамда Сьюзан Флетчер бор!

Сьюзан шу лаҳзада командорни ҳурмат қилишига асосий сабабни тушуниб етди. Ўтган ўн йил давомида яхши ва ёмон кунларнинг барчасида Стратмор ўз тамойилларига, ватанига ва ғояларига содик қолган эди – энг мураккаб даврларда ҳам ғалабага ишончини йўқотмасдан, олға хараткат қилиши қизни доим ҳайратга соларди. Нима бўлишидан қатъий назар, командор Тревор Стратмор коронғуда МХАга йўл кўрсатувчи ёруғ юлдуз эди.

– Сен мен билан биргасан, шундай эмасми? – сўради командор.

Сьюзан жилмайди:

– Албатта жаноб, мен сиз биланман, юз фоиз!

– Хурсандман. Энди ишга қайтсак ҳам бўлар, – командор ҳам илиқ табассум қилиб, қизнинг елкасидан қокиб қўйди.

## Ўн иккинчи боб

Девид Беккер олдин ҳам мотам маросимларида қатнашиб, ўлик таналарни кўрганди, лекин бу сафар асаблари дош беролмади. Гулчамбарлар билан безатилган тобутга солини ўрнига алюминий столга кип-яланғоч қилиб ётқизиб кўйилган мурдага тикилар экан, Девиднинг қўнгли бехузур бўлди. Жасаднинг шифтга термулган очик кўзларида қўрқув ва надомат аломати зуҳрланиб қолганди.

– Dónde están sus efectos? – сўради Беккер соф Кастилия шевасида. – Унинг нарсалари каерда?

– Allí, – жавоб қайтарди тишлари, тамакидан бўлса керак, сарғайиб кетган лейтенант бурчакдаги шкафга ишора қилиб.

– Es todo? Ҳаммаси шуми?

– Sí.

Девид буюмларни жойлаштириш учун бирор кути сўради, лейтенант топиб келиш мақсадида шошилиб чиқиб кетди.

Шанба бўлгани сабаб Севилья ўлихонасининг иш соатлари расман тугаганди. Бироқ ёш лейтенантга Беккер ташрифидан бир неча соат олдин юкоридан қўнгирок бўлиб, бугун ташриф буюрадиган америкаликни ичкарига киритиб, истаганини муҳайё қилишга қатъий буйруқ берилганди.

Девид кийимлар уюмига кўз ташлади. У ерда паспорт, теридан ҳамён, кўзойнак ва оёқ кийими бор эди. Бундан ташқари, полиция мурда жойлашган меҳмонхонадан топиб келган кичкина сумка ҳам турарди. Беккерга берилган кўрсатма кисқа ва лўнда эди: ҳеч нарсани ушламаслик, ҳеч нарсани ўқимаслик, шунчаки ҳамма нарсани АҚШга олиб келиш. Барчасини. Бирор буюмни унутиб қолдирмаслик.

Буюмларни кўздан кечираркан, йигитнинг қошлири чи-мирилди. Бир уюм эски-туски орасида МҲАга керакли нима бўлиши мумкин?

Лейтенант қўлида кичкина қутича билан қайтиб кирди, Беккер нарсаларни унга сола бошлади.

Зобит мурданинг оёғига никтаб сўради:

– ¿Quienes? Бу ким?

– Ким билади дейсиз.

– Хитойликка ўхшайди.

«Япониялик», – ўйлади Девид.

– Бечора. Юрак хуружими?

Беккер париншохотир бош қимирлатди:

– Менга шундай деб айтишди.

Лейтенант ҳамдардлик билдириди:

– Севилья Қуёши базан жуда шафқатсиз бўлади. Эртага ташқарида юрганда эҳтиёт бўлинг.

– Раҳмат, – миннатдорлик билдириди Девид, – бироқ бу гун уйга қайтаман.

Зобит ҳайрон бўлди:

– Ўзи хозиргина келдингиз-ку!

– Биламан, аммо мени бу ерга юборган киши мана бу буюмларни кутялти, тезроқ учишим керак ортга.

Лейтенант буни эшитиб хафа бўлди:

– Севильяни кўрмасдан кетаман демокчимисиз?

– Мен олдин келганман бу ерга. Жуда мафтункор шаҳар.

Жон деб колган бўлардим ўзимга қолганида, – узрини билдириди Беккер.

– Оо, Севильяга келганмисиз олдин? Ундай бўлса Ла Гиральдани кўрганмисиз?

Беккер бош силкиди. Моронларнинг қадимий минораси Ла Гиральдага чиқмаган бўлса-да, уни ростдан ҳам кўрган эди.

– Альказарчи? – деб уни яна сўроққа тутди лейтенант.

Афтидан, у она шаҳри билан жуда фахрланарди.

Беккер яна бош силкиркан, беихтиёр ўн бешинчи аср-га мансуб қалъада юлдузлар ёғдуси остида машхур хонанда Пакоде Лусия гитара жўрлигида қўшиқ куйлаган ажойиб кеча ёдига тушди. Девид тезроқ Сьюзан билан бу ерга яна қайтиб келишни истади.

– Ва албаттга Христофор Колумбни ёддан чиқармаслик керак, – деди зобит қувноқ табассум билан. – У бизнинг бош черковимизда дафн этилган.

Беккер бошини кўтариб, сокчига каради:

– Ростданми? Мен Колумб Доминикан республикасига кўмилган деб ўйларканман.

— Жин урсин, албатта ундей эмас! Ким айтди бу бемаъни гапни? Колумбнинг танаси шу ерда, Испанияда! Мен сизни мактабда ўқигансиз деб юрибман-а, – куйинди соқчи.

Беккер елка кисди ва жилмайиб қўйди:

— Шу ҳақда дарс бўлган куни мен синфда йўқ эдим шекилини.

— Испан черкови тарихий ёдгорликларга жуда бой, – фахрланиб таъкидлади лейтенант.

Испан черкови! Беккер Испаниядаги Роман католик черкови борлигидан хабардор эди. Католик дини бу ерда Ватикандагига қараганда кучли ривожланганди.

— Албатта, бизда Колумбнинг тўлиқ танаси йўқ, – гапида давом этди соқчи. – Solo el escroto.

Беккер бу сўзни эшишиб, нарсаларни йиғишдан тўхтади ва лейтенантга қаради. Ичидан отилиб келган қаҳ-қаҳ кулгини тўхтатиб колишга уриниб лабини тишлади:

— Solo el escroto? Фақат мояги қолганми?

Зобит мағурланиб, бош иргади ва тушунтиришга киришди:

— Шундай. Агар черков буюк шахснинг тана қолдиқла-рига эгалик қилса, уни муқаддаслаштиради ва ёдгорлик сифагида бошқа черковларга тарқатади. Бу бошка, оддий одамларга уларнинг шукуҳидан баҳра олиш имкониятини беради.

— Демак сизларга тушган кисм... – Беккер кулиб юборди.

— Ҳа-да! Бизда жудаям мухим қисм сақланади, – зобит ҳимояга ўтди. – Колумбнинг мояигига эгалик қилиш унинг аллақандай қовурғаси ёки тиззасига эгалик қилишдан ўлса ўлиги ортиқ. Сиз албатта бугун Севильяда қолишингиз ва бу ажойиботни ўз кўзингиз билан қўришингиз зарур! – соқчи Девидни кўндиришга жон-жаҳди билан киришганди.

— Яхши, балки шаҳардан чиқиб кетаётганимда черковга кириб ўтишга вақтим бўлар, – деди Беккер илтифот билан.

— Mala suerte, – лейтенантнинг ҳафсаласи пир бўлди. – Эҳ, бўлмайди. Черков қош корайгандади ёпилади...

— Ундей бўлса бошқа сафар, – жилмайди йигит, кути копкоғини ёпаркан. – Кетиш вақти бўлди чоғи. Самолётим кутяпти.

— Аэропортгача олиб бориб қўяйми? – сўради соқчи. – Ташқарида мотоциклим бор.

Мотоцикл сўзини эшитиб Девиднинг капалаги учди. Коллежда ўқиб юрган кезларида бир марта мотоцикл ҳайдаб, нариги дунёга равона бўлишига бир баҳя қолганди. Ўшандан бери, ким бошқаришидан қатъий назар, мотоциклга чиқиши ҳамиша рад киларди. Ҳозир хам шоша-пиша эътиroz билдири:

– Таклиф учун миннатдорман, овора бўлманг, такси ушлай қоламан.

– Яхши, у ҳолда мен чирокларни ўчираман, – совуқкина деди соқчи эшик томонга йўналиб.

Беккер буюмлар тахланган қутини қўлтиғига қистирди. Ҳамма нарсани олдимми? Стол устида ётган ўликка сўнгги марта қаради. Қип-яланғоч жасад шифтга тикилиб, музлаб ётарди. Мурдани бошдан-оёқ кўздан кечирган йигитнинг нигоҳини унинг бужмайган, мажруҳ бармоклари ўзига тортди.

Зобит чирокларни ўчириди ва хона коронғуликка кўмилди.

– Шошманг, – ҳайқирди Девид, – чироқни ёқинг.

Хона яна ёришиб кетди.

Беккер қўлидаги қутини полга қўйиб, ўзи столга яқинлашди, эгилиб, мурданинг чап қўлини синчиклаб текширди.

Зобит Девиднинг ёнига келиб, бир муддат бармокларга қараб, хитоб килди:

– Шунақаям бадбашара бўладими!?

Бироқ Девиднинг эътиборини тортган жиҳат қўлнинг майibiliги эмасди. У бошқа нарсани кўриб қолганди.

– Мурданинг барча буюмлари кутида эканига ишончиниз комилми? – зобитга ўгирилиб сўради у.

– Ҳа, албатта, бори шу эди, – деди соқчи ҳайрон бўлиб.

Беккер қўлларини белида тутиб ўйланиб турди. Сўнг полдан қутини олиб, уни бурчакдаги стол устига олиб борди, ичидагиларни пастга ағдарди. Кийимларни эҳтиёткорлик билан кокиб чиқди, оёқ кийимларини пайтавасигача кўчириб, ичини текширди, пастга қаратса силкитди. Ўлагани амалга ошмади шекилли, ортига ўгирилиб, қовоғини осди.

– Бирор муаммо борми? – сўради лейтенант ажабланиб.

– Ҳа, – деди Беккер, – биз ниманидир кўздан кочирдик.

## Ўн учинчи боб

Токуген Нуматака осмонўпар бинонинг юкори қаватида жойлашган ҳашаматли оғисида турганча деразадан Токионинг мовий осмонига тикиларди. Ходимлари ва рақиблари оғисида «Сакута сааме» – йирткич акула номи билан танилган бу тадбиркор сўнгги ўттиз йил ичидаги Япониядаги барча кўнига кўринган компанияларни рақобатда ортда қолдириб, ҳозир жаҳон бозорини эгаллашига бир қадам қолганди.

Numetek корпорациясини келажак Microsoft'и даражасига кўтарувчи жуда йирик келишувни амалга ошириш арафасида турган Токугеннинг томирларида адреналин жўш уради. Ахир бизнес бу уруш, уруш эса ҳамиша завқли бўлади.

Уч кун олдин бўлган кўнғироқ Токуген Нуматакани бироз шубҳалантирган бўлса-да, ҳозир, ҳақиқатни билгач, гумонлари тарқаб кетганди. У бошига қўнган омад қушини худоларнинг инояти ўлароқ қабул килди.

\* \* \*

– Менда Рақамили қалъа калит сўзининг нусхаси бор, – деди америкача сўзлаётган овоз. – Уни сотиб олишни истайсизми?

Нуматака ичидан отилиб келган қаҳ-қаҳани зўрға тўсиб қолди. Кўнғироқнинг тузоқ эканига ишончи комил эди. Numetek Согр. Энзай Танкадонинг янги алгоритми учун ўта сахийлик билан жуда баланд нарх таклиф этганини сезиб қолган рақиблари ҳойнаҳой пулнинг аниқ миқдорини билиш учун ўйин ўйнашаётганди.

– Сизда калит сўз бор? – сўради Нуматака ўзини гўлликка солиб.

– Шундай. Менинг исмим Шимолий Дакота.

Нуматака кулгисини ичига ютди. Танкадо ўзининг сирли ҳамкори борлиги ҳақида матбуотда бот-бот такрорлагани сабаб Шимолий Дакота ҳақида ҳамма хабар топганди. Умуман олганда, Танкадо шерик билан ишлашни ўйлаб аклли қарорга келганди; ҳатто Японияда ҳам бизнесменлар ўз ниятига стиш учун жиноятга кўл уриши одатий ҳолга айланниб улгур-

гани сабаб Танкадонинг ҳаёти хавф остида эди. Бирок ҳозир бирор фирма Танкадога нисбатан ғирром ҳаракат қиласидиган бўлса, калит сўз тарқатиб юбориларди, бу эса бозордаги ҳеч бир фирмага яхшилик келтирмасди.

Нуматака жавоб беришга шошилмасдан, Умами сигаретасини чукур ичига тортди, қўнғироқ қилувчининг сабрини синади, кейин сўради:

– Калит сўзни сотяпман денг? Қизик. Бу ҳақда Энзай Танкадо билса нима деркан?

– Жаноб Танкадо билан ҳеч қандай ҳамкорлик қилиш ниятим йўқ. Менга ишониши унинг аҳмоқлиги эди. Калит сўз у менга сақлаб туришим учун тўлаётган пулдан юз мартараб қимматроқ туради. Бунга аклим етади, – лўнда жавоб берди овоз эгаси.

– Мени маъзур тутгайсиз, – деди Нуматака, – лекин калит сўзнинг ўзи бир тийинга қиммат мен учун. Танкадо унга хиёнат қилганингизни билгач, ўзидаги калитни интернетга чиқарди, натижада калитнинг нусхалари бозорда тўлиб кетади.

– Хавотирланманг, сиз иккала калитни ҳам қўлга кириласиз, – деди овоз пицирлаб. – Жаноб Танкадоникини ҳам, меникини ҳам.

Нуматаканинг қах-қаҳаси сўзловчининг овозини босиб кетди. У кула-кула сўради:

– Иккала калит учун канча сўрайсиз?

– Йигирма миллион АҚШ доллари.

– Йигирма миллион? – уф тортиб юборди Нуматака. – Бу ҳаддан ташқари кўп пул! – деди у ясама ваҳима билан, ўзи аввалроқ Энзай Танкадога таклиф қилган нарх ҳам худди шунча бўлса-да.

– Мен алгоритмни кўрдим. Ишонинг, нархига арзиди, афсусланмайсиз шунча маблағ сарфлаганингизга.

Хех! Аслида калит сўз бундан ўн баравар кўпроқ нархга лойик, ўйлади Нуматака, лекин оғзидан бошқа сўзлар учиб чиқди:

– Бахтга қарши, жаноб Танкадо бунга қўнмаслигини иккаламиз ҳам яхши биламиз. Қонуний жавобгарликка тортилишингиз ҳақида ўйлаб кўрдингизми?

Күнғироқ эгаси жим бўлиб қолди, кейин ваҳимали овозда деди:

— Агар жаноб Танкадо ортиқ ишимизга аралашолмайди десамчи?

— Жаноб Танкадо энди аралашолмайди? — Нуматака унинг овозидаги ишончни илғади-да, ўйлаб туриб деди: — У қолда сиз билан келишув тузишимиизга тўғри келади.

— Ўзим сиз билан алоқага чиқаман, — деди овоз ва гўшакни ташлади.

## Ўн тўртинчи боб

Беккер жасадга қаради. Ўлимига бир неча соат бўлган эса-да, осиёликнинг Күёшдан қизарган юзидан бошқа ҳамма жойи оч сарик тусда эди. Фақатгина юраги устида кичкина жой кўкариб турарди.

Ҳойнахой юрак массажидан қолган доғ бўлса керак. Таъсир қилмагани чатоқ бўлибди, ўйлади Девид ва яна мурданнинг қўлини ўрганишга киришди. Беккер умрида бунақасига дуч келмаганди. Ҳар бир кўлда атиги учтадан қингир-қийшик бармоқ бўлиб, улар буралиб, бир-бирига қўшилиб кетганди. Бирок йигит бармоқларнинг бу тарзда шаклланганга эътибор қаратмаганди.

– Сиз ҳақ экансиз, – хитоб қилди лейтенант хонанинг нариги бурчагидан туриб. – У япониялик экан, хитойлик эмас.

Беккер унга ўгирилди. Зобит ўликнинг паспортини ушлаб турарди.

– Ўрнингизда бўлганимда уни ўқимаган бўлардим! – деди Девид юмшоқлик билан. Ҳеч нарсага тегманг, ҳеч нарсани ўқиманг.

– Энзай Танкадо... Январда туғилган...

– Илтимос, – деди йигит яна илтифот билан, – паспортни жойига қўйинг!

Зобит ҳужжатга яна бир қаради ва буюмлар уюми орасига қўйиб қўйди.

– Бу йигитда 3-тур виза бор экан. Испанияда бир неча йиллар қолиши мумкин эди.

Девид курбоннинг қўлини ручка билан итарди.

– Балки у шу ерда яшагандир.

– Йўқ, ўтган ҳафта кслган.

– Балки Испанияга кўчиб ўтмоқчи бўлгандир, – деди Девид гапни кисқароқ қилиш илинжида.

– Бўлиши мумкин. Омадсиз ҳафта. Қуёш уриши ва юрак хуружи. Бечорани ажал етаклаб келган экан, – жаврашда давом этди лейтенант.

Беккер унга жавоб бермасдан, қўлни текширишда давом этди.

– Ўлими вақтида унда ҳеч қандай тақинчоқ бўлмаганига ишончингиз комилми? – сўради у бироз вакт ўтгач.

Зобит кўзини катта очди:

– Тақинчоқ?

– Ҳа, бу ёққа қаранг-да.

Лейтенант хонани кесиб ўтиб, мурда ёнига келди. Танкадонинг чап қўли териси Қуёш сабаб қорайган бўлса ҳам, кичкина бармоғининг ичкари қисмida нур тегмаган ингичка чизик ажралиб туарди.

Беккер ўша чизикни кўрсатди:

– Бу ерни Қуёш урмаганини кўрдингизми? Унинг бармоғида узук бўлган.

– Узук? – зобит Девиднинг топилмасидан ҳайратланди ва мурданинг бармоғини қайта текширгач, хижолат тортганидан кизариб кетди. – Эй худойим! – қиқирлади у. – Демак, айтганлари рост эканда.

– Кечирасиз? Нимани назарда тутяпсиз? – сўради Девид наст овозда.

Лейтеннат ишончсизлик билан бошини ликиллатди:

– Олдинроқ айтмаганим учун узр бу ҳақда... Мен шунчаки у чолни жинни деб ўйлагандим.

Беккернинг юзи тундлашди:

– Қайси чол?

– Тез ёрдамга қўнғироқ қилган аллакандай канадалик сайёҳ. У узук ҳақида тинмай гапирди. Унинг испанчаси шунчалик расво эдики, эшитишга тоқат қиломадим.

– У жаноб Танкадонинг узуги бор дедими?

Зобит бош иргади, чўнтагидан Дусадо сигаретини олиб тутатаркан, айборона оҳангда изоҳ берди:

– Чол гирт ақлдан озгандек кўрингани учун индамай қўяқолгандим.

Беккернинг қовоғи солинди, қулоқлари остида Стратморнинг сўzlари жаранглади. Мен Танкадонинг ёнида бўлган ҳамма нарсани олиб келишингизни истайман, ҳамма нарсани. Ҳеч нимани қолдирманг, Девид. Ҳатто энг майда қоғоз бўлакчаларини ҳам менга келтиринг!

– Узук қаерда ҳозир? – сабрсизлик билан сўради Девид.

Лейтнант сигарет тутунини чикариб, деди:

– Бу жуда узок ҳикоя.

Беккернинг юраги олдинда ёмон хабар эшитишини сезгандек, гуппиллаб уриб кетди, у талабчан охангда деди:

– Тафсилотларни айтиб беринг, дарҳол.

## Ўн бешинчи боб

Сьюзан Флетчер Nod 3 ичидаги терминалида компьютерига тикилиб ўтиради. Nod 3 криптографларнинг шахсий, овоз ўтказмайдиган хужраси эди. Девор ўрнидаги икки дюймлик ўқ ўтмас калин ойна ичкаридан туриб Крипто зилини бемалол кузатиш имконини берар, лекин ташкаридагиларнинг нигоҳини ўтказмасди.

Бу улкан хонанинг марказига ўрнатилган ўн иккита терминал бир қарашда Камелот рицарларининг айланана столини ёдга соларди. Бу рамзий маъно орқали барча криптографларнинг бир-бiri билан фикр алмашиши, улар йирик жамоанинг бир қисми эканликларини эсда тутишлари ният қилинганди.

Криптонинг бошқа бўлимларидан фарқи, Nod 3 ичкарисида одам ўзини уйдагидек ҳис этарди: бу ерда ҳашаматли гиламлар, озиқ-овқатга тўла музлатгич, ошхона, ҳатто баскетбол ҳалқасини ҳам топиш мумкин эди. Бундай дабдабали шароит Криптонинг МХАда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатарди.

Сьюзан кимматбаҳо брендга тегишли оёқ кийимини ечиб, капронли оёкларини юмшок гиламга қўйди. Яхши ҳақ оладиган кўпгина ҳукумат ишчилари сингари қиз ҳам бойлигини кўз-кўз қилишдан тийиларди. Сьюзан шаҳар марказида данғиллама квартира, энг сўнгги русумдаги Ferrari сотиб олишга қурби етса-да, уни камтарона уйда яшаш, Volvo седанини ҳайдаш ва ўртамиёна кийимлар кийиш бутунлай қониқтиради. Лекин гап оёқ кийими ҳакида кетганда, Сьюзан камтарлик қилолмасди. Ҳатто колежда ўқиб юрган кезлари ҳам у энг қиммат оёқ кийимларидан пулини аямасди.

Ёшлигига холаси берган «оёғинг оғриса, ҳеч қачон узокқа бора олмайсан» деган маслаҳатга ҳозиргача амал қиласди.

Сьюзан эринчоқлик билан керишиб, ишга ўтирди ва Изкуварни чиқариб, созлашга киришди. Шу алфозда Стратмор унга тутқазган почта манзилига яна бир бор кўз ташлади.

Үзини Шимолий Дакота деб атаётган кишининг аноним аккаунти тез орада маҳфийлигини йўқотади. Изқувар ARA серверини бузиб кириб, унинг ҳақиқий интернет манзилини Сьюозанга жўнатади. Агар ҳаммаси қиз ўйлагандек силлиқ кетса, бир неча соатдан кейин Шимолий Дакотанинг шахсини аниклаб, Стратморга топширади. Бу орада Девид ҳам Танкадодаги калитнинг нусхасини топиб, олиб келади ва командор иккала калитни баравар йўқ килади. Танкадонинг бомбаси заарсизлантирилиб, хавф бартараф этилади.

Сьюозан шуларни ўйлаб, қоғоздаги манзилни икки мартадан яхшилаб текширди, сўнг маълумотни Изқуварга киритди. Стратмор Изқувардан фойдаланишни эплолмаганини эслаб, лабларига кулги ёйилди. Афтидан, командор манзилларни ёзишда чалкашиб кетган, шунинг учун ҳар сафар нотўғри маълумот қабул қилган. Жуда оддий хато, хаёлидан ўтказди Сьюозан ва Изқуварни созлашни якунлаб, ишга туширди. Компьютердан чийиллаган овоз чиқди.

### *Изқувар юборилди*

Энди фақат кутиш қолганди холос.

Сьюозан чуқур хўрсинди. У ҳалиям командорга қўполик қилиб, ўшқиргани учун ўзини кечиролмаётганди. Бундай мушкулотларда фақат командоргина, ёлғиз ҳаракатланиб бўлса ҳам, ечим топа оларди.

Олти ойча муқаддам Электрон чегараланиш жамияти МХА сув ости кемаси океан остидаги телефон симларини яширинча кузатаётгани ҳақидаги ҳикояни айтиб, оммага жар солди. Стратмор эса бунга жавобан сув ости кемаси аслида заҳарли чикиндиларни ноқонуний равишда кўмиб, заарсизлантираётганини ошкор қилди. ЭЧЖ ва ташқи мухит озодалигига жавобгар идоралар бир неча ой давомида кимнинг ҳикояси тўғри экани ҳақида тортишибди, ахийри ОАВ бу жанжалдан зерикиб, эътибор қаратмай қўйди. Барчаси МХА фойдасига ҳал бўлди.

Стратмор ҳар бир юришини пухталик билан режалаштириб, уларни кўриб чиқишида компьютерига каттиқ суюнади. Бошқа МХА ходимлари сингари, Стратмор ҳам режалари-

нин таъминлаш мақсадида Brainstorm номли компьютер дастурдан фойдаланарди.

Brainstorm тажриба сифатида яратилган сунъий интеллект бўлиб, «сабаб/натижа» стимулятори сифатида кашф этилганди. Дастреб сиёсий партияларнинг келгуси натижаларини аниқлаш мақсадида яратилган бу дастур ўзига киритилган маълумотлар базаси – партиядаги машхур кишилар, ҳодимлар, уларнинг бир-бири билан шахсий алоқалари, партиядаги шахсларнинг жинси, миллати, пули ва қудрати, қизиқишиларини ҳисоблаб чиқиб, келгусида кутилаётган натижанинг тахминий моделини ишлаб чиқарди. Фойдаланувчи Brainstorm'га исталган бир воқеани киритса, дастур бу ҳодисанинг келажакдаги атрофга бўладиган таъсирини ҳисоблаб берарди.

Командор Стратмор Brainstorm'дан сиёсий мақсадда фойдаланмасди. Даструр ёрдамида амалга оширишни мўлжаллаётган мураккаб режалари, стратегияларининг ноҳиекликларини, ожиз жиҳатларини аниқларди. Баъзан Сьюзан «Сизнинг компьютерингизда дунёни ўзгартирадиган сирлар яширинган», деб ҳазиллашса, Стратмор индамай кулиб қўя коларди.

Қизнинг хаёlinи Nod 3 эшигининг кимdir кираётганини билдирувчи сигнали бўлди. Ўгирилиб, Стратморга қўзи гушди.

– Сьюзан, – деди командор паст овозда хавотир аралаш.  
– Ҳозиргина Девид қўнғироқ қилди. Ишлар чатоқ.

## Ўн олтинчи боб

– Узук? – тушунмади Сьюзан. – Танкадонинг узуги йўқолибди?

– Шундай. Яхшиям Девид буни вақтида илғаб қолгани.

– Лекин сиз калит сўзни қидираётгандингиз, тақинчоқ эмас.

– Биламан, – деди Стратмор, – лекин бу иккиси бир нарса бўлиши мумкин. Хуллас, жуда узоқ хикоя бу.

Сьюзаннинг нигоҳидаги саволни укиб, Стратмор чуқур хўрсинди ва хонада юришни бошлади.

– Афтидан, Танкадонинг ўлимига гувоҳ бўлганлар бор. Ўликхонадаги зобитнинг айтишига қараганда, канадалик сайёҳ бугун тонгда ваҳима билан полицияга қўнғироқ қилиб, боғда қандайдир япон юрак хуружини бошидан кечираётганини айтган. Зобит воқеа жойига етиб борганида Танкадо аллақачон ўлиб бўлганди, канадалик эса у билан бирга эди. Чакиртирилган шифокорлар Танкадонинг жасадини ўликхонага олиб кетар ҷоғида соқчи канадалиқдан нима воқеа содир бўлганини сўраган. Бироқ қария испан тилини яхши билмагани сабаб йигит ўлими олдидан унга узук берганини хижжалаб тушунтиrolган холос.

– Танкадо унга узук берган? – ишонкирамасдан сўради Сьюзан.

– Ҳа, нафақат берган, балки сайёҳдан узукни олишини сўраб ялинган, – Стратмор юришдан тўхтади ва ўгирилди.

– Чол тақинчоқни диққат билан кўздан кечирган кўринади, чунки у соқчига узук ноодатийлигини, унда қанақадир ҳарфлар ўйиб ёзилганини айтиби.

– Ҳарфлар?

– Шундай, энг қизиғи, ёзув инглизча эмас, – ургулади Стратмор қошларини чимириб.

– Японча?

Командор бош чайқади:

– Мен ҳам дастлаб шундай ўйлагандим. Бироқ японча белгиларни таниб олиш жуда осон, сайёҳ эса ҳарфларни умуман тушуниб бўлмайди деб шикоят қилган. Яна у айтганки, ҳарфлар шамойилига кўра ёзишни билмайдиган гўдак чизиб ташлаган ажи-бужи белгиларга ўхшаркан.

**Қиз илжайди:**

– Командор, сиз айтмоқчисизки...

**Стратмор унинг гапини кесди:**

– Сьюзан, барчаси кундек равшан. Танкадо Рақамли кипъанинг калит сўзини узукка яширган. Олтин жуда мустаҳкам металл. Танкадо ухлаётганида ҳам, чўмилаётганида ҳим, овқатланётганида ҳам, хуллас, қаерда бўлмасин, нима қилимасин, калит сўзни ўзи билан бирга олиб юрган, бу унга фиккулодда ҳолат содир бўлса, уни осонликча интернетда тиркатиб юбориш имконини берган.

**Сьюзан иккиланиб колди:**

– Наҳотки, Танкадо калитни бармоғида, очик ҳолда сиклаган бўлса?

– Нима қипти? Испания шифрлаш бўйича дунёда биринчи ўринда турмайди. Ҳар қадамда узукдаги ҳарфларнинг маъносини тушуноладиган хакерлар учрашига ишонмайман. Бундан ташқари, калит сўз олтмиш тўрт белгидан иборат, шундай экан, уни эслаб колиш учун бир неча сония тикилиб туриш етарли эмас.

– Ўлимидан олдин Танкадо узукни етти ёт бегона одамга беради? Нима учун?

**Стратморнинг кўзлари қисилди:**

– Нима деб ўйлайсан?

Сьюзан гап нимада эканини тушунди.

**Стратмор бош силкиди:**

– У Шимолий Дакота фош этилгандан кейингина Танкадога қарши ҳужум бошлашга журъат этишимизни яхши биларди. Жони узилаётганини сезиб, бунда МХАнинг қўли бор деб ўйлаган. Вақт тифиз эди...

– Албатта, – шивирлади Сьюзан эти музлаб. – Танкадо МХА унинг суғуртасини йўлдан олиб ташлади, энди бемалол ўзини ҳам йўқ қилиши мумкин деб фикр қилган.

Сьюзан барчасини тушуниб етганди. Юрак хуружи шундай bemахal содир бўлганки, Танкадо табиий ўлим тошаётганига ишонмасдан, МХАни жавобгар деб хисоблаган. Аламзада йигит қасос олиш учун сўнгги қадамни ташлаган. Калитни оламга тарқатиш учун сўнгги уриниц сифатида

узукни вафоти вақти ёнида турган одамга тутқазган. Тақдир-нинг қалтис ҳазили билан канадалик сайёҳ ҳозир дунёдаги энг қудратли алгоритм очқичини ушлаб турганидан бехабар юрибди.

– Қаерда ўша канадалик ҳозир? – сўради Сьюзан баланд овозда нафас чиқариб.

Стратмор хўмрайди:

– Айнан мана шу қоронғу бизга.

– Зобит билмайдими унинг каердалигини?

– Йўқ. Канадаликнинг узук ҳақидаги ҳикояси щунчалик бемаъни ва тушунарсиз эдики, зобит уни қариб, мияси айниб қолган деб ўйлаган ва ортиқча эътибор қилмасдан, мотоциклга ўткизиб, меҳмонхонасига олиб бориб қўйишга уринган. Бироқ қария мотоциклда қандай ўтиришни билмас экан, йигирма метр ҳам юрмасларидан бечора эгардан учеб тушиб, бошини ёрган, бу ҳам етмагандек, билагини синдириб олган.

– Нима? – ҳайратланди Сьюзан.

– Зобит чолни марказий касалхонага олиб бормоқчи бўлганида унинг жаҳли чиқиб, қайтиб мотоциклга чиқсандан кўра Канадага пиёда қайтаман деб айтган. Ноилож қолган соқчи қарияни яқин ўртадаги кичкина клиникага етаклаб борган ва ўша ерда текширув учун ташлаб, ўзи ортга қайтган.

Сьюзан қош чимириди:

– Девиднинг қаерга йўл олганини сўраб ўтиришимга хожат ҳам колмади!

## Үн еттинчи боб

Девид Беккер Испан майдонининг офтоб тигида куйган мирмар йўлагига қадам ташлади. Унинг рўпарасида шаҳар консулининг қадимий иншооти – Эль Аюнта Миенто қад ростлаб туради. Бинонинг оқ ва мовий рангли накшлар чизилган керамикали деворлари, арабча усулда ишланган қинаматли гумбази ҳамда ўймакор безакли пештоқи бир қирашда хокимият идорасини эмас, дабдабали қасрни ёдга соларди.

Беккер кўл соатини маҳаллий вактга ўзгартиришга тутинди; ҳозир Севильяда соат 21:10 бўлишига қарамай, Қуёш ҳануз нур сочиб туради. Андалузияда одатда офтоб ўз уйтига 22:00 дан кейин равона бўлишини ҳисобга олсан, испанлар учун ҳали кеч тушмаганди.

Иссик ва дим ҳавода Девид терга ботиб боғ бўйлаб жадал юриб кетмоқда эди; Стратмор узук ҳакида эшлиши биланок эътиrozга ўрин қолдирмайдиган даражада қатъий оҳангда навбатдаги буйрукни берди. Канадаликни топинг! Узукни қўлга киритинг! Нима қилиб бўлса ҳам узукни олиб келинг, Девид!

Йигит Стратморнинг овозидан узук ўта муҳим аҳамиятга эгалигини сезди ва ажабланди; аллақандай белгилар ўйиб туширилган тақинчоқ нега бунчаллик зарурлиги уни қизиктирса-да, ортиқча савол бериб ўтиrmади, командорнинг буйруғини бажаришга киришди.

\* \* \*

Изабелла католик черковининг ёнбошида жойлашган бинонинг клиника эканини унга чизилган катта қизил хоч белгисидан англаш қийин эмасди. Полициячи канадалик сайёхни бир неча соат олдин бу ерга ташлаб кетганди. Синган билак, ғурра бош ўта оғир ҳолат бўлмагани сабаб сайёҳ керакли муолажани олиб, клиникани аллақачон тарк этганига Девид шубҳа қилмасди. Унинг ягона умиди касалхона ходимлари томонидан ёзиб олинадиган маълумотлар – беморнинг исми, жойлашган мөхмонхона номи ёки телефон раками эди, у шу орқали сайёхни топишни мўлжаллаганди.

– Агар керак бўлса, қўлингиздаги ўн минг долларни узук сотиб олишга сарфланг. Қайтишингиз биланок мен ўрнини тўлдираман, – деди Стратмор телефон сухбати давомида.

Ортга қайтганидан кейин шундок ҳам пулни қайтариб беришни мўлжаллаётган Девид бунга ҳожат йўклигини айтди. Стратмор унга шунча катта маблағ бериши етти ухлаб тушига ҳам кирмаган йигит командорнинг гапига кириб, Испанияга келишига пул сабаб эмасди. Сьюзан командорнинг унга қилган яхшиликлари ҳақида кўп тўлиб-тошиб гапириб берарди. Қайлифининг раҳбари ва химоячиси бўлган одамнинг ишини битиришга ёрдам бериш орқали Беккер ўз миннатдорлигини билдиromoқчи эди, холос.

Девид самолётдан Сьюзанга қўнғироқ қилишнинг иложини тополмагач, аэропортга тушган заҳоти унга боғланишга уринганди, бироқ қиз телефонни кўтартмади. Кейинроқ ўликхонада қилган бир неча қўнғироги ҳам жавобсиз қолгач, йигит хавотирга тушди. Дам олиш куни қиз қаерга кетган бўлиши мумкинлигини ўйлаб тополмади. Ҳозир боғ бўйлаб барча ўтган ишларни эрталабоқ тушунтиришга улгурмагани учун ўзини койиб кетаётган йигитнинг кўзига бурчакдаги телефон будкаси оловдек кўриниб, унга қараб чопди, шошилганча гўшакни олиб, танга ташлаб, қизнинг ракамларини терди. Узок муддатли жимликдан кейин нихоят гудок эшилди.

Бўлақол, азизам, телефонни кўтарақол!

Кўнғироқ беш марта чалингандан кейин алоқа боғланди:

– Салом. Бу Сьюзан Флетчер. Ҳозир уйда эмасман. Менга овозли хабар қолдиришингиз мумкин...

Қаерда бўлиши мумкин? Мендан ранжиб, Стоун Мейнорга ёлғиз ўзи кетдимикин?

– Салом, бу мен, Девидман, – қисқа сигналдан кейин гап бошлади йигит. – Эртароқ алоқага чиқолмаганим учун кечир... Командор Стратморга қўнғироқ қил. У сенга ҳаммасини тушунтиради.

Девиднинг юраги потирлаб уриб кетди, томоғига аччик нимадир тикилиб, гапини давом эттиrolмади.

– Мен сени севаман, Сьюзан, – деди-ю, гўшакни илди.

Нигит телефон қилишга ваъда бериб, ваъдасининг устидан чиколмаганидан каттиқ изтиробга тушганди. Шу алфозда юриб-юриб, клиникага етиб келди. Кираману чиқаман, ортиқ бир дақиқа ҳам ушланиб қолмайман бу ерда, деган ўйда шулни кесиб ўтаётган Беккернинг хаёли ўз муаммолари билан шу даражада банд эдики, анчадан бери унинг ортидан ишма-из кузатиб келаётган темир кўзойнак такқан одамни ишгамади ҳам.

## Ўн саккизинчи боб

Нуматака хар доимги жойида – офисининг улкан дераси ёнида қаршисидаги маҳобатли биноларга тикилганча Ҳавана сигарасини буркситиб тутатиб туради. Америкалик билан бўлган навбатдаги сухбат ажин босган юзига чексиз табассум югуртирганди. Агар ҳаммаси тузилган битимга мувофик кетаётган бўлса, Энзай Танкадо ҳозиргача нариги дунёга равона қилиниб, ундаги калит сўзнинг нусхаси керакли кўлларда бўлиши аниқ эди.

Жуда ғалати, ўйлади Нуматака, Танкадо билан бўлган илк учрашувини эсларкан. Бу йигит билан йўллари қачондир қайта кесишиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Кўп йиллар аввал, коллежни эндингина битирган ёш дастурчи йигит Numetek Corp'га иш кидириб келганида, Нуматака уни қабул қилмаганди. Йигитнинг ўткир зехни, ноёб иктидоридан шубҳаланмаган эса-да, эскича фикрлайдиган, консерватив Нуматака «менбоко – юз ва шараф» тамойилига қаттиқ амал қиласарди. Номукаммалликни ўзига ёт деб билувчи бу киши ногирон дастурчини ишга олсам, компаниям обруси ни бир пул килган бўламан, деб ҳисоблаб, ўйлаб ҳам ўтири масдан Танкадонинг резюмесига рад жавобини берганди.

Ўтмишни эсга олиб, паришонхотирлик билан соатига қараган Нуматаканинг юрагида хавотир учкуни чакнади. Шимолий Dakota қўнғирок қилишга келишган вактдан аллаканча фурсат ўтиб кетган, телефон эса ҳануз сукут сакла-моқда эди. Ишқилиб тинчлик бўлсин.

Калит сўз ваъда қилинганидек бебаҳо бўлиб чиқса, Нуматаканинг қўлида компьютер асрининг энг кўзга кўринган, ечиб бўлмас деб ишонилган рақамли кодлаш алгоритмини очиш имконияти пайдо бўлади. Калитни қўлга киритгач, Нуматака алгоритмни ВСЛИ чипларга жойлаштириб, дунёдаги барча компьютер ишлаб чиқарувчиларга, ҳукуматларга ва ҳатто энг қоронғу бозор – террорчиларнинг қора бозорига ҳам чиқариб, пуллашни мўлжаллаётганди.

Шичигосан – омад худоларининг барчаси мен тарафда, деган хаёлда илжайди Нуматака, режасининг қанча фойда олиб келишини кўз олдига келтиаркан. Numetek Corp.

Рақамли калъанинг ягона нусхасига эгалик қилиш арафасида турибди. Бунинг учун тўланаётган йигирма миллион доллар, албатта, ҳазилакам пул эмас, лекин гап қандай маҳсулот ҳакида кетаётганини ҳисобга олинса, бу маблағ писта нўчоғига айланади.

## Ўн тўққизинчи боб

– Яна кимдир узукни кидираётган бўлса-чи? – сўради Съозан хаёлига келган фикрдан асабийлашиб. – Девиднинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкинми?

Стратмор бошини чайқади:

– Узукнинг мавжудлигини ҳеч ким билмайди. Мен бекорга Девидни юбормадим бу ишга. Оддий тилшунос ўқитувчинг Испанияга сафар килиши ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

– Девид оддий ўқитувчи эмас, у профессор, – командорнинг гапини тўғрилади қиз ва дарҳол тилини тишлади. Стратмор қайлиги ҳакида шу вақтгача ножоиз сўзламаган бўлса ҳам, Девидни барибир унга нолойик деб кўришини қиз сезарди.

– Жаноб, – гапини давом эттирди у. – Бугун тонгда Девидга телефон оркали воқеани айтиб бераётганингизда, сизларни эшлишишган...

– Бундай бўлиши эҳтимолдан жуда йироқ, – Стратмор қизнинг гапини бўлди. – Мен яхши ҳимояланганман, МХА директори ўринbosари бўла туриб бирор мени яширинча пойлашига йўл қолдирмайман, ўзинг биласан”, – қатъий оҳангда гапирди командор, қўлларини елкасига чалиштириб.

– Агар бирор хавфни сезганимда, икки дунёда ҳам Девидни у ерга юбормаган бўлардим, – деди у ва жилмайиб, қўшимча қилди: – Ишон менга! Бирор муаммо чиқадиган бўлса, бутун бошли армияни Севильяга, йигитингнинг ёнига юбораман.

Шу пайт Nod 3 нинг эшиги ортида кимнингдир шарпасини сезиб, командор гапдан тўхтади ва қиз иккови баравар ўгирилиб қаради.

Техник бўлим ходими Фил Чатрукян юзини ойнаванд деворга босганча зўр бериб ичкарида нима бўлаётганини кўришга ҳаракат қилаётганди. Унинг нима деётганини овоз ўтказмайдиган шиша девор туфайли англаш бўлмасди, бироқ, афтидан, Фил арвоҳни кўргандек бесаранжом эди.

– Чатрукян бу ерда нима қилиб юрибди, жин урсин-е! – асабийлашиб Стратмор. – У бугун навбатчи эмасди-ку?

– Муаммо чиққанга ўхшайди, – деди Съозан. – Ҳой наҳой мониторни кўриб қолган.

– Минг лаънат, – командорнинг овози вишишиллаб чиқди. – Мен атайдан бугунги навбатчи техникка қўнғирок қилиб, ишга келмаслигини айтгандим!

Сьюзан бундан ажабланмади. Техник ходимларни навбатдан ташқари ишдан озод қилиш кўзда тутилмаган бўлса ҳам, Стратмор бугун ёлғиз бўлишни режалаштиргани шубҳасиз эди ва Филнинг кутилмаган ташрифини умуман ҳисобга олмаганди.

– Менимча, биз Трансхабарни тўхтатишимииз керак, – тақлиф қилди Сьюзан. – Мониторни қайтадан ишга туширамиз ва Филга кўрган нарсалари ҳақиқий эмаслигини тушунтирамиз.

Стратмор ўйлаб турди, сўнг бошини чайқаб:

– Ҳозир эмас. Трансхабар ўн беш соатдан бери шифрни ечишга ҳаракат қиляпти. Мен у тўлиқ йигирма тўрт соат ишлашини кутаман. Ишонч ҳосил қилиш учун, – деди.

Бу фикр Сьюзанга жўяли туюлди. Рақамли қалъа айланма матн билан ёзилган биринчи алгоритм эди. Балки, Танкадо каердадир янглишгандир; балки, Трансхабар кодни йигирма тўрт соатдан кейин ечишга муваффак бўлар...

– Трансхабар ишида давом этади, – деди командор катъий овозда. – Мен бу алгоритм ростдан ҳам очиб бўлмас дараҷада мустаҳкам эканлигини билишим керак.

Чатрукян ойнага энгасиб, уни қўли билан пайпаслаб, тақиллатишни бошлади.

– Биздан хеч нима кетмайди, мана кўрасан, – деганча Стратмор чукур нафас олди ва катта қадамлар билан эшикка йўналди. Қадам зарбидан оёқ остига ётқизилган маҳсус плита фаоллашди ва эшик икки ёнга сурилиб, очилди.

Эшик очилгач, бечора Фил ичкарига мункиб кетди.

– Командор... Жаноб... Безовта қилганим учун кечиринг... Бирок... ҳалиги... Монитор... Мен вирус бор-йўқлигини текшириб кўрдим...ва...

– Фил, Фил, Фил, – кувноқлик билан хитоб қилди командор йигитнинг елкасига дўстона кўл ташларкан. – Ўзингни бос. Нима гап ўзи? Қани буёққа юр-чи, – деди у ва Чатрукянни ичкарига етаклади. Техник йигит остона хатлаб кирди,

Nod 3 нинг сирли деворлари ортига яширилган манзарани кўриб, бир муддат ваҳимасини унуди. Кўринишидан, Фил бу ерга биринчи марта кираётган эди. У хонадаги ҳамма нарсага – ҳашаматли диванлар, китоб жавонлари, қимматбаҳо қандиллар, терминаллар қаторига бирма-бир кўз югуртириб чиқаркан, ногаҳон нигоҳи Крипто кироличаси, Сьюзан Флетчерга тушди ва шу заҳотиёқ кўзларини олиб қочди. Қизнинг тиник фикри, жисмоний гўзаллиги ёнида ўзини ожиз ҳис этган Фил Чатрукян Сьюзандан жуда ҳайикарди, унга дуч келганда ўзини йўқотиб, бирор сўз айттолмай қоларди.

– Хўш, Фил, нима муаммо бўляпти? – овозидаги хушчакчакликни саклаган ҳолда деди Стратмор музлатгични очаркан. – Бирор нима ичасанми?

Стратморнинг ҳозирги овозини эшитган киши бу одамнинг бутун дунёси афдар-тўнтар бўлиб кетиш арафасида турганини икки дунёда ҳам сезмасди.

– А? Ҳа йўға, раҳмат жаноб, – каловланди йигит. – Менимча, Трансхабар билан нимадир юз беряпти, шеф.

Стратмор музлатгичдан ниманидир қидиаркан, йигитга ўгирилмасдан, бепарволик билан деди:

– Мониторни назарда тутяпсанми?

Чатрукян командорнинг реакциясидан шокка тушди ва шошилиб сўради:

– Бундан ҳабарингиз борми, жаноб?

Стратмор музлатгич эшигини ёпди, йигитга ўгирилиб, зътиборсизлик билан деди:

– Албатта, Трансхабар тахминан ўн олти соатдан бери ишляпти адашмасам.

Бечора техник баттар ажабланди:

– Худди шундай, жаноб. Ўн олти соатдан бери. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Мен вирус борми деб текшириб кўрдим ва жуда ғалати нарсага дуч келдим.

– Ростданми? – Стратморнинг парвойи фалакдек кўринди. – Қанақа нарса экан у?

Сьюзан командорнинг қойилмақом қилиб ижро этаётган томошасини кўриб лол қолди.

Фил тутилиб-тутилиб жавоб берди:

— Трансхабар... Трансхабар жудаям мукаммал шифр устида ишлаётгандек гўё. Фильтрлар олдин бунақасини кўрмагани аник. Қўрқаманки... қўрқаманки, унга вирус тушган.

— Вирус? — кулиб юборди Стратмор. — Фил, хавотир олганинг учун раҳмат, умуман, ходимимнинг бундай ҳаракатини мен жуда қадрлайман. Лекин бу ерда ташвишланаидиган ҳеч нарса йўқ. Флетчер хоним билан биргалиқда янги диагностика ўтказаётгандик. Мен сени огоҳлантирган бўлардим, шунчаки, бугун навбатчи эканингдан хабарим йўқ эди, — деди командор мулойим оҳангда.

— Биз Сейденберг билан ўрин алмашгандик. Бу ҳафта унинг ўрнига мен навбатчи бўлишим керак эди, — шоша-пипша изоҳ берди Фил ҳамкасбининг айбини яшириш мақсадида.

Стратморнинг кошлари чимирилди:

— Бўлмаган гап! Мен Сейденберг билан кеча тунда гаплашиб, бугун келиши шартмаслигини айтдим. У ўрин алмашганингиз ҳақида индамади менга!

Чатрукян юраги шувиллаб, бирор сўз айтишга кучи етмади. Ўртага жимлик чўқди.

— Яхши, — давом этди Стратмор. — Тушунмовчилик бўлганга ўҳшайди, — ва яна эски, дўстона овозга қайтди. — Яхши янгилик шундаки, бугун навбатчилик қилишинг шарт эмас. Сьюзан хоним ва мен кун бўйи шу ерда бўламиз. Сен эса бориб, дам олиш кунини мароқли ўтказ, — деди командор илгаригидек дўстона оҳангда ва Филнинг елкасидан қучиб, эшик гомон бошлиди.

Чатрукян иккиланаётган эди.

— Жаноб, бироқ, ўлашимча, биз Трансхабарни...

— Фил, — Стратморнинг овози қаттиқроқ жаранглади. — Трансхабарда ҳаммаси жойида. Сен текширганингда чиккан ғалати нарсани биз қўйганмиз у ерга. Энди эса, қарши бўлмасанг, биз ишимизни давом эттирамиз, — деганча йигитни эшиккача кузатиб қўйди.

\* \* \*

— Диагностикамуш, ўргилдим, — тўнғиллади Чатрукян ортга, лабораторияга қайтиб кириш чоғи. — Уч миллион

процессорни ўн олти соатдан бери тинмасдан ишлатаётган қандай диагностика бўлди бу? Жин ургур криптографлар хавфсизлик нималигини тушунмайди умуман. Балки бош техникни чақиришим керакдир? – тизим хавфсизлиги назорати бўлимига ишга қабул қилингандা ичган қасами Филнинг миясида чарх уради. У ўзининг бутун билими, маҳорати ва инстинктини МХАнинг мультимиллион долларлик бойлигини ҳимоя қилишга қаратишини айтиб онт ичганди.

– Ички ҳиссиётим алдамайди, – ишонч билан қайтарди у. – Бу ҳеч қанақангি диагностика эмаслигини сезиш учун ўта бефаҳм бўлиш керак.

Фил шаҳд билан терминал сари юрди ва Трансхабарни тўлиқ таҳдиллаш дастурини ишга туширди.

– Командор, Трансхабар хавф остида, – ковоғи уйилганча деди йигит. – Сиз ички инстинктга ишонмайсизми? Мен сизга буни исботлаб бераман!

## Йигирманчи боб

Дастлаб қурилганида ўрта мактаб вазифасини бажарған Салюд клиникасининг аҳволи ҳавас қилгудек эмасди. Гиштдан барпо этилган узун, бир қаватли бинодаги катта деразалар ва занг босган панжараларга нохуш назар ташланган Девид нураб кетган зинадан кўтарилиб, кириш эшигига йўналди. Пешоб ҳиди анқиб турган касалхонанинг бир неча ўн метрга чўзилган энсиз, ним қоронғу коридори йўлкаси ваҳимали туюлиб, Ҳолливуд фильмларидаги кўрқинчли саҳналарни ёдига солди, эти увшганча йўлакнинг охирига тез-тез юриб етиб келди. Чап томонидаги қия очик эшикни итариб, ичкарига қаради; хонада териси суюгига ёпишган кари бемор аёл тувакка ўтириб хожат чиқармоқда эди.

– Ажойиб, – тўнғиллади Девид эшикни ёпиб. – Қабулхона қаерда экан?

Қаерга боришини билмай боши қотиб турган йигитнинг кулоғига залнинг бошқа бурчагидан одамларнинг товуши чалиниб, ўша томонга юрди, бироз ўтгач, олдидан чиққан ойнаванд эшикдаги «Бош қабулхона» деган ёзувни ўқиб, кўнгли ёришиб кетди. Ичкаридан келаётган бақир-чақир овозлардан ажабланиб эшикни очди, бош сукди-ю, ҳафсаласи пир бўлди. Қабулхонада ўнтадан ошиқ одам тўпланиб, навбат кутиб турарди, уларнинг барчаси дардини бараварига айтиб, бақириб, қий-чув кўтарган, хона бурчагидаги курсида ўтирган навбатчи ходим ғазабланган bemorларни тинчлантиrolмай овора эди. Девид кўнгилчанлик қиладиган бўлса туни билан бу ерда ишини битиролмасдан қолиб кетишини сезди, вазиятни бир дақиқа таҳлил қилгач, хаёлига ажойиб фикр келди.

– Con permiso! – буйруқ оҳангига қичкирди йигит кўли билан одамлар орасини ёриб ўтаркан.

– ¿Dónde está el teléfono? – сўради йигит оҳангини ўзгартирмай. Навбатчи ходим унга қараб, индамасдан қўшалоқ эшикни кўрсатди ва яна ўз иши билан банд бўлди. Девид эшикдан ичкарига ўзини урди ва жуда катта хонага кириб қолди. Бу олдин спорт зали вазифасини ўтаганини деворларга осиб қўйилган баскетбол савати айтиб турарди. Полга

маҳкамланган пастак койкаларда ўнлаб беморлар ётқизилған эди. Залнинг нариги бурчагидаги алмисоқдан қолган телефон автоматига кўзи тушди ва у томонга караб юрди, йўл-йўлакай ҳамширага табассум ҳадя қилиб, чўнтағини кавлади. Таксидан қайтган етмиш беш песета маҳаллий қўнғирокни амалга ошириш учун етарди. Гўшакни қўлига олиб, клиниканинг бошофиси рақамини билиш учун маълумотлар бюросига қўнғироқ қилди. Бир неча сониядан кейин ўзига керакли маълумотга эга бўлди.

Қайси мамлакатда бўлишидан қатъий назар, барча оғисларда бир ҳақиқат бор эди: тинимсиз жириングлаётган телефон котибаларнинг асабини шу даражада бузадики, қўнғирокка жавоб бериш учун барча ишини ташлаб бўлса ҳам етиб келишади. Беккер клиника бош оғисининг рақамини тераркан, бугуннинг ўзида билаги синиши ва бош чайқалиши билан касалхонага келган канадалик сайёҳнинг маълумотномасини топишга кўп вакт кетмаслигига ишончи комил эди. Котиба дуч келган нотаниш одамга беморнинг шахсий маълумотларини очик-ойдин айтишга иккиланишини ҳисобга олиб, Девид бунинг чорасини ҳам топиб қўйганди.

Телефон жиринглай бошлади. Узундан-узоқ давом этган ўн тўққиз гудокдан кейин котибанинг жаҳлдор овози эши-тилди:

– Салюд ҳалқ клиникаси эшитади.

Беккер французча-америкача оҳанг испан тилида гап бошлади:

– Мен Девид Беккер бўламан. Сизни Канада элчихонасидан безовта қиляпмиз. Фуқароларимиздан бири бугун шифохонангизда кўриқдан ўтган экан. Элчихона беморга суғурта масаласи бўйича боғланиши учун унинг маълумотлари зарур бизга.

– Яхши, – деди аёл. – Мен маълумотномани элчихонага душанба куни юбораман.

– Зудлик билан бугун ахборот қўлимизда бўлиши керак, бу жуда ҳам муҳим! – босим ўтказди йигит.

– Иложи йўқ, – жаҳл қилди аёл. – Ишим бошимдан ошиб ётибди.

Беккер иложи борича овозига расмий тус беришга интилди:

– Бу кечиктириб бўлмас масала. Сайёхнинг билаги синиб, бошидан жароҳат олган ва унга бугун, эрталабки соатларда муолажа кўрсатилган. Унинг маълумотномаси энг тепада турган бўлиши керак.

Йигит эҳтиёжини аниқ тушунтириш ва котибани саросимага солиб қўйиш мақсадида овозини йўғонлаштириди.

Лекин котиба Беккернинг айтганини қилиш ўрнига худбин америкаликни қарғаганича гўшакни тарақлатиб илиб қўйди.

Йигитнинг қовоги уйилиб, телефонни жойига осди. Аслида Девидни чўчитаётган нарса туни билан касалхонада қолиш эмас, балки вақтининг беҳудага сарфланаётгани эди – канадалик ҳозир ҳар қаерда бўлиши мумкин, балки у ватанига қайтишга қарор килгандир, балки узукни сотиб юбормоқчиdir... Ҳар дақиқа ғанимат... Беккер ўзини қўлга олиб, қатъият билан яна ракам теришга киришди, гўшакни қулоғига тутиб, орқасидаги деворга суюнди. Нариги тарафдан кўнғироққа жавоб бўлишини кутганича эринчоқлик билан зални ва беморларни кўздан кечира бошлади. Битта гудок... Иккита гудок... Учта...

Тўсатдан Девидни чақмок ургандек бўлди. Кескин кайрилиб, гўшакни жойига қўйди. Кейин ўгирилиб, кўз олдидаги манзарадан ҳанг-манг бўлиб колди. Унинг рўпарасидаги койкада қават-қават уйилган эски ёстикларга суюниб ўнг қўлига янги гипс боғланган ёши улуғ эркак ётарди.

## Йигирма биринчи боб

Ниҳоят Токуген Нуматака интизорлик билан кутаётган күнгирок бўлди. Лекин америкаликнинг гўшакдан эшитилган овози асабий жаранглади.

- Жаноб Нуматака, бир дақиқа гаплаша оламан холос.
- Яхши. Ишонаманки, иккала калит сўз ҳам ҳозир қўлингизда, шундай эмасми?
- Режаларимиз бироз кечикди, – жавоб берди америкалик.
- Бу қабул қилинмайди! – эътиroz билдириди Нуматака.
- Бугун кун ботгунча калитлар қўлимда бўлишига ваъда бергансиз.
- Кичик муаммо чиқди.
- Танкадо ўлдими?
- Ҳа, – деди овоз. – Менинг одамим жаноб Танкадони йўқ қилди. Бироқ калит сўзни қўлга киритишда муваффакиятсизликка учради. Танкадо ўлимидан олдин уни бериб юборибди. Сайёҳга.
- Жин урсин сизни! – бақириб юборди Нуматака воқеалар ривожини эшитиб. – Қандай ҳаддингиз сиғди ваъда...
- Ўзингизни босинг, – тинчлантириди уни америкалик.
- Ишончингиз комил бўлсин, йўқолган калит сўз топилиши биланқ Рақамли қалъа сизники бўлади.
- Лекин ундан нусха олишлари мумкин, – Нуматаканинг юрагига вахима орлади.
- Калитга нигоҳи тушган одам, ким бўлишидан қатъий назар, йўқ қилинади.

Ўртага узоқ жимлик тиши. Ниҳоят Нуматака сўради:

- Калит қаерда ҳозир?
- Сиз билишингиз керак бўлган ягона нарса шуки, калит сўз албатта топилади. Бошқаси билан ишингиз бўлмасин.
- Нега бунчалик ишоняпсиз бунга?
- Чунки калитни қидираётган битта мен эмасман. Америка разведкаси йўқолган калитдан хабар топиб, уни излаш учун Девид Беккер исмли одамни юборибди.
- Қаердан биласиз буни?
- Бунинг сизга алоқаси йўқ.

Нуматака уни тұхтатди:

- Агар жаноб Беккер калитни сиздан олдин топса...
- Менинг одамим уни тортиб олади.
- Ундан кейинчи?
- Кейин нима бўлиши сизни ўйлантирмасин, – деди америкалик совуқ оҳангда. – Жаноб Беккер калитни топиши биланок уни ажойиб мукофот билан тақдирлаймиз.

## Йигирма иккинчи боб

Девид Беккер хаяжон ичра койкага яқинлашди ва унда ухлаб ётган қариянинг юзига тикилди. Ўнг қўли гипс билан маҳкамлаб ташланган чол тахминан олтмиш беш – етмиш ёшларда эди. Унинг қордек оппоқ соchlари тартиб билан бир тарафга текис тарапланган, пешонасининг ўртасидаги катта кўкимтири шиш ўнг кўзи томон ёйилганди.

Лейтенант айтган кичкина ғурра шуми, деб ўйлади Девид сухбатдошининг гапини эслаб. Йигит қариянинг бармоқларини текширди. У ерда хеч қандай узук йўқ эди.

– Жаноб? – у беморнинг қўлини оҳиста қимирлатди. – Кечирасиз мени... Жаноб?

Қария қимир этмади.

Беккер энди баландроқ овозда чакирди:

– Жаноб!

– Qu'est-ce... Quelle heure est, – бемор уйғонди, кўзларини секин очиб, Беккера юзланди. Афтидан, безовта қилишганидан хурсанд эмасди. – Qu'est-ce-que vous voulez?"

Ажойиб! Франко-канадалик! Беккер унга илжайиб каради:

– Бир дакика вақтингизни олсам майлими?

Беккер француз тилини мукаммал билса-да, қария унча яхши билмайдиган инглиз тилида гапирди. Сайёҳни етти ёт бегона одамга узукни қўшқўллаб топширишга ишонтириш бироз айёрлик талаб қиласарди.

Бемор ўзига келиб, нима бўлаётганини англаб олгунча анча вақт ўтди. У атрофини бир сидра кўздан кечирди, сўнг соғ қўлининг бармоқларини кўтариб, оппоқ мўйлабини текислади ва ниҳоят ингичка овозда тилга кирди:

– Сизга нима керак?

– Жаноб, – деди Беккер кар одамга гапираётган мисоли ҳар бир сўзини дона-дона қилиб. – Сизга берадиган бир нечта саволим бор эди.

Қариянинг юзида аччикланиш аломатлари пайдо бўлди, у қошини кериб сўради:

– Бирор муаммо борми?

Сайёх инглиз тилида бенуксон гапираётганини кўриб Беккернинг қовоғи уйилди, овозини жиддийлаштириб деди:

– Безовта қилганим учун узр. Мабодо сиз бугун Испан майдонида бўлмадингизми?

Чолнинг кўзлари қисилди:

– Сиз шаҳар кенгашидан келдингизми?

– Йўқ, мен аслида...

– Туризм қўмитасиданмисиз?

– Йўқ, мен...

– Менга қаранг, сиз нима учун бу ерга келганингизни яхши биламан. – Кария ўрнидан туришга уринди. – Мени кўркита олмайсиз. Мен ўз фикримни минг марта айтдим – камина, Пьер Клушар, дунёни қандай бўлса шундайлигича ёзаман. Сизларнинг баъзи сайёхлик китобчаларингиз менинг ёзганларимни хаспўшлаши мумкин, Montreal Times эмас!

– Кечирасиз, жаноб, менимча сиз ҳалиям \_\_\_\_\_

– Merde alors! Ҳаммасига ақлим етиб турибди, – кичкирди кария қоксуяқ бармоқларини Девидга қаратса силкитганича. Унинг овози залда акс-садо берди: – Сиз биринчиси юмассиз, уқдингизми? Улар Мулен Ружда ҳам, Браунс саройида ҳам, Лагосда ҳам оғзимни ёпишга уринишганди. Лекин матбуотда нима чоп этилганини биласизми? Ҳақиқат! Мен татиглан энг расво таом! Мен кўрган энг бадбўй ванна! Ҳамда умрим давомида учратган энг кўримсиз соҳил! Мен ҳаммасини очик-ойдин ёзганман, ха-ха, очик-ойдин! Ўкувчиларим барчасини билиши зарур!

Кария баланд овозда бакириб гапиргани боис кўшни қаравотдаги беморлар ўрнидан туриб, нима бўлаётганини кузатишга киришганди. Беккер асабийлашиб, ҳамширани қидирди; чол шу кетишда давом этса, беморни безовта қилгани учун йигитнинг думини тугишлиари аниқ эди.

Кария бўлса вайсашда давом этарди:

– Бефаросат зобит мени мотоциклга чиқишга мажбур қилди! Аҳволимга қаранг! – у шикастланган қўлини кўтаришга уринди. – Энди қайси қўл билан ёзаман мақолани? Ҳаммаси учун жавоб берасизлар ҳали.

– Жаноб, мен...

– Кария Клушар кирк уч йилдан бери саёхат қиласы, лекин бу энг расво, энг нокулай сафар бўлди! Мана бу жойга каранг! Сиз менинг шарҳимни...

– Жаноб, – тоқати тоқ бўлган Девид чолнинг гапини чўрт кесди. – Менга шарҳингизнинг умуман қизифи йўқ. Мен Канада консуллик идорасидан келдим, аҳволингиздан хабар олгани.

Девиднинг сўзларидан кейин залга ўлиқ сукунат чўқди. Кария ўрнидан кўзғалмай шубҳа билан йигитга тикилди.

Беккер таваккал қилиб, гапида давом этди:

– Мен сизга ёрдам кўрсатиш мақсадида ташриф буюрдим.

Узок жимлиқдан кейин канадалик тилга кирди:

– Сиз консулликданмисиз? – чолнинг овози мулоимлашганини сезиш қийин эмасди.

Беккер бош ирғади.

– Демак, сиз ёзажак мақолам масаласида келмагансиз?

– Йўқ, жаноб.

Пьер Клушар дами чиққан пуфакдек сўлжайиб, ёстиғига яхширок ўрнашиб олди.

– Мен ўйлабманки, сиз шаҳар идорасидансиз деб... Оғизимни ёпгани юборишган деб... –деди у хижолатли товушда, кейин жиддийлашиб сўради: – Гап мақола ҳақида эмас экан, келишингиздан мақсад нима?

Яхши савол, ўйлади Девид кўз олдига Смоки Маунтин манзараларини келтиаркан. У ёлғон гапирди:

– Шунчаки, норасмий дипломатик ҳурмат юзасидан.

Кария ажабланди:

– Дипломатик ҳурмат?

– Шундай, жаноб. Сиздек ҳурматли шахс Канада ҳукумати ўз фуқароларини мамлакат чегараларидан ташкарида ҳам ҳимоя қилиш учун қаттиқ ҳаракат қилишидан хабардор бўлса керак. Айниқса, – овозини паастлатди йигит, – айниқса айрим ривожланмаган давлатларда кўнгилсизликка учраган фуқароларимиз ҳолидан хабар олиш бизнинг бурчимиз.

Клушарнинг юзига табассум ёйилди:

– Ҳа, албатта... Бу жуда ёқимли.

- Сиз Канада фуқаросисиз, шундайми?
- Ҳа, албатта. Сизга жаҳл қилганим жуда бемаъни иш бўлди-да, мени афв этгайсиз. Мени шундай аҳволга солишини... ўзингиз тушуниб тургандирсиз... – айбдор оҳангда шонса-пиша кечирим сўради қария.
- Хижолат бўлманг жаноб, машхур бўлиш осонмас, буни тушунаман.

– Асти гапирманг, – хўрсинди Клушар ва қўзлари билди интрофга ирганиб қаради. – Мана бу ташландикхонани кўрининг. Улар мени мазах қилгандек бу ерда туни билан олиб колиншига қарор қилишиди.

Беккер ҳам кўз қирини ташлаб, ҳамдардлик билдириди:

- Ростданам, жудаям расво жой экан. Эртарок келолмаганим учун кечиринг.

– Келишингиздан бехабар эдим.

Девид мавзуни бошқа ёққа бурди:

- Бошингиз ёмон ғурра бўлган кўринади. Оғрияптими?

- Ростини айтсан, унчалик эмас. Аммо билагим... каттиқ шикастланган кўринади, оғрик тинчлик бермаяпти. Аҳмоқ полициячи! Қайси калласи билан менинг ёшимдаги одамни мотоциклга чиқарди... Буни кечириб бўлмайди!

– Сизга бирор нарса керакми? Дори-дармон ёки тоза кийим? Мен олиб келишим мумкин, – таклиф килди Беккер.

Клушар берилаётган эътибордан мамнунлигини яширмай жилмайди:

- Хўш... – бир муддат ўйга толиб, бўйинни чўзди, бошини ўнгдан чапга буриб, деди: – Яна битта ёстиқ бўлса ёмон бўлмасди... Агар малол келмаса.

- Бемалол, ҳозир тўғрилаймиз. – Беккер кўшни койкадаги ёстикли олиб, Клушар қулайроқ ётишига имконият яратди.

Қария хурсанд бўлиб, нафас чиқарди:

- Анча яхши... Миннатдорман.

- Pas du tout, – жавоб қайтарди йигит.

- Оо! – қадрдан француз тилини эшишиб, Клушарнинг юзи ёришиб кетди. – Демак, сиз тарақкий топган дунё тилида гапира оласиз, шундайми?

– Шундай десаям бўлади, – Девид бироз хижолат тортди.

– Ажойиб! – хитоб қилди қария мағрурланиб. – Мен ёзган маколалар АҚШда чоп этилади, шунинг учун инглиз тили мен учун биринчи ўринда, аммо французча юрагимда яшайди!

– Кўриниб турибди, – илжайди Девид ва Клушарнинг каравоти четига ўтириди. – Энди, жаноб Клушар, менга айтингчи, сиздек одам нима учун айнан бунақа қаровсиз клиникага келди? Севильяда анча яхши касалхоналар ҳам борку.

Бўлиб ўтган воқеалар қайта ёдига тушиб, қариянинг яна фифони фалакка чиқди:

– Анави зобит... У мени мотоциклдан йикитиб юборди, кейин бир ўзимни қонга белангтан аҳволимда ташлаб кетди... Зўрга судралиб етиб келдим бу ерга.

– Зобит яхшироқ жойга олиб боришни таклиф қилмадими?

– Даънати мотоциклидами? Раҳмат, керак эмас!

– Ўзи нима бўлганди эрталаб?

– Мен тафсилотларни лейтенантга айтиб бердим.

– Мен зобит билан гаплашдим ва...

– Умид қиласманки, сиз у тўнка зобитга ҳайфсан эълон килгансиз, – Девиднинг гапини бўлди Клушар.

Йигит бош силкиди:

– Бир эмас, бир нечта!

– Жуда яхши бўпти, – илжайди қария қувончини яширамай.

– Жаноб Клушар, – илтифот билан деди Беккер чўнтагидан блокнот ва ручка чиқарар экан. – Мен шаҳар кенгашига расман шикоятнома тайёрламоқчиман. Ёрдам берасизми? Сиздек обрўли одамнинг гувоҳлигини рад этиб бўлмайди.

Клушарнинг кўнгли кўтарилиди. Ўрнидан туриб, Девиднинг ёнига ўтириди.

– Нимага энди... Албатта... Бажонидил қўрсатма бераман.

Яхши, келинг, бугун эрталабдан бошлайлик. Менга бўниб ўтган баҳтсиз ҳодиса ҳақида айтиб берсангиз.

Қария чуқур хўрсинди:

– Жуда қайғули иш бўлди. Бечора осиёлик ўзидан-ўзи кулаб тушди, мен унга ёрдам беришга ҳаракат қилдим – фойди бўлмади.

– Унинг юрагини массаж килдингизми?

Клушар уялиб кетди:

– Мен... ҳалиги... Юрак массажидан қандай фойдаланишини билмайман... Шунга дарҳол тез ёрдам чакирдим.

Беккернинг кўзи олдига Танкадонинг кўкрагида колиб кетган кўқимтириз из келди.

– Шифокорлар юрак массажидан фойдаландими?

– Албатта йўқ, – кулди Клушар. – Аллақачон ўлиб бўлгани одамни турткилашдан нима наф? Йигитча тез ёрдам машинаси етиб келишидан анча олдин бандаликни бажо келтириб бўлганди. Шифокорлар унинг пульсини текширди, имбилига ортди ва мени довдир зобит билан ёлғиз қолдириб, жўнаб кетди.

«Жуда кизиқ, – ўйлади Девид. – Гематома ниманинг изи бўлиши мумкин у ҳолда?»

Кейин эса, вактини ортиқча хаёлларга кетказмасликка уринниб, сўроқ килишда давом этди:

– Узукчи?

Клушар ажабланди:

– Лейтенант сизга узук ҳақида айтдими?

– Аҳа, айтиб берди.

– Ростданми? – ҳайратланди қария, сўнг жаврай кетди:

– Мен пандавақи лейтенант ҳикоямга ишонмади деб ўйловдим. У жуда жиддий қўполлик қилди – худди-ки мен ёлғон гапираётгандек. Лекин айтиб берганларим чин эди. Мен доим аниқ гапиришим билан фахрланиб келганман.

– Узук қаерда ҳозир? – сўради Девид сабрсизланиб.

Клушар унинг гапини эшитмагандек сўзида давом этарди:

– Рости, жудаям ғалати буюм экан. Айниқса ҳарфлар...

Мен умримда учратмаган тилга ўхшайди...

– Япончадир балки?

– Аниң ундаи эмас.

– Яхшилаб қарадингизми ўзи?

– Албатта, азизим! Йигиттага ёрдам бераман деб чўккала-  
ганимда у нукул бармоқларини юзимга никтайверди. Бечора  
ўлими олдидан узукни менга беришни истаган экан. Ҳанузъ  
гача унинг кўллари хаёлимдан кетмаяпти – жуда даҳшатли...

– Узукни олганингиздан кейин нима бўлди?

Клушарнинг кўзлари кенг очилди:

– Узукни олганингиздан кейин, – тақрорлади у ажабла-  
ниб. – Ким айтди сизга узукни олди деб? Аnavи телба зобит-  
ми?

Беккер сўзсиз бош ирғади.

Қария тутаб кетди:

– Билардим у жинни мени эшитмаётганини! Мана қора  
миш-мишлар қандай бошланади! Мен зобитга айтдимки,  
япон йигит узукни берди – лекин менга эмас! Мен ўлаётган  
одамдан икки дунёда ҳам бирор нарса олмайман! Ё парвар-  
дигор! Шунчалигам бемаънилик бўладими? – тинмай вай-  
карди у.

Беккернинг кўнгли нохушликни сезди.

– Тушунмадим, узук сиздамасми?

– Албатта менда эмас!

Йигитнинг ичи шувиллаб кетди.

– Ундаи бўлса, кимда?

Клушар унга жаҳл аралаш деди:

– Кимда дейсизми? Немисда. Узукни немис олган!

Беккернинг кўзлари тиниб кетди:

– Немис? Қайси немис?

– Қайси бўларди, парқдаги немис! Мен зобитга у ҳақда  
айтиб бердим. Мен узукдан воз кечдим, лекин ярамас фа-  
шист уни олди.

Беккер ручка ва қоғозни пастга туширди. Томоша туга-  
ганди. Ҳафсаласи пир бўлиб сўради:

– Демак узук немисда, шундайми?

– Худди шундай.

– У қаерга кетди?

– Худо билади. Мен полицияга күнфирик килиш учун югурум. Ортга қайтганимда эса немис кетиб бўлганди.

– Унинг кимлигини биласизми?

– Қандайдир сайёх эди.

– Ишончингиз комилми?

– Сайёхлик менинг касбим-ку, – ўқрайди Клушар Девид-нинг унга ишонмаганидан аччиғи чикиб. – Мен одам сайёх қинини бир қарашдаёт фарқлай оламан. Немис ва унинг қиз дугонаси боғда сайд қилиб юришганди.

Девид чалкашиб кетди:

– Қиз дугонаси? Немис билан бирга кимдир бормиди?

Қария бош силкиди:

– Жуда келишган, қизил сочли аёл ҳамроҳлик қилаётганди унга... Ҳойнаҳой пул эвазига.

– Пул эвазига? – йигит ҳанг-манг бўлиб қолди. – Немис билан юрган аёл фоҳиша эди демоқчимисиз?

Фоҳиша сўзини эшитиб Клушарнинг юзи буришди.

– Ҳмм, шундай десаям бўлади, факат фоҳиша жуда қўпол жаранглайди-да.

– Бироқ... Зобит бу ҳакда...

– Албатта индамайди! Чунки мен аёл ҳақида унга ғинг ҳеганим йўқ, – йигитнинг гапини илиб кетди қария. – Фоҳишалар жиноятчи эмас – уларга ўғрилардек қўпол муомала килишлари нотўғри...

Девид ҳануз енгил шок ҳолатида эди.

– У ерда яна кимдир бормиди?

– Йўқ, факат учаламиз эдик, ҳаво иссик бўлгани учун ҳамма ўзини соя-салқинга урганди.

– Аёлнинг фоҳиша эканига аминмисиз? – қайта сўради йигит.

– Икки юз фоиз! Ҳеч қайси чиройли аёл ўша немисдақа бадбашара маҳлук билан бирга бўлмайди – агар яхши ҳақ тўланмаса. Немис бакалоқ эди, тахминан уч юз фунтча тош босса керак, бунинг устига, оғзидан тинимсиз қўпол сўзлар чиқарди, сўқинишдан тўхтамасди. Қизилсоч хонимнинг биљагидан маҳкам тутиб юрарди, худди у қочиб кетаётгандай. Ҳойнаҳой атиги уч юз доллар эвазига дам олиши кунларини

бирга ўтказишига кўнган бўлса керак... Аслида бечора осиёлик эмас, ўша фашист нариги дунёга равона бўлиши керак эди, – қария жаврай-жаврай нихоят тўхтади. Беккер ўрнидан турди.

– Унинг исмини биласизми?

Клушар бир дакиқа ўйлаб, бош чайқади:

– Билмайман.

Билагидаги оғриқ кучайиб кетди шекилли, инграб юборди. Девид қариянинг жойига ётишига ёрдамлашди. Клушар бошини ёстикка кўйгач, кўзларини юмиб, тин олди, пешонасини силади. Сухбат уни толиктириб кўйганди.

Беккер унга қараб туриб чукур ух тортди, ич-ичидан хўрсиниш келди. Узукни топиш учун қилган шунча харакати бежиз кетганига ачинди. Командор Стратморни бу янгилик хурсанд қилмаслиги аник. Йигит ўйлаб кўриб, бошқа усулни синаб кўришга харакат қилди.

– Жаноб Клушар, мен немис ва унинг дугонасидан ҳам кўрсатма олмоқчиман. Нима деб ўйлайсиз, улар қаерда туради?

Клушарнинг кўзлари юмуқ, нафас олиши сокинлашганди.

– Наҳотки ҳеч нарса? Ҳеч йўқ кизнинг исми эсизда қолгандир?

Жим-житлик.

Клушар ўнг чаккасини ишқалади, бироз безовталаниб, қалтироқ овозда деди:

– Яхши... йўқ... а... ишонмайман...

Беккер чолнинг устига эгилди:

– Ҳаммаси жойидами, жаноб?

Қария бошини енгил қимирандади:

– Ҳа... яхши... шунчаки... чарчадим шекилли...

– Ўйлаб кўринг, жаноб Клушар, – шоширди уни Беккер.

– Бу жуда мухим.

Клушар сесканиб тушди, нигоҳини базур йигитга карата:

– Мен билмайман... аёл... немис чақиряпти... – деди-ю, яна кўзлари юмилди.

– Унинг исми нима, жаноб?

– Мен эслолмайман... рост... – пичирлади қария.

– Ўйланг, – Беккер Клушарнинг қўлидан тутди. – Ухламанги, жаноб, ҳозир уйкунинг ўрни эмас! Консуллик хужигитлари тўлиқ ёзилиши зарур. Сизнинг ҳикоянгизни бошка гуноҳларнинг кўрсатмалари билан мутаҳкамлашим керак. Унини топиш учун қандай ёрдам...

Клушар йигитни эшитмаётган эди.

– Жаноб Клушар, сиз эслашингиз керак, ҳозироқ, жаноб! – йигит қариянинг елкасини силкий бошлади ва тўсатдин баланд овозда гапираётганини, каравотдаги bemорлар ўринидан туриб унга қараётганини эслаб қолди. Шуни кутиб турғандек, залнинг кириш эшигидан ҳамширанинг қораси кўринди, у Девид томон кела бошлади.

– Жано-о-б, жавоб беринг, ҳозироқ!

– Немис аёлнинг исми...

– Нима деди исмини? – шоширди Девид, чолнинг бошини кўтариб, юзига шапатилади.

Клушарнинг кўзлари бир лаҳзага очилди.

– Унинг исми...

– Қария, ухламант, жавоб беринг!

– Дю... – базўр пичирлади қария.

– Дю? Аёлнинг исми Дю эдими? – Беккер қулогини чолнинг оғзига яқинлаштирди. Бу орада ҳамшира уларга яқинлашиб қолганди, афтидан, bemорни безовта қилгани учун нотаниш йигитдан жаҳли чиққанди.

Қария инқиллади.

– Немис... чақирди... – унинг виширлаган овозини ҳатто беш сантиметр узоқдан ҳам эшлишишнинг иложи йўқ эди.

Каравотга етишига ўн қадам қолган ҳамшира испан тилида алланималар деб Беккерга бакира кетди. Йигит парво килмади. Унинг бутун диққати чолнинг оғзида эди. Сўнгги марта bemорни силкитаётганида ҳамшира етиб келди. Бақувват аёл Беккернинг елкасидан ушлаб оркага итқитиб юборган замон қариянинг оғзидан сўнгги сўз учуб чиқди. Девид у нима деганини эшитмаган бўлса ҳам, чолнинг лаб харака-

тига қараб туриб қайси сүзни талаффуз қилганини тушунди – «шабнам томчиси».

Ҳамшира сўкинганча Беккерни эшик томон судраб кета бошлиди.

«Шабнам томчиси – шабнам томчиси?» – ҳайрон бўлди йигит. Бу яна қанака исм бўлди? Девид билагидан маҳкам ушлаб олган ҳамширани силтаб, охирги марта койкада ором олаётган Клушарга ўгирилди.

– Шабнам томчиси? Ишончингиз комилми, жаноб?

Жавоб бўлмади. Қария қаттиқ уйқуга кетган эди...

## Йигирма учинчи боб

Лимон кўшиб тайёрланган гиёҳли иссиқ чойдан хўплаштани Сьюзан Nod 3 да ёлғиз ўтиради; у Изкуварнинг қайтишини кутмоқда эди.

Бош криптограф бўлгани сабабли Сьюзаннинг терминални хона тўрида савлат тўкиб турарди. Бу нуктадан туриб киз шифракат ички – Nod 3 залини, балки ойнаванд девор ортидаги Крипто залини ва унинг марказида ўрнатилган баҳайбат Трансхабарни ҳам bemalol кўра оларди.

Киз соатни текширди; Изкуварни ишга туширганига деярли бир соат бўлганди. Девид билан ўрталарида бўлиб ўтган тонгги сухбатни унтишга минг ҳаракат қилмасин, миёсида қайта-қайта айланарди. Қайлиғига нисбатан қўполлик қилганини билиб, виждони қийналди; Испанияда ҳаммаси жойида бўлишини сўраб дуо қилди.

Хозир нима қилаётган бўлиши мумкин Девид? Овқатландимикин? Тунаш учун каерда қолди экан? Шу каби саволлар билан ақли банд қизнинг хаёлини эшикнинг шиғиллаган овози тарқатиб юборди; у бошини кўтариб, эшикка каради ва кутилмаган ташрифдан қошлари чимирилди. Шу етмаётганди ўзи. Остонада криптограф Грег Хейл илжайиб турарди.

Грег Хейл баланд бўйли, мушақдор йигит бўлиб, қалин сарик соchlari ва ўртаси ичига ботиб кетган ияги билан бошқалардан ажралиб турарди. Доим баланд овозда гапирадиган, сўзамол, ўзига ҳаддан ташқари оро бериб юрувчи Грег ҳамкаслари орасида «Ҳалите» деган лақаб ортирганди. «Ҳалит»ни камёб қимматбаҳо тош деб тахмин қилиб, бу ник унга мислсиз заковати ва жисмоний кўриниши сабаб берилган деб керилиб юрган Грег мабодо энциклопедияга мурожаат қилганида эди, «Ҳалит» аслида денгизлар қуриганидан кейин ўрнида қоладиган бир тийинга киммат тузли чўкма эканлигини билган бўларди.

Бошқа криптографлар сингари, Грэгнинг маоши ҳам юкори эди, бироқ йигит камтарлик борасида мактана олмасди. У энг сўнгги русумдаги кумушранг Lotus автомобилини хайдарди, унга мусиқа тинглаш учун қулоқни қоматга келирувчи карнай ҳам ўрнатиб олганди. Замонавий гаджетлар

ишқибози сифатида машинасини күргазма асарга айлантири-  
ганди; автомобилдан урфда бўлган GPS компьютер тизими,  
овоз орқали очилиб-ёпиладиган эшик қулфлари, беш кило-  
метрдан туриб радарни аникловчи ускуна ҳамда ўзига келган  
хабарларни доим билиб туриш учун кўл телефонини топиш  
мумкин эди. Ҳатто машина рақами ҳам эгасининг димоғдор-  
лигидан дарак бериб, тўқ сафсар рангда нур сочиб турарди.

Ёшлигиде АҚШ денгиз қўшинлари сафига хизматга  
кирган Грэг Хейл компьютер нима эканлигини ва дастурлаш  
сирларини ўша ерда ўрганди ва тез орада денгиз қўшинла-  
ри ичидаги яхши дастурчига айланди. Ҳаммаси бир текис  
кетаётганди, бироқ хизмат тугашига атиги икки кун колган-  
да йигитнинг ҳаёти бутунлай ўзгариб кетди. Аслида ўзини  
ҳимоя қилиш санъати ҳисобланган таэквондо ҳимоялашдан  
кўра йўқ қилишга хизмат қилганди. Ичкилик натижасида  
кўтарилиганди жанжал давомида Хейл сафдош денгизчини та-  
садиғи үлдириб қўйди ва хизмат вазифасидан озод этилди.

Камоқ муддатини ўтаб чиккач, «Ҳалит» хусусий секторда  
дастурловчи сифатида иш қидиришга киришди, лекин иш бе-  
рувчилар судланган одамни компанияларига яқинлаштиришни  
истамасди. Грэг қўлидан нималар келишини кўрсатиш учун  
бошлиқлардан бир ой давомида маошсиз ишлаб, синов муд-  
датини ўташга рухсат беришларини сўрарди. Бу вакт ичидаги  
йигитнинг компьютер билан нималар қилишга қодир эканини  
кўрган иш берувчилар ҳеч иккапланмай уни олиб қоларди.

Тажрибаси ошиб бораркан, Хейл бутун дунё бўйича  
интернет алоқасини ўрнатишга киришди, e-mail орқали ҳар  
бир миллатдан ўзига ўхшаган танишлар орттириди, онлайн  
чат гурухларнинг фаол фойдаланувчисига айланди. У қачон-  
лардир порнографик видео ва расмлар юклаш билан шуғул-  
ланганини Криптода ҳеч ким билмасди.

\* \* \*

– Бу ерда нима қиляпсиз? – сўради Хейл, бўсағада тур-  
ганча Сьюзанга олайиб қаараркан. Афтидан, бугун Nod 3 да  
бир ўзи бўлишни режалаштириб келган чоғи, кутилмаган  
учрашув ёқмагани йигитнинг юз ифодасидан маълум эди.

Сьюзан ўзини босишга уриниб:

— Аслида бу саволни мен сендан сўрашим керак, Грег, — деди бамайлихотир, гарчи йигит нима максадда бу ерда эканини билиб турса-да. Грег компьютерга каттик муккасидан кеттинди. Шанба куни барча дам олиши керак деган қоидаги кирамасдан, у шундай кунларда ҳам, ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, Криптоға бемалол кириб, МХАнинг қудратли компьютерларидан фойдаланиб, ишга алоқаси бўлмаган ҳар килдастурлар устида ишларди.

— Шунчаки, айрим маълумотларни текшириб, электрон почтамдан хабар олиш учун киргандим, — деди Хейл. Кейин кизиқсиниб сўради: — Ўзингиз нима билан бандсиз?

— Ҳеч нима билан, — қисқа жавоб қилди киз.

Хейл ажабланиб қошларини керди:

— Яширишнинг нима кераги бор? Nod 3 ичида ҳеч кандай сир сақланмаслиги керак, ёдингиздан чиқдими? Бир кинни ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!

Сьюзан йигитнинг гапини беэътибор қолдириб, лимонли чойдан симиради. Хейл айтмасанг айтма деган маънода энисасини қотирди, сўнг Nod 3 омборхонаси томон йўналди, хонани кесиб ўтишда Сьюзаннинг стол остидан чиқиб турган оппок, текис болдиrlарига қараб ютиниб қўйди; қиз бошини кўтармаса-да, Грэгнинг хирс тўла нигоҳларини сезгандек оёқларини ичкарига йиғиштириб, ишлашда давом этди. Буни кўриб Хейл ўшшайди.

Умуман олганда, Сьюзан Грег Хейлнинг ўзига бошқача кўз билан қарашига ўрганиб кетганди. Стратморга бу ҳақда шикоят қилишга ғурури йўл қўймаган қиз енгилтак йигитнинг хатти-ҳаракатига эътибор бермасликка интиларди.

Хейл омборга яқинлашди ва панжарали эшикни буқадек силтаб ўзига тортди, музлатгичдан тофу идишини суғуриб олиб, бармоқлари орасидан сувини оқизганча очкўзлик билан уч-тўрт бўлак тофуни оғзига солди. Оғзидағи таомни чаппилатиб, Сьюзанга ўгирилди, кулранг шими билан футболкасининг ғижимини силлиқлаётib савол ташлади:

— Бу ерда узоқ қоласизми?

— Тун бўйи, — жавоб қайтарди қиз Хейлга қайрилиб ҳам қарамасдан.

– Ҳмм, – кавшанишда давом этарди йигит. – Накадир ажойиб дам олиш куни... Фақат иккаламиз...

– Фақат учаламиз, – унинг гапини бўлди Сьюзан ва кинояли жилмайиб давом этди: – Командор Стратмор шу ерда, ўз хонасида. Балки тезрок ғойиб бўларсан, шеф дам олиш куни сени кўриб хурсанд бўлмаслиги аниқ.

Хейл тиржайди:

– Командор дам олиш куни сизнинг бу ерда бўлишингизга қарши эмас кўринади. Унга сизнинг ҳамроҳлигинги ёқса керак ҳойнахой.

Сьюзан қаттиқ гапириб юбормаслик учун лабини тишлади.

Хейл қизни мот қилдим деган хаёлда иршайиб, тофу қутисини жойига қўйди ва бир неча қултум зайдун ёғидан қутиллатиб ичди. Ўзини тўғри овқатланиш тарафдори қилиб кўрсатувчи Хейл зайдун ёғини ичиш ичакларни тозалайди деб даъво қилиб, ҳамкасларига соғлом турмуш тарзи ҳақида узундан-узун ваъз ўқирди.

Йигит зайдун ёғини музлатгичга қайта солиб, компютери томон юрди. Унинг терминални Сьюзанники билан рўпарама-рўпара жойлашган эди. Хейл ва қизнинг терминаллари ўртасида яхшигина масофа бўлса-да, йигит сепган ўткир мушкнинг хиди қизнинг бурнига гуппилаб урилиб, кўнглини ағдарди, у бурнини жийириб, истехзо билан:

– Ажойиб атири, Грэг! Бошингдан қуиб келган қўринасан? – деди.

Хейл терминалга ўтиаркан, ўшшайиб кулди:

– Сизга ёқишини билардим, азизам!

Сьюзан йигитни паришонхотирлик билан кузатиб, тўсатдан юраги орқасига тортиб кетди: Грэг Трансхабарнинг аҳволидан хабар топиб қолса-чи? Грэг янги диагностика сабаб Трансхабар ўн олти соатдан бери ишлайяпти деган гапга лақقا тушадиган аҳмоқ эмас, машина қанча вактдан бери кодни очолмаётганини кўриши биланоқ ҳақиқатни айтишни талаб қилиши аниқ, бироқ... Бироқ Сьюзан унга ишонмасди. Қиз энг бошиданоқ Хейлни ишга ёллашга қаршилик қилганди, аммо МХАнинг бошқа чораси йўқ эди.

Тўрт йил мукаддам интернет учун ягона, оммавий шифрлаш калитини яратиш мақсадида Конгресс АҚШдаги шиг кўзга кўринган математиклар тўпланган макон – МХАга мурожаат қилди ва уларга янги, супер алгоритм ишлаб чиқиншига кўрсатма берди. Конгресс янги алгоритмдан фойдаланишини барча учун мажбурий қилувчи қонун ишлаб чиқиб, шу орқали турлича алгоритмлардан фойдаланаётган корпорацияларни кучсизлантиришни мўлжаллаганди.

Албатта, МХАдан оммавий калит учун шифр ёзиб бериншини сўраш ўзига ўзи чоҳ қазишдек гап эди.

Трансхабар ҳали тўла яратилмаган бир даврда стандарт шифрлаш алгоритмини ёзиш шундогам код ёзиш билан банд бўлган мутахассисларнинг ишини икки баробар кўпайтирирди, МХАда эса бунинг учун умуман вақт ҳам, хоҳиш ҳам шўк эди.

Электрон чегараланиш жамияти эса бу воқеани ўзича тилкин қилди ва МХА атайдан сифатсиз, осонликча бузиш мумкин бўлган алгоритм ёзади дея жар солди. Ортиқча вахимага барҳам бериш мақсадида Конгресс маҳсус қарор чиқарди. Унга кўра, МХА яратган алгоритм тайёр бўлганидан кейин сифат назорати бўйича математикларнинг кўригидан ўтадиган бўлди.

Ноилож қолган командор Стратмор бошчилигидаги МХАнинг Крипто жамоаси истар-истамас, шартли равища Читтак деган алгоритм яратди ва Конгресснинг эътиборига ҳавола этди. Дунёнинг турли бурчакларидан йиғилган математиклар Читтакни синаб кўргач, ҳайратдан лол қолишибди; улар бир овоздан Читтак энг кучли, бузилмас алгоритм деб тасдиқлашди. У орқали энг мустаҳкам шифрлаш стандарти жорий этилишини таъкидлашди. Аммо Конгресс Читтакни расман маъқуллаш учун овоз беришига уч кун қолганда Белл лабораториясида ишловчи аллақандай ёш дастурчи, Грег Хейл, алгоритмда носозлик борлигини эълон қилиб, барчани ҳайратга туширди.

Грег носозлик деб атаётган нарса аслида командор Стратморнинг буйруғи билан алгоритмга яширинча ўрнатилган бир неча қатордан иборат қора туйнук эди. Бу дастур

шу даражада хийлакорлик билан беркитилган эди-ки, Грег Хейлдан бошқа ҳеч ким уни илгамаганди. Стратморнинг бу маҳфий қўшимчаси Читтак томонидан ёзилган ҳар кандай кодни МХАга олдиндан маълум бўлган калит сўзи орқали расшифровка қилиш имкониятини берарди. Бутун аҳолининг электрон хавфсизлик умиди боғланган стандарт шифрлаш алгоритмини командор Стратмор МХА эгалик қиласидан разведка куролига айлантироқчи эди, негаки, режаси муваффакиятли амалга ошганида, Америкада ёзилган ҳар бир коднинг калити МХА қўлида бўларди, бу эса исталган электрон мактубни исталган вақтда эгасига сездирмасдан ўқиш имконияти дегани эди.

Грег Хейлнинг хабаридан сўнг оммавий ғалаён кўтарилиди; Электрон чегараланиш жамияти Конгрессни лақмаликда айблаб, таъна тошларига кўмиб ташлади, МХАни эса озод дунёга Гитлердан кейинги энг катта таҳдид деб эълон қилди. Стандарт шифрлаш режаси шу тарзда йўққа чиқди.

Бу воқеалардан бир неча кун ўтгач, МХА ўша ёш дастурчи – Грег Хейлни ишга қабул қилди. Стратмор қанчалик нафратланмасин, Грег МХАдан ташқарида – унга қарши ишлагунча, кўзига яқинроқ жойда бўлишини афзал билганди.

Читтак билан боғлик можаро давомида Стратмор ўзининг хатти-харакатларини Конгресс олдида мантиқан изоҳлаб, МХАни шиддат билан химоя қилди. Командор халқнинг холи қолиш иштиёқи ўзининг бошига бало бўлишини таъкидлаб, кимдир одамларни кузатиб туриши зарурлигини уқтирди; одамларга МХА керак эди, чунки у харларни ўқиш орқали халқнинг тинчлигини таъминларди, унинг фикрича.

Стратмор қанчалик ишонтиришга уринмасин, Электрон чегараланиш жамияти унинг ҳақиқатини қабул қила олмади ва ўшанда улар ўртасида бошланган адоват ҳанузгача давом этмоқда эди.

## Йигирма тўртинчи боб

Девид Беккер Салюд клиникаси рўпарасидаги телефон кутиси ёнида турарди. 104-ракамли қария bemor, жаноб Клүшнрга қўполлик қилишда айбланган Беккер умрида биринчи марта касалхонадан қувиб чиқарилганди.

Воқеалар у кутгандан кўра мураккаблашиб кетди. Стратмор айтган кичкина вазифа – бир неча буюмни олиб келиш – шиникандай ғалати бир узукни бутун бошли Севилья бўйлаб килиришга айланди.

Девид клиникадан ҳайдалиши биланок, тўғри телефон будкаси ёнига келиб, Стратморга қўнғироқ қилган ҳамда унга немис сайёҳ ҳақида эшитганларини гапириб берганди. Гахмин килганидек, Стратмор бу хабарни яхши кутиб олмиди. Воқеани қайта-қайта батафсил сўраб олгач, командор узук муддат жим қолди. Кейин эса муҳим гап айтиётгандек ута жиддий овозда деди:

– Девид, бу узукни топиш масаласи давлатимизнинг миллий хавфсизлиги учун жуда муҳим. Мен бу ишни сизга ишониб топширяпман. Юзимни ерга қаратманг, илтимос!

Беккер бир оғиз гапиришга улгурмади, гўшақдан Стратмор алоқани узганини билдирувчи кисқа-кисқа товушлар ўшилди.

Девид телефонни қўлида ушлаганча нима киларини билмай котиб қолди, унинг бутун фикрлари остин-устун бўлиб кетганди. «Бу давлатимиз миллий хавфсизлиги масаласи». Командорнинг гаплари йигитнинг қулоғи остида жарангларди, бироқ оддий узук билан Америка хавфсизлиги ўртасида кандай боғлиқлик бўлишига ақли етмаётганди. Шундай бўлса-да, Стратмор ҳазиллашадиган ёшдан ўтганини яхши аংглаган Беккер елкасидаги масъулиятни ҳис этди ва ишларини режалаштириб олиш мақсадида бир неча дакиқа хаёлга толди. Сўнг, бир қарорга келди шекилли, чукур хўрсиниб, будкадаги титилиб кетган телефон китобчасининг сариқ варакларини титкилай бошлади.

Маълумотлар китобчасида атиги учтагина эскорт агентлиги раками қайд этилгани Девиднинг ишини анча енгилаштириди, чунки кўп жойга бориб, ортиқча вакт сарфлашига

тўғри келмайди. Колаверса, немисга ҳамроҳлик килгандай қизил сочли қизлар Испанияда кўп учрамасди. Клушар алаҳ-сираганча фохишанинг исми «Шабнам томчиси» эканини айтди. Фалати исм, ўйлади Девид. Католиклар учун жуда но-муносиб. Клушар адашган бўлса керак.

Беккер ўйлай-ўйлай энг биринчи рақамни терди.

\* \* \*

– Servicio Social de Sevilla, – гўшакдан аёл кишининг жозабали овози эшитилди.

Беккер немисча акцентдаги испан тилида гап бошлади:

– Hola, ¿Hablas Aleman? Немисча гапира оласизми?

– Йўқ, немисча билмайман, бироқ инглиз тилида гаплаша оламан, – жавоб берди овоз эгаси инглизчада.

Беккер гапини бузилган инглиз тилида давом эттирди:

– Раҳмат. Менга зарур эди ёрдамингиз.

– Қандай кўмак бера оламиз? – деди аёл мулойим овозда. – Сизга эскорт керакми?

– Ҳа, илтимос. Бугун акам Клаус олган бир киз, сочи қизил. Мен ҳам хоҳлайман шунақасини, илтимос, эртага, – Девид шубҳа уйғотмаслик мақсадида хато билан гапиришга интиларди.

– Сизнинг акангиз – Клаус бу ерга келадими? – деди аёл хушчақчақ оҳангда, эски қадрони билан гаплашаётгандек.

– Ҳа-ҳа, семиз, жуда семиз у. Эслай оласизми уни?

– Клаус бугун бизнинг хизматдан фойдаланган дейсизми?

Беккер гўшакдан дафтар варакланаётганини эшитиб, аёл мижозлар рўйхатини текширётганини билди. Клаус исми дафтарга ёзилмаган бўлиши мумкин эди, чунки камдан-кам ҳоллардагина мижозлар ўзларининг ҳақиқий исмидан фойдаланарди.

– Ҳмм, кечирасиз, – узр сўради аёл. – Мен уни рўйхатдан тополмадим. Балки сиз акангизга ҳамроҳлик килган аёлнинг исмини биларсиз?

– Қизил, қизил соч эди у, – Девид жавобдан қочишга уринди.

– Қизил сочли? – кайта сўради овоз эгаси ажабланиб. –

Си Сervicio Social de Sevilla га күнгироқ қиляпсиз. Акангиз шу ерға келишига ишончингиз комилми?

- Албатта.
- Жаноб, бизда қызил сочлилар йўқ. Бизда ҳақиқий Андaluния гўзаллари хизмат қиласди.
- Қызил соч, – яна такрорлади Девид ўзини жинниликка солиб.
- Кечирасиз, бизда умуман сочи қызил қизлар йўқ, бирок истасангиз...
- Исли Шабнам томчиси, – ниҳоят ёрилди йигит.

Бу бемаъни исм аёлга ҳеч нарсани англатмади шекилини, Беккердан кечирим сўради ва бошқа компания билан ишаштириётган бўлиши мумкинлигини айтиб, илтифот билан тұшакни илди.

Биринчи уриниш муваффақиятсиз якунланди.

\* \* \*

Беккер яна чукур уфлади ва навбатдаги агентлик рақамини терди. Узок куттирмасдан, гўшақдан овоз эшишилди:

– Buenas noches, mijeres España. Қандай ёрдам беришим мумкин?

Беккер бу сафар ҳам ўтган галгидек немис сайёхи ролини ўйнаб, акаси билан бугун бирга бўлган қызил сочли қиз учун юқори нарх тўлашини маълум қилди.

Гўшакни кўтарган аёл юмшоқлик билан немис тилида жавоб қайтарди ва ҳеч қандай қызил сочли ходимлари йўқлигини айтди.

– Keine Rotköpfe. Маъзур тутасиз, – деб алоқани узди у. Иккинчи уриниш ҳам бесамар якунланди.

Беккер телефон китобига қаради. У ерда фақат битта ракам қолганди. Сўнгги умид, сўнгги уриниш.

Чукур нафас олиб, учинчи компанияга кўнгироқ килишга тутинди.

\* \* \*

– Escortes Belén, – гўшакдан эркак кишининг назокатли овози эшишилди.

Беккер эски ҳикояни қайтарди.

– Sí, sí, señor. Менинг исмим Сенъор Рольдан. Сизга ёрдам беролсам жуда мамнун бўлардим. Бизда икки қизил сочили ходима бор. Жуда ажойиб, мафтункор қизлар.

Беккернинг юраги кинидан чиккудек уриб кетди.

– Жуда чиройли? – такрорлади у немисча шевада. – Қизил сочлими?

– Шундай, жаноб. Акангизнинг исми нима эди? Мен сизга бугун у билан бўлган қиз кимлигини аниқлаб бераман ва уни эртагаёқ сизга юборишим мумкин.

– Клаус Шмидт, – Беккер хаёлига келган илк немисча исмни айтиб юборди.

Узок муддатли жимликдан сўнг жаноб Роланднинг овози эшитилди:

– Хўш... Жаноб, мен рўйхатимиздан ҳеч қандай Клаус Шмидтни тополмадим, менимча, акангиз шахсиятини сир саклашни маъқул кўрган – ҳойнаҳой рафиқаси сабаб, – деганча ҳаҳолаб кулди эркак.

– Ҳа, Клаус уйланган, унинг хотини бор, лекин у семиз. Хотини ёқмайди унга, – деди Девид ачинган оҳангда. – Мен ҳам семиз ва ёлғизман. Мен у билан ётишни хоҳлайман, пул кўп тўлайман, – гапида давом этди ва хаёлида ўйлади: агар Сьюзан мени ҳозир эшитса борми...

Девид ролини ажойиб ўйнаётган эди, бироқ ошириб юборганди. Фоҳишабозлик Испанияда жиноят ҳисоблангани сабаб Сенъор Рольдан жуда эҳтиёткор эди. Чунки полиция бир неча маротаба қизикувчан сайёҳ қиёфасида қўнғирок қилиб, уни қўлга туширмоқчи бўлган. Мен у билан ётишни хоҳлайман деган сўзлар Роландга шубҳали туюлди. Бу тузок эканини пайқади. Агар Рольдан ҳозир розилик билдирса, яхшигина жарима тўлайди ва энг маҳоратли қизларидан бирини бир ҳафтага полиция комиссари идорасига бериб юборишга мажбур бўлади. Ақлини йигиштириб олган Рольдан деди:

– Жаноб, сиз *Escortes Belén*'га қўнғирок қиляпсиз. Ким билан гаплашаётганимни билсан бўладими? – Унинг овозидаги дўстона оҳанг ғойиб бўлганди.

– Ааах... Зигмунд Шмидт гапиряпти, – деди Беккер, юраги нохушликни сезиб.

- Бу ракамни қаердан олдингиз?
- Телефон китобчасидан.
- Яхши, жаноб. Унумтманг, биз эскорт агентлигимиз, ҳимроҳларни таклиф қиласиз.
- Биламан, менга айнан ҳамроҳ керак, – Беккер ростдан ҳим бир гап бўлганини пайқади.
- Жаноб, *Escortes Belén* тадбиркорларни тури базмлар, ўтиришлар давомида ҳамроҳ билан таъминлайди. Шунинг учун ҳам биз ракамиизни маълумотлар китобчасида қолдирганимиз. Биз қонуний ишлаймиз. Сиз қидираётган нарсангизни биздан эмас, фоҳишаҳонадан топасиз, – деди катъиятли овозда Рольдан.
  - Лекин акам...
  - Жаноб, агар акангизга ҳамроҳлик қилган қиз боғда у билан ўпишган бўлса, мен кафолат бераманки, у биздан ёмас. Компаниямизнинг мижоз ва ҳамроҳ ўртасидаги муносабатларни белгилаб берувчи қаттиқ қоидалари мавжуд.
  - Аммо...
  - Сиз бизни ким биландир адаштирдингиз чоғи, – эркак Девидни оғиз очдирмади. – Бизда фақат иккитағина қизил сочли қиз бор: Инмакулада ва Росио. Уларнинг ҳеч бири пул учун мижоз билан ётмайди. Чунки бу фоҳишалик ҳисобланади, Испанияда эса фоҳишалик таъқиқланган. Хайрли тун, жаноб!
  - Аммо...
- Сеньор Рольдан аччик билан гўшакни қўйди. Беккернинг фифони фалакка қўтарилиб, ичида сўқинганча телефонни жойига илди. Учинчи уриниш ҳам муваффақиятсиз якунланганди.

\* \* \*

Беккер телефон будкасидан ташқарига чиқди, мандарин хиди тутиб кетган ҳаводан симириб нафас олди ва атрофига кўз югиритирди: қизариб ботаётган Куёш нурлари йигитга романтик кайфият бағишилади ва беихтиёр Сьюзан ҳақидағи ўйларни чорлади; қайлиғи хозир ёнида бўлиб қолишини, биргаликда оқшом манзарасидан роҳатланиб, кизнинг лаб-

ларидан тўхтамасдан узок бўса олишни, елкасига бошини кўйганча барча муаммоларни ёддан чиқаришни истади.

Шу он миясида Стратморнинг сўзлари янгради: Узукни топинг, Беккер. Йигитнинг хўрлиги келди, бироқ ўзини қўлга олиб, яқинроқда турган скамейкага бориб ўтиради ва келаси режалари ҳақида мулоҳаза юрита бошлади.

## Йигирма бешинчи боб

Салюд клиникасидаги ташриф соатлари яқунланиб, беморлар ётган залнинг чироқлари ўчирилганди. Чукур уйқуда ётган Пьер Клушар тепасида эгилиб турган шарпани сезмади. Ўғирланган шприцнинг игнаси қоронғуда йилтиллади ва Клушарнинг билагига уланган тизим томон йўналди. Шприц фаррошлар клиникадаги тозаликни сақлаша ва фойдаланадиган гипохлорид билан тўла эди. Қўлқоп кийган бармоқлар иғнани тизимга тиқиб, суюкликни киритди ва аста-секинлик билан қариянинг томирига ажални ҳайдади...

Клушар бир неча сонияга уйғониб кетди, ичида пайдо бўлган оғриқقا чидай олмай ёрдамга чақирмокчи бўлди, аммо оғзини ёпиб турган бақувват қўл бунга имкон бермади. Ўзини босиб турган куч олдида танасини ҳам қимирлатишга ожиз қария билаги ичидан юқорига қараб ўрмалаётган олов тафтига дош беролмаётганди. Билагидан елкасига, сўнг кўкрагига санокли сонияларда етиб келган шиддатли оғриқ худди парчаланганди шиша синиклари санчилгандек миясига санчилди. Қариянинг кўзлари олдида чақмоқ чаққандек бўлди... Ва... ва ҳеч нарса... Чолнинг руҳдан узилган танаси ҳеч нарсани сезмай қолди.

Мақсади амалга ошганини сезган машъум қотил қариянинг жонсиз баданидан кўлларини тортди, навбатчилар рўйхатига яқиндан тикилиб, кўнгли жойига тушди шекилли, товуш чиқармасдан қадам ташлаб ташқарига қараб юрди.

Кўчада, темир кўзойнак таққан кимса камарига ўрнатилган митти ускунани кўлига олди; ҳажми кредит картага тенг бу тўртбурчак асбоб Monocle компьютерининг кичрайтирилган нусхаси эди. АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари томонидан сув остида фойдаланиш учун яратилган жажжи ва энг мумкаммал микротехнология рамзи ҳисобланарди. Унинг суюқ кристалли экранини кўзойнакнинг бир томонига ўрнатиш имконияти мавжудлиги катта қулайлик туғдиради. Monocle шахсий компьютерларнинг янги даврини бошлаб берганди: энди фойдаланувчи бир кўзи билан атрофини, иккинчи кўзи билан ўз маълумотларини кузатиб бориши мумкин эди.

Бирок Monocle'нинг ҳақиқий муваффақиятни унинг экран-

ни эмас, фойдаланувчининг бармоқлари учига ўрнатилған маълумот киритиш тизими вазифасини бажарувчи митти контактлар ҳисобланарди. Бармоқларни бир-бирига теккизб қеракли сўз ҳавога ёзилса, экран уни қабул қилиб оларди.

Қотил кичкина нуктани босди ва кўзойнагининг бир кўзи йилтиллашни бошлади. Икки ёнида турган қўлларидағи бармоқларни бирлаштириб, кўз илғамас тезликда қандайдир ҳаракатларни амалга оширгач, кўз ўнгидаги хат пайдо бўлди:

*Объект: П. Клушар – йўқ қилинди*

Қотил жилмайди. Ўлим хабарини юбориш вазифасининг бир қисми эди. Бирок қурбонларнинг исмини ҳам қўшиб ёзиш... Темир кўзойнак таққан одам учун бу тартиб белгиси эди.

Қотилнинг бармоқларида кўкиш ёруғлик чақнаб, кўз олдидаги яна ёзув чиқди:

*Хабар жўнатилди*

## Йигирма олтинчи боб

Клиника яқинидаги скамейкада ўтирган Беккер энди нима қилиши кераклиги ҳақида бир қарорга келолмай боши коттан эди. Эскорт агентлигига амалга оширган құнғирокла-ри бесамар якунланды, қызил соч ҳақида айтарлы ҳеч нарса шиқтай олмайды. Командор Стратмор бүлса хадеб жамоат жойларидан құнғирок қилиш хавфли бўлиши мумкинлиги-ни айтиб, узукни қўлга киритмагунча қайта боғланмасликни тайинлади. Беккер маҳаллий полиция идорасига бориб, қи-шил сочли енгилоёқ қиз ҳақида маълумот олишни ҳам ўйлаб кўрди, бироқ Стратмор унга қатъий тайинлаганди: Девид, сиз кўринмас одамсиз! Ҳеч ким узукнинг мавжудлигидан ха-бар топмаслиги зарур!

Беккер сирли қизилсочни қидириб Триана округидаги барча кўчаларнинг тити-питисини чиқаришни ҳам, бакалоқ немисни излаб ресторонларни кезиб чиқишни ҳам хаёлига келтирди, лекин бу вақтини беҳудага сарфлашдан бошка нарса эмасди.

Бу миллий хавфсизлик масаласи... Сиз узукни топи-шингиз керак... Стратморнинг бу сўзлари унинг хаёлини банд килганди.

Мен ўқитувчиман, жин урсин, махфий жосус эмас! Девид нимага Стратмор бу вазифани бажариш учун професси-онал жосусларни юбормагани ҳақида ўйлай бошлади, бироқ тайинли сабаб тополмай, мияси ғовлаб ўрнидан турди ва хаёлларини тўплаб олиш ниятида боғда сайр қила бошлади. Шаҳарга тун чўкаётган эди.

Шабнам томчиси.

Бу ғалати исм Девидга ниманидир эслатарди. Шабнам томчиси... Шабнам томчиси... Сенъор Рольдан нима деган-дия қизлар ҳақида... Бизда фақат икки нафар қизил сочли қиз бор... Икки қизил соч... Инмакулада ва Росио... Росио... Росио...

Беккер юришдан тўхтади. «Эххх... Жин урсин мени! Яна тилшунос эмишман! Қандай қилиб буни назардан қочирган бўлишим мумкин!» – пешонасига шапатилади йигит гап нимада эканини тушуниб.

Росио Испанияда энг күп учрайдиган исмлардан бири бўлиб, беғубор, покиза, бокира ва табиий гўзалликка эга католик қиз деган маънони ўзида яширганди. Беғуборлик эса мажозий маънода шабнам томчисига қиёсланади. Мана гап қаерда!

Канадалик қария Шабнам томчиси деганда алаҳисрамаган демак. Росио мижозига исмини иккиси ўртасидаги умумий тил – инглизчага тўғридан-тўғри таржима қилиб айтган кўринади.

Топилмасидан ҳаяжонга тушган Девид телефон томон шошилди.

Кўчанинг нариги четида уни кузатиб турган темир кўзинак тақсан одам ҳам билдирамасдан йигитга эргашди.

## Йигирма еттинчи боб

Изкуварнинг қайтиши кутганидан ҳам кўпроқ вакт олалтанидан хавотирланиб терминалида ўтирган Сьюзаннинг ҳиёнини ёкки нарса: Девидга нисбатан соғинч ҳисси ҳамда олифта Грегни нима қилиб бўлса-да тезроқ уйига кетказиш шинтиёки банд этганди.

Хейл ўз терминалида компьютерга мук тушганча алланималар билан банд эди, унинг нима қилаётгани хозир Сьюзанни заррача ҳам қизиктирмасди; нима қилса қилсин, Трансхабар мониторига кўзи тушиб қолмаса бўлди, ўйлади қиз. Қизнинг бахтига, Грег қандайdir қўшиқни хиргойи килганча ишида давом этарди, бу эса йигит бўлаётган ишлардан бехабарлигини англатарди, чунки Грег Трансхабар воқеасидан хабар топганда эди, бўғиздан ашула эмас, ток ургандек ҳайкириқ чиқкан бўларди.

Шундай фикрлар оғушида Сьюзан учинчи финжон чоинни ҳам ичиб тугатаёзган маҳал терминалидан чийиллаган овоз эшишилди. Қизнинг томир уриши тезлашди, унинг экранидаги электрон хабар келганини кўрсатувчи конверт пайдо бўлди. Сьюзан хавотир назари билан Грэгга қаради: йигит ўзи билан ўзи овора эди. Сьюзан чуқур нафас олди ва конверт устига сичқончани олиб бориб, икки марта босди.

– Шимолий Дакота, – хаяжон ичра шивирлади қиз ўзига ўзи. – Асл башарангни очиш фурсати етди.

E-mail очилди ва атиги бир катордан иборат ёзув кўринди. Сьюзан шоша-пиша мактубни ўқиди. Кўзларига ишонмасдан, яна қайта ўқиб кўрди.

*Альфредо ресторанида кечки овқат? 20:00 да?*

Залнинг нариги бурчагидан Хейлнинг ҳиринглаган кулгиси эшишилди. Қиз хабар кимдан келганини текшириди.

*Юборди: GHALE@crypto.nsa.gov*

Сьюзаннинг миясига қон тепди, ҳозироқ бориб йигитнинг башарасига мушт туширишдан аранг ўзини тийиб, хабарни ўчириб ташлади.

– Жуда доносан, Грег!

– У ерда жуда мазали стейк пиширишади, – кулди Хейл қизнинг эътиборини тортганидан мамнун бўлиб. – Нима дейсиз? Кечки овқатдан кейин биз...

– Буни хаёлингга ҳам келтирма!

– Ўргилдим, – бурнини жийирди Хейл ва хафа бўлиб ишига қайтди. Агар Грэгдан армонинг нима деб сўрашса, у ҳеч иккиланмай Сьюзан Флетчер деб жавоб қайтарган бўларди; бу ноёб криптограф аёл Хейлнинг ушалмас орзусига айланганди. Йигит тез-тез Сьюзан билан бўладиган жисмоний муносабат ҳақида фантазия қиласиди – имкон бўлиши билан ноқ қизни Трансхабар корпусига тираб, нозик оёкларини белидан ўтказганча лаззат оғушига ғарқ бўлишни, ёки бўлмаса Криптонинг кора мармар тўшамаси устига ётқизиб, кийимларини парча-парча килиб йиртиб ташлаб, икки қўли билан таранг кўкракларидан эзиб роҳатланишни тасаввурида жонлантиради. Аммо Сьюзаннинг у билан иши йўқ эди. Грэгга ҳаммасидан алам қиласидигани қизнинг кўнглини арзимас чақа учун эртадан кечгача вақтини университетда ўтказадиган аллақандай ўқитувчи банд этгани эди. Ўзи турганда Сьюзаннинг кучли генлари оми ўқитувчиники билан аралашишини ўйлаб, йигитнинг фигони фалакка чиқарди. Сьюзан иккимиздан туғилган фарзанд даҳо бўларди, деб ўйлади у аламдан буришиб.

– Ўзи нима устида ишлайпсиз? – сўради Хейл бошини ишдан кўтариб, қизни гапга солиш мақсадида.

Сьюзан индамади.

– Биз бир жамоамизку! Бир кўрсам бўлар! – Хейл ўрнидан туриб, терминаллар ёнидан юриб Сьюзанга яқинлаша бошлади.

Хейлнинг қизиқиши жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкинлигини сезган киз бир қарорга келди.

– Бир диагностикани кўриб чиқаётгандим, – тезда жавоб қилди у.

Хейл тўхтади.

– Диагностика? – шубҳаланиб сўради у. – Сиз дам олиш кунини профессорингиз билан ўтказиш ўрнига диагностика билан шуғулланяпсизми?

– Профессоримнинг исми Девид, – жеркиб берди Сьюзан.

– Нима бўлсаям!

Сьюзан йигитга ўқрайиб қаради.

– Қиладиган бошка ишинг йўкми, Грег?

– Мендан қутулишга уриняпсизми? – Грег тумшайиб олди.

– Шунаقا десаям бўлади.

– Сью, хафа қилдингиз мени.

Сю деган сўзни эшишиб Сьюзаннинг кўзлари қисилди. Кизга уни бундай аташлари ёқмасди. Гап фақат Сьюда эмас, шинан Хейл уни шундай аташи ҳам асабига тегарди.

– Балки сизга ёрдам берарман? – таклиф киритди Хейл киз томон қадам ташлаб. – Мен диагностикани жуда яхши биламан, бундан ташқари, шанба куни Сьюзан Флетчерни ишга келишга мажбур қилган диагностикани ўз кўзим билан кўргим келяпти.

Сьюзаннинг томирида адреналин ортиб кетди, у Грэгга нима қилаётганини икки дунёдаям кўрсата олмасди, акс ҳолда йигит минглаб саволлар билан бошини оғритиши шубҳасиз эди.

– Грег, бу билан факат ўзим шуғулланаман, – қатъий овозда йигитни қайтаришга уринди киз.

Бироқ Хейл юришда давом этди, у Сьюзанинг терминалига етишига бир неча қадам қолганди. Қиз тезрок бирор нима қилиши кераклигини тушуниб, шаҳд билан ўрнидан турди ва йигитга пешвоз чиқиб, унинг йўлини тўсди. Грегдан келаётган атир ҳидидан беҳузур бўлди, бироқ ўзини қўлга олиб, йигитнинг кўзларига тик қаради.

– Мен сенга йўқ дедим! Тушунмадинг шекилли?!?

Хейл бўйини чўзиб, қизнинг экранига кўз ташлашга интилди, ўшшайганча олдинга бир қадам ташлади.

Кўзларидан совуқ ўт чақнаган Сьюзан кўрсатгич баромогини Хейлнинг кўкрагига тираб, олдинга ҳаракат қилишдан тўхтатди. Қизнинг нигоҳларида очиқласига таҳдид зохир эди.

Хейл дарҳол тўхтади ва ҳайратланиб, бир қадам ортга

тисарилди. Сьюзан биринчи маротаба Хейлга қўл текизиши эди. Гарчи йигит Сьюзан билан бўладиган жисмоний яқинликни бошқачароқ тасаввур килса-да, бундай бошланиш уни довдиратиб қўйди. Қизга бир муддат ҳайрат ичидага караб тургач, аста-секинлик билан қадам босиб, орқага, ўз терминалига йўл олди. Компьютерига ўтираркан, йигитнинг бир нарса-га ишончи комил эди: севимли Сьюзан Флетчер қандайдир муҳим нарса устида ишляяпти, лекин бу муҳим нарсанинг қандайдир диагностика эмаслиги аниқ.

## Йигирма саккизинчи боб

Escortes Belén қабулхонасидаги иш жойида ўтирган Сенъор Рольдан ўзини ўзи полициянинг айёrona тузоғидан моҳирлик билан кутулиб қолгани билан қутламоқда эди. Сохта немисча шевада гапириб, ётиш учун қиз сўраш қопқон бўлмай нима? Бу жин ургур зобитларнинг дастидан бемалол ишилаб ҳам бўлмайди. Шу маҳал стол устидаги телефон балинд овозда жиринглади. Сенъор Рольдан гўшакни кўтарди ша мулойимлик билан деди:

– Buenas noches, Escortes Belén.

– Buenas noches, – телефоннинг нариги томонидан шамоллаган эркак кишининг бўғик товуши эшитилди. – Бу меҳмонхонами?

– Йўқ, жаноб. Сиз қайси ракамга кўнгироқ киляпсиз? – эҳтиёткорликни қўлдан бой бермай сўради Сенъор Рольдан.

– 34-62-10, – деди овоз.

Рольданнинг қовоғи уйилди, кўнгироқ килаётган овозни олдин қаердадир эшигандек эди у. Шевасига қараганда, бургосликка ўхшайди.

– Сиз тўғри терибсиз ракамни, бирок бу эскорт агентлиги.

Овоз анча муддат жим бўлиб қолди, сўнг хижолатли овозда гап бошлади:

– Оҳ... Тушунарли... Кимдир бу рақамни ёзиб қўйибди. Мен меҳмонхона деб ўйлабман. Безовта қилганим учун мени афв этинг. Хайрли тун.

– Espére! Шошманг! – кон-қонигача савдогар бўлган Сенъор Рольдан ўзини тутиб туролмади. Компанияни кимдир тавсия қилган кўринади... Шимоллик янги мижоз... Ҳалиги телба зобитни деб тайёр савдонинг белига тепиш нияти йўқ. Рольдан дўстона оҳангда гап бошлади: – Дўстим, шевангиздан бургослик эканингизни пайқадим. Мен Валенсияданман аслида. Сизни Севильяга нима юмуш олиб келди?

– Мен заргарлик буюмларини сотаман. Мажориса. Дурлар.

– Majóricas, ростданми! Ундай бўлса саёҳатингиз бироз чўзилса керак?

**Овоз беҳолгина йўталди:**

– Ҳа, анча муддат бўламан Севильяда.

– Демак, сиз Севильяга бизнес билан келгансиз... – Рольданнинг юраги хаприқиб кетди. Кўнғироқ эгаси ҳеч қанака-сига полициядан бўлиши мумкин эмасди. – Тахмин қилишга рухсат этинг – дўстингиз бердими сизга бизнинг рақамни?

– Йўқ, йўқ, асло ундан эмас, – уялиб кетди овоз.

– Хижолат бўлманг, сенъор. Биз эскорт агентлигини таклиф қиласми, уялишга ҳожат йўқ. Чиройли қизлар, бизнес банкетлари... Шу холос. Ким берди сизга бу рақамни? Ўйлашимча, у доимий мижозларимиздан. Мен сизга энг яхши ходималаримизни тавсия қилишим мумкин.

**Эркакнинг овози жиддийлашди:**

– Аҳҳ... Рости, ҳеч ким бермади рақамингизни. У топиб олган паспортимнинг ичидаги бор экан. Мен паспортнинг эгасини қидиряпман ҳозир.

Рольданнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Бу одам умуман харидор эмасди.

– Рақамни топиб олдим дейсизми?

– Шундай, бугун боғдан қайсиdir бечоранинг паспортини топиб олдим. Сизнинг рақамингиз паспортга қистирилган қофоз ичидан чиқди. Мен бу ракам паспорт эгаси тунаётган меҳмонхонанинг рақами деб ўйладим ва ҳужжатини қайтариш мақсадида кўнғироқ қилдим. Адашганим учун узр сўрайман. Яхиси, паспортни йўлим устидаги полиция маҳкамасига ташлаб чиқа...

– Perdón, – овозни бўлди Рольдан асабий оҳангда, мижозларнинг полицияга ташриф буюриши ўзига зарар бўлиши мумкинлигини ўйлаб. – Менда яхшироқ ғоя бор. Паспорт эгаси бизнинг рақамимизни сақлаб қўйишига қараганда, у доимий мижозларимиздан бири шекилли. Полицияга бориб ўтиришингизга ҳожат йўқ.

**Овоз иккиланиб қолди:**

– Билмадим... Менимча, шунчаки полиция...

– Шошма-шошарлик қилманг, оғайни. Қанчалик уят бўлса ҳам, айтишим жоизки, Севильядаги полиция агентлиги, шимолдагидан фарқли равишда, жуда суст ишлайди.

Паспорт эгасини топгунча бир неча хафта ўтиб кетиши мумкин. Мен бу муддатни бир неча соатга қисқартира оламан, инхеснинг исмини айтсангиз кифоя, – зўр бериб ишонтиришти уринди Рольдан.

– Яхши... Бунинг зарари йўқ деб умид қиласман... – когознинг шитирлаши эшитилди, сўнг эркакнинг овози янгряди: – Немисча исм экан, талаффуз қилолмаяпман... Густа... Густафон?

Рольдан бу исмни эслай олмади. Унинг бутун дунёдан келадиган мижозлари бўлиб, улар ҳеч қачон ўзларининг асл исемларини ошкор айтмасдилар.

– Расмга қаранг жаноб, ташқи кўриниши қандай? Балки ниний оларман уни?

– Хўш... – деди овоз. – Унинг юзи жуда семиз, жуда жуда семиз.

Росио исмли қизни ўзига ҳамроҳ қилиб олган бақалоқ немис дарҳол Рольданнинг хаёлига келди. Бу немисни сўраб бир кечанинг ўзида иккита кўнғироқ бўлиши жуда пилати, ўйлади у ва мажбуран ҳиринглашга ҳаракат қилиб деди:

– Жаноб Густафон? Албаттa, уни жуда яхши биламан. Агар паспортни олиб келсангиз, унга топшириб қўйишга вайда бераман.

– Мен ҳозир шаҳар марказидаман, машинам йўқ, балки ўзингиз келиб олиб кетарсиз?

– Ммм... – жавобдан бўйин товлади Рольдан. – Мен телефонни ёлғиз ташлаб, бирор жойга чиқолмайман. Лекин сиз турган жойдан узоқ эмас бизнинг...

– Кечирасиз, лекин кўча санғишига кеч бўлди. Яқин ўртада полиция идорасига кўзим тушгандек бўлганди. Ўша ерга кираколаман. Сиз эса жаноб Густафонни кўрганингизда паспортини қаердан олишни айтиб қўйсангиз бас.

– Йўқ, йўқ, шошманг! – қичқириб юборди Рольдан. Сўнг хўрсиниб деди. – Полицияни аралаштириш шарт эмас. Сиз ҳозир шаҳар марказидасиз, шунақами? Альфонсо XIII меҳмонхонасини биласизми? У шаҳардаги энг яхши меҳмонхоналардан бири.

– Ҳа, – деди овоз бироз ўйлаб туриб. – Альфонсо XIII иш биламан, мен турган жойга якин.

– Жуда соз! Жаноб Густафон ўша меҳмонхонада тунайди бугун. Ҳозир ўша ерда бўлса керак.

Овоз иккиланиб турди. Сўнг бир карорга келди шекили, қисқа қилиб деди:

– Тушунарли. Ҳеч қандай муаммо бўлмайди деб умид қиласман. Акс холда полицияга боришимга...

– Оббо, қўйсангизчи шу полицияни, – асабий кулди Рольдан. – Жаноб Густафон ҳозир меҳмонхона ресторанида, ҳамроҳи билан овқатланяпти. – Эркак ҳозир улар тўشاқди эканини тахмин килса-да, қўнғироқ эгасида ортиқча шубҳи уйғотгиси келмади. – Қабулхонага кирсангиз, у ерда Мануэль исмли йигитни учратасиз, унга сизни мен юборганимни айтинг ва паспортни Росиога бериб қўйишини тайинланг. Росио – бугун жаноб Густафонга ҳамроҳлик қилаётган қиз. У паспорт эгасига қайтарилишини таъминлади. Истасангиз, ўзингизнинг манзилни қолдиришингиз мумкин – ишончим комил, жаноб Густафон сизга кичиккина миннатдорлик хадясини юборади.

– Ажойиб фикр. Альфонсо XIII. Жуда яхши. Мен ҳозироқ йўлга тушаман. Ёрдамингиз учун раҳмат.

\* \* \*

Девид Беккер гўшакни жойига илди.

– Альфонсо XIII, – қиқирлаб кулди у. – Қандай сўрашни билиш керак экан.

Вақтни қўлдан бой бермай Альфонсо XIII томон йўлга тушган Беккернинг орқасидан қора шарпа ҳам эргашди.

## Йигирма түккизинчи боб

Хейл билан түқнашувдан ҳанузгача ўзига келмаган Сьюзан Nod 3 нинг ойнасидан ташкарига қаради. Крипто шили бўм-бўш эди.

Қизнинг хаёлида Стратморга қўнғироқ қилиб, Хейлнинг шу ерда эканини айтиш фикри ҳам туғилди; командор ҳеч иккисиданмасдан Грэг Хейлнинг кетига телиб чиқарган бўларни айникса бугун шанба эканини ҳисобга олса. Бирок Сьюзан Хейл думи тугилганидан кейин қаттиқ шубҳаланиб, бошқа криптографларга қўнғироқ қилиши ва ваҳима кўтариши мумкинлигини ўйлаб, йигитни тек қўйишга қарор қилди.

Ечиб бўлмас алгоритм. Киз хўрсинди, унинг хаёлини Рақамли қалья эгаллаб олди. Бу алгоритмнинг яратилиши мумкинлиги етмагандек, унинг исботи шундок рўпарасида, Трансхабар ичida турганига Сьюзаннинг ишонгиси келмасди. Бироқ ўн олти соатдан бери кодни ечолмаётган Трансхабар эътиrozга ҳожат қолдирмаганди.

Стратмор... бутун оғирликни елкасига ортганча, ҳалоқитнинг рўпарасида мағрур турибди...

Сьюзан баъзан Стратморда Девидни кўрарди, уларнинг жуда кўп хислатлари ўхшарди: иккиси ҳам фидойи, матонатли ва зукко эди. Стратмор унга боғланиб қолганини қиз биларди; Сьюзаннинг криптографияга, касбига бўлган чексиз муҳаббати командорга ўзининг ёшлиқ даврларини эслатиб, сиёсий бўронларга қарамасдан, ишига нисбатан янада қинкиш уйғотарди.

Сьюзан ҳам ўз навбатида командорга қаттиқ суюниб қолганди; командор оч қолган эркаклар ичida Сьюзанга паноҳ берган, қизнинг карьерасини гуллаб-яшнатган, уни ёмон кўзлардан асраган ва ўз таъбири билан айтганда, Сьюзаннинг барча орзуларини амалга ошираётган инсон эди. Ҳақиқатан ҳам, қизни Девид билан учрашишига сабабчи бўлган иш таклифини Стратмор амалга оширганди йигитга. Агар командор бўлмаганда, балки ҳеч қачон Девид Беккер билан топишмаган бўлармиди...

Оҳ, Девид, азизим, қаерларда юрибсиз-а... Сьюзаннинг хаёли Девид томон кетди ва багогоҳ қизнинг кўзи клавиату-

расининг четига ёпиштириб кўйган қоғоз парчасига ёзилгани факсга тушди.

Етти ойдан бери шу ерда ётган факс Сьюзан шу вақтгача еча олмаган код эди. Девид томонидан ёзилган хабарни кип мингинчи марта ўқиди.

*Бу камтар хатимни ўқигин бир он,  
Сенга бўлган севгим мумсиздир ишон!*

Йигит бу мактубни унга ўрталарида кичкина келишмончилик сабаб аразлашиб қолганларидан кейин жўнатганди. Сьюзан бир неча ой Девидга хатнинг маъносини айтишини сўраб ялиниб юрди, бироқ рад жавоби олаверди. Мумсиз... Бу Девиднинг қасоси эди. Сьюзан код ечиш ҳақида йигитга кўп маълумотларни ўргатди ва ёдида яхшироқ сақланиши учун барча хабарларни оддий шифрлардан фойдаланиб ёзишни одат қилиб олди. Девидга бериладиган бозорлик рўйхатидан тортиб севги мактубларигача – барчаси кодланган хабарлар бўларди. Бу қизиқарли ўйинлар натижасида Беккер яхшигина криптографга айланди ва ташаккурини билдириш мақсадида ўзи ёзган хатларга «Мумсиз, Девид» деб имзо чекадиган бўлди. Сьюзаннынг қўлида йигит ёзган юздан ортиқ хабар бўлиб, уларнинг барчаси бир хил усулда якунланганди: «Мумсиз».

Бечора қиз «мумсиз»нинг ортига яширинган маънени билиш учун Девидни авраб ҳам кўрди, алдаб ҳам кўрди – бефойда. Ҳар сафар шу мавзуда гап очилса, йигит илжайиб «Ахир сен код ечувчисанку! Бўш келма, қизалоқ», деб Сьюзаннынг бурнини чимчилаб қўярди.

МХАнинг бош криптографи деган унвони бор Сьюзан кодни ечиш учун деярли барча усулларни ишга солди – ҳарфлар жойини алмаштириш, тескари ўқиш, анаграммалар, Цезарь кутиси ва х.к. Девиднинг шифри олдида компьютерлар ҳам ожизлик килди. Ҳа, ечиб бўлмас кодлар ёзиш қўлидан келадиган одам фақатгина Энзай Танкадо эмаслиги кўриниб турибди, деб ўйлади Сьюзан, қайлигининг зехнидан қувониб.

Шу пайт Nod 3 нинг эшиги ғийқиллаб очилиб, Стратмор ичкарига кирди.

— Бирор янгилик борми, Съузан? – деди-ю, нигохи Грег Хейлга тушиб, тұхтади. Қошлари чимирилиб, сүради:  
Хайрли кеч, жаноб Хейл. Шанба оқшомида сизни күриш  
білдиге нима мұяссар этди бизни?

Хейл хижолатли алғозда жилмайиб, деди:

— Шунчаки, айрим дастандарни күздан кечирай деб кепуидім.

— Тушунарлы, – Стратморнинг қовоғи солинди. Бир мудшы нима қилишни ўйлаб, кейин Грэгга тегмасликка қарор қойды шекилли, Съузанга юзланды: – Флетчер хоним, сизни бир дақықага мүмкінми? Ташқарига юринг.

Съузан иккиланғанича бир мониторга, бир залнинг нарығы бурчагида турған Грэгга күз ташлады.

— А... ха... Албатта жаноб.

Сұнг әпчиллик билан керакли тугмаларни босиб, экранни Screen Lock дастури орқали блоклады. Nod 3 даги ҳар бир терминалда Screen Lock дастури мавжуд бўлиб, бу ишдан шунқари вақтда шахсий ҳужжатларни бирор титкилашидан ҳимоя киларди. Съузан бешта белгидан иборат кодни кириллтгач, экран уйқуга кетди. Монитор шу ҳолатда киз қайтиб, керакли калит сўзни киритмагунча туради.

Кўнгли бироз хотиржам тортган Съузан туфлисини оғига илди ва командорнинг ортидан эргашди.

\* \* \*

— Жин урсин, Грэг Хейл нима қиляпти бу ерда? – ғазабини босолмай сүради Стратмор эшикдан чиқишлири биланоқ.

— Доимгидек, хеч нарса, – жавоб қайтарди киз истехзо билан.

— Трансхабар ҳакида бирор гап айтмадими? – хавотарланди командор.

— Ҳозирча йўқ. Бироқ мониторга уланиб, Трансхабар ўн етти соатдан бери тинмайтганини билса, кўп гап айтиши шубҳасиз. Грэгни уйга жўнатаб юборасизми?

Стратмор калласида нималарни дир таҳлил қилгач, бош чайқади:

— Йўқ. Шу ерда қолаверсин. – Сұнг тизим хавфсилиги бўлимига кўз ташлаб, сүради: – Чатрукян кетдими?

– Хабарим йўқ. Унга кўзим тушмади.

– Эй Худойим, – пешонасини тириштириди Стратмор, кўли билан сўнгги ўттиз олти соат ичида юзига ниш уриб чиқсан соқолини силаркан. – Изкуварчи? Бирор янгилий борми? Тикан устида ўтиргандекман гўё бирор хабар бўлиб колишини кутиб.

– Изкувар жим-жит! Девид билан гаплашмадингизми?

Стратмор бошини чайқади:

– Узукни кўлга киритмагунча менга қўнғироқ қилмаслигини айтдим Девидга.

– Нима? – Сьюзан ажабланди: – Агар унга ёрдам керак бўлиб қолсачи? Кимга мурожаат қиласди?

– Мен барибир бу ердан туриб унга кўмак беролмайман

– Девид кап-кatta эркак, ўзини ўзи эплашига ишончим комил. Қолаверса, ҳар хил телефон линияларидан гаплашиш хавфли эканлигини ўзинг тушунасанку, бирортасининг кулоғига Девид Беккер алгоритм кодини излаб юргани чалиниб қолса, бу яхшиликка олиб келмайди.

Киз кўзларини катта-катта очиб, хавотир аралаш сўради:

– Ну... бу нима деганингиз?

Стратмор ортиқча гапириб юборганини сезди ва дарҳол кизни тинчлантириш учун жилмайди:

– Девиддан хавотир олишингга ҳожат йўқ, унинг ишлари жойида. Мен шунчаки эҳтиёткорлик қиляпман холос.

\* \* \*

Командор ва Флетчер ўз сухбатларини давом эттираётган маҳали имкониятни кўлдан бой беришни истамаган Грег Хейл кизнинг компьютери ёнига келди, қорайиб турган экранга бир муддат тикилиб турди ва ташқарига ўғринча кўз ташлаб, Nod 3 га ҳеч ким яқинлашмаётганига ишонч ҳосил қилиб, чўнта-гидан кичкина харита чиқариб, дикқат билан ўқиди.

Сьюзан ва командор ҳанузгача гаплашаётганига яна бир бора амин бўлгач, Хейл эҳтиёткорлик билан бешта белгидан иборат қалит сўзни Сьюзаннинг клавиатурасига киритди. Бир неча сониядан сўнг экран юзи ёришиб кетди.

– Бинго, – хиринглади йигит ўзида йўқ шод бўлиб.

Nod 3 даги экран хавфсизлик кодини ўғирлаш унчалик

мураккаб эмасди: компьютерларнинг барчасига бир хил шиклдаги, ажратиб олса бўладиган клавиатура ўрнатилганди. Хейл бир куни кечқурун ўзининг клавиатурасини уйга олиб кетди ва унга маҳсус чип жойлаштириди. Бу чип клавиатурада терилган ҳар бир сўзни ўзига ёзиб олиш имкониятига ити эди. Эртаси куни ҳаммадан барвакт ишга келган Грэг чип ўрнатилган клавиатурасини бошқа бир ходимники билан алманитириб қўйди. Барча клавиатуралар шакл жиҳатдан бир хил бўлгани учун ҳеч ким ҳеч нимани сезмади. Кун якуни йигит ҳамкасбининг компьютеридан ўз клавиатурасини сиб олди ва эскисини жойига ўрнатиб қўйди. Чип томониди миллионлаб сўзлар ёзиб олинган бўлса-да, калит сўзни тониш мураккаб эмасди: ҳар тонгда криптографлар клавиатурада терадиган илк жумла – калит сўз бўларди, чунки компьютерни бусиз ишга туширишни иложи йўқ. Шу сабабли мониторнинг пароли ҳамиша чипдаги рўйхатнинг энг юқори қисмида турарди.

Яхшиям Сьюзаннинг паролини билиб олганим, ким ўйлабди дейсиз бир кун келиб бунинг асқатишини, хаёлидан кечирди Грэг ва нигоҳини экранга тикиди. Мониторга қарди-ю, бир муддат каловланиб қолди – унда Грэг Хейлнинг гиши унча ўтмайдиган – Limbo дастурлаш тилида ёзилган дастур зоҳир эди. Гарчи аниқ тушунмаса-да, йигит бор нарсанни ишонч билан айта оларди – компьютерда дианостиканинг Д ҳарфи ҳам йўқ эди. Экраннинг бир бурчагида турган икки оғиз жумла эса гап нимада эканлигини ошкор қилди.

*Изқувар қидирмоқда...*

– Изқувар? – овоз чиқариб юборди йигит ҳайратини яширолмай. – Нимани қидиряпти?

Ичидан бостириб келган қизикиш таъсирида йигит Стратмор ва Сьюзанг яна бир қараб қўйди ва шоша-пиша ишга тушди.

Limbo дастурлаш тили С ва Pascal дастурлаш тиллари асосига қурилганидан боҳабар бўлган Хейл бир нечта Pascal буйрукларини ўзгаририб, компьютерга киритди ва экранда ўзи кутган ёзув пайдо бўлди:

*Изқуварни тұхтатиши?*

Хейл навбатдаги буйрукни киритди.

*Ха*

*Иишончингиз комилми?*

Тасдик жавобини бергач, компьютердан чийиллаган то-  
вуш чиқди:

*Изқувар тұхтатилди*

Хейл тиржайди. Терминал Сьюзан ишга туширган Изқу-  
вар ишини яқунламасдан туриб үзини үзи йүқ килгани ҳақи-  
да хабар бераётганди.

Из қолдирмасликка тиришган Грэг компьютернинг ти-  
зим фаолияти бўлимига кирди ва ҳозиргина берган барчи  
буйрукларни бирма-бир ўчириб чиқди. Шундан кейин Сью-  
заннынг хавфсизлик кодини киритди.

Компьютернинг экранни қорайди.

Сьюзан Флетчер командор билан бўлган сухбатни яқун-  
лаб, Nod 3 га қайтганида, Грэг Хейл ҳуштак чалганича ўт-  
терминалида бамайлихотир ўтиради.

## Ўттизинчи боб

Хушбўй сирен гуллари чирманиш кетган қалин панжарилар билан ўралган Альфонсо XIII кичкинагина тўрт юлдузли меҳмонхона эди. Мармар зиналардан юқорига одимлаган Девид ҳали яқинлашиб улгурмасиданоқ эшик очилди ва ичкаридан швейцар пешвоз чиқиб, деди:

- Baggage, señor? Ёрдам керакми?
- Раҳмат, шарт эмас. Мен навбатчини кўришим керак, дирхол!

Швейцар илтифоти рад этилганидан бироз ранжигандек сукут саклаб, Девидни вестибюлга бошлиди, навбатчи иш кўли билан кўрсатиб, ўзи изига бурилди ва кўздан ғойиб бўлди.

Қабулхона кичкина бўлса ҳам, жуда шинам ва дид билан безатилганди: Испаниянинг олтин асли үтмишда қолган бўлишига қарамай, бир вактлар дунёга ҳукмронлик қилган миллиятнинг ўтган фахрли кунларини ёдга солиб туриш максадида хона ярқираган курол-яроғ, ҳарбий аслаҳа ва бир шактлар янги дунёдан олиб келинган куйма олтинларнинг тасвири туширилган санъат асарлари билан тўлдирилган хонада ўзгача рух ҳукмрон эди.

Столнинг ортида нозиккина, ўзига кизлардек яхшилаб оро бериб, соchlарини силлиқлаб тараган, қошларини текислаган навбатчи Беккерни лабида табассум билан кутиб олди ва деди:

- En qué puedo servirle, señor? Қандай ёрдам беришим мумкин, жаноб? – навбатчи сохта мулозамат билан сўради Девиднинг бакувват танасига бошдан оёқ тикилиб чиқаркан.

Беккер испанчада жавоб қайтарди:

- Мануэль билан гаплашсам бўладими?

Навбатчининг Қуёшда тобланган юзига табассум ёйилди:

- Sí, sí, señor. Камина Мануэль бўламан. Қандай кўмак беришим мумкин?

– Escortes Belén компаниясидаги Сеньор Рольдан сизга учрашишимни...

Рольданнинг исмини эшлиши биланоқ Мануэль жим

бўл дегандек қўл силтаб Девиднинг оғзини ёпди, ҳеч ким эшитмадимикин деган хавотирда вестибюлга кўз ташлади, зал бўм-бўш эканини кўриб, кўнгли хотиржам тортгач, Девидни ёнига имлади ва паст овозда гап бошлади: – Сал эҳтиёт бўлади-да, биродар. Нима гап ўзи?

Беккер ҳам унга монанд пичирлаб гапирди:

– *Escortes Belén*'нинг Росио исмли бир ходимаси ҳозир шу ерда, хизмат вазифасини бажараётган экан. Шу қизни кўришим керак.

– Аааа, Росио... Жуда гўзал малак... – навбатчи кўзли рини айёrona қисди.

– Мен дарҳол у билан гаплашишим керак.

– Бирок, сеньор, Росио ҳозир мижоз билан бирга.

Беккер овозига жиддий тус берди:

– Бу жудаям муҳим. Миллий хавфсизлик масаласи.

Навбатчи йигит инкор қилди:

– Иложи йўқ. Агар бирор хабар...

– Қизнинг атиги бир дақиқа вақтини оламан холос. Ҳозир ресторандами у?

– Ресторанимиз аллақачон ёпилган. Ўйлашимча, Росио ва мижоз дам олиш учун хонага кириб кетишган. Ёзма хабар қолдирсангиз, эртага эрталаб қўлига етказиб қўяман.

– Балки шунчаки уларнинг рақамига кўнғироқ қилиб...

– Кечирасиз, жаноб, – деди Мануэль сабр косаси тўлиб.

– Альфонсо XIII меҳмонхонасининг мижозлар дахлсизлиги ҳақида ўзига яраша катъий қоидалари бор.

Беккернинг семиз немис билан фоҳиша қизни эрталаб-гача кутиб ўтириш нияти йўқ эди.

– Тушунарли. Безовта қилганим учун узр, – деди ва орқага бурилиб, устида конверт, қофоз парчалар ва ручкалар турган вестибюлдаги стол томон юрди. Бир варак қофозни конвертга тиқди ва устига «Росиога» деб ёзди. Сўнг навбатчининг ёнига қайтиб:

– Сизни овора килаётганим учун узр, – деб гап бошлади хижолатомуз овозда. – Шунчаки Росиога мен билан бирга ўтказган оқшом учун шахсан миннатдорлик билдиримоқчи эдим. Ҳозир жўнаб кетишим зарур, тонггача кутолмайман...

Хибар колдиришимга түғри келаркан... – деди ва конвертни стол устига қўйди.

Бечора гетеросексуал ошиқ... Шундай келишган йигит тунни ўтказиш учун аёл кишини танлаши қандай ачинарли, хиёлидан ўтказди Мануэль ва Беккерга қараб табассум килди:

- Сизни ким деб таниширай, жаноб?
- Буисан. Мигель Буисан, – жавоб берди Беккер.
- Яхши, сеньор. Хижолат бўлманг, эртага тонгда мактуб Росионинг кўлида бўлади.

Девид миннатдорлик изҳор қилиб, эшик томон йўналди.

Мануэль Беккернинг ортидан сук билан тикилиб қолди, сўнг ўгирилиб, кўлидаги конвертни деворга маҳкамланган ракамли бўлмачаларидан бирига жойлаштирган ҳам эдики, орқасидан Девиднинг овози янгради:

- Сеньор, қаердан таксига қўнғироқ қилишим мумкинлигини айтольмайсизми?

Навбатчи ортга қараб, телефон будкаси қаерда эканлигини тушунтирди, бироқ Девиднинг қулоғига ҳеч нима кирмади. У икки кўзи билан Мануэль конвертни қайси бўлмага солганини кўришга тиришди. Навбатчининг қўли 301-ракамли бўлмадан чикаётган эди. Беккер ёрдам учун ташаккур айтди ва қабулхонадан ташқарига чиқаркан, кўзлари билан аланглаб лифтни қидиришга тушди.

## Үттиз биринчи боб

Сьюзан Nod 3 га қайтди. Стратмор билан бўлган сұхбатдан кейин қиз Девиднинг хавфсизлиги ҳақида жидди хавотирга тушиб қолди: хаёлига ҳар хил фикрлар келиб, аспибийлашди.

– Хўш, – сўради Хейл терминалидан бош кўтариб. Стратморга нима керак экан? Бош криптограф хоним билан романтик кечки овқатни тусабдими шефнинг кўнгиллари?

Сьюзан эътибор бермасликка тиришиб, қовогини ўй-ганча компьютери қаршиисига келиб ўтирди, паролни тергач, монитор ёрищди ва Изқувар дастури экранда пайдо бўлди: Шимолий Дакота ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ эди.

Жин урсин, баттар тажангланашди қиз, нега бунча чўзилиб кетди?

– Асабий кўринасиз, – деди Хейл бегуноҳ охангда. – Диагностика билан бирор муаммо чиқдими?

– Жиддий гап йўқ, – хотиржам жавоб берди қиз. Бирок Изқувар кечикаётган эди. Ёзаётганимда бирор хатога йўл кўйдиммикин, деган хаёлда Сьюзан Limbo'нинг узундан-узоқ сатрларини кўздан кечириб, Изқуварнинг узоқ ушланиб колишига сабабни кидира бошлади.

Хейл қизнинг ҳаракатларини ўшшайиб қузатиб турарди.

– Айтганча, мен сиздан бир нима сўрамоқчи эдим, – тавакалига гап бошлади у. – Энзай Танкадо ёзаётган ечиб бўлмас алгоритм ҳақида эшитдингизми?

Сьюзаннинг ичи шувиллаб кетди.

– Ечиб бўлмас алгоритм? Ҳа, нимадир ўқигандим шекилли у ҳақда, – ўзини қўлга олишга интилди қиз.

– Жуда зўр нарсага ўхшайди ўзиям.

– Ҳа, – жавоб берди Сьюзан, Хейл бу мавзуда нега гап бошлаганига ажабланиб. – Лекин мен бунга ишонмайман. Дастурлашдан хабари бор ҳар қандай одам ечиб бўлмас алгоритм математик жиҳатдан эҳтимолдан узоқлигини яхши билади.

Хейл жилмайди:

– Айтмоқчисизки... Бергофский тамойили...  
– Ва ички ҳиссиёт.

– Ким билади дейсиз... – йигит ўзича хўрсинди. – Бу дунё сизнинг тасаввурингизга сиғмайдиган нарсаларга тўла.

– Тушуммадим, Хейл?

– Шекспир, – изоҳ берди йигит. – Ҳамлетдан парча эди бу.

– Турмада ўтирганингда ўқишига кўп вақтинг бўлган шекспирли?

Грег хиринглади.

– Жиддий сўраяпман, Сьюзан. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, балки Танкадо ростдан ҳам ечиб бўлмас алгоритмни яратгандир?

Суҳбат Сьюзанни ташвишга тушира бошлади.

– Билмадим. Бу бизнинг қўлимиздан келмаган лекин.

– Балки Танкадо биздан кўра яхшироқдир.

– Балки, – елка қисди қиз, сухбатни давом эттиргиси келмай.

– Биз бироз муддат хабарлашиб тургандик, – бепарво оҳангда деди Хейл. – Танкадо ва мен. Бундан хабарингиз борми?

Қиз бошини кўтариб Грегга қаради, у ҳайратини яширишига уринарди.

– Ростданми?

– Ҳа. Читтак алгоритмни фош қилганимдан кейин Танкадо ракамли хавфсизлик борасидаги глобал жангда биз биродарлармиз деган мазмунда менга мактуб йўллаганди.

Қиз қулоқларига ишонмасди. Хейл билан Танкадо шахсан таниш бўлган! Ичи қизиб кетаётган бўлса-да, Сьюзан ўзини Хейлнинг сўзларига бепарводек тутишга ҳаракат қилди.

– Яна Танкадо Читтакдаги қора туйнукни топганим билан мени қутлаб, бу ишим билан фукароларнинг шахсий дахлсизлигини ҳимоялашга ҳисса қўшганимни тъкидлади, – мақтанди Хейл. – Тан олинг, Сьюзан, қора туйнук орқали бутун дунёнинг e-mail’ини ўқишига урингани учун Стратмор камоқда чириши керак эди.

– Грег, – йигитнинг гапини бўлди қиз, ўзини аранг босиб. – Қора туйнук АҚШга таҳдид килувчи хабарларни ушлаш учун ўрнатилганди.

– Оо, шундайми? – қулди Грэг кўзлари чақнаб. – Ундей бўлса, оддий фуқаронинг почтасидаги хатларни ўқиш тасодифми?

– Биз оддий фуқароларни кузатмаймиз ва сен буни жуда яхши биласан. ФҚБ одамларнинг телефонига уланиш имкониятига эга, лекин бу улар ҳар битта қўнғирокни эшитади дегани эмас.

– Агар бутун хукуқ уларнинг қўлида бўлганида, шундай килган бўлишарди.

Съозан йигитнинг нимага шаъма қилаётганини англаса-да, эътибор бермади ва фикрини давом эттириди:

– Хукуматда мамлакатнинг манфаатига қўланка солувчи хабарларни тўплашга хукуқ бўлиши керак.

– Ё Масих! – ҳайқирди Хейл. – Стратмор миянгизга ўзининг фикрларини яхшилаб қўйган кўринади! ФҚБ бирор фуқаронинг сухбатини тинглаш учун ордер олиши кераклигини жуда яхши биласиз. Стандарт шифрлашдан фойдаланишга ўтиш эса МХА исталган вақтда, исталган жойда, исталган кимсанинг хабарини ёриб кириши дегани эди.

– Ҳақсан! Аслида шундай бўлиши керак эди, – овозини бир парда баландлатиб, дағал оҳангда жавоб берди қиз. – Агар сен Читтакдаги қора туйнукни топмаганингда, ҳар бир коднинг қалити бизнинг қўлимизда бўларди ва ҳозиргига ўхшаб хабарнинг кодини ечиш учун Трансхабардан фойдаланиб соатлаб вакт сарфлаб ўтирмасдик.

– Агар мен носозликни топмаганимда, – эътиroz билдириди Хейл, – бошқа кимдир барибир илғаган бўларди. Менга раҳмат айтишингиз керак вақтида аниқлаганим учун. Ўзингиз ўйлаб кўринг, агар қора туйнукнинг мавжудлиги Читтакдан оммавий фойдаланишга ўтилганидан кейин маълум бўлса қанақа тўполон кўтарилган бўларди?

– Нима бўлганда ҳам, – йигитнинг гапини кесди Съозан.

– Сенинг шарофатинг билан Электрон чегараланиш жамияти биз яратган ҳар бир алгоритмда яширин дастур бор деб ўйлади.

– Нима? Ундей эмасми? – истехゾ билан қаради унга Грэг.

Съозан жавоб бериш ўрнига совук ўқрайди.

– Майли, бу мухим эмас энди, – вазиятни юмшатишига уринди Хейл. – Трансхабарни курганингиздан кейин энди сизларда хабарларни осонлик билан қабул қилишга имконият бор. Нима хоҳласангиз шуни ўқийверасиз – ортиқча савол-жавобларсиз. Сиз ғолиб бўлдингиз!

– Биз ғолиб бўлдик демоқчимисан? Охирги марта эшитганимда сен ҳам МХАда ишлаётгандинг?

– Бу узоқ давом этмайди, – керилди Грег.

– Наҳотки?

– Жиддий айтяпман. Эртами кечми мен бу ердан кетаман.

– Шу кунларни интизорлик билан кутаман!

Шу дам Съозан ич-ичидан Хейлни бўлаётган ишлар учун айблаб, лаънатлашни истади: Рақамли қалья учун, Девид билан боғлик муаммолар учун, ҳозир дам олишда өмаслиги учун. Бироқ буларнинг ҳеч бири Хейлнинг айби өмасди. Грэгнинг ягона хатоси унинг безбетлиги эди. Съозан ёши катталиги туфайли оғир-босиқ бўлишга мажбур эди. Бош криптограф сифатида бўлимдаги тинчликни сақлаш, Хейл каби ёш ва ғўр ходимларга тарбия бериш унинг зиммасида эди.

Киз Грэгга тикилди ва шундай истеъдодли, МХА учун жуда фойдали одам ҳанузгача ташкилотнинг аслида қандай мухим вазифа бажараётганини англамаганидан афсусланди.

– Грэг, – ўзини мажбурлаб дўстона овозда гап бошлади Съозан. – Бугун оғир кун бўлди мен учун. Бу ҳам етмагандек, сен МХА ҳақида билдирган салбий фикрларинг баттар хафа қилди. Бу агентликнинг мақсади ягона, у ҳам бўлса мана шу миллатнинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш. Бу вазифани уddaлаш учун баъзан нимадандир воз кечишга тўғри келиши мумкин. Бироқ, ишончим комилки, кўпчилик фуқароларимиз тинчликларини сақлашимиз эвазига талаб қилинадиган арзимас қурбонликка рози бўлади.

Грег ҳеч нарса демади.

– Эртами кечми, – давом этди Съозан, – бу миллатнинг одамлари ўз тақдирини кимнингдир қўлига ишониб топши-

риши зарур. Мамлакатимизга яхшилик билан бир қаторда ёмонлик соғинувчилар ҳам талайгина топилади. Кимдир шу яхшини ёмондан ажрата билиши лозим ва бу масъулиятли вазифа бизга юклатилди. Бу бизнинг бурчимиз. Бизга ёқидими, йўқми, демократияни анархиядан жуда заиф дарвоза ажратиб турибди. МҲАнинг вазифаси эса ўша дарвозани кўриқлашдан иборат.

Хейл чуқур хаёлга толиб, бош иргади:

– *Quis custodiet ipsos custodes?*

Сьюзан англамай қолди.

– Бу лотин тилида, – тушунтириди Хейл. – Ювеналнинг сатирасида шундай дейилган. Маъноси: кўриқчиларни ким кўриқлади?

– Тушунмадим, кўриқчиларни ким кўриқлади?

– Шундай. Агар биз жамиятнинг кўриқчилари бўлсак, у ҳолда ким бизни кузатиб, ростданам жамият учун хавф тугдирмаслигимизга кўз-кулок бўлади?

Сьюзан нима деб жавоб қайтаришни билмай қолди. Хейл синиқ жилмайди.

– Танкадо менга ёзган мактубларининг барчасини шундай тугатарди. Бу унинг севимли афоризми эди.

## Ўттиз иккинчи боб

Девид Беккер коридорда, 301-ракамли хона эшигининг юрнисида тұхтади. Сарсон-саргардонликда қидираёттан узуги мана шу нақшинкор эшикнинг оргида, аллақаерда ётганини үйлаб, юраги ҳаприқиб кетди. Миллий хавфсизлик масаласи!

Ичкаридан харакат товушлари, узук-юлук овозлар күнокқа чалинарди. Девид эшикни тақылатди. Эшик орқасидан дағал немисча товуш янгради.

– Ja?

Беккер жавоб қайтармади.

– Ja?

Эшик кия очилиб, ундан семиз башара күринди.

Бейкер илтифот билан табассум қилди. Эркакнинг исмини билмагани учун сўради:

– Deutscher, ja? Германияликсиз, шундайми?

Эркак нима гаплигини тушунмай, бош иргади.

Беккер соғ немис тилида гапини давом эттирди. “Бир дикиқа вактингизни олсан майлими?”

Эркак норози киёфада бокди:

– Was willst du? Нима керак сенга?

Беккер эшикни тақыллатишдан олдин нима дейишни үйлаб олмаганидан афsusланди ва хаёлига келган илк сўзларни шайтиб юборди:

– Сизда менга керак бир нарса бор.

Бу жумла вазиятга нохос эшитилди шекилли, немиснинг кўзлари қисилди.

– Ein ring, – деди Беккер. – Du hast einen ring. Сизда битта узук бор.

– Бор йўқол, – дўриллади немис ва эшикни ёпа бошлади. Девид үйлаб ўтирмасдан оёгини эшикка тираб, ёпилишига йўл қўймади. Ва дарҳол қилган ишидан афsusланди.

Немиснинг кўзлари олайиб кетди.

– Was tust du? Нима қиляпсан бу ерда?

Беккер ҳаддидан ошиб кетганини тушунди ва асабийлашиб залга кўз ташлади. Ўзи бугун шундоғам касалхонадан ҳайдаб чиқарилгани етарли бўлганди; меҳмонхонадан ҳам кувилиш нияти йўқ эди.



– Nimm deinen Fuß weg! – ўкирди немис. – Йигиштириштади оёғингни!

Беккер эркакнинг билқиллаган бармоқларини кўздан кепчирди. Уларда ҳеч қандай узук кўринмасди. Максадга етишимга озгина колди, деб хаёлидан ўтказди у.

– Ein ring! – қайтарди Беккер, бироқ жавоб ўрнига эшик юзининг олдида қарсилаб ёпилди.

\* \* \*

Девид Беккер нима қиласини билмай, шинамгина қоридор деворига илинган Салвадор Дали асарларидан бири нусхасига тикилганча узок муддат туриб колди. «Расм ҳам вазиятга муносаб, – аччикланди у. – Сюрреализм. Мен кўрқинчли тушда қамалиб колдим». Бугун эрталаб ўз қаровотида уйғонган йигитнинг куни Испанияда, аллақандай узукни топиш илинжида аллақандай меҳмонхонадаги аллақандай немиснинг эшигини бузиб кириш билан якунланяпти.

Стратморнинг жиддий овози йигитни воқеликка қайтарди. Сиз узукни топишингиз керак!

Беккер чукур нафас олди ва тақдирни сўкишдан тўхтади. Йигитни уйга кетиш соғинчи чулғаб олди. Уйга қайтиши чиптаси эса шундоқкина рўпарасидаги 301-эшик ортига яширинган тилла узук эди. Девид ўша узукни кўлга киритса бўлди – ортиқ ҳеч нима уни бу ерларда бир дақиқа ҳам тутиб туролмайди.

Девид чукур нафас олди, шахдам қадамлар билан эшикка яқинлашиб, зарб билан тақиллатишни бошлади. Кескин чора кўриш вакти келганди.

\* \* \*

Немис эшикни силтаб очиб, норозилик билдириш учун оғиз жуфтлаганди, аммо Беккер уни гапиргани қўймади. Чўнтағидан Мэриленд сквош клуби томонидан берилган ID-картасини чиқариб, ўшқирди:

– Polizei!

Кейин хона ичига йўналди ва чироқларни ёқди. Немис воқеаларнинг бундай ривожини кутмаганди.

– Was machst...

– Жимлик сақлансин, – Беккер инглизча сўзлашга ўти. – Бу хонада фоҳиша борми? – У атрофга бир қур нашр ташлади. Хонада тўрт юлдузли меҳмонхонада топилиши мумкин бўлган ҳамма нарса – атиргуллар, шампан виноси, икки кишилик шоҳона каравот мужассам эди, бирор ғосиҳе ҳеч каерда кўринмасди. Беккернинг эътиборини зич ёпилган шинна эшиги тортди.

– Prostituiert? – немис ванна томон хавотирли нигоҳ ташлади. У Девид тасаввур килганидан ҳам семизроқ эди. Немиснинг жун босган катта кўкраклари қатлам-қатлам бўлиб кетган қорни томон осилиб тушганди. Альфонсо XIII да мижозларга тақдим этиладиган тунги халатнинг белбоғи унинг белига учма-уч етиб туради.

Беккер рўпарасида аланглаб турган гигантга қовок остидан ўқрайиб қаради:

– Исламнинг нима?

Немиснинг қип-қизил юзида кўркув аломатлари пайдо бўлди.

– Was willst du? Нима истайсан?

– Мен Севилья полициясининг хорижий сайёҳлар билан ишлаш бўлимиданман. Хонангизда фоҳиша борми?

Немис ваннахонага таҳлика билан қаради ва бироз иккиланди.

– Ja, – нихоят тан олди у.

– Фоҳишабозлик Испанияда ноқонуний эканидан хабарингиз борми?

– Nein, – ёлғон гапирди немис. – Мен билмагандим. Ҳозироқ қизни уйига жўнатаман.

– Бунга энди кеч бўлдими деб қўркаман, – деди Беккер ҳукмрон оҳангда ва хона бўйлаб викор билан юра бошлади.

– Бирор... Сизга бир таклифим бор.

– Ein Vorschlag? – немиснинг нафаси тикилиб қолди. – Таклиф?

– Шундай. Мен сизни маҳкамага олиб кетишим мумкин ҳозироқ... – Беккер маъноли сукут саклади ва бармокларини карсиллатди.

- Ёки нима? – немиснинг кўзлари кўркувдан ола-кули бўлиб кетди.
- Ёки биз сиз билан келишув тузамиз.
- Қандай келишув? – Испан полициясида порахўрлик ҳақидаги ҳикояларни немис кўп эшиганди.
- Сизда мен истаган нарса бор, – мақсадга кўчди Бейкер.
- Ҳа, ҳа, албатта, – иши осон битаётганидан қувониб кетган немис жилмайишга уринди ва стол устида турган ҳамёни томон шошилди. – Қанча сўрайсиз?
- Девид ўзини ғазаблангандек кўрсатиш мақсадида қовоғи остидан ўқрайиб кўйди.
- Конун олдида хизмат қилувчи полиция зобитига пора беришга уриняпсизми? Қандай ҳаддингиз сиғди?
- Йўқ! Албатта ундай эмас! Мен шунчаки... ўйлабманки... – Беккердаги ўзгаришдан ўзини бутунлай йўқотиб қўйган немис каравотнинг бир четига ўтириди, қўллари билан лагандек ялпок калласини чангллади. – Мени кечиринг.
- Беккер хона ўртасида турган вазадан бир дона атиргули суғуриб олиб, узок ҳидлади ва полга улоқтириди. Сўнг немисга ўгирилиб, дабдурустдан сўради:
- Қотиллик ҳақида нималарни биласиз?
- Немиснинг юзидан қон қочди.
- Mord? Қотиллик?
- Шундай. Бугун тонгда боғда бир осиёлик билан бўлган ҳодиса суикаслэди – Эрмордунг. – Девидга немис тилидаги суикаслэ сўзи ёқарди – Эрмордунг – жуда жарангли ва совук янграйди.
- Ermordung? У... у одам...?
- Ҳа. У қотиллик курбони бўлган.
- Бироқ... бундай бўлиши мумкин эмас, – немиснинг нафаси қисилиб қолди. – Мен ўша ерда эдим. Осиёликнинг юраги хуруж қилди. Мен ўз кўзим билан кўрдим. Ҳеч қанақа қон, ҳеч қанақа ўқ йўқ эди.
- Беккер бош чайқади:
- Кўрганларимиз ҳамиша ҳам ҳақиқат бўлавермайди.
- Немиснинг ранги докадек оқариб кетди.

Беккер ичидә жилмайиб қўйди. Унинг ёлғони иш берганди. Бечора немис терга ботиб кетди.

– Ни-ни-ма истайсиз мендан? – дудукланиб сўради. – Мен ҳеч нарса билмайман.

Беккер яна хона бўйлаб юра бошлади.

– Қурбоннинг кўлида тилла узук бор эди. Менга ўша кеприк.

– Ме-менда у йўқ.

Беккер афсус билан хўрсинди ва ванна томонга ишора килди:

– Росиочи? Шабнам томчиси?

Эркакнинг кон қочган юзи қизариб кетди.

– Сиз Шабнам томчисини биласизми? – ялтираган пешонасидаги терни кўйлагининг енги билан артиб, энди ганиришга оғиз жуфтлаган эдик, ванна эшигининг ланг очилини уни тўхтатди.

Иккала эркак ҳам ўша томонга қаради.

Росио Ева Гранада ваннахона бўсағасида бор гўзаллигини намойиш этиб турарди. Қизнинг белига ўралиб тушган узун тўлқинсимон қизил соч, бекаму-кўст бадан, тўқ каштан рангли кўзлар, катта, текис пешона... Қизнинг устидаги немисникига ҳамоҳанг тунги халат белбоғи кенг бўксаси устидан енгил боғланган, юқори қисми бироз осилиб, Росионинг офтобда тобланган елкаларини кўз-кўз қилиб турарди. Қиз қатъият билан ёткхонага қадам ташлади.

– Сизга қандай кўмак беришим мумкин? – сўради у димоғ билан инглизча сўзлаб.

Беккер рўпарасида турган жозибадор аёлга тикилди ва пинагини ҳам бузмасдан:

– Менга узук керак, – деди совуқ оҳангда.

– Сиз кимсиз ўзи? – талабчан оҳангда сухбатни давом эттириди қиз.

Беккер Андалузия шевасида сўзлашга ўтди:

– Полиция зобити.

Қиз қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

– Бўлиши мумкин эмас, – жавоб қайтарди у испанчада.

Беккернинг нафаси ичига тушиб кетди. Росио бақалоқ

немисдан кўра анча пишиклиги кўриниб турарди. Бирок у ўзини қўлга олиб, совук оҳангда жавоб қайтарди:

– Бўлиши мумкин эмас? Буни исботлаш учун маҳкамага олиб боришимни истарсиз балки?

Росио мийифида кулди.

– Таклифингизни қабул қилиб сизни уятга қўйишни ис-тамайман. Хўш, кимсиз сиз?

Беккер битта гапга ёпишиб олди:

– Мен Севилья полициясиданман.

Росио у томон қадам ташлади:

– Севильядаги ҳар бир зобит менга жуда яхши таниш.

Улар менинг энг яхши мижозларим.

Беккер қизнинг ўзига еб қўйгудек тикилаётганини ҳис этди. Тактикани ўзгартириш керак эди.

– Мен полициянинг туристлар билан шуғулланувчи маҳ-сус бўлимиданман. Ҳозироқ узукни менга беринг, акс ҳолда сизни идорага олиб кетаман ва...

– Ва нима? – сўради қиз Девидни калака қилгандек қош-ларини учириб.

Беккер нима дейишини билмасдан, дами ўчди. Режа бар-бод бўлаётганди. Қиз нега унга ишонмаётган экан-а?

Росио йигитга яқинроқ келди.

– Сизнинг кимлигингизни ҳам, нима исташингизни ҳам билмайман, бироқ ҳозироқ хонадан корангизни ўчирмасан-гиз, меҳмонхона қўриқчиларини чақираман, ана шундан кейин ҳақиқий полиция келиб сизни ҳибсга олади, полиция зобити номини қалбакилаштиришга уринганингиз учун.

Стратмор икки дақиқадаёқ уни турмадан олиб чиқиши-га курби етишини йигит яхши биларди, аммо бу ишлар овоза қилинмаслиги зарурлиги тайинлангани учун Беккер полицияни ўртага аралаштиромасди.

Йигитга етишига бир неча қадам қолганда Росио тўхта-ди ва диққат билан унга тикилди.

– Яхши, – хўрсинди Беккер овозига таслим бўлгандек тус бериб. – Мен Севилья полициясидан эмасман. Мени бу ерга АҚШдан узукни топиш учун юборишди. Бошқа ҳеч

киндай маълумотни ошкор қила олмайман. Узукни берсангиз, истаганингизча пул тўлашим мумкин.

Ўртага чўккан узоқ жимлиқдан кейин Росионинг лабларида айёrona табассум жилваланди.

– Ҳакиқатни айтиш учалик ҳам кийин эмас экан, шундайми? – деди у ва курсига ўтириб, оёқларини чалиштириб олди. – Қанча тўламоқчисиз узук учун?

Кизнинг розилик билдирганидан Беккернинг елкасидан толғафарилгандек бўлди. Савдолашиб ўтиришга тоби-тоқати йўклиги сабаб лўнда қилиб деди:

– 750.000 песета бераман. Бу беш минг АҚШ доллари демак.

«Бу пул узукнинг асл нархидан ўн марта қиммат», – ўйлади йигит ичида.

Росио ҳайратланиб, қошларини керди:

– Бу жудаям кўп-ку.

– Ҳа, шундай. Келишамизми?

Қиз бошини чайқади:

– Хўп деган бўлардим-у, лекин...

– Миллион песета, – ўйлаб ўтирасдан оширди Девид.

Менда бори шу.

– Эй Худойимей, – жилмайди Росио. – Сиз америкаликлар умуман савдолашишни билмайсиз. Бизнинг бозорларда бир дақиқа ҳам яшолмасдинглар.

– Нақд пул, хозироқ тўлайман, – деди Беккер курткаси чўнтагидаги конвертга қўл узатаркан. – Мен факат уйга тезроқ кетишни истайман холос.

Росио яна бош чайқади:

– Иложим йўқ.

Беккернинг жаҳли чиқиб кетди.

– Нега энди?

– Чунки узук менда эмас, – узр сўраганнамо деди қиз. – Уни аллақачон сотиб юбордим.

## Үттиз учинчи боб

Токуген Нуматака офисида кафасдаги йўлбарсдек ўёқдан-бўёқка асабий юрарди. Шимолий Дакота ҳануз алоқагчикқани йўқ. Лаънати америкаликлар! Масъулият хисси ни-малигини билишмайди!

Шимолий Дакотанинг телефон рақами бўлганида эди, Нуматака ҳеч иккиланмасдан аллақачон унга ўзи қўнғироқ килган бўларди. У бундай ишлашга чидаб туролмасди.

Энг бошида Нуматаканинг хаёлидан Шимолий Дакота берган таклиф аслида ракибларидан бири амалга ошираётган тузоқ бўлиши мумкин деган фикрлар кечганди. Ҳозир яна ўша машъум ўйлар унинг миясини чулғаб олди.

Ичини ит тирнаган Нуматака ортиқ бир жойда кутиб ўтиргандан кўра бирор фойдалироқ маълумот топиш илинжида оғис эшигидан ташқариға отилди ва шаҳд билан Numetek корпорациясининг асосий зали томон йўналди. Йўл-йўлакай учраган ҳар бир ходим ёнидан шамолдек ўтиб кетаётган хўжайинга чуқур эҳтиром билан бош эгиб таъзим килди. Нуматака ишчиларнинг таъзим бажо келтириши уни қаттиқ яхши кўришларидан эмас, шунчаки одоб юзасидан эканини яхши биларди – Японияда ходимлар ҳатто энг бағритош бошлиққа ҳам бош эгиши одатий ҳол ҳисобанади.

Нуматака ҳеч қаёққа қайрилмасдан, тўғри компаниянинг бош коммутатори томон юрди. Numetek Сотр’да бўладиган барча қўнғироқлар ўн икки каналлик коммутатор терминали – Korenso 2000 орқали бошқариларди. Хонада ўтирган оператор аёл банд бўлса ҳам, Нуматакани кўриб, ишини дарҳол тўхтатди ва ўрнидан туриб, эгилиб таъзим бажо келтирди.

– Безовта бўлманг, – деди Нуматака.

Оператор индамай жойига ўтирди.

– Бугун соат 04:45 да шахсий линиямга телефон қилишди. Бу қўнғироқ қаердан туриб амалга оширилганини аниклаб беролмайсизми? – деди Нуматака олдинроқ бу ишини килиш хаёлига келмагани учун ичидаги ўзини сўкиб.

Оператор қулт этиб ютинди ва бироз қўркув билан гап бошлади:

– Бу машинада қўнғироқ килувчининг шахсини аниклай

олмаймиз, жаноб. Аммо истасангиз, мен телефон компаниясы билан боғланишим мумкин. Ишончим комил, улар ёрдам берада олади.

Телефон компаниялари бу борада күмак күрсатишига Нұматака шубха килмасди. Бугунги ракамли асрда махфийлик үтмиш сарқити бўлиб қолган; телефон компанияси сизги ким, қаердан туриб қўнғироқ қилганини ва қанча муддат сухбатлашганингизни ипидан-игнасигача айтиб беролади.

– Ҳозироқ ишга киришинг! – буйруқ берди у ва қўшиб кўйди: – Аниқлашингиз биланоқ менга хабар қилинг!

## Ўттиз тўртинчи боб

Хейл бир фурсат очик хаводан нафас олиш учун ташка-рига чикқанидан кувонган Сьюзан Nod 3 да Изкуварнинг қайтишини кутиб ёлғиз ўтиради.

Лекин танҳо қолиш Сьюзанга ором бермади, аксинча, ҳозиргина эшитгани – Танкадо ва Хейл ўртасидаги алоқалар хакидаги хабар унинг миясини пармалай бошлади.

– Кўриқчиларни ким қўриқлайди? – деди у ўзига. *Quis custodiet ipsos custodes.* Бу жумлалар бошида тинмай айла-нишидан чарчаган киз уларни қувиб чиқаришга интилиб, кўз олдига Девидни келтирди. «Девид Испанияда... Ишонгим келмайди... Ишқилиб ҳаммаси жойида бўлсин...» Киз хўр-синди ва тезрок жин ургур қалит сўзни топиб, бу кўнгилсиз-ликка барҳам беришни ич-ичидан истади.

Сьюзан қанча вактдан бери бу ерда, Изкуварни кутиб ўтиргани ҳисобидан адашиб кетди. Икки соат бўлдими ёки уч? Эшикдан Крипто кааркан, тезрок терминалидан чий-иллаган товуш чиқиб, Изкуварнинг қайтганидан дарак бе-ришини истади. Бирок жим-житлик унга қулок тутмагандек чўзилишда давом этарди. Ёзниг якуний палласидаги Қуёш Ер юзини тарқ этгиси келмагандек эринибгина ботди. Бош узра осилиб турган автомат лампалар коронғу тушганини билдириб, ёркин шуъла таратиб юборди. Изкуварни жўнат-ганидан бери жуда кўп вақт ўтиб кетганини сезган Сьюзан асабийлашди, компьютер ойнасидаги Изкувар дастурига қараб «Бўлаколсангчи, шунчалик ҳам куттирасанми?» деди са-брисизланиб. Сўнг Изкуварнинг статус ойнасига сичқончани йўналтирди.

Статус ойнасида Трансхабарникига ўхшаб кетадиган рақамли соат Изкуварнинг қанчадан бери маълумот қиди-раётганини соатидан тортиб секундигача кўрсатиб берарди. Қанчадан бери Изкуварнинг дайдиб юрганини текширмокчи бўлган Сьюзан экрандаги манзарадан лол қолиб, юраги бир муддат уришдан тўхтаб қолай эди.

*Изкувар тўхтатилди*

Изкувар түхатилди? – ҳайратланганидан қизни қаттиқ йүтгөл тутди. – Нега?”

Вахима ичидә Сьюзан Изкуварни ишдан қайтариш буйрукларини телбаларча титкилай бошлади, бирок ҳеч нима тополмади. Изкувар ўзидан ўзи ўчирилган кўринади. Сьюзан бу нарса фақат бир ҳолатда содир бўлиши мумкинлигини биларди – Изкуварга вирус тушган.

Вирус зоти дастурчи иши давомида ҳамиша учратиши мумкин бўлган энг ёқимсиз кўнгилсизлик эди. Компьютерлар жуда аниқ буйруқлар асосида ишлагани учун содир ётилган энг кичкина хато ҳам катта муаммоларни келтириб чиқаради. Оддий тиниш белгиларини нотўғри қўллаш, масалан, дастурчи нуқта ўрнига вергул ёзиб юбориши натижасида бутун бошли тизим ер билан битта бўлиши мумкин эди. Вируснинг келиб чиқиши Сьюзанга доим қизиқарли туюлган.

Вирус тарихи 1944 йилда АҚШнинг Гарвард университетида яратилган дунёдаги илк электрон ҳисоблаш машинаси – улкан лабиринтсимён Mark 1 билан боғлиқ эди. Кунлардан бир куни компьютерда қандайдир носозлик вужудга келди, аммо мутахассислардан ҳеч бири муаммонинг илдинин топа олмайди. Бир неча соатлик изланишлардан кейин кичик лаборатория ёрдамчиси ниҳоят носозлик сабабчисини илғаб қолди: миттигина тунги капалак Mark 1 нинг ички процессорларидан бирига кўниши оқибатида қисқа туташув бўлган экан. Ўша-ўша компьютерда бўладиган носозлик сабабчиларига нисбатан вирус атамаси қўлланиб келинади.

Дастурга тушган вирусни аниқлаш бир неча кун талаб киладиган жараён бўлиб, кичкина хатоликни топиш учун минглаб дастурлаш сатрлари кўздан кечирилиши қирқ уюм сомон ичидан жимитдек игнани қидириш билан баробар саналади.

– Ҳозир вирусни топишга вақтим йўқ, жин урсин, – аччиқланди Сьюзан. Унда фақат биргина йўл бор эди – Изкуварни ишга тушириш ва қайтадан Шимолий Дакотани қидиришга жўнатиш. Бирок Изкувар ҳозир бўлгани каби яна вирус билан тўқнашиб, ўчирилиб кетиш эҳтимоли ҳам йўқ

эмасди, дастурни қайтадан ёзиб чиқишига эса Съюзандага ҳам, командорда ҳам вақт умуман йўқ эди.

Съюзан қаерда хато қилганига тушунмасдан Изқуварга тикиларкан, нимадир ёпишмаётганини илғади. Ўтган ойда киз айнан шу Изқувардан фойдаланганида ҳеч қандай муаммо бўлмаганди.

Нега энди тўсатдан носозлик чиқдийкин? Шу он Съузаннинг қулоклари остида командорнинг сўзлари жаранглади. Съюзан, мен Изқуварни ўзим жўнатишга уриниб кўрдим, аммо у олиб келган маълумот умуман тушунарсиз эди.

Олиб келган маълумот...

Съюзан илкис бошини кўтарди. Шундай бўлиши мумкинми? Олиб келган маълумот?

Агар Изқувар Стратморга маълумот олиб келган бўлса, демак дастур бип-бинойидек ишлайти. Маълумотнинг тушунарсизлиги эса командор қидирув буйругини берётганида бирор хатоликка йўл қўйганидан бўлса керак. Тушунарлимни, тушунарсизми, фарқи йўқ, Изқуварнинг маълумот олиб қайтиши у ўз функциясини нормал бажараётганини билдиради.

Съюзан Изқувари ишдан тўхтаганига бошқа бир сабаби бўлиши мумкинлигини англали, чунки ички дастурлашдаги камчиликлар хар доим ҳам дастурлардаги носозликлар сабабчиси бўлмасди: баъзан компьютер платасига йиғилиб колган чанг, нотўғри кувватлантириш, кабелларнинг қисқа туташуви каби арзимас кўринган ташки таъсиirlар ҳам дастурлардаги яхшигина носозликка олиб келарди. Шунчаки, Nod 3 даги барча техника жуда мукаммал ўрнатилгани сабаб киз бундай эҳтимолларни ҳисобга олмаганди.

Нима қилиши кераклигига ақли етган Съюзан дарҳол ўрнидан турди ва хонанинг бир бурчагида жойлашган техник қўлланмалар сақланувчи китоб жавони томон тез-тез одимлади, у ердан кичкинагина маълумотномани топиб вараклашга тутинди. Бироздан сўнг ўзи қидирган нарсани топди шекилли, юзи ёришиб, компьютерига ўтирди, бир нечта буйрукларни киритди ва охирги уч соатда берилиган вазифалар рўйхатини кута бошлади. Қиз муаммонинг илдизи

иотўғри кувватлантириш ёки бузук чип каби ташқи омилларда бўлишига умид қиларди.

Бир неча фурсатдан сўнг терминалнинг чийиллаган товшини эшитиб, Сьюзаннынг томир уриши тезлашди. Нафасини ичига ютганча компьютер экранига тикилди:

### *Хатолик коди – 22*

Ёзувни кўриб, Сьюзаннынг қалбida умид учқунлади. Экрандаги хатолик коди Изқуварнинг нормал ишлаётганини, муаммо эса ташқи таъсир оқибати эканини кўрсатарди.

Хатолик коди 22... Сьюзан 22-код нимани билдиришини хотирасида тиклашга уринди, бироқ Nod Зда бундай хатоликлар жуда кам учрагани сабабли қиз рақамли кодларни ёддан билмасди.

Қиз яна қўлланмани титкилаб, хатолик кодларини кўздан кечиришни бошлади:

*19: Тизим бўлимидағи хатолик*

*20: Қаттиқ кучланиш*

*21: Маълумотлар омборидаги хатолик*

Ниҳоят қиз 22-рақамга етиб келди-ю, ҳайратдан серрай-иб қолди. Вазиятга тушунмай, мониторни икки мартадан қайта текширди.

### *Хатолик коди 22*

Сўнг қошларини чимириб, қўлланмани қайта ўқиди:

*22: Қўлда тўхтатиш*

## Ўттиз бешинчи боб

Беккег қулоқларига ишонмади:

– Сиз узукни сотиб юбордингиз?

Қиз сўзсиз бош силкиди.

Беккег эшитганлари ёлғон бўлиб чиқишини қаттиқ истарди.

– Рего... Аммо...

Росио хижолат бўлгандек елка кисди ва испан тилиди деди:

– Боғ олдида турган бир қиз сотиб олди.

Беккернинг тиззаси қалтираб, оёғидан дармон қочди. Бундай бўлмаслиги керак!

Росио йигитнинг аҳволини кўриб, гуноҳкорона жилмайиб, немисга ишора қилди.

– Él quería que lo guardara. У узукни сақлаб кўйишимни истаганди, лекин рад этдим. Менинг томиримда лўли қони оқмоқда; биз лўлилар сочимиз қизил бўлиши билан бир қаторда, жуда иримчи ҳаммиз. Ўлаётган одам томонидан бе-рилган узук яхшилик олиб келмайди. Шунинг учун ундан иложи борича тезроқ кутилишга ҳаракат қилдим.

– Сиз харидор қизни танийсизми? – савол берди Беккег.

– Сизга ростдан шу узук керакми? – қошларини кўтарди қиз ажабланиб.

Беккег қатъият билан бош қимирлатди.

– Кимга сотдингиз узукни?

Сухбатдошлар ҳанузгача диван четида мук тушиб ўтирган бақалоқни бутунлай хаёлларидан қочирганди. Бир томондан романтик оқшоми барбод бўлаётганидан ғазабланса, иккинчи томондан турмага тушиш эҳтимоли борлигидан сикилиб кетган немис сухбатнинг чўзилиб кетганидан тоқати тоқ бўлиб сўради:

– Was passiert? Нима бўляпти ўзи?

Беккег жавоб бермади.

– Ростини айтганда, мен узукни сотмадим, – деди Росио. – Мен ҳаракат қилдим, бироқ кизалоқ жуда ёш бўлиб, узукни олгани умуман пули йўқ эди. Нима килиб бўлса ҳам узукдан кутулиш учун унга совға қилиб юборишдан бошқа

чорым қолмади. Агар бундай олийжаноб таклиф билдиришини билганимда эди, албатта сиз учун узукни сақлаб қўйгани бўлардим.

— Нега боғдан кетдингиз? — сўради Девид. — Одам ўлтнин эди. Нима учун полицияни кутмадингиз? Нимага узукни улирга топширмадингиз?

— Менга кўп нарса керак, жаноб Беккер, лекин муаммо ѹтиёжларим рўйхатида йўқ. Кўнгилсизликлардан узокроқ юришга интиlamан доим. Бундан ташқари, анави қария бизингиз ҳам ҳамма нарсани эплаётганди.

— Канадаликми?

— Шундай. У тез ёрдам чакиргач, биз кетишга қарор қилдик. Менинг ҳам, мижозимнинг ҳам полицияга аралашиб қолиншимиздан ҳеч қандай наф йўқ эди.

Беккер ноилож бош иргади. У тақдир кўрсатган бешафқат ўйинга ўзини ишонтиришга уринарди. Росио лаънати узукни бериб юборибди!

— Мен ўлаётган одамга ёрдам беришга уриндим, — тушиунириди киз. — Лекин у хоҳламади. Бир-бирига чирмашиб кетган учта бармоқли мажрух қўлини бизга чўзиб, худдики узукни олишимиз керакдек ҳаракат қилди. Мен истамадим буни, аммо мижозим узукни олди. Шундан сўнг йигитнинг жони узилди.

— Кейин эса сиз юрак массажи қилдингиз, шундайми? — тахмин қилди йигит.

— Ҳечам-да! Биз қўлимизни ҳам теккизмадик мурдага. Мижозимнинг ўтакаси ёрилиб кетди. Ўзи девдек бўлгани билан, юраги чумчукнидан ҳам кичкина экан, — киз кулди ва ишва билан Девидга қаради. — Хавотир олманг. У испанчанинг «И»сига ҳам тушунмайди.

Беккер қизнинг ноз-карашмасига эътибор қилмади, ҳозир унинг хаёлинини Танкадонинг кўкрагидаги кўкиш доғ эталлаб олганди.

— Балки шифокорлар юрак массажини килгандир, нима деб ўйлайсиз?

— Билмадим рости. Улар келмасидан олдинроқ кетиб бўлгандик биз.

— Узукни ўғирлашимиз биланоқ кетиб бўлгандик демокчимисиз? — ўшшайди Девид.

Йигитнинг сўзларидан сўнг Росионинг кўзларида жаҳл учқунлари кўринди.

— Биз узукни ўғирламадик, — паст, бироқ қатъиятли овозда деди қиз — Ўлаётган одамнинг мақсади аниқ эди. Биз унинг сўнгги тилагини бажо келтирдик, холос.

Беккер юмшади. Росио ҳақ эди; агар қизнинг ўрнида бўлганида у ҳам шундай қилган бўларди.

— Аммо кейин узукни қандайдир қизга бериб юбордингиз.

— Мен сизга сабабини тушунтиридим. Мархумнинг нарсанини олиб қўнглим безовта бўлди. Йўлда кўп тақинчоклар тақиб олган қизни кўриб, узук унга ёкса керак деб ўйладим.

— Қиз қандай қабул қилди буни? Унга ғалати туюлмадими тўsatдан узук таклиф қилганингиз?

— Асло. Балки сотиб олар деган мақсадда унга узукни боғдан топиб олганимни айтдим, қиз эса пулдан оғиз ҳам очмади. Мен ҳам кўп тикилинч қилмадим. Чунки узукни тезроқ даф килишни истагандим.

— Соат неччи бўлганди ўшанда?

Росио елка қисди:

— Анигини билмайман. Узукни олганимдан тахминан бир соатлардан кейин.

Беккер қўл соатини текширди: 11:48. Узук саккиз соат олдин қўлдан чиқиб кетиб бўлганди. «Жин урсин, бу ерда нималар қиляпман ўзи? Мен ҳозир Смоки Маунтинда дам олаётган бўлишим керак эди». Йигит оғир хўрсинди ва сўраши мумкин бўлган ягона саволни берди:

— Қизнинг ташқи кўриниши қандай эди?

— Era un punki, — жавоб қайтарди Росио.

Беккер ажабланди:

— Un punki?

— Si, punki.

— Панк дейсизми?

— Шундай, у қиз панк эди, — деди Росио инглиз тилида, кейин испанчада батафсилик тушунтириди: — Mucha joyería.

Жуда күп тақинчоқлар тақиб олганди. Бир қулоғида ғалати ширак ҳам бор эди, калла суюгига ўхшаш.

— Севильяда панклар борми?

Росио жилмайды:

— Todo bajo el sol. Осмон остида нималар йўқ дейсиз.

— У сизга исмини айтдими?

— Йўқ.

— Қаерга кетаётганиничи?

— Айтмади. У испан тилида жуда ёмон гапиради.

— Қиз испаниялик эмасмиди? – ҳайрон бўлди Девид.

— Йўқ. Панк инглиз эди, ўлашимча. Сочини айтмайсизми – жуда алламбало: қизил, оқ ва кўк рангда эди.

Беккер панкнинг ғайритабий кўринишидан эти увушиб кетди ва тахмин қилди:

— Инглиз эмас, америкалиkdir?

— Ундей деб ўйламайман, – эътиroz билдириди Росио, – Қизнинг устида Британия байроғининг расми туширилган футболка бор эди.

Беккер индамасдан бош ирғади:

— Яхши. Қизил, оқ ва кўк соч, Британия байроғи акс этган футболка, қулокқа осилган калла суюги шаклидаги зирак... Яна нима?

— Ҳеч нима. Шунчаки ҳамма панкларга ўхшаган панк.

Панкларга ўхшаган панк? Университет футболкаси ва консерватив соч турмаги билан юрувчи одамлар дунёсида яшовчи Девид учун Росио чизиб берган образни тасавурида жонлантириш мураккаб бўлаётганди.

— Панкнинг яна бирор эсда қоларли жиҳатини хотирлай оласизми?

Росио бир лаҳза ўлланиб турди.

— Йўқ, бори шу.

Шу вақт каравотнинг асабий ғирчиллагани эшитилди; қизнинг бақалоқ мижози оғирлигини иккинчи томонга ташлаганди. Беккер у томонга ўгирилиб, соф немисчада деди:

— Noch et was? Панк рокчини топишим учун бирор қўшимча кила оласизми?

Орага чўккан жимликини немиснинг пишиллаб чиқарган нафаси бузиб турарди. Бесўнақай эркак нимадир дейишга оғиз жуфтлади-ю, қандай айтишни билмасдан каловланиб қолди, сўнг гапирди:

– Дўзахга равона бўл!

Унинг оғзидан чиккан тўрт оғиз гап инглизча бўлса ҳам, маъноси жуда хунуклиги учун Девид дарҳол тушуниб етмади.

– Кечирасиз, жаноб?

– Дўзахга равона бўл! – қайтарди немис ва чап панжаси билан ўнг тирсагига урди – бу италиянча ўта одобсиз ишора эди. Аммо Беккернинг ҳозир ундан ғазабланиб ўтиришга вақти ҳам, хоҳиши ҳам йўқ эди. Йигит Росиога ўгирилди ви испан тилида сўради:

– Мехмоннавозлик тугади шекилли?

– Ундан хавотир олманг, – кулди Росио. – Мижозим бироз аччикланяпти холос. Ўзига керакли нарсага етишгач тинчиб қолади. – Қиз елкасига осилиб тушган жамалак сочларини қўли билан ўйнаб, Беккерга кўз қисиб қўйди.

– Майли. Менга ёрдам бероладиган яна бирор маълумот борми? – сўнгги илинж ила унга тикилди йигит.

Росио бош чайқади.

– Афсуски йўқ. Панк қизни ҳеч қачон тополмайсиз деб кўрқаман. Севилья жуда катта шаҳар – у исталган бурчакда юрган бўлиши мумкин.

– Кўлимдан келганича ҳаракат қиласман. Бу миллий хавфсизлик масаласи ахир...

– Яхши. Мабодо омадингиз келмаса, – деди Росио кўз қирини Девиднинг чўнтагидаги пул солинган конвертига ташлаб, – қайтаётганингизда шу ерда тўхтант. Мижозим унгача мурдадек қотиб ухлаб қолган бўлади. Эшикни оҳиста уч марта тақиллатинг. Мен иккаламиз учун алоҳида хона топаман ва сизга бир умр ёдингизда қолувчи кеча совға қиласман. Бирга ўтказган оқшомимиздан кейин, ваъда бераман, сиз Испанияга қилган сафарингизни ҳеч қачон унугомайсиз. – Қиз лабини чўччайтириб, йигитга ширин табассум ҳадя этди. Унинг кўзларида эҳтирос учқунлари чақнарди.

Беккег зўрма-зўраки жилмайди.

– Илтифот учун раҳмат, лекин кетишим керак, – сўнг немисга ўгирилиб, учрашувини бузгани учун узр сўради.

Бақалоқ лаб учидагимтиниб деди:

– Keine Ursache.

Беккег коридор томон шаҳдам одимлади.

## ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

– Кўлда тўхтатиш? Қанақасига? – ўзига ўзи савол берди Съозан хеч нарсага тушунмасдан.

Киз Изқуварни ўчириш учун хеч кандай буйруқ кириитмаганини яхши биларди. Бўлган ишга тузукроқ сабиб тополмасдан, балки адашиб клавиатурада тугмалар кетма-кетлигини адаштириб босиб юборгандирман, деган фикр хаёлидан ўтди, аммо у дарҳол чиппакка чиқди. Чунки, экрандаги маълумотга кўра, тўхтатиш буйруғи берилганига йигirma дақика ҳам бўлгани йўқ. Съозан йигирма дақика олдин сўнгги – мониторни блоклаш буйруғини берган ва командор билан ташқарига чикиб кетганди. Экранни блоклаш коди билан Изқуварни ишдан тўхтатувчи буйрукни бир-бири билан адаштириб юбориш ҳақида ўйлашнинг ўзи кулгили эди.

Шунга қарамасдан, Съозан экранни қулфлаш дастурини очиб, терган код тўғри эканини текшириб кўрди. Ҳаммаси жойида.

– Ундей бўлса, – жаҳл билан ўзидан сўради киз, – кўлди тўхтатиш ҳақидаги буйруқ қайси гўрдан келади?

Жумбоқнинг тагига етолмай асабийлашаётган Съозан қулфлаш ойнасидан чиқиш тутгасини босди. Бироқ дастур экрандан ўчар маҳали кутилмагандан қизнинг нигохини нимадир тортида ва ойнани қайта очиб, экраннинг бир четида турган маълумотни синчилаб ўрганди. Жуда ғалати... Съозан Nod 3 дан чиқиб кетишидан олдин киритган «экранни қулфлаш» буйруғидан атиги бир дақика ўтгач, «экранни очиш» буйруғи берилганди. Командор билан сухбати бир дақиқадан ошиқ давом этганига ишончи комил Съозан ойнанинг пастроғини ўқишига тутинди ва навбатдаги маълумотдан бутунлай шокка тушди. Қайта очилганидан роппа-роса уч дақика ўтгач, монитор қайта ёпилганди. Дастур кўрсатиб берган гапларга ишонадиган бўлса, Съозан ташқарида эканда кимдир унинг компьютерини бузиб киргани аниқ эди.

– Бўлиши мумкин эмас, – қиз кўрганларидан даҳшатга тушди. Йўклигига Nod 3 да қолган ягона тирик жон Грег Хейл эди, аммо у Съозаннинг калит сўзини каердан билаколди? Съозан қачондир унга калит сўзни айтганини эслолмай-

ли; киз кодни тасодифий усулда танлаган ва ҳеч қачон бирор жойда қайд этмаган. Демак, Хейл уни кўриб қолиши мумкин эмас. Беш ҳарфдан иборат кодни тахмин қилиб топиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас – Хейл олти миллиондан ортиқ ёхтимол ичидан айнан тўғрисини аниклаши утопия эди.

Бироқ Screen Lockда қайд этилган кодни очиш ва ёпиш буйруклари эътиrozга ўрин қолдирмасди. Хулоса битта... Хейл Сьюзан ташқарида сухбатлашиб турган вактида компьютерни очиб, Изқуварни тўхтатиш буйруғини берган. Аммо нега? Хейл кизнинг терминалини бузиб киришига ҳеч кандай сабаб йўқ-ку. У ҳаттоқи, Сьюзан Изқувардан фойдаланаётганини билмасди ҳам. Мабодо билган тақдирда ҳам, Шимолий Дакота номли қандайдир одамнинг изига тушаётгани Изқуварнинг Грэгга нима оғирлиги тушди экан?

Сьюзаннинг миясида жавобсиз саволлар урчий бошлатиш, қиз ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. Хейл билан орани очик қилиш қочмайди, биринчи ишни бажариш керак, леб ўйлади у ва Изқуварни қайтадан ишга тушириб, керакли тутмани босди. Компьютердан чийиллаган овоз чиқди:

### *Изқувар юборилди*

Изқувар маълумот топиб қайтиши учун яна бир соатча шакт кетишини ўйлаб, Сьюзаннинг томоғи ҳиппа бўғилди, Хейл қайси гўрдан унинг шахсий кодини топиб, Изқуварни ишдан тўхтатгани ҳақида ўйлаб, уни қарғади. Сўнг ўрнидии даст туриб, йигитнинг компьютери томон юрди. Унинг экрани қоп-кора, лекин блокланмаган эди – мониторнинг четидан тарагиб турган хира ёруғлик шундан дарак берарди. Криптографлар одатда ишдан кетаётган маҳалидагина компьютерларини блоклаб, бошка вактлари шунчаки, экран ёруғлигини пастлатиш билан чекланишарди – бу ҳеч ким компьютерга тегмаслиги керак дегувчи универсал шараф кодекси ҳисобланарди.

– Ўргилдим шараф кодексидан, – деди киз бурнини жишириб. – Кўрайликчи, нима билан бандсан бу ерда, Грэг.

Эшикка бир қур назар ташлаб, ҳеч ким келмаётганига ишонч ҳосил қилгач, Сьюзан Хейлнинг компьютерига кўл

чўзиб, монитор ёруғлигини оширди ва бўм-бўш экранни кўриб, ҳафсаласи пир бўлди. Нима киларини билмасдан, қидириш функциясига кириб, буйруқ ёзди:

### *Изқуварни қидириши*

Эҳтимолдан жуда узоқ бўлса-да, бу қидирув Хейл тарзда Сьюзаннинг Изқуварини тўхтатганига бирор сабаб топиб бериши мумкин эди. Бир неча сониялардан сунг экранда ёзув пайдо бўлди:

### *Ўхшашилик топилмади*

Сьюзан бир сония ўйлаб қолди ва навбатдаги буйруқни киритди:

### *Экран қўлфини қидириши*

Мониторда ўнлаб иловалар пайдо бўлди, аммо уларни ҳеч бири Хейлда қизнинг пароли бор эканига ишора бермасди.

Боши берк кўчага кириб қолган Сьюзан эсанкираб қолди; у Хейл шунча вактдан бери нима билан банд бўлганини билиш мақсадида «Сўнгги фойдаланилган дастурлар» менюсига кирди. Йигит охирги марта электрон почтасини ишлатган экан. Сьюзан қаттиқ дискни титкилаб, бир амаллаб электрон почта папкасини топиб киргач, яна бир нечти папка пайдо бўлди. Бу Грэг Хейлнинг бир эмас, кўплаб электрон почта аккаунтлари борлигидан дарак берарди. Ҳамми профилларни бирма-бир текшираётган Сьюзаннинг эътиборини аноним почта провайдери тортди. Файлни очиб, қабул қилинган мактублардан дуч келган бирини танлади ва ўқишга киришди-ю, шу замон нафаси ичига тушиб кетди.

*Кимга: SHDAKOTA@ara.anon.org*

*Кимдан: ET@doshisha.edu*

*Ажойиб прогресс! Рақамли қалъа деярли тайёр.*

*Бу алгоритм МХАНИНГ куни битганига исбот бўлади.*

Сьюзан туш кўраётгандек кўзларига ишонмай, мактуб-

иши қайта-қайта ўкиди. Сўнг қалтираган бармоклари билан шивбатдаги хатни очди.

*Кимга: SHDAKOTA@ara.anon.org*

*Кимдан: ET@doshisha.edu*

*Айланма матн иш берди! Ҳамма гап ўзгарувчан кетма-кетликда экан!*

ET@doshisha.edu... Doshisha... Ахир бу Энзай Танкадо ўқиган унивеситет серверику! Демак... Қанчалик ишониш қийин бўлмасин, Хейлнинг почтасида Энзай Танкадодан қабул қилинган ўнлаб мактублар турарди. Танкадо билан Грег Хейл доимий алокада бўлганига ягона сабаб уларнинг бирга ишлагани бўлиши мумкин. Бундан чиқди...

Грег Хейл билан ShDakota битта одам!?

Лоп этиб юзага чикқан мантикий ечимдан Сьюзан аклдин озаёзди, бироқ бу нотўғри эканини исботлайдиган ҳеч қандай далил тополмади: Танкадо айланма матнни яратиш учун ўзгарувчан кетма-кетликдан фойдаланган, Грег Хейл жа МХАни ер билан битта қилиш учун у билан тил бириктирган!

«Бу... – ўз фикридан Сьюзаннинг эти жимиirlаб кетди, – бўлиши мумкин эмас!»

Шу дам Хейлнинг сўzlари қулоги остида жаранглади: Ганкадо менга бир неча маротаба хат ёзганди... Стратмор мени ишга олиб таваккал қилганди... Эртами-кечми бу ердан барибир кетаман...

Шунга қарамай, Сьюзан ҳамон кўрганларига ишонолмасди. Тўғри, Грег Хейл бетгачопар ва сурбет йигит, лекин сотқин эмас. Рақамли қалья МХАга қанча зарар келтиришини яхши била туриб унинг яратилишига ҳисса кўшишга ишониб бўлмайди.

Ишониб бўлмайди. Нега ишониб бўлмас экан? Сьюзан энди чукуррок ўйлай бошлади. Мундок олиб қараганда, Грегни бу йўлдан кайтаришга тўсқинлик қиласидиган ҳеч қан-

дай сабаб ҳам мавжуд эмас – ишга садоқат ва обрўни ҳисобга олмагандан албатта. Қиз Читтак алгоритми билан бөглик воқеани эслади. Грэг Хейл бир марта МХАнинг режалариниң ҳеч иккиланмасдан барбод қилган, у бу ишни қайта амалга оширмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Танкадочи? Танкадо каби ўта эҳтиёткор одам нима сабабдан келиб-келиб Хейл каби ишончсиз кимса билан бирлашганини қиз тушуна олмади.

Сьюзан энди бу ахамиятсиз эканлигини тушунди. Ҳозир кечиктирмасдан бўлган воқеани Стратморга хабар қилиш зарур. Тақдирнинг қалтис ўйинини каранг-ки, бир неча солтдан бери излаётганлари – Танкадонинг ҳамтовоги Шимолий Дакота шундок бурунларининг тагида экан. Фақат Энзай Танкадо бандаликни бажо келтирганидан Грэгнинг бехабарлиги Сьюзанга коронғу эди. Хейл ҳеч нарсадан шубҳаланмаяпти – ҳозирча. Рақамли қалъанинг калит сўзи эса... мани шу компьютер ичида... Шошилиш керак... Вақтни кўлдан бой бермаслик мақсадида қиз бекорчи хаёлларни миясидан кувиб чиқарди ва ўзидан ҳеч қандай из колдирмасдан e-mail файлларини ёпа бошлиди. Энг охирги папкани ёпишига озгина қолганида Nod 3 ойнасидан шарпа кўринди. Шоша-пираша ташқарига кўз ташлаган қиз Грэг ичкарига кираётганини кўриб таҳликага тушди, томирларида адреналин жўш урди. Йигит остонаяга етиб келганди.

– Минг лаънат! – сўқинди қиз, қанча муддатда ўз терминалига стиб боришини ҳисбларкан. Бир неча сония ичида жойида бўлиб қолиши учун Сьюзанга иккита қанот ҳам камлик қиласарди ҳозир. Сьюзан ўз жойига боролмасди, Грэгнинг компьютери ёнида ҳам қололмасди.

Эшикнинг ғийқиллаган товуши эшитилди, қаерга боришни билмай ваҳима босиб турган қиз ўйлаб ўтирамай кўзи тушган илк жой – бир неча қадам наридаги омбор томон отилди. Нихоят, Nod 3 эшигидан Грэгнинг калласи кўрган маҳалда Сьюзан бир амаллаб музлатгичга етиб олиб, уни очишга улгурди.

Хейл бамайлихотир кириб келди ва Сьюзанни музлатгич ёнида кўриб, ўша тарафга юрди. У қиздан илжайиб сўради:

— Оч қолдингизми? Балки тофудан баҳам күрармиз?  
Сьюзан чукур нафас чиқарди, сўнг йигитга ўгирилиб:  
— Йўқ, раҳмат. Мен шунчаки... – деди-ю, гапини охирита стқизолмади. Ҳаяжондан ранги оқариб кетди.

Хейл унга ҳайрон бўлиб қаради:

– Бирор гап бўлдими?

Сьюзан йигитнинг кўзларига тикилиб, лабини тишлади.  
– Йўқ, ҳаммаси жойида, – ўзини қўлга олиб жавоб берди қиз. Аслида эса ҳеч нарса жойида эмасди. Хонанинг бир томонида Хейлнинг компьютери ёрқин нур сочиб турарди. Сьюзан экран ёруғлигини пасайтиришни бутунлай эсдан чиқарганди.

## Ўттиз еттинчи боб

Альфонсо XIII нинг пастки қаватига тушиб, ҳаёш чўмган Девид Беккер меҳмонхона барига кирди. У қатти чарчаб, мадорсиз қолганди. Баланд курсига ўтиргач, пакин бармен унинг ёнига тоза сочиқ кўйди ва сўради:

– Qué bebe Usted? Нима буюрасиз?

– Ҳеч нарса, раҳмат, – жавоб қайтарди Беккер. – Мен шунчаки бу шаҳарда панк рокерлар йигиладиган клуб бор-йўклигини сўрамоқчи эдим.

– Клуб? Панклар учун? – такрорлади бармен ғалати раб.

– Шундай. Бу ерда улар кўнгил ёзадиган бирор жой борми?

– No lo sé, señor. Қаерлигини билмадиму, лекин аниқ бу ер эмас, – бармен жилмайиб қайта сўради: – Балки бирор нима ичарсиз?

Барменнинг назарида Беккер ўзини бошқача тутаётганди. Йигитнинг режалари издан чиқиб кетганди.

– ¿Quiere Vd algo? – қайтарди бармен. – ¿Fino? ¿Jerez?

Қаердадир мумтоз мусика садоларининг сокин оҳангигаштиларди. «Бранденбург концерти – тўртинчи рақам», ўйлади Беккер. Ўтган йили бу концертни авлиё Мартин академияси ижросида Сьюзан билан бирга кўрганди. Қизни эслаши биланоқ Беккернинг хўрлиги келиб кетди, ҳозир Сьюзан ўзи билан бирга шу ерда бўлиб қолишини қаттиқ истади. Боши устида айланадиган вентилятордан келаётган салқин ҳаво йигитга ташқаридаги иссиқдан дарак берарди. Аллақандай панкни қидириб терга ботганича корадори иси уфуриб турган Триана кўчаларини сарсон-саргардонликда кезишини тасаввур қилиб, баттар қайфияти тушиб кетди. Яна Сьюзанни ўйлаб, томоғига аччиқ нарса тиқилди.

– Zum de arándano. Наматак шарбати, – деди у паст овозда алам билан пицирлаб.

– Наматак шарбати? – ажабланди Бармен. – Solo? Бир ўзими?

– Sí, – жавоб қайтарди Беккер. – Solo.

— ¿Echo un poco de Smirnoff? Бир қултум ароққа нима дейсиз? — янада қатъиyroқ сүради Бармен.

— Йўқ. Gracias.

— ¿Gratis? — бармен йигитни тинч қўйиш ниятида эмасди. — Муассаса ҳисобиданми?

Девиднинг хаёли паришон эди; Триананинг ифлос кўчашарини, жазирама иссиқни ҳамда олдинда уни кутиб турган угунданд-узок тунни кўз олдига келтириб мияси ғовлаб кетди ша почор оҳангда розилик билдириди:

Sí, échame un poco de vodka.

Йигитни кўндирганидан мамнун бармен ичимлик тайёрланишга киришди.

Девид барнинг безакли деворларига тикиларкан, туш кўраётгандек ҳис қилди ўзини. «Мен – оддийгина университет ўқитувчиси маҳфий топширикни бажаряпман. Қанақасиги бу ахволга тушиб қолдим...» – аламзадалик билан ўйлаб, ўйининг охирига етолмасди йигит.

Бу орада бармен намойишкорона яқинлашиб, қўлидаги ичимлик солинган чиройли қадаҳни Беккерга тутди.

— A su gusto, señor. Ныъматак шарбати ва бир қултум проқ, жаноб, марҳамат.

Миннатдорлик билдириб, қадаҳдан хўплаган Девидни ўттал тутиб қолди. Бир қултум ароқ эмиш!

## Ўттиз саккизинчи боб

Съюзаннинг холатини кўрган Хейл юришдан тўхта бурган ерида қаққайиб қолди.

– Нима гап, Сью? Кўринишингиз жойида эмас.

Съюзан кўркувини енгишга ҳарчанд уринмасин, бунинг уддасидан чиколмасди. Ўн кадам нарида турган монитордан тараалаётган ёруғликка карамасликка интилиб, бир амаллиб жавоб қайтарди:

– Мен... Мен яхшиман, – унинг юраги дуккиллаб уради. Хейл нима бўлаётганини тушунмади.

– Балки сув ичарсиз?

Монитор ёруғлигини ўчирмагани учун ўзини лаънатлиётган Съюзан ҳозир жавоб берадиган ахволда эмасди. Хейл терминали титкиланганини сезган заҳотиёқ қиз унинг Шимолий Дакоталигидан хабар топганини билади. Шундан кейин бу сирни Nod 3 дан ташқарига чиқармаслик учун Хейл ҳар қандай разиллиқдан ҳам қайтмаслиги Съюзанни хавотирга қўяётганди.

Эҳтиёт чораси сифатида қиз эшикка қанчада етиб олиши мумкинлигини чамалаб чиқди. Бефойда...

Кутилмаганда ойнаванд эшикнинг зарб билан тақиллаши хаёллари билан банд Съюзанни ҳам, Грэгни ҳам чўчитиб юборди. Улар бараварига ташқарига қарашди. Эшик ортида Чатрукян туғилган бармоқлари билан зўр бериб ойнани муштларди. Унинг чехрасида Азроилни кўргандек кўркувотиб қолганди.

Тизим хавфсизлик бўлимида ишловчи техник ходимнинг телбанамо кўриниши Хейлга ёқмади, у эшикка бироз аччиқланиб тикилиб турдида, Съюзанга караб деди:

– Мен ҳозир қайтаман, сиз бирор нима ичиб олинг. Рангингиз оқариб кетибди.

Сўнг ўгирилиб, Чатрукян нимадан бунчалик безовталигини аниқлаш мақсадида ташқарига чиқди.

Съюзан дарҳол ўзини кўлга олиб, иммилламасдан Хейлнинг терминалига келди, компьютерга эгилиб, ёруғликни пасайтириш учун керакли тургмаларни босгач, монитор қорайиб, аввалги ҳолига қайтди.

Қиз ғовлаб кетган бошини чангаллаганча ташқарига күз таплади. Ёш техник ваҳима ичидა қўлларини силкиганча Грегга нималарнидир зўр бериб уқтиришга уринарди. Хейл шлақачон ҳамма гапдан хабар топганини ҳис қилган Сьюининг эти жимиirlаб кетди. “Стратморнинг ёнига боришим керак, – ўйлади у. – Қанча тез бўлса шунча яхши.

## Ўттиз тўққизинчи боб

301-хона. Росио Ева Гранада ваннахонадаги бўйи барвар ойна олдида қип-яланғоч, гулдай нозик хипча белиги, бўлик сийналарига, силлиқ сонларига алам билан тикилиб турарди. Кун бўйи уни чўчитган дақиқалар етиб келганди ёткода уни кутаётган немисни ўйлаб юраги типирчилаб уради. Немис қиз ҳаётида тунни ўтказиши керак бўлган энек катта, энг бесўнақай ва энг семиз эркак эди.

Росио истар-истамас челякда турган муз парчалариди бирини олиб, кўкрагига ишқалади. Қизнинг сийналари тезди таранглашди. Муз бўлаклари унинг яширин сири эди – шу орқали у эркакларнинг эҳтиросини янада кучлироқ кўзги-тарди. Айнан шу туфайли Росионинг бағрида бўлганларнинг ҳаммаси унга қайтиб келарди. Узун-узун бармоклари билан қайишқоқ, офтобда тобланган баданини оҳиста сийпаларкан, танаси яна тўрт-беш йил шу иш билан шуғулланишти бардош беришига умид қилди. Қиз фохишаликни ташлаб, оддий ҳаёт кечириши учун яхшилаб пул ғамлаб олиши керак эди. Росиога тўланган пулнинг кўп кисмини Сенъор Рольдан ўзига олиб қоларди. Аммо у билан келишиб ишламаси, қиз бошқа «тунги капалак»лар сингари пиёнисталарнинг кўнглини олишига тўғри келишини яхши билиб, эътиroz билдиrolмасди. Келишув туфайли Рольдан қизга пули кўп мижозларни тўғрилайди, улар ҳеч қачон Росиога кўл кўтартмайди, бундан ташқари, уларни қондириш жуда осон. Қиз ўзига сабр тилаб, ҳарир ич кийимини устига илди ва чуқур нафас олиб, ваннахона эшигини очди.

Ётоказонага қадам кўйган Росиони кўрган немиснинг кўзлари қинидан чиқиб кетай деди. Тим қора, жуда нафис тунги кўйлак остидаги тана хира чироқ нурларида ажиб товланарди, тўрсимон мато тагидан бўртиб турган бўлик кўкраклар эркак зотининг ҳушини учирарди.

– Komm doch hierher, – деди немис қизга хирс билан тикилиб, ёнидан жой бўшатаркан.

Росио ўзини мажбуrlаб жилмайганча каравотга яқинлашди. Аллақачон ечиниб, ястаниб ётиб олган баҳайбат немисга бошдан-оёқ тикиларкан, бехосдан қиқирлаб кулиб

юборди: эркакнинг икки оёғи ўртасидаги аъзоси жуда кичкина экан.

Немис қизни маҳкам ушлаб, ўзига тортди ва сабрсизлик билан унинг нозик танасини яшириб турган охирги кийимни ҳим ечиб ташлади; семиз бармоклар силлиқ баданинг ҳар бир қаричини ғижимлашга тушиб кетди. Немиснинг устига чиқиб олган Росио ўзини чексиз лаззат олаётгандек тутиб, тинмай инқилларди, сохта жазавага тушиб, бетўхтов тўлғанирди. Эҳтироси кучли кўзғалган немис гавдасини кўтарди, қиз билан ўрин алмашиб, уни тагига босди. Росио устида бесўнақай ҳаракатланаётган гавданинг оғирлигини кўтаролмай нафаси ичига тушиб кетди, ҳаво етишмасдан, ёввойи-ларча баданини сўраётган немиснинг бўйни остидан бошини чиқариб йўталаркан, ҳаммаси тезроқ тугашини сўраб илтижо килди.

— Sí! Sí! — ҳансиарди қиз эркакнинг билқиллаган думбасига бармокларини ботириб, уни тезроқ бўшанишга ундаркан. Жонҳолда ётган қизнинг хаёлида ҳамма нарса аралашиб кетди, шу вақтгача нафсини қондирган сон-саноқсиз эркакларнинг чехраси, ишқ шаробидан маст аҳволда тикилиб ётган меҳмонхона номерларининг шифтлари, лаънати ишини тутатиб, тинч-осуда ҳаёт кечириш, фарзандли бўлиш ҳақидаги орзулар кўз олдида бирма-бир намоён бўла бошлади.

Тўсатдан, ҳеч қандай огохлантиришсиз немиснинг ҳаракатланаётган танаси бироз кўтарилди, сўнг тарракдай қотиб, қизнинг устига ағанади. «Бўлдими?» — ўйлади қиз ажаблашиб ва енгил тортди.

Росио бақалокнинг тагидан чиқишга уриниб, зўрға шивирлади:

— Азизим, келинг, мен устингизга чикаман.

Немис қимиirlаб ҳам қўймади.

Қиз кўли билан пайпаслаб, эркакнинг гўштдор елкаларни силкиди.

— Азизим... Мен... Мен нафас ололмаяпман!

Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Немиснинг вазнига дош беролмай, Росионинг қовурғалари кисирлаб кетди.

— ¡Despiértate! — жон аччиғида кичқирди қиз ва эркак-

нинг қалин соchlаридан бор кучи билан торта бошлади. – Улғонсангчи!

Шунда Росио бармоклари орасида илиқ, ёпишқоқ нарсани ҳис қилди. Қалин соchlардан аллақандай суюқлик қизнинг ёноқларига оқиб тушди, оғзига куйилди. Лаблари шүр таъмдан қамашиб кетган Росио сўнгги кучини тўплаб, немиснинг тагидан чиқиш учун типирчилади. Юқоридан тушган хир нур немиснинг жон чиқар маҳали бужмайиб кетган юзини ёритди, унинг чаккасини тешиб ўтган ўқ ўрнидан сиркни чиқаётган қон қизнинг ҳамма жойини шалоббо килганди. Росио талваса ичида ёрдам сўраб бақиришга уринди, бирор ўпкасига ҳаво етишмади: баҳайбат гавда уни эзиб кўйганди. Жонхолатда эшикдан келаётган нур томон талпинган қизнинг кўзлари овоз паstлатгич ўрнатилган тўппонча ушлагани кўлларга тушди. Шу замон ёрқин чақин чақнади ва қизнинг кўз олди абадий коронгулашди.

## Кирқинчи боб

Сьюзан Nod 3 ташкарисида бир аҳволда зўр бериб Хейл-  
и Трансхабарда муаммо чиққанига ишонтиришга уринаёт-  
ти Чатрукяннинг ёнидан бепарво ўтишга интилди, унинг  
нишини бир нарса – Стратморни тезроқ топиш банд қилган-  
ди. Аммо техник ходим ваҳима ичидан Сьюзаннинг қўллари-  
ни ушлади.

– Флетчер хоним! Бизда вирус бор! Ишончим комил!  
Сиз дархол...

Сьюзан уни бир силтаб, қўлини бўшатди ва ғазаб билан  
тиклиди.

– Командор сенга уйга кетиш ҳакида буйруқ берди деб  
ўйлагандим.

– Лекин монитор... Ўн саккиз соатдан бери...  
– Командор сенга кетишга буйруқ берди!  
– Минг лаънат ўша Стратморга! – қичкирди Чатрукян,  
унинг оғзидан чиқсан сўзлар залда акс-садо берди.

Шу вақт тепадан гумбурлаган овоз эшитилди:

– Жаноб Чартукян?

Учала ходим турган жойида қотиб қолди.

Уларнинг тепасида, офис ташкарисидаги панжарага  
иқки қўлини тираб командор Стратмор турарди. Унинг кўз-  
лирида ғазаб учқунлари зухрланганди.

Криптога чўккан сукунатни факат ертўлада тиним бил-  
май ишлаётган генераторларнинг ғуввиллаши бузиб туарди.  
Сьюзан нима қилиб бўлса-да Стратморнинг нигоҳларини  
ушлашга уринди. Командор! Хейл Шимолий Дакота экан!

Бироқ Стратморнинг кўзлари ёш техник ходимга қадал-  
тиан эди. Командор Чатрукяндан нигоҳини бир лаҳза ҳам уз-  
маган ҳолда зиналардан бир-бир босиб пастга тушди. Айт-  
тиан гапидан минг пушаймон еб, қўрқув ичидан қалтираётган  
ходимининг ёнига бир неча қадам қолганда тўхтади.

– Ҳозиргина нима дедингиз?

– Жаноб, – Чатрукяннинг нафаси ичига тушиб кетди, –  
Трансхабарда муаммо бор!

– Командор! – унинг гапини бўлди Сьюзан. ★ Агар рух-  
сат берсангиз...

Стратмор жим бўл дегандек қўлини силкиди. У ҳамон нигоҳини Чатрукяндан узмасди.

– Бизда заарланган файл бор, жаноб! Ишончим комил – зорланди йигит.

Стратморнинг юзи қизариб кетди.

– Жаноб Чатрукян, биз аллақачон текшириб чикқанми? Трансхабарни заарловчи ҳеч қандай файл мавжуд эмас.

– Сиз адашяпсиз, – портлади йигит. – Вирус мавжуд майни дамда у асосий маълумотлар баъзаси томон...

– Хўш, қаерда экан ўша лаънати вирус? Менга қўрсатингчи! – ўшқирди Стратмор дарғазаб бўлиб.

Чатрукяннинг попуги пасайди.

– Мен... Мен уни қўрсатолмайман.

– Албатта қўрсатолмайсиз! Чунки ҳеч қандай вируснинг ўзи йўқ!

– Командор, мен айтишим керакки, – Сьюзан шефнинг эътиборини тортиш учун яна гап бошлади. Аммо Стратмор жаҳл билан қўл силтади.

Шунча бакир-чакирларга қарамай, бир туки ўзгармасдан мағурланиб турган Хейл қизнинг эътиборини тортди. Албатта, ўйлади Сьюзан, Хейл вирус ҳақида бош қотирмайди, чунки Трансхабарнинг ичидаги аслида нима борлигини у жуда яхши билади.

– Заарланган файл ростданам бор. Фақат Gauntlet уни аникломаган, – Чатрукян тихирлик қилиб туриб олди.

Стратмор тутаб кетди.

– Gauntlet вирусни ушламаган бўлса, қайси гўрдан билақолдингиз унинг мавжудлигини?

– Занжир мутация, жаноб, – ишонч билан хитоб қилди техник. – Мен тўлиқ таҳлил ўтказдим, натижада занжир мутация келиб чиқди.

Сьюзан нима учун вирус тушганига амин эканлигини энди тушунди. Занжир мутация маълумотларни жуда мураккаб усулда вайрон қилувчи дастурлаш тури бўлиб, компьютер вирусларининг аксарият қисми унинг асосида ёзиларди. Хейлга ёзган мактубида Танкадо бу мутация Рақамли қалъанинг бир қисми экани ҳақида айтиб ўтганди.

— Даастлаб занжирни кўриб, Gauntlet’нинг фильтрларида үзатолик юз бериб ўтиб кетибди деб ўйладим, — гапида давом иди Чатрукян. — Аммо бир неча таҳлилдан кейин аниқладим-ки... — йигит айтсамми, айтмасамми дегандек тўхтаб қолди, сўнг тилга кирди: — Шуни аниқладим-ки, кимдир шайидан Gauntlet’га вирус киритган экан.

Бу гапни эшишиб, ҳамма жим бўлиб қолди. Стратмор-нинг юзи баттар қизариб, бўғрикиб кетди. Чатрукян кимни яйблайётгани аниқ бўлганди: Gauntlet’га бирор файлни қўлда киргизиш мумкин бўлган ягона компьютер Стратморга тенишши эди.

— Жаноб Чатрукян, — совук овозда гап бошлади командор. — Сизга ҳисоб беришга мажбур бўлмасам-да, айтиб ўтишим керакки, мен ўзим Gauntlet’га файл киргиздим. Эрта-рок айтганимдек, ҳозир жуда мукаммал диагностика устида ишлайяпман. Сиз Трансхабарда кўрган занжир мутация унинг бир қисми холос. Gauntlet файлни автоматик ўтиказишдан бош тортгач, қўлда киритишдан бошқа чорам қолмади! Трансхабарнинг ичидан ростдан ҳам занжир мутация бор, чунки мен киргиздим уни! — чертиб-чертиб гапирди шеф ва кўзларини жаҳл билан қисиб, Чатрукянга еб қўйгудек тикилди. — Хўш, ҳаммаси тушунарли бўлса, кетишдан олдин сўрайдиган бирор гапингиз борми?

Сьюозан бир лаҳзада ҳаммасини тушунди. Стратмор код-лингган Рақамли қалъя алгоритмини интернетдан юклаб олгич, Трансхабар орқали уни очишни ўйлаган, бироқ занжир мутацияни илғаб қолган Gauntlet алгоритмни қабул қилмагич, ноилож фильтрларни четлаб ўтиб, алгоритмни қўлда киритишга қарор қилган.

Одатда Gauntlet’ни четлаб ўтиш ҳакида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди, аммо ҳозирги вазиятда Рақамли қалъани ҳеч қандай фильтрларсиз Трансхабарга киритишнинг хавфли жойи йўқ эди; командор алгоритмнинг нима экани ва қаердан келганини аниқ биларди.

— Жаноб, сизни қаттиқ хурмат қилишимга карамасдан, шитмоқчиман-ки, — қайсарлик билан деди Чатрукян, — мен

ҳеч қачон мутацияга эга диагностика ҳақида эшитмаш эканман.

– Командор, – бошқа кутишга токати қолмаган Сьюзан қатъият билан унинг гапини бўлди, – мен...

Бу сафар у гапини охирига етказишига Стратморни асабий жиринглаган телефони йўл кўймади. Командор жириб бериш тугмасини босиб, ўшкирди:

– Нима гап?

Кейин, муҳим хабар шекилли, овозини ичига ютиб кўнғироқ килувчини бўлмасдан тинглади.

Сьюзан Шимолий Дакотани фош этишни бир дақиқага унудди. Кўнғироқ қилган одам Девид бўлиб чиқишини сўраб илтижо килди. Девид яхши экан деб айтинг шеф, ёлворарни киз ичиди. У узукни топди деб айтинг, илтимос! Командор Сьюзаннинг хаёлидан ўтганларни фаҳмлади шекилли, бош чайкади. Кўнғироқ қилган Девид эмасди.

Сьюзаннинг шашти тушиб кетди, унга ҳозир севган инсонининг соғ-саломат эканини эшитишдан бошқа ҳеч нарса керак эмасди. Албатта, Стратмор ҳам игна устида ўтирибди ҳозир; Девид узок қолиб кетадиган бўлса, командор МХА нинг маҳсус агентларини Испанияга жўнатишига тўғри келади.

– Командор, – шоширди Чатрукян. – Ўйлайманки, бин текширишимиз керак...

– Бир дақиқа, шошмай тур, – Стратмор қўнғироқ эгасидан узр сўраб, техникка ўгирилди, кўзлари ёниб, паст, аммо дарғазаб овозда деди: – Жаноб Чатрукян. Муҳокама тамом! Криптони тарқ этинг! Ҳозироқ! Бу буйруқ!

Чатрукян гангид қолди:

– Жаноб... Ахир... Занжир мут...

– Ҳозироқ! – сабр косаси тўлган Стратмор овозини кўтарди.

Чатрукян бир неча сония сўзсиз шефга тикилиб турди, сўнг лаборатория томон қуюндеқ отилди.

Стратмор чуқур нафас олиб ўгирилди ва кўзи Хейлга тушиб, ажабланди. Командор нега ҳайратланганини Сьюзан жуда яхши англади. Шунча тўс-тўполон давомида Хейл

Чакагини қимирлатиб ҳам қўймади. Табиатан ўта сергап ва миҳмадона Хейл учун бу мутлако ёт одат эди. Қолаверса, Грег Хейл жуда яхши билардики, ҳеч қайси диагностикада инжир мутациядан фойдаланилмайди, Трансхабарни ўн синклиз соат банд қиласиган диагностика ҳақида гапирмаса ҳим бўларди. Шунга қарамай, Хейл атрофида бўлган қийчук унга ҳеч бир алокаси йўқдек бир оғиз ҳам чурқ этмагани жуда ғалати эди. Стратморнинг ичида уйғонган саволга жавобини эса Сьюзан жуда яхши биларди.

– Командор, – сабрсизланди қиз, – агар гаплашиб олсанк...

– Бир дақиқа, – гапни кесди Стратмор ва Хейлга савол шизари билан қараб қўйди. Сўнг, – сухбатни тугатишим зарур, – деди-ю, кабинетига чикиб кетди.

Сьюзан оғзини жуфтлаганча қолди. Хейл – Шимолий Дақота! Кўтариб юрган сирининг оғирлигидан, қизнинг нағас олишга ҳам мажоли қолмади, Хейлнинг ўзига тикилган ўткир нигоҳларини сезиб, ўгирилди. Хейл бир қадам олдингти ўтди ва қизга Nod 3 нинг эшиги томон юришга ишора қилиб, илжайди:

– Сиздан кейин, Сью!

## Қирқ биринчи боб

Альфонсо XIII нинг З-қаватида, деворга ёпиштирлган шкаф олдида хизматкор аёл хушсиз ётарди. Темир кўзойнак таққан киши эса унинг чўнтағига хона калитини қайта жойлаштирди. Эркак бир неча ўн дақиқа олдин бошига бехосдан тушган зарбдан додлаб юборган аёлнинг оғзидан чиққан қичқириқни эшитмаганди, эшита олмасди ҳам – у ўн икки ёшидан бери кар эди.

Эркак мамнуният билан шимининг камарига қистирилган митти компьютерчага қўл чўзди. Бу батарейкани унгни собиқ мижозларидан бири тухфа қилган бўлиб, ҳозир унинг ёрдамида дунёнинг исталган бурчагидаги мижозлар билан ҳеч қандай из қолдирмасдан шартнома тузоларди.

Ёкиш тугмасини босиши биланок кўзойнакнинг бир кўзи ёришди. Котил, ҳар доимгидек, бармоқларини харакатга келтириб, курбонларининг исмини ёза бошлади. Бироз муддатдан сўнг унинг кўз олдида қуйидаги жумлалар пайдо бўлди:

*Объект: Росио Ева Гранада – йўқ қилинди.*

*Объект: Ганс Ҳюбер – йўқ қилинди.*

Қотилдан уч қават пастда ўзига бостириб келаётган хавфдан бутунлай бехабар Девид Беккер яримлаб колган қадаҳини кўтариб, тоза ҳаводан нафас олиш мақсадида меҳмонхона балкони томон юрди. Кираман-у чиқаман эмиш, ўзига ўзи шивирлади у. Ҳар сафар кираман-у чиқаман деб кадам ранжида этган маконида ишлари битмасдан, режаларининг бари чиппакка чиқяпти. Балки шунчаки таслим бўлиб, аэропортга қайтгани дурустдир? Миллий хавфсизлик масаласигаям.... Девид сўкинди. Шунчалик муҳим топшириқ экан, нега энди ўқитувчини юборишади бу вазифани бажаришга?

Ароқдан бироз сархушланган Беккер қадаҳида қолган ичимликни ёнида турган ёсуман гули экилган тувакка тўкиб ташлади. Сўнг идишга митти фавворадан сув тўлдириб, култиллатиб ичди, алкогол таъсирини камайтириш мақсадида бир неча марта қаттиқ керишди ва қадаҳни бар устида қолдириб, чикиш томон йўналди.

Лифтнинг ёнидан ўтиб кетаётганида эшиклар очилиб, ичкарида қора плаш кийган эркак қўринди. Беккернинг нигоҳи илғаган ягона нарса эркакнинг қалин, кора темир қўйнаклари бўлди, чунки эркак бурнини қоқиш мақсадида юзини рўмолча билан тўсиб олганди. Беккер унга илтифот билан жилмайди ва ташқарига чиқди. Олдинда уни узундан-узоқ Севилья туни кутарди.

## Қирқ иккинчи боб

Грег Хейлнинг асл башарасини командорға күрсатыб беришга имконият бўлмаганидан аччиқланган Сьюзан Нод З нинг улкан залида ўзини қўлга ололмасдан у бурчакдан бу бурчакка асабий бориб келарди.

– Стресс одамни ўлдиради, Сью. Нимадан бунчалик асабийлашяпсиз? – сўради қиздан терминалида бамайли хотир ўтирган Грег. Унинг бу гапидан кейин Сьюзан мажбуран стулга ўтирди. Қиз командор телефондаги сухбатини тугатиши биланоқ мен билан гаплашгани ортга қайтади деб умид қилаётганди, аммо ташқарида Стратморнинг қораси ҳам кўринмасди. Сьюзан ўзини босишга уринди ва чалғиши мақсадида компьютер экранига қаради. Изқувар ҳануз ортга қайтгани йўқ, лекин энди бунинг зарурияти ҳам йўқ эди. Чунки Сьюзан бир неча ўн дақиқалардан кейин мониторида GHALE@crypto.nsa.gov электрон манзили пайдо бўлишини яхши биларди.

Елкасида кўтариб турган сирдан юраги потирлаб, ичига сифмаётган қиз бесабрлик билан Стратморнинг оғиси томон кўз ташлади, оптик кутишга токати етмасдан шефнинг телефондаги сухбатини бўлишга қарор килиб, ўрнидан турди ва чикиш эшиги томон йўналди.

Қиздаги ғайриоддий хатти-харакатини сезган Хейлнинг юзида ташвиш ифодаси сезилди. У дарҳол ўрнидан туриб, икки сакрашда эшикка етиб олди, сўнг чап қўлинини эшикка тираб, қизнинг йўлинини тўсди:

– Нима гаплигини менга айтинг, – талаб қилди йигит ўт-кир нигоҳларини қизга тикиб. – Бугун нимадир бўляпти бу ерда. Очиғини айтинг, Сью, нима гап ўзи?

– Йўлимдан коч, Грег! – Сьюзаннинг юраги Хейлнинг рўпарасида турган Хейлнинг кутилмагандан йўлинин тўсиб олганидан орқага тортиб кетган бўлса-да, иложи борича пинагини бузмасдан бир текисда гапиришга харакат қилди.

– Кўйсангизчи, Сью, – босим ўтказишга уринди йигит. – Ўз вазифасини бажаргани сабаб Стратмор ҳозиргина Чатрукянни ишдан бўшатаёзди. Трансхабарнинг ичидаги нима бор? Ўн саккиз соат давом этадиган хеч қандай диагностика

Шўк ёжанини иккимиз ҳам яхши биламиз. Бу гап билан мени ишқијлатолмайсиз. Хўш, нима бўляпти?

Сьюзаннинг кўзлари жаҳлдан қисилиб кетди. Нима бўлаётганини мендан кўра сен аблар яхшироқ биласан!

— Даф бўл, Хейл, — бутун нафратини кўзига тўплаб сўзлади қиз. — Мен ваннага боришм керак.

Хейл ўшшайди, бир неча сония қизга ишонқирамасдан караб турди-да, сўнг қўлинини туширди:

— Кечирасиз, Сью. Мен шунчаки ҳазиллашдим.

Сьюзан ўқрайганча уни зарб билан туртиб, ёнидан ўтиб кетди. Ташқарига чиққанида ҳам Хейлнинг ўткир нигоҳлари ойна ортидан ўзини кузатаётганини сезиб, ўнғайсизланди. Грегни шубхалантираслик мақсадида Стратморнинг хонасига эмас, ванна томон йўл олди.

## Кирқ учинчи боб

Ёши кирк бешдан ошган бўлишига қарамай, Чед Бринкерхофдан йигитлик таровати уфуриб турарди. Эгнит илган енгил ёзги костюмидан бўртиб чиқиб турган слеки мушаклари, ажин ораламаган сип-силлик офтобда тобланган юзи, соҳилда тўплangan кумнинг рангидек оч маллараш соchlарига ҳамоҳанг тушган линза ортидаги шишадек тиник кўк кўзлари Чедга ажиб кўркамлик бахш этарди.

Ёғочдан ишланган қимматбаҳо мебель билан жиҳозланган офисини кўздан кечираркан, Чед Бринкерхоф шунчийиллик хизматлари эвазига МХАда қанчалик кўтарилгани ҳакида ўйлади. Ҳозир у МХАнинг тўққизинчи – шартли ривишида «Қизил дараҳт» деб аталувчи қаватини ишғол этганди. Офис раками – 9A 197 – директорлар йўлаги.

Шанба куни кечқурун бўлгани сабаб «Қизил дараҳт» йўлагидаги барча кабинетлар бўм-буш бўлиб, бошқарувчилар барча нуфузли шахслар қатори дам олиш кунини мароқли ўтказиш мақсадида аллақачон кетиб бўлишганди. Аслиди Бринкерхофнинг орзуси МХАда ҳакиқий карьера қилиш эди, бироқ, баҳтга қарши, қоғозбозликдан боши чикмайдиган «шахсий ёрдамчи» лавозими билан чекланишга мажбур бўлди. Америка разведкасидаги энг кудратли одам билан ёнма-ён ишлашигина унга бироз таскин берарди. Гарчи Бринкерхоф Андовер мактаби ва Уилямс коллежини аъло баҳолар билан тамомлаган бўлса ҳам, МХАда у ўрта яшар, ҳеч қандай ҳокимиятга, сиёсий кучга эга бўлмаган, ўз кунларини бошқа бировнинг кун тартибини тузиш учун сарфлайдиган оддий ходим эди.

\* \* \*

Албатта, МХА бош директори шахсий ёрдамчиси бўлишнинг ўзига яраша фойдали жиҳатлари бор эди. Масалан, Бринкерхоф директорлар йўлагида ҳашаматли хонага эгалик қиласди, барча бўлимларга киришга тўла рухсати бор, бундан ташқари, атрофидагилар кўз ўнгидаги директорга энг яқин одам сифатида ўзига хос назар билан қаралашининг гашти ҳам бор. Керакли эслатмаларни ёзиб оладиган даражага-

шактли, матбуот конференцияларини ўтказадиган даражада келишгандын ҳамда жон қуидириб ишламайдиган даражада дингаса Бринкерхоф ич-ичидан шахсий ёрдамчи бўлишга туғма лаёқати бор эканлигини сезарди.

Хонадаги камин устида турган соат жиринглаб, Чедга умрининг яна бир маҳзун куни тамом бўлаётганидан дарак берди. Жин урсин, ўйлади у, шанба куни, соат бешда нима килипман ўзи бу ерда?

– Чед, шу ёрдамисан? – эшик ортидан аёл кишининг овози эшишилди. Бринкерхоф бошини кўтариб, остоңада турган Фонтейннинг ички хавфсизлик таҳлиличиси – Миж Милкенга кўзи тушди. Ёши олтмишларга борган, бироз вазн тўплаган Мижнинг ҳанузгача жозибали кўринишидан Бринкерхоф ҳайрон қоларди. Салкам олтмиш йиллик умри давомида уч марта эрга тегиб, ажрашишга улгурган Миж мағур қадам ташлаб хонага кирди. Аёл жуда ақлли, сезгир эди, у кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаб, ўттиз йилдан оникроқ вақт мобайнида шундай даражага эришган эди-ки, ташкилотнинг ички ишлари ҳақида Миж Милкен Худодан ҳам кўпроқ билади, деган гап-сўзлар юради.

«Жин урсин, – ўйлади Бринкерхоф аёлнинг кулранг Кацмир кўйлагига назар ташларкан, – ё мен қарияпман, ё у ёшарип кетяпти».

– Ҳафталик ҳисботларни олиб келдим, – деди Миж жилмайиб кўлидаги файлларни силкиркан. – Ракамларни бир текшириб чиқишинг керак.

Бринкерхоф аёлнинг қоматига сук билан қараб, ҳазиллашибди:

– Бу ердан ҳаммаси жуда яхши кўриняпти, текширишга ҳожат бормикин?

– Ростданми Чед? – қиқирлади Миж. – Мен ҳатто онанг бўлишга ҳам қарилик киласман.

«Эслатишинг шарт эмас», – хаёлидан ўтказди Бринкерхоф.

– Мен ҳозир кетяпман, аммо директор бу ҳужжатларни Жанубий Америкадан қайтгунига қадар тайёр кўришни истаяпти. Душанба куни эрталабга ҳаммаси таҳт бўлиши за-

рур, – аёл қўлидаги бир уюм файлни Чеднинг столи устидаги ташлади.

– Нима мен сенга? Ҳисобчиманми?

– Йўқ, азизим, сен директорнинг ўнг қўлисан. Буни унутмаган бўлсанг керак?

– Мен директорнинг ёрдамчиси бўлсам, нега энди ҳисоботларни кўтариб келасан?

Миж чаккасига осилиб тушган сочини қулоғи ортига яшириди:

– Сен ўзинг кўпроқ масъулият сўрагандинг. Мана айтти. нингдек бўлди.

Чед унга хафа бўлиб қаради ва:

– Миж, менинг ҳаётим йўқ... – деб шикоят қилишини бошлаган эди, аёл унинг гапини кесиб, қофозларни кўрсатди.

– Мана сенинг ҳаётинг, Чед Бринкерхоф, – деди у, сўнг эркакнинг аҳволини кўриб, бироз юмшади. – Кетишимдан олдин бирор ёрдам бероламанми?

Чед кўзларини мўлтиратиб Мижга қаради ва оғриб кетган бўйинини ўёқ-буёққа бурди:

– Менинг слкаларим қаттиқлашиб кетди.

– Аспирин ич у холда, – жилмайди аёл.

Чед кўзларини айёrona кисди:

– Белимни уқалаб қўёлмайсанми?

Миж кулиб бош чайқади:

– Cosmopolitan’да ёзилишича, бел уқалаш билан бошланган ёрдамнинг учдан икки қисми жинсий алоқа билан тугаркан.

– Бизники ҳеч қачон бундай бўлмайди, – лабини жийирди Чед.

– Худди шундай, – аёл кўзини кисди. – Ҳамма муаммо ҳам шунда.

– Миж...

Миж:

– Хайрли тун, Чед, – деб эшикка йўналди.

– Сен кетяпсанми?

– Мен жон деб колган бўлардим, лекин яхши биласан, – жавоб берди аёл эшик тутқичини ушлаб, – менинг ҳам гу-

урим бор. Мен шунчаки иккинчи даражали одам бўлишни истамайман – айниқса аллақандай ўспириң қизга.

– Хотиним ўспириң қиз эмас, – Чеднинг пешонаси тиришди. – У ўзини шундай тутади холос.

Миж унга ажабланиб қаради ва киприкларини пирпаратиб, бегуноҳ овозда деди:

– Мен рафиқангни гапирмадим, Карменни назарда туғиман, – у исмни қалин Пуэрто-Рико акцентида талаффуз килди.

Бринкерхоффнинг овози қалтираб чиқди.

– Ким?

– Озик-овқат бўлимидағи Кармен!

Бринкерхоффнинг юзи уятдан қизариб кетди. Йигирма етти яшар Кармен Хуэрта, МХАнинг таъминот бўлимида онназ бўлиб ишларди. Бринкерхоф бир неча маротаба у билан ишдан кейин маҳфий равишда омборда қолиб, ишкий муносабатларни амалга оширганди.

Миж беозор кулди:

– Хўш, Чед, эсингга гушдими? Катта ака ҳаммасидан мибардор.

– Катта ака? – шубҳа аралаш сўради Чед. – Катта ака омборни ҳам кузатадими?

Миж кўпинча «Катта ака» ёки «ака» деб Кизил дарахт қиватининг марказий хонасида турадиган шкафдек улкан «Centrex 333» курилмасини атарди. Катта ака Миж бошқаридиган дунёнинг энг муҳим бўлаги бўлиб, у МХА ташкилотининг бутун мажмуа биносига ўрнатилган 148 та видеокамера, 399 та электрон эшик, 377 та телефон эшитиш мосламаси ҳамда 212 та «қўнғиз»дан маълумотларни қабул килиб турарди.

МХА директорлари йигирма олти минг ишчига эга бўлиш факат яхшиликка эмаслигини, аксинча, ходимлар сонининг ҳаддан ташқари кўп эканлиги тез-тез кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқариши мумкинлигини яхши билишарди. МХА тарихидаги энг катта қонунбузарликлар ҳам хизмат назифасини суистеъмол килиш ҳоллари ҳам, сотқинликлар ҳам айнан мана шу бинонинг ичкарисида содир бўлганди.

Шу сабабли директорлар МХАдаги ички текширувни алохидан назоратга олишга катта аҳамият қаратади. Ички хавфсизлик таҳлилчиси сифатида Мижнинг асосий вазифаси МХА деворлари орасида нима воқеалар бўлаётганини кузатишдан иборат эди.

Бринкерхофф ўзини ҳимоялаш мақсадида ўрнидан турди, аммо Миж унга қайрилиб ҳам қарамади:

– Кўллар стол устига қўйилсин! – эшикдан чиқаётib елкаси оша хитоб қилди аёл. – Мен кетганимдан кейин ҳеч қандай қизиқарли ишга қўл урилмасин. Деворнинг ҳам қулоғи бор, унутма!

Бринкерхофф жойига ўтирганча Мижнинг узоклашаётган қадам товушига қулоқ солди. Қадамлар тингач, кўнгли хотиржам тортди. Миж ҳеч қачон Кармен ҳақида бирорга чурқ этиб оғиз очмаслигини яхши биларди, чунки аёлнинг ўзи ҳам қордек оппоқ эмасди – улар Бринкерхоф билан шакаргуфторлик қилган пайтлар ўтмишда кўп бўлган.

Эркакнинг хаёли Кармен томон кочди, қизнинг нозик, буғдойранг баданини тўлғантириб, жўшқин салса рақсига тушиб бергани ҳақида ўйлаб, энтикиб кетди ва жилмайди. Балки ишимни тугатганимдан кейин овқатлангани тушарман, деб кўнглига туғиб қўйди, сўнг хозиргина Миж ташлаб кетган файллардан бирини очди.

### *Крипто – кирим/чиқим*

Буни кўриб унинг чехраси ёришиб кетди. Миж умуман кийин бўлмаган кирим-чиқим ҳисботини берган кўринади. Аслини олганда, Бринкерхофф ҳар бир рақамни синчиклаб текшириши зарур эди, бироқ директорни қизиқтирадиган ягона рақам ЎРН – ўртacha расшифровка нархи бўлиб, бу Трансхабар очадиган ҳар бир код учун бериладиган сумма миқдори эди. Нарх минг доллардан паст бўлса, Фонтейнда ҳеч қандай эътиroz уйғонмасди.

Кундалик ЎРНларни бирма-бир кўздан кечиришни бошларкан, Бринкерхоффиңг кўз олдида асал билан танасига ишлов бераётган Кармен Ҳуэртанинг жамоли намоён бўлиб, ишни тезроқ тамомлашга ошиқди ва ярим дақиқа ўтар-ўтмас

бутун бошли ҳисоботни текширишни деярли тугатиб бўлди. Кринто маълумоти ҳар доимгидек хатосиз эди.

Навбатдаги ҳисоботга қўл чўзмокчи бўлиб турган маҳалли энг охирги варакдаги ЎРН миқдорига кўзи тушиб, эсҳонаси чиқиб кетар эди. Нарҳдаги рақамлар сони кўплигидан бир устунга сифмай, иккинчисига ошиб ўтганди. Бринкерхофф кўзларига ишонмай, қайта-қайта суммани текширди.

999 9999 999? Унинг нафаси ичига тушиб кетди, кўз олдидаги Кармен қиёфаси изсиз ғойиб бўлди. Бир миллиард доллар? Бир миллиард долларлик код?

Бринкерхофф нима қиларини билмасдан серрайиб ўтириб қолди. Сўнг вахима ичидা:

– Миж! Орқангга қайт! – деб қичкирганча ўрнидан туриб, ташқарига отилди.

## Қирқ тўртинги боб

Криптонинг тизим хавфсизлик назорати лабораторияси хонаси. Фил Чатрукян бўлиб ўтган ишлардан ҳануз ўзига кеполмас, қулоклари остида командор айтган сўзлар жарангларди: Ҳозирок бу ердан корангизни ўчиринг! Бу буйруқ!

– Ҳе ўша диагностикангаям... – бўралатиб сўкинди Фил оёғи остидаги ахлат қутисини тараклатиб тепаркан. Качондан бери бош директор ўринбосари Трансхабарга қўлда файлларни киритадиган бўлиб қолди?

Тизим хавфсизлик назорати бўлимига МХАдаги компьютер тизимларини ҳимоя килгани учун жуда яхши ҳак тўланиб, ходимлардан ўта аниқ ва ҳалдан ташқари эҳтиёткор бўлиш талаб этилишини Чатрукян яхши биларди.

– Жин урсин, мен эҳтиёткорликни ошириб юбормаяпман, монитор ўн саккиз соатдан бери Трансхабарни ишлаттанини кўрсатиб турибди ахир. Бу нормал холат эмас. Бу вирус! – ёш ходим ички ҳиссияти алдамаётганини ич-ичидан ҳис этарди. – Ҳойнахой Стратмор Gauntlet’нинг фильтрларини айланиб ўтиб, қандайдир файл киритаётганда хатоликка йўл қўйган, энди эса диагностика ҳакида эртак тўкиб, шу айбини яширишга уриняпти, – тахмин қилди йигит.

Айни вактда Чатрукянни хавотирга солаётган нарса фақатгина Трансхабарнинг узок муддат давомида ишлаттанини эмасди. Гарчи криптографлар Gauntlet’нинг асосий вазифаси код ечувчи машинани ҳимоялаш деб тушунсаларда, аслида Gauntlet фильтрлари МХАнинг асосий маълумотлар базасини сақлашга хизмат килишини фақат тизим хавфсизлик назорати ходимлари аниқ англарди.

Маълумотлар базаси қурилишининг тарихи Чатрукянни ҳамиша ҳайратга солиб келган. 1970-йилларда Мудофаа вазирлиги интернетни ўзида сақлашга қаттиқ уринишига қарамасдан, у барибир омма эътиборидан четда қолмади – университетлар, турли ташкилотлар унга қизиқишни бошлиди, бу эса тижорий серверларнинг очилишига олиб келди, пировардида жамиятнинг барча аъзолари интернетдан очиқ-часига фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

90-йилларнинг бошига келиб ҳукумат қачонлардир

ишончли ва мустаҳкам деб ўйлаган интернет оммавий электрон почта серверлари ва порнографик сайтлар билан тұлиб-тошиб кетди.

АҚШ ҳарбий-денгиз флоти разведкасига қилинган бир нешта киберхужум соат сайин ривожланиб бораётган интернетте уланган компьютерлар ортиқ давлат сирларини яширини саклаб беролмаслигини күрсатиб қўйди. Натижада Мудофаа вазирлигининг таклифига биноан президент хавфсиз интернет ўрнига АҚШдаги барча разведка агентликларини бир-бирига боғлаб турувчи бутунлай янги, ишончли ҳукумат тармоғини яратиш тұғрисида маҳфий фармон чиқарди. Давлат сирларини ўғирлашга қаратилған келгуси ҳужумларнинг олдини олиш мақсадида барча нозик маълумотлар ўта юқори даражада ҳимоя қилинган жой – эндигина қуриб битказылған МХА маълумотлар базасига жойлаштирилди.

Мамлакат хавфсизлиги билан боғлик бўлган миллионлаб маҳфий суратлар, аудиоёзувлар, ҳужжатлар ва видеолар рақамли кўринишда МХА маълумотлар базасига кўчирилиб, ҳақиқий нусхалари йўқ қилинди. Маълумотлар базасининг ўзи эса уч қаватли ҳимоя қобиғи ҳамда рақамли таянч тизими билан ўралиб, магнит майдони ва эҳтимолли портлашлардан асраш мақсадида 214 фут чукурликда ер остига кўмиб ташланди. Маълумотлар базасини назорат қилиш хонаси “Мутлако маҳфий. UMBRA” номи остида мамлакатдаги энг юқори даражада қўриқланувчи макон сифатида тасниф этилди.

Тарихда ҳеч қачон давлат сирлари бунчалик мустаҳкам ҳимояланмаган эди. Ултразамонавий қуролларнинг моделлари, давлат ҳимоясига олган гувоҳларнинг рўйхати, маҳфий жосусларнинг асл шахсий маълумотлари, бўлиб ўтган ва бўлиши кутилаётган маҳфий операцияларнинг тафсилотлари ҳақидаги бутун ахборот ҳозир рақамли кўринишда мана шу маълумотлар базасида сакланарди. У ўзига яширган сир-синоатларнинг охири йўқ эди ҳисоб.

Албатта, МХАнинг масъул шахслари тўпланган маълумотлар фойдаланишга ярасагина қадри бўлишини яхши тушунарди. Маълумотлар базасининг асосий муваффакияти

махфий ахборотни оммадан яшириш эмас, фақатгина тўғри одамлар қўлида ишлатилишини таъминлашдан иборат ўзи. Барча жамланган маълумотлар махфийлик даражасига кўри бир неча турга ажратилди ҳамда хукумат ходимларининг ўрнига қараб фойдаланишга топширилди. Масалан, дениги флоти командири МХАга боғланиб, Россия портларида олинган энг сўнгги расмлардан боҳабар бўлиши мумкин, бироқ унинг хукуматнинг Жанубий Америкада ўтказилиши кўзда тутилаётган гиёҳвандликка қарши тадбирлари режаси-ни кўришга ҳуқуқи йўқ эди. Марказий разведка бошқармаси таҳлилчилари машҳур ёлланма қотиллар ҳақида истаганини маълумот олса ҳам, фақат президентга дахлдор ядеровий ри-кеталарни ишга тушириш кодлари тўғрисида ҳеч нарса би-полмасди.

Крипто тизим хавфсизлик назорати ходимлари юкориди-ги ахборотдан фойдаланишга имконият йўқ бўлса-да, улар-нинг вазифаси айнан шу маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлашдан иборат эди. Ҳар қандай улкан маълумотлар омбори – суғурта компанияларидан тортиб, университет-ларникигача – каби, МХА маълумотлар базаси ҳам ичкари-да беркитилган ахборотга бир кур назар ташлаш илинжили-юрган хакерларнинг доимий ҳужумларига дучор бўларди. Бироқ МХАда дунёдаги энг яхши дастурловчилар йигил-ган, улар яратган қўриқлаш дастурларини ёриб ўтишга шу вактгача ҳеч кимнинг қурби етмаганди ва МХА ҳам бир умр шундай бўлишига ишонарди.

\* \* \*

Лабораторияда Чатрукян ҳанузгача кетиш ёки кетмас-лигини билмасдан терга ботиб ўтиради. Трансхабарда му-аммо чиққани маълумотлар базасида ҳам кўнгилсизлик мав-жуд дегани эди. Стратморнинг бунга безътиборлиги йигитни ўйга солди.

МХАдаги ҳар бир ходим Трансхабар билан МХАнинг маълумотлар омбори бир-бирига узвий боғлиқ эканидан ха-бардор эди. Трансхабарда ечилган ҳар бир янги код Крипто-дан чиқиб, тўрт юз метрлик фибр – оптик толали кабелे, орқали МХАнинг маълумотлар базасига тушар, ўша ерда

хавфсиз сакланарди. Маълумотлар базасидек табаррук ма-  
конга кирувчилар сони чекланган бўлиб, Трансхабар бундан  
мустасно эди. Gauntlet’дек қўриқчи бўлгани боис Трансхабардан  
келган ҳар бир маълумот ҳеч қандай иккиланишсиз  
багига ўтиб кетаверарди. Бироқ ҳозир Стратмор ўша сокчи-  
ни айланиб ўтиб, Трансхабарга нимадир киритиб юборибди.

Чатрукяннинг юраги лопиллаб уриб кетди. Трансхабар  
уни саккиз соатдан бери тиним билмаяпти! Трансхабарга  
тунгган компьютер вируси МХАнинг маълумотлар базаси  
юмон йўргалаб кетаётгани эҳтимоли жуда юкори эди. Бу ҳа-  
лоқат демак эди.

— Мен бу хақда хабар беришим зарур! – йигит ортиқ ўй-  
лаб ўтиришни истамади. Gauntlet билан боғлиқ фавқулодда  
холатларда мурожаат қилиниши зарур бўлган ягона киши  
МХАнинг бош тизим хавфсизлик назорати ходими эди. Жаб-  
би лакабли бу одам Gauntlet’нинг курилишида бош-қош бўл-  
гани. У салқам икки юз кило тош босарди. Вазни билан аклий  
силохияти ҳамоҳанг бўлган бу паҳлавон МХАда ярим Худо-  
китори эди. Стратмор Gauntlet’ни айланиб ўтиб Трансхабарга  
файл киритганини эшлиши биланок Жабба тўполон  
кўтаришини Чатрукян яхши биларди. Нима фарки бор, – ўй-  
лади йигит, – мен ўз бурчимни бажаришим керак”. У теле-  
фонни ушлаб, Жаббанинг йигирма тўрт соат ёниқ турадиган  
мобил аппарати рақамларини тера бошлади.

## Қирқ бешинчи боб

Авенида дель Сид. Максадсиз дайдиб юрган Девид Беккер фикрларини бир ерга түплаб олишга ҳарчанд уринмасын, меҳмонхонада ичган «бир култум» ароғи бунга имкон бермасди. Бу ҳам етмагандек, тўлин Ой ёғдуси йигитнинг оёқини остида ётқизилган тош йўлакда атрофдаги дараҳтларни узун-киска кўланкасини акс эттириб, тушкун кайфият ўйнтарди. Беккернинг хаёли Съозан томон учди: севгилиси телефонда колдирган хабарини қабул қилиган-қилмагани ҳакида ўйлай бошлади.

Шу пайт яқин ўртада ғийқиллаган тормоз товуши унинг ўйларини тўзғитиб юборди. Девид бошини кўтариб, оғоз келган томонга қаради ва ўзидан бир неча метр наридан бекатда турган автобусга кўзи тушди. Алмисоқдан қолгани эски автобус эшиклари шараклаб очилди, бироқ ичкаридини ҳеч ким чиқмади. Санокли сониялардан сўнг эшиклар кийта ёпилиб, мотор гуриллади ва автобус эндиғина жойиди кўзғалиб, секин бекатдан узоклашишни бошлаган ҳам эди ки, бекат яқинидаги бардан уч ўспирин отилиб чиқиб, кўлларини силкитиб, бақирганича автобус ортидан чопди. Ҳайловчи уларни пайқади чоғи, моторнинг овози тинди ҳамда ўсмирлар унга етиб олиш учун чопқиллади. Улар ўртасидан масофа ўттиз метрлар чамаси эди. Учала ўспиринга синиц жилмайиб тикилган Девидни тўсатдан чақмок ургандек бўлди. У кўз олдида пайдо бўлган манзарага ишонолмасди.

— Мен алаҳсираяпман, — деди йигит ўзига ўзи, кўзларини очиб ёпаркан.

Бироқ автобус эшиклари қайта очилиб, ўсмирлар кабинага чиқаётган маҳали Беккер кўраётгани туш эмаслигини ишонч ҳосил килди, ичкаридан тушаётган ёруғлик қизнини юзини аниқ кўрсатиб берганди.

Йўловчилар чиқиб олгач, мотор яна харакатга келди. Беккернинг тасаввуррида ўша ғалати сиймо гавдаланди кора лаб бўёғи, ёркин атири-упа ва соч... Уч рангли соч... Қизил, ок ва кўк.

Автобус олға силжишни бошлади. Беккернинг миясиги кислород етиб боргандек ўзига келди.

— Espera, — деб кичкирганича автобуснинг оркасидан югуруди у.

Оёғидаги чарм туфли ва ичган ароғи тезроқ ҳаракатлашыпта изн бермаган йигит кроссовкасини киймагани учун үзини, ароқ қуиб бергани учун барменни лаънатлади. Севилья автобуси алмисоқдан қолган бўлса ҳам, мотор ўз кучини кўреагиб, Беккердан олислаша бошлади. Йигит автобус кўздин йўқолмасидан туриб унга етиб олиши кераклигини, акс холда нақд имкониятни қўлдан бой беришини англаб, улов ортидан юргилашда давом этди.

Ҳайдовчи тезликни оширганидан дарак бериб оркадаги кувурдан ўралиб тутун кўтарилигач, Девид ҳам оёқларига ўр берди, орка бамперга анча яқинлашиб, автобуснинг очик эшикларига кўзи тушди – улар ланг очик эди. Севильянинг бошқа автобусларида бўлгани каби, ҳаракатланиш вактида эшикларни очиб қўйиш бепул кондиционер вазифасини ўтарди.

Беккер оёғида пайдо бўлган оғрикни ўйламасликка интилиб, нигоҳларини очик эшикка йўналтирди, сония сайин тезлашиб бораётган орка гилдиракларга амаллаб етиб бориб, эшик томон силжиди ва тутқични ушлашга ҳаракат қилиб, мувозанатни йўқотаёзди. Бироқ таслим бўлмай, янада кўпроқ куч билан олдинга интилди. Мотор ҳам қасдма-қасд ўкирганча юкорироқ тезликка кўтарилди.

— Ҳозир узоқлашиб кетади! Мен бунга йўл қўймаслигим керак! — йигитнинг ақлида факат шу фикр айланарди.

Беккернинг бармоқлари эшик тутқичларига теккан маҳали автобус тўлиқ тезликка ўтиб, бир кучанганди олдинга илгарилади ва эндиғина чикиш зинасига илиниб олган йигит мувозанатни йўқотиб, кулади.

\* \* \*

Девид Беккер автобуснинг орка эшиги зинасида ётганча кўзларини очиб, атрофга назар ташлади. Ўриндиқларгача бўлган масофа бир неча қадам эди. Йигитнинг сархушлиги бутунлай тарқаб кетди, у оёғи ва елкасидаги оғриқдан гандирлаб, қаддини ростлади ва автобус кабинаси томон қадам ташлади. Чироклар хиралаштирилганига қарамай, Девид

ўзидан икки-уч ўриндик нарида ўтирган уч хил рангли сочи  
эга каллани аниқ-тиниқ илғаб турарди.

– Қизил, оқ ва күк! Нихоят мен уни топдим!

Беккернинг кўз ўнгига узук, уни кутаётган Learjet 60 си-  
молёти ва нихоят Сьюзан гавдаланди.

Беккер қизнинг ўриндиғига яқинлашган ва нима деб гаш-  
бошлишни билмай қаловланиб турган вақт автобус ойнаси-  
дан тушган кўча чироғининг нури панкнинг чехрасини бир  
онга ёритиб юборди.

Унинг юзига кўзи тушган Беккернинг этлари жимирилиб  
кетди. Панкнинг юзидаги макияж устидан дикрайиб қалин  
соқол-мўйлаб ўсиб чикканди. Росио тасвирлаган панк асли-  
да хеч қанақангиз эмас, ёш йигит экан. Унинг юқори лаби  
устига кумуш пистон қадалган, кўйлаксиз яланғоч танасиги  
кора чарм куртка илиб олганди.

– Сенга нима керак? – дағал овозда гапирди панк. Унини  
шевасидан Нью-Йоркдан эканини билиш мумкин эди.

Ҳалигина йиқилиб тушгани сабаб кўнгли айниётган Девид  
орқасидан унга тикилиб турган йўловчиларга каради-ю,  
юраги оркага тортиб кетди. Йигитнинг рўпарасида ўнлиб  
панклар турарди. Автобусга йиғилган йўловчиларнинг бар-  
часи панк эди, бу ҳам етмагандек, ярмидан кўпининг сочи  
кизил, оқ ва кўк эди.

– Siéntate! – ҳайдовчининг ўшқирган овози эшитилди.  
Жойингга ўтиришни!

Атрофидаги манзарадан довдираб қолган Беккер унини  
гапларини тушунмади.

– Siéntate! – бу сафар ҳайдовчи қаттиқроқ бақирди.

Беккер ойнакдан ҳайдовчининг дарғазаб юзини кўрди.  
Аммо жой топиб ўтиришга мадори қолмаганди.

Жаҳл билан босилган тормоз зарбидан Беккернинг та-  
наси қалқиб кетди, бир амаллаб орқа ўриндиқка жойлашиб  
олмоқчи бўлганди, улгурмади. Шу замон Девид Беккер тана-  
си бир муддат муаллақ қолганини ҳис килди, сўнг гуппиллаб  
полга қулади.

Авенида дель Сиддаги дараҳтлар орасидан чиқиб келган  
шарпа темир кўзойнагини тўғрилаб кўйди ва жўнаб кетаёт-

Гин автобуснинг орқасидан синчиклаб тикилди. Девид Беккер яна қўлдан чиқди, аммо бу узоқ давом этмайди. Севильяда шунча автобус туриб, жаноб Беккер келиб-келиб йигирма еттинчи рақамли автобусга чиққанди.

Йигирма еттинчи автобуснинг эса факат битта борар ери бор.

## Қирқ олтинчи боб

Фил Чатрукян телефон гүшагини шараклатиб жөнни илди. Жаббанинг телефони банд эди; у «Америка телефона телеграфи» компанияси томонидан ҳар бир қўнғироқ боғлаш учун тақдим этиладиган қўнғироқларни кутиб туриш хизматидан фойдаланмасди. Оддийгина жумлалар «Мен ҳозир бошқа линиядаман. Ўзим сизга қайтиб қўнғироқ киламан» – телефон компаниялирига йилига миллионлаб күшимча фойда келтиради. Жабба бу хизматни рад этиши МХАнинг фавқулодда ҳолатлар учун қўл телефони кўтари юриш талабига қарши сўзсиз норозилик ифодаси эди.

Чатрукян ўгирилиб ташқарига, бўм-бўш Крипто китига каради. Генераторларнинг ер остидан эшитилаёттган гўнғиллаши дақиқа сайн баландлашиб борарди. Йигит вактни бой берадиганини ҳис қилди. Стратмордан жўнаб кетиш ҳакида қатъий буйруқ олган бўлса-да, тизим назоратни ходими сифатида Трансхабарни эҳтиётлаш қасами миясидинтимай айланиб, кетишига йўл қўймасди. Олдин ишла, кейин тушунтир.

Компьютер хавфсизлигини саклаш масаласи ҳакидагап кетганида, ҳар бир дақиқа тизимни ё саклаб қолишига ё йўқотишга хизмат қиласди, ҳимоя чорасини таҳлил қилиб ўтиришга камдан-кам вакт бўлади. Техник ходимларга шундаки факат тажрибаси, балки ички ҳиссиёти учун ҳам яхши ҳак тўланарди.

Олдин ишла, кейин тушунтир! Чатрукян нима қилиш зарурлигини тушунди. Яна у воқеадан кейин ё МХА қаҳрамонлари, ё ишдан бўшатилганлар рўйхатида бўлишини ҳам яхши англади.

Код ечувчи улкан маҳлук ичиди вирус бор – бунга Филининг ишончи комил. Бундай вазиятда қилиниши керак бўлган ягона иш Трансхабарни ўчириш эди.

Трансхабарни тўхтатиб қўйишнинг икки усули бор. Биринчиси командорнинг шахсий терминални орқали амалга оширилади. Треминал командор хонасининг ичиди бўлгани учун бу вариант ҳакида гап бўлиши мумкин эмасди. Яна

Бир усул эса Крипто қаватининг пастида жойлашган ускуна  
шрекли кўлда ўчириш эди.

Чатрукян қулт этиб ютинди. У ер остига тушишни ёмон  
шурорди. Пастки қаватда атиги бир марта – машғулотлар пай-  
тила бўлган эса-да, лабиринтсимон, узундан-узоқ тор йўлак-  
нир, улкан қувурлар, бир-бирига чирмашиб кетган кабеллар  
хамда юз эллик қадам пастликда ғувиллаб ишлайдиган қув-  
ват манбалари билан тўлган қават йигитда яхши таассурот  
шардирмаганди.

Пастки қават ўзи бораётган сўнгги манзил, Стратмор эса  
уни дуч келадиган охирги одам бўлишини Фил хис қилди,  
жекин бурч – бу бурч. Эртага ўзлари менга раҳмат айтишади  
холи, ўйлади йигит ўзини овутиб.

Ўпкасини ҳаво билан тўлдириб, Чатрукян катта техник  
ходимларнинг металл шкафини очди. У ерда турли компью-  
тер кисмлари, медиа ускуналари, Стенфорд университети  
битириувчиларига ҳадя этиладиган темир алюминий ва тос-  
тир турарди. Симларга қўл теккизмасдан туриб, Фил кружка  
ишидаги Medeco калитини суғуриб олди.

– Жуда ажойиб, – минғирлади ўзига ўзи. – Тизим ҳавф-  
тилиги назорати бўлими ходимлари ҳавфсизлик ҳақида ҳеч  
шарса билмаса-я!

## Кирк еттинчи боб

– Бир миллиард долларлик код? – истеҳзо билан кулди Миж зал бўйлаб Бринкерхоф ҳамроҳлигига ортга қайтаркан. – Ёмон эмас, Чед!

Чед аёлни ишонтиришга тиришди:

– Қасам ичаман, Миж! Ўз кўзларим билан кўрдим.

– Бу хабар белингни укалатиш учун баҳона эмас деб умид киламан! – Миж кўз қири билан Чедга қаради.

– Миж, мен ҳеч қачон бундай...

– Биламан, Чед. Эслатмай қўяқол!

Ўттиз сониядан кейин Миж Бринкерхофнинг курсисига ўтириб, Криптонинг ҳисоботларини ўрганишга киришди.

– Кўрдингми? – деди Чед Мижнинг елкаси оша қўли билан варакнинг энг пастидаги рақамни кўрсатиб. – Мана шу ЎРНми? Бир миллиард доллар!

Миж қикирлаб кулди.

– Бироз қимматга ўхшаяпти, шундайми?

-Нима? – Чеднинг энсаси қотди. – Бироз қиммат холосми?

– Бу нолга бўлиниш шекилли.

– Нимага бўлиниш?

– Нолга бўлиниш, – изоҳ берди Миж маълумотнинг қолган қисмини кўздан кечирабкан. – Ўртacha нарҳ каср билан ҳисобланади, умумий қиймат расшифровка қилинган кодларнинг сонига бўлинади.

– Буни биламан, – деди Бринкерхоф аёлнинг очик деболтесига қарамасликка интилиб.

– Агар маҳраж нолга teng бўлса, – Миж тушунтиришда давом этди, – бўлинма чексизликка караб кетади. Компьютерлар эса чексизликни ёмон кўради, шунинг учун доим тўккизликларни чиқариб беради. – У бошқа устунга ишора қилди: – Мана буни кўрдингми?

– Ҳа, кўрдим, – Чед қоғозга қаради.

– Бу бугунги ҳисобот. Расшифровка қилинган кодлар сонига қара.

Бринкерхоф аёл кўрсатган устунга кўз югуртириди.

## *Ечилган кодлар сони = 0*

Миж бармоғини ракам устига олиб борди:

– Худди айтганимдек. Нолга бўлиниш.

Бринкерхофнинг қошлари чимирилди:

– Демак, ҳаммаси жойида, шундайми?

Аёл елка қисди:

– Бу шунчаки бугун ҳеч қандай код ечилмаганини билдиради. Трансхабар дам олаётган бўлса керак.

– Дам олаётган бўлса керак? – Бринкерхофнинг юзида шубҳа аломатлари пайдо бўлди. МХА бош директори билан шунча вактдан бери ишлаб, директор «дам олиш»ларни ёқтириласлигини яхши биларди, айниқса гап Трансхабар хақида кетганда. Фонтейн код ечувчи бегимотга икки миллиард доллар пул сарфлаган ва Трансхабар шу пулга яраша хизмат килишини истайди. Трансхабарнинг бекор ётган ҳар дақиқаси ваннага оқизиб юборилган пул дегани эди.

– Лекин... Миж, – гап бошлади Чед, – Трансхабар ҳеч качон дам олмайди, у тун-у кун тинмай ишлайди. Буни яхши биласан!

Миж елка қисди.

– Балки Стратмор кеча кечқурун бу ерда ҳисоботларни тайёрлашга эрингандир. Ахир у Фонтейн Жанубий Америкадалигидан хабардор бўлган ва балиқ ови учун тайёргарлик кўриш мақсадида эртарок кетган бўлиши мумкин.

– Кўйсангчи, Миж, – ижирғаниб каради Бринкерхоф. – Бечора Стратморни тинч кўй.

Миж Милкен Тревор Стратморни ёқтириласлиги ҳеч кимга сир эмасди. Читтак алгоритмини яратиш маҳали Стратмор хийла ишлатишга уриниб кўрди, лекин қўлга тушиб қолди, бу эса МХАга жуда кимматга тушди. Электрон чегараланиш жамияти ўз қудратини тиклаб олди, Фонтейн эса ишончни йўқотди, энг ёмони – агентликнинг мавжуд экани кўпчиликка ошкор бўлиб, махфийлигини саклаб қололмади. Иш шу даражадага етиб бордики, Миннесота штатидаги айрим уй бекалари «America Online», «Wunderkind» каби компанияларга шикоят қилиб, МХА уларнинг электрон хабарларини ўқиётган бўлиши мумкинлигини айтишди, МХА-

нинг уй бекалари ёзган ширинлик тайёрлаш сирларини фош этишдан бошқа иши йўқдек гўё.

Стратмор йўл кўйган аҳмокона хато туфайли МХА бадал тўлаганига Миж жавобгарлик ҳис қиласди. Гап аёл командорни тўхтатиб қололмаганида эмас, бу қўпол хатти-харакат директор Фонтеинга билдирамасдан амалга оширилганида эди. Директорнинг ўзи аллақачон бу каби ишлардан қўлини тортиб, ақлли ходимларига қарор чиқариш ихтиёрини топширгани Мижнинг ғашига тегарди.

– Миж, биласанку, Стратмор ҳеч қачон ишдан қочмайди, – эътироз билдириди Бринкерхоф. – У Трансхабарни соғин сигиридек ишлатади.

Миж бош чайқади. Аёл Стратморни ишдан бўйин товлашда айблаш ақлга сигмаслигини билиб турарди. Стратмор илк иш бошлаган вақтида қанчалик қизиқувчан бўлса, ҳозир ҳам шунаقا эди. Аммо унинг қизиқувчанлиги бошга бало орттиарди. МХАнинг Читтак режаси ҳам Стратморнинг дунёни ўзгартиришга бўлган ваҳшиёна интилиши эди. Бахтга қарши, бу юриш бошқалари каби катта қурбонликларга олиб келганди.

– Яхши, – тан олди аёл, – мен бироз ошириб юбордим.

– Бироз? – киноя қилди Бринкерхоф. – Стратморнинг столи буюртмалар билан тўлиб ётиби, У Трансхабарни дам олиш кунлари бекор қўйиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

– Яхши, яхши, мен хато қилдим, – деди Миж ва нима сабабдан Трансхабар куни бўйи бирорта код ечмаганини яна бир бор ўйлаб қўрди. – Қани, бир нарсани текшириб кўрайчи, – деди у ва ҳисботни вараклай бошлади. Қидирган маълумотни топганидан кейин ракамларни дикқат билан кўздан кечирди. Орадан бир неча сония ўтгач, ажабланиш тўла нигоҳини қоғоздан кўтарди. – Сен ҳақсан, Чед. Трансхабар бутун кучи билан ишлаб ётиби. Энергия харажатлари ҳам одатдагидан бироз юқорироқ. Кеча кечқурундан бери соатига ярим миллион киловаттдан ошиқ энергия сарфланиби.

– Хўш, бу нимани билдиради?

– Ҳайронман. Бу жуда ғалати.

— Маълумотларни қайтадан ҳисоблаб чиқасанми? — сўради Бринкерхоф.

Миж унга олайиб қаради. Аёл ҳеч қачон ҳисоблашда идашмасди. Шундай бўлса-да, рақамларни қайта кўздан кечира бошлади.

— Ух, — деди ниҳоят текширувани тутатиб. — Кечаги ваният яхшига ўхшайди — икки юз ўттиз еттита код ечилиган. Ўргача расшифровка қиймати 874 доллар. Ҳар бир кодни синни учун ўртacha олти дақиқа вақт сарфланган. Ишлатилган энергия миқдори ҳам ўртacha. Трансхабарга киритилган охирги код эса... — Миж бир муддат каловланиб қолди.

— Нима гап, Миж? — сабрсизланди Бринкерхоф.

— Жуда қизиқ, — деди аёл. — Охирги код кеча кечқурун, соат 11:37 да киритилган.

— Хўш?

— Трансхабар кодларни очишга ўртacha олти дақиқа атрофина вақт кеткизади. Охирги файлни ечишни кеча яrim тунга яқин бошлаган. Лекин... — Миж жимиб қолди.

Бринкерхофнинг кўнгли хижил бўлганди:

— Нима гап ўзи?

Миж кўзларига ишонмай, рақамларни қайта-қайта ўқиб чиқаётганди:

— Кеча кечқурун киритилган файл...

— Хўш?

— Ҳалигача ечилигани йўқ. Трансхабарга код киритилган вақт — 23:37:08, лекин код очилган вақт ҳисоботда ёзилмабди. Код кеча ҳам, бугун ҳам ечилигани йўқ, тушуняпсанми?

Бринкерхоф елка қисди:

— Балки криптографлар қандайдир мураккаб диагностика ўткизаётгандир?

Миж эътиroz билдири:

— Ўн саккиз соатлик диагностика? Унақага ўхшамайди. Бундан ташқари, маълумотда ёзилишича, Трансхабарга киритилган сўнгги код ташки файл бўлган. Стратморга қўнғирок қилишимиз керак. Тезда!

— Шанба куни кечқурун-а? Стратмор хозир уйида маза килиб дам оляпти, — эътиroz билдири Бринкерхоф.

– Йўқ, – деди Миж қатъият билан. – Мен Стратмори жуда яхши биламан, бунинг бошида ўзи турибди. Гаров ун нашим мумкин, у шу ерда. Ички ҳиссиётим мени алдам! Ҳани, бу ёққа юрчи, – аёл ўрнидан даст турди. – Ҳакмшими ёки йўқ, текшириб кўрамиз.

\* \* \*

Бринкерхофф хам жойидан қўзгалиб, Мижнинг оғизин томон эргашди. Хонага киргац, Миж ўрнига ўтириб, моҳи пианист каби Катта аканинг клавиатурулари устида бир мокларини ўйната-ўйната ишга киришди. Бринкерхофф видеокузатув камералари нигоҳини акс эттирган мониторларга диққат билан тикилиб, сўради:

– Криптодагиларнинг нима билан шуғулланаётганини кузатмоқчимисан?

– Асло йўқ, – жавоб қилди Миж. – Жон деб кузатгии бўлардим, аммо, Стратморнинг буйруғига кўра, Криптоид умуман камералар мавжуд эмас, менда факат Трансхабарги киритилган маълумотлар статистикасини текшириш имкони бор. Стратмор буни хам бермоқчи эмасди, аммо Фонтейннинг талабига кўра статистикани кўриб чиқишга рухсат беришга мажбур бўлди.

Бринкерхоффнинг юзида ҳайрат ифодаси жилваланди:

– Криптода камералар йўкми?

– Нима эди? – Миж сухбат асносида ўз ишида давом этди. – Кармен билан бўлиш учун холироқ жой қидираётганимидинг?

Бринкерхофф алланималар деб ғудранди.

Миж унга эътибор қилмай, яна бир нечта тугмаларни босди.

– Мен ҳозир Стратморнинг лифтини текширяпман, – мониторга бир лаҳза тикилиб туриб, хитоб қилди аёл. – У шу ерда! Стратмор ҳозир Криптода. Мана қара, у кечадек келган, шундан бери лифт жойидан қўзгалмаган. Асосий кириш эшигидан хам чишиб кетмаган. Демак, аниқ шу ерда.

Бринкерхофф енгил нафас олди:

– Стратмор шу ерда бўлса, демак ҳаммаси жойида, шундайми?

**Миж уйланиб туриб, деди:**

— Бўлиши мумкин.

— Бўлиши мумкин?

— Ҳар ёхтимолга қарши унга қўнғироқ қилиб, текшириб  
ишиниз керак.

— Миж, Стратмор бош директор ўринбосари, — эркак-  
ини тисаси қотди. — Ҳамма нарса унинг назорати остида  
жончим комил. Нима кераги бор қайта...

— Оҳ, кўйсангчи, Чед, ёш болага ўхшама. Биз вазифа-  
мизни бажаряпмиз холос. Ҳисоботда камчилик бор экан,  
шундек текширяпмиз. Бундан ташқари, — қўшиб қўйди у, — мен  
Стратморга Катта ака уни кузатаётганини эслатиб қўймоқ-  
чиман. Дунёни саклаб қолиш йўлида ҳеч қандай аҳмоқона  
ишига қўл урмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун. — Миж те-  
лефонни олиб, ракам теришни бошлади.

**Бринкерхоф безовталанди:**

— Безовта қилишинг шартмикин?

— Чед, Стратморни мен безовта қилмайман. Бу ишни сен  
бижарасан!

## Кирқ саккизинчи боб

– Нима? – Миж қулокларига ишонмади. – Стратмор би-даги маълумотни хато деяпти?

Бринкерхоф баш ирғади ва гўшакни жойига қўйди.

– У Трансхабар ўн саккиз соатдан бери битта хабар устида ишлаётганини рад этди, – жилмайди эркак командорнинг заҳридан кутулиб колганига шукр килиб. – Трансхабар ҳар олти дакиқада биттадан кодни ечаётганига Стратморнинг ишончи комил экан. Яна у ҳол-ахвол сўраганим учун миннатдорлик билдириди.

– У алдаяпти, – ўшқирди Миж. – Мен Крипто статистикаси билан икки йилдан бери шуғулланаман. Маълумотлар ҳеч қачон нотўғри бўлмаган.

– Биринчи мартага ҳеч нарса қилмайди, – бамайлихотир жавоб берди Чед.

– Мен хамма маълумотни икки мартадан текшириб чиқаман.

– Ммм... Ўзинг биласан, компьютерлар ҳам адашиши мумкин, азизам. Ваҳима қилишга арзимайди, – кулди Бринкерхоф.

Миж ўгирилиб, жаҳл билан қаради:

– Бу кулгили эмас, Чед. Ҳозиргина директор ўринбосари ёлғон гапирди. Нимага бундай қилганини билишни истайман!

Бринкерхоф энди Мижни чакирганидан афсуслана бошлади. Стратмор билан бўлган сухбат аёлни баттар шубҳалантириб қўйганди. Читтак операциясидан бери Миж бирор шубҳали нарса сезса, охирига етмагунча тинчмайди.

– Қўйсангчи, Миж. Маълумотларда хатолик бўлиши мумкин, – гап бошлади Бринкерхоф босиклик билан. – Айтмоқчиманки, Трансхабар битта файлни ўн саккиз соат қайта ишлашини ақлга сиғдириб бўлмайди, буни ўзинг ҳам яхши биласан. Уйингга борақол. Кеч бўлди.

Аёл ўқрайди ва стол устида ётган хисоботга никтади:

– Мен маълумотларга ишонаман. Ички хиссиётим улар алдамаётганини айтяпти.

Бу гапдан сўнг Бринкерхофнинг қовоғи уйилди. Ҳатто

МХА директори ҳам Миж Милкенниг ички ҳиссиётидан шубҳаланмасди – аёлнинг интуицияси ҳамиша ҳақ бўлиб чиқкан.

– Бу ерда нимадир бўляпти, – заҳарханда жилмайди Миж, – ва мен бунинг тагига етишим зарур!

## Қирқ түккизинчи боб

Беккер бир амаллаб автобус полидан қаддини ростлинди  
ва бўш ўриндиклардан бирига ўтириб олди.

– Чакки қуламадинг, тўнка! – сочини уч хил рангга бўя  
олган ёш боланинг мазахомуз кулгиси эшитилди. Беккер  
нинг кўзлари автобуснинг ички чирокларидан қаманиб,  
ёнида ўтирган болани таниди – бу ўша, автобус ортидан чон-  
ган ўспирин эди. Беккер унинг қизил, оқ ва кўк аралаш соч-  
ларига хўмрайиб қаради.

– Бу қанақа соч бўлди яна? – минғирлади Беккер бошқи-  
ларга ишора киларкан. – Ҳамманики...

– Қизил, оқ ва кўк, шундайми? – йигитнинг гапини да-  
вом эттириди бола.

Беккер ўсмирнинг яра тошиб кетган юкори лабига ти-  
килмасликка интилиб, бош ирғади.

– Бу Иуда Табу, – изоҳ берди бола ҳеч нарса бўлмагани-  
дек.

Беккер унга ажабланиб қаради.

Панк сухбатдошининг билимсизлигидан ғаши келган-  
дек полга чирт этиб тупурди:

– Иуда Табу ҳакида эшитмаганмисиз? Ахир у золим  
Сиддан кейинги энг машхур панк-ку! У роппа-роса бир йил  
олдин бошини чопиб ташлаган. Бугун унинг юбилейи.

Беккер Иуда Табу билан соч ўртасидаги боғлиқликни  
англамади.

– Табу хайрлашган куни сочини шунақа турмаклаб ол-  
ган, – бола яна тупурди. – Шу сабабли унинг номига муно-  
сиб бўлишни истовчи ҳар бир мухлис бугун сочини қизил,  
оқ ва кўкка бўяган.

Беккер узок вақт жим бўлиб қолди. Аста-секинлик би-  
лан хушини йифиб, бошини кўтарди ва рўпарасида турған  
йўловчиларга тикилди. Панкларнинг аксарияти Девидни ку-  
затиб турарди.

Ҳар бир мухлиснинг сочи қизил, оқ ва кўкка бўялган бу-  
гун.

Беккер қўзғалиб, қўлини деворга чўзди ва ҳайдовчини  
огоҳлантирувчи сигнал тугмасини босди. Автобусдан ту-

шындағанда келганди. Бирок сигналдан овоз чиқмади. Девид  
шының босди. Бу сафар ҳам ҳеч нима эшитилмади. Аччикланган  
шындың түгмани янада қаттиқрөк, муштлаб урди. Ҳеч нарса  
жүйе бермади.

– 27-автобусда огохлантириш сигналлари ишламайды,  
деб изоҳ берди панк, яна чиртиллатыб тупураркан. – Биз  
бөлөр килишимиздан күркіб узиб қўйишган.

Беккер унга ўғирилди:

– Айтмокчисанки, мен автобусдан тушиб қололмайман-  
ми?

Бола кулди:

– Тушиб қоласиз, фактат энг сўнгти бекатда, оғайни!

Беш дақика ўтар-ўтмас, автобус шаҳар ташқарисидаги  
Ўнқир-чўнқир йўлларда силкиниб елиб борарди.

Беккер боладан сўради:

– Ўзи бу жин ургур қачондир тўхтайдими?

Бола бош қимиратди:

– Ҳозир эмас, яна саккиз километрлардан кейин.

– Қаерга кетяпмиз?

Ўсмир хайрон бўлиб сўради:

– Ҳали қаерга кетаётганингизни билмайсизми?

Беккер «йўқ» ишорасини қилди. Буни кўрган бола қаҳ-  
ких отиб кулиб юборди:

– Оҳ, жин урсин. Борганимизда кўрасиз ҳали. Сизга ёки-  
шига ишончим комил!

## Эллигинчи боб

Фил Чатрукян Трансхабарнинг коп-қора корпусидан бир неча қадам нарида Крипто полига қатта-катта килиб бигилган ёзув олдида тўхтади.

### *Крипто бўлимининг пастки қавати Фақат ваколатли шахслар учун*

Фил пастки қаватга тушиш учун ҳеч қандай ваколат эга эмаслигини яхши биларди. У Стратморнинг офисига бир қараб кўйди – пардалар ҳамон туширилган, командор Филип кўриши мумкин эмас... Бу ерга келишдан олдин йигит Сьюзан Флетчер ванна томон кетаётганини кўрганди, демак, бош криптограф ҳам ҳозир унга ҳалал беролмайди. Сўнг Фил хототир аралаш Nod 3 тарафга назар ташлади, бироқ ойналар ичкаридаги Хейл уни кузатаётганини кўришга имкон бермади.

– Минг лаънат! – ғудранди Чатрукян.

Унинг оёклари остида деярли кўз илғамайдиган пастки қаватнинг эшиги бор эди. Фил чўккалаб, ҳозиргина техник хавфсизлик бўлимидан олган калитни полга тиққач, сў остидан шараклаган товуш эшитилди. Кейин у катта капалаш кўринишидаги лўқидонни уч марта бураб, қулфни очди. Елкаси оша яна бир марта атрофга назар ташлагач, лўқидонни ўзига тортилди. Эшик ҳажми бир метрдан бироз ошиқ, шунги қарамай, вазни хийла оғир эди. Ниҳоят, эшик очилгач, Чатрукян бир қадам ортга силжиди.

Ер тагидан чиккан ачқимтири газ аралаш иссиқ ҳаво юзи га урилиб, назорат чироқларининг қизил нурларини ўзида акс эттирган ҳовур ташқарига кўтарилиди. Генераторларнинг гувиллаб ишлаши янада яққолроқ эшитила бошлади. Чатрукян ўрнидан туриб, кўз олдида пайдо бўлган ғира-шири қоронгуликка бир муддат тикилиб қолди. Бу чуқурлик компьютерларнинг хизмат кўрсатиш эшигидан кўра кўпроқ дўзахга олиб борувчи дарвозани эслатарди. Қават пастидаги платформага олиб тушувчи торгина нарвондан уёғида зиналар бўлса ҳам, Чатрукяннинг кўзи тепага кўтарилаётган қип-қизил тутундан бошка нарсани илғамасди.

\* \* \*

Грег Хейл Nod 3 нинг бир кўзли ойнаванд эшиги ёнида Фил Чатрукяннинг нарвондан осилиб пастки қаватга тушиб кетиётганини кузатиб турарди. Филнинг оёқлари, сўнг таиси, ниҳоят боши гир айланаётган тутун гирдобида кўздан гойниб бўлди.

— Довюрак болакай, — истеҳзо билан деди Хейл. У Чатрукян қаерга йўл олганини яхши биларди. Трансхабарда вирус борлиги фавқулодда вазият бўлиб, бундай холатда компьютерни қўл билан ўчириш энг ақлли қарор хисобланарди. Ўхтига қарши, Трансхабар ўчирилиши биланоқ бинодаги бирча ҳалокат сигналлари ишга тушиб, тизим хавфсизлик иззорати ходимлари, қаерда бўлишидан катъий назар, сапокли дақиқаларда Криптога етиб келарди. Техник ходимлар йиғилиб, тафтиш бошлашини асло истамаган Хейл Nod 3 дан чиқиб, пастки қаватнинг эшиги томон юрди. У нима килиб бўлса-да Чатрукянни тўхтатиши зарур эди.

## Эллик биринчи боб

Аллақайси кино қаҳрамонига ўхшашлиги туфайли Жабба лақаби берилган МҲАнинг бош техник назоратчиси бир туки йўқ, сип-силлиқ улкан итбаликни эслатарди. МҲАдаги барча компьютер тизимларининг қўриқчи фариштаси бўлган бу одам тиним билмасдан ҳали у бўлимга, ҳали бу бўлими ташриф буюриб, ходимларга гоҳ дакки берар, гоҳ ниманини ўргатар ва ҳамиша «Касалликни даволагандан кўра олдини олган муҳим» деган шиорни такрорлаб юарди. Жабба иш бошлаганидан бери ҳеч бир вирус МҲАдаги компьютерларга озор етказишга мусассар бўлмаганди; у шу натижани бутун умр саклашни ният килганди.

Жаббанинг иш жойи МҲАнинг маълумотлар базаси жойлашган ер остидаги платформа бўлиб, вирус ишнан мана шу ерга энг катта зиён келтириши мумкинлиги сабабли у асосий вактини шу ертўлада ўтказарди. Лекин айни пайтда Жабба танаффус олиб, МҲАнинг туну кун тўхтовсун ишлайдиган таъминот бўлимида пишлокли пирог билан ўчини меҳмон килаётганди. Эндиғина оғзига пирогнинг учиничи бўлагини тикаётганида кўл телефони жиринглади.

– Гапиринг, – деди у оғзидағи луқмани ютишга улгур масдан, натижада тикилиб, йўтали тутиб қолди.

– Жабба, – гўшакдан аёл кишининг мулойим овози эши-тилди. – Миж гапирияпти.

– Ооо, маълумотлар қироличаси! – Бакалоқнинг юзиги табассум югурди. У ҳар доим Мижга юмшоқ муносабатди бўлган. Ахир у ақлли, уддабурон, бунинг устига, Жабба билан ўйнашган ягона аёл эди. – Аҳволларинг қалай энди?

– Шикоятим йўқ ҳозирча.

Жабба оғзини артиб, сўради:

– Сен ишдамисан ҳозир?

– Шундай.

– Мен билан пишлокли пирогни баҳам қўришга нима дейсан?

– Жон дердим, Жабба, аммо ҳозир думларимни кузатишм керак.

– Ростданми? – ҳаҳолаб кулди эркак. – Сенга қўшилсанмайриши эмасмисан?

– Қариб қўйилмаган чол-эй!

– Нима деб ўйлаяпсан...

– Сенга боғланана олганимдан хурсандман, – аёл унинг ганини бўлди. – Маслаҳатли гап бор.

Жабба «Doctor Pepper» аччик зираворли ичимлигидан ўюқ ҳўплади.

– Сўзла, азизам.

– Бу арзимас нарса бўлиб кўриниши мумкин, – жиддий оғангда гап бошлади Миж. – Бироқ Крипто статистикасида гилати нарсага кўзим тушиб қолди. Сен балки тушунтириб бера оларсан деган умидда эдим.

– Нима муаммо экан? – деди эркак, «Доктор Пеппер»ни күлтиллатиб ичаркан.

– Кўлимдаги ҳисоботда ёзилишича, Трансхабар ўн саккиз соатдан бери битта файл устида ишляяпти, аммо ҳалигаччи уни очгани йўқ.

Жабба «Doctor Pepper»ни пирог устига сепиб, қайта сўради:

– Хўш?

– Нима дея оласан бу ҳакда?

– Ўзи қанақа ҳисобот у? – сўради эркак семиз бармокларида ушлаган санчкиси билан пирогни охиста силаркан.

– Ишлаб чиқариш ҳисоботи. Таҳлилларнинг ўртача нархлари ҳакида, – Миж Бринкерхофф билан дуч келган ваниятни кисқача тушунтирди.

– Стратмор билан боғландингми?

– Ҳа, аллақачон. У Криптода ҳаммаси жойида эканини, Трансхабар юкори тезликда ишлаётганини айтиб, биздаги маълумот нотўғри деб таъкидляяпти.

Жаббанинг ярақлаган пешонаси тиришди:

– Хўш, муаммо нимада унда? Сенинг ҳисоботингда камчилик бор.

Миж жавоб бермади. Жабба аёлнинг нимани назарда туғаётганини англаб, баттар пешонаси тиришди:

– Муаммо ҳисоботда деб ўйламаяпсанми?

– Шундай.

– Стратмор ёлғон гапиряпти деган фикрдамисан?

– Ундей эмас, – муроса қилди Миж, кил устида турғанини пайқаб. – Шунчаки, статистикам ҳеч қачон нотұғри булып чиқмаган олдин. Шунинг учун бошқа вариантни қидириң күриш керак деб үйладим.

– Тушунарли, – деди Жабба. – Бу ҳақда сенга айтиш мүнде, учун оғир, лекин сенинг маълумотларинг тагига олибди.

– Шундай деб үйлайсанми?

– Ишим ҳақки гаров үйнашим мумкин, – Жабба ивиги пирогдан катта бўлакни тишлаб, оғзини тўлдириб гапирди. Трансхабар ичидаги ҳаттоқи энг узун файл – диагностика ҳам уч соатдан ортиқ ушланиб қолмаган. Ҳозир уни ўн саккиз соатдан бери банд қилиб турган нарса вирус бўлиши мумкин. Бошқа ҳеч нарса эмас.

– Вирус?

– Ҳа-да! Кандайдир қайтарилувчи цикл. Процессорлар нинг ичига нимадир кириб қолиб, тизим тўғри ишлашини халақит беряпти.

– Яхши, – пастдан келди аёл. – Лекин биласанми нима, Стратмор ўттиз олти соатдан бери Криптода ўтирибди. У ин русга қарши курашяптимикин?

Жабба қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди:

– Стратмор ўттиз олти соатдан бери ишда дейсанми? Бе-чора қария! Ҳойнаҳой хотини уйдан қувиб чиқарган бўлсин керак. Ажрашаётгани ҳақида эшитгандек бўлувдим.

Миж бир зум үйга толди. Стратморнинг оиласавий муаммоларини у ҳам эшитганди. Ростданам ўта шубҳали бўлиб кетдим шекилли, деб хаёл қилди у.

– Миж, – деди Жабба лукмасини ютиб, симириб ичимлик ичаркан. – Агар Стратморнинг үйинчоғида вирус бўлсин, у биринчи бўлиб менга хабар беради. Командор минг ақлли бўлмасин, вируслар борасида балониям билмайди. Трансхабар унинг бор-йўти. У бирор хавфни сездими, тамом, ҳалокат сигналларини ёқиб, якин атрофдаги техникларни, яъни мени чакирган бўларди. – Эркак гапдан тўхтаб, мотсарабла пишловининг катта бўлагини оғзига тиқди. – Бундан ташқари,

Трансхабарга вирус киришининг иложи йўқ. Gauntlet'нинг фильтрлари мен яратган энг мустаҳкам дастур ҳисобланади. Ҳеч нима уларни ёриб ўтолмайди.

Узок муддатли жимлиқдан сўнг Миж чуқур тин олди.

- Бошқа фикринг йўқми?
- Бор. Сенинг маълумотинг тагига олган.
- Буни аллақачон айтиб бўлдинг.
- Худди шундай.

Мижнинг қовоғи осилди:

- Бошқа бирор нарсани сезмадингми?

Жабба истеҳзо билан кулди:

- Миж... Кулок сол. Читтак операцияси барбод бўлди.

Стратмор панд бериб қўйди. Бироқ, тушун – ҳаммаси тугагни. Ўтган иш ўтиб кетди. Намунча ёпишиб олмасанг командорга! – Мижнинг дами чиқмай қолганини кўрган Жабба оннириб юборганини англади. – Кечир мени, Миж. Бўлиб ўтган воқеаларни юрагингга якин олишингни тушунаман. Стратмор хато қилди. У хақда нима деб ўйлашингни биламан.

– Бунинг Читтакка ҳеч қандай алоқаси йўқ! – аёл Жабба-нинг гапини шарт бўлди.

«Бўлмасамчи», – ўйлади эркак, лекин тилидан бошқа сўзлар отилиб чиқди:

– Яхши, қулок сол, Миж. Стратморга нисбатан ҳеч қандай салбий ёки ижобий муносабатим йўқ. Айтмоқчиманки, бу одам – криптограф. Барча криптографлар худбин эшак бўлади. Улар ахборотни чиқишидан бир кун олдин олишни исташади. Ҳар битта лаънати файл эса дунёни саклаб колиши мумкин.

- Нима демоқчисан бу билан?

Жабба чуқур нафас олди.

– Демоқчиманки, Стратмор ҳам бошқалар каби худбин бўлиши мумкин. Яна шуни айтмоқчиманки, у Трансхабарни жонидан ортиқ севади, ҳатто жин ургур хотинидан ҳам ортиқ кўради уни. Агар Трансхабарга бирор гап бўлса, у менга албатта хабар берган бўларди.

Миж бу гаплардан кейин анча муддат жим турди. Нико-  
ят асабийлашди:

– Шундай қилиб, менинг маълумотларим тагига олар  
деяпсанми?

Жаббанинг кулгиси эшитилди:

– Акс-садо беряптими менинг сўзларим?

Миж ҳам кулиб юборди.

– Қара, Миж. Менга расмий буйруқ жўнат, душанба кун  
ниёқ бориб, машинангни икки мартадан текшириб берамни.  
Ҳозир эса бу ердан тезроқ жўна, азизам. Шанба куни кечку-  
рун ишда пишириб кўйибдими? Бориб ўзингга бироз дим-  
бер.

Аёл хўрсинди.

– Ҳаракат қиласман, Жабба. Ишон, мен ҳаракат қиласман

## Эллик иккинчи боб

27-автобуснинг охирги бекати шаҳар ташкарисида жойлииган «Жодугар» қаҳвахонаси бўлиб, у ракс тушадиган клубдан кўра кўпроқ атрофи баланд девор билан ўралган калъага ўхшарди. Деворларнинг тепасига санчилган синик ниво идишлари ўзига хос ҳимоя воситаси бўлиб, бегоналарни мўмайгина ҳақ тўламасдан туриб клубга киришига йўл кўймасди.

Автобусда чайқалганча манзилга яқинлаётган Беккер, кинчалик оғир бўлмасин, енгилганини тан олди. Стратморга кўнгироқ қилиб, узукни кидириш бефойда эканини айтиш ингти етганди. Беккер кўлидан келган ҳамма ишни қилди, лекин хозир юзлаб панклар орасидан айнан узук олган қизни топишга заррача ҳам умид қилмасди. Беккернинг ортга – уйга қайтишдан бошқа чораси йўқ эди.

Шундай хаёллар курсовида йигит охирги бекатга келиб қолганини сезмай ҳам қолди. Автобус ойнасидан ташкарида тўп-тўп бўлиб клубнинг кириш эшиги томон шошилаётган мижозларга бир муддат қараб туриб, ишни охирига етказмасдан туриб ташлаб кетишига виждони йўл кўймади. Унинг кўз ўнгидаги умри давомида учратган энг улкан панклар галиси пайдо бўлди; клубнинг атрофи қизил, оқ ва кўк рангдаги каллалар билан қопланган эди.

Беккер нима қилиши зарурлигини йўлаб, чуқур хўрсинди. Бу қиз каерда бўлиши мумкин шанба оқшомида? Йигит тақдирини лаънатлаганча автобусдан пастга тушди.

«Жодугар» клубининг киришидаги энсиз тош йўлкага қадам кўйган Девидни сабрсиз оломон ўзи билан ичкарига судраб кетди. У йўл-йўлакай турли одамларни учратди.

– Йўлимдан қоч, галварс! – деди сочини лўла болишига ўхшатиб турмаклаб олган эркак, Девиднинг биқинига тирсанги билан туртиб ўтаркан.

– Чиройли галстук! – луқма ташлади яна кимдир Беккернинг бўйинбоғидан тортиб.

– Мен билан ухлашни истайсанми? – ноз-карашма билан илжайди вампирга ўхшаб бўяниб олган бир ўспирин қиз.

Девид иложи борича хеч кимга эътибор килмасликка

интилиб, нимкоронғұ йўлкадан ичкарига йўргалади ва нишаныт тер ва алкогол ҳиди уннаб қолган улкан бетон залга кирил борди. Йигитнинг нигоҳлари олдида мутлако сюрреал минзара намоён бўлди – чуқур ғорда юзлаб таналар бирлашил кетгандек кимирларди. Улар қўлларини белига тираганчи таъпага-пастга ҳаракатланиб, бошларини жонсиз пуфак мисол уёқдан-буёққа ликкиллатишарди. Яна қандайдир тентакимо кимсалар саҳнадан югуриб келиб ўзларини чуқурликди ги одамлар денгизига отар, ўнлаб қўллар устида пишқирил тўлқинлар консерва банкасини соҳилга улоқтиргандек бир четга чикиб қолишарди. Бош устида липиллаб порлаётни чирокларнинг неон нурлари остида юзага келган манзараски, овозсиз фильмларни эслатарди.

Узоқдаги деворларга ёпиширилган кичикроқ юк машинаси ҳажмидаги овоз кучайтиргичлар бор овозича ларзаш келганди-ки, ҳатто энг моҳир раккос ҳам уларга ўн метрдин ортиқ яқинлашолмасди.

Беккер қулокларини қўли билан беркитганича оломонни кўздан кечиришга ту tinди. Қаерга қарамасин, ҳамма жой факат қизил, оқ ва кўқ рангли каллалар билан тўлиб-тошганди. Одамларнинг танаси бир-бирига шунчалик яқин турғанидан уларнинг нима кийиб олганини аниқлаш жуда қийин эди. Яқин ўргада Британия байроби туширилган футболки кўринмасди. Тўда ичини текшириши учун саҳнадан сакришига тўғри келади.

Шу вакт кимнингдир валаклатиб қусган овози эшитилди.

«Қандай ёқимли», – ўйлади йигит ва ёнбошидаги ёрқин рангда бўялган йўлак томон одимлади. Ойнакли, энсиз туннелга уланиб кетган йўлак Девидни стол ва курсилар билан безатилган балконга олиб чиқди. Балкон ҳам панклар билан қопланганига қарамасдан, Беккер ўзини жаннатга тушиб қолгандек ҳис этди – тепасида юлдузлар ҷарақлаб турғаш ёзги осмон, енгил оқшом шаббодасининг эпкинлари ва соқинлик йигитнинг миясига ҳордик берди.

Қизиқиши билан боқиб турган кўзларга эътибор бермасдан, энг яқинда турган бўш стол ёнидаги ўриндиққа ўзи-

ни таплади, галстугини бўшатиб, мусафро хаводан симириб ишлес олди. Стратмор билан бўлган тонгги сухбатдан бери минг йил ўтиб кетгандек эди гўё.

Столи устини бўшаган пиво шишаларидан тозалагач, толиккан бошини қўллари устига қўйди. «Бир неча дақика дам олмай холос», – ўйлади йигит хориган кўзларини юмилишдии тўхтата олмасдан.

\* \* \*

Бир неча километр нарида темир кўзойнак таққан одам таксисининг орқа ўриндиғида тебраниб кетаётганди.

– «Жодугар» клуби, – қайтарди у ҳайдовчига манзилни яна бир бор эслатиб қўйиш мақсадида.

Ҳайдовчи тасодифан йўлиқиб қолган ғайриоддий йўловчига олд ойнадан қизиксиниб тикилганча бош ирғади, сўнг ўнга ўзи минғирлади:

– «Жодугар» клуби... Ҳар кеча энг қўркинчли оломон тўпландиган макон...

## Эллик учинчи боб

Токуген Нуматака ҳашаматли оғисининг массаж салыда массажчининг эзғилашидан роҳатланиб яланғоч ётириди. Массажчи аёл юмшоқ бармоқлари билан Нуматаканинг елкасига ишлов бериб, оҳиста пастга йўналди, орқасининг ҳар бир қаричини уқалаб чиққач, эркакнинг думбасини ёниб турган сочиқ остига қўл югуртириди. Бирок Нуматака аёлнинг майин бармоқлари ҳаракатини аранг илғарди, унинг хаёли ҳозир бутунлай бошқа жойда эди. Ҳозир у шахснинг кўнғироқ кутаётганди.

Шу вақт эшик тақиллади.

– Киринг! – йўталди Нуматака. Массажчи аёл дарҳол сочиқ остидан қўлини тортиб олди.

Эшикдан телефон операторининг қораси кўринди. Ҳона гага кириб, таъзим бажо келтиргач, деди:

– Ҳурматли директор.

– Гапир!

Оператор иккинчи марта бош эгди.

– Мен телефон компанияси билан гаплашдим. Сизги кўнғироқ қилган рақамнинг коди 1 – Кўшма Штатларга тегишли экан.

Нуматака қувониб кетди. Бу яхши янгилик эди. Кўнғироқ Штатлардан қилинган. Унинг юзига табассум югуриб, оператордан сўради:

– АҚШнинг айнан қаеридан экан?

– Ҳозир шуни аниқлашяпти, жаноб.

– Жуда яхши! Кўпроқ маълумот топганингда менга ҳабар бер.

Оператор қайта таъзим қилиб, чиқиб кетди.

Нуматанинг мускуллари енгиллашгандек бўлди. Мамлагат коди – 1. Дарҳакиқат яхши хабар.

## Эллик тўртингчи боб

Сьюзан Флетчер бесабрлик билан ваннахонада ўёқдан пуббкка юриб, секин-секин элликкача санади. Унинг боши ғриплиб кетаётгандек эди. Яна бироз кут, Сьюзан, деди ўзига уни, Грэг Хейл Шимолий Dakota экан!

Сьюзан бу янгиликка анча кўнишиб қолганди. Ҳозир уни Хейлинг режалари кўпроқ қизиқтироқда эди. Грэг калитуни ёълон қиласмикин? Балки очкўзлик қилиб, алгоритмни сотишга уринар? Киз ортиқ кутиб туролмади. Стратморини ёнига борадиган вақт бўлганди.

Сьюзан эшикни эҳтиёткорлик билан очиб, Крипто залиғи каради ва Nod 3 га кўз ташлади. Хейл уни ҳамон кузатаганини билишнинг имкони йўқ эди, чунки ойнаванд девор ишкарини кўришга изн бермасди. Нима бўлсаям киз тезрок Стратморнинг офисига етиб олиши керак. Албатта, жуда тез юрса ҳам бўлмайди – Хейл шубҳаланиб қолиши мумкин. Сьюзан чукур нафас олиб, эндинга очмокчи бўлганида қулоғига овозлар эшитилди. Эркакларнинг овози.

Товушлар вентиляция қувуридан келаётганини пайқаган киз эшик тутқичини қўйиб юборди ва вентиляцияга яқиншиди. Сухбат Криптонинг пастки каватидан келаётгандек уни. Жахл билан бидирлаётган овоз Фил Чатрукянниги ўхшаб кетди:

- Сен менга ишонмайсанми?
- Овоз янада баландлади:
- Бизда вирус бор!
- Сўнг қаттиқ қичкириқ эшитилди:
- Биз Жаббага қўнғироқ қилишимиз керак!
- Бу овоз олишувга уланиб кетди.
- Мени қўйиб юбор!

Шундан кейин Сьюзаннинг қулоғига чалинган товушни одамники деб айтиб бўлмасди. Ер остидан ўлаётган маҳлукнинг жон аччиғида чинқиришига ўхшаш даҳшатли овоз чикди. Киз вентиляция ёнида турганча кўркувдан музлаб қолди. Овоз қанчалик қўққисдан бошланган бўлса, шунчалик тез тиниб, ўртага сукунат чўкди.

Бир неча сониядан сўнг ваннахона чироғи кўркинчли

кинолардаги саҳналар каби хиралашди, сўнг икки-уч лициилаб, бутунлай ўчиб қолди. Съюзанинг атрофини қоронгумлик қоплаб олди.

## Эллик бешинчи боб

Менинг жойимга ўтириб олибсан, эшак!

Беккегер бошини күттарди. Наҳотки, бу Худо қарғаган мәмлакатда кимдир инглизча гапирса?

Унинг тепасида бутун юзига хуснбузар тошиб, сочини күп қилиб олдиргани етмагандек, кал калласининг ярмини китнига, ярмини сиёхрангга бўяб олган пакана ўсмир мўлтабиб туарди. Унинг калласи шу туришида пасха тухумини юлатарди.

– Менинг жойимга ўтириб олибсан деяпман, галварс!

– Сени биринчи марта кўриб турибман, – деди Беккегер үринидан туриш асносида. Йигит ҳозир жанжаллашадиган кийфиятда эмасди. Кетиш вақти бўлганди.

– Менинг шишаларимни қаерга ташладинг? – ўкирди болакай бурини тешиб ўтказилган тўғноғичларни селкиллатиб.

Беккегер хали ерга қўйиб қўйган пиво шишаларига ишора килди:

– Улар бўш экан.

– Бўш бўлса нима қипти? Улар меники!

– Узр сўрайман, – деди Беккегер ва кетишга чоғланди.

Бироқ панк унинг йўлини тўсиб, буйруқ берди:

– Шишаларни ол ердан!

Беккегернинг жаҳли чиқди.

– Сен ҳазиллашяпсанми? – сўради у асабийлашиб. Беккегер панқдан ярим метрча баланд бўлиб, тахминан ўн икки килограммга оғирроқ эди.

– Нима мен ҳазиллашаётганга ўхшайманми?

Беккегер хеч нарса демади.

– Тер шишаларни! – шанғиллади бола.

Беккегер унга эътибор қилмай, ёnidan ўтиб кетмоқчи бўлтанида ўспирин йўлини тўсади.

– Мен тер дедим сенга!

Яқин ўртадаги столларда ўтирган панклар ўгирилиб, текин томошани қизиқиб кузата бошлишди.

– Болакай, ўзингни бундай тутишингни маслаҳат бермайман! – деди Беккегер босик овозда.

– Сени огохлантияпман! – вижжиллашда давом этии ўспирин. – Бу менинг столим. Мен бу ерга ҳар кеча келамин. Ҳозирок тер энди шишаларни!

Беккернинг тоқати ток бўлди. Ахир ҳозир у Сьюзан билан Смоки Маунтинда бўлиши керак эмасмиди? Испанияди, аллақандай ақлдан озган гўдак билан нима қилиб гап тилишиб ўтирибди ўзи?

Газаби қайнаган Беккер бир оғиз ҳам гапирмасдан болининг қўлтиғидан юкорига даст кўтариб, столга қарсиллатиб ўтиргизиб кўйди.

– Мени яхшилаб эшит, мишики. Ҳозирок бу ердан крангни ўчирасан, акс ҳолда бурнингдаги тўғноғични олиб, оғзингта ёпишириб кўяман!

Панкнинг юзи кўркувдан окариб кетди.

Беккер уни бир дакиқа ушлаб туриб, сўнг кўлинини бўшиди. Вахима ичиди дами чикмай ўтирган боладан кўзини умасдан эгилиб шишаларни терди ва столга тараклатиб қўлиди, кейин унга мурожаат қилди:

– Нима деяётгандинг?

Боланинг нафаси ичига тушиб кетганди.

– Мана марҳамат, шишаларингни пишириб е! – деди Беккер ўқрайиб. Бу бола ҳомиладорликни режалаштириш канчалик зарур эканини кўрсатувчи тирик мисол эди.

– Иблисга йўлиkkур! – қарғанди бола, атрофдаги тендошлари уни мазах қилаётганини кўриб.

Беккер жойидан кўзгалмади. Ўсмир айтган сўзлар унин миясига етиб борди. Мен бу ерга ҳар куни келаман дедими? Беккернинг қалбida умид уйғонди, балки бу бола унга ёрдам берса олар.

– Кечирасан, – мулойим овозда гап бошлади Беккер. Исмингни нима дединг?

– Иккирангли! – шивирлади бола ўлим олдидан сўнгти сўзини айтгаётган одамдек.

– Иккирангли? – тушунмади Беккер. – Ммм... Сочинг туфайли шундай ном олганмисан?

– Тўғри топдинг, Шерлок Холмс!

– Эсда қоладиган исм экан, – мақтаб қўйди Беккер. –  
Унинг ўйлаб топганмисан?

– Бўлмасамчи! – ғуурланиб қўйди бола. – Мен патент  
бўлмоқчиман исмимга!

Беккер илжайиб сўради:

– Савдо белгиси демокчимисан? – сўнг панкнинг ҳайрон  
булиб қараганини кўриб, изоҳ берди: – Исмлар учун савдо  
белгиси олинади, патент эмас.

– Менга фарки йўқ! – аччикланди Панк. У рўпарасида  
турган барваста эркакка нима кераклигини тушунмаётганди.

Атрофдаги столларда ўтирган ярми маст, ярми қорадори  
чекиб олган панклар очикчасига хаҳолаб юборишиди. Икки-  
шарни ўрнидан туриб, Беккерга ўшқирди:

– Нима истайсан ўзи мендан?

Беккер бир дақиқа ўйга чўмди. «Бошингни ювшингни,  
тилингни сўқинишлардан тозалашингни ва тузукроқ иш  
юнишингни истайман», – дегиси келди, лекин бу биринчи  
үчрашув учун жуда кўплик қилишини тушуниб, юмшокроқ  
тапириди: – Баъзи маълумотлар керак менга.

– Тошингни тер!

– Мен биттасини қидиряпман.

– Билишни ҳам истамайман.

– Ким ҳақида гапираётганингизни билмайман демокчи-  
мисан? – унинг гапини тўғрилади Беккер, ёнидан ўтиб ке-  
тиётган официантни тўхтатаркан. Йигит икки шинша Агуила  
нивосидан олиб, бирини болага тутқазди. Панк ҳайратлан-  
шича пиводан сипкориб, Беккерга шубҳа билан қаради:

– Мендан нима истайсиз, жаноб?

– Мен бир қизни қидиряпман, – жилмайиб жавоб кай-  
тарди йигит.

Иккирангли хаҳолаб кулворди.

– Бу кийимингиз билан ҳеч нарсага эришолмайсиз.

Беккернинг қовоғи уйилди.

– Мен у қиз билан бўлмоқчи эмасман. Шунчаки, сўрай-  
диган гапим бор. Балки уни топишимида ёрдам берарсан?

Иккирангли қўлидаги пиво идишини столга қўйиб, жид-  
дий сўради:

– Сиз полицияданмисиз? Сўроқ қилгани келдинги имтимонларни Беккер инкор тариқасида бошини қимиirlатди. Бола ишонқирамади.

– Сиз полицияга ўхшайсиз лекин.

– Болакай, мен Мэрилендданман. Зобит бўлганимда, бўйлерларда нима қилиб юрган бўлардим?

Савол болани қийин аҳволга солиб қўйди шекилли, индамай қолди.

– Менинг исмим Девид Беккер, – ўзини таништиришади. Беккер стол устидан қўлини узатиб.

Панк қўркиб кетиб, унга кўл чўзмади.

– Қўлингизни тортинг мендан!

Девид қўлини йигиштириб олди.

Болакай тиржайиб деди:

– Мен сизга ёрдам беришим мумкин. Лекин бекорни эмас!

– Қанча сўрайсан? – шоша-пиша савдо бошлади йигит.

– Юз бакс!

– Лекин менда факат песета бор-да, – хўрсинди Беккер.

– Нима фарқи бор? Унда юз песета берасиз! – деди боли ўйлаб ўтирамай.

Иккирангли ҳеч қачон хорижий валюталарнинг қийми-тига қизиқиб кўрмаган шекилли. Акс ҳолда у юз песета таҳминан етмиш сентга арзишини билган бўларди.

– Келишдик! – деди Беккер шишани стол устига қўйиб.

Бола биринчи марта жилмайди:

– Келишдик!

– Яхши, – овозини пастлатиб сўзида давом этди Беккер.

– Мен кидираётган киз шу ерда бўлиши мумкин. Униг сочи кизил, оқ ва кўк...

Иккирангли қиқирлаб кулди:

– Бугун Иудо Табунинг юбилейи. Ҳамманинг сочи шунаقا.

– Бундан ташқари, у Британия байроғининг расми туширилган футболка кийиб олган ва бир қулоғида калла суягига ўхшаш сирға тақилган.

Иккиранглининг юзида пайдо бўлган ифодадан Беккер у

кини танишини илғаб олди ва қалбида умид алансаси мил-  
нилди. Аммо бир неча лаҳзалардан сўнг Иккиранглиниң  
юни бужмайиб кетди, у қўлидаги шишани столга тараклатиб  
уриб, Девиднинг ёқасига ёпишиб, бор овозда бақирди:

У киз Эдуардога тегишли, тушундингми, эшак? Мен  
они кузатиб юраман. Агар қизга қўлингни текизсанг, Эду-  
ардо сени қиймалаб ташлайди!

## Эллик олтинчи боб

Миж Милкен оғиси рўпарасида жойлашган мажлислар хонасига жаҳл билан отилиб кирди. Қимматбаҳо қизил дараҳтдан ясалган ўн метрлик маҳобатли столдан ташқари, мажлислар хонаси Марион Пайк қаламига мансуб уч машҳур сурат, папоротник билан тўлдирилган вазалар, турли хил шишалар териб қўйилган мармар бар ва Спарклет фирмасининг маҳсус сув совутгичи билан жиҳозланганди. Миж асабларини тинчлантириш илинжида муздек сув қуийб, сипкораркини, дераза жалюзисини ёриб ўтганча стол устида товланаётгани ойнинг кумушранг нурларига умидсиз тикилди. Аёл ҳар доим мажлислар залини директорнинг оғисига айлантириш ҳакида ўйларди, чунки у Фонтейннинг бино олд тарафидаги ҳозирги қароргоҳидан кўра ҳашаматлироқ эди. Бу ердаги улкан деразалар ниҳоятда бетакрор манзара – Криптонинг дов-дараҳтлар ичида осмонга ўралган кошинкор гумбазини акс эттиради. Бу кўринишни МХАнинг бошқа қисмидан туриб кузатиб бўлмасди. Айнан шу ер кирол ўз мамлакатидан бутунлай кўз-кулок бўлиб туриши учун мукаммал жой деб ҳисоблаган Миж анча олдин Фонтейнга хонасини ўзгартириш ҳакида таклиф киритди. Бироқ директор «мажлислар зали МХА биносининг орка қисмida жойлашган, мен эси орқада ўтиришни ёқтирумайман», – деганча лўнда рад жавобини берди. Дарҳаққиат, Лиленд Фонтейн ҳеч қачон ҳеч нарсадан ортда колмасди.

Миж оҳиста бориб, жалюзини очди ва ой ёруғида қорайиб турган тепаликларга қаради. Сўнг хўрсиниб қўйиб, Крипто томон кўз бурди. Олдинлари Крипто гумбазига кўзи тушганида Мижнинг қалбини хотиржамлик курсаб оларди – у йўлни ёритувчи маёқдек аёлнинг қалбига сурур олиб киради. Бироқ бу сафар Миж хушқад бинога эмас, чексиз бўшлиққа тикилгандек бўлди. Юзини ойнакка тираганча ташкарига яхшироқ тикилган аёлнинг кўзлари вахимадан олайиб кетди – у ерда коронгуликдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Крипто ғойиб бўлганди!

## Эллик еттинчи боб

Крипто ваннахонасида бирорта ҳам дераза йўқлиги бопс ичкарига ҳеч қаердан заррача нур тушмасди. Мутлак коронғулик ичида қолган Сьюзан Флетчер жойида ўликдек котиб қолди. Танасини чулғаб олаётган қўрқувга бас келишти канчалик уринмасин, вентиляция қувуридан келган даҳшатли қичқирик қулоқлари остида акс-садо бериб, қизнинг миясини эгаллаб олди.

Гулғула ичида Сьюзан ҳожатхона эшиклари ва қўл ювадиган раковиналарни тимирскиланиб топди, сўнг қўлинин олдинга чўзганча тасаввурида жонлантирган хона ичида ҳаракатланишни бошлади. Шу вақт оёғи остида турган ахлат кутисини кўрмасдан, тарақлатиб тепиб юборди ва бармоклари муздек мармар деворга тегди. Деворни пайпаслаб олдинга силжиди ва ниҳоят чиқиш эшигининг тутқичига етиб борди. Қиз шошганча эшикни ўзига тортди ва Крипто қаватига қадам ташлади.

Бироқ кўз олдида намоён бўлган манзара Сьюзанни иккинчи марта ўликдек музлатиб кўйди.

Қиз бир неча дакиқа олдин кўрган Крипто залидан асар ҳам қолмаганди. Гумбаздан тушаётган ғира-шира нур остида Трансхабар кўланкаси зўрға кўринарди. Залдаги барча чироқлар тугул, ҳатто эшиклардаги электрон очқичларда ҳам йилт этган учқун кўзга ташланмасди.

Бироз ўтиб, Сьюзаннинг кўзлари коронғуликка қўниди ва Криптодаги ягона ёруғлик манбаи – қизғиши нур пастки қаватнинг очилиб қолган эшигидан келаётганини кўрди. Қиз шу нур томон ҳаракатланди. Ҳавони билинар-билинмас азот ҳиди тутганди.

Сьюзан эшик ёнига келиб, пастга назар ташлади. Фреон вентиляторлар оч қизил чантлар орасидан тинмай айланаётганди. Генераторларнинг ғувиллаган товуши қизга Криптода ҳалокат энергияси ёқилганини англади. Енгил туман ичида Сьюзан платформада турган Стратморнинг гавдасини кўрди. У тўсиққа суюнганча Трансхабарнинг ғувиллаётган қувурлари ичига тикилаётган эди.

– Командор! – чақирди Сьюзан. Афсус, ҳеч ким жавоб бермади.

Сьюзан нарвонга яқин келди. Пастдан келаётган иссиқ ҳаво юбка оралаб қизнинг сонларига урилди. Қиз эгилиб, охиста чақирди:

– Командор?

Стратмор ўгирилиб ҳам қўймади. У транс ҳолатига тушиб қолган каби кўзини бир нуктадан узмай турраверди. Сьюзан командорнинг нигоҳи қадалган жойга синчилшиб тикилди. Бир неча сония қизнинг кўзлари тутундан бошқи ҳеч нимани илғамади. Сўнг унга кўзи тушди. Чалқанча ётгани одам танаси. Олти қават пастда Фил Чатрукяннинг корайиб, куйиб кетган жонсиз танаси асосий генераторнинг ўткир парракларига михланиб қолганди. Унинг генераторга йиқи-либ тушиши Криптонинг асосий электр манбаидан узилишига олиб келганди.

Бирок Сьюзаннинг этини жимиirlатиб юборган Фил Чатрукян эмас, бутунлай бошқа нарса – зиналар ўртасида сояги яширинганча эгилиб турган кўланка эди. Мушакдор елка-лардан қўланканинг Грег Хейл экани кундек равшан эди.

## Эллик саккизинчи боб

Панк оғзидан тупук сачратиб Беккерга қичкирарди:

– Меган дүстим Эдуардога тегишли. Ундан узокрок юр!

– Қаерда хозир у қиз? – Беккернинг юраги қинидан чиккудек уриб кетди.

– Дамингни ол!

– Бу фавқулодда ҳолат! – ўшқирди Беккер йигитнинг ёқасини ғижимларкан. – Қизда менга тегишли узук бор. Уни қайтариб олишим керак. Оғзига сикқанича ҳақ тўлашга тайёрман!

Иккирангли тўхтаб туриб, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди:

– Анави беўхшов тилла узук сизникими ҳали?

Беккернинг кўзлари кенгайди:

– Узукни кўрдингми сен?

Болакай бош иргади.

– Қаерда хозир у? – сўради Беккер сабрсизланиб.

– Мен қаердан биламан, – кулди Иккирангли. – Меган узукни пулламоқчи бўлиб юрганди.

– Сотмоқчи эдими?

– Ҳа, лекин хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Ҳеч ким уни сотиб олишни истамади.

– Ишончинг комилми?

– Қайси аҳмоқ тўрт юз бакс беришга рози бўлади деб ўйлайсиз алмисоқдан қолган узук учун? Мен эллик доллар таклиф қилдим, аммо Меган кўпроқ хоҳлади. У самолётга чипта сотиб олмоқчи эди.

Беккернинг юзидан қон қочди.

– Қаерга учиб кетмоқчи?

– Коннектиутга-да! – Иккирангли илжайди. – Эдди билан бирга саёҳат учун пул керак Меганга.

– Коннектиутга саёҳатгами?

– Шундай. Коннектиутда Эддининг ойижониси билан дадажонисига тегишли данғиллама дала ҳовли бор. Испаниядаги оиласи Меганнинг жонига тегди. Бу ерда учта ака-уканинг туртқилашига ортиқ тоқат қилолмаяпти. Уйида ҳатто иссиқ сув ҳам йўқ.

Беккернинг оёғидан мадор қочди.

– Қачон жўнаб кетяпти Меган?

Иккирангли тиржайди.

– Қачон дейсизми? Аллақчон учиб кетган бўлса керак.

Бир неча соат олдин аэропортга кетганди. У ердаги бой туристларга узукни пуллаши биланок, чипта олиб, учиб ке-тишни режалаштирганди.

Беккернинг кўз олди қоронғулашиб кетди. Нима бу? Ҳа-зилми? Бир неча лаҳза серрайиб тургач, сўради:

– Меганнинг фамилияси нима?

Иккирангли бироз ўйланиб туриб, елка кисди.

– Қайси рейс билан учмоқчи эди? – яна сўради Беккер.

– Қандайдир наша рейси ҳақида галиргандек бўлувди.

– Наша рейси?

– Аха! Бу дам олиш қунлари учадиган тунги рейс. Кол-леж ўқувчилари шуни танлашади, чунки жуда арzon. Орқа ўринидикда ўтировлиб, наша чекиб кетиш имконияти борли-ги учун шундай аталгандир, – хиринглади Иккирангли.

Ажойиб! Беккернинг қовоғи уйилди, бармоклари билан сочини текисларкан, яна сўради:

– Қачон учиб кетди бу рейс?

– Рейс ҳар шанба тунги соат иккита кетади. Ҳозир Ат-лантика устидан учиб ўтаётган бўлса ажабмас.

Беккер соатини текшириди. 01:45. Сўнг Иккиранглига ўгирилди.

– Сен тунги 02:00 да деяпсанми рейсни?

Панк бош силкиб, кулгига зўр берди.

– Қулоғингиз яхши эшитмайдими нима бало?

Беккер яна соатига кўз ташлади.

– Ахир соат эндиғина 01:45 бўлдику!

Иккирангли ҳам вақтни текшириб, уялинқиради.

– Жин урсин, мен адашган кўринаман.

– Аэропортгача энг тез олиб борадиган йўл қайси? –

Беккернинг юраги дупурлаб ураётганди.

– Ташкарида такси станцияси бор.

Беккер чўнтагидан 1000 песета чиқариб, Иккирангли-нинг қўлига тутди, ўзи эса ташқарига отланди.

– Оҳо, миннатдорман, қария! – хитоб қилди панк унинг

ортидан, ўзида йўқ шодланиб. – Меганни учратиб қолсангиз, салом деб қўйинг номимдан.

Аммо Беккер унинг сўзларини эшитмади. У аллақачон кетиб бўлганди.

Иккиранги хўрсиниб, рақс зали томон гандираклаганча юриб кетди. У шунчалик маст эди-ки, ортидан эргашиб кела-штан темир кўзойнакли кишини пайқамади ҳам.

Ташкарига чиқсан Беккер машиналар тўхташ жойини кўздан кечирди. Атрофда ҳеч қандай такси кўринмасди. У кириш эшиги ёнида турган пакана назоратчи томон чопди.

– Такси!

Пакана бош чайқади.

– Demasiado temprano. Ҳали жуда эрта!

– Жуда эрта? – Беккер ичиди сўқинди. – Тунгги соат икки ҳозир, қанақасига эрта бўлади!

Пакана чўнтағидан титилиб кетган қоғоз чикариб, кўз ташлади ва деди:

– Viente minutos.

– Йигирма дақиқа? – қайта сўради Беккер. – Y el autobus? Назоратчи елка қисди.

– Кирқ беш дақиқадан кейин.

Беккер чапак чалди. Гап бўлиши мумкин эмас!

Шу маҳал Беккернинг қулоклари остида кичкина моторнинг арраникига ўхшаш дириллаган овози эшитилди. Ўгирилиб қараган Беккер машина тўхташ жойига эски Vespa 250 мотоциклида кириб келган баҳайбат йигит билан қизга кўзи тушди. Қизнинг калта юбкаси остидан оппоқ сонлари кўз-кўз бўлаётганди, бироқ унинг парвойи фалак эди. Беккер мотоциклларни қанчалик ёмон кўрмасин, миясига бир фикр келди ва баҳайбат йигитга кичқирди:

– Хей, оғайни, аэропортга ташлаб кўйсангизчи мени. Ўн минг песета нақд бераман!

Баҳайбат йигит эътибор қилмасдан, моторни ўчирди.

– Йигирма минг бераман! – давом этди Беккер. – Аэропортга боришим керак! Тезда!

Йигит Беккерга яхшиrok қаради.

– Scusi? – у итальян эди.

— Aeropórt! Per favore. Sulla Vespa! Venti mille peseta.

Италиялик Беккернинг таклифидан ҳайрон бўлиб, кулиб юборди.

— Venti mille peseta? La Vespa?

— Cinquanta mille! Эллик минг песета! Нақд! — нархни ошириди Беккер. Бу тахминан 400 доллар атрофида эди.

Италиялик ишонқирамасдан илжайди:

— Dov'è la plata? Қани нақд пул?

Шунда Беккер чўнтағидан бешта 10,000 талик банкнотани чиқариб, жуфтликка узатди. Италиялик бир пулга, бир ҳамроҳига ажабланиб тикилди. Қиз кутиб ўтирасдан, пулни шарт чанглаб, Беккернинг қўлидан олди ва кофтасининг ичига тиқди.

— Grazie! — деди итальян жилмайиб ва Vespa'нинг калигини Беккернинг қўлига ирғитди, сўнг қизи билан хандонотиб кулганча клуб ичига қараб чопди.

— Aspetta! — уларнинг ортидан қичқирди Беккер. — Шошиманглар! Менга мотоцикл керак эмас! Аэропортга элтиб қўйишингизни сўрагандим!

## Эллик түқкизинчи боб

Сьюзан командор Стратморнинг юқоридан чўзилган кўлларига осилиб, нарвондан тепага кўтарилиди ва Крипто қиватига чиқиб олди. Фил Чатрукяннинг генератор парракларига ёпишиб қолган жасади унинг тасаввурига ўрнашиб қолганди. Крипто пастки қаватидаги зиналарга беркиниб олган Грэг Хейл кизни тамоман эс-хушидан айирди. Кўриниб турган ҳақиқатдан қочиб бўлмасди – Грэг Хейл бечора Чатрукянни генератор домига итариб юборганди.

Сьюзан ярим бехуш одамдек Криптонинг асосий чиқиш шигига яқинлашди – у худди шу эшикдан бир неча соат инвалид кириб келганди. Чиқиш тугмасини минг босмасин, улкан пўлат эшик ғик этмади. Киз тузоққа тушган, Крипто эса қамоқхонага айланганди. Крипто биноси сунъий йўлдош каби МХАнинг асосий иншоотларидан 110 метр узокликда, бутунлай ажратиб курилганди. Крипто ўзини-ўзи энергия билан таъминлагани сабаб коммутатор улардаги муаммони сезмаган ҳам бўлса керак.

– Асосий энергия таъминоти ишдан чиқди, – деди қизининг орқасидан остонаяга етиб келган Стратмор. – Кўшимча генераторлар ишга тушди.

Криптодаги энергия таъминоти шундай йўлга қўйилган ўди-ки, Трансхабар ва унинг совутиш тизимларини бирламчи, эшик ва чирокларни эса иккиласи энергия билан таъминларди. Мана шу ҳолатда қандайдир туташув сабаб, энергияда узилиш бўлса ҳам, Трансхабарга зарап етмас, у ишида давом этаверарди. Трансхабар совутиш тизимларисиз бир муддат ҳам фаолият олиб боролмасди; иссиқда уч миллион процессордан чиқсан ҳарорат жуда юкори бўлиб, кремнийли чипларнинг эриб кетишига олиб келарди. Бунинг натижаси ҳақида ўйлаб кўришга ҳеч ким ботина олмасди.

Сьюзан қўркувани енгиб, ўзини қўлга олишга уринди. Кўз олдида яна генераторга қапишиб қолган Фил Чатрукяннинг мурдаси гавдаланиб, жонҳолатда чиқиш тугмасини яна босди. Ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

– Трансхабарни ўчиринг! – талаб қилди Сьюзан. Рақамили калъанинг калит сўзини қидиришдан Трансхабарни озод

қилиш орқали эшикларни очиш учун кераклича энергия тўплаб олиш мумкин эди.

— Ўзингни бос, Сьюзан, — деди Стратмор ва метиндан кўлларини қизнинг елкасига қўйди.

Командорнинг тафтидан ўзига келган Сьюзан нима ким мокчи эканини эслади, ўгирилиб қараб, қалтироқ овондиди деди:

— Командор! Грэг Хейл билан Шимолий Дакота битти одам экан!

Ўртага тушган жимликдан қоронғулик қаърида Стратморнинг пишиллаб нафас олишигина эшитиларди. Бирор шу алфозда тургач, командор тилга кирди, унинг овозидан ажабланиш эмас, чалкашликни сезиш мумкин эди.

— Нима ҳақида гапирияпсан?

— Хейл... — шивирлади қиз. — У Шимолий Дакота!

Яна жимлик хукмроқликини ўз кўлига олди. Командор қизнинг сўзларини таҳлил қилётганди. — Изқувар? Изқувар? Хейлга олиб чиқдими?

— Изқувар ҳалигача қайтмади. Хейл уни тўхтатган экан! — Сьюзан қандай қилиб Хейл изқуварни тўхтатгани, унинг электрон манзилидан топган Танкадонинг хабарлари ҳақида тушунтиришга киришди. Қизнинг гапларидан сўнг командор бир муддат қотиб қолди, сўнг ишончсизлик билан пищирлади:

— Грэг Хейл Танкадонинг ҳамтавоғи бўлиши мумкин эмас, бу бўлмаган гап. Танкадо икки дунёда ҳам Хейлдек одамга ишонмаган бўларди!

— Командор, — охиста эътиroz билдириди Сьюзан. — Хейл олдин ҳам оёғимиздан чалган — Читтак алгоритмини унугдингизми? Танкадо унга ишонган.

Стратмор каловланиб қолди.

— Трансхабарни тўхтатинг, илтимос, — ялина бошлади Сьюзан. — Шимолий Дакота ким эканлигини аникладик. Бино хавфсизлик хизматига қўнғироқ қилинг. Бу ердан чиқайлик, жаноб.

Стратмор қўлини чаккасига тираганча ўйланиб қолди.

Сьюзан асабий тарзда пастки қаватнинг очик эшиги то-

мон қаради. Трансхабар орқасида колган эшик бу ердан туриб күримасди, бирок ундан чиқаётган қизғиши шуғлани коронғулиқда илғаш мумкин эди. Бўлақолсангизчи, командор! Хавфсизлик бўлимига боғланинг! Трансхабарни тўхтатинг! Бу ердан кетишимиз керак!

Командор тўсатдан харакатга келди.

– Ортимдан юр! – деб кизга буйруқ бериб, пастки қават шинги томон ошиқди.

– Командор, Хейл жуда хавфли, у...

Аммо Стратмор қизнинг гапига қулок осмай, коронғулик ичидаги бўлди. Сьюзан шошилганча унинг кўланлиси ортидан эргашди. Трансхабарни айланиб ўтиб, пастга олиб борувчи эшик ёнига келган Стратмор тиззалаб, чукурликни кўздан кечирди, тахлика ичидаги Крипто қаватига бир кўз ташлаб, сўнг ўйлаб ўтирмасдан, пастки қават эшигини дингиллатиб ёпди. Гумбурлаган товушдан сўнг ўртага юракни ўртаб юборувчи жимлик чўқди. Пастки қават эшиклари ёнилиб, Шимолий Дакота қафасга тушгандек эди. Командор каналаксимон калитни бураб, ер ости қаватини бутунлай қулфлаб ташлади ва бироз хотиржам тортгандек чукур хўрсанди.

На у, на Сьюзан Nod 3 тарафдан келаётган енгил қадам товушларини эшитмади.

## Олтмишинчи боб

Иккирангли рақс майдончасига олиб борадиган ойнаклий йўлкадан кетиб борарди. У бурнидаги тўғноғични текшириб қўйиш учун ойнага бурилганида ортидан келаётган шарпани пайқади. Шарпанинг кимлигини билиш учун ўгирилмоқчи бўлганди, улгурмади. Тошдек мустаҳкам қўллар боланини танасини ойнага қапиштириди.

Панк типирчилаб, халос бўлишга уринди.

– Эдуардо? Сенмисан? – у ҳамёни томон йўналган қўлини сезди. – Эдди, – қичкирди бола. – Бу ерда санғиб юришини бас қил, қандайдир киши Меганни қидиряпти ҳозир.

Шарпа уни маҳкамроқ тиради.

– Ҳой, Эдди, оғайнни, тортсангчи қўлингни! – жони оғриди панкнинг. У ойнадан қараб, ортида турган одам дўсти эмаслигини кўрди.

Кўзгуда чандикларга тўла юз боқиб турарди, унинг төмир кўзойнак ортидаги нурсиз қўзларида ҳаёт аломатлари сезилмасди. У оғзини панкнинг қулокларига яқинлаштириб, ғалати овозда пичирлади:

– Adónde fué. У одам қаерга кетди? – унинг сўзлари беўхшов талаффуз килинди.

Панк қўрқувдан музлаб қолди.

– Аэропортга... Aeropuerto, – типирчилади бола.

– Aeropuerto? – кайтарди эркак кўзгудан Иккиранглининг лабларидан ўқиркан.

Панк шоша-пиша бош ирғади.

– Tenía el anillo? У узукни олдими?

Иккирангли даҳшат ичидаги бош чайқади:

– Йўқ.

– Viste el anillo? Сен узукни кўрдингми?

Иккирангли дархол бош силкиди. У ҳақиқатни айтганим учун озод бўламан деб ўйлаганди. Аммо бу иш бермади. Орадан бир неча сония ўтиб, панк оҳиста полга сирғалиб тушди. Унинг бўйни синдириб ташланган эди.

## Олтмиш биринчи боб

Улкан компьютернинг ёнида стулга орқа ташлаган Жабба кўзларини чала юмид ётарди. Унинг оғзида ёриткичли ручка, кўлида кавшар, корнида эса аллақандай схемалар чишитган катта қоғоз бор эди. Эндинга носозлик чиқсан она шлатани тузатиб ором олиш учун кўзларини юмган ҳам эдик, телефони асабий жиринглаб қолди.

– Жин урсин! – сўкинди Жабба хордик олишига ҳалал бернишганидан аччикланиб ва гўшакни кўтарди. – Жабба шинтади!

– Жабба, бу мен, Миж.

Жаббанинг юзи ёришди.

– Нақадар ажойиб, Миж. Бир кечанинг ўзида икки марта йўклаяпсанми?

– Криптода муаммо чиқди, Жабба, – қалтироқ овозда деди аёл.

Яна эски гапни эшитган Жаббанинг ковоғи уйилди.

– Бу хақда аллақачон гаплашгандик-ку. Унутдингми?

– Энергия билан боғлиқ муаммо бу.

– Мен электрик эмасман, Миж. Муҳандисларни чақир!

– Крипто қоронғулик қаърида қолди!

– Кўзингга ҳар хил нарсалар кўриняпти. Уйингга жўна!

– деди Жабба ва компьютерига ўгирилди.

– Ҳамма жой қоп-коронғу, жин урсин! – қичқирди аёл тўшак ортидан.

Жабба босик овозда сўзга кирди:

– Миж, биринчидан, бизда иккиласмчи энергия таъминоти бор. Бино ҳеч қачон коронғу бўлиб қолмайди. Иккинчидан, Стратморнинг кўзи мендан яхшироқ кўради. Нега унга кўнғироқ қилмаяпсан?

– Чунки ҳаммасининг бошида у турибди. Стратмор ниманидир яширяпти, Жабба, – зорланди Миж.

Жаббанинг энсаси қотди.

– Миж, азизам, ҳозир мен бўйнимгача кабель симларига ўралиб ётибман. Агар мен билан шахсан учрашмоқчи бўлсанг, гап йўқ, ҳозироқ бўшайман. Акс ҳолда муҳандисларни чақир!

– Жабба, бу жиддий масала. Кўнглим сезяпти ахир!

«Мижнинг кўнгли сезяпти? Яна бошланди!» – ўйлади Жабба.

– Стратмор ҳеч нарса дегани йўқ-ку бу ҳақда. Нега хи-  
вотирланасан?

– Криптода ёруғлик учқуни кўринмаяпти, жин урсин,  
нега тушунмайсан? – Мижнинг тоқати ток бўлаётганди.

– Балки Стратмор қоронғуликда юлдузларни томони  
килмоқчиdir? – ҳазиллашишга уринди Жабба вазиятни юм-  
шатиш учун.

Миж портлади:

– Минг лаънат бўлсин! Мен бу ерда қуён ўйнатаётганим  
йўқ кулишингга арзигулик!

– Яхши, яхши, ўзингни бос! – хўмрайди Жабба. – Балки  
генераторда узилиш рўй бергандир. Бу ердаги ишимни туғи-  
тишим биланок Криптоға бораман ва...

– Иккиламчи энергия таъминоти-чи? – сўради Миж.  
Генераторда носозлик чикқан бўлса ҳам, барибир иккиламчи  
таъминот ишлаши керак эди-ку?

– Билмадим, Миж. Балки Стратмор Трансхабарни  
ишлатётгани учун иккиламчи энергиянинг барчаси унги  
сарфлангандир?

– Унда нега Трансхабарни тўхтатмаяпти? Вирус бўлса-  
чи? Ҳали шу ҳақда гапиргандек бўлувдинг.

– Худо ҳаққи, Миж! – тутаб кетди Жабба. – Сенга неча  
марта айтиш керак, Криптода ҳеч қандай вирус йўқ, бўлиши  
ҳам мумкин эмас! Бунчалик ваҳимачи бўлишни йиғиштир!

Гўшакдан аёлнинг оғир-оғир нафас олгани эшитилди.

– Жин урсин, Миж, – юмшади Жабба. – Сенга яхши-  
лаб тушунтирасам бўлмайди шекилли. Биринчидан, бизда  
Gauntlet бор – ҳеч қандай вирус уни четлаб ўтиб кетолмайди.  
Қолаверса, энергия таъминотидаги узилишга вируснинг ҳеч  
қанақа алоқаси йўқ. Вирус маълумотларга ҳужум қилади,  
энергияга эмас. Криптода нима бўлаётганини билмадиму,  
Трансхабарда вирус йўқлиги аниқ. Хотиржам бўл!

Жимлик.

– Миж... Мени эшитяпсанми?

Гўшакдан аёлнинг совуқ оҳангдаги овози эшитилди:

– Жабба, мен ўз хизмат бурчимни бажаряпман ва бунинг учун менга бақиришларини ёқтирмайман. Агар мен нима сабабдан миллард долларлик бино қоронғулик ичида қолди леб сўрасам, демак профессионал жавоб кутган бўламан.

– Тушундим, хоним.

– Шунчаки тушундим дейиш етарли эмас. Криптодаги муаммога вируснинг алоқаси бўлиши мумкинми?

– Миж... Ахир айтдимку...

– Ҳа ёки йўқ?

– Йўқ, Миж. Бундай бўлиши мумкин эмас!

– Раҳмат!

– Агар Стратмор мени фильтрларимни айланиб ўтиб, вирус киритмаган бўлса албатта. – ҳазил қилди Жабба вазијатни юмшатиш илинжида.

Бироқ Миж бу ҳазилга кулмади, аксинча, ўртага узок жимлик чўкди. Сўнг аёл хавотирли товушда сўради:

– Стратмор Gauntlet'ни четлаб ўтиши мумкин демоқчи-мисан?

Жабба тилини тишлади.

– Бу албатта ҳазил эди Миж – деди шоша-пиша, бироқ кеч бўлганди.

## Олтмиш иккинчи боб

Пастки қаватнинг кулфланган эшиги ёнида тик турған командор ва Сьюзан энди нима қилиш кераклиги ҳакида баҳслашарди.

– Фил Чатрукян пастда колиб кетди. Ёрдам чакирадиган бўлсак, Крипто ҳайвонот боғига айланиб кетади, – зътири билдирарди Стратмор.

– Хўш, ундан бўлса нима қилишни таклиф қиласин! – сўради Сьюзан. Қизнинг ягона истаги Худо қарғаган бу маннанни тезрок тарқ этиш эди.

Стратмор бир неча лаҳза ўйланиб колди.

– Қандай бўлганини сўрама, – ниҳоят тилга кирди ўёпилган люкка қараб қўяркан. – Лекин менга шундай туғуляптики, биз Шимолий Дакотани қўлга олиб, заарасизлаптиргандекмиз. – Командор бошини сарак-сарак қилди. – Жизурисин, омадимиз келиб қолди шекилли. – У ҳанузгача Хейлнинг Танкадо билан ҳамкор эканини ҳазм қилолмаётгандек эди. – Ўйлашимча, Хейл Рақамли қалъанинг кириш сўзини компютерининг аллақаерига яшириб қўйган – балки уйиди нусхаси бордир. Нима бўлгандаям, Хейл ҳозир қопқонда.

– Хўш, ундан бўлса нега сокчиларни чакириб, уни хибсга олдирмайсиз?

– Ҳозир эмас! – деди Стратмор. – Агар техник ходимлар Трансхабар салкам йигирма соатдан бери ишлаётганини сезиб колишса, олдимизда яна янги муаммолар пайдо бўлади. Эшикларни очишдан олдин Рақамли қалъа билан боғлиқ барча изларни йўқ қилишимиз зарур!

Сьюзан ноилож шефнинг фикрига қўшилди. Дарҳақиқат, командорнинг режаси пухта ўйланган эди. Албатта, қўрикчилар келиб, Хейлни ер остидан чиқариб, Филнинг ўлимими бўйнига қўйишганда, Хейл бутун дунёга Рақамли қалъа ҳакида айтаман деб шантаж қилиши мумкин. Агар ҳозир шеф калит сўзни йўқ қиласа, Хейлнинг сўзларига ҳеч қандай исбот колмайди. Командор эса яна бир бор ўз маҳоратини кўрсатиб, роль ижро этиб беради – «очиб бўлмас алгоритм? Бу бўлмаган гап! Наҳотки, Хейл Бергхофский тамойили ҳакида эшитмаган бўлса?»

Биз ҳозир, – деди Стратмор, режасини баён этаркан, Танкадо ва Хейл ўртасида бўлган барча ёзишмалаларни нуқотишимиз керак. Сўнг Gauntlet'ни четлаб ўтганимнинг ишини учiramiz. Чатрукян Трансхабарга юклаган барча таҳлилларни, монитор хабарларини, ҳамма-ҳаммасини йўқ қилинг. Худди бу ерда ҳеч гап бўлмагандек. Хейлнинг қўлини калит сўзни топиб, тинчитганимиздан кейин эса Девид Ҳон-омон Танкадодаги калит сўз нусхасини топиши учун дую қиламиш!

Девид... Қизнинг хаёлини севгилиси қамраб олди, бирор вазиятдан чалғимаслик учун йигитни миясидан кувиб чикаришга уринди.

Техник лаборатория билан ўзим шуғулланаман, – давом этди Стратмор. – Монитор статистикаси, айланма хабарлар, таҳлиллар – ҳаммасини ўзим текислайман. Сен Nod 3 иш қўлинингга ол. Хейлнинг почтасидаги барча хатларни йўқ кили. Унутма, Танкадо билан бўлган ҳар бир ёзишма, Рақамли қитъя тилга олинган ҳар бир жумла ўчиши керак!

– Яхши, тушундим, – жавоб кайтарди Сьюзан. – Мен Хейлнинг компьютерини форматлаб таштайман. Ҳеч нарса колмайди шунда.

– Асло! – қатъий овозда эътиroz билдириди Стратмор. – Асло бундай кила кўрма. Калит сўз компьютернинг ичida бўлиши керак. Агар форматлайдиган бўлсанг, калит сўз хам шуколиб кетади. Менга керак у!

Сьюзан ажабланди.

– Сизга калит сўз керак? Ахир биз ўша лаънати калит сўзни йўқ қилиш учун шунча ҳаракат қилмаяпмизми?

– Худди шундай! Бирок менга унинг нусхаси керак. Мен бу жин ургур файлни очиб, Танкадонинг дастурига кўз гашлашни истайман!

Қиз ҳам Рақамли қалъя қандай алгоритм эканига ҳар қанча қизиқмасин, ички овоз унга алгоритмни очиш яхшиликка олиб бормаслигини айтиб турарди. Айни дамда, дастур кафас ичидаги хавфсиз маҳлукқа ўхшайди, калит билан кулфлар очилгандан кейин нима бўлишини эса ёлғиз Худо-ю Танкадо билади. – Командор, балки биз шунчаки...

– Мен калит сўзни хоҳлайман! – гапни чўрт кесди Стратмор.

Тан олиш керакки, Рақамли қалъа ҳақида илк эшигидан бери қандай қилиб Танкадо бундай алгоритмни ёзининг уддасидан чиққани ҳақида билишни истаб кизини юраги потирларди. Чунки Рақамли қалъа криптографияни пойдеворига зарба берган дастур эди. Сьюзан командори хавотирили тикилиб, сўради:

– Дастурни кўришимиз биланоқ ўчириб ташлайсизми?

– Хеч қандай из қолдирмасдан! – уни тинчлантириди командор.

Сьюзан оғир хўрсинди. Хейлнинг компьютеридан калит сўзни топиш осон бўлмаслигини у яхши биларди. Компьютердан бирор нарсани номини ёзмасдан туриб қидириш Төхасдек ҳажмдаги кирлар уюмидан пайпок қидиришдек таш эди. Яхшиям Сьюзан ва яна бир нечта криптограф номуно-фикар қидириув деган дастур ишлаб чиқкан – унинг ёрдамида компьютердаги ҳар бир файлни луғатга солиштириш орқали маъносиз туюлган ҳужжатларни топиш мумкин эди. Эҳтимол, кам бўлса-да, номувофиқлик қидируви айни дамда кўлиши мумкин эди.

Қиз калит сўзни топиш учун ўзидан яхширок вариант йўклигини хис қилди.

– Агар ҳаммаси яхши кетса, узоғи билан ярим соат ичинда калит сўз кўлимизда бўлади, – деди Стратморга қараб.

– Ундей бўлса ишга киришдик! – деди Стратмор қўлини кизнинг елкасига ташлаб ва уни Nod 3 нинг қоронғу зали сари бошлади.

Криптонинг шишаванд гумбазидан қоп-қоронғу осмонда саноқсиз юлдузлар милтиллаб нур сочиб турарди. Сьюзан йўл-йўлакай худди шу юлдузларни Девид ҳам кўриб турганин деб хаёл қилди.

Улар Nod 3 нинг оғир ойнали эшигига яқинлашганда, Стратмор ногаҳон сўкиниб юборди. Энергиядан узилиш бўлгани сабаб Nod Знинг эшиги мутлақ ёпилган эди.

– Минг лаънат! – пишкирди Стратмор. – Электр йўклигини унутибман!

Командор эхтиёткорлик билан эшикни синчиклаб текшириди ва бармоқларини ойнанинг ичига тиқди, сўнг бор кучи билан эшикни суришга ҳаракат қилди. Унинг қўли терлаб кетгани учун сирғаниб, чиқиб кетди. Командор бармоқларини шимига ишқалаб, куритгандай бўлди ва яна эшикни очишга уринди. Бу сафар эшик қисирлаб, озгина ниркиш пайдо бўлди.

Командорнинг ниятини пайқаган Сьюзан Стратморнинг ортига ўтиб, бармоқларини эшикка тиқди. Эшик икки сантиметр очилди. Улар шу алфозда бир неча сония тургач, босим жуда кучли бўлганидан эшикни ортиқ суриб қолишолмади. Эшиклар қайта ёпилди.

– Шошманг, – деди Сьюзан ва командорнинг олдига силжиди. – Қани, энди кўрайликич!

Улар яна куч билан эшикни силжитишиди. Сьюзан бу сафар бир неча сантиметрга очилган эшикка зудлик билан туфлисининг учини тиради ва янада қаттикроқ итаришга тушди. Ичкаридан таралган компьютерларнинг кўкиш нури уларнинг юзини ёритди. Компьютерлар иккиласми электр пъминотидан фойдаланаётгани учун ҳамон ишлаётган эди. Стратмор кучини бармоқларига тўплаб, эшикнинг чап туткичини итарди, Сьюзан эса чап туткичга маҳкам ёпишганча уни тескари томон тортди. Аста-секинлик билан баҳайбат эшик иккига ажрала бошлади. Ўртадаги масофа бир қадамга яқинлашди.

– Қўйиб юборма, – пишқирди Стратмор, – яна бироз ҳаракат қилайлик!

Сьюзан елкаси билан эшиклар ўртасида очилган тирқишига ўзини урди ва қаттикроқ итарди. Очилишни истамаётгандек, эшиклар ҳам Сьюзанга томон йўналарди.

Стратмор эътиroz билдиришга улгирмасидан, Сьюзан нозик танасини эшикка тиқди. Кизнинг хёлида фақат бир нарса – тезрок бу лъянати макондан чиқиб кетиш бор эди. Стратмор хеч қачон Хейлдаги калит сўзни топмасдан туриб, бу ерни ташлаб кетмаслигини яхши билган қиз нима қилиб бўлса ҳам ичкарига кириб, кидиувни бошлишни истарди.

Сьюзан ёрикка кириб олиб, бор кучи билан эшикни ўзи-

дан итаришга уринди. Эшиклар ҳам қарши ҳаракатта келди ва Сьюзанни кисиб кола бошлади. Стратмор уларни тұхтишишга минг уринмасин, бунга имконият етмасди. Эшиклар тараклаб ёпилишидан бир неча лаңза олдин Сьюзан сирғалиб, Nod 3 ичига кулаб тушди.

Командор эшикни кайта очиши ҳаракат қилиб, бир синтиметрлик түйнүк ҳосил қилди. У юзини эшикда пайдо бүлган кичкина тиркишга тутиб, ташвишли оханды сүради:

– Ё Худойим! Сьюзан! Яхшимисан?

Қиз ўрнидан туриб, кийимларини қоқиб, атрофни күздеш кечирди. Nod 3 да ҳеч зөғ күрінмасди, компьютерлардан тушиб турған хира нургина зални ёритарди. Хонадаги жиҳозларнинг сояси вахимали арвохларни эслатарди; қизнинг эти жунжикіб кетди, эшик тиркишига ўғирилиб, Стратморға қаради. Күкиш чироклар ёғдусида командорнинг юзи касыл одамникідай нурсиз күринарди.

– Сьюзан, – охиста, аммо қаттый оханды гап бошлади Стратмор. – Менга техник лабораториядаги барча файлларни ўчиришим учун йигирма дақиқа ксрап. Барча излар йўқ қилиниши биланоқ, Трансхабарни тұхтатиши учун хонамтийўл оламан.

– Тушунарли, жаноб, – деди Сьюзан тиркишдан шефти қарапкан. Трансхабар иккиламчи электр таъминотидан фойдаланишини тұхтатмагунча, қиз Nod 3 ичидә кулфланиб қолишига мажкүм эди.

Стратмор эшикни қўйиб юборди ва у тараклаб ёпилди. Сьюзан ойна ортидан Стратморнинг Крипто залидаги қоронғулик ичидә ғойиб бўлишини кузатганича туриб колди.

## Олтмиш учинчи боб

Девид Беккер янги сотиб олган Vespa мотоциклида бир юмаллаб Севилья аэропортига олиб борувчи катта йўлга тушиб олди. Йўл-йўлакай тизза ва билак бўғимлари мотоцикл ҳайдашга ўрганмаганидан оғриб кетган бўлишига қарамай, юраги гуппилаганча тезликка зўр берди.

Асосий терминалга етиб келганида соат миллари маҳаллий вақт билан роса тунги 02:00 ни кўрсатарди. Беккер дарбозлардек ҳаракатланаётган мотоциклнинг устига чиқиб олди ва йўлакка сакраб тушди. Мотоцикл йўлак четидаги тўсикка бориб урилиб тўхтади. Беккер унга парво ҳам килмасдан, аэропорт эшиги томон чопиб бораркан, ҳеч қачон кайтиб мотоцикл ҳайдамасликка қасам ичди.

Терминал ичи озода ва ёп-ёруғ эди. Полни тозалаётган фаррошни ҳисобга олмаганда, зал бўм-бўш бўлиб, «Иберия ҳаво йўллари»га чипта қабул қилиш жойи ёпилаётганди. Бу яхшилилк аломати эмас, ўйлади Девид ва хизматчи томон югурди.

– El vuelo a los Estados Unidos?

Стол ортида турган жозибали андалузиялик аёл Беккера караб, узр сўраганнамо жилмайди:

– Acaba de salir. Афсус, улгурмадингиз. Ҳозиргина қабул тугади.

Аёлнинг сўзлари Девиднинг қулоклари остида узоқ жаранглади.

“Мен рейсни ўтказиб юбордим”. Девиднинг тарвузи кўлтиғидан тушди. У сўради:

– Рейсда бўш жой бормиди?

– Жуда кўп эди, – кулди аёл. – Деярли бўм-бўш эди десак ҳам бўлади. Дарвоқе, тонгги саккиздаги рейсда ҳам...

– Мен дўстим учиб кетганини билмоқчи эдим. У шу рейсда уни керак эди.

Аёлнинг қовоғи уйилди.

– Кечирасиз, жаноб. Хавфсизлик нуқтаи назаридан...

– Бу жудаям муҳим, – илтимос қилди Беккер. – Мен факатгина у учиб кетган-кетмаганини билмоқчиман холос.

Аёлнинг юзига табассум ёйилди:

– Севгилингизми? Жанжаллашиб қолдингизми?

Беккер бир лаҳза ўйлаб туриб, бош ирғади:

– Шунчалик билингитими?

Хизматчи кўзини қисиб, сўради:

– Унинг исми нима эди?

– Меган, – жавоб берди йигит хафа охангда.

Аёл кулди:

– Дугонангизнинг фамилияси борми?

Беккер хўрсинди:

– Бор албатта, лекин мен билмайман! Бу жуда мураккаб ҳолат. Самолётда одам кам дегандингиз, балки...

– Фамилияси бўлмаса, мен топиб...

– Умуман олганда, – аёлнинг гапини бўлди Беккер хиёлига келган фикрдан қувониб, – айтингчи, сиз бу ерда тун бўйи бўлдингизми?

Аёл бош силкиди:

– Кечки еттидан бери шу ердаман.

– Ундей бўлса қизни кўрган бўлишингиз керак. У таҳминан ўн беш-ўн олти ёшларда. Сочи эса... – Беккер тилини тишлади. У хатога йўл қўйганини тушунган эди.

Хизматчи аёлнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди:

– Севганингиз ўн беш ёшдами?

– Ундей эмас, – Беккер каловланиб қолди. – Айтмоқчи эдимки (жин урсин), менга ёрдам беролсангиз жуда яхши бўларди...

– Кечирасиз, – деди аёл совуқ охангда.

– Бу сиз ўйлагандек эмас. Агар сиз...

– Хайрли тун, жаноб! – деди аёл ва орқа хонада ғойиб бўлди.

Беккер инграб юборди. «Ҳаммаси ажойиб, жуда ажо-йиб», – сўқинди у ичида. Қиз хойнаҳой узукни сотиб, учиб кетиб бўлган. Умидсизликка тушган Беккер охирги кучини тўплаб, фаррош томон юрди.

– Has visto a una niña? – сўради у. – Бир қизга кўзингиз тушмадими?

Олтмишдан ошган фаррош электр пол ювгични ўчириб, йигитга ўгирилди.

Эх?

— Una piña? — қайтарди Беккер. — Pelo rojo, azul, y blanco.  
Күк, қизил ва оқ сочли қиз.

Қария кулиб юборди.

— Que fea! Жуда хунук эшитиларкан! — хитоб қилди у ва  
шишида давом этди.

\* \* \*

Девид Беккер нима қиласын билмасдан аэропорт терминалида қақтайиб турарди. Бу тун хатоларга бой бўлди. Йигитнинг кулоклари остида Стратморнинг сўзлари жарангандарди. Узукни топмагунингизча менга қўнғироқ қилманг! Беккернинг юраги сиқилиб кетди. Агар Меган узукни сотиб юборган бўлса, ҳозир у қаерда эканини билишнинг иложи шўй.

Беккер кўзларини чирт юмиб, фикрини жамлашга ҳаракат қилди. Энди нима қилиши кераклиги ҳақида кейинроқ, ёрталабдан бери ташриф буюрмаган жойи – ҳожатхонага кириб чиққанидан кейин ўйлашга қилди.

## Олтмиш түрткінчи боб

Сьюзан Флетчер Nod 3 нинг нимёруғ, юракни ўборгувчи жим-жит хонасида қакқайиб турарди. Унинг ол дидаги вазифа жуда оддий: ҳозир қиз Хейлнинг компьютерига кириб, калитни топиши, кейин Танкадо билан бўлған барча сухбатларни ўчириб чиқиши лозим, Рақамли қўйи ҳақида бир оғиз ҳам гап қолмаслиги зарур.

Калит сўзни топиб, Рақамли қальвани очиш ҳақида ўйлагач, Сьюзаннинг қалбида яна кўркув пайдо бўлди. Шу гача омад уларга кулиб боқди: шунча хавотирга тушганни – Шимолий Дакота бурниларининг тагидан чиқиб қолиб, ҳозир қопқонда ўтирибди. Ҳамма гап Девидда қолган Сьюзан севгилиси тезроқ калит сўзни топишини сўраб иштико қилди.

Қиз Nod 3 ичкарисига қараб юаркан, фикрларини түнлаб олишга уринди. Қадрдан бўлиб қолган Nod 3 залида каштдан қочган олмахондек таҳликада юриши ўзига ғалиғи туюлди. Яна бир бор ортига ўгирилиб, ёпилган эшикларига назар ташлагач, кўркувининг сабабини тушунгандек бўлди. У ҳам қопқонда эди. Ҳеч қаерга чиқиб бўлмасди. «Яна Йигирма дақика чидашим керак», – ўзига тасалли берди қиз.

Хейлнинг компьютерига қараб юаркан, қиз тўсатдии ғалати мушк ҳидини сезди – бу ҳид Nod 3 га бегона эди. Сьюзан ионайзер нотўгри ишлаётгани учун бу ҳид чиқаётганини тахмин қилди. Лекин мушкнинг таниш ифоридан қизнинг эти жимирилаб кетди. Кўз олдида компьютери ортидан унга боқиб турган Хейлнинг тиржайган башараси гавдалашниб, оёғидан мадор кочди. «Нима бало, Грэг бирор жойга ўт кўйдимикин», – ўйлади қиз ва хаёлига келган фикрдан чўчиб кетиб, тепасидаги вентиляцияга қараб ҳавони ҳидлади. Ўткір ҳид юқоридан эмас, ён атрофдан, жуда яқин масофадан тарааларди.

Сьюзан беихтиёр ошхона томон ўгирилди ва у ердан таралаётган ҳидни таниди. Ўткір атир ва тер ҳиди...

Қиз кўзларига ишонмасди. Ошхонанинг панжарали эшигидан унга тикилиб турган ўткір нигоҳларни пайқаб, хуши бошидан учди. Сьюзан ҳаммасини тушуниб етганди.

Грег Хейл Криптонинг пастки қаватида қулфланиб қолманиди – у Nod 3 ичиди, Сьюзан билан бир хонада эди. Стратмор ер остининг эшигини ёпмасидан сал аввалрок Грег Хейл у ердан чикишга улгурганди. Йигит Nod 3 эшикларини бир уни очишга қурби етадиган даражада бақувват эди.

Сьюзан яна бир маротаба яқинлашиб келаётган хавфни сезандек бўлди. Қизнинг миясида ҳозир фақат бир нарса ишланаарди – қочиш!

Ошхонадаги газ плитасига оёқларини чалкаштириб турган Хейл қиз ўзини пайқаб қолганини билди ва у томонга китта-катта қадамлар билан юришни бошлади.

Сьюзан довдираб қолганидан олдида турган лампани туртиб юборди, Хейлни тўхтатиб қолишининг иложи йўклигини хис этиб, юраги орқасига тортиб кетди.

Грег бир зумда қизнинг ортидан яқинлашиб, бир қўли билан унинг белини шундай қисдики, қиз оғриқдан инграб юборди. Хейлнинг иккинчи қўли эса Сьюзаннинг кўкракларига ёпишди. У қизни исканжага олиб, сикә бошлади.

Оғриққа чидай олмаган Сьюзан жон алфозда типирчилай бошлади ва тирсаги билан Хейлнинг бурнига бор кучи билан зарба беришга улгурди. Кутимаган зарбани еган Хейл жон аччиғида кўлларини тортиб олди.

– Лъяннати.... – пишкирди Грег оғриқ аралаш.

Сьюзан Nod 3 эшиклари томон югурди. Қиз ич-ичидан Стратмор электрни қайтариб, эшикни очишини сўраб итижо қиласарди. Бирок ундан бўлиб чикмади. Қиз ойнаванд эшикни очишга зўр бериб уринди. Бу орада Хейл ғазаб билан Сьюзанга қараб кела бошлади. Унинг бурни қон эди. Икки сакрашда Сьюзанга етиб олган Грег қизнинг белидан кўлини ўтказиб, уни ичкарига судради.

Сьюзан жони борича кичкириб, типирчилаганча Хейлни тўхтатиб қолишига интилди. Бунга жавобан йигит қизни маҳкамроқ ўзига босди; йигитнинг камаридағи темир Сьюзаннинг белига ботиб, азоб бера бошлади. Хейлнинг бунчалик кучли эканига Сьюзан ишонолмасди. Тинмай оёқларини питирлататиб қизнинг туфлиси учиб кетди. Хейл жаҳл билан уни полга итқитиб юборди.

Оркаси билан полга йиқилған Съузаннинг юбкаси күтирилиб, сонидан юқорисигача очилиб қолди. Кофтасинин тела тутгамлари ечилиб кетгани сабаб хира ёруғликда қиннинг таҳлика ичидаги кўтарилиб тушаётган кўкраклари яққол кўзга ташланарди. Хейл қизга бош-оёқ тикилиб аста эгилди, унинг нигоҳларида акс этган тушунарсиз ифода Съузанин танасида титрок уйғотди.

Хейл қизнинг оёқларини икки ёнга очиб, ўртасига чўқ-калади. Шу вақтгача ўргангандан ўзини ҳимоя қилиш усулини рининг ҳеч бири айни дамда Съузаннинг хаёлига келмасди. Қаршилик кўрсатишга ҳарчанд уринмасин, қизнинг танаси ўзига бўйсунмаётган эди. Съузан бутунлай караҳт ҳолга келди ва ўзига бўйсунмасдан, кўзлари тақдирга тан бергандек оҳиста юмилди, оғзидан эшитилар-эшитилмас нидо отилиб чиқди:

– Йўқ, илтимос, Хейл, керак эмас...

## Олтмиш бешинчи боб

Мижнинг офисида Бринкерхофф уёқдан буёкка юриб келарди.

– Ҳеч ким Gauntlet'ни четлаб ўтиб, Трансхабарга матн жойлаштириши мумкин эмас. Бунинг иложи йўқ, – минфирларди у.

– Бўлмаган гап, – жаҳлдан бўғриқди Миж. – Ҳозиргина Жабба билан гаплашдим. У айтдики, ўтган йили Стратмор Трансхабарга қўлда матн киритган экан.

Бринкерхофнинг юзида шубҳа аломати гавдаланди.

– Бу ҳақда эшитмаганман.

– Ҳеч ким эшитмаган бу ҳақда. Ўрага сичқон тушди, гулдур-гуп бўлган.

– Лекин Миж, – эътиroz билдириди эркак, – Жабба хавфсизликка қанака эътибор беришини ўзинг биласанку. У ҳеч качон йўл қўймаган бўларди.

– Стратмор уни мажбур қилган, – унинг гапини бўлди Миж совуққонлик билан. – Эсингдами, ўтган йили командор Калифорниядаги антисемит террорчилар гурухига қарши ишлаганди?

Бринкерхоф бош ирғади. Бу иш Стратмор амалга оширган энг тезкор операциялардан бири эди. Трансхабар очиб берган шифрланган хабар орқали Стратмор яхудийлар мактабига террорчилар томонидан бомба қўйилганини бомба портлашидан атиги ўн икки дақика олдин фош этганди. Бунинг шарофати билан юзлаб мактаб ўкувчиларининг ҳасти сақлаб қолинганди.

– Биласанми, – давом этди Миж овозини пастлатиб, – Жаббанинг айтишича, аслида Стратмор террорчиларнинг хабарини бомба портлашидан олти соат олдин очиб бўлган экан.

Бринкерхофнинг оғзи очилиб қолди.

– Шошма... Ундей бўлса нега у сўнгти дақикаларгача кутган?

– Чунки Стратмор файлни Трансхабарга кирита олмаган. Қанчалик уринмасин, Gauntlet файлни рад этаверган. Код бутунлай янги алгоритм билан шифрланган бўлгани

учун фильтрлар уни танимаган ва Трансхабарга киритишдай бош тортган. Жабба файлни созлаши учун эса олти соат вақт кетган.

Бринкерхофф ҳайратланди.

– Стратморнинг жаҳли чиқиб кетган, – сўзлашда давом этди аёл. – Яна шундай ҳолат такрорланиши мумкинлигини ҳисобга олиб, у Жаббани Gauntlet’га фильтрларсиз ҳам қўлда файл киритиш имконини берувчи дастур ишлаб чиқишига мажбур қиласди.

– Ё Худойим, – Бринкерхофф ҳуштак чалиб юборди. – Нима дейишга ҳам ҳайронман. – Сўнг унинг кўзлари қисилди. – Нима демоқчисан бу билан?

– Ўйлашимча, Стратмор бугун Gauntlet’ни четлаб ўтиб, файл киритиш мақсадида ўша дастурдан фойдаланган.

– Хўш? У дастур барибир яхшиликка хизмат қиласди, шундайми?

Миж бошини чайкади.

– Агар файлда вирус бўлса, аксинча бўлади.

Бринкерхофф сакраб тушди.

– Вирус? Ким айтди вирус хақида?

– Жаббанинг тушунтириши бўйича, Трансхабар узок муддат битта код устида ишлашига ягона сабаб вирус бўлниши мумкин экан. Демак...

– Бир дақиқа, шошмай тур! – эркак Мижнинг гапини бўлди. – Стратмор ҳаммаси жойида эканлигини айтди менга.

– У сени аҳмоқ қилган!

Бринкерхофф чалкашиб кетди.

– Айтмоқчисанки, Стратмор атайдан вирусли файлни Трансхабарга киритган, шундайми?

– Йўқ. Командор файлда вирус борлигидан бехабар бўлган деб ўйлайман. Шунчаки, алданиб колган. Бу кўп нарсани тушунтиради. Масалан, нима сабабдан Стратмор тун бўйи Криптодан чиқмаганини!

– У ўзининг компьютерига вирус тушириш билан банд бўлганми кечаси билан?

– Жин урсин, ундин демаяпман! – Миж асабийлашиб кетди. – Стратмор қилиб қўйган ишини ёпишга уриняпти!

Бахтга қарши, хозир у Трансхабарни тўхтатиб, иккиламчи илектр таъминотидан фойдалана олмайди, чунки вирус алдиқачон процессорларни блоклаб кўйган!

Бринкерхофнинг энсаси котиб кетди. Миж олдинлари ҳам ваҳимачи эди, лекин ҳеч қачон бунчаликка бормаганди. Эркак уни тинчлантиришга уринди:

– Лекин Жабба хавотирга тушганга ўхшамайди юзага келган вазиятдан?

– Ҳа, чунки у ғирт аҳмоқ! – вишшиллади аёл.

Бринкерхоф қулокларига ишонмасди. Шу вактгача ҳеч ким Жаббани аҳмоқ деб атамаганди. Балки кимдир чўчқа деган бўлиши мумкин, лекин аҳмоқ эмас.

– Сен аёллик интуициянгни Жаббанинг тажрибасидан устунроқ кўряпсанми?

Бу гапдан сўнг Мижнинг қовоғи уйилганини кўрган Бринкерхоф шоша-пиша деди:

– Яхши, яхши, гапимни қайтиб олдим.

Миждаги ҳалокатни олдиндан сезиш туйғуси борлигини унга эслатиш шарт эмасди. Вазиятни тезроқ юмшатиш учун Бринкерхоф ялинчоқ овозда гап бошлади:

– Азизам, Стратморни ёмон кўришингни биламан, бироқ...

– Ақлдан озганмисан, Чед? Стратморга бўлган шахсий муносабатимнинг алоқаси йўқ! – Мижнинг тоқати тоқ бўлганди. – Биз дастлаб Стратмор ростдан ҳам Gauntlet’ни четлаб Трансхабарга файл киритганини исботлашимиз зарур, ана ундан кейин директорга қўнғироқ қиласиз.

– Ажойиб! – истехзо билан деди Бринкерхоф. – Мен хозироқ командорга қўнғироқ қилиб, ёзма иқронома сўрайман!

– Ундаи қилмайсан! – жавоб қайтарди Миж эркакнинг киноясига эътибор қилмай. – Стратмор бизни бир марта лакқиллатиб бўлди бугун. – Аёл кўзларини Бринкерхофнинг нигоҳлари билан тўқнаштирди. – Сенда директор Фон-тейн офисининг қалити борми?

– Бўлмасамчи. Ахир унинг котибиман-ку!

– Жуда яхши. Менга қалитни бер.

Бринкерхофф аёлга шубҳаланиб тикилди:

– Миж, эсингни йиғиштириб ол! Мен икки дунёда хим директорнинг хонасига киришингга йўл қўймайман!

– Бошқа иложинг йўқ! – талаб қилди Миж ва Катта акши ўгирилиб, клавиатурада нималарнидир теришни бошлади. Мен ҳозир Трансхабарнинг рўйхатида турган кодларни текширияпман. Агар Стратмор қўлда хабар киритган бўлса, бу маълумот чоп этилганда кўринади.

– Бунинг Фонтейннинг офисига киришингга ними алокаси бор?

Аёл ўгирилиб, олайиб қаради.

– Кодлар рўйхатини фақат Фонтейннинг принтеридан чиқариш мумкин.

– Бу эса рўйхатни кўришга фақат директорнинг ҳакки бор дегани!

– Ҳозир фавқулодда вазият. Мен ўша рўйхатни кўришим шарт!

Бринкерхофф кўлларини елкасида чалиштирди.

– Миж, илтимос, ўзингни бос. Ҳеч қачон бундай қилмас лигимни яхши биласан...

Миж унинг гапини эътиборсиз колдириб, яна компютерига ўгирилди:

– Мен рўйхатни чоп этялман. Ҳозир тўғри бориб директорнинг хонасига кираман, рўйхатни оламан ва қайтиб чиқман. Бунинг учун менга хонанинг калитини беришинг зарур.

– Миж...

Аёл компьютерга сўнгги буйрукларни киритиб бўлгаш, Бринкерхоффа ўгирилди:

– Чед, хисобот ўттиз сония ичидаги босилиб чиқади. Колишиб олайлик. Агар Стратмор ростдан хато қилган бўлсан, дарҳол сокчиларни чакирамиз. Мабодо мен адашган бўлсан, уйимга кетаман, сен эса истаганингча Кармен Хуэрта билан асалхўрлик килишинг мумкин, – деди аёл ярим киноя, ярим жиддийлик билан ва қўлларини калит учун чўзди. – Кутяман, Чед!

Бринкерхоффнинг пешонаси тиришди, у Миж Милкен-

ни Криптонинг хисботларини текшириб беришини сўраб кўйта чақиргани учун ичидаги минг пушаймон бўлаётганди.

— Сен ҳозир директор хонаси ичидаги мутлақо махфий инклизниши кўзда тутилган маълумотни олишга ҳаракат қилипсан. Агар кўлга тушиб қолсак, нима бўлишига калланг стадими? — деди Бринкерхофф аёлнинг ўзига қаратилган кўлларига совук тикилиб.

— Директор ҳозир Жанубий Америкада!

— Кечирасан, Миж! Бу иш менинг қўлимдан келмайди, — Бринкерхофф шундай деб, ташқарига юрди.

Миж Милкен унинг ортидан кузатаркан:

— Азизим, мен шундай киламанки, қандай килиб офисининг қалитини қўлларимга югуриб келиб тутқизганингни билмай ҳам қоласан! — деб пичирлади ва Катта акага ўгирилиб, унинг ичидан видеолар архивини тита бошлади.

\* \* \*

«Миж ўзига келиб қолади», деб ўйлади Бринкерхофф столида ўтирганча бошқа хисботларни кўздан кечираркан. Нима бўлсаем, директор офисининг қалитини ваҳимачи Мижга бериш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Хавфсизлик хизматининг хисботини ҳали тугатишга улгурмаган ҳам эди-ки, Бринкерхоффнинг қулогига қўшни хонадан аллақандай товушлар эшитилди. У қоғозларни бир четга йиғишириб, эшикка йўналди.

Қоп-коронғу йўлкани Мижнинг ярим очик эшигидан тушаётган чироқ нурларигина ёритиб турарди. Янада баландрок чиқаётган ҳаяжон аралаш овозларга кулок солган Бринкерхоффнинг ҳайрати ошиб бораётганди.

— Миж, шу ердамисан? — чақирди эркак

Ҳеч ким жавоб бермади.

Бринкерхофф эҳтиёткорлик билан Мижнинг хонасига якинлашди. Эшитилаётган овозлар унга жуда таниш туюлаётганди. Бироз иккиланиб, эшикни очиб караганда, хона бўм-бўш бўлиб, Мижнинг курсисида ҳеч ким йўқ эди, овозлар эса боши узра янграрди. Бринкерхофф тепага қаради-ю, юраги оркага тортиб кетди. Атрофдаги ўн иккита экран кўр-

сатиб берәётган видеодан даҳшатга тушган Бринкерхофф столга суюниб қолди.

— Чед? — унинг ортидан овоз эшитилди.

Бринкерхофф чақириқ келган зим-зиёй йўлкага ўгирилди. Асосий йўлакдаги қабулхона ёнида Мижнинг совуқ нигоҳли-ри чақнаб туради. Аёл кўлларини Бринкерхоффга чўзди иш буйруқ оҳангидаде:

— Калитни бер, Чед!

Бринкерхофф орқасига тисарилди. Хонадаги мониторларга қараб, уларда кўрсатилаётган манзарани ўчириши уринди, бирок бунинг иложи йўқ эди. Экранларнинг барчи сида Бринкерхофф лаззат билан ох тортганча Кармен Хуар-танинг кичкина, асал суртилган кўкракларини иштиёқ билди. Фижимлаётгани акс этганди.

## Олтмиш олтинчи боб

Аэропорт залини кесиб ўтган Беккер хожатхона эшигини осонлик билан топди. Бироқ йирик ҳарфлар билан CABALLEROS деб ёзиб кўйилган эшик фаррошнинг полиграфи, тозалаш ускуналар билан тўла араваси билан тўсиб кўйилганди. Ундан фойдаланишининг иложи йўклигини кўриб, Беккер қўшни эшикка кўз ташлади. Унда DAMAS ғуви ёпиширилганди. Беккер шу тарафга тез-тез юриб, эшикни такқиллатди:

- Hola? – чақирди у аёллар хонасининг эшигини бир неча сантиметрга очиб. – Con permiso?

Жимлик.

Беккер ичкарига кирди.

Бошка одатий испан хожатхоналари каби, буниси хам тўртбурчак шаклда, оқ кафель ётқизилган бўлиб, боши узра битта лампочка нур таратиб турарди. Доимгидек битта хожат кабинаси ва битта унитаз бор эди. Аёллар хожатхонасидаги унитазлардан кимдир фойдаланишининг аҳамияти йўқ, муҳими қўшимча кабина куриш учун сарфланадиган маблагни тежаб колиш эди.

Беккер ифлос хожатхонага қараб кўнгли ағдарилиб кетди. Раковинада корамтирилган, кир сув юрмай қолган, полда эса қадам қўйгулик ҳар бир ерда сув сизиб, ёйилиб ётган хожатхона қоғозларини намиктириб ташлаганди. Деворга ёпиширилганди эскитдан қолган қўл куритгичда палапартиш ушлаб ташланган бармоқ излари акс этганди.

Беккер кўзгу рўпарасига келди ва ўз аксига кўз ташлаб хўрсинди. Унинг ҳамиша чақнаб турадиган ям-яшил кўзларидан бугун нур қочган эди. «Ўзи қанчадан бери бу ерларда тентираб юрибман», ажабланди Девид. Бироқ вақтни ҳисоблаб ўтиришга хоҳиш топмади ва унитаз томон ўгирилди.

Девид ўша ерда туриб, Сьюзан уйга қайтган-қайтмагани хакида ўйлади. “Кўнғироқ қилганимда йўқ эди. Қаерда бўлиши мумкин? Наҳотки, Стоун Мейнорга менсиз кетган бўлса...

- Ҳой! – Девид орқасидан келган жаҳлдор аёл овозидан сакраб тушди.

– Мен... – каловланиб қолди йигит ва шоша-пинш мининг ёпқишини күтаришга киришди. – Мен... Мени кечи расиз... Ҳалиги...

Беккер ўгирелиб, хонага ҳозиргина кириб келган назокатли, SEVENTEEN журналининг мұқовасини бет турадиган даражада мафтункор кизни күрди. Қизнинг усту да унга жиддий күриниш бераётган катак шим ва еңгиси окофта бор эди, құлига эса L.L. Bean брендига тегишли сағын сумкачасини илиб олган, малларанг соchlар тартиб билап төс кисланғанди.

– Мени маъзур тутасиз, – Беккер қизариб узр сўради камарини қадай бошлади. – Шунчаки эркакларга мўлжинланган ҳожатхона ишламаётган экан... Ҳа майли, нима бўлсаям... Мен ҳозир чиқаман.

– Ҳозироқ сур бу ердан, калтафаҳм! – хўмрайди қиз.

Беккер қизга дикқат билан тикилди. Унинг оғзида чиқаётган сўзлар ташки күринишига шунчалар номуносиди эдик, бу биллур вазадан қўйилаётган жирканч суюқиликка ўхшарди. Лекин қизга синчиклаб разм солган Беккер у ўйи ўйлаганчалик гўзал эмаслигини кўрди. Қизнинг олазарини кўзлари қонга тўлганди, бундан ташқари, чап билаги қизариб кетганди. Бу қизғишилик остида игнадан қолган кўқимтирилар кўзга ташланарди.

«Худойим, – ўйлади Беккер. – Вена ичига наркотик қизи бил киларканда бу малак... Ким ҳам ўйлабди...»

– Даф бўл дедим! – қичқирди қиз асабийлашиб. – Ҳозироқ чиқиб кет!

Беккер бир неча сония давомида узукни ҳам, олдидағи муаммоларни ҳам эсдан чиқарди, унинг хаёлини ёш қизалож эгаллаб олди. Ҳойнаҳой ота-онаси уни бу ерга маҳсус мактаб дастурлари бўйича жўнатган, қўлида Visa картаси билан қиёзишини йиғишириб қўйиб, ярим кечаси ваннада наркотик қабул қилиш билан банд бўлган.

– Аҳволинг жойидами? – сўради Девид эшикка орка қилиб.

– Мен яхшиман! – жавоб берди қиз қўпол овозда. – Ҳозироқ кетишинг мумкин!

Беккег чиқишига чоғланаркан, қизнинг кўкарган билагиги сўнгги марта алам билан тикилди. «Бу ерда мен ҳеч нарса килолмайман. Яхшиси уни тинч қўйганим маъқул», ўйлади йигит.

- Тезроқ бўлинг! – кўзлари олайди қизнинг.
- Беккег синиқ таббасум билан лукма ташлади:
- Эҳтиёт бўл, илтимос!

## Олтмиш еттинчи боб

– Съозан, эшитяпсанми? – деди Хейл ҳансираб, юзининг кизнинг юзига яқинлаштиаркан.

Хейл икки оёғини Съозаннинг икки ёнидан ўтказганинг корнига ўтириб олган эди, унинг думғаза суюги кичининг нозик баданига ботиб, азоб берарди. Хейлнинг бурийидан Съозаннинг устига тинимсиз қон томчилаетган. Кизнинг кўнгли афдарилиб кетгудек бўлиб, томоғига аччиш нарса тикилди. Хейл қўлларини унинг кўкраклари устида харакатлантира бошлади.

Бирок Съозан ҳеч нимани сезмасди. «Наҳотки у менни тегинаётган бўлса?» – ўйлади қиз ва орадан бир неча лиҳза ўтгач, Хейл аслида унинг кофтаси тугмаларини қадашни уринаётганини тушуниб етди.

– Съозан, – пичирлади йигит ваҳимали овозда, – син мени бу ердан олиб чиқишингиз керак!

Қиз ҳеч нарсани тушунмади.

– Съозан, сиз менга ёрдам беришингиз керак, – қайтарди йигит. – Стратмор Чатрукянни ўлдирди. Буни ўз кўзларим билан кўрдим.

Унинг айтган сўзлари Съозаннинг миясига осонликчи етиб бормади. Стратмор Чатрукянни ўлдирди? Съозан настик қаватда гувоҳ бўлган воқеаларидан Хейлнинг хабари йўқ шекилли.

– Стратмор мен ҳаммасини кўрганимни билади! – ални билан давом этди йигит. – У мени ҳам йўқ қиласди!

Айни дамда бу сўзлардан кейин қах-қах отиб кулиб юборишга киздаги кўркув ҳалал берарди. Съозан собиқ десигчи «бўлиб ташла ва хукмонлик қил» шиори остида ҳаракатланаётганини сезди. Ёлғон гапириб, душманларингни бир-бирига қарши қўй ва ўз мақсадингга эриш – Съозаннинг назарида, Хейл айни шу усульнни қўллаётганди.

– Бу ҳакиқат! – асабийлашди Хейл. – Биз дарҳол ёрдам сўрашимиз керак. Иккимиз ҳам хавф остидамиз ҳозир!

Съозан йигитнинг оғзидан чиқсан гапга ишонмади.

Хейл увушиб қолган оёқларининг жойини ўзгартириш

учун ўрнидан қўзғалди ва гапириш учун оғиз жуфтлади. Аммо сўзлашга улгурмади.

Хейл унинг танаси устидан кўтарилар экан, Сьюзан оёқларига келган енгилликни ҳис қилди ва ўйлаб ўтиргисдан, инстинктив равишда чап оёғини кўтариб, бор кучи билан Хейлнинг оёқлари орасига тепди. Қиз тиззасининг юмшоқ мато остидаги нозик аъзо билан қаттиқ тўқнашганини сезди.

Хейл жон аччиғида ўкириб юборди ва чотини ушлаганчи бир ёнга қулади. Сьюзан унинг тагидан кутулиб чиққач, ҳеч қачон очолмаслигига ақли етса-да, зўр бериб эшик томон чонди.

Аммо ярим йўлга етганда, заранг дарахтидан қилинган узун стол ёнида тўхтаб, хаёлига тўсатдан келган ғояни амалга оширишга киришди. Стол ғилдиракли эди. Сьюзан сўнгги кучини тўплаб, столни Nod 3 нинг шишаванд девори томон йўналтириди. Ғилдираклар соз бўлгани сабаб Сьюзаннинг баҳтига стол яхши бурилди ва қиз уни бемалол югуртириб кета бошлади.

Ойнали эшикка етишга бир ярим метрлар қолганда Сьюзан столни эшик томон зарб билан итариб юборди. Ўзи бир четга ўтиб, кўли билан қўзларини юмди. Даҳшатли тўқнашув эшикка ташкилга, атроф эшикдан сочилган шиша синклари ёмғири остида қолди. Курилганидан бери тарихда илк маротаба Nod 3 нинг ичига ташкаридан бегона товушлар ёнирилиб кирди. Эшик ўрнида хосил бўлган қиррали тешик орасидан Сьюзан айлана-айлана Крипто қаватининг қоронғу бурчагига кириб ғойиб бўлган столга қараб турди, сўнг бироз олдин оёғидан учиб тушган туфлисини ердан олиб, кийди. Сўнг хануз ерда оёғи орасини чангллаб, инграб ётган Грег Хейлга охирги марта нигоҳ ташлаб, эшикдаги ёриқдан Крипто қаватига чиқиб кетди.

## Олтмиш саккизинчи боб

— Хўш, бу унчалик қийин эмас эканми? — Миж заҳархинда кулди Бринкерхофф узатган директор оғисининг қалити ни оларкан.

Бринкерхофф лавлагидек қизариб кетганди.

— Кетишимдан олдин видеони ўчираман, — ваъда берди Миж, сўнг қўшиб қўйди: — Агар хотининг уни шахсий тўплимига қўшишни истамаса албатта!

— Бориб ўша лаънати қоғозни ол, — эркакнинг овоти зўрға чиқди, — ва дарҳол у ердан чиқиб кет!

— Sí, señor! — хиринглаб кулди Миж Пуэрто-Рико шенсида, кейин бечора Чедга кўз қисиб қўйди ва Фонтейннинг оғисига қараб юрди.

Лиленд Фонтейннинг шахсий хонаси бошқаларникидии мутлақо фарқ қиласди — у ер ҳар қандай суратлар, юмшоқ ўриндиклар, туваклардаги улкан фикус ўсимликлари, қидими соатлардан холи эди. Оғиснинг ягона вазифаси симарадорлик келтириш эди. Фонтейннинг ойна қоплангани столи билан чарм столи улкан дераза олдида жойлашганди. Ҳужжатлар билан тўла уч бўлмали шкаф бурчакда, француз қаҳва дамлагичи турган кичкина стол ёнига ўрнатилган бўлиб, Форт Мид узра кумушранг нур сочаётган тўлин ОИ нурлари деразалардан тушиб, директорнинг қимматбаҳо мебелида ўзгача товланарди.

— Бу ерда нима киляпман ўзи? — ўзидан ўзи сўради Бринкерхофф.

Миж стол устидаги принтер томон юриб, ундан чиқсан расшифровкалар рўйхатини қўлга олди ва унга кўз ташлади.

— Мен маълумотларни ўқий олмаяпман, — шикоят қиласди аёл ва буйруқ оҳангода деди: — Чирокни ёқ, Чед!

— Сен қоғозни ташкарида ўқийсан, Миж. Бўлакол, кетдик бу ердан!

Аммо Миж жуда ҳаддидан ошиб кетганди. У Бринкерхофни эшиитмагандек деразага яқин келди ва Ой ёруғиди қоғозни кўздан кечиришга киришди.

— Миж...

У ўқишида давом этарди.

Бринкерхофф эшикка хавотир билан қараб күйди.

– Миж... Бўлақол. Биз ҳозир директорнинг хос хонаси-  
ламиз. Унутма!

– У каердадир шу ерда бўлиши керак... – пичирлади аёл,  
рўйхатни ўрганаркан. – Стратмор Gauntlet’ни четлаб ўтган,  
буни аниқ биламан! – Аёл деразага янада яқинлашди.

Бринкерхофф терга ботиб кетди. Миж эса ўз ишида да-  
ном этди.

Орадан бир неча дакиқа ўтгач, Миж хитоб қилди:

– Мен билардим! Стратмор шундай қилганини сез-  
гандим! Аҳмоқ! – У қоғозни қўлида силкитди. – Стратмор  
Gauntlet’ни четлаб ўтган Трансхабарга маълумот киритиби.  
Мана, ўзинг қара!

Бринкерхофф бир муддат каловланиб турди-да, Миж-  
нинг ёнига борди. Миж унга қоғознинг энг пастидаги маълу-  
мотларни кўрсата бошлади:

– Бу яна нимаси... – Бринкерхоффнинг кўзи ўйнаб кет-  
ди.

Рўйхатда Трансхабарга киритилган сўнгги ўттиз олтита  
файл ҳақида маълумот бўлиб, ҳар бир файлдан кейин тўрт  
рақамли Gauntlet хавфсизлик коди берилган эди. Бу юкори-  
даги файлларнинг хавфсиз эканини Gauntlet текширганини  
исботларди. Аммо энг охирги юборилган файлда ҳеч қандай  
Gauntlet коди йўқ эди. Бунинг маъноси битта, у ҳам бўлса  
файл Gauntlet’ни четлаб ўтиб, қўлда киритилган бўлгани  
эди.

– Худойим! – ўйлади Бринкерхофф. Миж яна ҳақ бўлиб  
чиқди.

– Аҳмоқ! – тўлиб-тошиб вайсарди Миж жаҳлини босол-  
масдан. – Қара бунга. Gauntlet икки марта файлни рад эти-  
шига қарамасдан, уни киритган. Нимани ўйлаган бўлиши  
мумкин?

Бринкерхоффнинг тиззасидан мадор қочди. Нега энди  
Миж доим ҳақ бўлиб чиқаверади, деб хаёлидан ўтказарди у.  
Шу вақтда уларнинг иккаласи ҳам ўз хаёллари билан шунчалик  
банд эдик, дераза ойнасидаги аксни сезишмади. Фон-  
тейннинг очиқ эшиги бўсағасида гавдали шарпа туради.

– Бизда вирус бор деб ўйлайсанми? – сўради Бринкерхоф кўрқа-писа.

– Бошқа нима бўлиши мумкин?

– Нима бўлсаям, бу сизларнинг тумшуқ тиқадигин ишингиз эмаслиги аниқ! – уларнинг ортидан йўғон, гулдуров овоз келди.

Миж тўсатдан эшитилган товушдан чўчиб кетиб, боши ни ойнага уриб олди. Бринкерхоф эса таҳлика ичиди директорнинг курсисини бехосдан ағдариб юборди. У шарпа ким эканлигини дарҳол англаганди.

– Директор! – калтироқ овозда хитоб қилди Бринкерхоф ва эшик томон юриб, кўришиш учун қўлини чўзди.

Фонтейн унга эътибор ҳам бермади.

– М-мен ўйлагандим-ки, – дудукланиб қолди Бринкерхоф, қўлини қайтиб оларкан, – мен сизни Жанубий Америкада деб ўйлагандим.

Лиленд Фонтейн ўқдек нигоҳларини ёрдамчисига тикиб, пишқирди:

– Шундай эди, энди эса қайдим!

## Олтмиш тұққизинчи боб

– Ҳой, жаноб!

Терминал бүйлаб телефон будкаси томон кетаркан, Беккегер чақириқни эшитиб тұхтади ва ўгирилди. Ортидан ҳозиргина ҳожатхонада уни лол колдирған киз құл силкиб келмоқда эди.

– Жаноб, шошманг!

«Яна нима? – Беккернинг қовоғи уйилди. – Маслағатим билан унинг шахсий ҳаётига аралашғаним учун судга бермокчими нима бало?»

Киз сайёхлик сумкасини күттарғанча қадамини тезлаштириб, йигитнинг ёнига етиб келди. Бу сафар унинг юзида табассум ёйилған эди.

– Сизга бақырганим учун мени кечириңг. Шунчаки, сизни күриб қўрқиб кетдим.

– Ҳечкиси йўқ, – совуққина деди Беккегер. – Ўзи мен иотўғри жойга кириб қолгандим.

– Бу сизга ғалати эшитилиши мумкин, – хижолатомуз оҳангда давом этди қиз қизариб кетген кўзларини пирпирағиб. – Лекин менга қарзга озроқ пул бериб туролмайсизми?

Беккегер шубха билан қаради:

– Пул? Нима учун? – сўради у, ичиди икки дунёда ҳам наркотик сотиб олиши учун қизни пул билан таъминламасликка қасам ичаркан.

– Мен уйга қайтмоқчиман, – деди малласоч. – Ёрдам берса оласизми?

– Рейсингни ўтказиб юбордингми?

Киз бош чайқади:

– Чиптамни йўқотиб қўйдим. Улар эса мени учишга қўйишмади – ҳаво йўллари ходимлари баъзан шунақа эшак бўлиб қолади. Хуллас, бошқа чипта олгани нақд пулим йўқ энди.

– Ота-онанг қаерда? – сўради Беккегер.

– Штатларда.

– Улар билан боғлана оласанми?

– Йўқ. Аллақачон уриниб кўрдим. Ўйлашимча, улар ҳозир яхтада дам олиш кунини мароқли ўтказишмоқда.

Беккегер кизнинг устидаги қимматбаҳо кийимларга күташлади.

– Сенда кредит карта йўқми?

– Бор, лекин дадам уни музлатиб қўйди. Унинг фикричи, мен наркотик қабул қиласмишман.

– Наркотик қабул қиласмишсанми? – сўради Беккегер сонук оҳангда, кизнинг мўматалоқ бўлиб кетган билагига тикилиркан.

Киз ўқрайиб қаради.

– Йўқ албатта! – Унинг нигоҳларида араз жилваланди. Бироқ Беккегер аҳмоқ қилинаётганини ҳис қилиб турганди.

– Кўйсангизчи, жаноб, – гапида давом этди киз. – Сиз бойвачча одамга ўхшайсиз. Менга бироз нақд пул бериб туринг, уйга борганимдан кейин албатта қайтариб жўнатамиш сизга.

Агар ҳозир қизга пул берса, у ҳеч нарсани кутиб ўтирамай, коронғу кўчаларда марихуана билан савдо қилувчилик томон қанот қоқиб учишига Беккегернинг ақли етди.

– Биринчидан, – гап бошлади йигит, – мен умуман бойвачча эмасман, оддий ўқитувчиман. Шундай бўлса-да... Сенга чипта олиб бера оламан.

Малласоч қулоқларига ишонмасди:

– Нима қила оласиз? – унинг кўзларида умид учқунлари кўринди. – Сиз уйга кетишм учун чипта олиб берасизми? Эй Худойим, алдамаяпсизми, жаноб? Миннатдорман, раҳмат сизга... – қиз ҳаяжон ичида тинмасдан миннатдорлик билдиришга тушиб кетди.

Беккегер эса бу реакциядан шокка тушиб, у ҳакда нотўғри хаёлга бордиммикин, деб ўйлаб қолди.

Тўлқинланиб кетган қиз қўлларини чўзганча Беккегер яқинлашиб, уни маҳкам қучоқлаб олди:

– Бу ҳаётимдаги энг расво ёз бўлди, – зорланди у кўзларига ёш тўлиб. – Раҳмат сизга, мени бу ердан халос қилаётганингиз учун жаноб.

Беккегернинг юраги эриб кетиб, малласочнинг елкасини дўстона силаб қўйди. Қиз уни ниҳоят қўйиб юборгач, Беккегернинг кўзи яна унинг билагига тушди.

Киз Беккер қаерга қараётганини сезиб, кулди:

– Даҳшат, түғрими?

Беккер бош силкиди.

– Лекин сен наркотик қабул қилмайман дегандек бўлдини:

Малласоч қах-қах отиб кулиб юборди.

– Бу наркотикдан эмас, маҳсус маркердан қолган. Мен қулимга чизилган маркерни ўчираман деб нақд теримини шилволай дедим, шунда сиёҳ ёйилиб кетди.

Беккер энди синчилаб тикилди. Ҳакиқатан қизнинг билагидаги қизғиш-кўқимтири доғлар остидан бежалиб кетган ҳарфлар кўриниб турарди.

– Лекин... Кўзларингчи? – эътиroz билдириди Беккер ишонқирамасдан. – Жуда кизариб кетган-ку.

Киз яна кулди.

– Айтдимку, рейсимни ўтказиб юбордим деб. Шунинг учун тинмай йиғлаётгандим.

Беккер унинг билагидаги сўзларга қайта назар ташлади.

Киз уялиб кетди:

– Ooops, сиз ўқий оляпсизми ёзувни?

Беккер якинроқ энгашди. Ҳарфларни бемалол ўқиши мумкин эди. Йигит билакдаги сўзларни ўқир экан, беихтиёр кўз олди-да сўнгги ўн икки соат гавдаланди. Девид Беккер ўзини яна Альфонсо XIII меҳмонхонасида кўрди; бақалоқ немис тирсагини ушлаганча бузуқ инглиз тилида пишқиради: Дўзахга равона бўл!

– Ахволингиз тузукми? – сўради қиз Беккерга қааркан.

Беккер бошини кўтармади. Унинг боши айланәётганди. Қизнинг кўлида оддийгина қилиб қуйидаги сўзлар ёзилганди:

*Дўзахга равона бўл!*

Малласоч хижолат тортиб, ўзини оқлаган бўлди:

– Буни бир дўстим ёзиб қўйганди... Жуда ахмоқона, шундайми?

Беккернинг тили айланмасди. Дўзахга равона бўл! Жин урсин. Немис аслида уни ҳақорат қилмаган, аксинча, ёрдам

бермоқчи бўлган экан. Беккер нигоҳларини қизнинг билдиридан боши томон йўналтириди. Чирок ёруғида қизнинг соминаги кизил ва кўк бўёқ қолдиқлари кўзга ташланиб турали.

– С-сен... – дудуқланди Беккер, малласочнинг қулоқни рига қааркан, – сен зирак тақмасмидинг мабодо?

Қиз ажабланди ва чўнтағидан кичкина матоҳ чиқарни. Унинг қўлида калла суюги шаклидаги зирак осилиб турали.

– Қистирғичими? – сўради Девид.

– Худди шундай! – жавоб килди қиз. – Мен игнадан ўгудек қўрқаман!

## Етмишинчи боб

Бўм-бўш терминалда турган Девид Беккер ҳануз ўзиги келолмаётган эди. Рўпарасида турган қизга кўз ташлаб, инҳоят қидирувлари тугаганини тушуниб етди. Қиз балки узукни яхшироқ пуллаш умидида соchlарини юваб, панкчи кийимларини алмаштириб олгандир. Нима бўлса ҳам, Нью-Йоркка кетишга муваффак бўлмабди.

Беккер ўзини босиб олишга уринди. Наҳотки, унинг ёввойи саёҳати охирлаб қолган бўлса? Йигит малласочнинг бирмокларига тикилди. Улар бўм-бўш эди. Кейин сумкачасига қаради. Узук шу ерда бўлиши керак. Шу ерда бўлиши шарт!

Фикрларини жамлаб олган йигит чиройли табассум билин гап бошлади:

– Бу сенга ғалати эшитилиши мумкин, – қизнинг усулида гап бошлади Беккер, – бироқ сенда менга зарур бўлган бир нарса бор.

– Ростданми? – Меган ҳайрон бўлди.

Беккер ҳамёнига қўл югуртириди.

– Албатта, бунинг учун яхшигина ҳақ тўлайман, – деди ша нақд пулни ажратса бошлади.

Меган йигитнинг пул санашига қараб турган чоғида ўқитувчининг ниятини нотўғри тушуниб, юраги орқага тортиб кетди. Қўрқа-писа чиқиши эшигига назар ташлади; ўртадаги масофа тахминан ўттиз метрлар чиқарди.

– Мен сенга чипта учун етарлича пул бераман, агар...

– Жим бўлинг! – Меган ўзини мажбурлаб кулди. – Ўйлашибимча, сизга нима кераклигини аниқ биламан! – қиз рюказигини кавлай бошлади.

Беккернинг юраги потирлаб уриб кетди. Унда бор... Унда узук бор... Бечора йигитнинг қандай қилиб қиз у нима хоҳлаганини билиши мумкинлиги ҳақида қайғуриб ўтиришга холи йўқ эди. Ҳозир Беккернинг хаёлида узукни эсон-омон МХА бош директори ўринбосарининг қўлига топшириши, кейин эса йўқотилган вақтнинг ўрнини тўлдириш учун Стоун Мейнордаги меҳмонхонанинг катта диванида Сьюзан билан бирга бўлиши гавдаланаарди.

Қиз ниҳоят қидираётган нарсасини топди – қалампир кукуни – майдаланган аччиқ қалампирдан қилинган табиии зарарсиз маҳсолот. Бир енгил ҳаракат билан Меган кукуни Беккернинг кўзига сепиб юборди ва сумкасини қўлтикли ганча эшик томон чопди. Эшикка етиб, ортига қараган ким оғриқдан инграб, юзини чангаллаганча типирчилаётган йиғитни кўрди.

## **Етмиш биринчи боб**

Токуген Нуматака хона бўйлаб уёқдан буёкка юрганича тўртинчи сигаретни тутатди. Асабийлик билан телефонига кўп чўзиб, операторнинг рақамини терди.

– Бирор хабар борми ракам эгасидан? – сўради у операторни гапиришга кўймасдан.

– Ҳозирча ҳеч гап йўқ, жаноб. Мобил аппаратдан келгани учун кутилганидан кўра кўпроқ вакт оляпти.

– Мобил аппарат... – шивирлади Нуматака. – Мантиқан мос келяпти...

Япон иктисодиётининг баҳтига, америкаликларда электрон гаджетларга нисбатан туганмас иштаҳа бор эди.

– Провайдер 202 кодли ҳудудда жойлашган, лекин рақам қалигача аникланмади, – қўшиб қўйди оператор аёл.

– 202? Бу қаерники? – юраги ҳапқириб сўради хўжайин. Шимолий Дакота Американинг қайси бурчагига яширинганини билишга сабри чидамасди.

– Вашингтон округи атрофида, жаноб.

Нуматаканинг қошлари чимирилди.

– Ракамни топишингиз биланоқ менга қўнғироқ қилинг!

## Етмиш иккинчи боб

Сьюзан Флетчер ним коронғу зал бўйлаб Стратморнинг офиси томон чопиб бориб, ховлиқканча зиналардан тенгиз кўтарилиди. Юқорига чикиб, командорнинг электр таъминотидан узилиб қолгани сабаб ланг очик турган эшигига кўз тушиб, ўйлаб ўтирамай, хона ичига кирди.

– Командор?

Хона ичидаги ягона ёруғлик Стратморнинг компъютерини экранидан келётганди.

– Командор? – қайта чакирди Сьюзан. Шу пайт Стратмор хозир техник хавфсизлик бўлими лабораториясида экипни эсига тушди. Киз бўм -бўш хона бўйлаб қадам ташларкини. Хейл билан бўлган тўқнашувдан ҳанузгача оёқлари қалтинаради. Нима килиб бўлмасин, Криптодан чикиши керин. Ракамли кальяга нима бўлишидан қатъий назар, харакат килишнинг вакти етганди – Трансхабарни тўхтатиб, бу ердиди қочиши зарур эди. Стратморнинг мониторига бир неча сонни тикилиб тургач, тез-тез юриб, унинг столига бориб ўтирили ва клавиатурадаги тугмаларни босишга киришди: Трансхабарни тўхтатиш! Ваколатли компьютерда ўтиргани сабаби ҳозир Сьюзанга бу топшириқни бажариш чўт эмасди. Қийин буйруклар ойнасини очиб, керакли сўзларни терди:

*Трансхабарни тўхтатиш.*

Киз бармоғини Enter тугмаси устига олиб борди.

– Сьюзан! – эшик ортидан қичқирган овоз эшитилди. Сьюзан кўркканидан ўрнидан сакраб турди – у Хейл қидириб келяпти деб ўйлаганди. Аммо оstonада Стратморнинг қораси кўринди. Унинг ранги окариб кетган, оғир-оғир инфас оларди.

– Нималар бўляпти ўзи?

– Ком... мандор! – энтикди Сьюзан. – Хейл Nod 3 нима ичиди. У менга ҳужум қилди ҳозиргина!

– Нима? Бўлиши мумкин эмас. Хейл пастки қаватда...

– Йўқ, ундин эмас. Сиз эшикни кулфлашингиздан олдин рок чиқиб кетган экан. Биз ҳозироқ кўрикчиларни чакиришади.

шимииз керак бу ерга. Мен Трансхабарни тўхтатяпман. – Қиз шошилиб вазиятни тушунтириди-да, клавиатурага ўгирилди.

Кўлингни теккизма унга! – Стратмор икки сакраб коммьютер ёнига етиб келди ва Сьюзаннинг қўлларини силтаб ташлади.

Қиз турган жойида қотиб колди. Шу бугуннинг ўзида у командорни иккинчи марта танимаётганди – рўпарасидаги одамни алмаштириб қўйишгандек эди. Сьюзан ўзини бутунни ёлғиз хис қилди.

\* \* \*

Стратморнинг кўзи Сьюзаннинг кофтасидаги қон доғларига тушиб, жаҳл килганидан дарҳол афсусланди.

– Эй Худойим, Сьюзан, ахволинг жойидами? – шошиб сўради у.

Сьюзан жавоб бермади.

Командор бекордан-бекорга қизни ранжитиб қўйганини шизлаб етди. Унинг асаблари тамом бўлганди, миёсида шундай сирлар яширинган эдики, бу сирларни Сьюзан билмасди, у Сьюзанга хеч нима демаганди ва ҳамиша бу хақда гапиришига тўғри келмаслигини Худодан ўтиниб сўрарди.

– Кечир мени, – юмшок овозда деди Стратмор. – Нима бўлди ўзи? Айтиб берчи?

Қиз командорга орқа ўгириди.

– Энди бунинг аҳамияти йўқ. Қон менини эмас. Мени бу срдан олиб чиқинг, шеф!

– Хафа бўлдингми мендан? – сўради командор қўлини қизнинг елкасига қўйиб. Сьюзан чўчиб тушиб, олдинга тисарилди. Стратмор қўлини тушириб, ташкарига тикилди. Бироз ўтиб, қайта Сьюзаннинг нигоҳларини қидиргач, қиз унинг елкаси оша девордаги нимагадир тикилиб қараётганини англади.

Қоронғуликда кандайдир кичкина тугма яркираб турарди. Стратмор унинг нимага тикилаётганини қўриб, қовоғи уйилди. У Сьюзан назорат панелини илғамаслигига умид килганди. Бу панель Стратморнинг шахсий лифтини назорат қиласарди. Командор ва унинг юқори мартабали меҳмонлари ташрифларини оддий ходимларга кўз-кўз килмаслик учун

мана шу лифт орқали келиб-кетишга одатланганди. Шахмит лифт Крипто гумбазидан 50 ярд пастга тушиб, яна туннел орқали 109 ярд ён томонга ҳаракатланиб, МХАнинг асосий мажмуасига олиб борарди. Крипто билан МХАни бояни турувчи бу лифт асосий мажмуудан энергия олгани сабаби Криптода хозиргина юз берган таъминот узилиши унга ташаббуси сир қилмай, ҳануз ишламоқда эди.

Стратмор лифт ишлаётганини яхши билса-да, бу ҳамма атаяй эслатмаганди. У Сьюзаннинг бинодан чикиб кетишингизн беролмасди – хозирча албатта. У қизни колишга кўндириш учун ҳар нарсага тайёр эди.

Сьюзан тусмолланганча командорнинг ёнидан ўтиб, кора деворга яқинлашди ва алам билан панель тугмаларини босди:

– Илтимос, очилақол... – ёлворди қиз, лекин лифт эшигиди қимир этмади.

– Сьюзан, – босиқ овозда деди командор. – Лифт пароль билан ишлайди.

– Пароль? – қиз жаҳл билан назорат панелига қаради. Дарҳақиқат, асосий панелнинг пастида кичикроқ яна бир панель бўлиб, унда алифбо ҳарфлари ёзилган митти тугмачилар жойлашган эди. Сьюзан кичик панелга яқинлашиб, қадам билан сўради:

– Пароль нима?

Сьюзан бир лаҳза ўйланиб туриб, оғир хўрсинди.

– Сьюзан, ўтири!

Сьюзан қулокларига ишонолмасди.

– Ўтири дедим сенга! – қатъиятли овозда кайтарди Стратмор.

– Мени қўйиб юборинг, шеф! – қизнинг овози қалтириб кетди. У эшик томонга хавотир билан караб қўйди.

Стратмор таҳлика ичидаги Сьюзанни қўриб, босиқлик билан эшик томон юрди, ташқарига бир қадам ташлаб, қонғу залга кўз югуртириди. Ҳеч қаерда Хейлнинг қораси қўринмасди. Кўнгли хотиржам тортган командор ичкариги қайтиб кирди ва эшикни оҳиста бекитди, янада ишончлироқ химоя мақсадида рўпарасида турган курсини олиб, унги

нириб кўйди. Шундан кейин столи ёнига бориб, тортмадан бир нарсани суғуриб олди. Монитордан тушиб турган шуът остида яраклаб кетган нарсани кўриб, Сьюзаннынг ранги оқириб кетди. Стратмор бармоклари билан тўппончанинг дистасини маҳкам қисиб турарди.

Командор иккита стулни хонанинг ўртасига судраб келиб, эшик рўпарасига кўйди ва ўтириб олди. Кўлидаги яrim автомат Беретта тўппончасини қўтариб, кия очиқ эшикка ўналитирди. Бироз вақт ўтгач, ҳеч қандай хавф йўқлигига ишонч ҳосил қилди чоғи, қуролни тиззасига туширди.

– Сьюзан, биз бу ерда хавфдан холимиз, – жиддийлик билан гап бошлади эркак. – Сен билан гаплашиб олишимиз керак. Мабодо Грэг Хейл бу ерга келса... – командор маъноли сукут сақлади.

Сьюзаннынг тили калимага келмай қолганди.

Стратмор ғамгин нигоҳларини Сьюзанга қаратди ва ёнидаги бўш стулга имо қилди:

– Сьюзан, кел, ўтири. Сенга айтадиган гапим бор.

Лекин қиз жойидан жилмади.

– Гапимни тугатганимдан кейин лифтнинг паролини айтаман. Ана ўшанда кетиш ёки қолишни ўзинг ҳал қиласан!

Ўртага узок жимлик оралади. Сьюзан иккилана-иккилана хонани кесиб ўтиб, командорга яқинлашди ва стулга оҳиста чўкди.

– Сьюзан, – оғир нафас олиб, гап бошлади эркак. – Мен сенга ҳамма гапни очиқ айтмаган эдим.

## Етмиш учинчи боб

Девид Беккернинг юзи кимдир олов билан күйдирағанда гандек ачишаётганди. Ўзини ўнглолмай, жон аччиғида поға қулаган йигит қўллари билан намиқиб кетган қўзларини ишқаларкан, хира туман ортида эшик томон югуриб кетаётган қизни элас-элас илғади. У кафелда рюкзагини судриб орқасига қарамасдан чопарди. Беккер бир амаллаб ўрнидан туришга интилди, лекин удалай олмади. Аччик қаламини кукуни қўзларини кўр қилиб қўйганди. Шунга қарамай, кининг кетишига йўл қўймаслигим керак, деб ўйлади йигит ти-пирчилаб ётганича ва овоз чиқаришга ҳаракат қилди, бирор ўпкасига ҳаво ўрнига азобловчи оғриқ тўлганди.

– Шошма! – нидо қилди йигит амаллаб. Лабларидан учб чиққан сўзни ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади.

Беккер қиз ҳозир эшикдан чиқиб кетса, уни бир умринг йўқотишини англаб турарди. У яна чақиришга уриниб кўрди, лекин томоғидаги аччик оғриқ бунга имкон бермади.

Киз деярли эшикка етай деганида Беккер гандираклиб ўрнидан туришга муваффак бўлди ва оғзини катта очиб инфас оларкан, маст кишидек қалқиб, қиз томон қадам ташлайди. Меган зўр бериб сумкасини судраганча айланмини эшикка интилди. Ундан йигирма кадамча оркада эса Беккер кўр-кўрона йўл топиб келмоқда эди.

– Шошма! – зўрға овозини баландлатди Девид. – Илтимос, тўхта!

Нихоят чиқишга етиб олган қиз ваҳимага тушиб, эшикни итарди, бошида айланишни бошлаган эшик очилишига бир неча сантиметр қолганда тўхтади. Малласоч даҳшат ичилди оркасига қараб, сайёхлик сумкаси эшикка тикилиб қолганини кўрди. Қиз уни чиқариб олишга тушди.

Беккер ҳамон туман ичра кетаётганди, эшикдан ичкарига кириб турган матони мўлжал қилиб, қўлларини чўзганчи олға юраверди. Бирор ўзини назорат қилолмай, эшик томони қулади ва судралишга тушди. Қўллари матога стишига бир неча сантиметр қолганда мато эшик орасидан сирғалиб, ғойиб бўлди. Йигитнинг олдинга чўзилган бармоклари қурук

шынни тутамлади. Қиз ва сумка ташқаридаги күча томон отилди.

— Меган! — полда ёнбошлаб қолган Беккер сүнгги кучини түпласб қичқирди. Оппок, учи ўткир ингичка игналар унинг үштариға санчилди, нигоҳларини күкиш туман қоплаб, хүннидан кета бошлади. Кулоклари остида эса ҳануз бир исм ақс-садо берарди: — Меган!

\* \* \*

Боши узра порлаб турған лампа ёруғидан күзлари камашиб ўзига келған Девид Беккер қанча вақт ҳұшсиз ётганини юлай олмади. Атрофға чўккан жим-житликни кимнингдир овози бузди. Беккер бошини полдан кўтаришга уринди. Бутун жаҳон кўз ўнгига сув билан қоплангандек эди гўё. Яна ўша овоз. Калласини товуш келған тарафга бурган йигитнинг кўзи ўн метр нарида турған гавдага тушди.

— Жаноб?

Беккер овоз эгасини таниди. Бу ўша қиз эди. У текширувлар столи ёнида рюкзагини бағрига босиб, кўркувдан қотиб турарди.

— Жаноб? — қалтироқ овозда сўради қиз. — Мен сизга исмимни айтишга улгурмагандим. Қандай қилиб исмимни тоңдингиз?

## .Етмиш тўртинчи боб

Сочини ҳамиша ҳарбийча, калта қилиб олиб юрадиган, ниҳоятда қаттиккўл хулқ-атворга эга олтмиш уч яшар директор Лиленд Фонтеин ҳақиқий тоғлик эди. Тим кора кўзлири жаҳли чиққанда чўғ олган кўмир каби йилтиллаб кетарди. Умуман олгандা, жаҳлдорлик унга хос эди. Ходимлар унинг кувноқ ҳолда юрганини деярли учратмасди. Лиленд Фонтеин каттиқ меҳнати, пухта режалари ва ўзидан олдин ишлатин раҳбарларнинг чукур ҳурмати орқали МҲАдаги амални лапояларидан юқорига одимлаганди. Миллий хавфсизлини хизмати тарихидаги энг биринчи афро-америқалик директор ҳам айнан Фонтеин бўлса-да, ҳеч ким бу ҳақда эслатиб ўтиришади; Фонтеин танлаган сиёсий партия иркчиликка эътибор қаратмаганидан, ўз навбатида, ходимлар ҳам ибрат оларди.

Фонтеин чурк этмасдан қаҳва қайнатгич ёнига бориб, ўзига бир финжон Гватемала қаҳвасидан тайёрлади. Сўнг столига жойлашиб ўтириб олганча, мактаб директори ўкуни чиларни жазолаётгандек Миж ва Бринкерхофни сўрок кишилни бошлади.

Дастлаб Миж сўзлади – аёл уларни директорнинг официга бостириб киришга мажбур килган воқеалар ривожини ипидан игнасиғача гапириб берди.

– Вирус? – совук овозда сўради директор, Миж гапини тугатгач. – Икковингиз Трансхабарда вирус бор деб ўйланисми?

Берилган саволдан Бринкерхоф қалқиб кетди. У мумтишлаб олганди гўё. Миж эса дадиллик билан:

– Худди шундай, жаноб! – деди.

– Вирус тушишига сабаб Стратмор Gauntlet’ни четлаб ўтиб, кўлда файл киритгани деб ҳисобляпсизлар, шундайми? – давом этди Фонтеин олдида ётган кодлар рўйхатиги кўз кирини ташларкан.

– Ҳа, жаноб! – жавоб берди Миж. – Яна шуни айтиб ўтгашим керак-ки, бу файлдаги коднинг киритилганига йигирман соат бўлган эса-да, ҳануз очилгани йўқ!

Фонтеиннинг қошлиари чимирилди:

– Сизнинг статистикангизга кўра шундай!

Миж эътиroz билдириш учун оғиз жуфтлаганди, бундан фойда йўклигини сезиб, тилини тишлади ва секин деди:

— Криптода ҳозир электр таъминоти ҳам узилиб қолган, жаноб.

Бу хабарни эшитиб Фонтейннинг кўзларида ажабланиш сезилди.

Миж имо билан сўзларини тасдиқлади.

— Ҳамма электр қуввати тугаган. Жабба ўйлаяптики...

— Жаббага кўнғироқ қилдингизми?

— Ҳа, жаноб, мен...

— Нимага унга боғланасиз? — Фонтейн ўрнидан туриб кетди, унинг жаҳли чикқани кўриниб турарди. — Нима сабабдан Стратморга алоқага чиқмадингиз?

— Биз командорга кўнғироқ қилдик, — ўзини химоялашга киришди Миж. — У ҳаммаси жойидалигини айтди.

Тик турган Фонтейннинг кўкраги оғир нафас олганидан кўтарилиб-тушарди.

— У ҳолда шубҳаланишимизга ҳеч қандай асос йўқ.

Фонтейн қаҳвасидан бир хўплади ва ўткир нигоҳларини рўнарасида турган ходимларига бирма-бир қаратиб, деди:

— Энди эса мени маъзур тутгайсизлар. Қиласиган ишларим бор. — Унинг овозида гапим тугади, деган оҳанг бор эди.

Мижнинг оғзи очилиб қолди:

— Кечирасиз, жаноб?

Бринкерхоф аллақачон эшик томон қадам ташлашни бошлаган, Миж эса турган жойида қотиб қолганди.

— Мен хайрли тун дедим, Милкен хоним, — қайтарди Фонтейн. — Сиз бўйсиз.

— Лекин... лекин, жаноб, — дудукланди аёл, — Мен... менинг эътиrozим бор...

— Сиз эътиroz билдирасиз? — сўради директор ўқрайиб, кўлидаги финжонни стол устига қўяркан. — Бу ерда мен эътиroz билдираман. Йўқлигимдан фойдаланиб, оғисимга кирганингизга эътиroz билдираман. Мана шу ташкилотнинг директор ўринбосарини ёлғончига чиқарганингизга эътиroz билдираман. Яна...

— Трансхабарга вирус тушган, жаноб. Инстинктларим...

– Инстинктларингиз адашяпти, Милкен хоним! Шу си  
фар улар хато қиляпти!

Миж айтганида туриб олди.

– Бирок, жаноб, командор Стратмор Gauntlet'ни четлиғ  
файл кириптегани исботланди-ку!

Фонтейн аёл томон юрди. У жаҳлини зўрга назорат ки-  
либ турарди.

– Стратмор Gauntlet'га нимадир қилган бўлса, бу унинг  
ваколатига киради. Мен сизга таҳлилчи ва хизматчиларни  
кузатиб ўтиришингиз учун пул тўлайман, директор ўрин-  
босарининг кетини пойлашингиз учун эмас! Командор бўл-  
маганда, биз ҳанузгача кодларни қалам ва қофоз билан очиб  
ўтирган бўлардик! Энди эса мени ёлғиз қолдиринг! – тиш-  
ларини ғичирлатиб буйриқ берди Фонтейн ва эшик олди  
қалтираб турган Бринкерхофга ўгирилиб, ўшқирди: – Ик-  
калангиз ҳам! Ҳозироқ даф бўлинг!

– Сизга бўлган хурматим ҳаққи, – деди Миж титроқ  
овозда, – жаноб, Криптоға техник хавфсизлик жамоасини  
юборишимиз зарур деб ўйлайман, чунки...

– Икки дунёда ҳам бундай қилмаймиз!

Бу гапдан кейин Миж Фонтейннинг ғазабдан чақнаб тур-  
ган кўзларига бир сония қараб турди-да, қисқагина қилиб:

– Жуда яхши. Хайрли тун, жаноб! – деди ва ташқариги  
йўналди. Бринкерхоф ёнидан ўтиб кетаётган Мижнинг ни-  
гоҳларидан аёл интуициясини ором олдирмагунча бу ишлар-  
ни ташлаб қўйиш нияти йўқлигини ўқиди.

Остонада нима қиларини билмай туриб қолган Бринкер-  
хоф ғазабдан бўғрикиб кетган директорга тикилди. Ҳамиш  
барча маълумотларни икир-чикиригача суриштиришга одат-  
ланган Лиленд Фонтейн негадир бугун ўзига ўхшамасди. Олдинлари у ўз ходимларини кундалик жараёндаги ҳар қандай  
кичкина хатоликни ҳам эринмасдан текшириб чиқиши  
ва аниқлаштиришга ундарди. Бугун эса кундек равшан му-  
аммодан кўз юмишларига буйруқ беряпти.

Директор ниманидир яшираётгани кўриниб турарди,  
аммо Бринкерхофга ёрдамчилик қилгани учун ҳақ тўла-  
шиди, савол сўрагани учун эмас. Фонтейн ишчиларинини

кизишиларини юрагига яқын олишини қайта-қайта исботтеган; ҳозир унга ёрдам бериш учун сўкирга айланиш керак бўлса, шундай бўлақолсинг.

Бахтга карши, Мижга сўроқ қилгани учун ҳак тўланади; иёл ўз вазифасини бажариш учун аллақачон Криптога йўл олган бўлиши мумкинлигини ўйлаб, Бринкерхофинг тизиси қалтираб кетди.

Резюмеларни тайёрлаш вақти келди, хаёлидан кечирди Бринкерхоф ва эшик томон ҳаракатланди.

– Чед! – чакирди Фонтейн унинг ортидан. Мижнинг кўзниаридағи сўнгги ифодани илғаган директор буйруқ берди: – Унинг бу ердан чиқишига йўл кўя кўрмა!

Бринкерхоф директорнинг нимага шаъма қилганини шайқади ва бош ирғаб, ташқарига отилди.

\* \* \*

Бринкерхофинг ортидан қараб қолган Фонтейн оғир ух тортди ва қўли билан бошини чангллади. Унинг тим кора кўзлари уйқусизлик, чарчок ва миясини кемираётган фикрлардан толиқкан эди. Директорнинг уйга қайтиши жуда узок ва кутилмаган саёҳат бўлди. Ҳозир МХАда бутун тарихни ўзgartириб юборадиган воқеалар бўлаётганди, ғалати жиҳати, булардан МХА директорининг ўзи факат тасодиф туфайлигина хабар топиб колганди.

Директор уч ойча муқаддам командор Стратморни рафикаси ташлаб кетаётгани ҳакидаги янгиликни эшилди. Бундан ташқари, унга командор узлуксиз, тунни тонгта улаб ишилаётгани, бунинг оқибатида соғлиғини йўқотиши мумкинлиги тўғрисида хисоботлар етиб келди. Кўп масалаларда фикри бир жойдан чиқмаса-да, Фонтейн бош ёрдамчисини ҳамиша юкори баҳоларди; Стратмор МХА кўрган энг бебаҳо ходимлардан бири эди. Читтак операциясининг муваффакиятсизлигидан бери Стратмор тушкунликка тушиб қолгани Фонтейнни хавотирга соларди; командорда МХА билан боғлиқ жуда кўп сирларнинг қалити бўлиб, директор, ўз навбатида, мулкини ҳимоя қилишга мужбур эди.

Ҳеч қандай шубҳа уйғотмасдан Стратморни доимий кузатиб, хар бир босган қадамидан хабардор бўлиб, руҳий

аҳволи 100 фоиз жойидалиги ҳакида маълумот бериб турничи одам керак эди, аммо бу осон иш эмасди. Командор жуда мағрур ва қудратли эди, кузатув остига олингани туфайли атрофдагилар кўз ўнгидан унинг обрўси ва ишончи йўқолишини Фонтейн истамасди.

Стратморга хурмати юзасидан Фонтейн бу ишга бирорни аралаштирумай, ўзи киришишга аҳд қилди. У билдири масдан командорнинг Криптодаги компьютерига кўринимни эшлиши мосламаси ўрнатиб қўйди ҳамда унинг воситасиди бош ёрдамчисининг электрон хабарлари, ёзишмалари, роҷаларидан хабардор бўлиш имкониятини қўлга киритди. Энди Стратмор стресс остида бирор аклсиз режани амалга ошироқчи бўлса, директор унинг ишларида огохлантириш белгиларини кўра оларди. Лекин Фонтейн руҳий носоғломлик белгилари ўрнига ақлга сиғдириб бўлмас даражада генройиб разведка лойиҳасига дуч келди. Стратмор нима сабабдан ишга бунчалик ёпишиб олганига энди ажабланмаса ҳим бўларди; режаси амалга ошса, Читтак мағлубиятиниг ўрни ю марта ювилиб кетарди.

Стратморнинг аҳволи яхши эканига Фонтейнниш ишончи комил эди – командор олдингидек айёр, ақлли ва сидокатли эди. Директор бера олиши мумкин бўлган энг яхши ёрдам унинг мўъжизасини яратишга ҳалал бермаслик бўларди. Стратмор шундай бир режа ўйлаб қўйгандики, Фонтейн бу режа барбод бўлишига асло йўл қўя олмасди.

## Етмиш бешинчи боб

Стратмор тиззасидаги түппончани силади. Қони қанчашык қайнаб турган бўлмасин, у ҳеч қачон тиник фикрлашдан чилтимасди. Грег Хейл Сьюзанга қўл текизишга журъат этганини ўйлаб, командорнинг нафрати қўзиса-да, бунга сабаб ўзи эканлигини англаб, баттар қаҳрланарди; Сьюзанни Nod З ичига киритиш фикри командордан чиққанди. Стратмор ўз хиссиётларини жиловлашнинг уддасидан яхши чикарди – ҳозир у тошиб кетаётган туйғулари туфайли Рақамли қалъа масаласини бир четга суриб қўёлмасди. Командор Стратмор Миллий хавфсизлик агентлигининг бош директори ўринбосари ва унинг шу бугунги иши ҳар қачонгидан кўра маъсумиятлироқ эди.

– Сьюзан, – деди командор охиста, – Хейлнинг электрон почтасини ўчирадингми?

– Йўқ, – жавоб қилди қиз.

– Калит сўзни топдингми?

Қиз инкор маъносида бош чайқади.

Стратморнинг пешонаси тиришиб, лабини маҳкам тишлади. Унинг миясида баҳс кетаётганди. Агар истаса, командор ҳозироқ Сьюзанга лифтнинг калитини бериб, жўнатиб юбориши мумкин. Аммо қиз унга керак, шу ерда. Стратмор Хейл яширган калит сўзни топишда Сьюзаннинг ёрдамига муҳтоҷ. Ҳали бу ҳақда индамаган бўлса ҳам, калит сўзни топиш нафакат академик қизиқиши, балки ҳаёт-мамот масаласи эди. Стратмор номувофиқлик дастури орқали калит сўзни бир ўзи топишга уриниб кўриш ҳақида ўйлади, лекин Изқуварни ишлатишда камчиликларга дуч келгани боис бу фикридан қайтди.

– Сьюзан, – яна хўрсинди командор, – Хейлнинг калит сўзини топишда менга ёрдам беришингни истардим.

– Нималар деяпсиз? – Сьюзан кўзларини жавдиратганча ўрнидан туриб кетди.

Стратмор унга қўшилиб туришдан ўзини зўрға босиб колди. Командор музокара олиб бориш борасида бир қоидани яхши биларди – устун томон ҳамиша ўтирган жойида

ишини битиради. Съюзан шу ёзилмаган қонунга бўйсунишига умид қилди, лекин бундай бўлиб чиқмади.

– Съюзан, жойинга ўтири!

Киз эътибор бермади.

– Ўтири дедим сенга! – буйруқ оҳангига кўчди командор.

Съюзан қилт этмади.

– Жаноб, ҳалиям Танкадонинг алгоритмини текширмокчи бўлсангиз, буни ўзингиз bemalol бажаришингиз мумкин. Мен ташқарига чиқишини истайман!

Стратмор бошини қуий солиб, чукур нафас оларкан, Съюзанга бўлаётган ишларнинг асл моҳиятини тушунтиришдан бошқа чораси қолмаганини тушунди. «Бир учини чиқарсам бўлади», ўйлади командор, чунки у айтмоқчи бўлган гапни киз барибир қачондир эшитган бўларди. «Ишқи либ, хато килмаётган бўлай», хаёлидан ўтказди командор шигап бошлади:

– Съюзан, аслида бундай бўлиши керак эмасди, – у қўли билан чаккасини ушлади. – Мен сенга айрим нарсаларни айтмагандим. Баъзан... – гапдан тўхтади командор ва оғир жиноятни бўйнига олаётгандек қалтираб кетди. – Баъзан мен каби ўринга эга бўлган одамлар ўзлари севган инсонларни алдашига тўғри келади. Бугун ана шундай кунлардан бири. Қасам ичаман, бу ҳақда сенга айтишни режалаштирганим... Нафақат сенинг, хеч кимнинг бундан хабар топишини истамагандим...

Командорнинг юзидаги қайғу аралаш ўта жиддий информациини кўриб, Съюзаннинг эти жимиirlab кетди. Стратмор ҳазиллашмаётгани, ҳақиқатан ҳам ҳозир қизга аллақандай ўти маҳфий гапни билдиришини тушуниб, охиста жойига чўкди.

Узок давом этган жимлиқдан сўнг Стратмор фикрларини тўплаб олиш учун шифтга тикилди.

– Съюзан, – синик овозда гап бошлади шеф. – Менинг оиласи йўқ. – У нигоҳларини қизга йўналтириди. – Менинг гапиришга арзигулик турмушим ҳам йўқ. Мен бутун севгимни мана шу мамлакатга бағишладим. МҲАда ишлаш хаётимнинг мазмунига айланди.

Съюзан кулоқ қоқмасдан уни тингларди.

— Ўзинг биласан, — давом этди командор, — тез орада нағиқага чиқиши режалаштирганман. Лекин бу ердан ғуур билан кетишни истайман. Мен ҳакиқатан мамлакатимиз ҳағтанин яхши тарафга ўзгартирадиган ишларни амалга оширганимни кўриб, сўнг нафақага чиқиши истайман, тушунмайсанми?

— Ахир сиз ўзгартирдингиз-ку, — паст овозда эътиroz билдириди киз. — Сиз Трансхабарни бунёд этдингиз!

Стратмор унинг гапига қулок солмади.

— Ўтган беш йил мобайнида МҲАдаги ишимиз борган сари қийинлашди. Бизга қарши туриши ҳеч қачон хаёлимга келмаган душманлар орттиридик. Ҳукукшунослар, фукаро ҳукуклари бўйича фанатиклар, Электрон чегараланиш жамияти – буларнинг хаммаси рақибларимизнинг бир қисми, лекин асосийси эмас. Асосийси одамлар. Улар бизга нисбатан ишончини йўқотди. Улар ваҳимачи бўлиб қолди. Улар тўсатдан бизнинг киёфамизда душманни кўра бошлади. Сен-у менга ўхшаган, чин кўнгилдан миллат фойдасини ўйловчи кишилар мамлакатимизнинг хавфсиз келажаги учун хизмат қилиш ҳукукимизни ҳимоя қилиб курашишимизга тўғри келди. Биз ортиқ тинчлик кўрикчилари эмасдик, қилған шунча хизматларимиз эвазига инсон ҳукукларини поймол этувчилар деган номга сазовор кўрилдик. — Стратмор бир дам тўхтаб, чуқур нафас олди. — Бахтга қарши, дунёда бегуноҳ инсонлар жудаям кўп, биз кўл қовуштириб ўтирасак, бу инсонлар ўзларига қандай даҳшатлар рўбарў келишини етти ухлаб тушларида ҳам кўрмайди. Мен чин қалбимдан ишонаман, уларни ғафлат кутқусидан куткариш факатгина бизга боғлиқ.

Сьюзан унинг нимага шаъма қилаётганини англамади.

Командор оёқлари остидаги мармарга ҳорғин тикилди, сўнг бошини кўтарди.

— Сьюзан, мени дикқат билан эшиш, — жилмайишга ҳаракат қилди у, нигоҳини қизга қаратаркан. — Гапларимни бўлмасдан, охиригача тингла, илтимос. Мен Танкадонинг электрон мактубларини икки ойдан бери кузатиб келяпман. Ўзинг тасаввур қилганингдек, унинг Рақамли қалъа деб номланган

ешиб бўлмас алгоритм ҳақида Шимолий Дакотага ёзган хабарини биринчи марта ўқиганимда жуда ҳайратландим; бундай алгоритм яратилиши мумкин эмас деб ўйлагандим. Биринчидан ҳар сафар янги ҳатларни ўқиганим сари Танкадога башладим. Рақамли қалъанинг айланма кодини яратишингдан зонжир мутациядан фойдаланаётганини эшитганимдан эса Танкадо биздан минг йилга олдинлаб кетганига ишонч ҳосил қилдим; бу усулни синааб кўриш ўзимизни килишадиги ҳеч кимнинг калласига келмаганди.

– Нега энди ўйлаб кўришимиз керак эди? – эътиroz бўни дирди Сьюзан. – Бундан бир иш чикиши мумкин эмас умбарибири.

Стратмор ўрнидан туриб, эшикдан кўзини узмай хонг бўйлаб кеза бошлади.

– Бир неча ҳафта олдин Рақамли қалъанинг кимошиди савдосига қўйилиши ҳақидаги хабарни эшитганимда Танкадо ҳазиллашмаганига ишондим. Агар Рақамли қалъанинг бирорта япон дастурлаш компанияси сотиб олса, биз таоми бўлардик, шунинг учун нима килиб бўлса-да уни тўхтатиб колиш чораси ҳақида ўйлай бошладим. Албатта, Танкадо ўлдириш ҳақида ҳам хаёл қилдим, бирок алгоритм атрофини айлананаётган миш-мишлар ва Трансхабар тўғрисидаги душволаридан кейин унга бирор гап бўлса, энг биринчи гумони бизга тушарди. Шу сабабдан бу фикрдан қайтдим. – Командор Сьюзанга ўгирилди. – Шуни тушуниб етдимки, Рақамли қалъани тўхтатмаслик керак экан.

Кизнинг фикрлари чалкашиб кетди.

– Мен Рақамли қалъа ҳаётда бир бора бериладиган имконият эканлигини англадим, – сўзлашда давом этди командор. – Бир нечта ўзгартириш билан Рақамли қалъа бизга қарши эмас, аксинча, бизнинг фойдамизга хизмат қила бошлайди.

Сьюзан бунчалик бўлмағур гапни умрида эшитмаганди. Ечиб бўлмас алгоритм МХАнинг шўрини куритиши тайин.

– Агар, – давом этарди Стратмор, – агар алгоритмга кичкина ўзгартириш кирита олганимда эди... тарқалиб кетмасидан олдин... – у айёrona ёркин чакнаган кўзларини Сьюзанга тикди.

Ханузгача гап нима ҳакидалигини англолмаётган Сьюзанинг юзида акс этган савол ифодасини кўриб, хаяжонланганча режасини тушунтиришга киришди:

– Калит сўзни топсам, Рақамли қалъани очардим ва унга Үнгаришиш киритардим!

– Рақамли қалъага кора туйнук ўрнатмокчимисиз? – Қибратланди Сьюзан. Командор уни алдагани эсидан ҳам чикиб, юрагида умид учқунлари алангалади. – Худди Читтак алгоритмида қилганингиз каби?

Стратмор бош иргади.

– Шундан кейин биз бемалол Танкадонинг файли интэрнетга ёйилишини ҳеч қандай хавотирсиз томоша қилиб турардик. Рақамли қалъя японча алгоритм бўлгани туфайли МХА унга алоқадорлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Олдимизда турган ягона вазифа кора туйнук ўрнатиш холос.

Стратморнинг режаси накадар оқилона эканлигини Сьюзан тушуниб етди. Стратмор... Қойил қолмасдан илож йўқ. У МХА еча оладиган алгоритм кенг ёйилишини осонлаштироқчи эди.

– Рақамли қалъя бир кечадаёқ ҳамма фойдаланадиган стандарт алгоритмга айланади, – қўшиб кўйди Стратмор.

– Бир кечадаёқ? – сўради Сьюзан. – Буни қаердан бишисиз? Рақамли қалъани ҳамма жойдан бепулга топиш имконият бўлса ҳам, кўпгина компьютер фойдаланувчилари бирибир ўзларининг эски бироқ ишончли алгоритмларидан фойдаланишда давом этади. Қандай қилиб уларни Рақамли қалъадан фойдаланишга кўндирамоқчисиз?

Стратмор жилмайди:

– Жуда оддий. Бир ҳаракат билан бутун дунёни Трансхарнинг мавжудлигидан бохабар қиласиз.

Сьюзаннинг оғзи очилиб қолди.

– Бу жудаям оддий, Сьюзан. Биз ҳакиқатни ёйиб юборамиз, дунёга МХАда барча алгоритмларни ечувчи компьютер борлигини, компьютернинг тиши эса факат Рақамли қалъагина ўтмаслигини ошкор қиласиз.

Қизнинг кўзлари чакнаб кетди.

– Шундан кейин ҳамма ўйлаб ўтирумай Рақамли қалъани

ўрнатишга киришади... Чунки улар аслида биз уни ҳам олишимиздан бехабар бўлади...

Командор мамнун бош силкиди.

– Худди шундай. – Орага сукунат чўқди. – Сени алдиним учун кечир. Рақамли қалъани қайтадан ёзиш жуда ўйин эди, сени аралашиб колишингни истамагандим.

– Мен... тушунаман, – режанинг ажойиблигидан ўзига келолмаётган қиз оҳиста жавоб берди. – Умуман ганда, яхшигина алдоқчи экансиз!

Стратмор қиқирлаб кулди.

– Кўп йиллар давомида орттирилган тажриба. Факат шу орқалигина сени кўнгилсизликлардан асрарим мумкин ўди.

Сьюзан жиддий оҳангда сўради:

– Қандай кўнгилсизликни айтяпсиз?

– Ўзинг кўриб турибсан-ку!

Сўнгги бир соат ичидаги биринчи марта кизнинг юзига бассум югурди.

– Шундай дейишингиздан кўркиб тургандим ўзи.

Эркак елка кисди.

– Рақамли қалъанинг калит сўзини топишимиз билан оқ директорга бу ҳақда хабар бераман.

Сьюзан ҳамон ҳайрат оғушида эди. Командор Стратмор бутун разведка дунёсида катта ўзгаришларга олиб келувчи лойиҳани бир ўзи амалга оширишни режалаштирганди бунинг удасидан деярли чиққанди ҳам. Калит сўз ҳозир №<sup>3</sup> нинг ичидаги Танкадо ўлган. Унинг ҳамтовори эса топилган.

Сьюзан жим бўлди.

Танкадо ўлган! Бу жуда ғалати тасодиф эди. Стратмор унга айтган ёлғонлар эсига тушиб, қизнинг эти увушди. У шубҳа билан сўради:

– Энзай Танкадони сиз ўлдиридингизми?

Стратмор бу саволдан ажабланди:

– Албатта йўқ. Танкадони ўлдиришимга ҳожат йўқ эди. Аслида у тирик колганида яхширок бўларди. Танкадонинг ўлими Рақамли қалъани шубҳа остига қўяди. Мен ҳаммаси иложи борича ортиқча шовқинсиз, тинч йўл билан ўтишини истагандим. Ҳақиқий режам кора туйнукни билдирамасдан

Үрнагтанимиздан сўнг Танкадо алгоритмни сотишига эришишдан иборат эди.

Сьюзан бу режа ақлга тўғри келишини тан олмасдан шложи йўқ эди. Танкадо интернетдаги алгоритм ҳақиқий маслигига шубҳаланишига ҳеч қандай асос бўлмасди, чунки унга ўзи ва Шимолий Дакотадан бошка ҳеч ким улана олмаслигини яхши биларди. Танкадо Рақамли қалъани қайтидан текшириб чиқишни истаб қолмаса, у ҳеч қачон қора туйнукдан хабар тополмасди. Лекин у Рақамли қалья устида шунча кўп ўралашгандики, бутун бошли дастурни бошидан кўриб чиқишга тоқати етмаслиги аниқ эди.

Нихоят, қиз ҳамма гапни тахлил қилиб бўлди ва нима сабабдан командор Стратмор Криптода тун-у кун ишлаётганини англади. Мураккаб алгоритмда қора туйнукдек кўз илгамас дастурни ёзib чиқиш ва интернетта кўринмас қалитни қўшиш жуда нозик ва узок вақт талаб этадиган вазифа бўлиб, бунда маҳфийлик биринчи ўринда турарди. Рақамли қалъадаги арзимас ўзгаришни сезиб колишлари командорнинг бутун режаларини чиппакка чиқариб юбориши мумкин эди.

Сьюзан командор нега Трансхабарни тўхтатмасликка карор қилганини ҳам энди тушунди. Рақамли қалья МХА-нинг янги овунчогига айланса, Стратмор уни ростдан ҳам сиб бўлмаслигига ишонч ҳосил қилишни истаган экан.

– Хўш, ҳалиям ташқарига чиқишни истайсанми? – кулиб сўради Стратмор.

Сьюзан унга қаради. Бу ерда, қоронғуда, буюк Тревор Стратмор билан биргалиги учунми, қизнинг кўрқуви қаёққадир гойиб бўлганди. Рақамли қалъани қайта ёзиш тарихда қоладиган воеа – яхшиликка хизмат қиладиган вазифа. Бу ишда Сьюзаннинг ёрдами зарур бўлса, нега энди бўйин товлаши керак?

Сьюзан ширин жилмайди.

– Навбатдаги режамиз қандай?

Бу гапни эшитиб, Стратморнинг юзи хурсандчиликдан лов-лов ёниб кетди, қизнинг ёнига юриб келиб, кўлини унинг елкасига ташлади.

– Миннатдорман, Сьюзан. – Сүнг ишга кириши. – ~~Х~~  
зир биргаликда пастта тушамиз. – У кўлидаги тўппончи  
кўтарди. – Сен Хейлнинг компьютерига борасан, мен  
сени ҳимоя қиласан.

Nod 3 га кириш фикри қизнинг этини жунжиктири  
юборди.

– Балки Девидни кутганимиз маъкулдир. У Танкадо~~ни~~  
калит сўзнинг нусхасини олиши биланоқ қўнғироқ қилиш~~и~~.

Стратмор бош чайқади.

– Вақтимиз унчалик кўп эмас. Ишни қанча тез бажи  
сак, шунча яхши. Девид калитнинг нусхасини топа олиши  
ми, йўкми, буни билмаймиз ҳали. Катта эҳтимол билан угу  
бизга қарши бўлганларнинг кўлига тушиб қолиши мумкин  
шунга тезроқ алгоритмга ўзгартириш киритишни якунл~~ши~~  
ни афзал кўраман. Ана шунда, калит сўз кимда бўлиши~~ди~~  
қатъий назар, у биз яратган Рақамли қалъани юклаб олиди.  
– Стратмор тўппончада бармокларини юргизди. – Биз Хейл  
нинг калит сўзини топишимиз зарур.

Сьюзан тилини тишлади. Командор ҳак эди. Уларга ~~Х~~  
лнинг калит сўзи керак эди. Ва буни кечикириб бўлмасди.

Увудиб қолган оёқларини ишқалаганча ўрнидан тури~~р~~  
кан, Сьюзан ишқилиб Хейлни қаттироқ урган бўлай, ле~~д~~  
умид қилди. Кейин Стратморнинг кўлидаги қуролга қариб,  
хавотирланиб сўради:

– Сиз ростдан ҳам Грэг Хейлни отмоқчимисиз?

– Йўқ! – Стратмор қовогини уйиб, эшикка юаркан қу-  
шиб қўйди: – Лекин, умид қиласанки, Хейл буни билмайди.

## **Етмиш олтинчи боб**

Севилья аэропорти терминалининг ташқарисида ҳали мисоблаги чи ўчирилмаган такси тўхтаб турарди. Унинг ичили ўтирган темир кўзойнакли йўловчи терминал ойнасидан ичкарига тикиларкан, вактида етиб келганини англаб, хурғанд бўлди.

У залдаги сарик сочли қизни кўрди. Қиз Девид Беккер курсига ўтиришига ёрдамлашаётганди. Кўринишидан, Беккер каттиқ оғриқ ичиди эди. «У ҳали ҳақиқий оғриқ нима жанини билмайди», ўйлади йўловчи. Қиз сумкасидан кичкина буюм чиқариб, Беккерга узатди. Йигит уни қўлида ушлаб, ёруққа тутганча бироз ўрганиб, бармоғига тақиб олди. Кейин Беккер чўнтағидан пул чиқариб, аллақанчасини қизга берди. Улар яна бир неча дақиқа гаплашиб турди. Қиз Беккерни маҳкам қучоқлаб, хайрлашди ва елкасига рюкзагини илиб, кўл силкиганча аэропортнинг мижозлар билан ишлаш бўлимига қараб йўл олди.

– Нихоят, – шивирлади йўловчи, –nihоят, топилди!

## **Етмиш еттинчи боб**

Стратмор қўлида куролни маҳкам ушлаганча офицерларни ташкарига бир қадам ташлади. Сьюзан унга эргашди, ки боришини Хейл хануз Nod 3 ичидаги эканига шубҳа қиласади.

Командорнинг компьютеридан тушган нур уларни ташкил этиб, бўй-бастини платформа бўйлаб ёритди. Сьюзан иложи боришини чешидига яқинроқ юришга интилди.

Эшикдан узоклашишаркан, ёруғлик сўниб, улар буткунни коронгулик ичидаги колди. Факат шишаванд гумбаз узра нурни тараб турган юлдузларнинг хира шуъласи ҳамда Nod 3 интилди. Парчаланган эшигидаги тиркишдан тушаётган ёруғликкини залда кўзга ташланарди.

Стратмор яна бир қадам олдинга силжиб, пастга олини тушувчи зинани эҳтиёткорлик билан ахтара бошлади. Тўпни пончани чап қўлига ўтказиб, ўнг қўли бармоклари билан зина тутқичларини пайпаслаб қидира бошлади. Шудамни пақайлаб курол ишлатишга нўнок экани ёдига тушиб, тўпни пончани алмаштиrmокчи бўлди. Бироқ бу айланма зинадан кулаган киши баҳтли тасодиф туфайлигина нариги дунёни равона бўлмасдан, бир умр тўшакка михланиб қолиш эҳтиёти моли бор, Стратмор эса нафақага чиққандан кейинги ҳастини ногиронлар аравачасида ўтказишни кўзда тутмаганди.

Крипто залидаги қоронгулик сабаб кўзлари сўқирланган Сьюзан Стратморнинг елкасини зўрга топиб, кўл ташлади. Ўртадаги масофа икки қадам бўлса ҳам, қиз командорнинг шарпасини деярли кўрмасди. Ҳар қадам ташлаганини туфлиси билан зина четини қидираарди.

Хейлнинг калит сўзини топиш учун Nod 3 га бориши хавфли экани ҳакидаги хаёллар қизнинг миясини қайта пармалай бошлади. Командор Хейлнинг уларга кўл текизишни журъати етмаслиги тўғрисида қатъий гапирган бўлса ҳам, Сьюзан бунга унча ишонмасди. Иложсиз қолган Хейлди фақат икки йўл бор эди: ё Криптодан қочишни уддалаш, ё камоққа жўнаш.

Қизнинг ички овози тинимсиз ровишда улар ҳозир Девиднинг қўнғирогини кутиб, ундаги калит сўз билан ишни якунлаш кераклигини уқтиради, аммо Девид узукни ростини ташлади.

дан ҳам топа олишига ҳеч ким кафолат беролмасди. Сьюзан нима сабабдан Девид бунчалик кечикаётгани ҳақида ўйлай бошилади, лекин диққатини чалғитмаслик максадида уни ҳашидан кувиб чиқаришга интилиб, олдинга юришда давом иди.

Стратмор иложи борича тиқ этган товуш чиқармаслик-ки уринарди, чунки Хейлни чўчитиб юбориш фақат зарарга шиллаши мумкин эди. Нихоят, зинанинг охирига яқинлаштич, Стратмор охиста ютинганча сўнгги қадамни ташлаб, Криптонинг коп-кора мармар полига оёқ босди. Сьюзан унинг елкаси ҳаяжондан титраётганини сезиб турарди – улар хивфли ҳудудга қадам босиши; Хейл ҳар қайси бурчакда бўлиши мумкин эди.

Улар Nod 3 га етиб бориш учун Трансхабарни айланиб ўтишлари зарур эди. Сьюзан ич-ичидан Хейл ҳанузгача оғриқдан букилиб, полда юмалаб ётган бўлишини илтижо қилди.

Стратмор зина тутқучини қўйиб юбориб, тўппончани ўнг қўлига олди ва бир сўз айтмасдан зулмат томон ҳаракатланди. Сьюзан унинг елкасидан маҳкам ушлаб эргашди. Агар қоронғулик ичида киз Стратморни йўқотиб қўядиган бўлса, уни топишнинг ягона чораси овоз чиқариб гапириш бўларди; бу эса Хейлни олдига суюк ташлаш дегани эди. Зинадан узоклашиб бораркан, ёш болалигига дўстлари билан кечкурун ўйнаган ўйин Сьюзаннинг эсига тушди – у уйни гарк этганди. У очик майдонда бир ўзи қолганди. У химоясиз эди.

Трансхабар ҳозир улкан қора денгиз ичида каккайиб турган оролга ўхшарди. Командор ҳар қадамда тўхтаб, куролини шайлаганча атрофга қулоқ соларди. Ўлик жим-житликни пастки қаватлардаги гувиллаган товушгина бузиб турарди. Сьюзан шефни орқага тортишни, хафвсиз жойга қайтаришни, ичкарига судраб киришни истарди. Қизнинг тасаввурода ҳудди атрофдан уларга юзлаб башаралар бокиб тургандек туюлиб кетди.

Трансхабарга етишларига озгина қолганда аллақаердан янграган қаттиқ биппилаган товуш Криптодаги осудаликни

тўзғитиб юборди. Овоз келган тарафга қараган Стратмор нинг елкасидан қўли тушиб кетган қиз шефни йўқотиб қўнди. Ҳозиргина командорнинг елкаси турган жойда энди ҳеч нарса йўқ эди. Сьюзан таҳликага эрк бермасликка тиришиб, олдинга пайпасланиб юрди.

Биппиллаган товуш ҳамон давом этарди. У яқин ўртидан эштиларди. Сьюзан зулмат оралаб бир ўнгга, бир чишига алангларди. Шу маҳал овоз тинди. Сьюзан музлаб қолди. Бир сониядан сўнг унинг рўпарасида болалигида кўрадигни кўрқинчли тушларида гидек даҳшатли сиймо гавдаланди. Ям-яшил башара арвоҳникига ўхшар, шайтонники каби тиртикларга тўлиб кетганди. Қизнинг ўтакаси ёрилиб, орқали тисарилди ва қочиш учун ўгирилган ҳам эдикি, нимадир унинг қўлидан тутди:

– Кимиrlама! – буйруқ келди қизнинг ортидан.

Сьюзаннинг кўзига бир лахза шайтоннинг ёниб турған кўзларида Хейл кўрингандек бўлди. Аммо овоз Хейлга төгишли эмасди. Қизнинг қўли ҳам жуда юмшоқ ушланганди. Сьюзандан совук тер чикиб кетди. Овоз Стратморни эди. Унинг юзини яшил кўрсатган нарса чўнтағидан чиқарган электрон қурилмадан тараляётган яшил шуъла экан. Қизнинг танасидаги қалтироқ босилиб, чукур нафас олди.

– Жин урсин! – сўқинди Стратмор тишини ғичирлатиб.  
– Янги пейджер олгандим, овозини паstлатишни унугибман!  
– У қўлидаги SkyPager'га олайиб қаради. Бу пейджерни командор маҳаллий электроника дўконига шахсан ўзи бориб, маҳфийликни саклаш максадида нақд пул тўлаб сотиб олганди. МХА ходимларни қандай кузатишидан яхши хабардор бўлган командор атайдан шундай йўл тутди, чунки бу қурилмадан юбориладиган ва кабул қилинадиган хабарлар мутлако маҳфий сакланиши максадга мувофиқ эди.

Сьюзан хавотирга тушди. Хейл аллақачон уларнинг келаётганидан хабар топган бўлса керак.

Стратмор пейджердаги бир неча тумани босиб, келаётган мактубни ўқиди ва охлаб юборди. Бу нохуш хабар Испаниядан келганди – Девид Беккердан эмас, Стратмор Севильяга юборган бошқа бирордан эди.

\* \* \*

Вашингтондан уч минг миль олисда энг замонавий техника билан тўлдириб ташланган мини-автобус бўм-бўш Севилья кўчаларида катта тезликда ҳаракатланиб борарди. Мини-автобусда MXA кошидаги ўта маҳфий бўлган UMBRA бўлинми ҳарбий хизматчиларидан икки киши кетаётган эди. Улар биринчи марта Форт Миддан фавқулодда топширик олишлари эмасди, бироқ бу сафарги кўрсатма жуда «юқори»дан берилгани уларнинг елкасига ортикча масъулият юклаганди.

Рулда ўтирган агент елкаси оша сўради:

– Одамимизнинг қораси кўриндими?

Ҳамроҳи автобуснинг шифтига ўрнатилган видеомонитордан кўз узмаган ҳолда жавоб берди:

– Йўқ! Ҳайдашда давом эт!

## Етмиш саккизинчи боб

Бир уюм кабель симлари остида терга пишган Жабба оғзига фонарчани қистириб ишлаётганди. У дам олиш күнлөрүнүн кечгача ишлашга ўрганиб колганда; бу ходимлардан холиң колган бинода компьютерларнинг техник носозликларини тузатиш учун жуда кулай вакт эди. Кўлидаги қизиб турған кавшарлагични ўралиб кетган симлардан бирига текки шаш экан, ҳимоя катламини ортиқча кўйдириб кўйиш ҳалокини олиб келиши мумкинлигини яхши англаган Жабба ниҳоятли эҳтиёткорлик билан ҳаракатланарди.

Яна озгина. Бу иш ўйлаганидан кўпроқ вақт олаётганди.

Жабба кавшарлагичнинг учини металлга яқинлаштириб, охирги, ҳал килувчи туташувга киришган ҳам эдикни, қўл телефонининг асабий товушидан чўчиб тушди. Телефонига қарайман деб қайрилганида бир қўли буралиб кетди жаззиллаб турган суюқ кўрғошин иккинчи кўлига тўклидди.

– Жин урсин! – Жабба оғриқ сезиб, кавшарлагични қўлидан тушириб юборди, оғзидағи фонарь томоғига кириб кетаёзди. – Жин урсииин! – сўқинди эркак ва қўлига томони кўрғошин парчасига қаради. У тушган жойида қизил куйгаш дод қолдирган, юмалоқланиб, совий бошлаган, Жабба ўрнишишга ҳаракат қилаётган чип эса бошига қулаб тушганди.

– Минг лаънат!

Жаббанинг телефони яна тинғирлашни бошлади. Аспибийлашиб турган эркак бунга эътибор қилмади.

– Миж! Жин урсин сени! – пишқириб сўқинди Жабба. – Криптода ҳаммаси жойида! Аппарат яна жиринглашни бошлади, аммо Жабба уни беэътибор қолдириб, чипни қайта ўрнатишга киришди ва орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас бу ишни якунлади. Телефон эса ҳамон қўнғироқ бўлаётганидан хабар бериб бор овозда жирингларди. – Худо ҳакки! Миж! Бўлди қилсангчи! – ғудранди эркак ўқрайиб.

Аппарат яна тахминан ўн беш сонияча жиринглаб тургач, ниҳоят овози ўчди.

Бир дақиқадан сўнг шифтдаги радиокарнай шитирлаб тилга кирди: техник хавфсизлик бўлими раҳбаридан марҳамат килиб бош оператор билан боғланиши сўралади!

Жабба қулокларига ишонмасди. »Нега энди шунчаки  
бис қила қолмайди бу Миж?» аччикланди эркак ва қайсарли-  
ги тутиб, хабарни бутунлай безътибор қолдирди.

## Етмиш түккизинчи боб

SkyPager'ни чўнтағига солган Стратмор зимиштон ичиди Nod 3 томон кўз ташлади. Сўнг Сьюзанга қўл чўзиб, шивирлади:

– Кетдик!

Аммо уларнинг бармоқлари тулашишга улгурмади.

Коронғулик қаъридан гулдураган товуш эши билди. Бараварига овоз келган томонга қараган Стратмор билди Сьюзан ўзларига караб фаралари ўчирилган, катта тезлинида бостириб келаётган кичик маркали Mack юк машинасини кўриб, шошиб қолишиди. Вокеалар ривожи шунчалик тезлашиб кетди, бирор чора кўриш ҳакида ўйлашга ҳам улгурмаган Стратмор ўзига урилган машина зарбидан полго кулади.

Бу Хейл эди. Пейджер уларнинг қаерда эканини фош қилганди.

Командорнинг кўлидаги Беретта тўппончасининг тираклаб полга тушганини эшилган Сьюзан нима қилишини, қаерга югуришни билмай, бор ерга михланиб қолди. Инстинктлари қизга қочишни маслаҳат берарди, аммо лифтнинг кодини билмасдан туриб бу ердан чиқиб бўлмасди. Сьюзаннинг юраги эса дархол Стратморга кўмак кўрсатиши зарурлигини айтарди, лекин қандай қилиб? Чор-атрофга алангларкан, Хейл билан полда ётган Стратмор ўртасиди ҳаёт-мамот курашининг шовқини бошланади деб ўйлади, лекин тиқ этган сас эшилмади. Командорни уриб кетганидан кейин Хейл яна зулмат ортига яширгандек атрофни жим-житлик пардаси ўраб олганди.

Сьюзан коронғуликка тикилиб, энди нима бўлишини кутди. Орадан бир аср ўтгандек эди, қизнинг ортиқ кутишга бардоши етмай, охиста шивирлади:

– Командор, қаердасиз?

Оғиздан шу сўзлар отилиб чиқиши биланоқ Сьюзан катта хато қилганини тушуниб етди. Орқасидан ўша таниш ифор – Хейл атирининг хиди келиб, бурнига урилди. Қиз ўгирилганида аллақачон кеч бўлганди. Бақувват кўллар ис-санжасида колган Сьюзанга ҳаво етишмасдан типирчилай

бошлади. Унинг юзи Хейлнинг кўкрагига қарама-қарши турарди.

– Оёқларим орасидаги оғриққа чидаб бўлмаяпти! – қизининг қулоғи остидан Хейлнинг пичирлаган товуши эшитилди.

Сьюозаннинг тиззалари қалтираб кетди. Гумбаз устида нур сочиб турган юлдузлар кўзи олдида рақс туша бошлади.

## Саксонинчи боб

Съюзаннинг елкасидан қўлини айлантириб ушлаб олгани  
Хейл зим-зиё залга қараб қичкирди:

– Командор, суюклигингиз менинг қўлимда. Агар унги  
зарар етишини истамасангиз, мени ташқарига қўйиб юбо-  
ринг!

Унинг талабига ҳеч қандай жавоб бўлмади.

Хейл қизнинг бўйинин янада қаттиқрок қисди.

– Агар ҳозироқ жавоб бермасангиз, бош криптографин-  
гизнинг бўйинни синдираман!

Уларнинг ортидан тўппончанинг шиқирлаши ва коман-  
дорнинг хотиржам оҳангдаги буйруғи эшитилди:

– Қўйиб юбор уни!

– Командор! – деди Съюзан сўнгги кучини тўплаб.

Хейл қизнинг танасини овоз келган томонга ўгирди.

– Агар отсангиз, бебаҳо Съюзанингизни жароҳатлайси.

Таваккал қилишга тайёрмисиз?

– Уни қўйиб юбор! – қайтарди Стратмор янада яқинроқ-  
дан.

– Ҳеч қачон! Сиз мени ўлдирасиз.

– Мен ҳеч кимни ўлдирмоқчи эмасман!

– Ҳех, ростданми? Буни бориб Чатрукянга айтинг!

– Чатрукян ўлган! – деди Стратмор, янада яқинроққа  
силжирикан.

– Буни биламан. Уни сиз ўлдирдингиз! Ўз кўзларим би-  
лан кўрдим буни!

– Таслим бўл, Грег! – давом этди Стратмор босиқ овозди.

Хейл қизнинг қулоғига пи chirладi:

– Стратмор итариб юборди Чатрукянни – қасам ичаман!

– Овора бўлма, Грег! – бир қадам олдинга юрди коман-  
дор. – Съюзан сенинг «бўлиб ташла – ҳукмронлик қил» усу-  
лингга учмайди. Уни қўйиб юбор!

Хейл зимистон залга қараб вишшиллади:

– Чатрукян ҳали гўдак эди, Худо ҳақки! Нега бундай  
қилдингиз? Кичик сирингизни ҳимоя қилиш учунми?

– Хўш, нима экан ўша кичик сир? – пинагини бузмай  
сўради Стратмор.

– Гап Рақамли қалъа ҳакида кетаётганини жуда яхши сезиб турибсиз-ку, жаноб!

– Ҳали шундайми? – музлаган оҳангда истехзо қилди командор. – Демак, сен Рақамли қалъа түғрисида биласан. Ўни тан олмасанг керак деб тургандим.

– Жин урсин сизни!

– Оқилона ҳимоя.

– Сиз ғирт аҳмоқсиз! – шовқинланди Хейл. – Ахборотингиз учун, Трансхабар қизиб кетяпти.

– Ростданми? – ҳиринглади Стратмор. – Хўш, нима таклиф қиласан? Эшикларни очиб, техникларни чакираими?

– Худди шундай! Бундай қилмаслик ғирт телбалик бўлади.

Бу сафар Стратмор қах-қах отиб кулиб юборди.

– Шуми сен тузган сценарий? Трансхабар қизиб кетяпти, шунинг учун эшикларни очиб, мени қўйиб юборинг?

– Ахир бу ҳақиқат, жин урсин! Пастки қаватга тушганимда кўрдим, иккиласмчи таъминот етарлича фреон чиқариб беролмаяпти!

– Эслатганинг учун раҳмат, – деди командор. – Аммо хавотир олма, Трансхабарда автоматик ўчиргич бор. Қизиб кетса, ўз-ўзидан тўхтайди.

Хейл ўшшайди:

– Трансхабар портлаб кетса ҳам менга бир тийинлик аҳамияти йўқ. Шундоғам бу лаънати машина ноқонуний ишлайди!

Командор эътиroz билдириди:

– Бу гапингни болалар учун асраб кўй. Ҳозир эса қизни қўйиб юбор!

– Ундей қилмасамчи? Мени отиб ташлайсизми?

– Сени ўлдирмайман. Менга фақат калит сўз керак.

– Қанақа калит сўз?

– Танкадо сенга юборган калит сўз! – таъкидлади Стратмор.

– Нима ҳакида гапирётганингизни тушунмаяпман.

– Ёлғончи! – кичкирди Сьюзан бир амаллаб. – Электрон

пochtангдаги Танкадодан келган мактубларни ўз кўзим билди  
кўрдим!

Хейл бир муддат котиб қолди, сўнг қизнинг юзини ўзига  
қаратиб сўради:

– Менинг почтамга кирдингизми?

– Сен эса Изкуваримнинг ишини тўхтатдинг! –чўрт көб  
ди Сьюзан.

Хейлнинг миясида қон кўпчиди. У барча изларни ён  
ганман деб ўйлаганди, қилган ишидан Сьюзан қандай хабар  
топди экан? Қиз нима учун айтган бирор сўзига ишонмаётни  
ни сабабини англаган Хейлга атрофдаги деворлар унга қариб  
сурилаётгандек туюлди. У вазиятдан чиқиб кетолмаслиги  
акли етиб, умидсиз оҳангда қизнинг қулоғига пичирлади:

– Сьюзан... Стратмор Чатрукянни ўлдирди!

– Уни кўйиб юбор! – деди командор хотиржамлик билди.  
– Барибири у сенга ишонмайди!

– Нега ишонмаслиги керак? – қичкирди Хейл. – Асли-  
да ҳакиқий ёлғончи маҳлук сизсиз! Сиз унинг миясини ўз  
ёлғонларингиз билан тўлдиргансиз! Сьюзаннинг хабари  
борми Рақамли қалъани аслида нима қилмоқчи эканингиги  
дан?

– Нима қилмоқчи эканман?

Хейл ҳозир айтадиган гапи ё озодлик, ё ўлим учун чип-  
та бўлишини пайқаб, култ этиб ютинди. Сўнг чукур нағис  
олиб, тилга кирди:

– Сиз Рақамли қалъага қора туйнук ёзишни режалаштири-  
гансиз!

У айтган сўзлар ҳавога сингиб кетди. Ҳеч кимдан ҳеч  
қандай акс таъсир қўрмаган йигит шернинг думини эзаб оли-  
ганини сезди. Стратмор бир туки қилт этмасдан, ўша совуқ  
овозда сўради:

– Ким айтди буни сенга?

– Ўзим ўқидим, – ишонч билан жавоб қайтарди Хейл,  
вазиятни фойдасига ҳал қилишга уриниб. – «Заковат ху-  
жум»ларингизнинг бирида.

– Бўлиши мумкин эмас. Мен ҳеч қачон «заковат ху-  
жум»ларини чоп этмайман.

— Биламан буни. Мен уни түғридан түғри компьютерингиздан ўқигандим!

Стратмор унга шубҳа билан тикилди:

— Офисимга кирдингми?

— Йўқ, Nod 3 ичидан чиқмасдан туриб қилдим бу ишни.

Хейл ўзини мажбурлаб кулди; Криптодан тирик чиқиш учун денгиз хизматида ўрганган музокара маҳоратини тўлиқ ишга солишга муҳтожлигини сезиб турарди.

Стратмор унга яқинлашди, қоронғуда унинг қўлидаги курол яраклаб кетди.

— Кора туйнук хақидаги режамдан қандай хабар топдинг?

— Айтдим-ку, компьютерингиздан ўқидим деб.

— Бўлиши мумкин эмас!

Хейл масхараомуз кулди:

— Жаноб, энг яхши мутахассисларни ишга ёллашнинг смон жиҳати шундаки, улар баъзан сиздан кўра акллирок чиқиб колиши мумкин!

— Болакай, — пишкирди Стратмор, — бу маълумотни қардан олганингни билмайман, лекин ҳаддингдан ошиб кетганинг кўриниб туриби. Ҳозироқ Флетчер хонимни қўйиб юборасан, акс ҳолда сокчиларни чакириб, умрингни қамоқда ширитаман!

— Бундай килолмайсиз, — ишонч билан деди Хейл. — Сокчиларни чакирсангиз, барча режаларингиз чиппакка чиқади. Мен уларга ҳамма гапни айтиб бераман. — Сўнг бир муддат тўхтаб, қўшиб қўйди: — Агар мени эсон-омон бу ердан қўйиб юборсангиз, қасам ичаман, Рақамли қалъа ҳақида бир оғиз ҳам чурқ этмайман!

— Бўлмайди! — жаҳл билан жавоб қайтарди Стратмор. — Менга қалит сўз керак!

— Менда ҳеч қандай қалит сўз йўқ ахир!

— Етар шунча ёлғонлар! Қалит сўзни айт! Ҳозироқ!

Хейл кўзларини йилтиллатганча қўлини қизнинг бўйнига олиб борди:

— Ё мени қўйиб юборасиз, ёки киз ўлади!

\* \* \*

Иш тажрибаси давомида кўплаб айрибошлаш музокараларини олиб борган Тревор Стратмор ҳозир Хейл жуда хавфли ҳолатда эканини, у билан ҳазиллашиб бўлмаслигини англаб турарди. Ёш криптограф чорасиз қолганди, чорасиз рақибдан эса ҳар нарсани қутиш мумкин. Сьюзаннынг ҳёти ҳамда Ракамли қалъанинг келажаги ўзининг навбатдаги қарорига боғлиқлигини илғаган командор дастлаб ўртадаги вазиятни юмшатишга ҳаракат килди ва чукур хўрсиниб, гап бошлади:

– Яхши, Грег. Сен ютдинг. Мендан нима истайсан?

Жимлик. Командорнинг овозидаги муроса оҳанги Хейлни довдиратиб кўйганди. У кизнинг бўйнидаги қўлларини бироз бўшашибтириди.

– Яхши... – овози қалтираганча тилга кирди у. – Биринчи бўлиб қуролингизни менга топширинг. Сўнг икковингиз ҳам ортимдан юрасиз.

– Бизни асир оласанми? – кинояли кулди Стратмор. – Грег, ақллирок бошқа нарса ўйлаб топ! Бу ердан МҲАдан чикиш эшигигача юзлаб қуролланган соқчилар турибди. Биз билан чикиб кетолмайсан Криптодан.

– Мен аҳмоқ эмасман, – ўшқирди Хейл. – Ҳозир лифтингиздан фойдаланмоқчиман. Сьюзан мен билан боради, сиз эса қоласиз.

– Бу ҳақда айтишни истамагандим, аммо лифтни ишлатиш учун энергия йўқ.

– Бўлмаган гап! – яна қичкирди йигит. – Лифт асосий бинодан келадиган энергия билан ишлайди. Унинг схемасини кўрганман!

– Биз уриниб кўрдик лифтни юргизгани, – йўталди Сьюзан бўшанишга уриниб. – У ишдан чиқсан!

– Бир-билингиздан ўтган абраҳ экансиз, бунга ишониш қийин! – Хейл бармоқларини қизнинг бўйнига каттиқроқ ботирди. – Лифт юрмас экан, Трансхабарни тўхтатаман ва энергияни кайта ишга тушираман.

– Лифтни юргизиш учун пароль керак, – деди Сьюзан хирриллаб.

– Ажойиб! – кулди Хейл. – Ишончим комил, командор наролни бизга айтади, шундайми?

– Умид ҳам қила кўрма! – вишиллади Стратмор.

Хейлнинг қони қайнаб кетиб, ўкирди:

– Энди сиз мени эшитинг, кария. Сьюзан билан мени лифтингиз орқали бу ердан озод қиласиз, бир неча соатдан сўнг уни қўйиб юбораман. Тушунарлими?

Стратмор вазият таранглашаётганини ҳис этди. Сьюзанини бу ишга тортдими, энди нима килиб бўлсаем уни Хейлнинг чангалидан халос этиши зарур. Командор қатъий овозда сўради:

– Рақамли қалъа билан боғлиқ режаларимчи?

Хейл кулди.

– Бемалол ёзаверинг қора туйнугингизни – мен ҳеч нарса демайман. – Сўнг овозини ўзгартирди: – Бироқ менинг ортимдан тушганингизни сезиб қолган кунимоқ матбуотга бор ҳақиқатни кўтараман. Уларга Рақамли қалъага тузоқ қўйилганини айтаман ва бу лаънати ташкилотни ер билан битта киламан!

Хейлнинг жуда оддий ва содда таклифидан сўнг Стратмор ўйланиб қолди. Унинг шартига кўнса, Сьюзан тирик колади, Рақамли қалъага кора туйнук ёзишга улгуради, Хейлнинг ортидан қувмас экан, қора туйнукдан ҳеч ким хабар топмайди. Стратмор яхши биларди – Хейл узоқ вақтгача оғзини ёпиб юролмайди. Шундай бўлса ҳам... Рақамли қалъадан хабардорлиги Хейлнинг сугуртаси эди ҳисоб, балки бу сафар у аклини ишлатар. Нима бўлгандаям, Хейлни кейинчалик, вақти келгандан ўргадан олиб ташлаш мумкин.

– Бир қарорга келинг, кария! – шоширди Хейл. – Хўш, кетамизми, йўқми? – Унинг кўллари Сьюзаннинг бўйинини илондек бўға бошлади.

Ҳозир соқчиларга хабар берса, Сьюзан яшаб қолишига Стратмор хаётини ўртага қўйиб гаров ўйнашга тайёр эди, чунки у кейинги манзарани яққол кўриб турарди. Қўнгирокдан талвасага тушган Хейл ваҳима қилиб, тўполон кўтаради, бироқ кичик армия билан юзлашгач, бирор ҳаракат килишга

ожиз бўлиб қолади. Қиска тўқнашувдан кейин таслим бўлади.

«Лекин соқчиларни чақирадиган бўлсам, – ўйлади командор, – режаларим йўкка чиқади».

Хейл кизнинг бўйинини қайира бошлади. Сьюзан оғрикдан жон аччиғида додлаб юборди.

– Хўш, нима қиласдиган бўлдик? – бакирди Хейл. – Ўлдираверайми суюклигингизни?

Стратмор варианtlарни кўриб чиқаётганди. Хейл Сьюзанни Криптодан олиб чиқиб кетадиган бўлса, кизга зарар етмаслигига ҳеч ким кафолат беролмасди. Хейл бир неча километр йўл босгач, ўрмонда тўхташи мумкин... Унинг кўлида қурол бўлади... Стратморнинг юрагида оғрик турди. Сьюзани озод қилишдан олдин Хейлдан нималар кутиш мумкинлигини билиб бўлмасди. Ростдан ҳам қизни қўйиб юбориш нияти бормикин ўзи? «Мен соқчиларга қўнғирок қилишим керак, – карор қилди Стратмор. – Яна нима қилишим мумкин?» У бир лаҳза Хейлнинг суд залидан туриб Ракамли калъа тўғрисида сайрашини тасаввур қилди. Режаси остин-устун бўлиб кетади. Бошқа иложини топиш керак.

– Тезроқ бир қарорга келинг! – қичқирди Хейл Сьюзани зина томон судраркан.

Стратмор уни эшитмаётганди. Сьюзани сақлаб қолиш унинг режалар барбод бўлишига олиб келса, шундай бўлақолсин. Бу ёруғ оламда ҳеч нима қизни йўқотишига арзимайди.

Хейл кизнинг қўлларини орқасига қайриб, бўйинни бир ёнга эгди.

– Сизга сўнгги имкониятни бераман, қария! Ҳозироқ куролни менга топширинг!

Стратморнинг миясида ҳамон фикрлар ғужғон ўйнаб, учинчи йўлни қидиради. Ҳар доим учинчи чора топилади! Нихоят командор жуда секин, ғамгин овозда тилга кирди:

– Йўқ, Грег. Кетишингга йўл қўёлмайман. Кечирасан.

Бутунлай бошқа жавобни кутган Хейл ҳайратланганидан нафаси ичига тушиб кетди:

– Нималар деяпсиз?

- Соқчиларга күнғирок қиляпман.
- Йўқ! Командор! Ундаи қилманг! – қичкирди Сьюзан.
- Хейл уни маҳкамроқ чангллади.
- Шундай қиладиган бўлсангиз, ваъда бераман, у ўлади!

Стратмор чўнтағидан мобил аппаратини олиб, тугмачасини босди:

– Грег, бундай қилиш кўлингдан келмайди!

– Соқчиларни чакирсангиз, – бакирди Хейл, – бор гапни айтаман. Режангизни ер билан яксон қиласман. Ўзингиз ўйланг, орзунгиздан бир неча қадам нарида турибсиз! Бутун дунёдаги маълумотларни бошқара оласиз ҳадемай! Ҳеч қандай Трансхабарсиз! Ҳеч қандай чекловларсиз – текин маълумот! Бу ҳаётда бир марта бериладиган имконият! Ундан воз кечолмайсиз!

– Қараб тур! – метинде овозда буйруқ берди командор.

– Аммо... Аммо Сьюзанчи? – қалтираб кетди Хейл. – Телефон қилганингиз заҳоти у ўлади. Мен уни ўлдираман.

Стратмор совуққонлик билан жавоб берди:

– Мен бунга тайёрман!

– Бўлмаган гап! Сиз Сьюзанни Рақамили қальсадан кўра кўпроқ қадрлайсиз. Буни жуда яхши биламан. Унинг ҳаётини хавфга кўёлмайсиз!

Суҳбатни эшитиб турган Сьюзан гапирмоқчи бўлди, аммо командор изн бермади:

– Болакай! Сен ҳали мени умуман билмайсан! Мен доим ҳаётимни хавфга кўйганман. Мени қўркитмоқчи бўляпсанми? Келишдик! – У телефонидаги тугмаларни босиша давом этди. – Сен менга етарлича баҳо бермабсан, ўғлим. Ҳеч ким ходимларимнинг ҳаётига таҳдид солиб, бу ердан тирик чиқиб кетолмайди. – Командор аппаратни кўтариб, гўшакка бакирди: – Оператор мени хавфсизлик бўлими билан уланг!

Хейл даҳшат ичида қизнинг елкасини қайира бошлади:

– М-мен... М-мен уни ўлдираман. Қасам ичаман!

– Ҳеч қачон бундай қилмайсан! – тантанали эълон қилди Стратмор. – Сьюзанни ўлдиришинг ахволингни баттар ёмонлаштиради! – У гапдан тўхтаб, телефонга оғзини тутди: – Соқчи? Командор Тревор Стратмор гапиряпти! Бизда

асир олингандар бор! Криптода! Бу ерга одамларингизни жўнатинг. Албатта, ҳозироқ, жин урсин! Яна генераторлари мизда носозлик юз берди. Ташқи манбалардан энергия юбо-ришингизни сўрайман. Бундан ташқари, беш дақика ичидаги барча тизим ишга тушсин! Грэг Хейл бироз олдин ёш техник ходимни ўлдирди. Ҳозир эса бош криптографимни тутқунликка олган. Зарур бўлса, кўзни ёшлантирувчи газдан фойдаланишингиз мумкин ичкарига киришда. Мабодо жаноб Грэг таслим бўлмаса, снайперларга буюринг – уни йўқ қилишсин. Бутун жавобгарликни ўз зиммамга оламан. Дарҳол буйруқларимни бажаринг!

Хейл кулоқларига ишонмай, турган жойида тахтадек қотиб қолди. Унинг кўллари бўшаши.

Стратмор қизил тугмани босиб, телефонини ўчирди ва чўнтағига қайта солиб, Хейлга юзланди:

– Сенинг навбатинг, Грэг!

## **Саксон биринчи боб**

Беккер терминал ичидаги телефон будкаси ёнида туриб ёшланган кўзларини артаётганди. Ачишаётган юзидаги оғриққа қарамасдан, руҳи ором топганди. Ҳаммаси тугади. Ҳақиқатан тугади. Ниҳоят, уйга қайтади энди. Шунча кийинчиликларига сабаб бўлган хазина – узук – йигитнинг бармоқларида эди. Беккер қўлини кўтариб, чироққа тутди ва узукнинг олтин бандига қаради. Аниқ ўкий олмаса-да, узукдаги ёзув инглиз тилида эмаслигини илғади. Энг биринчи белги Q, O ёки 0 эди, бироқ жароҳатланган кўзлари буни фарқлай олмади. Илк сатрларни ўқиган йигит ҳеч нарсани тушунмади. Тавба, миллий хавфсизлик масаласи деб жар солишган нарса шуми? Беккер ажабланди.

Телефон будкасига кирган йигит Стратморнинг рақами ни тера бошлади. Халқаро кодни киритишга улгурмасидан гўшақдан овоз келди: «Todos los circuitos están ocupados. Илтимос, қўнғироқни бошқатдан амалга оширинг». Беккернинг қовоғи уйилиб, гўшакни жойига илди. Испаниядан халқаро қўнғироқ амалга ошириш рулетка ўйинида омадинг келишидек гап эди. Бир неча дақиқадан кейин кайта уриниб кўришига тўғри келади.

Беккер кўзини азоблаётган қалампир захрига эътибор қилмасликка тиришди. Ҳозир кўзни ишқалаш аҳволни баттар ёмонлаштиришини Меган унга эслатиб ўтганди. Сабри чидамасдан, яна телефонга ёпишди. Ҳануз алоқа йўқ. Беккер бошқа кутолмасди – олов бўлиб ёнаётган кўзларига сув қўймаса бўлмасди. Стратморга бир-икки дақиқа кечроқ хабар берса осмон узилиб ерга тушмас, деган хаёлда яrim юмуқ кўзлари билан ҳожатхона томон одимлади.

Эркаклар ҳожатхонаси эшига тагида ҳануз қакқайиб турган фаррошлар аравасини илғаган йигит Дамас деб ёзилган томонга юрди. Ичкаридан қандайдир товуш эшитгандек бўлиб эшикни таққилатди:

– Hola?

Жимлик.

Ҳойнахой Меган шу ерда бўлса керак, хаёл қилди йигит, негаки қиз навбатдаги рейсгача беш соатдан ошикроқ вақт

борлиги туфайли қўлини тозалаб ювмоқчи эканини айтганди.

– Меган, шу ердамисан? – сўради йигит қайта тақиллатиб; ҳеч қандай жавоб бўлмагач, эшикни очди ва ичкарига қадам ташлади. Ҳожатхонада ҳеч ким кўринмасди. Беккер елка қисиб, раковинага қараб юрди.

Совуқ сувни юзига ургач, йигитнинг кўзидағи оғриқ енгиллашгандек бўлди, кўзини қоплаб олган туман аста-секин кўтарила бошлади. Беккер рўпарасидаги кўзгуга разм солиб, ўзини таний олмади – кўзлари бир неча кундан бери тинимиз ҳифлагандек кизариб, шишиб кетганди.

Юзидаги сувни енги билан артгач, ниҳоят тиникрок фикрлай бошлади. Ахир у ҳозир аэропортда-ку! Учиш майдонининг қайсиdir бурчагида уни уйга олиб кетиш учун Learjet 60 маҳтал турибди! Учувчининг гаплари йигитнинг қулоклари остида жаранглади:

– Сиз қайтмагунингизча шу ерда сизни кутишга буйруқ олганман!

Беккер ҳамма саргузаштлари ниҳоят якунланганига ишонгиси келмасди.

– Бу ерда нима қиляпман ўзи, – кулиб юборди йигит.  
– Стратмор билан боғланиш учун учувчидағи телефондан фойдалансам бўлади-ку!

Калласига келган фикрдан шодланиб кетган Беккер ойнага қараб бўйинбоғини тўғрилади ва эндиғина ташқарига чиқмоқчи бўлиб турганида унитаз жойлашган кабинанинг қия очиқ эшигидан Меганнинг сумкасига кўзи тушиб, тўхтади.

– Меган, шу ердамисан? – сўради йигит. Ҳеч қандай жавоб бўлмагач, кабинага қараб юриб, яна чақирди: – Меган?  
– Кабина ичидан тиқ этган сас чиқмагач, эҳтиёткорлик билан итарганди, эшик ланг очилиб кетди.

Беккер кабина ичидаги манзарани кўриб, кўркувдан бакириб юбораёзди. Унитаз устида Меган кўзларини шифтга тикиб ўтиради. Ўқ тешиб ўтган пешонасидан оқкан қон унинг юзини бежаб, пастга томчиларди.

– Худойим! – қичқирди йигит.

— Está muerta. Қиз ўлган! — деди кимдир орқадан туриб бўғиқ товушда.

Хаммаси тушга ўхшарди. Беккер ортига ўгирилди.

— Señor Becker? — яна сўради бўғиқ овоз.

Беккер эшиқдан кириб келаётган одамни кўрди — унинг ташки кўриниши йигитга жуда таниш туюлди.

— Soy Hulohot. Менинг исмим Ҳалоҳот, — гулдураб гап бошлиди қотил ва қўлини чўзди: — El anillo. Узук кани?

Йигитни олдин ҳеч қачон бошидан кечирмаган ҳиссиётлар чулғаб олди. Беккернинг ҳар бир мускули онг остида уйғониб кетган яшаш инстинктига бўйсуниб, ҳаракатга келди. Тўппончадан ўқ отилганда у ўзини четга олишга улгурди ва Меганнинг устига қулади. Ўқ унинг ортидаги деворга тегиб, пачок бўлди.

— Mierda! — сўкинди қотил. Беккер охирги лаҳзаларда ўқдан омон қолишни уддалганди. Қотил олдинга юрди.

Жонсиз ётган танадан қаддини кўтараркан, йигит ўзи томон яқинлашаётган қадам товушларини эшилди. Қотил пишиллаб нафас олиб қуролини созларди.

— Adiós, — шивирлади кора кўзойнак тақиб олган эркак ва ўпкасига ҳаво тўлдириб, қуролни кабина томон тўғрилади.

Тўппонча тилга кириб, ўқ отилди, кабинадан нимадир кизариб кўринди, лекин у қон эмас, бошқа нарса эди. Меганнинг кабинадан мўлжаллаб улоқтирилган сайёхлик сумкаси кутилмаганда қотилнинг кўкрагига урилиб, қурол эртарок отилиб кетишига сабаб бўлганди.

Шу вақт Беккер кабинадан отилиб чиқди. У елкаси билан эркакнинг кўкрагига қаттиқ зарба бериб, уни раковина тарафга итариб борди. Қаттиқ тўқнашувдан ойна қасирлаб синиб, қотилнинг кўлидаги тўппонча учеб тушди. Иккала эркак ҳам бараварига полга қулади. Беккер амаллаб қаддин ростлаб, чиқиш эшигига караб отилди. Бу орада Ҳалоҳот ерга учеб тушган қуролга эмаклаб бориб, уни созлади ва Беккернинг ортидан ўт очди. Отилган ўқлар Беккернинг та-насида эмас, тараклаб ёпилган эшик бағрида сўнгги манзилини топди.

Кимсасиз терминал бўйлаб чопиб кетаркан, Беккернинг

оёклари хар қачонгидан тезрок ҳаракатланарди. Чикиш эшигига қўли теккан маҳал ортидан яна гумбурлаган овоз эшитилди; ўқ Беккернинг кулоғи остидан ўтиб, олдиндаги ойнаванд эшикни чилпарчин қилиб ташлади. Йигит эшик ўрнида пайдо бўлган тирқишдан бир сакраб ташқаридаги йўлакка чиқиб олди.

У ерда такси бор эди.

— Déjame entrar! — кичкирди Беккер таксининг эшигини очишга уриниб. — Эшикни очинг! — Аммо ҳайдовчи бош чайқади. Қора кўзайнакли мижоз ундан кутиб туришини сўраганди. Беккер жон талвасасида ортига ўгирилиб терминал ичидан қўлида тўппонча ушлаганча оқсокланиб келаётган Ҳалоҳотга кўзи тушди. — Тамом бўлдим! — ўзига ўзи пи chirлади йигит, атрофга ёрдам илинжида алангларкан. Шу топда кўзи йўл четида ётган Vespa 320 мотоциклига тушди.

Аэропорт эшигига стиб келган Ҳалоҳот бор кучи билан мотоциклни ўт олдиришга уринаётган Беккерни кўриб илжайди ва куролини унга тўғрилади.

— Ўт ол! — Беккер бензин баки тагидаги пишангларни созлаб, оёғи билан педални босди. Мотор бир-икки тариллади-ю, шу билан чакаги ўчди.

— Эл анилло. Узук! — овоз яқин масофадан эшитилди. Беккер бошини кўтариб қараганди, ўзига ўқталган тўппончани кўрди ва хуши бошидан учиб педалга ёпишди.

Ҳалоҳот отган ўқ Беккернинг боши устидан визиллаб ўтиб кетаётган маҳали Vespa 320 га жон кириб, тариллаганча олдинга интилди. Ҳаётини нима қилиб бўлса ҳам сақлаб қолиш илинжида Беккер жинидан ҳам бешбаттар ёмон кўрадиган мотоциклни энг охирги тезликда ҳарактлантирди ва тез орада асосий шоссе томонга бурилиб, кўздан ғойиб бўлди.

Ғазаб отига минган Ҳалоҳот уни кутиб турган такси ёнига югурди. Бир неча лаҳзадан сўнг йўл четида думалаб ётган ҳайдовчи орка қувурдан чикаётган тутун булути орасида йўқолган машинасини даҳшат ичидаги кузатиб қолди.

## Саксон иккинчи боб

Командор Стратморнинг сокчиларга қилган кўнғироғи-нинг маъноси Грэг Хейлга энди етиб келди, у ваҳимадан ўзини йўқотиб қўйди. Кўриқчилар келяпти бу ерга! Сью-зан унинг қўлидан чикиб кетиш учун типирчилай бошлади. Аммо Хейл ҳушини йиғиб олиб, қизни белидан маҳкамроқ қисди ва ўзига тортди.

– Қўйиб юбор мени! –чинқирди қиз овози гумбаз остида акс-садо бериб.

Хавфсизлик хизматига қўнғироқ қилишга командорнинг юраги дов бермайди деб хомхаёл қилган Хейл вазият кескин ўзгаришидан ваҳимада эди. Командор сокчиларга қўнғироқ қилди. У Рақамли қалъани курбон қиляпти! Рақамли қалъага кора туйнук ўрнатиш ҳаётда бир марта бериладиган имко-ниятлигини яхши билган Хейл Стратмор икки дунёда ҳам алгоритмдан воз кечишига ишонолмасди.

Ваҳимаси кучайгани сари, Хейлнинг мияси чарчаб, тўп-понча ўқталиб турган Стратмор кўзига залнинг ҳар қайси бурчагидан кўрина бошлади. Сьюзанни ўзига яқинроқ тутиб атрофга алангларкан, йигит ўзини ўқдан ҳимоя қилишга но-чор интиларди. У таҳлика оғушида қизни шефнинг офици зиналари томонга судрай бошлади. Яна беш дақиқадан кей-ин электр ишга тушади, эшиклар очилади ва маҳсус агентлар жамоаси ичкарига бостириб киради.

– Оғрияпти-и-и! – хириллади Сьюзан бўйинини уёк-буёкка буриб нафас олишга интиларкан.

Хейл қизни қўйиб юбориб, ўзи Стратморнинг лифтига кўтарилиш тўғрисида ўйлаб қолди, лекин бу ўз жонига қасд қилиш билан баробар. Барibir унда пароль йўқ лифт учун. Бундан ташқари, қўлида асири бўлмаса, Хейлнинг Лотус ав-томобили ҳам МҲАнинг тезучар вертолётларидан ўзиб ке-тиб, уни узокқа олиб боролмайди. «Стратмор мени йўлдан олиб ташламаслиги учун Сьюзан керак», ўйлади йигит ва пичирлади:

– Сьюзан, мен билан юринг. Ваъда бераман, сизга озор етказмайман!

Бор кучи билан исканжадан қутулиш учун тинмасдан

питирлаётган қизни кўриб, Хейл лифтни очиб, қизни ўзи билан олиб кетган тақдирда ҳам Съозан жим кетмаслигини тушуниб етди. Стратморнинг лифти фақат битта жойда тўхтайди – ер ости шоссесида. Жуда мураккаб лабиринт шаклидаги бу макон фақат МХАнинг юқори мансабдорлари учун мўлжалланган бўлиб, Хейл унинг ичида адашиб қолиши ҳеч гапмасди. Съозанни судраб юриш ишни баттар чигалаштиради. Бир амаллаб лабиринтдан чиқиб олгани билан куролсиз ҳолда қизни машинада жим кетишга кўндириши ҳам аримаҳол эди.

Хейлнинг қулоги остида ҳарбий-денгиз флотидаги майорнинг сўзлари жаранглади:

– Куч ишлатсанг, бу сенга қарши ишлайди. Аммо рақибингни ўз фикрларингга ишонтира олсанг, у сенинг иттифоқчингга айланади.

– Съозан, – тилга кирди Хейл. – Стратмор қотил. Бу ерда қолсангиз ҳаётингиз хавф остида колади.

Қиз унинг гапларига қулоқ солмади. Съозан Стратмор унга ҳеч қаҷон озор бермаслигини яхши биларди.

Хейл зимистон залга аланглаб, командорни қидира бошлиди. Стратморнинг тўсатдан жим бўлиб қолгани йигитни баттар ваҳимага туширди. Агар шошилмаса, хавфсизлик хизмати ходимлари исталган дақиқада кириб қолиши мумкинлигини сезган Хейл қўлларини қизнинг белидан ўтказиб, уни зина томонга судрай бошлади. Съозан оёгини маҳкамерга тираб олиб, қаршилик қилишга уринса-да, жисмонан ундан бир неча баробар кучли бўлған Хейлга қаршилик кўрсата олмасди.

Йигит эҳтиёткорлик билан Съозанни судраб, зинага яқин келди. Аслида қизни судрагандан кўра итариб тепага чиқса иш осонрок кўчарди. Лекин зинанинг юқори кисми Стратморнинг компьютери шуъласи сабаб ним ёруғ бўлиб, қиз биринчи юрса, командор ҳеч қандай қийинчиликсиз Хейлнинг орқасидан зарба бериш эҳтимоли юқори эди. У Съозандан ўзини ҳимоя қилувчи тирик қалқон сифатида фойдаланаётганди.

Зинанинг учдан икки қисми ортда қолғач, юкоридан қандайдыр товуш эшилди. Стратмор нимадир килмоқчи!

– Хаёлингизга ҳам келтирманд, командор! – вишишиллади Хейл тепага қараб. – Қалтис ҳаракатингиз билан Сьюзаннинг умрига зомин бўласиз!

Хеч қандай жавоб бўлмади. Бутун танаси қулоққа айланган Хейл юришдан тўхтаб, тепага жавдираб қаради. Ҳамма жой жим-жит. Наҳотки, унинг қулоқлари адашган бўлса? Нима бўлғандаям, Стратмор ҳеч қачон Сьюзан турган томонга ўқ отишга жазм қилолмайди, деган хаёлда Хейл яна тепага ўрмалашни бошлади. Шу вакт кутилмаганда зинанинг тепа қисмидан қадам овози эшилди. Хейл тўхтади. Унинг томирида адреналин жўш уриб кетди. Стратмор юкорига чиқиб олишга қачон улгурди экан? Ички инстинктлари йигитга командор ҳамон пастда эканлигини айтарди. Шу боис янада яқинроқдан эшилган навбатдаги қадам овози Хейлни бутунлай довдиратиб қўйди. Стратмор ундан аввалроқ тепага чиқиб олган экан. Ҳозир орқадан туриб бемалол отиб ташлаши мумкин. Шу ўйларни қўрқув ичидан хаёлдан кечираркан, йигит Сьюзанни ўзидан олдинга ўтказиб, пастлай бошлади.

Шу алфозда зинанинг пастки қисмига етиб келаркан, бежо кўзлари билан тепага аланглади ва қичқирди:

– Орқага, командор! Орқага юринг. Акс ҳолда унинг бўйинини...

Бошига тиравланган тўппончанинг совук уни Хейл гапини тугатишига имкон бермади.

Нима бўлаётганини англашга улгурмасдан, Сьюзан Хейлнинг қўлидан бўшалиб, ўзини Стратморнинг бағрига отди. Командор кизнинг титроқ танасини қучиб, шивирлади:

– Шшш... Бу менман. Ҳаммаси жойидами?

Сьюзаннинг қалтироғи босилмаганди.

– Ком... мандор... Мен... мен ўйлагандим... сиз юкоридасиз дебман...

– Ўзингни бос... Мен туфлимни ечиб, кетма-кет тепага қаратадим, сизлар эшилган овоз шуники эди. – бамайли хотир пицирлади командор.

Бу гапни эшитган Съюзан кулиб юборишдан ўзини зўрға тийиб қолди. Командор унинг ҳаётини саклаб қолганди. Коронгуда турган Съюзаннинг елкасидан тоғ ағдарилигандек бўлди, бироқ бу бир зумда айбдорлик ҳисси билан ўрин алишди. Соқчилар келаётганди. Қиз аҳмокларча Хейл уни қўлга олиб, командорга қарши фойдаланишига йўл қўйиб берганининг бадалини коплаб бўлмасди.

- Мени кечиринг, жаноб, – алам билан деди Съюзан.
- Нима учун?
- Рақамли қалъя... Режаларингиз барбод бўлди мени деб.

Стратмор бошини чайқади:

- Ундай эмас.
- Аммо... Соқчилар келяпти... Қора туйнукни ўрнатишга улгурмаймиз.
- Ҳеч ким келаётгани йўқ бу ерга, Съюзан. Бизда ҳали бир дунё вақт бор.
- Съюзаннинг боши айланиб кетди.
- Қанақасига ахир? Ўзингиз қўнғироқ қилиб соқчиларни чакирдингиз-ку?
- Эскитдан қолган хийла. Мен қўнғироқни сохталаштиридим, – ёйилиб жилмайди Стратмор.

## Саксон учинчи боб

Беккер ҳайдаб кетаётган Vespa Севилья шосселари кўрган энг кичик транспорт воситаси эди. Энг юқори тезлиги соатига эллик километрни ташкил этадиган бу мотоцикл электр арра каби тириллаб овоз чиқаруб елиб борарди.

Олд ойнакка бехос кўзи тушган Беккер юз метрча орқадан ўқдек учиб келаётган таксини кўриб, тезликка зўр берди. Беш юз метрлар чамаси олдинда самолёт ангарлари тунги осмонга бўй чўзиб турарди. Беккер манзилга етиб бориш қанча вақт олишини хисоблашга уринди, бироқ миясини қоплаб олган таҳлика бунга изн бермасди. Сьюзан ёнида бўлганида буни икки сонияда ечиб берган бўларди ҳаммасини.

У бошини пастлатиб, бор кучини оёғига жамлади ва шиддат билан педални охиригача босганди, мотоцикл бир қалқиб олдинга интилди. Орқадаги такси соатига тахминан тўқсон километр тезлиқда келаётганди, бу Vespa'нинг тезлигидан деярли икки марта кўп эди. Беккер бутун эътиборини олдиндаги учта ангарга қаратди. Ўртадагиси! Ана Learjet 60! Самолётига кўзи тушган йигитнинг юраги ҳаприқиб кетди. Шу пайт гумбурлаган овози эшитилди.

Отилган ўқ асфальт йўлга учқун сачратиб урилди. Беккер ортига қаради. Қотил машина ойнасидан танасининг деярли ярмини чиқаруб, уни нишонга олаётганди. Беккер дархол Vespa'ни четга олди, шу замон ёнбошдаги ойна ўқ зарбидан чил-чил бўлди. Йигит мотоциклга қалишиб пичирлади:

– Худойим, ўзинг ёрдам бер.

Такси янада яқинлашиб, олд чироклардан тушаётган нур Беккернинг йўлини ёрита бошлади. Отилган ўқ бу сафар мотоциклнинг орқа бамперини пачоқ килди.

Беккер яна йўналишни ўзгартирди. Нима қилиб бўлса ҳам ангарга етиб олиши керак. Балки учувчи кўриб қолар. Балки унда курол бордир. Ишқилиб вактида очсинда самолёт эшикларини. Беккер шундай хаёлларда олдинга интиларди. Бироқ ангарга яқинлашганида у ерда Learjet'нинг қорасини ҳам кўрмади. Беккер туш кўраётгандек кўзларини

очиб-юмди. Кўраётгани ўнгиди эди: ангар бўм-бўш эди. Ё парвардигор! Самолёт каерда?

Иккала транспорт ҳам бўм-бўш ангар томон учиб келаркан, Беккер жонҳолатда қочиш йўлини қидирарди. Бинонини қалин металлдан қилинган деворларида на бир эшик ва на бир дераза кўринарди. Такси жудаям яқин келди, чап тарафга қараган йигитнинг кўзи тўппончани ўқлаётган Ҳалоҳотга тушди.

Беккер ички инстинктларига ишониб, тормозни босди, лекин ёғ билан қопланган ангар йўлида мотоцикл бирданига тўхтай олмасдан, сирғана-сирғана олға ҳаракатланишда давом этди.

Унинг ёнидан ўтаётган такси тормоз босилганини билдириб, қулоқни қоматга келтирувчи овоз берди. Такси Беккердан бир неча метр нарида сирпанчик асфальт узра тутун булутини кўтариб, тўхташга бефойда уринарди.

Бошқарувни йўқотган мотоцикл ва такси деярли ёнма-ён ангарга қараб елиб бораарди. Беккер тормозни ишлатишга ҳар қанча уринмасин, фойда бермасди, Vespa муз устида учиб кетаётгандек секинлашишни хаёлига ҳам келтирмасдан, олдиндаги металл девор томон катта тезликда яқинлашиб бораётганди. Ёнида хириллаб айланаётган такси ғилдиракларига ғамгин назар ташлаган Девид деворга қарди ва уни кутаётган тўқнашувга тайёргарлик кўрди.

Бир неча лаҳзадан сўнг металл ва пўлатнинг қулоқни кар қилувчи даранглаган овози эшитилди. Лекин Беккер ҳеч қандай оғриқни ҳис қилмади. У очик ерда Vespa'ни диқирлатиб ҳайдаб бораарди. Ангарнинг металл девори эса аллақаерга ғойиб бўлгандек эди гўё. Такси ҳам газон устида уёқдан буёққа бурилганча Беккерни кувиб кетаётганди. Ангарнинг орка деворидан узилиб тушган улкан металл парчаси такси-нинг томини синдириб, Беккернинг боши устидан учиб ўтди.

Юраги товонига тушиб кетган Девид Vespa'нинг газини босди ва қоронгулик ичидагойиб бўлди.

## Саксон тўртингчи боб

Нихоят кавшарлаш ишларини охирига етказган Жабба сингил нафас олди, кавшарлагични ўчириб, фонарни стол устига қўйгач, бир неча дақиқа ором олиш мақсадида катта компьютер олдига чўзилди. У чарчаган эди, бунинг устига, слкаси ҳам ачишаётганди. Жабба ҳажмидаги одамлар учун ички созлов ишлари ҳамиша мураккаблик туғдиради.

– Борган сари кичиклашириб куришяпти схемаларни, – тўнғиллади Жабба бурнининг тагига.

У кўзларини ором олиш учун эндиғина юмган ҳам эди-ки, кимдир поябзалидан торта бошлади.

– Жабба, туринг ўрнингиздан! – аёл кишининг овози эшитилди.

Миж мени топиб олди, кўзларини очмасдан ўйлади Жабба.

– Жабба! Туринг дедим сизга!

Эркак ғазаб билан қичқирганича ўрнидан кўзғалди:

– Худо ҳаққи, Миж, неча марта айтишим керак... – рўпарасида турган аёл Миж эмаслигини кўриб, хайрон колди. – Соши?

Кирк килограммдан ортиқ тош босмайдиган Соши Кутатирик кабелга ўхшарди. У Масачустес технология институтини муваффакиятли тамомлаб, МХАда Жаббанинг ўнг кўли сифатида иш юритарди. Кўпинча Жабба билан бирга кечгача қолиб ишлайдиган Соши хўжайинидан қўрқмайдиган камдан-кам ходимлардан бири эди. Соши қовоғини уйиб, Жаббадан сўради:

– Нега телефонга жавоб бермайсиз?

– Сен қўнғирок қилганмидинг? – хижолат бўлди Жабба.

– Мен ўйловдимки...

– Майли, ўтиб кетди. Хуллас, асосий маълумотлар базасида муаммо чиққанга ўхшайди.

Жабба соатини текширди.

– Муаммо? Аниқроқ гапироласанми?

Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас Жабба асосий маълумотлар базаси томон ҳаллослаб чопиб борарди.

## Саксон бешинчи боб

Грег Хейл Nod 3 полида түрт букилиб ётарди. Стратмор ва Сьюзан ҳозиргина уни Криптодан бүекка судраб келиб, қўл-оёғини ўн икки метрлик принтер кабели билан чандиб боғлаб ташлаганди.

Сьюзан бироз олдин командор амалга оширган хийладан ўзига келолмаётганди. У қўнғироқни сохталаштириди! Бунинг натижасида Хейлни қўлга олди, Сьюзаннинг ҳаётини асраб қолиб, Ракамли қальани қайта ёзишларига етарли-ча вақт тежашга муваффак бўлди.

Қиз боғловда ётган криптографга хавотир аралаш кўз ташлаб кўйди. Хейл оғир-оғир нафас олаётганди. Стратмор Берреттасини тиззасига қўйиб, диванда тутқунни кузатиб ўтиради. Сьюзан эътиборини Хейлнинг компьютерига қа-ратди ва кидиувни давом эттириди.

Тўртинчи уринишда ҳам маҳсус дастур ҳеч вақо топа олмади.

– Омадимиз келмаяпти, – хўрсинди қиз. – Девидни кут-ганимиз маъкулдир балки.

Стратмор норози бўлиб қаради:

– Девид узукни топа олмаса ва калит сўз рақибларимиз-нинг қўлига тушса...

У гапини тугатишига ҳожат қолмади. Қиз ҳаммасини ту-шунди. Интернетдаги Ракамли қалья файли Стратмор ёзган нусха билан алмаштирилмагунча Танкадонинг калит сўзи хавф туғдиради.

– Қора туйнукни ўрнатганимиздан кейин, – қўшиб қўй-ди командор, – калит сўз қаерда, кимларнинг қўлида экани билан умуман ишим бўлмайди. Унгача бекор ўтиrolмайман.

Сьюзан эндиғина гапиришга оғиз жуфтлаган эди, қулоқ-ни қоматга келтирувчи овоз эшитилди. Криптодаги жим-жит-ликни пастки қаватдан келган огохлантирувчи сигнал бузди. Стратмор ва Сьюзан бир-бирига хавотир билан тикилди.

– Нима ўзи бу, командор? – қичқирди қиз чинқираётган сигнал остида.

– Трансхабар! – хитоб килди Стратмор. – У кизиб кет-

ган. Хейл ҳак кўринади, захира энергия таъминоти етарлича фреон ишлаб чиқармаяпти.

– Трансхабар ўзини ўзи ўчириши керак-ку бу ҳолда?

Стратмор бир сония ўйга толди:

– Нимадандир узилиш бўлган кўринади.

Шу вакт Крипто шифтидаги сирена сариқ рангда ўчиб ёна бошлади.

– Тўхтатинг Трансхабарни! – кичқириди Сьюзан.

Стратмор бош чайқади. Уч миллион кремнийли процесор қизиб кетиб, портлайдиган бўлса нима содир бўлишини хеч ким билмасди. Стратмор офисига чиқиб, Ракамли кальяни очиш йўлида ҳанузгача тинмай ишлаётган Трансхабарни ўчириши зарур эди, акс ҳолда ташқаридагилардан бирор муваммони пайқаб, бу ерга кавалерия жўнатиши ҳеч гапмасди.

Стратмор хушсиз ётган Хейлга кўз қирини ташлади, сўнг қўлидаги қуролни Сьюзан яқинидаги столга қўйиб, кичқириди:

– Ҳозир қайтаман! – У Nod 3 эшигидаги тирқишдан ташқарига чиқаркан, елкаси оша буйруқ берди: – Сен эса келгунимча калит сўзни топ!

Қидирув натижаларига қааркан, Сьюзан ишқилиб командор тезроқ Трансхабарни ўчирсин деб умид қилди. Криптодаги шовқин ва чироқлар ёғдуси снарядлар портлашибига ўхшарди.

Полда ётган Хейл ўзига кела бошлади. Огохлантирувчи сигнал чинқириги уни уйғотиб юборганди. Сьюзан кутилмаганда столдаги қуролга ёпишди. Хейл кўзларини очиб, тепасида тўппонча ўқталиб турган Сьюзан Флетчерга кўзи тушди.

– Калит сўз қаерда? – сўроқни бошлади қиз.

Хейл фикрларини жамлай олмаётганди:

– Н-нималар бўляпти?

– Сен ҳамма жойни расво қилдинг. Мана нима бўляпти!

Хўш, энди гапир, қаерда калит сўз?

Хейл қўлларини кўтаришга уринди, шунда боғлаб ташланганини сезиб, юзи оқариб кетди ва ваҳима ичидаги бакира кетди:

– Мени қўйиб юборинг!  
– Менга калит сўз керак!  
– Менда ҳеч қандай калит йўқ! Кўйиб юборинг мени!  
– зорланди Хейл ва ўрнидан туришга харакат қилди. Бироқ жойидан силжий олмади.

Съозаннинг чинқириғини сигнал овози босиб кетди:

– Ёлғон гапирма! Шимолий Дакотанинг электрон мактублари нима қилаётганди сенинг почтангда?

– Айтдим-ку, мен командорнинг компьютерини бузиб кирдим. Почтамдаги хабарларнинг барчаси Стратморнинг почтасидан кўчирилган.

– Ифлос! Сен ҳеч қачон командорнинг компьютерини бузиб киролмайсан!

– Тушунмаяпсиз! – бақирди Хейл. – Стратморнинг компьютерида аллақачон эшитиш ускунаси ўрнатилган экан. – Унинг гаплари шовқин ичидা зўрға эшитиларди. – Кимдир мендан олдинроқ бузиб бўлганди компьютерни. Ўлашимча, бу директор Фонтеин. Мен шунчаки тайёридан фойдаландим. Ишонинг менга! Шу йўл билан командорнинг Рақамли қалъани қайта ёзиш ҳақидаги режаларидан хабар топдим! Стратморнинг «Заковат хужум»ларини ўқиётгандим анчадан бери!

«Заковат хужумлари»? Съозан жим бўлиб қолди. Стратмор Рақамли қалъа ҳақидаги режаларини «Заковат хужумлари»дан фойдаланиб ишлаб чиқиши амримахол эди. Чунки кимдир унинг компьютерини бузиб кирадиган бўлса, ундаги барча маълумот тарқалиб кетарди.

– Рақамли қалъани қайта ёзиш ғирт телбалик! – бақирди Хейл. – Бу МҲАНИНГ Ер юзидағи барча маълумотларга улана олишига имкон беради! – Сиреналар зўрайиб, йигитнинг овозини босиб кетди. Хейл янада қаттикроқ қичқириб, тушунтиришга уринарди: – Биз бундай жавобгарликка тайёрмиз деб ўйлайсизми? Кимдир бўйнига оладими ўзи жавобгарликни? Жин ургур хукумат ростдан одамларнинг фойдасини кўзлаб шундай киладими? Гап бўлиши мумкин эмас! Лекин келажакдаги хукуматни бизнинг фойдамиз қизиктир-

май қолса-чи? Унда нима бўлади? Нима мақсадда фойдаланади улар бу технологиядан?

Сьюзан унинг гапларини базур эшитарди; Криптодаги шовқин тобора кучайиб бораётганди.

Хейл озод бўлишга чирар, айни пайтда кизга караб қичқиради:

– Қандай қилиб оддий фуқаролар давлат сиёсатига карши курашади, юқоридаги одамда барча алоқа каналлари қалти бўлса? Қандай қилиб одамлар бебош ҳукуматга карши бош кўтариш режасини туз олади?

Сьюзан бу аргументни кўп марта эшитганди. Келгуси ҳукуматнинг талабга жавоб бермайдиган чиқиб қолиши мумкинлигини Электрон чегараланиш жамияти дастак қилиб олганди.

– Стратморни тўхтатиш керак! – такрорлади Хейл. – Қасам ичаман, мен буни қиласман! Мен куни бўйи бу ерда унинг компьютерини кузатиб, командор ишга киришган маҳали кора туйнукни ёзиб олишни кутдим. Менга фақатгина исбот керак эди – у ростдан ҳам кора туйнук устида ишлаганининг исботи! Шу сабабдан унинг электрон почтасини ўз компьютеримга кўчириб олдим. Бу мактублар командор Рақамли қалъани кузатиб бораётганини исботлайди. Бу маълумот билан матбуотга боришни режалаштиргандим.

Сьюзаннинг юраги дукиллаб уриб кетди. У тўғри эшитдими? Ҳа, бу ҳақиқий Грег Хейл эди. Стратмор Рақамли қалъанинг ўзгартирилган версиясини интернетга чиқармокчилигини билганида, Хейл бутун дунё алгоритмдан фойдаланишни бошлагандан сўнггина қўлидаги бомбани ўртага ташларди – тўлик исботи билан!

Сьюзан бу хақда ёзиладиган мақолаларнинг сарлавхаси қандай бўлишини тасаввур қилди. Криптограф Грег Хейл АҚШнинг глобал маълумотларни бошқариш устидаги режаларини фош этди! Читтак операцияси камлик қилган кўринади. МХАнинг кора туйнугини фош қилиш Хейлга тушида ҳам кўрмаган мислсиз машҳурлик олиб келишдан ташқари, МХАни ер билан яксон қиласарди ҳам. Балки Хейл рост гапираётгандир! Кутилмаган фикр қизнинг миясида айланади.

бошлади. Йўқ, қарор қилди у бироз ўйлаб. Албатта йўқ. Грег яна лофт урятти!

Хейл фикрини исботлашга уринишда давом этди:

– Изкуварингизни ҳақиқатанам мен тўхтатдим. Сиз Стратморнинг компьютери бузиб кирилганидан хабар топиб, орқамдан тушгансиз деб ўйладим.

Тўғри ўйланган, лекин бундай бўлиши мумкин эмас, деб хаёлидан ўтказди киз, сўнг сўради:

– Ундаи бўлса нега Чатрукянни ўлдирдинг?

– Мен ундаи қилмадим! – шовқин ичра қичкирди Хейл.

– Стратмор итариб юборди уни. Мен ҳаммасини зинадан туриб кўрдим. Чатрукян техникларни чакириб, Стратморнинг режаларини чиппакка чиқармоқчи эди!

Ёмон эмас, Хейл барча гапга баҳона тополади!

– Мени қўйиб юборинг! – ялинди Хейл. – Мен ҳеч нарса қилмадим!

– Ҳеч нарса қилмадим? – кулди киз ва шу дам Стратмор кечикаётгани хаёлидан ўтди. – Сен ва Танкадо МХА-ни асир сифатида ушлаб турдинглар. Ҳархолда Танкадога хиёнат қилмагунингча! Ростини айт, – босим ўтказди Сьюзан унга, – Танкадо ростданам юрак хуружидан ўлдими ёки ҳамтовоқларингдан бирортасига уни тинчтишни буюрганинг?

– Шунчалик ҳам кўр бўладими одам! – бақирди йигит. – Бу ишга алоқам йўқлигини кўрмаянсизми? Соқчилар бу ерга келмасдан туриб ечинг мени!

– Ҳеч ким келаётгани йўқ! – қўрс овозда жавоб берди киз.

Хейлнинг ранги бўзарди:

– Нима?

– Стратмор кўнғироқни соҳталаштирганди!

Хейлнинг кўзлари олайиб кетди. У даҳшат ичида оғзидан тупук сачратиб қичқира кетди:

– Стратмор мени ўлдиради! Аниқ биламан, у мени йўқ килади! Мен жуда кўп нарса биламан у ҳақда!

– Ўзингни бос, Грег!

Сиреналар овози баттар кўтарилади. Хейл жон алфозда кичкирди:

– Мен бегуноҳман, Сьюзан. Менинг айбим йўқ...

– Ёлғон гапиряпсан! Ва менда бунга исбот бор! – Сьюзан ўгирилиб компьютери томонга юрди. – Сен тўхтатган Изкувар эсингдами? Мен уни қайта жўнатгандим. Ортга қайтган бўлса керак, текширамизми?

Қизнинг экранида липиллаб турган хабар Изкуварнинг қайтганини кўрсатарди. Сичқончани юргизиб хабарни очаркан, Сьюзан ўйлаб қолди: бу маълумот Хейлнинг тақдирини ҳал қиласди. У Шимолий Дакота! Маълумотлар қутиси очилди. Изкувар олиб келган маълумотга караган Сьюзан тошдек қотиб қолди. Қандайдир хатолик ўтган бўлиши керак. Изкувар умуман бошқа, ақлга сиғдириб бўлмас одамнинг манзилини кўрсатарди.

Сьюзан экранга якинроқ келиб, маълумотни қайта ўқиди. Бу Стратмор Изкуварни ишга солганда келиб чиккан хабар эди. Киз «Изкувар»ни юборишда командор хато қилган деб тахмин қилганди, бироқ ўзи уни тўғри созлаганига шубҳаси йўқ эди.

Шунга қарамасдан, экрандаги хабар умуман ақлга сиғмасди.

*ShDakota = ET.@doshisha.edu*

ЕТ? Сьюзаннинг боши айланиб кетди. Энзай Танкадонинг ўзи Шимолий Дакотами?

Бунга ишониб бўлмасди. Маълумот тўғри бўлса, Танкадо ва унинг шериги битта одам бўлиб чиқади. Сьюзанинг фикрлари ҳар томон тўзғиб кетди. У чинқираётган сигналлар тезроқ тугашини кутди. Нега Стратмор бу лаънати сиренани ўчирмаяпти?

Хейл полда ётганча Сьюзан томон бурилди.

– Нима экан? Айтсангиз-чи!

Сьюзаннинг қулоғига Хейлнинг қичкириғи ҳам, атрофдаги тўполон ҳам кирмай қолди. Энзай Танкадо билан Шимолий Дакота битта одам...

Киз воқеаларни қайта тиклашга уринди. Танкадо Шимо-

лий Дакота бўлса, демак у ўзига ўзи электрон мактуб жўна-таётган бўлади. Бу эса аслида ҳеч қандай Шимолий Дакота мавжуд бўлмаганини билдиради. Танкадонинг шериги бўлмаган.

– Шимолий Дакота арвоҳ, – пичирлади қиз, – туман ва кўзгулар ортига яширинган...

Кўйилган тузоқ жуда ажойиб эди. Афтидан, Стратмор теннис ўйиннинг фақат бир томонини кузатган. Копток қайтиб келаётгани сабаб у иккинчи тарафда ҳам кимдир борлигига шубҳа қилмаган. Аммо Танкадо девор билан ўйнаётган бўлган. У Рақамли қалъя ҳақида ёзган мактубларини маҳфиликни сакловчи компанияларга жўнатган ва орадан бир неча соат ўтгач, ўзи қайтиб қабул қилиб олган.

Нихоят, пардалар кўтарилиб, Сьюзан барчасига тушунгандек бўлди. Танкадонинг ўзи Стратмор унинг хабарларини ўқишини истаган. Энзай Танкадо калит сўзни ҳеч кимга ишонмай, ғойибона сугурта яратган. Ҳаммаси табиий кўриниши учун маҳфий почтадан фойдаланган... Танкадо ўзига ўзи ҳамкор эди. Шимолий Дакота мавжуд эмас. Энзай Танкадонинг ўзи бу бетакрор сахна асарининг режиссёри.

Режиссёр!

Даҳшатли фиклар қизни чулғаб олди. Танкадо сохта профилидан фойдаланиб, Стратморни исталган нарсасига ишонтира оларди.

У биринчи марта Стратмор ечиб бўлмас алгоритм ҳақида айтгандаги реакциясини эслади. Қиз бундай алгоритм бўлиши мумкин эмас деб қасам ичишга тайёр эди. Аслида уларда қандай исбот бор эди Танкадо Рақамли қалъани яратганига? Факат Танкадо ёзган мактублар. Ва албатта... Трансхабар... Компьютер интернетдан юклаб олинган файл устида йигирма соатдан бери ишлаётганди. Бироқ қиз Трансхабарни бунчалик банд қилиб қўядиган бошқа дастурлар борлигини яхши биларди.

Вируслар!

Унинг бадани жимиirlаб кетди.

Лекин қандай қилиб вирус Трансхабарга кириши мумкин?

Гўридан туриб гапиргандек, Фил Чатрукян жавоб қайтарди: Стратмор Gauntlet'ни четлаб ўтиб файл киритибди!

Қанчалик аччик бўлмасин, Сьюзан ҳақиқатни қабул қилишга мажбур эди. Стратмор интернетдан Танкадонинг файлини юклаб олган ва уни Трансхабарга киритишга уринган. Бироқ Gauntlet файл ўзида хавфли занжир мутацияси ни сақлагани учун уни қабул қилишдан бош тортган. Бошка пайт бўлганда командор буни ҳисобга олган бўларди, аммо бу сафар унда Танкадонинг мактуби бор эди – занжир мутациялари чалғитиш учун бир восита! Рақамли қалъя хавфсиз эканига ишонган Стратмор иккиланмасдан Gauntlet'ни четлаб ўтиб, файлни Трансхабарга киритган.

– Аслида ҳеч қандай Рақамли қалъя йўқ, бўлмаган ҳам!  
– кўз олдидা намоён бўлган ҳақиқатдан Сьюзаннинг тили қалимага келмай қолди, оёғидан мадор қочиб, компьютерига беҳол суюнди. – Танкадо қармок ташлаган... МХА эса унга лаққа балиқдек илинган...

Шу вақт юкоридан аянчли овоз эши билди. Бу Стратмор эди.

## **Саксон олтинчи боб**

Сьюзан ҳаллослаб етиб келганида Тревор Стратмор столига мук тушиб ўтиарди. Монитордан тушган ёруғликда унинг столга қўйилган бошида саноқсиз тер томчилари ялтиарди. Шу маҳал пастки қаватдан даҳшатли гумбурлаш эшитилди.

– Командор, сизга нима бўлди? – қиз унинг ёнига югурди.

Стратмор жойдан қимирламади.

– Командор! Биз Трансхабарни ўчиришимиз керак! Биз...

– У бошимизга етди, – тилга кирди командор столдан бошини кўтармай. – Танкадо ҳаммамизни аҳмоқ қилди...

Овозидан у ҳаммасини тушунгани кўриниб турарди. Рақамли қалъя ҳакида Танкадо кўтарган шов-шув... Калит сўзни кимошди савдосига қўйиш... Буларнинг бари бир томоша эди. Танкадо буни мохирлик билан ижро этди: МХА унинг почтасини текширишига, шериги борлигига ишонтириб, жуда хавфли вирусни юклаб олишига эришди.

– Занжир мутацияси... – ингради Стратмор.

– Биламан!

Командор оҳиста бошини кўтарди.

– Мен интернетдан юклаб олган файл... У аслида...

Сьюзан ўзини босишга уринди. Ўйиннинг барча қисмлари юзага чиққанди. Ҳеч қачон ҳеч қандай ечиб бўлмас алгоритм бўлмаган – ҳеч қандай Рақамли қалъя яратилмаган. Танкадо интернетга чиқарган файл оммавий алгоритм ёрдамида химояланиб ёзилган шифрланган вирус эди. У МХАдан бошқа ҳеч кимга заарар келтирмаган – чунки Трансхабаргина ҳимоя қобигини тешиб ўтиб, вирусни ташқарига чиқара олган.

– Занжир мутацияси... Танкадо у шунчаки алгоритмнинг бир қисми деб айтганди... – командор столига чалқанча ётвозди.

Ундаги оғрикни Сьюзан яхши тушунарди. Командор бутунлай мактубларга ишониб қолганди. Аслида Танкадо ҳеч қайси компьютер компаниясига бу алгоритмни сотишни

режалаштирган, чунки алгоритмнинг ўзи бўлмаган. Буларнинг барчаси ўта пухта ўйланган томоша, Рақамли қалъа МХАни яксон қилиш учун ўйлаб топилган тузоқ эди. Стратморнинг ҳар бир юришини парда ортидан Танкадо бошкариб турган.

– Мен Gauntlet'ни четлаб ўтдим, – ингради Стратмор.

– Сиз билмагансиз ахир буни.

Стратмор муштини столга урди.

– Мен билишим керак эди! Унинг исми... Шимолий Дакота... Инглизча қисқартмаси NDAKOTA . Қара бунга!

– Нима демоқчисиз?

– У устимиздан куляпти!

Сьюзан бир лаҳза ўйланиб қолди. НДакота – анаграммами? Қиз ҳарфларни кўз олдига келтириб, уларнинг ўрнини алмаштира бошлади: Ndakota... Катодан... Октадан... Тандока... Унинг тиззаси қалтираб кетди. Стратмор ҳақ. Ҳаммаси кундек равshan эди. Қандай қилиб бунга эътибор қилишмади экан? Шимолий Дакота Америкадаги штатлардан бирига алоқадор эмас экан. Бу Танкадонинг яра устига сепган сўнгги тузи бўлди. Танкадо ўзи Ndakota экани тўғрисида МХАни огоҳлантирган. Ҳарфлар ўрни алмаштирилса, Танкадо келиб чиқади. Дунёдаги энг зўр код ечувчилар буни кўздан қочирди, худди у режалаштирганидек.

– Танкадо устимиздан кулган, – пицирлади Стратмор.

– Ҳозироқ, Трансхабарни ўчиришингиз керак, – деди Сьюзан қатъий овозда.

Стратмор деворга қаради.

– Командор! Ўчиринг уни! Пастки қаватда нималар бўлаётганини Худо билади!

– Мен уриниб кўрдим, – шивирлади командор bemажол.

– Нима демоқчисиз бу билан?

Стратмор компььютерни қиз томонга айлантирди. Унинг экранни ғалати қизғиши рангга кирганди. Экран пастидаги мулоқот ойнаси Трансхабарни ўчиришга бўлган сон-саноқсиз уринишларни акс эттиради. Уларнинг барчасига бир хил жавоб кайтарилганди:

- Кечирасиз. Тўхтатиш мумкин эмас.
- Кечирасиз. Тўхтатиш мумкин эмас.
- Кечирасиз. Тўхтатиш мумкин эмас.

Сьюзандан совук тер чиқиб кетди. Тўхтатиш мумкин эмас? Нега? Бу саволга ягона жавоб бўлиши мумкин эди – Танкадонинг қасоси! Трансхабарни вайрон килиш! Йиллар давомида у бутун жаҳон Трансхабар ҳақида билишини истади, ҳеч ким унга ишонмагач, ахийри компьютерни бир ўзи йўқ қилиш қарорига келди. У ўзи тўғри деб билган нарса – шахсий дахлсизлик хукуки учун ҳаётини курбон қилди.

Пастки қаватларда сиреналарнинг товуши тобора баландлаб борарди.

– Барча энергияни ўчиришимиз керак! – талаб қилди Сьюзан. – Ҳозирок!

Қиз улар шошилса, Трансхабарни саклаб қолишлари мумкинлигини тушунди. Дунёдаги ҳар қандай компьютерда содир бўлган ўта муаммоли ҳолат вақтида ҳам бир усулни қўллаш орқали вазиятни тўғриласа бўлади. Оддий, аммо доим иш берган бу усул симни розетқадан узиш эди.

Криптомагистраларни ўчириш орқали Трансхабарни ўчиришга эришилади. Вирус масаласини кейинроқ, қаттиқ дискни форматлаб юбориш билан ҳал қилиш мумкин. Форматлаш натижасида компьютернинг хотирасидаги маълумотлар, дастурларга қўшилиб вирус ҳам ўчиб кетади. Кўпинча форматланган компьютердаги ҳамма нарса – кўйиллар давомида тўпланган маълумотлар йўқ бўлиб кетади. Лекин Трансхабар бундан ҳеч қандай зарар кўрмайди, чунки бу ақлли машинанинг вазифаси фақат ўйлаш, ёдда саклаб қолиш эмас. Трансхабарнинг ичидаги айтарли ҳеч қандай қимматли маълумот сақланиб қолмасди. Код ечилиши биланок компьютер натижаларни МХАнинг асосий маълумотлар базасига жўнатиб...

Сьюзан хаёлига келган фикрдан даҳшатга тушиб, кичқириб юборди:

– Маълумотлар базаси...

Аллақачон нималар бўлаётганини тушунган Стратмор қоронғулик ичидаги шивирлади:

– Ҳа, Сьюзан... Маълумотлар базаси...

Қиз Танкадонинг асл мақсадини англағанди; вирус юборишдан мақсад асосий маълумотлар базасини йўқ қилиш ўкан!

Стратмор ҳали ҳам бемажол аҳволда мониторга имоқилди, Сьюзан нигохини компьютерга қаратди. Мулокот ойнасининг энг пастида қуидаги жумлалар ёзилганди:

*Бутун дунёга Трансхабар ҳақида айтинг!*

*Ҳақиқатгина сизни сақлаб қолади ҳозир!*

Қизнинг танаси жимирлаб кетди. Ҳарбий алоқа протоклари, АҚШ ичидаги ташқарисида хизмат қилаётган жосуслар түғрисидаги ҳужжатлар, қуролсозлик лойиҳалари, савдо-сотиқ шартномалари каби охири йўқ рўйхатдан иборат энг маҳфий маълумотларнинг барчаси МХА ахборот омборида жамланганди.

– Танкадо бунга журъат этолмайди! – хитоб қилди қиз.  
– Мамлакатнинг энг хуфия маълумотларини йўқ қилиб юбориши? Бўлиши мумкин эмас! – Энзай Танкадо ҳатто МХА маълумотлар базасига ҳужум қилишига ҳам Сьюзан ишонласди.

*Ҳақиқатгина сизни сақлаб қолади ҳозир!*

– Ҳақиқат? – сўради қиз. – Қанақа ҳақиқат?

– Трансхабар ҳақидаги ҳақиқат! – оғир нафас олди Стратмор.

Бу мутлақо мантиққа мос келарди. Танкадо МХАни жаҳонга Трансхабар борлигини ошкор этишга мажбурлаб, шантаж қилаётганди. Ҳозир ташкилот олдида иккита танлов бор эди – ё ўзида исталган одамнинг электрон мактубини ўкишга ярокли ақлли компьютер борлигини дунё оммаси олдиди тан олиш, ёки маълумотлар омборидан маҳрум бўлиш.

*Калит сўзни киритинг!*

Кетма-кет чиқиб келаётган сўзларга тикиларкан, Сьюзан ҳаммасига тушунди. Вирус, калит сўз, Танкадонинг узуги ҳамда шантаж режаси. Калит сўзниң вазифаси алгоритмни

очиш эмас; у аслида захарга қарши дори бўлган. Калит сўз вирусни тўхтатишга хизмат килади. Махфий калит сўз ёрдамида ўчирилиши мумкин бўлган вируслар хақида Съузин жуда кўп ўқиганди. Танкадо ҳеч қачон МХАнинг маълумотлар базасини вайрон қилишни истамаган. У шунчаки ташкилот омма олдига чиқиб, Трансхабар мавжудлигини тан олишини истаган. Шундан кейин калит сўзни тутқазиб, вирусни тўхтатишни режалаштирган.

Бироқ Танкадонинг режаси бутунлай нотўғри тарафига бурилиб кетди. У кутилмаганды ўлим топишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Мажруҳ даҳо испан барида ўтириб, Америки разведка бошқармасининг ўта маҳфий код ечувчи машинаси тўғрисида хисобот берадётган матбуот конференциясини тинглагач, Стратморга кўнғирок қилишни, калит сўзни айтиб, маълумотлар омборини энг сўнгти дақиқаларда саклаб қолишини режа қилганди. Мириқиб қаҳ-қаҳ отиб кулгандан сўнг эса ЭХХнинг абадий қаҳрамони сифатида оломон орасига сингиб кетмоқчи эди.

Съузан партани муштлади:

– Бизга узук керак! Бу ягона қутқарув чораси!

Шимолий Дакота йўклиги калит сўзнинг ҳам мавжуд эмаслиги дегани эди. МХА Трансхабарни ошкор қилган тақдирда ҳам, энди Танкадо гўридан тирилиб келиб, маълумотлар омбори йўқ бўлиб кетишининг олдини ололмасди.

Стратмор миқ этмади.

Вазият қиз тасаввур қилганидан кўра жиддийрок эди. Танкадо ўзи билмаган ҳолда МХАни боши берк кўчага олиб кириб қўйганди. Танкадо МХА калит сўзни тополмаса нима бўлишини яхши билган, шунга қарамай, уни кўздан узокроқда саклаш учун ўлимидан олдин узукни бутунлай нотаниш одамга бериб юборган. Нима мақсадда бундай қилди: балки МХАни ўлимида сабабчи деб билиб, узук уларга этиб боришини истамагандир?

Қиз бунга унча ишонмасди. Ўта тинчликпарвар Танкадо бузғунчилик содир этишини истамаган бўларди; у фактгина Трансхабарни фош этиб, бутун дунёга МХА уларни доимий кузатиб боришини билдиromoқчи, шу орқали одамларнинг

сир саклаш ҳуқуқини ҳимоя қилмоқчи эди. Танкадо МХА маълумотлар омборини вайрон қилишдек агрессив харакатга кўл уриши мумкинлигига Сьюзаннинг ишонгиси келмасди.

Чинқираётган сиреналар товуши қизнинг хаёлларини тўзгитиб, реалликка қайтарди. Сьюзан бемажол ўтирган командорга қараб, унинг хаёлидан нималар ўтаётганини сезгандек бўлди. Стратморнинг нафақат Рақамли қальага қора туйнук ўрнатиш билан боғлик режалари барбод бўлганди; у йўл қўйган эҳтиёғсизлик оқибатида АҚШ миллий хавфсизлиги мислсиз талофат ёқасига келиб қолганди.

– Командор, бу сизнинг айбингиз эмас! – катъият билан гапирди киз. – Танкадо тирик бўлганида, бизда маълумотлар базасини саклаб қолиш имконияти бўларди.

Лекин командорнинг қулоғига ҳеч гап кирмасди. Унинг хаёти тамом бўлганди. У умрининг ўттиз йилдан қўпроғини мамлакатга хизмат қилишга сарфлади, бутунжаҳон кодлаш стандартига асос бўладиган алгоритмга ўрнатилган қора туйнук эса командорнинг номини абадийликка муҳрлайдиган ғалаба онлари бўлиши керак эди. Аммо кутилган ғалаба ўрнига аччик мағлубият бўй чўзиб чиқди; бефаҳмлик қилиб, Миллий хавфсизлик хизмати асосий маълумотлар базасига вирус туширди. Энди ҳалокатни тўхтатиб қолишнинг иложи йўқ – электр таъминотини бутунлай ўчириб, миллиардлаб битлик бебаҳо маълумотларни тозалашни ҳисобга олмаганда албатта. Ҳозир уларни ҳалокатли вазиятдан факат узук чиқариди олиши мумкин, лекин Беккер узукни топмаган бўлса...

– Биз Трансхабарни тўхтатишими зарур! – киз назоратни қўлга олди. – Мен ҳозир пастки қаватга тушиб, пишангни ўчираман.

Стратмор кизга оҳиста ўгирилди ва синиқ овозда:

– Мен бораман, – деди. У ўрнидан турмокчи бўлганди, гандираклаб кетиб, курсига суюниб қолди.

Сьюзан унинг ёнига келиб, жойига ўтиришига кўмаклашди.

– Йўқ. Ўзим киламан буни! – қизнинг овозидаги катъий оҳанг ортиқча эътиrozга ўрин қолдирмади.

Стратмор кўллари билан бошини чангллади.

– Яхши. Энг пастки қаватга туш. Пишант фреон насослари ёнида жойлашган.

Сьюзан эшикка қараб юрди. Ярим йўлга етгач, ортига ўгирилиб, қичкирди:

– Командор! Ҳали ҳеч нарса тугамади. Биз ҳали мағлуб бўлмадик. Девид узукни топса, маълумотлар базасини сақлаб қолишимиз мумкин. – Унинг овозини огоҳлантирувчи сигналлар босиб кетди.

Стратмор миқ этмади.

– Маълумотлар базасига боғланинг, – буйруқ берди қиз.

– Вирус ҳакида уларни огоҳлантиринг. Сиз МХАнинг бош директори ўринбосарисиз. Сиз ҳамиша ғолиб бўлгансиз!

Командор бошини кўтарди. Ҳаёт-мамот масаласида қарор қабул қилаётгандек, зўрға бош иргади.

Бутун танасига аллақаердан шиддат ёғилиб келган Сьюзан ташқарига чиқиб, коронғулик қаърида кўздан ғойиб бўлди.

## Саксон еттинчи боб

Vespa нихоят Кэрретера де Хулеванинг теп-текис шоссе-сига чиқиб олди. Эндиғина тонг ёришиб келаётганига қарамай, йўлда автомобиллар жуда кўп эди – ёш севильяниклар соҳил бўйидаги тунги дам олишдан қайтаётганди. Ўсмирлар билан лик тўла автобус Беккернинг мотоциклни ёнидан сигнал чалиб ўтиб кетди; атрофидаги автоуловлар олдида Vespa йўлда ётган ўйинчоқдек кўринарди.

Тахминан беш юз метрлар орқадаги пачоқ бўлган такси чироклар ёғдуси остида катта йўлга тушиб олди. У ўзидан олдиндаги Пежо 504 ни айланиб ўтишга сабр қилмай, уни йўл четидаги газонга суриб чиқарди.

Беккер «Севилья маркази – 2 км» деган йўл белгисидан ўтиб бораркан, бир иложини қилиб шахар марказига етиб борса, омон қолиши мумкинлигига умид қилди. Спидометр соатига олтмиш километр тезликни кўрсатаётганди. Бурилишгача яна икки дақиқа. Йигит ўзида бунча узоқ вақт йўқлигини яхши биларди – ортидан куваётган такси яқинлашиб колганди. Марказий Севильянинг тобора ёрқинроқ кўринаётган чироклар шуъласига тикиларкан, Беккер эсон-омон шаҳарга кириб олишни сўраб илтижо қилди.

Йўлнинг ярмини босиб ўтган ҳам эди, ортидан асфальтга урилаётган металлнинг ёқимсиз товуши эшитилди. Беккер жони борича педални босиб, олдинга интилди. Шу вақт отилган ўқ йигитнинг ёнидан визиллаб ўтиб кетди. Беккер мотоциклини чап томонга оғдириди, сўнг қайта ўнгга олиб, шу алфозда вақтдан ютмоқчи бўлди. Марказ томон бурилишгача яна уч юз метрлар чамаси масофа бор эди. Аммо такси билан Vespa’ни атиги бир нечта машина ажратиб турарди. Беккер келаётган бир неча сония ё қутулиб кетишига, ё ўқдан жон таслим қилишга хизмат қилажагини сезиб турарди. У атрофни дикқат билан текшириб, кочиш учун имкон ахтарди, аммо йўлнинг ҳар иккала тарафига ҳам калин цемент тўсик ўрнатилган эди

Яна ўқ отилгач, Беккер бир карорга келди.

Vespa ғилдиракларини чийиллатиб, учқун чиқариб, йўналишини ўнгга ўзгартирди-да, бетон тўсикка сакраб чик-

ди. Шиналари цемент йўлкадан ҳар томонга тош сачратиб, олға елишни бошлади. Беккер тақир-туқур юза устида муво- занатни сақлашга уринаркан, ортига қарашга журъат қилол- масди; исталган сонияда таксидан ўқ узилиши мумкин эди.

Лекин ҳеч қандай ўқ овози эшитилмади.

Нихоят, бетон тўсик тугади ва йигитнинг кўзи шаҳар марказига тушди. У ердаги чироклар тунгги осмонни тўл- дирган юлдузлар мисоли чараклар эди. Беккер чеккадаги да- раҳтлар остидан чиқиб, катта йўлга тушиб олди. Vespa'нинг юриши тезлашиб, бир зумда Луис Монтано авенюсига етиб олди, бирордан сўнг эса чап томондаги машхур футбол ста- дионини хам ортда колдирди. Асфальт йўлда бирорта маши- на кўринмасди.

Шу маҳал Беккернинг қулоғи остида ўша таниш металл асфальтга урилганда чикадиган ёқимсиз овоз жаранглади. Бошини кўтариб, олдинга караган йигит ўзидан юз метрлар олдинда марказий бурилишга етиб қолган таксини кўрди. Машина бурилишга етганида ғийкиллаб ортига бурилди ва мотоциклнинг устига катта тезликда бостириб кела бошла- ди.

Беккер бундан хавотирга тушмади, чунки қаерга кета- ётганини аниқ биларди. Мененdez Пелаёга етганда Беккер тўсатдан чапга бурилди ва газни босди. Мотоцикл кичкина боғ ёнидан ўтиб, Матеус Гагога кирди. Фақат бир томонлама ҳаракатланиш мумкин бўлган бу тор кўча Баррио Санта Круз биносига олиб борарди.

– Яна бир оз қолди! – шивирлади Беккер ўзига далда бе- риб.

Унинг ортидан момақалдироқдек гумбурлаб такси кел- моқда эди. Машина ён ойнакларини синдирганча тор би- ноларга ишқаланиб йигитга Санта Кruz дарвозасига қадар эргашиб борди. Беккер ғолиб бўлганини билди. Санта Кruz Севильянинг энг қадимий қисми бўлиб, бу ердаги бинолар ўртасида римликлар вактида курилган энсиз, фақат пиёда- лар ва митти мопедлар сиғадиган лабиринтсимон йўлакча- лардан бошка ҳеч қандай йўл мавжуд эмасди. Бир марта Бек- кер мана шу ерда бир неча соатга адашиб қолганди.

Энг катта тезликда Матеус Гаго кўчасининг охирига  
стиб бораркан, Девиднинг кўзи олдида Севильянинг ўн би-  
ринчи асрга мансуб готик черкови тоғдек қад кўтарди. Чер-  
ковнинг ёнида бир юз йигирма метрлик осмонўпар Гиральда  
минораси туарди. Бу ер дунёда ҳажм жиҳатдан иккинчи  
ўринда турувчи черков жойлашган ҳамда художўй оиласалар  
истиқомат қиладиган Санта Круз мавзеси эди.

Беккер тош майдонни айланиб ўтди. Унинг ортидан ўқ  
узилганда, бахтига, жуда кеч бўлганди. Йигит мотоциклини  
учиртириб, Калитта де ла Вирген йўлига бурилди ва кўздан  
ғойиб бўлди.

## **Саксон саккизинчи боб**

Vespa'нинг олд фараларидан тараплаётган ўткир нурлар энсиз йўлакнинг деворларини ёритарди, мотордан чиқаётган ўкирик эса Санта Кruz ахолисига якшанба тонги келганидан хабар берадек эди.

Ярим соатдан бери жонини асраш илинжида қочиб юрган йигитнинг миясини адоксиз саволлар кемириб ташлади: ким мени ўлдирмоқчи бўляпти? Бу узукнинг нимаси бунчалик аҳамиятли? МХА самолёти қаерда? Меган... Нега унинг жонига қасд қилишди?

Жавобсиз саволлардан боши ғовлаб кетган Беккер ён-атрофга қаради ва юраги шувиллаб кетди. У тўсиқни кесиб ўтиб, мавзенинг бошқа тарафидан чикишини мўлжаллаганди, аммо Санта Кruz чалғитувчи кўчаларга тўла эди – бошланган йўл ҳар доим ҳам исталған манзилга олиб бормасди. Адашиб қолганини сезган йигит йўналишни аниқлаб олиш мақсадида Гиральда минорасининг токини қидириб юкорига қаради, бироқ уни ўраб турган деворлар баландлигидан ёришиб келаётган тонгнинг оппоқ шафағидан бошқа ҳеч нарсани кўролмади.

Бурчакларга урилиб кетмаслик учун эҳтиёткорлик билан Vespa'ни бошқариб бораракан, Беккер темир кўзойнакли одам қаерда қолганини ўйларди; ҳар ҳолда ёлланма қотиллар осонликча таслим бўлмаслиги аниқ. Кимсасиз кўчаларда акс-садо берадек моторнинг тариллаган овози уни сотиб кўйиши шубҳасиз эди. Бу вазиятда йигитнинг ягона устунлиги тезлик эди. Тезрок нариги томонга чикиб олиш керак!

Сон-саноксиз бурилишлардан сўнг «Eskuina de los Reyes» деб ёзиб қўйилган кўчага чиқсан Беккернинг ҳуши бошидан учди. У олдинроқ бу ердан ўтганди. У энди қайси йўлдан юриш хақида бир тўхтамга келолмай турганда остида тариллаётган мотоцикл бир-икки йўталди-ю, жим бўлиб қолди. Кўрсаткичлар ёқилғи тугаганидан дарак берарди. Шуни кутиб тургандек, чап тарафдаги йўлакчадан кора шарпа кўринди.

Инсон мияси дунёдаги энг тезкор компьютер хисобланади. Сониянинг мингдан бир қисми ичидаги Беккернинг мияси

яқинлашиб келаётган одамнинг кўзойнаги шаклини сезиб, уни солиштириш учун хотираға мурожаат қилди, жавобни топгач, хавфни аниклаб, қарор қабул қилишга унади. Беккер иккilanмай бефойда мотоциклни улоқтириб, бор кучи билан йўлкага югорди.

Бахтга қарши, Ҳалоҳот ҳозир ҳаракатланаётган такси ичида эмас, текис ер устида эди. У бамайлихотир қуролни йигитга тўғрилади ва ўт очди.

Ўқ бурилишга етиб олган Беккернинг ёнбошига теккан бўлса-да, у яна беш-олти қадам ташлашга улгурди. Даствордан сал юқорироқдаги мускули тортишганга ўхшади, сўнг илиқ ва юмшоқ моддани сезди. Кўйлагини бўяган қонни кўриб Беккер яраланганини англади, аммо танаси оғрикни сезмасди. У Санта Круznинг энсиз йўлакларида катта тезликда югуришда давом этди.

\* \* \*

Ҳалоҳот оч қолган бўридек ўлжаси ортидан илдамлаб бораради. Бошланишида у Беккернинг калласини мўлжалланди, аммо профессионаллигига бориб, таваккал қилгиси келмади; ҳаракатланаётган ўлжанинг бел қисмини нишонга олиш ҳам горизонталига, ҳам вертикалига қулай эди. Ёлланма қотилнинг бир неча ўн йиллик тажрибаси бу сафар ҳам ўзини оқлади. Беккер охирги сонияларда бироз чапга бурилди, Ҳалоҳот отган ўқ унинг қоқ белига тегмади, лекин ёнбошини яралади. Бошини мўлжалга олганида эди, ўқ бутунлай бесамар кетган бўларди. Етказилган жароҳат Беккерни нариги дунёга юбориш учун чипта бўла олмаса ҳам, ўқ вазифасини бажарганди. Алоқа ўрнатилди. Ўлим билан юзлашиш арафасида турган ўлжа билан янги ўйин бошланди.

Кўз олдини туман қоплаган Беккер илонизи йўлаклар ичида тўғри йўлга чиқиб олишга ҳаракат қилиб олдинга интиларди. Ортидан келаётган қадам товушлари тўхтай демасди. Йигитнинг мияси ҳувиллаб қолди – ҳаммаёқ бўшлиққа айланди. У қаерда ўзи, кимдан кочяпти – буларнинг ҳеч қайси бирор маъно касб этмаётганди, йигитнинг онгиди ҳозир ўз ҳаёти учун курашиш ва қўрқув хисси ҳокимлик қиласади.

Навбатдаги ўқ учиб келиб, мармар девордан бир бўлак

узиб олди, Беккернинг елкасига шиша бўлаклари шовуллаб тўкилди. У чапга қайрилиб, бошқа йўлакка бурилди. Йигит ёрдамга чакирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, аммо лабларидан учиб чиккан сўзларни ҳатто ўзи ҳам эшитмади. Тонгги су-кунатни қадам товушлари-ю оғир ҳансирашдан бошқа ҳеч нарса бузмаётганди.

Беккернинг ёнбоши ачишиб, оғришни бошлади. Оққа бўялган йўлақда қонли из қолдираётган бўлиши мумкинлигидан хавотирга тушган йигит атрофга зўр-базўр аланглаб, яшириниш учун бирор очиқ эшик ёхуд дераза қидиради, лекин бирор кулай жой тополмасди. Илонизи йўлак эса борган сари тораярди.

– Сосото! – ёрдам сўради Беккер эшитилар-эшитилмас.

Иккала томондаги деворлар ўртасидаги масофа қисқариб, йўлак тобора энсизлашишни бошлади. Беккер бирор бурилиш учраб қолиб, ташқарига чиқиб олишга умид қилди, бироқ олдинда қулфланган эшиклардан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Қадам товушлари янада яқинроқдан эшитилди. Беккер кириб колган ҳеч қандай бурилиши йўқ тўғри йўлак баландлай бошлади. Йигитнинг оёқларидан дармон қочди.

Бундан буёғига юришнинг иложи йўқ эди.

Маблағ йўқлиги туфайли қурилиши ярмида тўхтаб қолган бинога ўхшаб, йўлак ҳам кутилмаганда тугади. Унинг охирида баланд девор, ёғоч ўтиргичдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Қочиш ҳакида гап бўлиши ҳам мумкин эмас – девордан ошиб ўтиш учун қанот чикариб учиш қобилятига эга бўлиш керак. Беккер ёнидаги уч қаватли бинога қараб ўгирилди ва ортига қадам ташлаб, шу заҳоти жойида тошдек котди.

Рўпарасида қўлидаги совук қуролни Севилья Күёшининг субҳидам нурларида яраклатганча қора кўзойнакли одам шаҳдам қадамлар билан келмоқда эди.

Яна орқасига, девор томонга ўгириларкан, Беккер қандай вазиятга тушиб қолганини аниқ тасаввур қилди. Шу маҳал ёнбошидаги оғриқ кучайиб, қўли билан белини ушлади. Қўли, Энзай Танкадонинг узуги тақилган бармоғига бўялган қонни кўриб, боши айланиб кетди. Ўйиб ташланган узукка маъносиз тикиларкан, ажабланди. Беккер узук-

ни тақиб олганини бутунлай хаёлидан чикарганди. У нима сабабдан Севильяга келганини ҳам унуганди. Беккер бир якинлашиб қолган Ҳалоҳотга, бир бармоғидаги узукка тикилди. Меган мана шу учун ўлғанмиди? Энди Беккер ҳам шу узукни деб курбон бўладими?

Шарпа юришни тезлаштирди. Беккернинг ҳар томони девор билан ўралган, рўпарасидан эса ажал қувиб келмоқда. Уларнинг ўртасида бир нечта уйнинг кириш эшиклари бўлса ҳам, ёрдам чақириш вакти ўтганди.

Беккер ортдаги деворга bemажол суюнди. Тўсатдан оёклари остидаги тупроқли йўлак, поябзали, уйларнинг девори – ҳамма нарса гир айланиб, кўз олдида болалик даврлари, ота-онаси ва... Сьюзан пайдо бўлди...

– Худойим... Сьюзан...

Беккер эсини таниганидан бери биринчи марта дуо килди. Йигит Худодан ўлимдан кутқариб қолишини сўрамади; у мўъжизаларга ишонмасди. Бунинг ўрнига у ортида колаётган аёл ҳаётини давом эттириш учун ўзида куч топишини, Беккер уни қанчалар севганини бир умр ёдда тутишини сўраб илтижо килди. Йигит кўзларини оҳиста юмди, бўрондек ёпирилиб келган хотиралар бирма-бир кўз олдидан ўта бошлади. Бу хотиралар кафедра мажлислари, университетдаги иши каби ҳаётининг 90 фоизини ташкил этган масалалар билан боғлиқ эмасди; хотираларнинг ҳар бирида Сьюзан бор эди. Беккер қандай қилиб кизни таёқчада овқат ейишга ўргатгани, биргаликда яхтага ўтириб майин шамол ҳамроҳлигида Кейп Кодга сафар қилганларини эсларкан, куруқшаган лабларини базўр қимирлатиб, шивирлади:

– Сьюзан, мен сени севаман... Буни доим ёдингда тут... Асло унутма...

Беккерга бир зум ўзидаги барча сезги ва ҳиссиётлар – кўркув, оғриқ, даҳшат чекингандек бўлди. У гўшти суягига ёпишган, қип-яланғоч ҳолда Худо олдида турарди. Мен инсонман деб ўйлади йигит ва хаёлига келган сўздан жилмайди. Мен мумсиз инсонман!

Темир кўзойнакли одам якинлашганини кўриб, каддини ростлади ва кўзларини юмди. Қаердадир якин ўртада чер-

ков қўнғироғи жаранглади. Беккер тонгги офтобнинг заррин нурлари остида умрига нуқта қўядиган ўқ овозини кута бошлади.

## **Саксон тўққизинчи боб**

Тун қаъридан чиқиб келган субҳидам Қуёши Севильянинг оппоқ томларини оғушига олиб, шаҳарча кўчаларини ёритди. Гиральда минорасининг энг тепасига илиб қўйилган қўнғироқ ҳалойиқка янги кун бошланганидан хабар бериб гумбурлашда давом этар, қадимий биноларнинг митти дарвозалари бирин-кетин очилиб, оиласалар йўлакчаларга ёпирилиб чиқарди. Венадаги кон ҳамиша юрак томон ҳаракатлангани каби, Санта Круздаги одамларнинг барчаси шаҳар марказига – тарих гултожи бўлган макон, муқаддас зиёратгоҳ, Худонинг уйи бўлмиш бош черков томон отланганди.

Миясининг аллақаерида қўнғироқ жарангини эшитаётган Беккер ногоҳ ўйлади: мен ўлдимми? Истар-истамас очилган кўзлар Қуёш нурларидан қамашиб, атрофга жавдиради ва қаерда эканини англади. Нигохини кўтариб, ён-веридан темир кўзойнакли қотилни ахтарди, лекин унга ўхаш кимса якин ўргада кўринмасди. Аксинча, йигитнинг атрофида бошқалар бор эди. Кўча эшикларидан чиқиб, бир-бирлари билан гаплашиб, ҳазил-мутойиба қилаётган, пўрим кийиниб олган одамларга тўлиб кетганди.

\* \* \*

Йўлакнинг пастроғида, Беккернинг кўзидан панада Ҳалоҳот ғазабини босолмай, тинмай сўкинарди. Даствлаб Беккер билан унинг ўртасига тонгни қаршилаш учун эшикка чиқкан атиги битта жуфтлик кириб қолди. Улар жўнаб кетишига Ҳалоҳотнинг ишончи комил эди. Бироқ жаранглаётган қўнғироқ бошка оиласаларни ҳам уйқудан уйғотиб, ташқарига чиқишига ундашда давом этди. Навбатдаги дарвоза очилиб, иккита фарзандини стаклаган навбатдаги жуфтлик кўринди. Иккала оила бир-бiri билан чаккасидан уч марта ўпид саломлашибди ва жилмайиб сухбатга киришди. Бу орада яна бир тўда оломон билан тўлиб кетган кўчада Ҳалоҳот ўлжасини кўздан кочирди. Ғазаб устида котил одамлар орасини ёриб ўтиб, Беккер томон юришга киришди.

Бир амаллаб йўлнинг тугаш жойига етиб олишга уринаркан, Ҳалоҳот костюм ва бўйинбоғ таққан эркаклар-у,

қора күйлакда ёпинчик ташлаб олган аёллардан иборат денизда чўкиб кетаёди. Қора кийган одамлар Ҳалоҳотнинг мавжудлигини унугандек унга қарама-қарши йўналишти бир текисда олға силжиганидан қотилнинг йўли бутунлай беркилиб қолди. У ён-веридагиларга урила-сурила оломон орасини ёриб ўтиб, кўча сўнгидаги деворга яқин келди, куролини кўтаришга шайланган ҳам эдик, рўпарасидаги манзарани кўриб, бўғзидан инсонга хос бўлмаган бўғиқ ўкирик отилиб чиқди. Бир неча дақиқа олдин деворга суюниб турган Девид Беккер ғойиб бўлган эди.

\* \* \*

Беккер гандираклай-гандираклай бир томонга ҳаракатланаётган халойик орасига кириб олди. Оломонга эргашиш керак, ўйлади у. Оломон бу ердан чикиш йўлини билади. Беккер бироз юриб, одамларга кўшилиб ўнгга бурилди ва ўзини кенгрок кўчада кўрди. Тобора баландлашиб бораётган кўнғирок жарагидан мавzedаги ҳар бир эшик ланг очилиб, одамлар ёпирилиб ташқарига чикмоқда, кўчадаги оломонга кўшилиб янада улканрок галани ҳосил қилмоқда ва шу йўсинда олдинга силжимоқда эди.

Ёнбошидаги оғриқ пасаймаган бўлса ҳам, Беккер қон тўхтаганини ҳис килди ва қадамини тезлаштириди; ундан бироз оркароқда тўппонча кўтарган одам эргашиб келаётганини ички ҳиссиёти айтиб турарди.

Беккер черковга кетаётганлар билан аралашиб олға интиларкан, бошини кўтармасликка ҳаракат қиласарди. Черковгача узоқ йўл қолмаганини пайқади, чунки тўда қалинлашиб, илонизи йўлаклар ортда қолганди, кўча эса қора кийган одамлар билан лим тўлган хиёбончага айланганди. Яна бир бурилишдан сўнг Беккернинг кўз олдида кўкка бўй чўзган Гиральда минораси ва черков намоён бўлди.

Кулоқни коматга келтирувчи кўнғирок садолари атрофни ўраб турган иншоотларнинг деворларига тегиб акс-садо берарди. Тим қора ариларни эслатувчи оломон гипноз қилингандек Севилья черковининг ланг очик дарвозасига шошиларди. Беккер ярим йўлда Матеус Гагога бурилиб кетмоқчи бўлди, аммо уни копконга туширгандек тўрт томонини

куршаб олган одамлар галасини ёриб ўтолмади. Икки ёнида икки семиз аёл кўзларини юмиб пичирлар, тинмай тасбех ўгириб, дуо ўқирди. Улар ҳам оломон судраган ёқقا кетмоқда эди.

Халойик улкан тош бинога яқинлашаркан, Беккер яна бир бор чапга бурилишга уриниб кўрди. Зичлашиб кетган оломон ичидаги қадам ҳам силжишнинг иложи йўқ эди. Йигит ўгирилиб, ортга қайтмоқчи бўлди, лекин итарилиб келлаётган тўда ортга юришга имкон бермасди. Тезоқар дарёга карши сузишга бесамар чиранаётганини пайқаган Беккер тақдирга тан берди ва ихтиёрини оломонга топширди. Олдиндан чиққан кенг очик дарвозани кўрган йигит кутилмагандаги черковга кириб кетаётганини англади.

## Тўқсонинчи боб

Тобора вахимали тусда чинкираётган сиреналар Стратморнинг парвойига ҳам келмасди. У ёлғизлиқда ўтиради. Сьюзаннинг кетганига қанча вақт бўлганини ўйларкан, кулогида қиз айтган сўзлар жаранглади: сиз доим мақсадин-гизга эришасиз... Доим мақсадингизга эришасиз...

Ҳа, ўйлади командор, доим мақсадимга эришаман. Лекин шон-шарафсиз тирик яшаб қолиш ҳеч нарсага арзимайди. Бир умр шармандаларча яшагандан кўра ўлганим яхши.

Ҳақиқатанам уни иснод ва шармандали мағлубият күмокда эди. Командор барча маълумотларни директордан сирттуди, мамлакатнинг энг мустаҳкам компьютерига вирус туширди, бу ҳам етмагандек, ўзида бутун бошли тарих, бугун ва келажак сирларини жамлаган маълумотлар омбори унинг айби билан йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Қилган ишлари учун дорга осишса ҳам енгил жазо бўлади аслида. Стратморнинг нияти қанчалар ватанпарварлик туйғулари билан йўғрилган бўлмасин, бахтга қарши, режалари чиппакка чикиб, миллат душманига айланишига оз қолди, ўлим ва хиёнат содир этилди, олдинда эса саноқсиз суд жараёнлари, айловлар ҳамда омманинг ошкора норозилиги кутиб турибди. Командор миллатига бир неча ўн йил шон-шараф, садокат билан хизмат қилди, энди ҳаммасини аянчли якун топишига йўл қўймаслиги зарур.

– Мен доим мақсадимга эришаман, – шивирлади эркак.

– Сен ёлғончисан! – жавоб қайтарди ички овоз.

Қанчалар аламли бўлмасин, бу айни ҳақиқат эди. У – ёлғончи. Командор самимий муносабатда бўлмаган инсонлар бисёр, Сьюзан Флетчер эса улардан бири. Стратморнинг қалбida қизга айтмаган, айтолмаган гаплари шу қадар қўпки, буни тан олиш қўлидан келмасди. Бир неча йиллардан бери Сьюзан командорнинг хаёлларида, фантазияларида яшаб келмоқда. Командор ҳар кеча уйқуга кетиши биланоқ қизни туш кўради, тушида унинг исмини айтиб тўлғонади. Буни тўхтатишнинг сира иложи йўқ. Командор учун Сьюзан ҳар қандай эркак орзу киладиган аёллардан минг карра гўзал, мафтункор ва заковатли саналарди. Стратморнинг

рафиқаси сабрли эди, лекин эридаги ўткинчидай туюлган бу ҳиссиёт ўтиб кетишини қанчалик кутмасин, фойда бўлмади, Сьюзанни ўз қўзлари билан кўргандан сўнг эса умидини буткул йўқотди. Бев Стратмор эрини туйғулари учун айбламай, жуда узоқ вақт ичидаги оғриқни енгишга ҳаракат килди, ахийри унинг ҳам тоқати ниҳоясига етди. Яқинда у ёрига турмушларини тугатиш вақти келганини, бошқа аёлнинг сояси остида умрининг қолган кисмини ўтказиш нияти йўклигини айтди.

Чийиллоқ сигналлар аста-секинлик билан Стратморни реал ҳаётга қайтарди. У таҳлилчилик лаёқатини ишга солиб, вазиятдан кутулиш йўлини қидира бошлади. Ҳиссиётлари бераётган таклифни мияси ҳам тасдиклагач, командор ҳозирги ҳолатдан чиқишининг ягона чораси қолганини тушуниб стди.

Стратмор клавиатурасига бироз тикилиб туриб, ҳарф теришни бошлади. У гапларни тўғри ёзаётганини текшириш учун экранга қараб ҳам ўтирмади, чунки бармоқлари сўзларни жуда секинлик билан, танлаб-танлаб ёзарди.

«Қадрли дўстлар, бугун ёруғ дунёни тарқ этар эканман...»

Айнан мана шундай вазиятда ҳеч ким ажабланмасди, ҳеч ким савол бериб ўтирмасди, ҳеч қандай айловлар ҳам бўлмасди. Командорнинг ўзи бутун дунёга нима содир бўлганини ёзив қолдиради. Одамлар ҳамиша ўлади... Демак, яна бир кишининг жони узилиши билан ҳаёт чархпалагини тўхтатиб қолмайди.

## Тўқсон биринчи боб

Черков ичида ҳамиша тун. Ташқаридаги Қуёш иссиғи қанчалар кучли, кўчаларда қайнаётган ҳаёт шовқини қанчалар шиддатли бўлмасин, гранит деворлар уларни черковиги ёриб киришига йўл кўймайди. Ичкаридаги қоронғуликин кундек ёритиши учун сон-саноқсиз қандилларнинг беминини хизмати зое кетади. Ҳамма жой соялар билан қопланган. Эн юкоридаги шиша деразагина бадбашара ташки дунёнини бир тутам нурларини кўк ва қизил рангларда товлантириб, қоронғу бурчаклар томон йўналтиради.

Европадаги бошқа катта соборлар сингари, Севилья черкови ҳам хоч шаклида қурилган. Кичик ибодат қилиш жойи ва меҳроб бинонинг энг марказида бўлиб, ундан кейин асосий меҳроб келади. Меҳроб билан улкан хоч ўртасида юн метрга чўзилган ёғоч ўриндиклар қатори бор, уларнинг ўни ва чап тарафида эса муқаддас қабрлар, истиғфор келтириш жойлари ва кўшимча ўриндиклар жойлаштирилганди.

Беккер охирги қатордаги ўриндиклардан бирининг ўртасига кириб қолганини билди. Боши узра кичикроқ музлатгич ўлчамидаги кумуш вентилятор ўзидан хушбой исириқ хидими қолдириб парракларини айлантиради. Гиральда минорасидаги кўнғироқ деворларни ларзага келтириб жаранглашда давом этди. Беккер меҳроб ортидаги деворга нигохини қаратди. Йигит миннатдорчилик билдириши учун сабаб бисёр – у ҳамон нафас олаётганди, бостириб келаётган ўлим чангалидан омон қолгани эса ҳақиқий мўъжиза эди.

Руҳоний ибодатни бошлашга тайёргарлик кўтарди. Беккер ёнбошига қаради. Кўйлагида қотиб қолган алвон доғ қон оқиши тўхтаганидан дарак берарди. Ўқ баданига кирмай, ялаб ўтгани сабаб жароҳати жуда кичкина эди. Беккер шимими юқорироқ кўтариб, кўйлакнинг қонли қисмини яширди. Сўнг бўйини буриб, орқасига назар ташлади. Черков эшиги шарақлаб ёпилаётганди. Беккер тушунди-ки, ёлланма котил ичкарига кириб олган бўлса, у қопқонга тушди ҳисоб. Севилья черковининг биттагина эшиги бор эди, негаки ўтмишда испан черковлари нафақат ибодатхона, балки мусулмонлар истилосига қарши қалъа вазифасини ҳам ўтарди. Қадимда

ягона кириш эшиги истилочиларни осонрок даф қилиш имкониятини берган бўлса, ҳозир у барча сайёхлар черковга кириш чиптасини сотиб олишини кафолатларди.

Олти метр баландликдаги эшик гумбирлаб беркилди, Беккер Худонинг уйида қулфланиб қолди. У кўзларини юмиб, ўриндиққа чўкди. Одамлар мусиқа жўрлигига қуялашни бошлади. Беккер бинодаги қора киймаган ягона одам ёди.

\* \* \*

Ибодатхонанинг орка тарафида бир шарпа кишилар панасида оҳиста юриб келарди. Қотилнинг омади келиб, эшиклар ёпилишига санокли сониялар қолганда ичкарига кириб олишга муваффак бўлганди. У мийигида кулиб қўйди. Ов янада кизиётганди. Беккер шу ерда... У буни хис қиласпти. Қотил навбат билан ўриндиклар олдидан ўтиб бораркан, парраклардан таралаётган майин сабо ва муағтар хидга бир муддат маст бўлиб турди, сўнг пичирлади:

– Ўлиш учун яхши жой! Мен ҳам шунақа жойда ўламан деб умид киламан!

\* \* \*

Беккер черковнинг муздек полига тиззалаб бошини эгди. У кўздан нарида бўлмоқчи эди, лекин бу қилиғи билан ўзидан кейин ўтирган эркакнинг эътиборини тортди – ахир Худонинг уйида чўккалаб ўтириш жуда нотабий хулқ-автор эди.

– Enfermo, – узр сўради Беккер. – Тобим йўқроқ.

Беккер иложи борича ўзини кўрсатмаслиги зарурлигини биларди. Шу маҳал қулоғига таниш кадам товушлари чалинди. Бу ўша... У шу ерда...

Улкан оломоннинг ўртасида турган бўлишига қарамай, Беккер осонликча тутилиб колишдан чўчиётганди – у кийиб олган жигарранг костюмида қоп-кора ўрдаклар ичига кириб олган сарик жўжага ўхшаб қолганди. Костюмни ечиб олишни ўйлаб кўрди-ю, шу заҳоти фикридан қайтди; унинг оппок кўйлаги ахволни баттар ёмонлаштиарди. Йигит янада пастрокқа эгилди.

Беккернинг ёнидаги эркак қошларини чимириди:

– Turista? – сўнг ярим киноя оҳангидага кўшиб қўйди:

Llamo un medico? Шифокор ҷақираими?

Беккер қариянинг силлиқ юзига тикилиб, базўр жилми ийб жавоб қайтарди:

– No, gracias. Estoy bien.

Қария унга аччиқланиб қаради:

– Pues siéntate! Унда жойингга ўтири! – Бироқ атрофдагилар жим бўлишга унdagанини эшигтан эркак тилини тишлади ва олдинга қаради.

Беккер кўзларини яна юмиб, одамларнинг пинжига тикиларкан, ибодат қанча давом этишини ўйлади. Болалигидан протестант оиласда улғайган йигитда католиклар жуда эзма деган таассурот мавжуд эди. Ҳозир у ростдан ҳам шундай бўлиб чиқишини сўраб илтижо қиларди. Ибодат тугаши билан қошқаларга кўшилиб ўрнидан туришга мажбур бўлган жигарранг жакетдаги Беккерни ёлланма қотил осонлик билан отиб ташлайди.

Айни дамда кутишдан бошқа чораси йўқ. Йигит совук полга тиззасини бериб, тек қотди. Бора-бора қария ҳам унга эътибор бермай қўйди. Ибодат қилаётганлар ўрнидан туриб, мадхия ижро этишга тушди. Беккер жойидан қўзғалмади. Оёқлари увушиб колди, аммо уларни чўзгани бўш жой йўқ эди. Сабр, ўйлади йигит, факат сабр. У кўзларини юмиб, чукур нафас олди.

Бир неча дақиқадан сўнг Беккер кимнингдир турткисини сезди ва юқорига қаради. Ўнг томонида соқоли киртишлаб олинган қария сабрсизлик билан ўриндиқдан чиқишни кутиб турарди.

Беккерни ваҳима босди. У жўнаб кетишни истаяптими? Ўрнидан туриши керак! Йигит устимдан ўтаверинг дегандек имо қилди, буни кўрган қария ўдағайлаб юбормасликдан ўзини зўрға тийиб, қора чакмонининг этагини йиғишириб орқага тисарилди ва черковдан чиқиш учун навбат кутиб турганлар қаторини кўрсатди. Беккер чап томонига қараб, бу ерда ўтирган аёл аллақачон ғойиб бўлганини, ўриндиқда хеч зоғ қолмаганини кўрди.

– Ибодат тугаши мумкин эмас! Бундай бўлмаслиги кепар! Ахир эндигина бошланганди-ку!

Беккер қатор охирида руҳоний бола ва унинг ортидан икки сафга терилганча меҳроб томон эргашиб кетаётган одамларни кўриб, нималар содир бўлаётганини тушунди.

– Евхаристия! – ингради йигит. Протестантлардан фаркли равишда, испанлар дастлаб шароб билан нондан татиб кўришади, шундан кейингина ибодатнинг асосий кисми бошланади.

## Тўқсон иккинчи боб

Сьюзан нарвонга осилиб, пастки қаватга тушди. Трансхабар корпуси қалин буғ билан қопланганди. Ер ости йўла гида юриб бораркан, Сьюзаннинг пошнаси намиққан юза устида сирғалиб йиқилиб кетаёзди. Трансхабар яна қанчага чидаши мумкин, ўйлади киз. Ҳар икки сонияда ҳалокат чироклари зулматни ёритиб, узлуксиз чинкираётган сиреналарга янада вахимали тус берарди. Уч қават пастда ёрдамчи генераторлар ўқираётганди. Киз қаердадир, қуюк туман орасида Криптодаги барча электр энергиясини ўчириб қўювчи пишанг борлигини биларди ва шошилмаса вақтни қўлдан бой беришини хис этиб туради.

\* \* \*

Юкори қаватдаги Стратмор Береттасини қўлига олди. У ёзган мактубини қайта ўқиб, кўнгли хотиржам тортди. Хатни ўзи турган жойдаги полнинг устига ташлади. Командор амалга оширмокчи бўлган ишғирт кўрқоқлик эканига шубҳа йўқ эди. Мен доим мақсадимга эришаман, ўйлади эркак ва кўз олдидан маълумотлар базасидаги вирус, Испаниядаги Девид Беккер, кора туйнук ҳақидаги режалари бир-бир ўта бошлади. У жуда кўп ёлғонлар тўкиди, бўлаётган ишларнинг айбордига айланди. Жавобгарликдан қочишнинг, шармандаликдан кутулишнинг биттагина чораси қолганини яхши билади. Стратмор эҳтиёткорлик билан тўппонча учини тўғрилади ва кўзларини юмиб, тепкини босди.

\* \* \*

Сьюзаннинг қулоғига ўқ товуши чалингандада у эндинга уч қават пастлашга улгурганди. Киз шу вақтгача ўқ овозини факат телевизорда эшитган бўлса-да, генераторлар шовқини орасидан янграган товушнинг тўппончадан отилганига шубҳа қилмади.

Сьюзан дархол тўхтади, бирдан хаёлида командорнинг Рақамли қалъага кора туйнук ўрнатиш орзуси, маълумотлар базасига туширган вируси, омадсиз турмуши ва эшикдан чиқаётганда берган ғалати бош ирғаши гавдаланиб, танаси-

ни чексиз күркүв эгаллаб олди, оёғидан дармон кочиб, йикилиб тушмаслик учун зина туткичларига сұянди: Командор! Йүк!

Қизнинг баданидан совук тер чиқиб кетди, у бир неча сонияга атрофида бўлаётган тартибсизлиг-у шовқинларни унутди, қулоғида факат ўқ овози акс-садо бера бошлади. Съозаннинг ақли олдинга юришга, тезроқ бориб пишангни тортишга ундаса-да, оёклари ўзига бўйсунмади.

– Командор! – оғзидан аяңчли нидо отилган қиз ён-веридаги хавфни ёдиdan чикариб, шоша-пиша юқорига интилди.

У бор кучини тўплаб, шалоббо бўлиб кетган зиналардан сирпана-сирпана югуриб бораради. Намлик қиз устига ёмғирдек тўкилди. Нихоят, Крипто залига олиб чиқувчи нарвонга етиб келиб, ундан тепага ўрмаларкан, Съозанга остидаги буғ уни кўтариб тепага улоктираётгандек туюлди. Амаллаб Криптога чиқиб олган қиз тоза, совук ҳаводан симириб нафас олди. Унинг оқ кофтаси намикқанидан танасига ёпишиб қолганди.

Пастки қаватнинг очиқ эшигидан портлаш арафасида турган вулқондек иссик буғ отилмоқда эди. Ҳануз зими斯顿 зал ичидан Съозан йўналишни аниклаб олишга ҳаракат қиласкан, Стратморга тўппончани қолдиргани учун ўзини лънатларди. Кутимаганда қизнинг фикрлари чалкашиб кетди. Тўппонча... У қаерда қолганди ўзи? Стратморнингофисидами? Ёки Nod 3 ичидами? Съозан кўзларини Nod 3 томон каратди. Синган эшикдаги туйнукдан полда қандай ташлаб кетилган бўлса, шундайича ҳаракатсиз ётган Хейл кўриниб турарди, аммо Стратморнинг кораси йўқ эди. Қиз даҳшатга тушиб, командорнинг офисига караб йўналди.

Икки-уч қадам ташлашга улгурмасидан нимадир эсига тушгандек ортига қайтди ва Nod 3 ичига кўз ташлади. Енгил ёруғлик остида қиз Хейлнинг қўлларига тикилди. Хейлнинг қўллари... Улар ортиқ чандиб боғланмаганди, аксинча, Хейл қўлларини боши узра чўзиб, чалқанча ётарди. Наҳотки, бўшалиб кетган бўлса? Ундей бўлса нега қочиш ўрнига ўликдек чўзилиб ётиб олган?

Съюзан командорнинг юқори қаватдаги иш жойига ўғирлди ва чақирди:

— Командор?

Жимлик.

Қиз эҳтиёткорлик билан Nod 3 ичига кирди; Хейлнинг кўлида экранлардан тушаётган ёруғлик таъсирида ярақлаб турган буюмга кўзи тушди. Съюзан якинроқ, янада якинроқ бориб, йигит кўлида ушлаб турган буюмни кўрди. Бу Беретта тўппончаси эди.

Қизнинг юраги оркасига тортиб кетди, нигоҳини Хейлнинг кўлидан юзи томон йўналтиаркан, кўрган манзарасидан даҳшатга тушиб, танасини титрок босди. Грег Хейл юзининг ярми қон билан қопланиб, ётган жойдаги гилам узра қора суюқлик ёйилганди.

Худойим! Съюзан ортга тисарилди. У эшигтан ўқ овози командорга эмас, Хейлга тегишли экан!

Бир неча лаҳзадан сўнг транс ҳолатига тушиб қолган қиз мурда томон қадам ташлади. Кўринишидан Хейл озод бўлишга харакат қилган, негаки кўлларини боғлашда фойдаланилган кабель симлари ёнида ётарди. Тўппончани столда қолдирмаслигим керак эди, ўйлади қиз, ўқ Хейлнинг чаккасида ҳосил қилган тешикдан симиллаб оқаётган қонга маъносиз тикиларкан.

Шу вақт Съюзаннинг эътиборини йигитнинг якинидаги бир парча қофоз тортди. Оёқларини мажбуrlаб юргизиб, қоғозни ердан олди. Бу мактуб эди.

— Қадрли дўстлар, бугун ёруғ дунёни тарк этар эканман, куйидаги гуноҳларим учун бадал тўламоқдаман деб ҳисобланг...

Съюзан кўзларига ишонмай, қўлидаги иқрорномани ўқища давом этди. Мактуб Хейлга умуман мос бўлмаган тарзда жиноятлар рўйхати билан тўлдирилганди. Йигит ShDakota тузоқлигидан хабар топиб, Энзай Танкадони ўлдириш ва узукни қўлга киритиш учун котил ёллаганини, Фил Чатрукянни ажал домига итариб юборганини, яна Рақамли қалъани сотишни режалаштирганини, хуллас, хамма қилмишларини бўйнига олаётганди.

Съюзан ўзини нима кутиб турганидан бехабар пичирлаб, хатнинг сўнгги қаторини ўқиди.

— Ҳаммасидан ҳам Девид Беккер учун жуда афсусдаман. Мени кечиринглар. Шуҳрат кўзларимни кўр қилиб қўйганди.

Съюзан нима бўлаётганини англолмай, Хейлнинг мурдаси устида дағ-дағ титраб тураркан, ортидан юргургилаган қадам товушлари эштилди. Қиз аста ўгирилди.

Синган эшикдан ранги оқариб, ҳансираётган Стратмор кўринди. У полда ётган Хейлнинг жонсиз танасини кўриб, шокка тушиб қолди.

— Ё Худойим! Нима гап ўзи? — хавотир қилиб сўради командор.

## Тўқсон учинчи боб

Евхаристия!

Ҳалоҳот ҳеч бир қийинчиликсиз Беккерни оломон орасидан илғаб олди – бир чети қон билан бўялган жигарранг жакетни кўздан қочириш мумкин эмасди. Қора денгиздаги сариқ елканли кема каби Беккер марказий ўриндиқ ичидаги ҳаракатланмоқда эди. У мен бу ерда эканимни билмаслиги зарур, жилмайди Ҳалоҳот. У тириклар қаторидан чиқди энди!

Қотил бармоқлари учини бир-бирига ишқалаб, америкалик мижозига яхши янгиликни айтишга ошиқарди. Тез орада, ўйлади у, жуда тез орада.

Ўлжаси томон бораётган йиртқич каби, Ҳалоҳот ҳам шиддат билан черковнинг орқасига қараб юрди, кейин эса ҳеч қаерга оғишламасдан тўғри марказий ўриндиқлар тарафига йўл солди. Қотил ҳозир Беккерни ташқарига чиқаётган халойик ичидаги қувиб юрадиган кайфиятда эмасди. Ўлжаси копқонга тушди, Ҳалоҳотнинг ягона иши овоз чиқармасдан туриб унинг жонини олиш. Ўрнатилган овоз пастлатгич шарофати билан тўппончадан чиқсан овоз енгил йўталишга ўхшаб, бироннинг эътиборини торгмасди.

Қотил жигарранг жакетга яқинлашаркан, ёнидан ўтаетганларнинг шивирлашларига парво қилмади. Албаттага, халойик бу осий банда Худонинг олқишини олиш учун шошилаётганини тушунарди, шунга қарамай, қондага кўра, Евхаристияга икки қатор бўлиб сафланиб кириш керак, протоколни менсимаслик эса Худони ҳурматсизлаш билан барабар.

Ҳалоҳот олға юришда давом этди ва ўлжасига етай деб колганда жакетининг чўнтағидаги тўппончани маҳкам қисди. Нихоят орзиқиб кутилган онлар етиб келганди. Шу вақтгача Девид Беккерга омад кулиб бокди, аммо энди Худо ҳам уни ўлимдан кутқаролмайди .

Жигарранг костюм қотилдан атиги ўн одам нарида, бошини қуйи солиб олдинга қараб кетаётганди. Ҳалоҳотнинг тасаввурида бўладиган ишлар жонланди: ҳозир у Беккерга етиб боради ва куролни секин чиқариб, ҳеч ким илғамас тезликда йигитнинг орқасига иккита ўқ узади. Сўнг хаво-

тирланган одам каби йиқилаётган Беккерни қўли билан ушлаб, бир четдаги скамейкага ётқизади ва ёрдам чақирмокчи бўлгандек ташқарига отилади. Тўс-тўполон ичиди, халойик ҳали нима бўлганини тушуниб етишга улгурмасидан қотил одамлар орасига сингиб, кўздан йўқолади.

Бешта одам қолди ўртада. Тўртга... Учта...

Ҳалоҳот чўнтағидаги қуролни тўғрилаб, тепкисини босишга шайланди. У Беккернинг белидан юкорирогини мўлжалга олди. Айнан шу ҳолатда ўқ юракка етиб боришидан аввал йигитнинг белига ёки ўпкасига тегади. Юракка қадалмаган тақдирда ҳам Девид барибир ўлади, чунки тешилган ўпка билан яшаб кетиб бўлмайди. Дунёнинг тиббиёт ривожланган мамлакатларида тешилган ўпка билан тирик қолишнинг иложи бордир, лекин Испанияда, одамлар билан тўлган ибодатхона ичиди тез ёрдам кўрсатилимаган Беккерни бундай жароҳат билан ажалдан бошқа ҳеч нарса кутмаслиги аниқ.

Ҳалоҳот билан жигарранг пиджак ўртасидаги одамлар сони дастлаб иккитага, сўнг биттага қискарди; ниҳоят қотил кўзлаган манзилига етиб келди. Раккос каби нозик ҳаракат билан ўлжасининг ўнг тарафига ўтиб олди, бир қўли билан жигарранг пиджакнинг елкасидан ушлаб, қуролни тўғрилади ва... ўт очди... Иккита бўғик паққилаган товуш эшитилди.

Жигарранг пиджак ҳаракатланишдан тўхтаб, бир зум турган жойида қотиб қолди, сўнг аста-секинлик билан қулай бошлади. Ҳалоҳот қурбонининг кўлтиғидан тутиб, атрофга жароҳатдан оқаётган қон ёйилиб кетмасидан бир уринишда уни чеккадаги ўринидикқа ўтиргизди. Яқин ўртада ўгирилиб қараган одамларга эътибор қаратмасдан, йигитнинг жонсиз бармокларига кўз югуртирди. Ҳеч нарса. Бармоклар бўмбўш эди. Ҳалоҳот жаҳл билан қурбонини ўгириб қаради-ю, ажабланганидан қичқириб юбораёзди. Ўлган одамнинг юзи Девид Беккерники эмасди.

Севильялик ёш банк ходими Рафаэл де ла Маза жуда тез ва кутилмаганда ўлим топди. У қўли билан ғалати америкалик қора плаши учун тўлаган чўнтағидаги эллик минг песетани маҳкам ғижимлаганча, бир нарсани сезишга ҳам улгурмай абадий уйқуга кетганди.

## Тўқсон тўртингчи боб

Мажлислар хонаси эшиги яқинига ўрнатилган сув соутгич ёнида Миж Милкен асабийлашиб турарди. Нима бало қилмоқчи ўзи Фонтеин, ўйлади у ва қўлидаги қоғозни ғижимлаб, ахлат челягига улоқтириди . Криптода нимадир бўляпти. Мен буни ҳис киляпман. Миж ҳақ эканлигини исботлашнинг факат бир усули борлигини яхши биларди; шахсан ўзи Криптога бориб вазиятни текширади – зарур бўлса Жаббани шерик қилиб олади. Қатъий қарорга келган аёл ўгирилиб, эшикка қараб юрди.

Шу вақт аллақаердан пайдо бўлган Бринкерхофф унинг йўлини тўсади.

– Қаёққа кетяпсан? – сўради эркак.

– Уйга! – ёлғон гапирди Миж.

Бринкерхофф унинг ўтишига рухсат бермади.

Буни кўрган аёл киноя билан деди:

– Мени ташқарига чиқармасликка Фонтеин буйруқ бердими?

Бринкерхофф жавоб қайтармади.

– Чед, сенга айтяпман, Криптода нимадир содир бўляпти ва бу нимадир кичкина нарса эмаслиги аниқ! Мен нима учун Фонтеин ўзини жинниликка solaётганини тушунмаяпман, аммо Трансхабар билан муаммо чиққанига шубҳам йўқ! Бу кеча нимадир бўляпти бу ерда!

– Миж, – оҳиста гап бошлиди Бринкерхофф ва аёлнинг ёнидан ўтиб, парда билан тўсилган дераза томон қадам ташлади, – директорнинг ўзи шуғулланади бу масала билан.

Мижнинг кўзлари олайди.

– Агар совутиш тизими ишдан чиқса, Трансхабарга нима бўлишини биласанми?

Бринкерхофф елка қисди ва деразага яқинлашди.

– Электр аллақачон жойига қайтган бўлса керак. – У пардани четга суриб ташқарига каради.

– Хўш, ҳалиям қоронғуми? – сўради аёл.

Аммо Бринкерхофф миқ этмади. Дераза ортидаги Крипто биносида бўлаётган манзара уни тилдан қолдирганди. Ойнаванд гумбаз гир айланаётган чироклар ёғдуси,

ўчиб ёнаётган ҳалокат сигнали ва буғ билан лик түлганди.  
Бринкерхоф деразага бошини текизиб турган жойида бир  
муддат тошдек қотиб қолди, кейин вахима ичида:

– Директор! Директор! – деб қичқирганча ташқарига  
югурди.

## Тўқсон бешинчи боб

– Исо Масиҳнинг кони... Халоскор пиёласи...

Одамлар ўриндиқда ётган мурда устига йиғилди, бош устидаги вентилятор марҳумни гуноҳлардан покламоқчидек хушбўй ҳидли мушк таратарди. Ҳалоҳот йўлакнинг маркази томон юрди ва черковни кўздан кечирди. У шу ерда бўлиши керак! Қотил орқасига ўгирилиб, меҳробга кўз ташлади.

Ўттиз қатор нарида муқаддас евхаристия маросими бошланганди. Бош роҳиб Густаво Эррера ота ўрта қаторда кўтарилигани қий-чувга кизиксениб қаради, лекин хавотирга тушмади. Баъзан ёши улуғроқ тақводорлардан бирортаси-нинг мазаси қочиб қолиши одатий ҳол бўлиб қолган, бундай вазиятда тоза ҳаво энг яхши ёрдам бўлади.

Бу замон ғазаб отига минганд Ҳалоҳот қидиувни давом эттиради, лекин Беккер ҳеч каерда кўзга кўринмасди. Юздан ошиқ одам меҳроб қошида чўк тушиб, нон ва шаробдан ўз улушларини олмоқда эди. Балки Беккер ҳам улар орасида-дир, ўйлади Ҳалоҳот ва ўтирганларни орқасидан синчиклаб кўздан кечира бошлади. Ёлланма қотил эллик метрдан отишни мўлжаллаб, олға юрди.

\* \* \*

El cuerpo de Jesus, el pan del ciyelo.

Хизматдаги ёш роҳиб Беккерга норози қиёфада қаради. У сайёҳ маросимни адо этиб, нон ва шароб қабул қилишга ошиқаётганини тушунса-да, сафни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди.

Беккер бошини ҳам қилганча ширин қулчани чайнашга тутинаркан, орқасида қандайдир тўполюн кўтарилиганини ҳис қилиб турарди. У бироз олдин қора пиджак сотиб олган ёшгина одамни ўйлаб, ишқилиб жакетимни киймаган бўлсин, деб хаёл қилди ва ўгирилиб, шовқин келган томонга юзланмоқчи бўлди, аммо орқасидан темир кўзойнакли қотил боқиб турган бўлиши мумкинлигини ўйлаб, фикридан қайтди. Беккер қора плашч остидан жигарранг рангли шими кўзга ташланмаслигига умид қиласарди, лекин бундай бўлиб чиқмади.

Шароб тўлдирилган қадаҳ ўнг томондан яқинлашаёт-

ганди. Одамлар аллақачон ўзларига аталған улушни хўплаб, ўрнидан туриб жўнаб кетиши ҳаракатига тушганди. Ўзингни бос! Беккер меҳробдан чиқишига шошилмади. Лекин навбатда турган икки минг одам ва саккиз руҳонийни куттириб, қадаҳдаги шаробдан керагидан ортиқ сипкориш жуда хунук одат саналарди.

\* \* \*

Ҳалоҳотнинг кўзи жигарранг шимига тушганида қадаҳ Беккернинг ёнидаги одамга тутилаётганди.

– Estás ya muerto! Сен ўлдинг! – вишишиллади қотил марказий қатордан юқорига одимлаб. Ҳозир сичқон-мушук ўйнашга вақт йўқ эди. У Беккернинг орқасидан иккита ўқ узади, узукни қўлга киритади-ю, ташқарига отилади. Матеуз Гагодан атиги бир квартал нарида Севильядаги энг катта такси станциясига етиб олгач, бамайлихотир мижозига навбатдаги объект йўқ килингани тўғрисида хабар беради. Режаларини пишишиб олган қотил қуролига қўл чўзди ва киноя билан деди:

– Adiós, Señor Becker ...

\* \* \*

– La sangre de Cristo, la copa de la salvación.

Падре Эррера ялтироқ кумуш қадаҳни тутганида Беккернинг димоғига қизил шаробнинг ўткир хиди урилди. Ичиш учун бироз эрта, хаёл қилди йигит қадаҳга қўл чўзиб. Шаробдан татиб кўриш насиб қилмади. Кумуш қадаҳнинг ялтироқ сиртида тез югуриб келаётган шарпанинг аксига кўзи тушган Беккер пойга чизигида старт берилгандан кейин ҳаракатга келган атлет мисол беихтиёр олдинга ташланди. Руҳоний ота қўркқанидан орқага йиқилаётганида қўлидаги қадаҳ ерга учиб тушди, оппоқ мармар устунни қизил шароб қоплади. Бошқа руҳонийлар ва роҳиб болалар чўп тиқилган индан қочган арилар каби ҳар томонга тўзғиб кетди, Беккер эса одамлар тўдаси томон йўрғалади. Тўппончага ўрнатилган овоз пасайтиригичдан енгил паққиллаган товуш эшитилганда Беккер ҳеч иккиланмасдан ўзини ерга отди, ўқ унинг ёнидаги мармар полга тегди, йигит эса бош руҳоний меҳроб-

га күтарилишда фойдаланадиган йўлакчага олиб чикувчи зинадан пастга йиқилди.

Зинанинг пастида ўзига келган Беккер гандираклаб олдинга интиларкан, оёклари остидаги лакланган пол гир айлана бошлиди; ёнбоши билан йиқилган йигитнинг ичидаги кучли оғрик уйғонганди. Шу алфозда бироз юрган йигит парда билан түсилган залдан чиқиб, ёғоч зиналар оралаб пастта йўналди.

Оғрик. Ҳамма жой деярли қоронғу. Беккер кийини什 хонаси бўйлаб қочарди. Мехроб олдидан бақир-чақир эшитиларди. Баланд оёқ товушлари ҳамон уни таъқиб қилмоқди эди. Беккер кўш табақали эшикларнинг бир нечтасига мўралаб, ахийри ўзини кироатхона ичидаги кўрди. Хона қоронғу бўлса ҳам, унинг ичидаги қимматбаҳо буюмлар ва қизил дарахтдан қилинган жиҳозлар кўзга яққол ташланиб турарди, деворида одам бўйи келадиган хоч илинганди. Ортиқ юришга мажоли қолмаган Беккер тўхтади. Боши берк хона! Йигит хоч рўпарасида турганида Ҳалоҳотнинг илдам одимларини эшилди ва омадсизлигига лаънат ўқиди.

– Минг лаънат ҳаммасига! – қичкирди Беккер.

Шу маҳал чап тарафида шиша сингани эшитилди. Ўгирилиб қараган йигитнинг кўзи қизил чопон кийиб олган одамнинг кўркув билан боқиб турган нигоҳига тушди. Руҳний оғзида балиқ билан кўлга тушган мушукдек лабларини енгига артиб, муқаддас шаробнинг оёғи остида синиб ётган қадаҳларини бекитишга уринди.

– Salida! – талаб қилди Беккер. – Salida! Ташқарига қандай чиқаман?

Кардинал Гуэрра инстинктларига ишонди. Унинг муқаддас ҳужрасига кириб олган иблис энди Худонинг маконидан қутулиб кетиш учун ёрдам сўраб қичкираётганди. Гуэрра унинг бу тилагини бажо келтиради – зудлик билан. Иблис ташриф учун жуда нокулай вақт танлаганди ўзиям.

Юзидан кон қочган кардинал чап томондаги пардага ишора қилди. Парда ортида хуфия эшик бор – у ташқари ҳовлига олиб чиқади. Кардинал оддий гуноҳкор бандалар сингари черковга олд эшиқдан кириб-чикишдан безор бўлиб, бу маҳфий эшикни уч йил олдин курдирганди.

## Тўқсон олтинчи боб

Nod 3 даги диванда ўтирган Сьюзаннинг уст-боши хўл, танасини эса қалтирок босаётганди. Стратмор кизнинг елкаси устига костюмини ташлади. Улардан бир неча қадам шарида Хейлнинг жонсиз танаси чўзилиб ётарди. Сиреналар атрофни ёритди. Трансхабар корпуси музлаган кўлмакдаги ёрилган муз каби қарслаган товуш чиқарди.

— Мен пастки қаватга тушиб, энергияни ўчираман, — деди Стратмор, кизнинг елкасини сиқиб, далда бераркан. — Бирпасда қайтаман.

Сьюзан синик эшикдан чиқиб, залда кўздан йўқолган Стратмор ортидан маъносиз қараб қолди. Ҳозир у билан ўн дақиқа олдинги заиф, кучсиз одам эмас, командор Тревор Стратмор гаплашганди — аклли, вазифани уddaлаш учун ҳар қандай қийинчиликни бўйнига олишга тайёр командор.

Бироқ ҳозир бу ҳақда ўилашга қизнинг мажоли етмасди, унинг миясида Хейлнинг ўлеми олдидан ёзган сўнгти сўзлари тинмай айланарди: Ҳаммасидан ҳам, Девид Беккер учун жуда афсусдаман. Мени кечиринглар. Шуҳрат кўзларимни кўр килиб қўйганди.

Сьюзан Флетчернинг кўркинчли туши ўнгидан келди. Девид хавф остида... ёки бундан ҳам ёмонроқ. Балки аллақачон кеч бўлгандир. Девид Беккер учун жуда афсусдаман.

Қиз мактубга каради. Унда имзо кўринмасди, оддийги на килиб энг пастки қаторга Грэг Хейл деб ёзиб қўйганди. Йигит ичидаги бор гапни тўкиб солган, сўнг босмадан чиқарип, ўзини отган — Хейл қайтиб турмага бормасликка қасам ичганди, у сўзида турди қамоқ ўрнига ўлимни бўйнига олди.

— Девид... — қандай аҳволда эканлигини тўла таҳлил килиб бўлган қиз ниҳоят ўкириб йиғлаб юборди. — Деви-и-д...

\* \* \*

Айни вақтда Крипто залидан салкам тўққиз юз метр пастда командор Стратмор охирги зиналарни босиб, ерга қадам қўйди. Бугунги кун муваффақиятсизликларга бой бўлди; Ватанпарварлик миссияси бутунлай назоратдан чиқиб,

командор Стратмор тасаввурига сиғмаган қарорлар қабул қилишга мажбур бўлди.

Бу чора эди! Ягона чора эди!

Ватан ва шон-шараф... Командор мана шу иккисини сақлаб қолиш учун ҳануз вақти борлигини биларди. У Трансхабарни ўчиргач, узукдан мамлакатнинг бебаҳо маълумотлар базасини сақлаб қолишида фойдаланиши мумкин. Ҳа, ўйлади у, ҳалиям вақт бор!

Стратмор атрофига қаради. Ҳавода сув заррачалари учеб юрар, Трансхабар кучаниб ўкирар, сиреналар тинмай липпиллаб ўчиб-ёниб, хавфдан огохлантирарди. Лекин командорнинг кўз олдидага тўс-тўполон эмас, Грег Хейл гавдланди – ёш криптограф йигит Стратморга кўзлари косасидан чиккудек бўлиб тикилади, кейин қуролдан отилган ўқ унинг кўзларини мангуга юмади. Хейлнинг ўлими мамлакатга... шон-шарафга хизмат қиласиди. Яна бир жанжал МХАга жуда қимматга тушиши турган гап эди. Шу сабабдан Стратмор Хейлни бўрдоқига боқилган қўйдек қурбон қилишни афзал кўрганди.

\* \* \*

Стратморнинг хаёлларини тўсатдан жиринглаган мобил телефонининг сиреналар остида базур эшитилган овози тўзғитиб юборди. Юришдан тўхтамай, телефонни камаридан ечиб жавоб берди:

– Эшитаман.  
– Менинг калит сўзим каерда?  
– Ким бу? – кичкирди командор шовқин ичида  
– Нуматака! – жавобан бақирди жаҳлдор овоз. – Сиз менга калит сўзини ваъда килгандингиз!

Стратмор юришда давом этди.

– Менга Рақамли қалья керак! – вишишиллади Нуматака.  
– Ҳеч қандай Рақамли қалья йўқ! – кичкирди Стратмор.  
– Нима?  
– Ҳеч қандай ечиб бўлмас алгоритм мавжуд эмас!  
– Албатта бор! Буни интернетда ўз кўзларим билан кўрганман! Одамларим уни бир неча кундан бери ечишга уриниб ётибди!

– Бу шифрланган вирус, сизни аҳмок қилишган, лекин вирусни очолмаганингиз фақат омадингиздан!

– Аммо...

– Келишув бекор қилинади! – бақирди Стратмор. – Мен Шимолий Дакота эмасман. Аслида ҳеч қандай Шимолий Дакота ҳам мавжуд эмас. Мен айтган гапларни унутинг! – гапини айтиб бўлгач, хайрлашишни ҳам кутмасдан, мобил аппаратни ўчирди, овозини пастлатиб, қайта камариға жойлаштириди. Бошқа бирор бузовта қилишига йўл қўймайди энди.

\* \* \*

Командор Стратмордан йигирма минг миль нарида Токуген Нуматака оғзида Умами сигараси борлигини ҳам унтиб, маҳобатли дераза ёнида караҳт қотиб турарди. Ҳозиргина бутун умрига арзигулик энг улкан келишув унинг кўз ўнгидаги парчаланиб кетганди.

\* \* \*

Стратмор олға силжишда давом этди. Келишув тамом. Numatech Corp. ҳеч қачон ечиб бўлмас алгоритмни кўлга киритолмайди... ва МХА ҳеч қачон қора туйнукка эга бўлмайди.

Стратмор орзуларини жуда узоқ вакт режалаштирганди – у яхшилаб ўргангандан кейингина нишон қилиб Numatech'ни танлади. Ўта бадавлат бу компания ҳеч бир қийинчилексиз кимошди савдосида ғолиб чиқиши ҳеч кимни шубҳалантирмасди. Бундан ташқари, компаниянинг АҚШ билан ҳамкорлик қилишига бирорнинг ишонгиси келмайди. Токуген Нуматака ўлимни шарафсизликдан устун кўювчи эски дунё Япониясининг одами. Кария американкларни ёмон кўради, уларнинг анъаналарини ёмон кўради, озик-овқатини ёмон кўради, ҳаммасидан ҳам американкларнинг жаҳон дастурчилик бозорига тутиб турган панжасидан нафратланади.

\* \* \*

Стратморнинг режаси дохиёна эди – ўзида қора туйнук сақлаган бутунжаҳон шифрлаш стандартини яратиш. У жуда узоқ вакт давомида орзуларини Сьюзан билан бўлишишни,

кизни бу масъулиятли вазифани бажаришда елкама-елки кўришни истади, бироқ бунинг иложи йўқ эканлигини яхши биларди. Энзай Танкадонинг ўлими минглаб одамларниң келажакдаги ҳаётини асраб колган эса-да, Сьюзан ҳеч қиҷон бирорвинг умрига зомин бўлишга рози бўлмасди – қиз тинчликпарвар эди. «Мен ҳам тинчликпарварман, – ўйлади Стратмор, – шунчаки ўзимни ростмана тинчликпарвар қилиб кўрсатишинга шароит йўл қўймайди».

Танкадони йўқ килишни кимга топшириш кераклиги ҳақида ўйлаганда командор асло иккиланиб ўтирамади: Танкадо Испанияда – Испания эса Ҳалоҳот дегани. Қирк икки ёшли португалиялик ёлланма қотил Стратморнинг энг севимли профессионал ходимларидан бири бўлиб, бир неча йилдан бери МХА учун ишлаб келарди. Лиссабонда туғилиб, улғайган Ҳалоҳот бутун Европа бўйлаб МХА буюртмаларини бажаради, лекин Форт Мидга – МХА бош қароргоҳига асло ташриф буюрмасди. Қотилнинг ягона камчилиги унинг кар эканлигига эди, шу боис у билан телефон алоқасини йўлга қўйиб бўлмасди. Лекин якинда Стратмор МХАнинг энг замонавий қашфиётларидан бири – Monocle компьютерини Ҳалоҳотга совға килди, сўнг ўзи сотиб олган янги пейджерни компьютерга мослаб қайта дастурлаб чиқди. Шу ондан бошлаб у билан Ҳалоҳот ўртасида бўладиган мулоқот осонлашибгина қолмай, ўзидан из қолдирмас дараҷада маҳфийлашди ҳам.

Стратмор юборган энг биринчи хабар олдинрок муҳокама қилингани учун Ҳалоҳотда ҳеч қандай ортиқча савол уйғотмади: Энзай Танкадони ўлдиринг ва калит сўзни қўлга олинг.

Командор Ҳалоҳот қурбонларни қай усулда йўқ қилишини сўраб ўтирасди, чунки қотилнинг профессионал экани аниқ эди: Энзай Танкадо ўлди, ҳукумат вакиллари эса бунинг сабаби юрак хуружи эканига ишонтирилди. Ҳалоҳотнинг ягона хатоси қотиллик манзилини инобатга олмагани эди. Танкадо оммага мўлжалланган жойда ўлиши режанинг бир қисми эди, аммо кутилмагандага жуда тез йигилган ҳалойик ишнинг пачавасини чиқариб, қотил калит сўзни қиди-

ришга улгурмасидан яширинишга мажбур бўлди. Одамлар таркалганда эса Танкадонинг мурдаси испан полицияси қўлида эди.

Стратмор ғазабдан тутаб кетди. Ҳалоҳот умрида биринчи марта буйрукни тўла бажара олмади ва бу жуда нокулай вақтга тўғри келди. Танкадонинг калит сўзини олиш қанчалик муҳим бўлмасин, ўликхонага гаранг қотилни юбориш ўз жонига қасд қилиш билан баробар эди. Командор жаҳлни йиғишириб, қандай вариантлари борлигини ҳисоблай бошлади; унинг кўз ўнгида бир ўқ билан икки қуённи уриш имконияти гавдаланди. У тонгги 06:30 да Девид Беккерга кўнғироқ килди.

## Тўқсон еттинчи боб

Фонтеин катта тезликда мажлислар хонасига бостириб кирди. Бринкерхоф ва Миж эса унга эргашди.

– Қаранг! – нафаси ичига тушиб ташкарига имо килди аёл.

Фонтеин Крипто гумбази ичидаги бўлаётган тўс-тўполони дераза ортидан кузатаркан, кўзлари олайиб кетди. Бу томоша режада йўқ эди.

Ранги докадек окариб кетган Бринкерхоф деди:

– Дискотека бўлаётганга ўхшайди пастда!

Фонтеин жавоб бермай, гумбазга тикилганча нималар содир бўлаётганини тушунишга уринарди. Бир неча йиллардан бери бекаму кўст ишлаб келаётган Трансхабарда хеч қачон бундай катта носозлик кузатилмаганди. Компьютер кизиб кетяпти, ўйлади Фонтеин ва нима сабабдан Стратмор уни ўчирмаётганига ажабланди. Бир неча сония ичидаги хаёлинни бир жойга жамлаб олган директор мажлислар столи устида турган ички алоқа телефонига ёпишди ва Крипто билан боғловчи тугмачани босди. Гўшакдан қисқа-қисқа эшитилган гудок кўнгирокни амалга ошириб бўлмаслигини билдиради.

– Жин урсин! – сўкинди Фонтеин ва гўшакни жойига шараклатиб ташлади. Бироз ўйланиб тургач, гўшакни қайта олиб, Стратморнинг қўл телефони рақамларини тера бошлади. Бу сафар чакирув овози келди.

Олтита узун гудок.

Бринкерхоф ва Миж миқ этмай Фонтеиннинг занжирбанд йўлбарс каби телефон кабелини уёққа-буёққа судраб юришини кузатарди. Орадан бир дақиқа ўтгач, фазабдан юзи кизариб кетган Фонтеин гўшакни столга улоқтириб, кичкирди:

– Ишониб бўлмайди! Крипто портлаб кетиш арафасида турибди, лекин Стратмор лаънати телефонига жавоб берма-япти!

## Тўқсон саккизинчи боб

Кардинал Гуэрранинг нимқоронғу ҳужрасидан отилиб чиқкан Ҳалоҳот тонгги Қүёшнинг заррин нурларидан камашиб кетган кўзларини қўли билан пана қилиб сўкинди. У черковнинг ташқарисидаги тош девор билан ўралган кичкина ҳовлида туради. Очик дарвозадан Гиральда минорасига олиб борувчи бўм-бўш майдон кўриниб туради. Узокроқдан Санта Круз деворлари кўзга ташланарди. Беккер бунчалик тез ғойиб бўлиши мумкин эмаслигини пайқаган Ҳалоҳот ҳовлини дикқат билан текширишга тушди. У шу ерда бўлиши керак!

Jardin de los Naranjos номли бу ҳовли инглиз мармелади аслида қаерда бунёд бўлганини эсга солиб турувчи йигирма туп апельсин дарахти билан Севильяда машхур эди. Ўн саккизинчи асрда инглиз савдогари Севилья черковидан уч минг туп апельсин кўчатини сотиб олиб, Лондонга қайтган ва кўчатлардан ҳосил берган нордон мевани кўриб ҳафсаласи пир бўлган. Савдогар мевалардан мураббо қилишга уриниб кўрган, аммо мазали мураббо тайёрлаш учун жуда кўп микдорда шакар аралаштиришига тўғри келган. Шу тарзда апельсинли мармелад дунё юзини кўрган.

Ҳалоҳот қўлида куролни маҳкам чангллаганча жуда қариб кетганидан илдизлари тупроқ сатҳига чикиб қолган апельсин дарахтлари томон юрди. Уларнинг энг пастки шоҳлари ҳам жуда баланд бўлиб, кўл чўзиб етиб бўлмас ингичка танасида эса яшириниш учун бирор ковак кўринмасди. Ҳалоҳот унинг бўш эканига ишонч ҳосил қилди ва ногаҳон юкорига қаради. Гиральда минораси!

Миноранинг айланма зиналарига кириш эшиги темир аркон ва ёғоч белги билан тўсиб қўйилганди. Бир юз йигирма метр баландликка бўй чўзган минорага тикиларкан, хаёлига келган фикр аҳмоқона эканини тушунди. Беккер бунчалик бефаҳмлик қилиши мумкин эмас. Гиральданинг энг тепасидаги тош ҳужрага олиб чиқадиган битта-ю битта зинадан бошқа ҳеч қандай кириш-чиқиш йўли мавжуд эмас, минора деворларидағи кузатиш дарчаларидан эса қочишнинг имкони йўқ эди.

\* \* \*

Девид Беккер зинанинг сўнгги пиллапоясини босиб чиқиб, кўз олдида пайдо бўлган митти тош камерани кўрди. У кичкина дарчали баланд деворлар орасида қамалиб қолганди. Ҳеч қандай чиқиш йўли йўқ!

Бугун тонгда қисмат йигитни аяб ўтирумади. Черковдан очиқ ҳовлига югуриб чиқаётган маҳали пиджаги эшик тутқи-чига илиниб, ўртасидан йиртилиб кетди. Тик тушган Қуёш нурларидан ўзини йўқотиб қўйган Беккер гандираклаб, дуч келган биринчи зина томон отилди. У темир арқондан сакраб ўтиб, юкорига ўрмалади, қаерда эканлигини англағанида эса кеч бўлганди.

Айни дамда у тобутдек тор ҳужрада туарди. Беккер-нинг дами ичига тушиб кетди. Бундан ташқари, оғир босим тушганидан жароҳати оловдек куйдираётганди. Эрталабки Қуёшнинг қизғин нурлари тушиб турган дарчалардан бири-нинг ёнига борган Беккер ташқарига назар ташлади. Темир кўзойнакли одам анча пастда йигитга орқасини қилиб, майдончани кузатаётганди. Беккер яхширок кўриш учун тана-сини дарчага янада яқинлаштириди ва ич-ичида қотилга кўр-сатма берди:

– Майдон томонга юр!

\* \* \*

Гиральданинг майдонга тушиб турган сояси қулаган баобаб дараҳтини эслатарди. Ҳалоҳот унинг узунлигига қа-ради. Учта кўриш дарчасидан тушиб турган нурлар соянинг учидаги тўғри тўртбурчак шаклидаги учта дарча ҳосил қилганди. Ногаҳон дарчалардан бирида кимнингдир кўланкаси кўринди. Ҳалоҳот дархол ортига ўгирилди ва миноранинг тепасига қараб ҳам ўтирумасдан, Гиральда зиналари томон шахдам қадам ташлади.

## Тўқсон тўққизинчи боб

Фонтеин чап мушти билан ўнг кифтига зарба бериб, мажлислар залида уёқдан-буёққа асабий юрар ва Крипто гумбази ичидаги айланадиган чироқларга қаради.

– Тўхтат Трансхабарни! Худо ҳаққи! Тўхтат!

Шу маҳал қўлида янги статистика қоғозини кўтарган Миж ҳовликиб кириб келди.

– Директор! Стратмор Трансхабарни тўхтата олмаяпти!

– Нима? – Бринкерхофф ва Фонтеин бараварига сўрашди.

– У уриниб кўрган, жаноб, – Миж хисоботни силкитди,

– Командор тўрт марта Трансхабарни ўчиришга харакат қилган. Аммо компьютердаги аллақандай носозлик бунга рухсат бермаган!

Фонтеиннинг юзидан қон қочди ва яна деразага тикилди:

– Ё Парвардигор!

Ўртага тушган жимликни хонадаги телефоннинг жиринглаши бузди. Директор бироз енгиллашди.

– Ҳойнаҳой Стратмор қўнғироқ қилаётган бўлса керак!

Бринкерхофф гўшакни кўтариб деди:

– Директор офиси эшитади.

Фонтеин телефонга қўл чўзди, аммо Бринкерхофф хавотир аралаш Мижга қаради:

– Бу Жабба. У сен билан гаплашмоқчи!

Директор нигоҳини хонани кесиб ўтиб, аппаратга яқинлашаётган аёлга қаратди. Миж телефон ёнига келиб, баланд овозда гапириш тугмасини босди:

– Гапир, Жабба!

Жаббанинг гулдираган овози хонани тутди:

– Миж, мен хозир маълумотлар омборидаман. Бу ерда жуда ғалати ишлар бўляпти. Ўйлаётгандимки...

– Жин урсин, Жабба, – ўшқирди аёл. – Мен сенга бир неча соатдан бери нима дедим?

– Бу арзимаган нарса бўлиши ҳам мумкин, – ўзини оқлашга уринди Жабба, – аммо...

– Алжирашни бас қил! Бу арзимаган нарса эмас! Маълумотлар базасида нима бўлаётганидан катъий назар, унга

жиддий ёндош, жуда жиддий, Жабба. Менинг статистикам ҳеч қачон янглишмаган, янглишмайди ҳам! – Аёл тутмани босиб, телефонни ўчиришга чоғланаркан, кўшиб қўйди: – Дарвоҳе. Сенга кичкина янгилигим бор. Стратмор Gauntlet’ни четлаб ўтиб, Трансхабарга файл киритибди!

## Юзинчи боб

Ҳалоҳот ҳар 180 градусда учрайдиган митти деразалардан тушаётган офтоб нурлари ёритиб турган зиналарнинг утасини биттада сакраб ўтиб, юкорига интиларди. У қопконда! Девид Беккер тамом бўлди! Беккер исталган маҳал юкоридан туриб ҳужум қилиб қолиш эҳтимоли борлигини ҳисобга олган қотил чўнтағидан қуролини чиқариб, деворга яқинроқ юришга ҳаракат қилди. Беккер акли етса, ҳар бурилиш бошида ерга ўрнатилган шамдонларнинг темир таёкларидан яхшигина қурол сифатида фойдаланиши мумкин. Аммо Ҳалоҳот ўртадаги масофани саклаш орқали йигитни осонгина илғаб олиб, қуролини ишга соларди. Ярим метрлик таёқ қаёқда-ю, тезкор тўппонча қаёқда?

Шундай фикрлар оғушида қотил илдам, лекин хушёр юришда давом этди. Жуда тик қурилган зиналар кўплаб сайёҳларнинг умрига зомин бўлганди. Бу ер сизга Америка эмас – огоҳлантирувчи белгилар, ҳимоя тутқичлари, сугурта компаниялари жавобгарликни бўйнига олмаслиги ҳакидаги афишалар йўқ. Бу ер Испания. Аҳмоқлигингиз туфайли йиқилиб тушсангиз, зиналарни ким қурганидан қатъий назар, бу факат ўзингизнинг айбингиз ҳисобланади.

Ҳалоҳот елка бўйи келадиган дарчалардан бирида тўхтаб, ташқарига кўз ташлади; кўринишидан у ҳозир миноранинг шимолий тарафида, ярим йўлни босиб ўтибди.

Ҳалоҳот турган бурчакдан тепадаги кузатув майдончаси яққол кўриниб туарди. Юкорига олиб чиқувчи зина кимсасиз эди – овчига нисбатан ҳужум ҳаракатлари сезилмасди. Балки Беккер бинога кирганимни пайкамай қолгандир, ўйлади Ҳалоҳот. Бу барча тузлар қотилнинг кўлида тўпланди дегани эди. Ҳатто минора қурилган услугуб ҳам Ҳалоҳотнинг фойдасига хизмат қилаётганди – тепадаги кузатув майдончаси деб аталувчи тош ҳужрага чиқкан қотилга Беккер қайси бурчакда туришининг аҳамияти йўқ, у хеч қандай қийинчиликсиз тўртала томонга бемалол ўт очолади. Қоронғуликдан ёруғликка чиқиши эса вазиятни янада осонлаштиради.

– Ўлим қутиси! – шивирлади Ҳалоҳот ва майдончанинг кириш қисмигача бўлган масофани чамалади. Тахминан

етти қадам. Қотил режа туза бошлади: киришга ўнг томондан яқинлашса, етиб бормасидан турибоқ хонанинг чап томони bemalol кўринади; Беккер ўша ерда бўлса, унга қаратадарҳол ўт очади. Мабодо Беккер чап бурчакда кўринмаса, демак у ўнг тарафда бўлади. Ҳалоҳот ичкарига шарқий томондан яқинлашиб, ўнг бурчакни нишонга олади. Иккита гина ўқ. Ўйин тугайди. Ёлланма қотил жилмайиб, бармоқ учларини ҳаракатга келтирди. Кўзи олдида қуидаги ёзув пайдо бўлди:

*Объект – Девид Беккер йўқ қилинди.*

Нихоят кутилган онлар етиб келди. Кўлидаги қуролини бир кез текширувдан ўтказган Ҳалоҳот важоҳат билан тепага шошилди. Майдонча кўзга ташланди, чап томон кимсасиз эди. Қотил навбатдаги режага ўтиб, ичкарига отилиб кирди ва ўнг тарафга қаратадар ўт очди. Қуролдан отилган ўқ яланғоч деворга тегиб, акс-садо берганча ўзининг ёнидан виззилаб ўтиб кетди. Ҳалоҳот хона ичини кўздан кечириб, аламдан увиллаб юборди. У ерда ҳеч ким йўқ эди. Девид Беккер кўкка учгандек ғойиб бўлганди.

\* \* \*

Ҳалоҳотдан уч қават пастда, Гиральданинг ташқарисида деразага осилиб турган Девид Беккер дорбозни эслатарди. Ҳалоҳот зинага қараб юрганини кўрган йигит уч қават пастлашга улгуриб, ўзини қузатув дарчаларидан бирига урди ва буни жуда вақтида бажарди. Унинг ўнг тарафидан ўтиб кетаётган қотил жуда шошилганидан деразадан чиқиб турган кўйлакнинг оппоқ енгини илғамай қолди.

Дераза ташқарисида осилиб тураркан, Беккер кундалик сквош машғулотлари давомида қўл мускуларини боши устида яхшироқ ҳаракатлантириш имконини берувчи машқларни бажаргани учун Худога шукр қиласарди. Бахтга қарши, қўллари қанчалик бақувват бўлмасин, йигит ичкарига қайта киролмаётганди. Елкаси ачишиб кетди, ёнбошидаги оғриқ кучайиб, кимдир белини ўтмас пичоқ билан иккига ажрататеётгандек азоб бера бошлади. Йўнилган тошдан килинган дераза четига ботиб кетган бармоқлари ҳам толикди.

Беккер саноқли сониялардан кейин қотил зинадан пастга югуриб тушишини сезиб турарди, чунки юқори қаватда туриб дераза четига осилиб қолган одамни пайқамаслик мүмкін эмасди.

Үлимдан қутулиб қолиш учун мұйжиза кераклигини билган йигит күзларини чирт юміб, бор кучи билан тепаға тортилди. Бироқ бармоқлари ортиқ үзиге бўйсунмади. У саланглаб осилиб турган оёқларидан пастдаги, ерда бўй чўзган апельсин дараҳтларига қаради – ўртадаги масофа юз метрдан кўпроқ: бехосдан ерга тушиб кетса, тирик қолиши даргумон. Ёнбошидаги оғриқ тобора кучайди, қадам товушлари яқинроқдан эшитила бошлади. Беккер кўзларини юмди ва тишини тишига босиб, тепага тортилди. Ё ҳозир, ё ҳеч қачон!

Тош қирраси йигитнинг билагини тилиб юборди. Юргилаган қадам товушлари янада тезлашди. Беккер қаттиқрок тирмашиб дарчадан ичкарига киришга уринаркан, оёғини тепага кўтарди, аммо танаси лангарга ўхшаб уни пастга тортарди. Беккер бўш келмай, иккала тирсагини амаллаб дераза тоқига қўйиб олди. Энди унинг кундага қўйилгандек деразадан чиқиб турган бошини ичкаридан туриб бемалол кўриш мүмкін эди. Беккер оёқларини йигиштириб, бор кучи билан ўзини дарчадан ичкарига итарди ва буни бироз уддалади ҳам. Йигитнинг белидан юқориси ичкарига кириб, пасти ташқарида қолди. Жуда яқиндан оёқ қадамлари қулогига чалинди. Беккер дарчанинг иккала четини маҳкам ушлади ва бир харакат билан ўзини ичкарига отди. У зинага қарсилаб йикилди.

\* \* \*

Ҳалоҳот бир қават пастга гурсиллаб қулаган Беккернинг танасини хис қилиб, қуролни тўғрилади ва олдинга отилди. Унинг кўзлари олдида дераза намоён болди. Шу ерда! Қотил четки деворга яқинлашиб, пастки қаватда кўриниб турган Беккернинг оёқларини нишонга олди ва ғазаб билан ўт очди. Ўқ зинага тегди.

Ўлжаси ортидан пастга қувиб тушаркан, Ҳалоҳот иложи борича четки девор ёнидан юришга интиларди – бу пастни

бемалолрок кўриш имконини берарди. Беккер ундан тахминан 180 градус олдинроқда, бинонинг ички девори тарафдан тўрт-беш зинани битта босиб учиб кетаётганди. Ҳалоҳот йигитга эргашди. Яна бир неча сониядан сўнг қотил ўлжасиги етиб олади ва биттагина ўқ бутун ўйинни ниҳоясига еткизади. Беккер минорадан ташқарига чиқиб олган тақдирда ҳам ҳеч қаерга қочиб кетолмайди – очиқ ҳовлини кесиб ўтаётгани маҳали Ҳалоҳот унинг орқасига адашмасдан иккита ўқ жойлаштиrsa бўлди – масала ҳал.

Режаларини пишишиб олган қотил ички девор тарафга сурилиб, қадамини тезлаштиаркан, ўлжаси билан ўртасидаги масофа тобора қисқараётганини ҳис қилди. Дарча ёнидан ўтаётгандага ҳар сафар Беккернинг соясини кўриб туарди. Пастга. Пастга. Айланиш. Қотилга Беккер доим бурчак бўйлаб югураётгандек туйилди. У бир кўзини Беккерда, иккичисини зинада тутиб пастга интиларди.

Тўсатдан Беккернинг сояси қалқиб кетганга ўхшади. Соя чапга қайрилди, сўнг ўгирилиб, яна зина марказига қараб юрди. Ҳалоҳот қуролни отишга тайёрлади: ниҳоят у кўлига тушди!

Рўпарадаги пиллапояларда пўлат буюм яраклаб, ҳали хаёлини йиғиб олишга улгурмаган қотилнинг тўпиги томон учиб кела бошлади. Ҳалоҳот ўзини чапга олишга уринди, лекин кеч бўлганди. Учиб келган буюм зарб билан болдирига урилди. Кутилмаган зарбадан қалқиб кетган Ҳалоҳот жонҳолатда кўллари билан бирор тутқичга суюниб колишига ҳаракат қилди, аммо бармоқлари ҳаводан бошқа ҳеч нарсани тутмади. Девид Беккер ёнбошига қулаб, ёнидан пастга томон умбалоқ ошиб тушаётган қотилни даҳшат ичидага кузатиб турди. Беккер улоктирган шамдон таёқ Ҳалоҳотнинг оёғига ўралашиб, уни пастга тортарди.

Ҳалоҳот думалаб бориб миноранинг четки деворига урилди, навбатдаги зарбадан пастга юмалади, қўлидаги қурол эса полга тараклаб тушди. Боши билан оёғи бир-бирига қалишиб кетган Ҳалоҳотнинг танаси пастга қулашда давом этди. Беш марта тўлик 360 градусга буралган қотил апельсинли боға этагига отилиб тушди.

## Бир юз биринчи боб

Хеч қачон совук қуролга құл текизмаган Девид Беккер бармоклари билан Ҳалоҳотнинг кўлидан учиб тушган тўп-пончани маҳкам сиққанча Гиральданинг қоронғу зиналари этагида ётган рақибининг танаси томон охиста юрди. Сал қимирлаганини сездимми – тамом, отаман, ўйлади Беккер. Аммо ҳеч ким ортиқча ҳаракат қилмади. Салкам юз метр баландликдаги зиналардан думалаб тушган Ҳалоҳот аллақачон жон таслим қилган эди.

Беккер қуролни тушириб, зинага ўтиреди. Умрида биринчи марта кўзларидан ёш дувиллаб оқиб, чанг бўлиб кетган юзларини ювди. Йигит ўзини қўлга олишга бесамар ҳаракат қиласади. Кўз ёши ва хурсандчилик учун кейинрок вакт тошилади, ҳозир эса уйга кетиш зарур. Беккер шуларни ўйлаб ўрнидан туришга уринди, аммо қимирлашга мадори етмади. У бироз муддат тош пиллапояда ўтириб дам олишга қарор қилди.

Беккернинг эътиборини олдида буралиб ётган ўлик тана тортди. Қотилнинг ҳаёт аломатлари ўчган кўзларидан ҳеч нарсани англаб бўлмасди. Ғалати жиҳати шунда эдики, шундай баландликдан кулаган бўлса ҳам, темир кўзойнагига гард юқмаганди. Ажабтовур кўзойнак, хаёл қилди Беккер, қотилнинг қулоқларидан чиқиб қайишига уланган симларга назар ташларкан. Булар аслида нимага хизмат қилишини аниқлашга йигитда ортиқча куч ҳам, қизиқиш ҳам йўқ эди.

Пиллапояда ёлғиз ўтириб, фикрларини жамлаб олишга ҳаракат қиласкан, Беккер нигоҳини бармоғидаги узукка қаратди. Кўз олди анча тиниқлашган йигит ниҳоят узукка ёзилган белгиларни ўқий олди; олдин шубҳаланганидек, ёзув инглизча эмасди. Ўйиб ишланган сўзларга узоқ тикилиб турган Беккернинг ковоғи уйилди: наҳотки шу сўзларни деб ўлиб кетишимга оз қолди?

\* \* \*

Беккер минорадан ташқарига чиққанида тонгги Қуёш кучини аямай қизитишни бошлиғанди. Ёнбошидаги оғриқ пастрлаб, кўз олди ёруғлашган Беккер бир лаҳза апельсин

гулларининг муаттар ифоридан маст бўлиб турди, сўнг сеннике билан ховли бўйлаб юра бошлади.

Йигит кўчага чиқиб, минорадан узоклашди. Унинг яқинида ғийқиллаб тўхтаган мини-автобус ичидан икки навқирион, ҳарбий кийимдаги зобит отилиб тушди. Улар тўғри Беккерга яқинлашишди.

– Девид Беккер? – сўради зобитлардан бири.

Беккер исмини эшишиб, тўхтаган.

– Ким... Кимсизлар?

– Биз билан юринг, илтимос! Ҳозироқ!

Бу ғалати учрашув Беккернинг эндингина тинчиган асабларини қақшатиб юборди. У беихтиёр ортга тисарила бошлади.

Бўйи пастакроқ одам йигитга совуқ тикилди:

– Бу тарафга юринг, жаноб Беккер. Ҳозироқ! – қайтарди у.

Беккер унга қулоқ солмай, югуриш учун ортга ўгирилди-ю, икки қадам босишга улгурди. Зобитлардан бири чўнтағидан қурол чиқарди. Сўнг ўқ овози эшитилди.

Беккернинг кўкрагида пайдо бўлган чидаб бўлмас оғриқ миясигача етиб борди. Дастреб бармоқлари, сўнг бутун вужуди фалажланиб, ерга қулади. Бир неча сониядан кейин йигитнинг кўз олдида тубсизликдан бўлак ҳеч нарса қолмади.

## **Бир юз иккинчи боб**

Ниҳоят Трансхабарнинг илдизи жойлашган сўнгги қаватга етиб борган Стратморнинг зинадан пастга қўйган оёғи шилпиллаб сувга тушди. Ёнидаги маҳобатли компьютернинг титраётган металл корпусига ҳамоҳанг момоқалдирикдек гумбурлаётган огоҳлантирувчи сигналлар билан бирга туманли ҳавода учиб юрган сув томчиларидан иборат қават бу ерда қандайдир даҳшатли воеа содир бўлиш арафасида турганидан далолат бераётгандек эди гўё.

Командор носозликка учраган асосий генераторга кадари. Ҳолливуд фильмларидағи қўрқинчли саҳналарни ёдга солиб, Фил Чатрукян, аникроғи унинг парча-парча бўлиб кетган танаси генератор парраклари бўйлаб сочилиб ётарди.

Стратмор ёш ходимига ачинса-да, унинг ўлимини тасодифий йўқотиш деб хисобларди. Вирус хақида оғзини кўпиртириб, пастки қаватга Трансхабарни ўчириш илинжида тушаётган техник ходимни учратган Стратмор у билан ўзини босиб гаплашиб олмоқчи, вазиятни тушунтирумокчи бўлди. Аммо Чатрукян эшлишини ҳам истамасди: бизда вирус бор! Мен Жаббага кўнғироқ қиласман! Йигит шундай деб олдинга ўтишга уринганида Стратмор унинг йўлини тўсади. Зиналарнинг энсиз оралиғида улар ўртасида кураш бошланди. Стратмор беихтиёр Чатрукянни қаттироқ итариб юборганди, йигит орқасига қалқиб, ўзини ўнглолмай панжаралар оша пастга қулади. Унинг бўғзидан этни жунжиктирувчи ўкирик отилиб чиқди, сўнг атрофни жим-житлик қоплади. Командор ходимининг чакагини ўчиришни истаганди, аммо унинг умрига зомин бўлиш хаёлига ҳам келмаганди. Лекин ҳақиқий даҳшатни Стратмор бироз ўтиб, куйидаги зиналардан кўзларида котиб қолган кўркув ичida ўзини кузатаётган Грег Хейлни кўргач ҳис қилди. Ва ўша ондаёқ Хейлнинг келажак тақдирини ҳал қилиб қўйди.

Трансхабардан чиқсан гумбурлаган товуш командорнинг хаёлинни бажариши лозим бўлган вазифага каратди. Чатрукяннинг сочилиб ётган танасидан чапдаги фреон насосларининг ёнбошида турган электр назорати пишанги командорга элас-элас кўриниб турарди. Ҳозир Стратмор бориб

пишангни пастга тортса бўлди – Криптолаги электр энергиясига қўшилиб Трансхабар ҳам бутунлай ўчади. Бир нечи сония ўтгач, у асосий генераторларни ёқади; ҳамма эшиклар қайта ишга тушиб, насослар яна фреон чикаришни бошлайди, шу тариқа Трансхабар омон колади.

Режасини хаёлида пишириб пишанг томон эҳтиёткорлик билан одимлаган Стратмор унинг олдида яна бир тўсик борлигини тушунди. Генераторнинг совитувчи парракларига Чатрукяннинг тана қолдиклари тикилиб қолгани туфайли асосий генераторни ўчириб қайта ёкиш яна бир муваффакиятсизликка олиб келади. Дастреб уни Чатрукяннинг бўлакларидан тозалаш зарур.

Стратмор йўлида сочилиб ётган гўшт парчаларига ирганиб нигоҳ ташлади ва парракка ўралашиб қолган жасаднинг кўлинини ушлади. Чатрукяннинг териси бутунлай кўйиб, бужмайиб кетган танасида бир томчи ҳам суюқлик изи ёқ эди. Командор кўзларини юмиб, уни билагидан маҳкам ушлаб ўзига тортди, тана икки-уч сантиметр олдинга чиқди. Стратмор қаттиқроқ тортди. Тана янада кўпроқ сурилди. Командор бир нафас тин олгач, бармоқлари билан марҳумнинг билагини чанглаб, бор кучи билан ўзига силтаган эди, тўсатдан мувозанатни йўқотиб, орқаси билан ерга йикилди. Шошиб ўрнидан туришга уринаётган командор қўлидаги нарсага кўзи тушиб, эсхонаси чиқиб кетаёзди: унинг муштлари Фил Чатрукяннинг тирсакдан узилиб кетган панжасини маҳкам кисиб турарди.

\* \* \*

Юқори каватда, Nod 3 даги юмшоқ диванда оёклари остидаги Хейлнинг мурдасига ҳиссиз тикилиб ўтирган Сьюзан хаёлларини бир ерга йиғолмаётганди. Орадан анча вақт ўтди. Киз нима сабабдан командор ушланиб қолгани ҳақида бош қотиради. Девид ҳақидаги фикрларни миясидан қувиб чикаришга уринди. Бироқ ҳар сафар огоҳлантирувчи сигналнинг чинкириши эшитилганда, кизнинг қулоқлари остида Хейл ёзган жумлалар акс-садо берарди: Девид Беккер учун жуда афсусдаман! Сьюзан шу кетишда жим ўтираверса, аклдан озиши ҳеч гапмаслигини ўйлади ва ўрнидан сакраб

турди. Ташқарига отилмоқчи бўлиб турганида у орзикиб кутаётган воқеа содир бўлиб, жойида қотиб қолди – Стратмор нихоят пишангни тортиб, энергия таъминотини ўчирганди.

Крипто биноси сўнгсиз жимжитлик, қоронғу зулмат ичига чўкди; чинкираётган сигнал товушларининг овози ўчди, сиреналар ортиқ нур таратмасди. Nod З даги компьютер экранларининг барчаси бараварига корайди, уларга қўшилиб Грэг Хейлнинг жасади ҳам кўздан ғойиб бўлди. Сьюзан одамни ютиб юборгудек зимистондан эти жунжикди ва оёкларини диван тепасига йиғиштириб, Стратмор қолдириб кетган костюмга яхшилаб ўраниб олди.

Қоронғулик.

Сукунат.

Сьюзан иш фаолияти давомида ҳеч качон Крипто бунчалар сокин бўлганини қўрмаган. Аммо ҳозир бинода дам олишга тутинган баҳайбат компьютернинг ер ости процессорларидан чиқаётган ўта паст виссалаган овозгина эшитиларди.

Қиз кўзларини юмди ва Парвардигордан севимли инсонини паноҳида асранини сўраб дуо килишга тутинди.

Сьюзан диндор аёл эмасди, у дуолари учун Худодан жавоб ҳам кутмаётганди. Аммо илтижосини тугатар-тугатмас юрагида қаттиқ титроқ пайдо бўлди. Сьюзаннинг ўтакаси ёрилиб, сакраб ўрнидан турди ва кўкрагини чангллади. Бир неча сониядан сўнг нима бўлаётганини англади. Қизнинг юрагини титратиб юборган нарса Худонинг қўли эмас, командор костюмининг олд чўнтагидан келаётган экан. Командор овоздиз режимга қўйган пейжер кимдир хабар юборганини билдириб, дириллашни бошлаганди.

\* \* \*

Стратмор олти қават пастда, қуи қаватларга чўккан зулматдан баҳра олиб, пишанг ёнида қотиб турарди. Унинг устига юкоридан сув томчилари тунги ёмғир каби шовуллаб тўкилди. Стратмор бошини орқага эгиб, қилган гуноҳларидан покланмоқчи бўлгандек юзини сув зарраларига тутди. Мен мақсадимга етаман! У тиззалади ва Чатрукяннинг қўлига ёпишиб қолган танаси бўлакларини ювиб ташлади.

Қанчалар оғриқли бўлмасин, командор Рақамли қалъи ҳақидаги орзулари барбод бўлганига кўнига олади. Ҳозир энг мухими – Сьюзан. Бир неча ўн йилдан бери эркак биринчи марта бу ҳаётда ватан ва бурчдан ҳам кўра мухимрок тушунчалар борлигини тушуниб етди. Умрининг энг яхши йилларини мамлакати олдидаги бурчини бажариш учун сарфлади. Мухаббат-чи? Сьюзанга бўлган туйғуларини ҳамиша ичидаги сақлади. Нима учун? Аллақандай ёш профессор барча орзуларидан маҳрум этиши учунми? Стратмор Сьюзанни улғайтириди. Стратмор Сьюзанни ҳимоя қилди. Стратморгина Сьюзанга муносиб. Мана ниҳоят орзулари амалга ошиш арафасида. Бошига тушган оғир жудоликдан сўнг бечора Сьюзан командорнинг бағридан паноҳ қидириб келади, ана шунда командор кизга ҳақиқий мухаббат барча яраларни даволашга қодир эканини исботлайди.

Ватан. Шон-шараф. Мухаббат. Девид Беккер шу учаласи учун қурбон бўлмоқда эди.

## Бир юз учинчи боб

Пастки қаватнинг чиқиши эшигидан ўлимдан бош кўтариётган девдек командор Стратмор чиқиб келди. Шалоббо кийимларига қарамай, қадамлари енгил эди. Командор Nod З томон, ичкарида кутиб турган Сьюзан томон, нурафшон келажак томон илдам одимлади.

Пишанг туширилиб, электр энергияси бутунлай ўчирилганидан сўнг қайта ёкилгач, яна нур қайтган Крипто чароғон эди. Пастда ишга туширилган насослар Трансхабар ичига фреон ҳайдаб бериб, баҳайбат компьютерни кислород билан таъминлаётгандек эди гўё. Командор фреонлар корпуснинг энг тагига етиб бориб, процессорларни ёниб кетишдан саклаб қолиши учун бир неча дақика кераклигини биларди, аммо вақтида ҳаракат қилганига ишончи комил эди. Ўзини олдинда кутаётган мағлубиятдан бехабар командор Стратмор эришган ғалабасидан мағуруланиб чукур нафас олди.

— Мен доим мақсадимга эришаман, — ўйлади эркак ва дөврдаги тесхикка эътибор қилмай, Nod З нинг электрон эшиги томон юрди. Яқинлашаётган қадам товушларини сезган эшик икки ёнга овозсиз очилди, командор ичкарига қадам ташлади. Рўпарасида пешвоз чиқиб турган Сьюзанни кўриб кўнгли ёришиб кетди. Намиқкан, ёқавайрон кофтаси танасига ёпишган аҳволида ёмғир остида қолиб кетган навниҳол биринчи курс талабасини эслатиб юборган қизга нигоҳи тушган эркак дирдираётган гўзалга костюмини бериб ёрдам кўрсатган битирувчи талабадек ёш ва навқирон ҳис килди ўзини. Унинг орзулари рўёбга чиқаётганди.

Лекин Сьюзанга яқинлашаркан, бутунлай бегона аёлга кўзи тушгандек бўлди. Қизнинг нигоҳларидаги мулойимлик қаергадир йўқолиб, унинг ўрнини чексиз совуқлик эгаллаганди. Жонсиз ҳайкалдек қимир этмай турган Сьюзаннинг кўзларидан шашқатор ёш окарди.

— Сьюзан, аҳволинг яхшими?

Командор овоз чиқариши биланоқ бир томчи кўз ёши думалаб, қизнинг ёноғига тушди.

— Нима гап? — командорнинг ранги оқариб кетди.

Хейлнинг танасидан сизиб чиққан кон гиламда ёғ тўки-

либ кетгандек дөг қолдирғанди. Стратмор бир мурдага, бир Сьюзанга қаарди. Наҳотки ниманидир илғаган бўлса? Бундай бўлиши мумкин эмас. Ҳамма излар йўқотилган.

– Сьюзан, нима гап? – такрорлади эркак.

Қиз жойидан қимир этмади.

– Девиддан хавотир оляпсанми?

Суюклисининг исмини эшлиб, Сьюзаннинг юкори лаби титраб кетди.

Стратмор яна бир қадам ташлаб, қизнинг елкасига қўлини қўймоқчи бўлди-ю, иккиланиб қолди. Девиднинг исми ўртадаги музни ёргандай эди. Қизда дастлаб уйғонган енгил титроқ ўрнини қалтираш эгаллаб, бутун танаси ларзага келди. Тўхтамай титраётган лабларини базўр назорат қилаётган Сьюзан гапириш учун оғиз жуфтлади, аммо бўғзидан ҳеч қандай сас отилиб чиқмади.

Қиз музлаган нигоҳларини узмай командорга яқинлашиди, устига илиб олган пиджакнинг чўнтағидан қалтираган кўллари билан бир буюм чиқарди.

Дастлаб Стратморнинг хаёлига Беретта тўппончаси келди, лекин қурол ҳамон полда, Хейлнинг ёнида ётарди. Сьюзаннинг қўлидаги кичикроқ буюмга кўзи тушган командор нималар содир бўлганини тушуниб, юраги уришдан тўхтаб қолгандек бўлди. Йиллар мобайнида қанчадан-қанча хавфли рақибларни енгиб келган командор бугун севгидан кўзи кўр бўлиб, аҳмоқликка йўл кўйди ва мағлубиятга учради. Олийжаноблик белгиси сифатида Сьюзанга тутқизган пиджагининг чўнтағида пейджер борлигини бутунлай унутганди.

Энди ҳайкалдек тилдан қолиш гали командорга келди. Сьюзаннинг қўли қалтираб, ортиқ пейджерни тутиб туролмади, митти буюм Хейлнинг оёқлари остига тушди. Оғир хиёнатдан қолган азобли аламзадаликни кўзларига жо қилган Сьюзан Флетчер бир сўз айтмай эркакнинг ёнидан ўтдида, Nod 3 дан чиқиб кетди.

Командор қизнинг ортидан эргашмай, секин эгилиб, пейджерни қўлига олди. Унда ҳеч қандай янги хабар кўринмасди – Сьюзан келган мактубларнинг ҳаммасини ўқиб бўлганди. Стратмор хабарлар рўйхатини текшира бошлади.

*Объект: Энзай Танкадо – үйүк қилинди.*

*Объект: Пьер Клушар – үйүк қилинди.*

*Объект: Ганс Ҳюбер – үйүк қилинди.*

Рўйхатни қўздан кечиришда давом этаркан, Стратмор юрагини эгаллаб олган ваҳимани енгишга уринди. Тушунтириб бероламан! Сьюзан тушунади. Мамлакат! Бурч! Лекин командор ҳеч қачон тушунтириб беролмайдиган яна бир мактуб бор эди. У қалтироқ қўллари билан охирги хабарни очди.

*Объект: Девид Беккер – үйүк қилинди.*

Жумлаларни ўкиб бўлган Стратмор бошини қўтаролмай қолди. Унинг орзулари ҳеч қачон кўкармайдиган бўлиб ер каърига чўкиб кетганди.

## Бир юз түртинчи боб

*Сьюзан зўрга қадам ташлаб, Nod 3 дан ташқарига чиқди.*

*Объект: Девид Беккер – йўқ қилинди.*

Қиз Криптонинг асосий эшиги томон йўналди; унинг миясида Грег Хейлнинг сўзлари айланарди: Сьюзан, Стратмор мени ўлдирмоқчи! Сьюзан, командор сизга ошик бўлиб қолган!

У баҳайбат айланма эшикка етиб бориб, мадорсиз бармоклари билан керакли кодларни терди. Эшик очилмади. Қиз яна уриниб кўрди, аммо улкан пўлат парчаси айланмасди. Сьюзаннинг томоғидан аччиқ нидо отилиб чиқди – энергиядан узилиб қолган вактда барча чиқиш кодлари ўчиб кетган кўринади. Сьюзан ҳамон қопқонда эди.

Шу маҳал ҳеч қандай огохлантиришсиз орқадан келган икки кўл қизнинг белига чирманиб, унинг ярим жонсиз та-насини қучишига интилди. Грег Хейлники каби ўта бақувват бўлмаса-да, пўлатдек мустаҳкам ички қатъият ва безовталик сезилиб турган таниш бармоклар илк маротаба Сьюзандаги жирканиш туйғусини уйғотди.

Қиз ўгирилди. Рўпарасидаги эркакнинг юзидағи қўркув ва тушкунлик аломатини Сьюзан умрида кўрмаганди.

– Сьюзан, – ялинди Стратмор қизни маҳкам ушлаб, – ту-шунтиришимга ижозат бер.

Қиз уни ўзидан итаришга уринди.

Командор уни янада маҳкамроқ қисди.

Сьюзан қичқирмоқчи бўлди, лекин овози чиқмади; югуришга ҳаракат қилди, аммо кучли қўллар исканжасидан кутуломади.

– Мен сени севаман, – шивирлади эркак bemажол типирчилаётган кизни бағрига босишга интиларкан, – мен сени ҳамиша севиб келганман.

Сьюзаннинг ошқозонида қаттиқ оғриқ турди.

– Мен билан қол! Мени ташлаб кетма! – ёлворарди командор.

Қизнинг кўз олдида даҳшатли саҳналар гавдалана бошлиди – Девиднинг абадий йўқлик учун юмилаётган тиник яшил кўзлари; гиламда чўзилиб ётган Грег Хейлнинг жонсиз мурдаси; генератор парракларидағи Фил Чатрукяннинг куйиб кетган жасади.

– Барча азоблар ўтиб кетади, – деди овоз. – Сен яна севиб қоласан.

Қиз ҳеч нарсани эшиитмасди.

– Мен билан қол, – илтижо қилди эркак. – Барча жароҳатларингга малҳам бўламан.

Съузан унинг кучоғидан чиқишига бесамар уринишда давом этарди.

– Барчасини иккаламиз учун килдим. Ахир бир-биримиз учун яралганмиз, Съузан, сени севаман. – Командор ўн йил мобайнида айтишни истаган жумлаларини ниҳоят бўғзидан ташқарига чиқарди. – Мен сени севаман! Мен сени севаман!

Шу пайт Стратморнинг ожиз эътирофига норозилик билдиргандек ўтгиз метр наридаги Трансхабардан аёвсиз вишиллаган товуш эшитилди. Жарлик ичидан кўтарилиб келаётган заҳарли илоннинг вишиллашига ўхшаган бу товуш бутунлай янгича эди. Фреонлар керакли жойга вақтида етиб бормаган кўринади.

Командор беихтиёр Съузанни кўйиб юбориб, икки миллиард доллар туродиган компьютерга қараб юрди. Унинг кўзлари кўрқувлан олайиб кетганди.

– Йўқ! – қичқирди командор қўли билан бошини чангальларкан. – Йў-ў-ўқ!

Олти қаватли қоя силкинишни бошлади. Стратмор гандираклаб, гумбурлаётган корпусга якинлашиб, ғазабланган Худо олдидаги осий банда каби тиз чўкди, аммо энди тазаррулардан фойда йўқ. Охирги қаватда жойлашган Трансхабарнинг титан процессорлари етарлича фреон бўлмагани боис қизиб, ўт олган эди.

## Бир юз бешинчи боб

Уч миллион кремнийли чип оркали юкорига ўралаган ёнғиндан чиқадиган овозни ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Ўт тушган ўрмондаги дараҳтларнинг қасирлаши, бўрон ғувиллаши, қайнаб чиқаётган иссиқ булоқларнинг вакирлаши – ҳаммаси маҳобатли корпусда жамланганди. Трансхабар ичидаги камалиб колган иблис жаҳл устида кочишга имкон истарди. Дунёдаги энг қиммат компьютер саноқли онлардан кейин саккиз қаватли дўзахга айланиш арафасида турганди.

\* \* \*

Стратмор Крипто чиқиши эшиги ёнида қотиб турган Сьюзанга ўгирилиб, унинг кўз ёши ювган юзларига тикилди. У ердаги фариштанинг ўзи, деб ўйлади командор ва жаннатни кўриши илинжида қизнинг кўзларига назар солди, аммо топгани ўлим бўлди. Сьюзаннинг кўзларидаги ишонч ўлганди. Муҳаббат ва бурч йўқолганди. Бир неча йиллар давомида Стратморга яшаш учун куч берган фантазияларнинг барчаси ғойиб бўлганди. Сьюзан ҳеч қачон командор Тревор Стратморники бўлмайди. Ҳеч қачон! Командорнинг миясига аччиқ хақиқатга қўшилиб бўшлиқ кириб олди.

Рўпарасидаги Трансхабарга маъносиз термуларкан, қизнинг мияси ҳозир улар томонга деворлар ичидаги қамалиб қолган олов югургилаб келаётганини яхши билиб турарди. Ёнаётган чиплардан чиқкан кислород билан тўйинган олов борган сари тезроқ кўтарилаётганди. Криптонинг ердаги дўзахга айланишига бир неча дақиқа қолди.

Қизнинг мияси югуришни буюрса-да, Девиднинг ўлими елкасидан босиб, кимирилашга изн бермади. Югар, Сьюзан, қоч бу ердан, азизам! Қизнинг қулоқлари остида йигитнинг овози жаранглади, лекин борадиган жойнинг ўзи йўқ. Крипто муҳрланган тобутга айланди. Шундай бўлса-да, ўлим билан юзлашув қизни чўчитмаётганди. Ўлим оғрикни енгиллаштиради. Ҳеч бўлмаса нариги дунёда Девид билан бирга бўлади.

Денгиз тубидан улкан маҳлук кўтарилаётган мисол Крипто поли ларзага келди. Шовқин ичидаги Девид қичқиргандек бўлди: Югар, Сьюзан! Югар!

Стратмор қизга якинлашди. Унинг кулранг нурсиз кўзларида хаёт асорати сезилмасди. Сьюзаннинг юрагидан жой олган қахрамон, ватанпарвар инсон ўлиб, унинг ўрнига қотил сиймоси гавдаланди. Командор қўлларини қизнинг белидан ўтказиб, бечораҳол кучишга уринди, ёнокларидан ўпиб, илтижо қилди:

— Кечир мени. — Сьюзан итариб ташлашга уринса ҳам, Стратмор кўйиб юбормади.

Трансхабар отилишга тайёрланаётган ракета каби қалтирашни бошлади, Крипто поли қаттиқ силкинди. Стратмор қизга қаттиқроқ ёпишди:

— Мени ташлаб кетма, Сьюзан. Сен менга кераксан.

Бу гаплардан Сьюзаннинг эти жунжикиб кетди. Узокдан Девид яна қичкирди: Мен сени севаман, Сьюзан! Қоч бу ердан! Дархол! Қаердандир билагига куч йигилган киз каттиқ силтаниб, командорнинг қучоғидан чикиб кетди. Бу орада Трансхабардан тараалаётган овоз қулоқни кар қиласар даражада кучайди, олов керамик девор чўққисига етиб келганди. Трансхабар тобора хавфли гумбурларди.

Девиднинг товуши Сьюзанини кўтариб, тўғри йўлга бошлиётгандек бўлди. Киз туғруқ арафасидаги хотин каби ўқираётган Трансхабарни ортда колдириб, Крипто залини кесиб ўтди ва Стратморнинг офиси томон чопди.

Энг сўнгги кремнийли чип куйиб тамом бўлгач, ғоят улкан иссиқлик тўлқини полни ёриб ўтиб, портлаш ҳосил қилди, атрофга керамик деворларнинг парчалари довулдек дувиллаб тўкилди. Бир неча сония ичидаги Криптонинг кислородга бой ҳавоси пайдо бўлган бўшлиқ ўрнини тўлдиришга киришди.

Сьюзан эндингина зинанинг охирги пиллапояларига етиб, туткични ушлаган ҳам эдики, бағоят кучли иссиқ шамол оқими ичига тушиб қолди. Нималар бўлаётганини англашга улгурмасидан босим терс айлантириб ташлаганда қизнинг нигоҳи пастда, Трансхабар ёнида турган МХА операциялар бўйича бош директор ўринбосарига тушди. Командорнинг атрофини куюн ўраб олган бўлса ҳам, унинг кўзларida хо-

тиржамлик ҳукмрон эди. Командорнинг лаблари бемажол кимиirlab, сўнгги сўзлари оғзидан учиб чиқди:

— Съозан!

Трансхабарга кирган ҳаво олов билан алоқага кириши-ши туфайли чақнаган чақин ичидан командор Тревор Страт-мор дастлаб инсон қиёфасидан қоп-қора қўланкага, кейин эса афсонага айланди.

Даҳшатли портлашдан келган босим Съозанни иткитиб, командорнинг офиси ичига отиб юборди. Ҳушидан кетаёт-ган қизнинг ёдида бостириб келаётган иссиқликини қолди.

## **Бир юз олтинчи боб**

Мажлислар хонасининг деразаси ёнида даҳшатдан дами ичига тушиб кетган уч киши пайдо бўлди. Криптода бўлиб ўтган портлаш бутун бошли МХА мажмуасини ларзага солганди. Лиленд Фонтейн, Чед Бринкерхоф ҳамда Миж Милкен нафас олишни ҳам унтиб қўйиб, ола-кула кўзларини ташқарига баравари тикканча қотиб туришарди.

Ўттиз метр пастда Крипто гумбази ёнғин ичидаги колганди. Поликарбонат том жойида турган бўлса-да, шишаванд гумбаз остида кўтарилиган олов аралаш қорайган тутун даҳшатини кўрмаслик учун кўр бўлиш керак эди.

Учала одам ҳам улкан йўқотишининг натижаларини ўйлаб, бир сўз дейишга ожиз қолди.

Ниҳоят жимликни ожиз, лекин қатъиятли овозда директор Фонтейн бузди:

– Миж, кутқарув жамоасини юборинг Криптога... Хозирок!

Фонтейн гапини тугатишга улгурмасидан телефони жиринлаб қолди.

Кўнғироқ қилаётган одам Жабба эди.

## **Бир юз еттинчи боб**

Съозан орадан қанча вакт ўтганини билмайди. Томоғига тиқилған аччик тутундан ўзига келган қизнинг боши айланыб, атрофга күз югуртирди. У командорнинг столи орқасидаги гиламда ётарди. Ёнаётган оловгина ёруғлик таратарди. Ҳавоси ачимсик пластикнинг куйган хиди билан тўлган хонанинг хона сиёхи қолмаган, у хароба кулбага айланган эди. Пардалар олов ичидা, деворлар тутамоқда эди.

Нихоят Съозан ҳаммасини эслади.

Девид!

Вахима ичидა ўрнидан турди, томоғига тиқилған ўткир хиддан ўзини йўқотиб, ташкарига чиқиш йўлини қидирганча эшик томон кадам ташлади. Остонани хатлаб ўтганида оёғи бўшлиққа тегди-ю, эшик тутқичини вактида ушлаб, кулашдан омон қолди; пастга олиб тушувчи зиналар ғойиб бўлганди. Ўн беш метр қўйидаги Крипто залига назар ташлаган Съозаннинг эси оғаёзди. Зал аланга денгизи ичидা қолганди; уч миллион кремнийли чипнинг эриган қолдиклари Трансхабар ичидан лава каби оқиб, қалин ачқимтири турун тепага ўрмаларди. Съозанга бу ҳид таниш эди. Кремний туруни – ўлим олиб келувчи заҳар ифори.

Офисга, аникроғи, офиснинг қолдикларига қайтиб кирган қиз хушидан кета бошлади. Томоғи ёнаётганди. Бутун бошли бино оловсимон ёруғлик билан тўлганди. Крипто жон таслим қилаётган эди. Мен ҳам ўламан, ўйлади Съозан.

Шу маҳал қизнинг бу дўзахдан чиқишининг ягона усули ёдига тушди – командорнинг лифти. Аммо портлаш натижасида электроника ишдан чиқишини яхши билган қиз умидсизликка тушди. Қалинлашаётган турун ичидаги нима қиласини билмай тураркан, қизнинг қулоғида Грег Хейлнинг сўзлари эшитилди: лифт асосий бинодаги электр энергиясида ишлайди. Мен схемаларни ўз кўзим билан кўрганман. Бунинг тўғри эканини Съозан биларди. Бундан ташкари, унинг лифт шахтаси портлашга чидамли маҳсус бетон билан химояланганидан ҳам хабари бор эди.

Атрофини ўраб олган турун ичидаги кўзлари, томоғи ачишаётган қиз лифт эшиги сари қокина-қокина юрди. У ерга

етиб борганида қорайиб турган чакирав тутмасини босди. Лифт очилмагани боис сүнгги умиди чирт этиб узилган қиз ерга ўтириб колди ва охирги кучини тўплаб, лифтнинг эшигни муштлай бошлади.

Шу вақт эшик ортидан ғичирлаган товуш эшитилиб, лифт фойтуни этиб келгандек бўлди. Сьюзан чақирав тутмасини қаттироқ босгач, яна ўша ғичирлаган овоз келди.

Кутилмаганда қиз уни кўрди.

Курум билан қопланиб, қорайиб кетган чакирав панели қизнинг бармоқлари остида хира нур сочиб турарди.

Лифт электр таъминотидан узилмабди!

Юраги потирлаб ураётган қиз тутмани бор кучи билан муштлай бошлади. Лифтнинг ёпиқ эшиклари ортида нимадир қайта-қайта ғичирлар эди; лифт вентиляцияси парракларининг шовқини қизнинг қулоғига чалинди. Лифт шу ерда! Нимага лаънати эшиклар очилмаяпти?

Сьюзаннинг нигоҳини биринчи чакирав панелининг тагида милтиллаб нур сочиб турган иккинчи панель – А дан З гача ҳарфлар ёзилган тутмачалар тортгач, у тушунди. Лифтни очиш коди!

Эриган дераза ромларидан ичкарига заҳарли тутун буруксиб кираётганини кўрган қиз тезроқ харакат қилиши кераклигини англаб, лифт эшигини очишга уринди, аммо бундан бирор иш чиқмади. Лифтни очиш коди. Стратмор унга кодни айтмаганди. Тутун хонани бир зумда тўлдирди. Сўнг у Сьюзаннинг нафас йўлларига тикилди, қаттиқ йўтал тутиб, ҳолсизланганча ерга йикилди. Қиз ҳаво етишмовчилиги туфайли хушдан кетаётганини ҳис килди, тақдирга тан бериб, кўзларини юмди. Шу вақт Девиднинг аллақаердан янграган овози уни ўзига келтирди: Қоч! Сьюзан! Эшикни оч! Қоч бу ердан! Суюклигининг муҳаббат тўла оташин нигоҳи, ўйноқи табассумини кўриш илинжида Сьюзан базур киприкларини кўтарди, аммо назари олдида А–З ҳарфлари намоён бўлди. Лифтни очиш коди... Қиз панелдаги белгиларга диккатини тўплашга уриниб тикиларкан, пастроқдаги олтита бўш нуктагачаларни кўрди. Демак, код олтита белгидан иборат! Сьюзаннинг мияси автоматик равишда ҳисоблашга тушиб

кетди: йигирма олти ҳарфдан иборат алифбодан керакли олтита ҳарфни аниклаш учун 14,257,651 марта уриниб кўриши эҳтимоли мавжуд бўлиб, ҳар сонияда биттадан тахминни терганда ҳам тўғри кодни топишга салкам йигирма уч ҳафта вакт талаб қилинади...

Ҳеч қачон кодни тополмаслигини тушунган Сьюзан тақдирга тан берди. Лифт эшиги тагида ҳаракатсиз ётаркан, ичига кираётган тутундан тобора қаттиқроқ заҳарланиб, ўлимини кута бошлаган қизнинг қулоқлари остида командорнинг овози эшишилди. У қизни чақираёттанди: Мен сени севаман, Сьюзан! Мен сени бир умр севганман! Сьюзан! Сьюзан! Сьюзан!

Қиз Стратмор аллақачон ҳалок бўлганини биларди, аммо эркакнинг овози жуда яқиндан, табиий янгради. Командор қизнинг исмини қайта-қайта такрорларди:

– Сьюзан... Сьюзан...

Сьюзан миясига ярқ этиб келган фикрдан ларзага келди; қалтираётган танасини аранг кўтариб, панелга қўл чўзди ва титрок бармоқлари билан хаёлига келган ilk кодни терди:

С...Ь...Ю...З...А...Н

Бир сониядан кейин лифтнинг эшиги шараклаб очилди.

## Бир юз саккизинчи боб

Тез суръатларда пастга харакатланаётган лифт ичидаги Сьюзан ўпкасини тўлдириб нафас оларди. У ҳозиргина юз берган мўъжизадан ўзига келолмаётганди. Қиз лифт деворига суюнди. Бироз вактдан сўнг секинлашиб, тўхтаган лифт қандайдир металларнинг шакир-шукури дан сўнг горизонтал йўналишда жадаллаб харакатланишни бошлади. Сьюзан ҳозир МХАнинг асосий мажмуаси томон кетаётганини пайкади. Нихоят, парраклар шовқини тўхтаб, эшиклар очилди.

Йўталини боса олмаётган қиз олдида пайдо бўлган кронгу йўлкага қадам ташлаб, пастак ва энсиз туннелга кирганини кўрди; оёклари остига тортилган иккита сарик чизиқли йўлакнинг охири кўринмасди.

Ер ости шоссеси...

Сьюзан деворни пайпаслаб, туннель ичкарисига қараб бир неча одим босиши биланоқ лифт эшиклари шараклаб ёпилди. Сьюзан Флетчер яна зимишон ичига ғарқ бўлди. Атрофдаги сукунатни деворлар ичидан бир текисда келаётган ғингиллаган товушдан бошқа ҳеч нарса бузмасди. Сьюзан олға юраркан, товуш хам баландроқ эшитиларди.

Кутилмаганда зулмат қаъридан чиқиб келаётган Күёш шуъласи сингари узоқдан ғира-шира оқиш нурлар кўзга ташланиб, туннель деворларини ёритди. Бурилишда митти автомобиль кўринди. Олд чироклари ёғдусидан қизнинг кўзи қамашиб, ўзини четга олди ва қўллари билан кўзини пана қилганча тезлик билан ёнидан ўтиб кетган машинага қараб қолди.

Бироз вакт ўтгач, асфальтга ишқаланган шиналарнинг қулоқни қоматга келтирувчи овози эшитилди; машина моторини бўкиртириб ортга қайтди ва қизнинг ёнида тўхтади.

– Флетчер хоним! – ҳайрат аралаш бақирди кимдир.

Сьюзанга электрон гольф машинасининг олд ўриндиғида ўтирган ҳайдовчининг шакл-шамойили жуда таниш туюлди.

– Ё Худойим! – деди ҳайдовчи. – Аҳволингиз яхшими? Сизни ўлди деб ўйлагандик!

Қиз унга маъносиз тикилди.

– Бу мен – Чед Бринкерхофман, – шоша-пиша ўзини таништириди эркак. – Директорнинг шахсий ёрдамчиси.

Сьюзан сассизгина ғўдранди:

– Трансхабар...

Бринкерхоф бош чайқади:

– Уни унутинг. Тезда машинага ўтилинг! Кетдик бу ердан!

\* \* \*

Гольф машинасидан тараплан нурлар туннелнинг цемент деворларини ёритиб борарди.

– Асосий маълумотлар омборига вирус тушди! – гап бошлиди Бринкерхоф.

– Биламан... – алам билан шивирлади Сьюзан.

– Ёрдамингиз зарур бизга!

Киз йиғлаб юборишдан ўзини зўрга тийиб турарди.

– Стратмор... У...

– Биламиз, у Gauntlet'ни четлаб ўтиб, файл киритиби, – совуқ жавоб қилди эркак.

– Ҳа... ва... яна... – кизнинг бўғзига аччиқ нарса тиқилиди. У Девидни ўлдирди!

Бринкерхоф тасалли бермоқчи бўлгандек қўлини Сьюзаннинг елкасига ташлади:

– Деярли етиб келдик, Флетчер хоним. Сабр қилинг!

\* \* \*

Юқори тезликка эга Кенсингтон гольф машинаси бурилишдан ўтиб, полга ўрнатилган қизил чироқлар билан хира ёритилган йўлак олдида тўхтади.

– Кетдик, – деди Бринкерхоф ва қизга машинадан тушишга ёрдам бериб, йўлакка бошлиди. Сьюзаннинг кўз олдини туман коплагандек эди. Кафель ётқизилган йўлак пастларкан, киз мувозанатни сақлаш учун маҳсус тутқични ушлади ва Бринкерхофга эргашишда давом этди; ичкарилаганлари сари ҳаво совуқлашиб, туннель ҳам торая борди. Шу маҳал уларнинг ортидан келаётган қадам овозининг акс-садоси эшитилди. Кучли ва қатъиятли одимлар. Оёқ

төвүүши янада тиникрок эшитила бошлагач, Сьюзан билан Бринкерхофф бараварига түхтаб, ортга ўгирилишди.

Сьюзан уларга яқинлашаётгандай баҳайбат қора танли одамни умрида учратмаган эди. У яқинлашаркан, қизга бош-оёқ назар солиб чиқди ва сүради:

– Ким бу аёл?

– Сьюзан Флетчер, – жавоб берди Бринкерхофф.

Улкан одамнинг қошлари юқорига күтарилиди. Қоракуяга бурканган афт-ангори, жиққа хўл кийимларига қарамай, Сьюзан Флетчер шу туришида ҳам у ўйлаганидан кўра кучлироқ таасурот уйғотди.

– Командор қаерда? – сүради эркак.

Бринкерхофф бош чайқади.

Баҳайбат одам ҳеч нарса демади, бир сония ўйлаб туриб, Сьюзанга эътиборини қаратди.

– Лиленд Фонтейн, – ўзини таништириди у ва кўришиш учун кўл узатди. – Ахволингиз яхши эканидан хурсандман.

Сьюзан кўзини директордан узмай, унинг кўлини қисди. Қиз ҳамиша қачондир МХА директори билан учрашишини билса-да, уларнинг танишуви бу тарзда бўлишини тасаввур этмаганди.

– Буёққа юринг, Флетчер хоним, – йўл кўрсатди Фонтейн. – Биз ҳозир ҳар қандай ёрдамга муҳтожмиз.

\* \* \*

Қизғиш чироклар ёғдуси остида туннель ниҳоясига етиб борганда уларнинг йўлини пўлат девор тўсди. Фонтейн унга яқинлашиб, шифр блокига кириш кодини терди ва ўнг кўлини шиша панелга теккизди. Тепасида яшин чаққандек қизил нур бир ёниб ўчди, шундан сўнг пўлат эшик гумбурлаб чап томон сурилди.

Сьюзан Флетчер айни дамда МХАдаги энг маҳфий бўлим ҳисобланмиш Криптодан ҳам кўра маҳфийроқ ҳудудга қадам кўяётганини хис қилди.

## Бир юз түккизинчи боб

МХА асосий маълумотлар базасининг бошқарув маркази кўпроқ NASA назорат пунктининг кичрайтирилган нусхасини эсга соларди. Бўйига ўн, энига ўн икки метр ҳажмдаги улкан видеодевор рўпарасига компьютерлар ўрнатилган ўнлаб иш столлари терилган, видеодеворнинг экранида эса ёш бола клавиатурани билиб-бilmай босиб ташлаётгандек ҳар хил ракамлар, диаграммалар пайдо бўлиб, катта тезликда ўзгараётганди. Кўлларида узундан-узоқ қофоз парчаларини кўтарган кўп сонли техник мутахассислар у столдан буни сига югурадар, тинмасдан нималарни дир мухокама қиларди. Хонадаги тартибсизлик, тўполонни таърифлаб бўлмасди.

Сьюзан кўзни қамаштираси даражадаги замонавий техника ва технология билан жиҳозланган хонани кўздан кечира бошлади. Бу ерни барпо этиш учун 250 тонна тупроқ казиб чиқарилгани ёдига тушди. Ер сатҳидан олтмиш метр пастда қурилган асосий маълумотлар омборининг бошқарув маркази ҳар қандай ҳалокатлар, жумладан, атом бомбаси портлашига ҳам чидамли эди.

Хона марказидаги иш столи ёнида Жабба туарди. У вазият ҳукмдори каби кўл остидаги шотирларига тўхтовсиз буйруқ берарди. Жаббанинг орқасидаги улкан экранда наамоён бўлган таниш хабарни кўрган қизнинг эти жимиirlаб кетди.

*Ҳақиқатгина сизни сақлаб қолади ҳозир!  
Калит сўзни киритинг...*

Қиз қўрқинчли туш кўраётгандек эди. У Фонтейнга эргашиб, подиумга кўтарилди. Вокеалар секинлаштириб қўйилган фильм каби кўз олдидан ўта бошлади.

Жаҳлдор буқадек бўғриқиб турган Жабба уларни кўрганидан пешвоз чикиб, пишқирди:

- Мен фильтрлар тизимини бекорга қурмаганман!
- Gauntlet энди йўқ, – босиклик билан жавоб қайтарди директор.
- Бу ортиқ янгилик эмас, – чўрт кесди Жабба. – Портлаш зарби курсимдан учирив юбораёзди! Қани ўзи Стратмор?

– Командор Стратмор ҳалок бўлди.  
– Адолат қарор топгандек.  
– Ўзингизни босинг, Жабба! – буйруқ оҳангиде деди  
Директор. – Вазиятни тушунтиринг бизга! Вирус қанчалик  
хавфли?

Жабба узоқ вақт Фонтеинга ағрайиб тикилиб турди,  
сўнг қаҳ-қаҳ отиб юборди.

– Вирус? – Унинг кулгуси ер ости хонасида акс-садо бер-  
ди. – Сиз буни вирус деб ўйлајпсизми?

Жаббанинг қўполлиги чегарадан чиқиб кетганди, ле-  
кин ҳозир бунга тегишлича жавоб қайтаришнинг жойи ҳам,  
вақти ҳам эмаслигини сезиб турган Фонтеин ўзини босди.  
Бошқарув марказида Жабба ўзини Худодан ҳам устунроқ  
кўришини хамма биларди.

– Бу вирус эмасми? – умид билан савол ташлади Брин-  
керхоф.

Жабба тишларини ғичирлатди.

– Вирусларда қўпайиш чизиклари бўлади, оғайни. Бу-  
ларда эса йўқ.

– Ундай бўлса нима бўяпти бу ерда? – тушунтириш та-  
лаб қилди Фонтеин. – Бизда вирус бор деб ўйлагандим.

Жабба чукур нафас олди ва овозини пастлатди:

– Вируслар... – деди у юзини тер босиб, – вируслар ўзи-  
дан қўпайиб, ўзидан нусха яратади. Улар жуда кеккайган ва  
ахмоқ худбинчалар бўлади. Вирус зоти ҳатто қуёндан ҳам  
тез болалайди, лекин айнан мана шу уларнинг ожиз жиҳати-  
дир – сиз чатиштириш орқали вирусларни йўқотиб ташла-  
шингиз мумкин, албатта, нима қилаётганингизни яхши бил-  
сангиз. Бахтга қарши, ҳозирги дастурда худбинлик йўқ, у  
ўзини қўпайтирмаляпти. Бу дастур мақсади томон жуда аник  
ва дадил харакатланмоқда. Ҳойнаҳой мақсадига етишгач,  
ўзини-ўзи йўқ килиб, рақамли интиком уюштиради. – Жаб-  
ба қўллари билан экранга ишора қилди: – Хонимлар ва жа-  
ноблар, марҳамат, компьютерларнинг камикадзе босқинчиси  
–чувалчангни кутиб олинг.

– Чувалчанг? – энса қотирди Бринкерхоф. Таърифлана-

ётган тажовузкор истилочи учун бу ном жуда мулойим эши-тилди.

– Чувалчанг, – тасдиқлади Жабба. – Мураккаб тузилишга эга бўлмаган оддий ҳашарот, у асосий инстинктларни қондириш учун яшайди – озиқланади, ахлат чиқаради ва судралиб юради. Шу холос. Бу дастур ҳам шу йўсинда ишлайди. У ўз вазифасини бажаргач, ғойиб бўлади. Оддий. Даҳшатли даражада оддий.

Фонтеин ўткир нигоҳларини Жаббага қаратди:

– Хўш, нима экан бучувалчангнинг вазифаси?

– Билмайман, – жавоб қайтарди Жабба. – Ҳозир у атрофга тарқалиб, маълумотларимизга ёпишяпти. Маълумотларга кириб олгач, чувалчанг истаганини килиши мумкин – хоҳласа барча файлларни ўчириши, хоҳласа Оқ Уйда олинган тасвирларни қоғозга чоп этиши мумкин.

Фонтеин ичидаги туғённи билдирамай, босиклик билан сўради:

– Сиз тўхтата оласизмичувалчангни?

Жабба оғир хўрсиниб, экранга юзланди:

– Рости, билмайман. Ҳамма гап дастурни яратाइтганда муаллифнинг миясига қандай фикр келганига боғлиқ. – У девордаги хабарга қўл никтади: – Бу хабарнинг маъносини кимдир тушунтириб бероладими менга?

*Ҳақиқатгина сизни сақлаб қолади ҳозир!*

*Калит сўзни киритинг...*

Жабба хонада тўпланғанларга жавоб олиш илинжида бирма-бир кўз ташлаб чиқди, ҳеч кимдан сас чиқмагач, тананали равишда хитоб қилди:

– Кимнидир биздан жаҳли чиққанга ўхшайди, директор! Бу жумлалардан пул илинжида қилинаётган қип-қизил товламачиликнинг ҳиди келяпти!

– Бу... бу Энзай Танкадо! – пицирлади Сьюзан титрок лабларини аранг ҳаракатга келтириб.

Жабба қизга ўгирилди. Унинг эътирофидан бир муддат гангиб, кўзларини катта-катта очди:

– Танкадо?

Сьюзан бош ирғади:

– У иқрор бўлишимизни истаган... Трансхабарни ошкор килишимизни хоҳлаган... Аммо бу унга...

– Икрор бўлишимизни истаган? – қайта сўради Бринкерхоф ҳайратини яшиrolмай. – Трансхабар тўғрисида бутун дунёга айтишимизни истаганми? Бунга кеч бўлдими деб кўрқаман.

Сьюзан изоҳ бериш учун оғиз жуфтлаганди ҳамки, Жабба гап бошлади:

– Афтидан, бизга керакли қотил кодни фақат Танкадо билади, – деди у нигоҳини экрандан узмай.

Йигилганларнинг барчаси Жаббанинг ортидан экранга тикилди.

– Қотил код дейсизми? – сўради Бринкерхоф тушумай.

Жабба бош силкиди:

– Худди шундай. Қотил код деганда чувалчангни тўхтатишга қодир қалит сўзни назарда тутяпман. Ўзингиз ўйланг, бизда Трансхабар борлигини ошкор этсан, Танкадо қотил кодни беради ва биз маълумотлар базасини сақлаб қоламиз. Рақамли талончиликка хуш келибсиз!

Фонтейн қоя каби тик турарди. У қалбидаги бўронларни юзага чиқармай, босиқлик билан сўради:

– Қанча вактимиз қолди?

– Тахминан бир соатча, – жавоб берди Жабба. – Бу вакт матбуот конференцияси чакириб, гуноҳларимизни тан олишимиз учун етади.

– Нима қилишимизни маслаҳат берасиз? – сўради директор яна.

– Маслаҳат? – Жабба кинояли кулди. – Сиз маслаҳатими ни эшитмоқчимисиз? Марҳамат! Оёғимиз тагида ўралашибни бас қилинг! Мана сизга маслаҳат!

– Ўзингни бос! – огоҳлантирди Фонтейн чегарадан чиқиб кетаётган бош техникни.

– Директор, Энзай Танкадо бир неча дақиқадан кейин маълумотлар омборини эгаллаб олади. Унга хоҳлаганини беринг. Танкадо омма Трансхабар ҳақида билиши керак деса,

СННни чакириб бор гапни айтинг. Трансхабар куйиб кул бўлди барибир, энди ундан фойда йўқ. Шундай экан, нима фарқи бор кимнинг у ҳақда нима билишини? – куйиб-пишиб тушинтиришга уринди Жабба.

Хонага сукунат чўкди. Фонтейн имкониятларни хисоблай бошлади. Сьюзан яна сўзлаш учун оғиз очди, аммо бу сафар ҳам Жабба навбатни илиб кетди:

– Нимани кутяпсиз, директор? Танкадога қўнғирок килинг ва шартига рози эканимизни айтинг. Бизга қотил код керак, акс ҳолда тамом бўламиз.

Ҳеч ким жойидан қимирламади.

– Нима бало, гарангмисиз? – қичкирди бош техник. – Танкадога қўнғирок килинг деяпман! Айтинг унга таслим бўлганимизни! Менга қотил кодни топиб беринг! Ҳозироқ!

– Жабба аччиқланиб, ёнидан телефонини чикарди. – Ҳеч киси йўқ! Танкадонинг ракамини беринг! Ўзим боғланаман бу митти...

– Овора бўлманг, – шивирлади Сьюзан, – Танкадо энди йўқ.

Ўқдай узилган сўзлар даҳшати Жаббанинг юрагига пи-чоқдай санчилди. Баҳайбат техник ходимнинг тиззалари қалтираб, бир зумда пешонасини совуқ тер қоплади.

– Танкадо энди йўқ?... У ўлдими?... Бу... Бу дегани... Биз ҳеч қачон қалит сўзни ололмаймиз...

– Бу бизга янги режа керак дегани, – қатъий жавоб берди Фонтейн.

Жаббанинг кўзлари олайиб, қотиб қолди. Шу он хонанинг орқасидан кимдир талваса ичидаги қичкира бошлади:

– Жабба! Жаббаа! – овоз Сошига тегишли эди; узун қоғозни кўтариб келаётган Сошининг қўрқиб кетгани юз ифодасидан кўриниб турарди. – Жабба! – қиз ҳансиради.

– Чувалчанг... Мен ҳозиргина чувалчангнинг вазифасини аниқладим! – У кўтариб келган қоғозини Жаббанинг қўлига тутказди. – Тизим фаолиятини текширувчи таҳлил ўтказдим! Чувалчангнинг бош буйруқларини ажратиб, кўздан кечиргач, нимага дуч келганимга ишонмайсиз! Ўзингиз қаранг! Чувалчангга қандай вазифа юклатилганини кўринг!

Эсанкираб қолган Жабба қоғозга күз югуртириб, ўқи-  
ганларидан даҳшатта тушди шекилли, зина тутқичларига  
суюниб қолди:

– Ё Парвардигор, – зўрға тилга кирди у. – Танкадо...  
Ярамас аблах!

## Бир юз ўнинчи боб

Соши тутқизган қоғозга күркінч билан тикилаётган Жаббанинг ранги окаріб кетганди; у пешонасини енги билан артди.

– Директор, бизда бошқа чора йўқ. Маълумотлар омборидаги электрни ўчиришимиз зарур.

– Иложи йўқ! – жавоб килди Фонтейн. – Жуда катта йўқотишга учраймиз.

Директор хақ эканини Жабба яхши биларди. Уч мингдан ошиқ ИСДН алоқалари МХА асосий маълумотлар омборига дунёning ҳар бурчагидан боғланганди. Сунъий йўлдош орқали тасвирга туширилган душманларнинг ҳаракатланиш стратегияси расмлари, куролсозлик билан боғлиқ янги лойихаларнинг схемалари, маҳфий топшириклар ҳисботлари билан тўлиб-тошган МХА маълумотлар омбори АҚШ хукуматининг асосий суюнчи эди. Уни ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ўчириш бутун дунёдаги разведка ҳаракатларини фалажлаб кўйиш билан баробар эди.

– Мен оқибатлардан яхши хабардорман, жаноб, – деди Жабба, – лекин бизнинг бошқа чорамиз йўқ.

– Тушунтиринг бизга, – буйруқ берди Фонтейн ва ёнида турган Сьюзанга бир қараб қўйди. Киз бўлаётган воқеалардан бир неча километр узоқда юргандек эди гўё.

Жабба чуқур нафас олди ва қошларини чимирди; подиумда тўплангандар унинг карашидан айтмоқчи бўлган гапи хушхабар эмаслигини ҳис қилишди.

– Бучувалчанг, – гап бошлади Жабба, – бучувалчанг одатий насли бузук чуvalчанглар туридан эмас, аксинча, жуда синчков ва танлайдигандар хилидан. Бошқача айтганди, бу дидли чуvalчанг.

Бринкерхоф гапириш учун оғиз жуфтлади, аммо Жабба бунга изн бермай, ўзи давом этди:

– Энг вайронкор чуvalчанг маълумотлар базасини бош-оёқ ўчириб юбориши мумкин. Лекин биздаги дидли чуvalчанг бошқачарок. У маълумотлар омборидан муайян параметрларга тўғри келадиган файлларнигина йўқ килади.

– Дидли чуvalчанг маълумотлар омборидаги барча

файлларга зарар еткизмайди демоқчимисиз? – сўради Бринкерхоф умид билан. – Ахир бу яхши-ку, шундай эмасми?

– Ундей эмас! – портлади Жабба. – Бу жуда ёмон! Бу жуда-жуда ёмон!

– Ўзингизни босинг! – Фонтеин яна сокинлик ўрнатишга уриниб кўрди. – Бу чувалчанг қандай параметрли файлларни қидирияпти? Ҳарбий маълумотларми? Ёки маҳфий операцияларми?

Жабба бошини чайқади. У бегонасираб турган Сьюзанга каради, сўнг кўзларини директорга тикиб, паст овозда деди:

– Жаноб, ўзингизга маълум, ташқаридан туриб асосий маълумотлар базаси билан боғланмоқчи бўлган ҳар бир киши рухсат берилишидан олдин бир нечта хавфсизлик қатламларидан ўтиши зарур.

Фонтеин бош силкиди. Маълумотлар омборининг рухсат иерархияси бенуқсон ишлаб чиқилган бўлиб, ваколатли шахсларгина интернет орқали базага кириб, тартибга мувофиқ ўзларига ажратилган ҳудудга тегишли маълумотларни кўриб чиқиши имкониятига эга эдилар.

– Биз интернет билан узвий боғланганимиз туфайли, – тушунтиришда давом этди Жабба, – хакерлар, хорижий ҳукуматлар, шу билан бирга, Электрон хабарлар хавфсизлиги идораси маълумотлар омборини йиртқич акуладек ўраб олиб, ҳамиша уни бузиб киришга ҳаракат килади.

– Шундай, – деди Фонтеин, – ва бизнинг химоя фильтрларимиз ҳамиша уларни ўзига яқинлаштирумайди. Аникроқ гапиринг, нима демоқчисиз?

Жабба кўлидаги қоғозга яна бир бор қараб олди.

– Айтмоқчиманки, Танкадонинг чувалчангни бизнинг маълумотларимизни кўзлаган. – У томоғини қирди. – Чувалчанг химоя фильтрларимизни вайрон этмоқчи.

Фонтеиннинг юзидан кон қочди. Чувалчангнинг вазифаси МХА маълумотлар омборини қўриклаб турган химоя фильтрларини йўқ қилиш эди. Фильтрлар бўлмаса, базадаги барча маълумотларни ташқаридаги исталган одам, bemalol ўкий олиш имкониятини қўлга киритарди.

– Биз уни ўчиришимиз керак, – қайтарди Жабба. – Акс

холда бир соатдан кейин ҳатто ёш бола ҳам модем орқали ҳеч қандай рухсатномасиз АҚШнинг энг маҳфий хабарлари-га дахл қилишни бошлайди.

Фонтейн бир сўз айтмасди.

Жабба сабрсизлик билан кутди, сўнг Сошига ўгирилиб, буйруқ берди:

– Соши, VR! Ҳозирок!

Соши шиддат билан югуриб кетди.

Жабба VR’га тез-тез суяниб туарди. Кўпгина компьютершунослар VR’ни виртуал реаллик маъносига ишлатса-да, МХАда бу кўргазмали тақдимот деган маънони англатарди. Техникани турли даражада тушунувчи сиёсатшунослар ва техник ҳодимлар билан тўлган ишхонада баъзан фақат кўргазмали тақдимот фикрни аниқ тушунтиришда қўл келарди. Оддийгина расм кўпинча тонналашиб қофозга битилган маълумотдан тезроқ ва осонроқ таъсир қиласди. Жабба ҳозирги инқирозли ҳолатда кўргазмали тақдимотгина вазиятни очик-ойдин кўрсатиб беришини тушуниб, ёрдамчисига VR тайёрлашни буюрганди.

– VR тайёр! – қичқирди Соши хона адогидаги компьютер ёнидан.

Уларнинг олдидаги деворда компьютер билан боғланган диаграмма юз кўрсатди. Сьюзан атрофидаги тўс-тўполонга бефарқ экранга тикилди.

Экрандаги диаграмма буқанинг кўзини эслатарди. Унинг кок марказида «База» деб ёзилган қизил айлана бор эди. Айлана атрофи турли ранг ва қалинликдаги бешта концентрик доира билан ўралганди. Энг четки айлананинг чизиги эса жуда хирадашиб, аранг кўзга ташланарди.

– Бизда беш қаватли ҳимоя қобиғи бор, – изоҳ беришни бошлади Жабба. – Биринчиси «Бош истеҳком», кейин FTP ва «Х-ўн бир», сўнг туннель блоки ва ниҳоят PEM – Truffle лойиҳасининг ўнг томонидаги ваколат ойнаси. Кўз олдимизда йўқолиб бораётган ташки қобиқ очиқ қолган компьютерни билдиради. Амалий жиҳатдан у деярли бузуб кирилди. Бир соат ичига қолган бешта қобиқ ҳам шу ахволга тушади. Шундан кейин бутун дунё маълумотлар базасига ёпирилади.

МХА маълумотларининг энг кичик қисми ҳам омма олдида кип-яланғоч, ҳимоясиз қолади.

Тақдимотни синчиклаб ўрганаётган Фонтеиннинг кўзи кинидан чикиб кетгудек эди.

– Демак,чувалчанг маълумотлар омборини дунёга очиб берадими? – инграб юборди Бринкерхоф.

– Танкадо учун бу дастурни ишлаб чиқиш писта-пўчоқ бўлган. Ягона ҳимоячимиз Gauntlet эди, аммо Стратмор уни кунпаяқун қилди, – жириллади Жабба.

– Танкадо бизга қарши уруш эълон қилган, – пичирлади Фонтеин асабий овозда.

– Шахсан мен бундай деб ҳисобламайман, – Жабба эътиroz билдириди. – Танкадо бунчаликка боришни режалаштирмаган. У керакли вақтдачувалчангни тўхтатмоқчи бўлган.

Фонтеин экранга қайта тикилди ва ташқи қопламнинг ғойиб бўлишини чурқ этмай кузатди.

– «Бош истеҳком» тамом бўлди! – бакирди техник ходим хона орқасидан. – Иккинчи қобиқ очиқ колди энди!

– Тезроқ энергияни ўчиришимиз керак, – шоширди Жабба. – Кўргазмали тақдимотга қараганда, бизда яна кирқ беш дақиқа вақт бор. Ўчириш жуда мураккаб жараён, узок вақт талаб қиласди.

Жабба ҳак эди. МХА маълумотлар омбори шундай қурилган эдикি, ҳар қандай фавқулодда ҳолатда – хоҳ табиий офат бўлсин, хоҳ портлаш – энергиядан узилиб қолмас эди. Сон-саноқсиз ҳимоялаш воситалари билан қопланган телефон ва қувват ўтказиш симлари пўлат контейнерларга жойланиб, база остига кўмиб ташланганди. Бундан ташқари, маълумотлар омбори МХАнинг асосий мажмуаси билан бир қаторда шаҳар электр тармоғидан ҳам қувват олиб туради. Шу сабабли базадаги энергияни бутунлай ўчириш учун ўртacha сув ости ракетасини ўчириш зарур рухсатномалардан ҳам мураккаброк протоколлар талаб этиларди.

– Бизда вақт бор, – деди Жабба. – Агар шошилсак, кўлда ўчириш ўттиз дақиқача вақт олади.

Фонтеин миқ этмай VR’ни ўрганишда давом этди.

– Директор! – тутади Жабба. – Мушаклар отилгандан

кейин сайёрамиздаги ҳар бир интернет фойдаланувчisi эні мағфий маълумотларга эга чиқади! Мен энг юқори даражи ҳақида гапирияпман! Мағфий разведка операцияларинин ҳисоботлари! Хориждаги агентларимиз рўйхати! Гувоҳларни ҳимоялаш дастуридагиларнинг исм ва манзиллари! Рухсатнома кодлари! Тасаввур қиляпсизми??? Биз ўчиришимиз шарт энергияни! Ҳозирок!

– Бошқа чора бўлиши керак, – директор жойидан жилмади.

– Бошқа чора бор, – истеҳзо билан деди Жабба. – Қотил кодни топиб, киритиш! Аммо калит сўзни биладиган ягона одам қиласар ишни қилиб, нариги дунёга равона бўлган!

– «Шафқатсиз хужум» дастуричи? – гапга суқилди Бринкерхоф. – Қотил кодни тахмин қилоламизми?

Жабба қўлларини силкитди.

– Худо ҳаққи, нега тушунмайсизлар? Қотил кодлар шифрланган калит сўзларга ўхшаб тасодифий бўлади. Уларни тахмин қилишнинг иложи йўқ. Мабодо яқин қирқ беш дақиқа ичиди олти юз триллион эҳтимолни киритиб чиқишга кодирман деб ўйласангиз, унда марҳамат!

– Қотил код ҳозир Испанияда, – секингина гапга қўшилди Сьюзан.

Подуимдагилар кизга ўгирилди. Бу сўнгги ўн беш дақиқа давомида унинг оғзидан чиқсан илк жумла эди. Қизнинг киприкларида ёш ўйнади.

– Танкадо ўлаётганида калит сўзни кимгadir бериб юборишга улгурган.

Атрофдагилар эсанкираб қолди.

– Калит сўз... – Сьюзан изоҳ берди: – Командор Стратмор калит сўзни топиш учун одам жўнатган.

– Хўш? – Жабба уни давом этишга ундини. – Командорнинг одами топдими калитни?

Қанчалик яширишга уринмасин, кизнинг кўзларидан ёш қуйилиб кела бошлади.

– Ҳа, – базўр жавоб қайтарди у. – Менимча шундай!

## Бир юз ўн биринчи боб

Шу вакт хонанинг орқа тарафидан Сошининг қулокни коматга келтирувчи қичқириғи эшилди:

– Акулалар!

Жабба кўргазмали тақдимотга ўгирилди. Концентрик доиралар атрофида иккита ингичка чизик пайдо бўлганди. Бу чизиклар тухум хужайрага бошини тикишга уринаётган сперматозоидларни эслатарди.

– Вакт бўлди, халойик! – Жабба қошларини чимириб директорга қаради. – Менга якуний қарор керак. Ё энергияни ўчиришни бошлаймиз, ё буни ҳеч қачон амалга оширолмайдиган бўлиб қоламиз. Кўриб турганингиз иккита чизик – акула, яъни маълумотлар омборини бузиб киришига уринаётган ташки бузғунчи кучлар. Улар «Бош истеҳком» йўқолганини кўргандан кейин бу ҳақда бутун оламга жар солади. Ундан кейинги томошани айтмай кўяқолай.

Чукур ўйга толган директор жавоб бермади. Сьюзан Флетчернинг Испаниядаги калит сўз хақидаги янгилиги унинг қалбида умид учқунини уйғотганди. У хонанинг орқасида кўллари билан бошини чангллаганча ўз дунёсида, ўз хаёлларига чўмиб ўтирган қизга назар ташлади. Фонтейн нима сабабдан Сьюзан бунчалик абгор ахволда эканини аниқ билмасди, лекин, нима бўлганда ҳам, ҳозир буни суриштириб ўтиришга вакт йўқ эди.

– Менга якуний қарорингизни айтинг! – талаб қилди Жабба. – Ҳозироқ!

Фонтейн унга тик боқиб, босиқлик билан гапирди:

– Яхши. Қарорим шундай: биз энергияни ўчирмаймиз!  
Биз кутамиз!

Жаббанинг жаги осилиб қолди:

– Ним-ма? Лекин... Бу...

– Бу қимор! – чўрт кесди Фонтейн. – Ютишимиз мумкин бўлган қимор ўйини. – Директор Жаббанинг мобил телефонини олиб, бир нечта тугмани босди. – Миж, – гап бошлади ў, гўшакдан жавоб эшилгач. – Лиленд Фонтейн гапиряпти. Мени дикқат билан тингла...

## Бир ўн иккинчи боб

– Нима қилаётганингизга аклингиз етятими, директор? – қичкирди Жабба. – Ҳозир ҳаракат қилмасак, ҳеч қачон ўчиришга улгурмаймиз! Базани саклаб қолишнинг ягона имкониятини қўлдан бой бермоқдамиз сизни деб!

Фонтейн чурқ этмади.

Шу маҳал назорат хонасининг эшиги очилиб, Миж Милкен югургилаб кирди. У тўғри подиумга – директорнинг ёнига келиб, ҳансираҳ хисобот берди:

– Директор, операторга хабар келяпти!

Фонтейн умид билан девордаги экранга қараб бурилди. Ўн беш сония ўтгач, экранга жон кирди. Дастлаб гира-шира, туман ичидан пайдо бўлган манзара бироздан кейин тиниклашди. Бу рақамли трансляция эди. Экранда иккита эркак кўринди. Улардан бири сочини калта қилиб кестирган, оқ чеҳрали, иккинчisi эса малласоч – одатий америкаликка ўхшарди. Уларнинг иккаласи ҳам тонгти хабарлар бошловчиси каби камерга қараб ўтириб олишганди.

– Нималар бўляпти? – изоҳ талаб қилди Жабба.

– Жим ўтиринг! – буюрди унга командор.

Камера қаршисидаги икки одам аллақандай мини автобуснинг ичидан шекилли, уларнинг атрофида электрон кабеллар осилиб ётганди. Фичирлаб-ғичирлаб аудио алока ўрнатилди ва камера ортидан шовқин эшитилди.

– Овозли алока йўлга қўйилди, – қичкирди хона ортидан бир техник. – Беш сониядан кейин иккала томон ҳам бир-бирини эшита бошлайди.

– Ким ўзи булар? – хавотир аралаш сўради Бринкерхоф.

– Осмондаги кўзлар, – жавоб берди Фонтейн, Испанияга жўнатган ходимларига тикиларкан. Бу эҳтиёткорлик юзасидан кўрилган чора эди. Стратморнинг режасидаги ҳар бир қисм Фонтейнга маъқул тушганди – Энзай Танкадонинг ачинарли, аммо зарурий ўлими, Рақамли қалъани кайтадан ёзиш – буларнинг ҳаммаси пухта ўйлангани кўриниб турарди. Фонтейнни хавотирга солган нарса Ҳалоҳот эди. Тажрибали бўлишига қарамасдан, Ҳалоҳот ёлланма қотил бўлиб, дирек-

тор унга тўла ишонмасди. Қотил қалит сўзни қўлга киритганидан кейин катта маблағ эвазига уни бошқаларга сотиб юборишидан хавотирланган Фонтеин ҳар эҳтимолга қарши Испанияга МҲАнинг икки содик ходимини хуфия равишда юбориб, ёлланма қотилдан кўз-кулоқ бўлишни тайинлаганди.

## Бир юз ўн учинчи боб

– Асло йўк! – калта сочли одам камерага караб кичкирди. – Бизда қатъий кўрсатма бор. Биз факат ва факат директор Лиленд Фонтеингагина ҳисобот берамиш!

Фонтеиннинг юзига енгил табассум югурди.

– Демак, сиз кимлигимни билмайсиз?

– Кимлигингизнинг ҳеч қандай аҳамияти йўк! – қизишилди малласоч

– Тушунтиришга рухсат берсангиз, – Фонтеин уларнинг эътиrozларини кесди. – Ҳозироқ бир нарсани тушунтиришга рухсат берсангиз!

Бир дақиқадан сўнг уятдан юзи шолғомдек кизариб кетган икки эркак ҳаяжонланиб Миллий хафсизлик агентлиги бош директорига узрларини айтиб ўтиришарди.

– Д-директор, – дудукланди малласоч. – Мен агент Колиандерман, ёнимдаги шеригим агент Смит.

– Жуда яхши, – деди Фонтеин. – Ҳисоботни бошланг!

\* \* \*

Хонанинг орка тарафида ўтирган Сьюзан Флетчер ўзини куршаб олаётган ёлғизликка қарши курашишга уринарди. Юмуқ кўзлари остидан ёш томчилари тўкилиб, қулоқлари остида назорат хонасида кўпчиган шовқин эмас, қўнғирок жарангি эшитиларди. Танаси бутунлай карахтланиб колди.

Бу вакт подиумда тўпланганлар вужуди қулоққа айланиб агент Смитнинг ҳисоботини тингларди.

– Сизнинг кўрсатмангизга кўра, директор, – гап бошлади Смит, – икки кун Энзай Танкадони кузатиб юрдик.

– Унинг ўлими хақида сўзланг! – сабрсизланди Фонтеин. Смит хўп дегандек бош силкиди.

– Жаноб Танкадонинг ўлимини эллик метрлар узокликдаги автобусимизда ўтириб кузатдик. Қотиллик жуда силлик ўтди. Ҳалоҳот профессионал котил экан. Қизик жиҳати, одамлар жон бераётган жаноб Танкадонинг тепасига жуда тез йиғилиши натижасида Ҳалоҳотнинг режалари барбод бўлди. У ўзи истаган буюмни қўлга киритолмади.

Колиандер давом этди:

– Айтганингизни қилиб, Ҳалоҳотнинг ортидан қолмадик. Лекин у ўликхонага қадам ҳам босмади. Бунинг ўрнига пиджак ва галстук тақиб олган аллакандай бошқа бир йигитга эргашди. Ташки кўринишига қараганда йигит норасмий таркибдан бўлган.

– Норасмий таркибдан? – ўйга толди директор. Қилаётган ишларидан МХАни узоқроқ сақлаш мақсадида расмий ходимларни эмас, бирор танимайдиган ва шубҳаланмайдиган норасмий одамларга топшириқ бериш Стратморга хос эди.

– FTP’ни кўлдан чиқаряпмиз! – даҳшат билан дод солди техниклардан бири.

– Бизга буюм зарур! – ваҳимага қўшилди Фонтейн. – Ҳалоҳот қаерда ҳозир?

Смит елкаси оша ортига қараб қўйди:

– Хўш... У биз билан, жаноб.

Фонтейн чуқур нафас олди.

– Каерда? – Бу унинг кун давомида эшитган энг яхши янгилиги эди.

Агент Смит камерани кўлга олиб, мини автобус ичига тутди; орка деворга суваб қўйилган иккита ҳаракатсиз тана қўзга ташланди. Улардан бири темир қўзойнак таққан баҳайбат одамга, яна бири эса қон юқи кўйлак кийиб олган қора сочли ёшроқ йигитга тегишли эди.

– Чапдагиси Ҳалоҳот, – изоҳ берди Смит.

– У ўлдими? – сўради директор.

– Шундай, жаноб.

Фонтейн қўшимча тушунтиришларни кейинроқка қолдириб, нигоҳини VR’даги кичрайиб бораётган қобикларга қаратди.

– Агент Смит, – дона-дона қилиб гапирди у. – Буюм! Менга ўша нарса керак.

Смит қўзларини айборона пирпиратди:

– Жаноб, биз ҳанузгача қандай буюм ҳақида гап кетаётганини билмаймиз. Бизга кўрсатма керак!

## **Бир юз ўн тўртинчи боб**

– Ундаи бўлса яна қаранг! – буйрук берди Фонтеин. Бирордан сўнг у агентлар тор автобус ичидага туртина-суртина икки тананинг ён-верини ағдар-тўнтар қилишини кузатди.

Жаббанинг ранги окариб бораётганди.

– Ё Парвардигор, улар топишолмайди... Биз тамом бўлдик!

– FTP кобиғини йўқотяпмиз! – қичқириқ эшитилди. – Учинчи кобиқ ҳам очилиб қолди! – Хонадаги одамларнинг шовқини кучайиб кетди.

Олдиндаги экранда калтасоч агент қўлларини қовуштириди:

– Жаноб, иккала одамнинг ҳам чўнтакларини, кийимлари-ю ҳамёнларини текширдик. Калит сўздан асар ҳам йўқ. Ҳалоҳот тақиб олган Monocle компьютерини ҳам кўриб чиқдик. У орқали тасодифий белгилар эмас, ўлдирилган одамлар рўйхати экан.

– Жин урсин! – сўқинди Фонтеин. – Калит сўз ўша ерда бўлиши керак! Қидиришда давом этинг!

Фонтеин қимор ўйнаб, ютқизганига ишонч ҳосил қилган Жабба экран ортидаги кидирувни қўл қовуштириб кузатишига ортиқ бардош беролмади. У назоратни қўлига олди: гурзидек қадам ташлаб подиумдан пастга тушган бош техник дастурловчилардан иборат армиясига кетма-кет буйрук ёғдириди:

– Захира энергияни ўчиришни бошлаймиз! Тайёрланинг! Ҳозироқ ишга киришинг!

– Бунга вактимиз етмайди! – бакирди Соши. – Бизга ярим соат вакт керак. Ўчириш ниҳоясига етгунча кеч бўлади!

Жабба жавоб қайтариш учун оғиз очган ҳам эдики, хонанинг орка тарафидан аламли додлаш эшитилди.

Ҳамма овоз келган томонга ўгирилди. Арвоҳ каби рангда ранг қолмаган Сьюзан Флетчер ўтирган ўрнидан қўтарилиди. Қизнинг юзидан қон қочиб, кўзлари мини-автобуснинг деворига тираб қўйилган, харакатсиз Девид Беккернинг конга ботган танасига қаратилганди.

– Сен уни ўлдиридинг! – додлаб йиғларди қиз. – Сен уни

ўлдирдинг! – У гандираклаб, подиумга қадам ташлади: – Девид...

Тўпланганлар бундай бурилишдан довдираб қолди. Сьюзан ўзига қаратилган савол аралаш нигоҳларни илғамади. У кўзларини экрандаги танадан узмай бир исмни қайта-қайта такрорларди: – Девид... – Кизнинг нафаси бўғзига тиқилди, аммо у юришдан тўхтамади: – Худойим... Девид... Кандай ҳадди сиғди...

Фонтеин бутунлай эсанкираб сўради:

– Сиз бу одамни танийсизми?

Сьюзан жавоб бермай, подиумга кўтарилди ва улкан экран ёнида тўхтади. Кизнинг қулоғига ҳеч гап кирмас, у суюкли инсонини тинмай чақираварди.

## Бир юз ўн бешинчи боб

Беккернинг мияси чексиз тубсизлик қаърида эди. Мен ўлганман. Шунга қарамай овоз эшиятпман... Жуда узоқдан эшиятпман...

– Деви-и-и-д!

Йигитнинг қўли ичидаги нимадир ёнарди; унинг кони аланга билан лим тўлгандек эди. Томирларим ичидаги қон менини эмас! Овоз ҳамон исмини такрорлашда давом этарди. Жуда ингичка ва элас-элас овоз йигитнинг бир парчаси-дек туюларди. Йигит узоқдан эшитилаётган бошқа нотаниш, аҳамиятсиз товушларни блоклашга уринди. Беккер учун фақат бир овоз муҳим эди.

– Деви-ид... Мени кечиринг...

Шу пайт қаердадир милтиллаган шулья кўринди. Кулранг шулья. Тобора катталашяпти. Беккер ўрнидан туришга интилди. Оғриқ. Йигит гапиришга уриниб кўрди. Оғиздан бир сас чикмади. Лекин овоз чақиришда давом этди.

Йигитнинг яқинидаги кимдир уни кўтарди. Беккер овозга яқинлашди. Ёки кимдир уни яқинаштиридими? Овоз тинмай исмини такрораётганди. Беккернинг ярим юмуқ кўзлари олдида митти экран пайдо бўлди. Экран ичидаги эса бир аёл унга бошқа дунёдан қараб турарди. Ўлган ҳолатимда ҳам мени кўряптими?

– Деви-и-и-д...

Овоз жуда таниш эди. У аёл фаришта бўлса керак. Мени олиб кетгани келган. Овоз энди аник-тиник гапирди:

– Девид, мен сизни севаман.

Беккер унга қайси фаришта намоён бўлганини билди.

\* \* \*

Сьюзан экранга етиб борганида ҳиссиётларини тутиб туролмади. У ҳам йиғлаб, ҳам кулаётганди. У кўз ёшларини артиб ташлади.

– Девид, ё Худойим, Девид... М-мен... Мен...

Агент Смит мониторга қараб ўтирган Девид Беккерга қаради, сўнг Сьюзанга юзланди:

— Хозир йигит бироз караҳт ҳолатда. Бироз кутинг ўзига келиб олиши учун.

— А-а-аммо, — дудукланиб гапирди қиз, — мен пейджердағи мактубни ўз кўзим билан кўрдим... Унда айтилгандини...

Смит унинг гапини бўлди:

— Биз ҳам кўрдик у хатларни. Ҳалоҳот жўжани анча эрта санаб қўйибди.

— Кон-чи?

— Енгил тирналиш, хоним! — жавоб қайтарди Беккер. — Биз унга пластиръ ёпиштиридик.

Сьюзаннинг тилига сўз келмай қолди.

Камера қаршисида агент Колиандер кўринди:

— Биз жаноб Беккерга янги карахлантирувчи қурол — Ж23 билан ўқ уздик. Оғриқ даҳшатли даражада азоб беради дейишади, лекин қочиб кетишининг олдини олиш учун бошқа чорамиз йўқ эди.

— Хавотирлангманг, хоним! — қизни ишонтиридик агент Смит. — У тезда ўзига келади.

Ҳали тўлиқ ўзига келишга улгурмаган Девид Беккер рўпарасидаги экранда акс этган тартибсиз хонага назар ташлади. Йигитнинг нигоҳи ўзига жавдираб тикилиб турган Сьюзанга тушди.

Сьюзан ҳам йиғлаб, ҳам кулиб, ҳиссиётларини баралла ошкор қилди:

— Девид... Худога шукр... Девид... Сизни йўқотдим деб ўйлагандим...

Йигит финжондаги вискидан ҳўплади, сўнгра экранга яқинлашиб, митти микрофонни оғзига тутди:

— Сьюзан, мени эшитяпсанми?

Сьюзан ҳайратланиб, олдидаги деворни бош-оёқ тўлдирган суюклисининг соғлом коматига қаради.

— Сьюзан, сендан бир нарса сўрашим керак, — гумбурланган овозда гапида давом этди Беккер. Унинг жарангдор овози бир лаҳзага назорат хонасида йиғилганларнинг барчасини ўзишини ташлаб, деворга эътибор қаратишга мажбур этди.

— Сьюзан Флетчер, — жиддий оҳангда деди йигит, — менга турмушга чикасанми?

Хонага сукунат чўқди. Кимдир қўлидаги қалам ва ручкалар солинган идишни пастга тушириб юборди, бироқ ҳеч ким уни териб олиш учун эгилмади. Залдан вентилятор парракларининг шовқини-ю, камера ортидаги Девид Беккернинг бир текисда пишқириб олган нафаси хукмон эди.

– Д-Девид... – тилга кирди Сьюзан дудукланиб; у орқасида ўттиз етти одам кузатаётганини бутқул унуганди. – Ахир аллақачон бу ҳақда сўрагансиз-ку, унугдингизми? Беш ой аввал, худди шу саволни берганингизда мен «Ҳа» деб жавоб бергандим.

– Биламан, – жилмайди йигит, – лекин бу сафар, – у чап қўлини камерага тутиб, тўртинчи бармоғидаги тилла узукни кўз-кўз қилди, – бу сафар менда узук бор!

## **Бир юз ўн олтинчи боб**

- Узукни ўкинг, жаноб Беккер! – буюрди Фонтейн.
- Ҳа, тезрок ўқий колинг табаррук ёзувларни! – деди терга ботиб ўтирган Жабба клавиатура устида бармоқлари-ни ўйнатиб.

Уларнинг ёнида юзи баҳтдан ял-ял ёнаётган Сьюзан Флетчер сархуш турарди. Хонадаги барча қилаётган ишини бир четга йиғишириб, Девид Беккернинг девордаги баҳай-бат аксига қарапди. Профессор узукни қўлидан ечиб, ундаги битикларни ўрганди.

- Эҳтиёткорлик билан ўкинг! – буйруқ берди Жабба.
- Битта нотўғри ҳарф билан ҳамма ҳаракатимиз чиппакка чиқади.

Фонтейн унга ўқрайиб каради. Шундоғам қалтис вази-ятда қўшимча босим ўтказиш асло аклдан эмаслигини ди-ректор яхши биларди. – Ҳаяжонланманг, жаноб Беккер. Хато қилсак, кодни тўғри топмагунимизча қайта киритаверамиз.

– Бу маслаҳатга қулоқ солмаганингиз маъқул, жаноб Беккер, – қўрслик қилди Жабба. – Калит сўзни биринчи мар-тадаёк тўғри киритишимиз зарур. Котил кодларда одатда ха-толиклардан ҳимояланиш мақсадида жарима банди бўлади – биринчи марта нотўғри калит сўз киритсангиз, чувалчанг-нинг ҳужуми икки баравар тезлашади. Иккинчи марта ҳам хато қилсангиз, бизда қайта код киритиш имконият қолмай, блокланамиз. Шу билан ўйин тугайди.

Директор ковоғини уйиб, экранга ўгирилди:

- Жаноб Беккер, эшитяпсизми? Мендан ўтди! Ёзувни эҳтиёткорлик билан ўкинг – ўта эҳтиёткорлик билан!

Беккер бош силкиди ва бир дақика узукни яхшилаб ўр-ганди. Сўнг ҳарфларни овоз чиқариб айта бошлади: Q...U...I...S...бўш жой...C...

– Бўш жой? – ҳайрон бўлишди Жабба ва Сьюзан бара-варига. – Калит сўзда бўш жой бор эканми? – қайта сўради Жабба клавиатурага ёзишдан тўхтаб.

Беккер елка қисди.

- Шундай. Битта эмас, бир нечта бўш жой бор.

– Тушунмадим, – орага қўшилди Фонтеин. – Нимага тўхтаб қолдинглар?

– Жаноб, – деди Сьюзан ҳайрон бўлиб, – бу...бу жуда...

– Қўшиламан! – эътироф этди Жабба. – Бу жуда ғалати.

Кодлардаги белгилар ўртасида ҳеч қачон бўш жой бўлмайди.

Бринкерхофф култ этиб ютинди:

– Нима демоқчисиз бу билан?

– У айтмоқчики, – луқма ташлади Сьюзан, – бу қотил код бўлмаслиги мумкин.

Бринкерхофф кичқириб юборди:

– Бўлмаган гап! Калит сўз узукда бўлмаса, Танкадо нега уни ўлимидан олдин бирорвга беради? Қайсиdir аҳмок ўзидан-ўзи узукка бир дунё ёзув битиб чиқиши ҳам бекорга эмасдир?

Директор ўткир нигоҳи билан жазавага тушган шахсий ёрдамчисининг чакагини ёпди.

– Дарвоке... Халойик... – ўртага қўшилди Девид ўнгай-сизланиб. – Сизлар ҳалидан бери тасодифий белгилар ҳақида гапиряпсизлар. Ўйлашимча, сизларга бир нарсани айтишим керак... Узукдаги ёзувлар ҳечам тасодифан бирикиб қолган белгилар тўплами эмас.

Подиумдагиларнинг барчаси бир овоздан сўради:

– Нега?

Беккер хавотирга тушди.

– Кечирасизлар, аммо узукда аниқ-тиник, маъноли сўзлар ёзилган. Балки жумлалар бир-бирига жуда яқин жойлаштирилгани сабабли бир қарашда тасодифий қўринар, аммо дикқат билан ўқисангиз, бу... Хўш... Лотин ёзуви эканлигини биласиз.

– Нималар деб бошимни қотиряпсиз? – Жаббанинг ғазаби қайнаб кетди.

Беккер унга қаради.

– Мен рост гапиряпман. Узукка *Quis custodiet ipsos custodies* деб ўйиб ёзилган. Бунинг таржимаси...

– Қўриқчиларни ким қўриклайди! – йигитнинг гапини охирига етказди Сьюзан.

Кизнинг жавобидан Беккер хайратга тушди:

– Съозан, лотинчани билишингдан хабарим йўқ экан...

– Бу жумлалар Ювеналнинг «Сатиралар» асаридан келтирилган, – жавоб берди киз. – Кўриқчиларни ким қўриқлайди! МХА дунёни қўриқласа, МХАнинг ўзига ким қўз-кулок бўлади? Бу Танкадонинг энг севимли афоризми эди.

– Хўш, – орага сукилди Миж. – Бу калит сўзми ёки йўқ?

– Бу аниқ калит сўз бўлиши керак! – луқма ташлади Бринкерхоф.

Фонтейн ҳеч нима демади. Афтидан, у хабарни таҳлил қилаётганди.

– Бу афоризм калит сўз эканлигига шубҳам бор; Танкадо одатий сўзларни код сифтида қўллаши жуда ғалати, – гудранди Жабба

– Бўш жойларни ташлаб кетиб киритинг лаънати кодни!

– кичқирди Бринкерхоф шошилиб.

Фонтейн савол назари билан Съозанга боқди:

– Флетчер хоним, сиз нима деб ўйлайсиз?

Киз аниқ билмаса-да, нимадир мос келмаётганини ҳис қилди. Даҳо дастурчи Энзай Танкадо оддийликни маъқулламаслигига шубҳа йўқ эди. У яратган дастурлар ҳамиша муқаммал бўлган. Бўш жойлар ташлаб кетилиши жуда ғалати эди.

– Ўйлашимча, – нихоят тилга кирди қиз, – бу калит сўз эмас.

Фонтейннинг тим кора кўзлари қизники билан тўқнашиди.

– Флетчер хоним, агар бу калит сўз бўлмаса, нима учун Танкадо узукни бунчалик эҳтиёт қилган? Танкадо биз уни ўлдирганимизни билган бўлса, атайдан узукни кўзимиздан узокроқка яшириб, бизни жазоламоқчи бўлгандир? Бу фикр-га қандай қарайсиз?

– Кечирасиз... Директор..? – овоз келди экран ортидан.

Ҳамма деворга ўгирилди. Севильядаги агент Колиандер Беккернинг елкасига суюниб, микрофонга гапирган эди.

– Бу қанчалик муҳим, билмадим-у, лекин шуни айтишим керакки, жаноб Танкадо қотиллик қурбони бўлаётганидан бехабар бўлган.

- Тушунмадим, аникроқ гапириңг, – Фонтейннинг қошлари чимирилди.
- Ҳалоҳот жуда профессионал қотил экан. Биз у эллик метрдан мўлжалга олиб отганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Танкадо ўлимини умуман кутмаган.
- Нимага ишониб бундай деяпсиз? – гапга қўшилди Бринкерхоф. – Танкадо узукни кимгадир бериб юборган, мана шунинг ўзи исбот эмасми?
- Агент Смит, нима учун бундай ўйлаяпсиз? – сўради Фонтейн.
- Смит томоғини қирди.
- Ҳалоҳот қотиллик қуроли сифатида НТБ, яъни травматик ўқдан фойдаланган. Резинада тайёрланган бу ўқ кўкракка теккач, бутун танага ёйилади ва ўзидан ҳеч кандай из қолдирмайди. Жуда тоза иш. Жаноб Танкадо юрак хуружига учрашидан олдин фақат каттиқ мушт зарбини сезган бўлиши мумкин холос.
- Травматик ўқ... – пицирлади Девид ўзига ўзи. – Мана нима учун Танкадонинг баданида қўкиш доғ қолган экан!
- Танкадо юрак хуружини қотиллик билан боғлагани эҳтимоли жуда кам, – қўшимча қилди Смит.
- Лекин у узукдан кутулмоқчи бўлган! – эътиroz билдириди Фонтейн.
- Тўғри, Жаноб. Лекин Танкадо қотилини қидирмади. Курбонлар отилганидан кейин доим инстинктив равишда қотилини қидиради.
- Фонтейннинг боши қотиб қолди.
- Танкадо жон беришидан олдин Ҳалоҳотни қидирмадими?
- Йўқ, жаноб! Биз қотиллик саҳнасини видеога олгандик, агар истасангиз...
- «Х-ўн бир» ҳимоя қобиғи йўқоляпти! – компютер олдидаги турган техник ходим қичкирди. – Чувалчанг маълумотлар базасига етай деб қолди!
- Видеони унунтинг! – деди Бринкерхоф. – Худо қарғаган калит сўзни тезроқ киритиб, бу томошага барҳам бериш керак!

Жабба оғир хўрсинди ва босик овозда деди:

– Директор, агар биз нотўғри кодни киритсак...

– Лекин, – унинг гапини бўлди Сьюзан, – Танкадо ростдан ҳам биздан шубҳаланмаган бўлса, баъзи саволларни аниклаштириб олиш зарур.

– Қанча вақтимиз қолди, Жабба? – сўради Фонтеин.

– Тахминан йигирма дакиқа атрофида, – VR’га караб кўйиб, жавоб берди бош техник. – Умид қиласанки, бу вақтдан унумли фойдаланмиз!

Фонтеин бир муддат ўйланиб туриб, оғир нафас олди ва кўрсатма берди:

– Яхши! Видеони кўйинг!

## **Бир юз ўн еттинчи боб**

– Видео трансляцияси ўн секунддан кейин бошланади, – таъкидлари агент Смит. – Биз ортиқча саҳналар ва овозни кесиб ташлаб, иложи борича зарур кисмни кўрсатишга харат қиласиз.

Подиумдагилар чурқ этмасдан кутишни бошлишди. Жабба қандайдир тугмаларни босиб, видеокўнғироқни қайтадан созлагач, Танкадонинг хабари деворнинг чап томонига силжиди:

*Ҳақиқатгина сизни сақлаб қолади ҳозир!*

Камера атрофида уймалашиб турган Беккер ва икки агентнинг акси деворнинг ўнг тарафига кўчди. Девор марказида пайдо бўлган тўртбурчак ичидаги эса боғнинг оқ-кора тасвири намоён бўлди.

– Трансляция бошланди! – эълон қилди Смит.

Экрандаги тасвиirlар эски фильмни эслатарди – тезлаштирилган трансляцияни амалга ошириш мақсадида видеонинг ярмидан кўпине кесиб ташланаётгани боис тасвиirlар бироз ноаниқ ва тез эди.

Видео олинган камера Севильядаги Аюнтамиенто боғининг ярим айлана шаклдаги кириш дарвозаси олдида тўхтади. Даражтлар билан тўла боғда ҳеч ким кўринмасди.

– «Х-ўн бир» кўлдан кетди! – қичкирди техник орқадан туриб. – Чувалчанг уни еб битирди!

Смит ҳикоя қилишни бошлиди:

– Бу видео қотиллик жойидан эллик метр узоқлиқдаги мини-автобус ичидан олинмоқда. Танкадо ўнг тарафдан келади. Ҳалоҳот эса чап томондаги даражтлар орасида турибди.

– Вактимиз чегараланган, – деди директор. – Энг керакли саҳнани кўйинг.

Агент Колиандер керакли тугмани босгач, видео янада тезлашди.

Подиумдагилар сабрсизлик билан собик ҳамкаслари Энзай Танкадо юз кўрсатишни кутишди. Тезлаштирилган видео воқеалар ривожини жуда кулгили килиб кўрсатаётганди. Мана Танкадо илдам юриб, очиқ маёнга чиқди ва атроф

ни томоша қила бошлади. У қўли билан юзини пана қилиб, маҳбатли дарвозани кўздан кечирди.

– Диққат билан қаранг, – огохлантириди Смит. – Ҳалоҳот жуда профессионал. Бу унинг оммавий жойдаги биринчи қотиллиги.

Смит ҳак эди. Тўсатдан экраннинг чап тарафидаги дарахтлар орасидан чақин чақнагандек бўлди, бир неча сониядан сўнг Танкадо кўксини чанглаб, жойида чайқала турди. Камера унинг киёфасини яқиндан кўрсатди.

– Гувоҳи бўлганингиздек, – ҳикоясида давом этди Смит, – Танкадонинг юраги хуруж тутиб қолди.

Мажруҳ бармоклари билан кўкрагини маҳкам чанглабган Танкадонинг кўзидағи даҳшатни кузатаркан, Сьюзаннинг эти жимирлаб кетди.

– Пайқаган бўлсангиз, – қўшимча қилди Смит, – курбоннинг кўзлари пастга қараган, у бирор марта ҳам атрофдан кимнидир қидирмади.

– Хўш, бу шунчалик мухимми? – қовоғини уйди Жабба.

– Албатта! – деди Смит. – Танкадо кимdir уни отганидан шубҳаланганида эди, инстинктив равишда қотилни кидириб, атрофга аланглаган бўларди. Лекин, кўриб турганингиздек, у бундай килмади.

– Лекин бир нарса жуда ғалати, – ҳайратини яширомади Смит. – Травматик ўклар одатда бунчалик тез таъсир қилмайди. Баъзан, қурбон жуда баҳайбат бўлса, травматик ўқ билан зиён етказиб ҳам бўлмайди ҳатто.

– Танкадонинг юраги хаста бўлган, – изоҳ берди Фонтеин совуққонлик билан.

Смитнинг қошлари керилди:

– Ундей бўлса, Ҳалоҳот қурол борасида яхши танлов қилган экан.

Сьюзан қандай қилиб Танкадо олдин тиззалаб қолгани, сўнг чалқанчасига ерга кулаганини кузатди. Мажруҳ даҳо осмонга қараганча кўксини чанглаб ётарди. Шу пайт камера ундан узоклашиб, дарахтлар уюмига йўналди. Улар орасидан бир эркак чиқди. Унинг кўзларида кора темир кўзойнак, кўлида эса катта дипломат бор эди. Яширинган жой-

идан очиқликка чиқиб, чўзилиб ётган Танкадога қараб юриб келаркан, темир кўзойнакли одам бармокларини бир-бирига теккизиб, нималарнидир ёза бошлади.

– Ҳалоҳот Monocle компььютеридан фойдаланиб, Танкадонинг йўқ қилингани ҳакида хабар жўнатмоқда, – изоҳ берди Смит ва Беккерга ўгирилиб, қиқирлаб кулди: – Курбонлари тўла ўлмасдан туриб суюнчи олиш Ҳалоҳотга хос ёмон одат бўлса керак.

Колиандер видеони янада тезлаштириди. Ҳалоҳот ўлжасига яқинлашиб қолган вақтда аллақаердан бир кекса одам югуриб келиб, Танкадонинг ёнига чўккалади. Ҳалоҳот қадамини секинлаштириди. Бироз вақт ўтиб, яна иккита киши – бақалоқ эркак ва қизил сочли аёл ёрдамга ошиқди.

– Котиллик ҳудудини ўйламай танлаш оқибати, – деди Смит. – Ҳалоҳот қурбони ёлғиз бўлади деб ўйлаб қаттиқ адашган.

Экрандаги Ҳалоҳот бир муддат қараб турди, сўнг одамлар кетишини кутишга қарор қилиб, дарахтлар орқасига ўтиб кетди.

– Ҳозир кўрасизлар, – тантанали эълон қилди Смит. – Биз буни илғамай қолгандик.

Сьюзан экранга бутун диққатини қаратди. Ҳаво етишмаганидан нафас олиш учун оғзини каппа-каппа очаётган Танкадо ёнидаги қарияга нималардир дейишга уринди. Кейин бир амаллаб чап кўлини қариянинг юзига яқинлаштириди. Катталаштирилган камерада Танкадонинг мажруҳ бармокларидан бирида яраклаётган тилла узук яққол кўзга ташланиб турарди. Танкадо кўлини никтади, аммо қария эътиroz билдириди. Шундан кейин у қизил сочли аёлга ўгирилди ва мажруҳ бармоғидаги узукни олишни сўраб ёлвораётгандек кўлини чўзди. Андалузия Қуёши остида узук ялтиради. Аёл ҳам узукни олишдан воз кечгач, нафаси кисаётган Танкадо кўлини бақалоқ эркакнинг юзига тутди.

Бу орада қария ўрнидан иргиб туриб, ёрдам чақиришга шошилди.

Бақалоқ эркак эгилиб, ўлаётган одамнинг билагидан ушлади. Танкадо нигоҳларини бармокларига, бармоғидаги

тилла узугига қаратиб, эркакнинг кўзларига илтижо билан тикилди. Узукни қабул қилишни сўраш ўлимидан олдинги охирги тилаги эди. Танкадо миннатдорчилик билдираётган-дек сезилар-сезилмас бош ирғади ва кўзларини оҳиста юмди.

– Ё Парвардигор! – гўлдиради Жабба.

Шу вақт камера Ҳалоҳот яшириниб турган жойга йўналди. Қотил аллақачон кетиб бўлганди. Полиция мотоциклли кўрингач, камера Танкадо ётган жойга қайтди. Полиция сиренаси товушини эшитган қизилсоч аёл атрофга асабийлашиб аланглади ва семиз ҳамроҳини тургизиб, тезроқ кетишга ундей бошлади. Иккалови кўздан узоклашиди.

Камера Танкадонинг жонсиз кўкси узра чалишиб ётган кўуллари устида тўхтади. Унинг бармоғидаги узук ғойиб бўлган эди.

## **Бир юз ўн саккизинчи боб**

– Мана шу исбот, – деди Фонтеин бир қарорга келгандек. – Биз топиб олмаслигимиз учун Танкадо узукни биздан узоклаштиришга уринди.

– Лекин, директор, – Сьюзан эътиroz билдириди, – бу унча мос келмаяпти. Танкадо ўлдирилганидан бехабар ҳолда ҳаётни тарк этган бўлса, қотил кодни нега тарқатиб юборсин?

– Кўшиламан, – гапга аралашди Жабба. – Бу бола биздан қасос олмоқчи бўлса-да, виждонини йўқотмаган. МХАнинг Трансхабар ҳақидаги ҳақиқатни ошкор этиши бир масала; ўта маҳфий маълумотлар базасини оммага ошкор этиш бутунлай бошқа масала.

Фонтеин ишонкирамади:

– Танкадо чувалчангни тўхтатмоқчи бўлган деб ўйлайсизми? Наҳотки у ўлимидан олдин бечора МХАни саклаб қолиш ҳақида қайғурганига ишонсангиз?

– «Туннель блоки» қобиғи емирилмоқда! – орқадаги техник ходимнинг хавотирли овози эшитилди. – Ўн беш дақиқадан кейин бутунлай ҳимоясиз қоламиз!

– Биласизларми нима? – назоратни қўлига олди директор. – Ўн беш дақиқадан сўнг сайёрамиздаги ҳар бир «Учинчи дунё» мамлакати қандай килиб интерконтинентал баллистик ракеталар қуриш сиридан огоҳ бўлади. Бу хона турганлардан кимдадир қотил кодни узукдан эмас, бошқа нарсадан қидириш борасида яхшироқ фикр бўлса, марҳамат, жон қулоғим билан эшитаман. – Директор бир муддат сукут сақлади. Ҳеч кимдан сас чикмагач, нигоҳини Жаббага қаратди. – Танкадо узукни қандайдир сабаб билан бериб юборган, Жабба. У қалит сўзни биздан узоклаштирмақчи бўлганми ёки бақалок эркак югуриб бориб бизга узук ҳақида хабар қиласди деб ўйлаганми – мен учун бу аҳамиятсиз. Мен бир қарорга келдим. Биз афоризмни код сифатида киритамиз! Ҳозироқ!

Жабба уфлади. У Фонтеиннинг ҳақлигини биларди – яхшироқ вариант йўқ эди барибир. МХА эса вактдан ютқазаётганди. Жабба жойига ўтириб, клавиатурани ёнига сурди.

– Яхши... Бошладик унда... Жаноб Беккер, ёзувни ўқи-сангиз, илтимос. Ифодали қилиб!

Девид Беккер ҳарфларни ўқиди, Жабба эса уларни кла-виатурада терди. Нихоят, ёзишни тугатгач, икки мартадан қайта текшириб, барчаси түғри киритилганига ишонч ҳосил килди. Девор марказида, юқорироқда ҳарфлар намоён бўлди:

*QUI SCUSTODI ET IPSO SCUSTODES*

– Бу менга ёқмаяпти, – шивирлади Сьюзан. – Код тоза эмас.

Жабба иккиланиб бармоғини Enter тұгмаси устида тутиб қолди.

– Бўлақол! – буйруқ берди Фонтейн.

Жабба тұгмани босди. Икки сония ўтар-ўтмас тўплан-ганлар қандай хатога йўл қўйилганини англаб етди.

## Бир юз ўн тўққизинчи боб

– Чувалчанг тезлашяпти! – даҳшат тўла овоз билан кичқириди Соши хонанинг орқасида туриб. – Калит сўз нотўғри экан!

Залга кўрқинчли сукунат тушди.

Катта экранда янги хабар пайдо бўлди:

*Нотўғри киритиш! Фақат рақамлар қабул қилинади!*

– Минг лаънат бўлсин! – бўралатиб сўкинди Жабба. – Код рақамлардан иборат экан! Бизга рақамлар керак! Тамом бўлдик! Бу узук алдов бўлган!

– Чувалчанг икки баравар тез ҳаракатланяпти! – бакирди Соши. – Жарима банди ишга тушди!

Марказдаги экрандаги хатолик хабарининг пастидаги кўргазмали тақдимотда кўрқинчли диаграмма намоён бўлди. Учинчи қобиқ ҳам кўздан йўқолгач, бузгунчи хакерларни ифодаловчи ўнлаб қора чизиклар катта тезликда олдинга силжиб, ўзак томон яқинлаша бошлади; уларнинг сони сония сайин кўпайиб борарди.

– Акулалар ҳамма жойни эгаллаб оляпти! – огоҳлантириди Соши.

– Хорижий хакерлар ҳам қўшилди! – бошқа техникнинг вахимали овози эшитилди. – Бутун дунё ҳимоясиз қолганимиздан хабар топди!

Сьюзан емирилаётган қобиқларга бир муддат тикилиб тургач, ёнбошдаги экранга қаради. Танкадонинг ўлим саҳнаси қиз учун мураккаб бошқотирмани келтириб чиқарганди.

«Бу ерда нимадир ўхшамаяпти, – ўйлади қиз. – Танкадо уни биз ўлдирганимиздан бехабар бўлса... Жуда кеч бўлди... Биз ниманидир кўздан қочирдик...»

Кўргазмали тақдимотда қобиқларга хужум қилаётган хакерлар сони сўнгги беш дақиқа ичиди икки марта кўпайганди ва болалашда давом этаётганди. Хакерлар сиртлонлар каби битта катта оила бўлиб топилган янги ўлжани хурсандчилик билан бўлишаётганди.

Асаблари қақшаб кетган Лиленд Фонтеин иложсизлик-

дан сүнгги чора сифатида асраб ўтирган кўрсатмасини берди:

– Маълумотлар омборидаги энергияни ўчиринг! Ҳозироқ ўчиринг бу жин ургурни!

Жабба ҳалокатга учраган кеманинг капитани сингари олдинга маъносиз тикилди:

– Жуда кеч, жаноб! Биз чўкяпмиз!

## Бир юз йигирманчи боб

Юз килограммдан ортиқроқ тош босувчи тизим хавфсизлик бўлими бошлиғи бошини қўллари билан чанглаб, котиб туради. У электр энергиясини ўчиришга буйруқ берди, бироқ кўзланганидан нақ йигирма дақиқа қўпроқ вақт йўқотилганди. Бу вақт оралиғида юқори тезликдаги модемларга эга акулалар минглаб маълумотларни базадан юклаб олиш имкониятини қўлга киритганди.

Кўлида янги босмадан чиққан қофозни кўтариб, подиумга югуриб келаётган Сошининг овози бош техникни уйқудан уйғотгандек бўлди.

– Жаноб, мен нимадир топдим! – ҳаяжонланиб бидирлади Соши. – Манбада етим қаторлар бор экан! Ҳамма жой альфа гурухларга тўла!

Жабба жойидан қимирамади.

– Биз ракамли код қидиряпмиз, жин урсин! Альфа эмас! Котил код ракамдан иборат!

– Лекин бизда етим қаторлар бор! Танкадо ўз ишининг устаси эди – у дастурни ёзиш ҷоғида етим қаторларни тасодифан ташлаб кетиши мумкин эмас. Бунинг устига, улар жуда кўп!

«Етим қатор» атамаси дастур вазифасига алоқасиз қўшимча дастурлаш қаторларини ифодаларди. Етим қаторлар ҳеч нарсани вайрон қилмайди, ҳеч қаерга олиб бормайди ва одатда жараён якунланганда бутун дастурга қўшилиб ўчиб кетади.

Жабба қизнинг қўлидаги қофозни олиб, кўз югуртиаркан, Фонтейн унинг оғзига тикилди. Сьюзан ҳам Жаббанинг елкаси оша қофозни ўрганишга киришди ва сўради:

– Демак, ҳозир бизга Танкадонинг хомаки чувалчанги хужум қиляпти, шундайми?

– Нима бўлсаям, – аччикланди Жабба, – у кетимизга яхшигина тепяпти!

– Мен бунга ишонмайман! – эътиroz билдириди Сьюзан.

– Танкадо перфекционист эди. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. У яратган дастурида «қўнғиз» қолдириши мумкин эмас!

– Чувалчангда «қўнғиз»лар жуда кўп! – хитоб қилди

Соши ва Жаббанинг қўлидаги қоғозни юлқиб олиб, Сьюзанга тутқазди. – Мана, қаранг!

Сьюзан бош иргади. Даструрнинг ҳар йигирманчи қаторида тўрт ҳарфдан иборат «етим қатор»лар кўриниб турарди. Қиз уларни дикқат билан кўздан кечирди.

*PFEE*

*SESN*

*RETM*

– Тўрт белгили альфа гурухлари, – ҳайрон бўлди қиз. – Улар даструрнинг таркибий қисми эмаслиги аник.

– Эсингиздан чикаринг буни! – Жабба ўқрайди. – Бекорчи нарсага ёпишяпсиз!

– Балки ундей эмасдир, – эътиroz билдириди қиз. – Жуда кўп шифрлар тўртталик гурухдан иборат бўлади. Балки бу калит сўздир.

– Шуни айтинг! – калака қилди Жабба киноя билан. – Бу етимчаларнинг маъноси битта – «Вуа-ҳа-ҳа, сиз тамом бўлдингиз!» – у тақдимотга қараб, қўшиб қўйди: – Ўн дақиқадан кейин тамом бўласиз!

Сьюзан Жаббага эътибор қилмай, Сошига ўгирилди:

– Жами нечта «етим қатор» бор даструрда?

Соши елка қисди ва Жаббанинг компьютерига бориб, ҳамма альфа гурухлар ҳисобини чиқаргач, подиумга қайтди. Хонадагилар экранга пайдо бўлган белгиларга тикилди.

*PFEE SESN RETM MFHA IRWE OOIG MEEN NRMA  
ENET SHAS DCNS IIAA IEER BRNK FBLE LODI*

Девордаги ҳарфларни кўрган Сьюзан жилмайди.

– Ҳаа... Жудаям таниш... Тўртликлар блоки – Enigma каби.

Директор буни тасдиқлади. Энг машҳур кодлаш машинаси сифатида тарих зарваракларида сакланиб қолган нацистларнинг ўн икки тонналик шифрлаш ускунаси Enigma тўртлик блокларидан фойдаланиб код ёзган эди.

– Ажойиб! – истеҳзо билан кулди Фонтейн. – Мабодо

ён-верингизда Enigma'нинг қолдиқлари сақланиб қолмаганми?

– Гап бунда эмас! – ўзига келди Сьюзан. Энгима унинг мутахассислиги эди. – Гап шундаки, бу ракамлар – калит сўз! Танкадо бизга ишора колдирган! У ишораларни энг охирги дақиқаларда ошкор этиб, калит сўзни вактида топишимизга ундаяпти!

– Бўлмаган гап! – қўшилмади Жабба. – Танкадо бизга колдирган ягона ишора – Трансхабарни ошкор қилиш эди. Ягона имкониятимизни қўлдан чиқардик.

– Жаббанинг фикрига қўшилишга мажбурман, – Фон-тейн хўрсинди. – Танкадо бизга ишора колдириш орқали калит сўзни топишимизга имкон яратишига ишонмайман.

Сьюзан паришонлик билан бош иргади, лекин унинг хаёлига Танкадо қай йўсинда NDakota'ни ошкор қилгани келиб, экрандаги харфларга дикқат билан қаради. Балки бу тасодифий белгиларда ҳам қандайдир синоат яширингандир.

– «Туннель блоки»нинг ярми қўлдан кетди! – огоҳлантириди орқадаги техник ходим.

Коп-кора чизикчалар шиддат билан қолган икки ҳимоя қобиги томон илгарилаётгани кўргазмали тақдимотда акс этиб турарди.

Шунча вактгача назорат марказида бўлаётган драмани экран орқали жим кузатиб ўтирган Девид тилга кирди:

– Сьюзан, менда бир фикр бор, – таклиф киритди у. – Етим қатор деётганингиз тўртликлардан иборат ўн олтига гурухми?

– Худойим! – тўнғиллади Жабба. – Энди ҳамма шу ўйинни ўйнамоқчими?

Сьюзан унинг гапларига парво қилмай, гурухларни санади:

– Шундай. Ўн олтига гурух.

– Ўртадаги бўшликларни олиб ташла! – кўрсатма берди Беккер қатъият билан.

Бироз иккиланиб турган Сьюзаннынг ишораси билан Соши ишга киришди ва бўшликларни ўчириб ташлади. Ҳосил бўлган натижа ҳеч нимани билдирамасди.

PFEESNRETMPFHAIWEOOIGMEENNRMMAENETSH  
ASDCNSHAAIEERBRNKFBLELODI

Жабба портлади:

– Етар! Ўин вақти тугади! Чувалчанг икки баравар тез харакатланяпти ҳозир! Бизда эса атиги саккиз дақиқа вакт бор! Неча марта қайтариш керак, бизга рақамли калит сүз керак, bemаза харфлар уюми эмас!

– Тўртни ўн олтига кўпайтири! – босик овозда буйруқ берди Девид. – Ҳисоблашни эсла, Сьюзан.

Сьюзан экрандан унга тикилиб турган Девидга қаради. Ҳисоблашни эсла? Девид ҳамиша ҳисоб-китобда қийналарди. Суюкли ёри феълларнинг тусланиши-ю, луғатлардаги сўзларни нусха кўчириш машинаси сингари ҳеч кандай муаммолиз ёдлаб олишини қиз яхши биларди, лекин математика...

– Карра жадвали, – изоҳ берди Девид.

– Карра жадвали? – ажабланди Сьюзан. Девид нима демокчи ўзи?

– Тўртни ўн олтига кўпайтири, – қайтарди профессор. – Мен тўргинчи синфда ўргангандар карра жадвалини элашимга тўғри келди.

Қиз кўз олдида стандарт карра жадвалини гавдалантириди. Тўрт карра ўн олти...

– Олтмиш тўрт, – жавоб берди Сьюзан ҳеч вақога тушунмай. – Хўш, нима бўпти?

Девид камерага эгилди. Унинг юзи бутун экранни тўлдириди.

– Олтмиш тўрт ҳарф...

Сьюзан тасдиқлади.

– Шундай, лекин улар... – қиз хаёлига келган фикрдан музлаб қолди.

– Олтмиш тўрт ҳарф... – тақрорлади Девид.

Сьюзан энтикиб кетди.

– Худойим! Девид, Сиз даҳосиз!

## Бир юз йигирма биринчи боб

– Чувалчанг базани бутунлай вайрон қилишига етти дақика қолди! – орқадан қичқирди техник ходим.

– Саккиз ҳарфдан иборат саккиз қатор туширинг! – бакирди Сьюзан ҳаяжонланиб.

Соши кўрсатмага бўйсунди. Фонтеин миқ этмасдан вазиятни кузатарди. Энг охирги химоя қобиғи ҳам емирилиб бораётгани VR’да акс этиб турарди.

– Олтмиш тўрт ҳарф! – Сьюзан назоратни ўз кўлига олди. – Бу «Тўғри квадрат»

– «Тўғри квадрат»? – тақрорлади Жабба. – Хўш, нима қипти шунга?

Орадан ўн сония ўтиб, Соши тасодифий ҳарфларни экранда саккизта саккизлик қаторга қайта жойлаштириди. Пайдо бўлган ҳарфларни ўқиган Жаббанинг эсхонаси чиқиб кетди. Янги бирикмалар олдингисидан ҳам баттар тушунарсиз эди.

P F E E S E S N  
R E T M P F H A  
I R W E O O I G  
M E E N N R M A  
E N E T S H A S  
D C N S I I A A  
I E E R B R N K  
F B L E L O D I

– Кундек равшан! – хўмрайди Жабба.

– Флетчер хоним, ўзингиз тушунтиринг нималар бўлаётганини, – илтимос килди директор. Ҳамманинг кўзи Сьюзанга қадалди.

Киз матн блокига бош-оёқ караб, қах-қах отиб кулиб юборди:

– Девид, жин урсин мени!

Сьюзандаги ўзгаришдан подиумдагилар бир-бирига ҳайрон бокишиди, Девид эса экран ортидан севгилисига караб кўз қисиб кўйди.

– Олтмиш түртта ҳарф! Юлий Цезарь яна биз билан бирга!

– Нима ҳақида гапирыпсиз ўзи? – сўради боши қотиб кетган Миж.

– Цезарь қутиси, – жилмайди қиз. – Тепадан пастга карата ўқинглар! Танкадо бизга хабар юборяпти!

## Бир юз йигирма иккинчи боб

– База ялангоч қолишига олти дақика қолди! – орқадан техникнинг қичқириги эшитилди.

Сьюзан кетма-кет кўрсатма бера бошлади:

– Тепадан пастга ёзилган ҳарфларни ёнбошлатиб ёзиб чикинг! Пастга қаратा ўқинглар, ёнбошга эмас!

Соши шоша-пиша ҳарфларнинг жойини ўзгартириб, матнни қайта теришни бошлади.

– Юлий Цезарь хабарларни мана шу усулдаги кодлардан фойдаланиб юборган, – изоҳ берди қиз. – Унинг мактублари-даги ҳарфлар сони доим тўғри квадратга мос бўлган!

– Бажарилди! – бақирди Соши.

Хонадагилар бир пайтнинг ўзида экранда янги пайдо бўлган бир қаторли матнга қаради.

– Бир уюм ахлат! – масхара қилди Жабба. – Қаранглар! Матн шунчаки тасодифий белгилар.... – матнга охиригача кўз югириргач, гапи бўғзида қолди, кўзи косасидан чиқиб кетгудек бўлиб олайиб кетди: – Худойим...

Экрандаги матннинг мазмуни Фонтейнга ҳам етиб борди шекилли, ҳайратланиб кошларини чимириди.

Миж ва Бринкерхоф бир овоздан оҳ деб юборишиди.

Экрандаги олтмиш тўрт ҳарф қуйидаги шаклга кирган эди:

*PRIMEDIFFERENCEBETWEENELEMENTSRESPONSIBILITYFORHIROSHIMAANDNAGASAKI*

Сўзлар ўртасига бўшлиқларни киритинг, – буйруқ берди Сьюзан. – Ечишимиз керак бўлган топишмоқ борга ўхшайди.

## **Бир юз йигирма учинчи боб**

Юзида қон көлмаган техник ходим подиумга ҳаллослаб югуриб келди:

— «Туннель блоки» емирилиб, тамом бўляпти.

Жабба VR'га ўгирилди. Ҳужумчи акулалар олдинга илгарилаган, бешинчи ва охирги ҳимоя қобигидан бир неча одим ортда туришарди. Маълумотлар омбори бутун дунёга очилиш арафасида эди.

Сьюзан атрофидаги тўс-тўполонга эътибор қилмай, диққатини тўплаб, Танкадонинг хабарини қайта-қайта ўқиди.

### *PRIME DIFFERENCE BETWEEN ELEMENTS RESPONSIBLE FOR HIROSHIMA AND NAGASAKI*

### *ХИРОСИМА ВА НАГАСАКИ УЧУН ЖАВОБГАР ЭЛЕМЕНТЛАР ЎРТАСИДАГИ АСОСИЙ ФАРҚ*

— Бу ҳатто савол ҳам эмас, — хўрсинди Бринкерхофф. — Қандай қилиб жавоб топишими мумкин?

— Бизга рақам керак! Қотил код рақамдан иборат! — эслатиб қўйди Жабба.

— Жимлик сақлансин! — талаб қилди директор ва Сьюзанга юзланди: — Флетчер хоним, сиз бизни шу ергача бошлиб келдингиз. Менга фикрингиз муҳим.

Қиз чукур нафас олди.

— Қотил код факат рақамлардан иборатлигини ҳаммамиз биламиз. Фикримча, бу хабар бизга тўғри рақамни топишими учун бир ишора. Матнда Ҳиросима ва Нагасаки — атом бомбаси портлатилган иккита шаҳар эсга олиняпти. Балки калит сўз ҳалок бўлганлар сони, етказилган зарар микдорига боғлиқдир... — Сьюзан бир муддат гапдан тўхтаб, ишорани қайта ўқиди. — «Фарқ» сўзи жуда муҳимга ўхшайди. Нагасаки ва Ҳиросима ўртасидаги асосий фарқ... Афтидан, Танкадо бу икки шаҳардаги ҳалокатлар бир-биридан фарқ килган деб ҳисоблаган шекилли.

Фонтейннинг юз ифодаси ўзгармади. Лекин унинг умиди сўниб бораётганди. Тарихдаги энг вайронкор портлашларни

ипидан-игнасигача таҳлил қилиб, қиёслаб, қандайдир сехрли рақамга айлантириш учун уларда атиги беш дақиқа вакт қолганди.

## **Бир юз йигирма тўртинчи боб**

– Сўнгги қобиқ ҳужум остида!

Кўргазмали тақдимотда РЕМ ваколатлаш дастурига тинмай урчиётган қора чизиклар – акулалар етиб боргани, уни ҳам емириб, база томон жадаллаб ҳаракатланаётгани акс этарди.

Хозир бутун дунё бўйлаб хакерлар тўдаси МХА маълумотлар базасига ёпирилиб келаётгандек, уларнинг сони ҳар дақиқада икки бараварга ошарди. Ҳадемай қора чизиклар базага етиб келса, компьютерга эга бўлган ҳамма – чет эл жосуслари, радикаллар, террорчилар – АҚШ ҳукуматининг энг махфий маълумотларига текин рухсатномани қўлга киритади.

Бир ёнда техник ходимлар энергияни ўчиришга уринса, бошқа ёнда подиумда йигилганлар Танкадонинг хабари маъносини англашга ҳаракат қилмоқда эди. Девид билан икки агент ҳам Испанияда, мини-автобус ичидан туриб экранга ёпишганча калит сўз мағзини чақишга уринарди.

### ***ХИРОСИМА ВА НАГАСАКИ УЧУН ЖАВОБГАР ЭЛЕМЕНТЛАР ЎРТАСИДАГИ АСОСИЙ ФАРҚ***

Соши овоз чиқариб ўйлай бошлади:

– Ҳиросима ва Нагасаки учун жавобгар элементлар...  
Пирл-Ҳарбор? Ҳироҳитонинг раддияси...

– Бизга рақам керак! – тақрорлади Жабба. – Сиёсий назариялар эмас! Биз математика ҳақида гаплашяпмиз, тарих ҳақида эмас!

Соши жим бўлди.

– Курбон бўлганлар соничи? – тақлиф киритди Бринкерхоф. – Талофатлар қиймати?

– Бизга аниқ рақамлар зарур, – эслатиб кўйди Сьюзан.  
– Курбон бўлганларнинг аниқ сони ҳеч кимга маълум эмас, турли манбаларда турлича келтирилади. – Қиз матнга қарди. – Жавобгар унсурлар...

Уч минг миль нарида Девид Беккернинг кўзлари ярк этиб очилди:

– Элементлар! – деди у. – Биз математика ёки тарих ҳақида гапирмаяпмиз.

Барчанинг кўзи Беккернинг оғзига тикилди.

– Танкадо сўз ўйини киляпти, – изоҳ берди Девид. – Элемент сўзининг бир нечта маъноси бор.

– Аникроқ гапиринг, жаноб Беккер! – ёлворди Фонтеин.

– Танкадо кимёвий элементларни назарда тутяпти – сиёсий ёки математик эмас!

Беккернинг баёноти кўпчиликда тушунмовчилик уйғотди.

– Элементлар! Менделеев даврий жадвали! – ойдинлик киритди Девид. – Кимёвий элементлар. Нима бало, ҳеч бирингиз Манҳеттен лойиҳаси тўғрисидаги «Семиз одам ва кичкинтой» фильмини кўрмаганмисиз? Иккита бомба турлича бўлган. Уларда турли моддалардан фойдаланилган. Ҳар хил элементлар!

Соши қарсак чалиб юборди.

– Ҳа, ҳа, тўғри айтяпсиз, мен бу ҳақда ўқигандим. Ҳиросима ва Нагасакига ташланган бомбалар ҳар хил моддалардан иборат бўлган. Бири урандан, иккинчиси эса плутонийдан! Мана шу элементлар ўртасидаги фарқ!

Залга жимлик чўкди.

– Уран ва плутоний! – деди умидланган Жабба. – Ишора икки элемент ўртасидаги фарқни сўраяпти. – У ишчилар гурухига ўгирилди: – Уран ва плутоний ўртасидаги фарқни ким билади?

Йиғилганлар бир-бирига савол назари билан боқди.

– Қўйсангизчи! Ҳеч қайсингиз коллежга бормаганмисиз? Кимдир биладими? Менга уран ва плутоний ўртасидаги фарқ керак!

Жимлик.

Сьюзан ўйланиб турган Сошига ўгирилди.

– Менга интернет зарур. Браузер борми бу ерда?

Соши бош иргади.

– Бундан осони йўқ.

Сьюзан унинг қўлидан тутди:

– Кетдик! Бир интернетни айланиб чиқайлик-чи!

## **Бир юз йигирма бешинчи боб**

– Қанча вактимиз қолди? – сүради Жабба подиумдан турар.

Орқа тарафдаги техниклардан жавоб бўлмади. Уларнинг бари катта экрандаги тақдимотга қўрқинч билан тикилиб турарди. Охирги ҳимоя қобиги жуда юпқалашиб қолганди.

Соши билан интернет кидируви натижаларини ўрганар экан, Сьюзан сўради:

– Конундан ташқари лаборатория? Нима ўзи бу?

Соши елка қисди:

– Очиб кўрайми?

– Тўппа тўғри! – қизнинг ранги ўчди. – Уран, плутоний ва атом бомбалари тўғрисида олти юз кирқ еттита матн учун ҳаволалар чиқди. Бу айнан бизга керакли нарсага ўхшайди.

Соши линклардан бирига босган эди, огоҳлантирувчи эслатма чиқди:

*Бу файлдаги маълумотлар фақат академик мақсадларга мўлжалланган. Кимда-ким қуйида тасвирланган ускуналардан бирор тасини қуришга ҳаракат қилса, нурланиб қолиши ёки ўзини портлатиб юбориши мумкин.*

– Ўзини портлатиб юбориш? Даҳшат-ку бу! – ажабланди Соши.

– Яхшилаб кидиринг! – сабрсизланди Фонтейн. – Кўрайликчи, нималар бор экан.

Соши ҳужжатни очиб, кўз югуртишни бошлади. Экранда уринонитрат – динамитдан ўн марта кучлироқ портловчи воситани тайёрлаш рецепти кўринди.

– Плутоний ва уран! – эслатди Жабба. – Шуни кидиринг!

– Орқага қайтинг, файл жуда катта. Мундарижага боринг! – кўрсатма берди Сьюзан.

Соши унга бўйсунди.

*I. Атом бомбасининг механизмлари*

*A) Алтиметр*

*B) Ҳаво босими детонатори*

- С) Детонатор боши*
- Д) Портловчи зарядлар*
- Э) Нейтрон дефлектор*
- Ф) Уран ва плутоний*
- Г) Асосий қобиқ*
- Х) Портлатгичлар*

### *II. Ядровий қүшилиш*

- А) Қүшилиш (А бомба) & йўшилиш (Б бомба)*
- Б) U-235, U-238 ва плутоний*

### *III. Атом қуролларининг тарихи*

- А) Ишлаб чиқиши (Манҳеттен лойиҳаси)*

#### *Б. Портлашибии*

*1. Ҳиросима*

*2. Нагасаки*

*3. Атом бомбаси портлашининг оқибатлари*

*4. Портлашиби ҳудудлари*

– Иккинчи бўлим! – қичқирди Сьюзан. – Уран ва плутоний! Ўша жойга босинг!

Соши тўғри бўлимни топишини барча сабрсизлик билан кутди.

– Мана у! – қувониб кетди Соши. – Лекин бу ерда жуда кўп маълумот бор экан. Бутун бошли харита! Қайси фарқни кидираётганимизни қаердан биламиз? Масалан, бир элемент табиий маҳсулот, иккинчиси инсон қўли билан тайёрланган. Плутоний биринчи бўлиб кашф килинган...

– Рақам, – қайтарди Жабба. – Бизга рақам керак.

Сьюзан Танкадонинг мактубини қайтадан ўқиди. Элементлар ўртасидаги асосий фарқ... Фарқ... Бизга рақам керак...

– Шошманг! «Фарқ» сўзи ҳам кўп маънога эга. Бизга рақам керак бўлгани учун хозир математикани ҳисоблаяпмиз. Бу Танкадонинг яна бир сўз ўйини. Фарқ айриш маъносида ҳам келади, – хулоса килди Сьюзан.

– Шундай, – Беккер унинг гапларига қўшилди. – Балки элементларнинг қандайдир қисмларида фарқ бордир? Протон ёки нейтронларда? Агар сиз айирсангиз...

– У ҳақ! – деди Жабба ва Сошига қаради. – Сен айтган

харитада қандайдир ракам борми? Протонлар сони қанча?  
Биз айиришимиз мумкин бўлган нимадир?

– Уч дақиқа қолди! – бакирди таниш овоз.

– Критик оғирлиқ... Балки гап элементларнинг критик оғирлиги ҳакидадир... Бу ерда айтилишича, плутонийнинг критик оғирлиги 35.2 фунтни ташкил қиласкан, – тахмин килди Соши.

– Бўлиши мумкин, – Жабба унинг гапини маъқуллади.

– Уранни текшир! Ураннинг критик оғирлиги қанақа экан?

Соши қидиришга тушди.

– Ммм... 110 фунт.

– Бир юз ўн? – Жаббанинг кўзларида умид учқунлади. – 110 дан 35.2 ни айирса неччи чиқади?

– 74,8! – деди Сьюзан ўйлаб ўтирумай. – Лекин менимча...

– Йўлимдан қочинглар! – Жабба шоша-пиша клавиатура томон югурди. – Мана шу қотил код бўлиши керак. Критик оғирликлар ўртасидаги фарқ! Етмиш тўрт бутун ўндан саккиз.

– Шошилманг! – хитоб қилди Сошининг елкаси оша компьютерга тикилган Сьюзан. – Бу ерда бошқа ўлчовлар ҳам бор! Атом массаси. Нейтронлар сони... – У харитани дикқат билан кўздан кечирди. – Уран барий ва криptonга ажralади; плутонийда эса бошқа нарса бор. Уранда 92 та протон, 146 та нейтрон бор, лекин...

– Бизга энг кўзга кўринарли фарқ зарур, – гапга қўшилди Миж. – Ишорада элеметлар ўртасидаги энг асосий фарқ деб ёзилган.

– Худо ҳаққи! – Жабба асаби қайнаб сўкиниб юборди.  
– Биз қаердан биламиз Танкадо қайси фарқни назарда тутганини?

– Умуман олганда, – унинг гапини бўлди Девид, – ишорада бирламчи фарқ назарда тутилган, асосий эмас.

Унинг сўзлари Сьюзаннынг ич-ичида акс садо берди.

– Бирламчи! – деди қиз. – Бирламчи фарқ! – Сўнг Жаббага юзланди: – Қотил сўз тоқ сондан ташкил топган! Бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўринг! Жуда мантикий эшитиляпти!

Жабба бир зум үйлаб тургач, Съюзаннинг хақ эканлигига амин бўлди. Энзай Танкадо ўз карерасини оддий рақамлар устига курган. Барча шифрлаш алгоритмларининг қурилиш блоклари асосини тоқ сонлар ташкил қилади. Бундай бирлик рақамлар ҳамиша код ёзишда фойдаланишига сабаб компьютерлар сонлар дараҳтидан фойдаланиб, тоқ сонларни тахмин қилиб тополмайди.

Соши ҳаяжонланиб қичкирди:

– Тўғри! Жуда мос келяпти! Бирлик сонлар ҳатто япон маданиятида ҳам муҳим саналади! Масалан, хайку тоқ сонларга асосланади – беш, етти ва беш қатордан иборат учта банддан иборат. Ҳаммаси тоқ рақам. Яна Киотодаги ибодатхоналар ҳам...

– Етарли! – деди Жабба. – Қотил код тоқ рақамдан иборат бўлган тақдирда ҳам, биздаги беҳисоб варианtlар камайиб қолмайди!

Жаббанинг гапи тўғри эди. Рақамлар саноғининг охири йўқлиги туфайли тоқ сонларни ҳам бутунлай ҳисоблаб чиқиб бўлмасди. Нолдан миллионга қадар етмиш мингдан ошиқ тоқ сон бўлиб, Танкадо қайси сонни қўллаганини топиш жуда мушкул эди. Рақам қанча катта бўлса, уни топиш ҳам шунча қийин бўлади.

– Танкадо танлаган рақам жуда узун бўлса керак! – қовоғини уйди Жабба.

– Икки дақиқалик огоҳлантириш! Вактимиз тугаяпти! – хонанинг орқасидан навбатдаги огоҳлантириш қичкириги янгради.

Жабба қўрқинч билан кўргазмали тақдимотга қаради. Охирги ҳимоя қобиги ҳам нурашни бошлаганди. Техник ходимлар ҳар томонга шошилиб, нимадир қилишга уринарди.

Съюзаннинг ички овози жавобга яқин қолганини уқтириди.

– Биз буни уddyлай оламиз! – деди қиз ишонч билан, вазиятни қўлга олиб. – Уран ва плутоний ўртасидаги фарқларининг биттасигинада бошланғич фарқ бўлиши мумкин. Гаров ўйнайман! Бу охирги ишора. Биз қидираётган рақам тоқ сон!

Жабба экрандаги уран ва плутоний тасвири туширилган харитага тикилиб, ноумид овозда деди:

– Бу ерда юзлаб маълумотлар турибди. Улар орасидан керакли сонни ажратиб ололмаймиз!

– Кўплаб маълумотларда ракам йўқ, – одамларни рухлантирди Сьюзан. – Биз уларни ташлаб ўтиб кетамиз. Уран табиий, плутоний эса сунъий элемент. Уран милтиқ механизмли детонатордан фойдаланади, плутонийга эса портлаш зарур. Бу маълумотларда ҳеч қандай сон иштирок этмагани сабаб эътибор беришимиз шарт эмас.

– Ишга киришинглар! – буйруқ берди Фонтеин. VR’да сўнгги хавфсизлик қопламаси ингичкалашиб бораётгани акс этарди.

Жабба қошларини чимириди.

– Ҳа майли! Бундан ҳеч нарса чикмайди барибир. Ажратишни бошладик. Мен энг тепадаги ўн бешта бандни оламан. Сьюзан, сиз ўртадаги маълумотлар билан ишланг! Колганлар эса пастдаги пунктлар билан шуғуллансин. Биз энг бирламчи фарқни кидиряпмиз!

Бир неча сония ўтгач, тўпланганларнинг ҳеч бири бу ишни амалга ошириб бўлмаслигини тушуниб етди. Рақамлар жуда кўп эди, кўпгина ҳолларда чиккан натижалар бирликларга мос келмасди.

– Биз ҳозир ошқовоқдан апельсин шарбатини сиқиб олишга уриняпмиз, – деди Жабба. – Ҳозир электромагнит тўлқинларига қарши гамма нурлари, бутун сонларга қарши қолдикли рақамлар турибди. Ҳаммаёқ аралаш-қуралаш бўлиб кетган!

– Жавоб шу ерда бўлиши керак, – қатъият билан деди Сьюзан. – Фақат яхшилаб ўйлашимиз зарур. Биз кўздан қочираётган қандайдир фарқ бор. Жуда оддий фарқ!

– Одамлар... – чақирди Соши. У «қонундан ташқари лаборатория» ҳужжатлари ичидаги яна бир бошқа файлни ўрганаётганди.

– Нима гап? – сўради Фонтеин. – Бирор нарса топдингизми?

– Ммм, шунақароқ, – киз хавотирланиб жавоб берди. –

Нагасакида портлатилган бомба плутоний бомбаси эканини айтганим эсингиздами?

– Ҳа, – жавоб берди ҳамма бир овоздан.

– Хўш... – Соши чуқур нафас олди. – Мен адашганга ўхшайман.

– Нималар деяпсан? – Жаббанинг нафаси ичига тушиб кетди. – Биз шунчадан бери бошқа нарсани қидирайпмизми хали?

Соши экранга имо қилди. Йиғилганлар девордаги матнни ўқий бошлади:

*Нагасаки бомбаси плутонийдан тайёрланган деган хато тушунча мавжуд. Аслида бу бомба ҳам Ҳиросима бомбасининг эгизак синглиси каби урандан ташкил топган...*

\* \* \*

– Лекин... – ҳайрон бўлди Сьюзан, – иккала элемент ҳам уран бўлса, қанақасига улар ўртасидаги фарқни топишимиз мумкин?

– Балки Танкадо адашгандир? – тахмин қилди Фонтейн.

– Балки у бомбалар таркиби бир хил бўлганини билмагандир.

– Бўлиши мумкин эмас! – Сьюзан бу тахминни рад этди.

– Танкадо айнан мана шу бомбалар сабаб мажруҳ бўлиб қолган. Бу ҳақдаги фактларни сув қилиб ичиб юборганди у.

## **Бир юз йигирма олтинчи боб**

– Сүнгги қобиқ йўқ бўлишига бир дақиқа қолди!

Жабба важоҳат билан экранга тикилди.

– РЕМ ваколатлаш қобиғи жуда тез емириляпти. Охирги ҳимоя чизиғида минглаб акулалар тайёр турибди.

– Ишга қайтинглар! – буйруқ берди Фонтеин.

Браузер олдида ўтирган Соши баланд овозда ўқий бошлади:

*Нагасаки бомбаси plutонийдан эмас, сунъий ишлаб чиқарилган, атом массаси 238 бўлган уран изотопидан ясалган.*

– Жин урсин! – сўкинди Бринкерхоф. – Иккала бомба ҳам урандан ясалган. Ҳиросима ва Нагасаки учун жавобгар элементларнинг иккаласи ҳам уран. Улар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ!

– Тамом бўлдик, – Мижнинг пичирлаган овози эшитилди.

– Шошманг, – деди Сьюзан. – Охирги кисмни қайта ўкинг!

Соши матнни қайтарди:

– Сунъий ишлаб чиқарилган, атом массаси 238 бўлган уран изотопидан фойдаланган...

– 238?? – Сьюзан ўйланиб қолди. – Ҳозиргина Ҳиросима ҳақида ўқиганимизда, уранлар изотопи ҳақида бошқа нарсани ўқимадикми?

Тўпланганлар бир-бирига савол назари билан қаради. Соши матннинг бошланиш қисмига қайтиб, керакли нуқтани топди.

– Тўппа-тўғри! Бу ерда айтилишича, Ҳиросимадаги бомбада ураннинг бошқа изотопидан фойдаланилган экан.

Миж оғзи очилиб қолди.

– Уларнинг иккаласи ҳам уран, лекин ҳар хил уран!

– Изотоплар ўртасидаги фарқ нима экан? – сўради Фонтеин терга ботиб. – Жуда оддий нимадир бўлиши керак!

– Ҳозир... Бир сония... Қааяпман... Яхши... – Соши хужжатни текширди.

– Қирқ беш сония! – қичкириқ эшитилди.

Сьюзан тақдимотга қараб, сүнгги ҳимоя қобиғи деярли күздан ғойиб бўлганини кўрди.

– Топдим! Топдим! – қувонч билан хитоб қилди Соши.

– Ўки! Тез бўл! – шоширди қора терга ботиб кетган Жабба.

– Нима экан фарқ? Иккаласининг ўртасида қанақадир фарқ бўлиши керак!

– Шундай! – Соши экранга ишора қилди. – Қаранглар! Ҳамма матнни ўқиди.

*Иккала бомбада турлича моддадан фойдаланилган...*

*Деярли бир хил кимёвий маркибга эга бўлган... Оддий*

*кўз билан қараб, бу икки изотоп ўртасидаги фарқни*

*топиб бўлмайди. Массасидаги жуда кичик фарқни*

*ҳисобга олмагандা, улар бир хил эди.*

– Атом массаси! – қичкирди Жабба ҳаяжонланиб. – Жавоб мана шу. Моддалар ўртасидаги фарқ уларнинг оғирлиги. Менга тезда массаларни айтинг, уларни ажратамиз!

– Ҳозир! – деди Сьюзан матннинг пастрогини кўздан ке-чириб. – Мана топилди!

Нигоҳлар яна экранга қаратилди.

*...уларнинг оғирлигидаги фарқ жуда кичик...*

*...газ диффузияси уларни ажратади...*

*...10,032498X10<sup>134</sup> ва 19,39484X10<sup>23</sup>*

– Мана улар! – тантанали деди Жабба. – Мана шу оғирликлар!

– Ўттиз сония!

– Ишга киришинглар! – пичирлади Фонтейн. – Уларни бир-биридан айиринг! Тез бўлинг!

Жабба калкуляторга ёпишди.

– Тушунмадим... – ажабланди Сьюзан. – Юлдузча нега керак? Рақамлардан кейин юлдузча бор экан!

Жабба унга эътибор қилмай, калкуляторга рақамларни киритишда давом этди.

– Эҳтиёт бўлинг! – огохлантирди Соши. – Бизга аниқ рақам керак.

– Юлдузча, – такрорлади Сьюзан. – Бу изох.

Соши матннинг охирини экранга чиқаргач, Сьюзан юлдузчали изохни дикқат билан ўқиб чиқди.

– Худойим...

Жабба унга тикилди.

– Нима бўлди?

Тўпланганлар митти изохга қаради.

\* 12 фоиз хатолик бўлиши мумкин. Келтирилган қийматлар лабораторияларга қараб фарқланади.

## **Бир юз йигирма еттинчи боб**

Подиумдагилар ўртасига машъум сукунат чўқди. Улар вулқон отилишини томоша қилаётгандек қотиб туришарди. Вакт тўхтаб қолгандек эди.

– Биз сўнгги қобиқни ҳам йўқотяпмиз! – умидсиз қичқирди техник. – Акулалар! Ҳамма жойда!

Экраннинг чап тарафида Беккер, агент Смит ва агент Колиандер ранги ўчиб, киприк қоқмай экранга қараб туришарди. VR’даги охирги қобиқдан атрофи кора аклулалар билан ўралган жуда ингичка кумуш чизик қолган эди. Ўнг ёнда эса кўксини чанглаб ётган Энзай Танкадо кўринарди.

Дикқат билан Танкадонинг кўзларига тикилган Сьюзан ундаги афсус аломатини кўрди. «У ҳеч қачон бундай бўлишини истамаган», – деди қиз ичидা. – У бизни асраб қолиши хоҳлаган”.

Девид Беккернинг мияси қайнаб кетди. У пичирлади:

– Изотопларни нима дейишди? Уран 238 ва уран...

– Акулалар хужумга тайёрланяпти!

– Ё Парвардигор! – бақирди Жабба ўзини қўярга жой топлмай. – Қандай қилиб бу лаънати изотоплар фарқланиши мумкин?

Бу саволнинг жавобини ҳеч ким билмасди. Ёрдам беришга ожиз қолган техник ходимлар VR’дан кўз узмасди. Жабба мониторга ўгирилиб, кўлларини силкиди:

– Керак бўлганда бирорта ҳам физик топилмайдия!

\* \* \*

Сьюзан экранга қараб, қайта-қайта ўлаётган Танкадони дикқат билан кўздан кечирарди. Дастурчи мажруҳ қўлларини кўтариб, нимадир демоқчи бўляпти – у мулокот қилмоқчи.

– Ишончим комил, Танкадо маълумотлар омборини сақлаб қолишга уриняпти, – шивирлади қиз. – Лекин қандай – буни ҳеч қачон билолмаймиз.

– Акулалар база остонасида турибди!

Жабба экранга қаради, сўнгги кумушсимон чизик ҳам гойиб бўлиб, акулаларни ифодаловчи кора чизиклар база-

нинг атрофини ўраб олди. Улар хужумга шай турарди. Фон-тейн кўзларини экранга тикиб котиб қолганди. Миж эса нигоҳини четга бурди, Бринкерхоф ҳозир хушидан кетадигандек мадорсиз.

– Ўн сониядан кейин базага хужум бошланади!

Съозан нигоҳини Танкадодан узмади. Ачиниш! Афсус! Унинг қўллари қайта-қайта нотаниш одамнинг юзига узатилди, узук Қуёш нурида ялтиради. У нимадир деяпти? Нима деяпти?

Девид чукур ўйлар оғушида эди.

– Фарқ, – у пиҷирлашда давом этди. – Уран 238 ва уран 235 ўртасидаги фарқ... Қандайдир жуда оддий фарқ!

Техник ходим санашни бошлади:

– Беш! Тўрт! Уч!

Шу он Девиднинг устидан совуқ сув куйиб юборилгандек бўлди. Унинг дунёси тўхтаб қолди. Уч... Уч... 238 дан 235 ни айирсак... Фарқ уч! Девид микрофонга қуюндеқ отилди.

Айни дамда Танкадонинг чўзилган кўлига тикилиб турган киз узукни кўрди... Ўйиб битик туширилган узук ялтираб турарди... Унинг бармоклари... Уч дона бармок... Съозаннинг бошига гурзи тушгандек бўлди. Гап узукда эмас... Танкадо уларга узукни олишни айтмаяпти. Танкадо кўрсатяпти. У ўз сирини айтмоқда, калит сўзни кимдир тушуниб қолар деган умидда бармокларини кўрсатяпти... у яширган сири МҲАга вактида етиб боришидан умидвор.

– Уч! – шивирлади Съозан.

– Уч! – қичкирди Девид Испаниядан туриб.

Лекин тўс-тўполонда уларга ҳеч ким эътибор қилмади.

– Биз тамом бўлдик! – қичкирди техник ходим.

VR ўчиб-ёна бошлади, бош устидаги сиреналар чинқириб юборди.

– Маълумотлар тарқалишни бошлади!

– Акулалар ҳар томондан базага боситириб кирмокда!

Съозан Жаббанинг клавиатураси томон югорди. Ўгирилган вактда унинг нигоҳи экрандаги суюклигига тушди. Девиднинг овози янгради:

– Уч! 235 ва 238 ўртасидаги фарқ уч!

Хонадагилар экранга қаради.

– Уч! – кичқирди Сьюзан техникларга қараты қулокни коматта келтирувчи сиреналар остида. У экранга ишора қилди. Ҳамманинг нигоҳи Севилья офтоби остида силкинаётган Танкадонинг учта бармоғига қаратилди.

Жаббанинг ранги օқариб кетди, у ниҳоят мажрух даҳо калит сўзни айтишга уринганини англади.

– Уч бу Бирламчи фарқ! – хитоб қилди Соши. – Уч ток рақам!

Фонтейн ишонқирамай деди:

– Шунчалик оддий бўлиши мумкинми?

– Маълумотлар ҳужум остида! – бақирди техник ходим.

– Жуда тез таркалиб кетяпти!

Подиумдаги ҳамма бараварига қўлларини чўзганча компьютерга отилди. Сьюзан биринчи бўлиб етиб келиб, клавиатурада З рақамини терди. Ҳамма экранга тикилди.

*Калит сўзни киритинг: 3*

– Ҳа! – буйруқ берди директор. – Ҳозироқ киритинг!

Сьюзаннинг нафаси ичига тушиб, бармоғини Энтер тугмасига олиб келди. Компьютер биппиллаган овоз чиқарди.

Ҳеч ким жойидан қимиirlамади.

Уч сония ўтди. Ҳеч нарса юз бермади.

Сиреналар чинқиришда давом этди.

– Маълумотлар ҳамон тарқалмоқда!

– Ўзгариш йўқ!

Кутимагандаги Миж юқоридаги экранни қўли билан кўрсатди:

– Қаранглар! Қаранглар!

Экранда янги хабар пайдо бўлганди.

*Қотил код қабул қилинди*

– Ҳимоя деворларини қайта тикланг! – буйруқ берди Жабба.

Соши ундан бир қадам олдинда эди – у аллақачон буйрукни киритиб бўлганди.

– Маълумотлар тарқалиши тўхтади, – хурсандчилик билан кичқирди техник ходим.

– Акулалар ҳужуми қайтарилди!

Тепадаги VR’да ҳимоя қобиклари қайтадан намоён бўла бошлади. Базага ҳужум килаётган қора чизиклар эса орқага чекинди.

– Қайта тикланяпти! – деди Жабба. – Жин ургур ҳимоя қобиклари қайта тикланяпти!

Тўпланганлар ҳавф ортда қолганига ишонолмасди. Иккинчи қобик VR’да кўринди, сўнг учинчиси... Орадан озги на вакт ўтиб, барча ҳимоя қобиклари қайта тикланди. Маълумотлар базаси яксон бўлишдан сақлаб қолинган эди.

Хона ларзага келди. Ғалаба! Техник ходимлар хурсандчиликдан бир-бирини қучоқлашар, қоғоз уюмларини ҳавога улоқтиришарди. Сиреналарнинг овози ўчди. Бринкерхоф Мижнинг қўлидан ушлаб, маҳкам тутди. Сошининг кўзларига ёш тўлди.

– Жабба, – сўради қовоғи очилмаган Фонтейн. – Улар қанча маълумот олишга улгурди?

– Жуда кам, – деди Жабба экранига қараб. – Деярли ҳеч нарса!

Бу хабардан сўнг ниҳоят Фонтейннинг юзига табассум югурди. У Сьюзан Флетчерни қидириб атрофга аланглади. Қиз аллақачон хонанинг олд тарафидаги девор томон кетаётганди. Экранни Девид Беккернинг юзи тўлдирган эди.

– Девид?

– Салом, ёқимтой! – жилмайди Девид.

– Уйга келинг, – деди қиз, – ҳозироқ уйга келинг!

– Сен билан Стоун Мейнорда кўришамиз, – йигит кўзини қисди.

Сьюзан бош ирғади, унинг кўзларидан ёш оқа бошлади.

– Келишдик!

– Агент Смит! – чақирди Фонтейн орқадан.

Беккернинг ортида Смит кўринди.

– Эшитаман, Жаноб.

– Жаноб Беккернинг муҳим учрашуви борга ўхшайди.

Уни зудлик билан уйга олиб кела оласизми?

**Смит бош ирғади.**

– Самолётимиз ҳозир Малагада. – У Беккернинг елкасига қоқиб сўради: – Профессор, ҳеч Learjet 60 да учганимисиз?

**Беккер илжайди:**

– Кечадан бери учганим йўк!

## Бир юз йигирма саккизинчи боб

Сьюзан кўзларини уйқудан очганида чараклаб нур сочайтган Қуёшнинг майин шуълалари пардалар орасидан пар ёстиғига тушиб турарди. У Девидни қидирди. «Мен туш кўряпманми?» Ўтган тун воеаларидан кейин қизнинг боши ҳамон айланадаётган эди.

– Девид? – ингради у.

Ҳеч ким жавоб бермади. Қиз ёнига қаради. Девиднинг ўрни совуқлиги суюклиси ёнида эмаслигини билдирарди.

«Мен туш кўряпман», ўйлади Сьюзан. У ўрнига ўтириди. Викториан услубида безатилиб, ҳамма жойи антиқавор мебель билан тўлдирилган хона Стоун Мейнордаги энг яхши номерлардан бири эди. Қизнинг тунги халати хона ўртасида ги полда ётар... ич кийими эса ёнидаги қиролича Анна креслосига илинганди.

Девид ростдан ҳам келдими кеча? Қизнинг миясида кечаги хотиралар гавдаланди – иккисининг бирлашиб кетган бадани... севгилисининг ёноғига теккан қайнок бўсаси... Наҳотки, ҳаммасини тушимда кўрган бўлсан? Сьюзан ёнидаги столга ўгирилди. Унда шампан виносининг бўш идиши, иккита фужер ва... мактуб бор эди.

Қиз кўзларини ишқалаганча ўрнига жойлашиброқ ўтириб олди ва хабарни ўқий бошлади:

*Қадрли Сьюзан,  
Мен сени севаман.  
Мумсиз, Девид.*

Қизнинг юзи севинчдан ял-ял ёниб кетди ва у номани бағрига босди. «Демак, туш кўрмабман... Девид келган... Мумсиз...» Бу қиз ҳалигача ечолмаган кодлардан бири эди.

Шу вақт бурчакдан шитирлаган товуш эшитилди. Сьюзан ўша томонга қаради. Кенг диванда калин чойшабга ўрагиб олган Девид Қуёш нурлари остида қизни жим кузататётганди. Сьюзан қўли билан йигитни имлаб ёнига чақирди.

– Мумсиз? – мулоийим овозда сўради қиз, йигитнинг пинжига тикиларкан.

– Мумсиз! – жилмайди Девид.

Киз уни қаттиқ ўпди.

– Бунинг маъносини менга айтинг!

– Ҳеч қачон, – кулди йигит. – Жуфтликлар ўртасида ҳам сир бўлиши зарур. Шунда муносабатлар жуда қизиқарли бўлади.

Сьюзан айёрик билан илжайди:

– Агар кечагидан ҳам қизиқарлиқроқ бўлса, мен ортиқ юролмай қоламан!

Девид қизнинг кўлларидан тутди. У ўзини жуда енгил хис этарди. У кеча ўлим билан юзлашди, аммо ҳозир тирик эди, суюкли ёрининг кўлларидан тутиб, баҳтдан сармаст ҳавони симириб нафас олмоқда эди.

Сьюзан бошини йигитнинг кўксига босиб, юрак уришини тинглаб ётарди. Қиз Девиднинг ўлимига ишонганини эслаб, ўзини ғалати хис этарди.

– Девид, – хўрсинди қиз, столдаги мактубга кўз ташлаб.

– Менга мумсиз ҳақида айтинг. Биласизку, еча олмайдиган кодларимни ёмон кўраман.

Девид жимликни сақлади.

– Айтинг менга! – талаб қилди Сьюзан. – Акс ҳолда мени қайтиб кўрмайсиз.

– Алдоқчи!

Киз уни ёстиқ билан урди.

– Айтинг дедим! Ҳозироқ!

Девид ҳеч қачон айтмаслигини қиз яхши биларди. «Мумсиз»нинг ортига яширган сир жуда ширин бўлиб, жуда қадим тарихга бориб тақаларди. Ренессанс даврида кимматбаҳо мармардан санъат асари ясаётган вақтида хатога йўл кўйган испан ҳайкалтарошлари ўзларининг хатоликларини «сера» – маҳсус мум билан яширишган. Замонлар ўтгач, бу ибора тўғрилик ва самимийликни ифодалаш учун ишлатила бошланган. Инглизча «*sincere*» – «самимийлик» аслида испанча «*sincera*» – «мумсиз» деган сўздан келиб чиққанди. Девиднинг маҳфий кодида аслида ҳеч қандай буюк сир йўқ эди – у ўз мактубларини оддийгина қилиб «самимийлик билан» деб имзолаётган эди холос. Бу митти сир Сьюзанни ҳай-

рон қолдиришига шубҳаланиб, Девид уни маҳфий сақлашга қарор қилганди.

– Билганингда жуда мамнун бўласан, – деди Девид мавзуни ўзгаришига уриниб. – Уйга қайтаётганимда университет ректорига қўнғироқ қилдим.

Сьюзанинг кўзларида умид учқунлари кўринди.

– Кафедра мудирлигидан истеъфога чикяпман деб айтинг!

Девид бош ирғади:

– Келаси чоракдан яна аудиторияда маъруза қилиш билан машғул бўламан.

– Ўз жойингизга қайтганингиз билан табриклайман! – Сьюзан енгил тортди.

Девид жилмайди:

– Ҳа, ростини айтганда, Испания менга бу дунёда нима муҳим эканлигини эслатиб қўйди.

– Ҳамкасб аёлларнинг юрагини парчалашними? – Сьюзан унинг ёноғидан бўса олди. – Нима бўлмасин, мақолаларимга ёрдам бериш учун вақтингиз бўлади!

– Мақолалар?

– Аҳа. Мен уларни чоп этишга қарор қилдим.

– Чоп этиш? – Девид ишонкирамади. – Нимани чоп этиш?

– Квадрат қолдиқлар ва вариант протоколлар ҳақидаги айrim фикрларимни.

Девид кулди:

– Ҳақиқий бестселлер асарга ўхшайди!

– Ўқиганингизда лол қоласиз! – жавобан кулди Сьюзан.

Беккер чўнтагини кавлаб, кичкина буюм чиқарди.

– Кўзларингни юм! Менда сенга аталаган бир нима бор!

Сьюзан кўзларини юмди.

– Тахмин қилишга рухсат этинг. Менимча, атрофига лотинчада битиклар ўйилган тилла узук, шундайми?

– Йўқ, – қиқирлади Беккер. – Мен узукни Фонтейнга қайтариб бердим. – У Сьюзанинг кафтидан тутиб, бармоғига ниманидир киргизди.

– Ёлғончи. – күлди қиз, күзларини очаркан. – Мен билгандым...

Лекин Сьюзан гапини тугатолмади. Унинг бармоқларида Танкадоники эмас, аксинча, марказига ярақлаётган олмос ўрнатилган платина узук турарди.

Сьюзаннинг нафаси ичига тушиб кетди.

Девид унинг күзларига тик қараб, сўради:

– Менга турмушга чиқсанми?

Кизнинг томоғига нимадир тиқилди. У бир узукка, бир Девидга қааркан, күзларига ёш тўлди.

– Ох, Девид... Мен нима дейишни ҳам билмайман.

– Розиман деб айт!

Сьюзан юзини четга буриб, бир сўз демади.

Девид кутди.

– Сьюзан Флетчер, мен сени севаман. Менга турмушга чиқ.

Сьюзан бошини кўтарди. Унинг күзлари ёш билан лим тўлганди.

– Мени кечиринг, Девид, – шивирлади қиз, – лекин... мен...

Кизнинг кутилмаган жавобидан Девид довдираб қолди. У қизнинг күзларидан ўзи кутган қувонч жилваларини қидирди, лекин улар кўринмасди.

– Сьюзан... – дудукланди йигит. – Мен... мен тушунмаяпман.

– Мен сизга турмушга чиқолмайман, – қайтарди Сьюзан юзини ўгириб. Унинг елкалари титрай бошлади, у юзларини кўли билан тўсди.

Девид ақлдан озаёзди.

– Аммо, Сьюзан... Мен ўйлагандимки... – у қизнинг титраётган елкаларидан тутиб, ўзига қаратди ва Сьюзан Флетчер йифламаётганини, аксинча, кулаётганини тушунди.

– Мен сизга турмушга чиқмайман! – қах-қах урди қиз қайтадан ёстиқ билан йигитга ҳужум қилиб. – «Мумсиз»-нинг маъносини тушунтирмагунингизча сизга турмушга чиқмайман! Сиз мени ақлдан оздирасиз!

## Хотима

«Үлім барча сирларга ойдінлик кирилади». Токуген Нұматака бу сүзлар қанчалар ҳақиқат эканлигини жуда кеч аңглади. У Осака аэропортынинг божхона залида күксини чангллаганча бир умр бехабар юрган сирининг аччик таъмини тотаётганди. Нұматаканинг дини ҳамиша үзаро мухаббат, яқынликка даъват этса ҳам, у ҳеч качон динга вакт ажратмаган. Муқаддас китобларга бир кур назар ташлашга имкон топганида, балки ҳозирги ахволига тушмаган бўлармиди...

Божхона ходимлари Нұматакага туғилганлик ҳақидаги гувохнома ва бола асраб олингани тўғрисидаги хужжатлар солинган конвертни топшириб, изоҳ беришди:

– Сиз бу боланинг ягона қариндошисиз. Биз сизни тошишга жуда кўп вакт сарфладик...

Шунда Нұматаканинг хаёли узок ўтмишга, ўттиз икки йил олдинги ёмғирли тунга, туғрукхона залига, жон талвасасида ётганида тарқ этилган рафиқаси ва мажрух холида дунё юзини кўрган боласига қайтди. Ўша дамда Нұматакани оиласини ташлаб кетишига мажбур қилган мен бор-ку – шон-шараф ҳисси – ҳозир бир тийинга қиммат арзимас тушунчага айланганди унинг учун.

Хужжатлар ичida Нұматака тушунмайдиган тилда қандайдир белгилар ўйиб ёзилган тилла узук чиқди. Лекин энди бу ҳеч нарсани ҳал қилмайди – бундан буён сўзлар Нұматакага бирор маъно англатмайди. У 32 йил муқаддам ягона ўғлидан воз кечиб, кечириб бўлмас хатога йўл кўйди. Ва энди, орадан 32 йил ўтиб, бешафқат тақдир ота-болани қайта учраштиргач, сўқир падар машъум қилмишининг аламли жазоси сифатида жувонмарг бўлган фарзандининг азобли хотирасини умрбод елкасида кўтариб яшашга маҳкум этилди.

**УЎК 821.111(73)-31**

**КБК 84(7АҚШ)**

**Б-91**

Браун, Ден.

Рақамли қалъа [Матн] : роман / Д. Браун ; таржимон О. Гуломова. - Тошкент : NIHOL, 2019. - 480 б.

**УЎК 821.111(73)-31**

**КБК 84(7АҚШ)**

**ISBN 978-9943-23-148-1**

Ден Браун

# **Рақамли қалъа**

**Таржимон:** Гуломова Орифа Рустамжоновна  
(Инглиз тилидан ўзбек тилига тўгридан-тўгри)

## **Иккинчи нашр**

**Бош муҳаррир:** М. А. Нурмуҳамедова

**Муҳаррир:** Э. Э. Асанов

**Мусахҳиҳлар:** Э. Асанов,  
О. Бекмуродов,  
Ү. Толибжонов,  
М. Фафуров,  
М. Нурмуҳамедова

**Дизайнер ва саҳифаловчи:** Н. Фармонов

**Техник муҳаррир:** Б. Нурмуҳамедов

Нашриёт лицензияси AI № 219, санаси: 3.08.2012 йил.

Босишга 28.03.2019 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Офсет қофози. Офсет босма.

Times New Roman гарнитураси. Кегль 11.

Шартли босма табоби 25.2. Босма табоби 15.

Адади 3000 нусха. Буюртма №218.

«Offset print» МЧЖ босмахонасида босилди.

Босмахона ва нашриёт манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,

Махтумқули, 1-й. Тел.: 71-249-90-14.

Күлингиздаги китоб жаҳон адабиётининг энг зўр асарларини

таржима қилишга йўналтирилган лойиҳамиз доирасида чоп этилган.

Ушбу китоб **Жорж Оруэлл**нинг «1984» романидан сўнг  
лоийха доирасида нашр қилинган иккинчи китобдир.

Лойиҳа доирасида келажакда қуидаги китоблар чоп этилади:

1. Уолтер Айзексон - Стив Жобс
2. Ўрхан Памук - Менинг исмим  
қирмизи
3. Ден Браун - Келиб чиқиш
4. Грегори Давид Робертс -  
Шантарем
5. Александро Барикко - Ёш келин
6. Кел Нюорт - Диққатни жамлаб
7. Малкольм Гладуэлл - Генийлар ва  
аутсаидерлар
8. Айн Ренг- Атлант елка  
қоқканда
9. Сэр Алекс Фергюсон - Лидерлик
10. Эшди Венс - Илон Маск. Tesla,  
Space X ва келажак сари йўл
11. Дункан Кларк - Alibaba.  
Жек Манинг муваффақият тарихи
12. Жорж Оруэлл - Молхона
13. Генри Форд - Менинг ҳаётим,  
менинг муваффақиятим
14. Пауло Коэльо - Шайтон ва  
Прим хоним
15. Стиг Ларссон - Аждаф  
татиуровкали қиз

NIHOL

ISBN 978-9943-23-148-1



9 789943 231481